

Николай Носов  
**БИЛМАСВОЙ  
БИЛАН  
ДЎСТЛАРИНИНГ  
БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ**



**БИЛМАСВОЙ  
ҚУЁШ ШАҲРИДА**

Эртак — роман

ТОШКЕНТ  
Ғафур Ғулум номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1987

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

С. Аҳмад  
Ф. Мусажонов  
Қ. Муҳаммадий  
П. Мўмин  
Ҳ. Назир  
А. Обиджон  
Х. Тўхтабоев  
Н. Фозилов  
Л. Қаюмов

Пўлат Мўмин таржимаси  
Сўзбоши муаллифи Раҳматулла Баракаев

Р 2  
Н 80

Носов Н.

Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари. Билмасвой қуёш шаҳрида: Эртак роман (Редколл.: С. Аҳмад ва бошқ.:) П. Мўмин тарж.; Сўзбоши муаллифи Р. Баракаев.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.— 304 б.

Машҳур рус совет ёзувчиси Николай Носовнинг «Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари» романи жаҳон болаларининг энг сеvimли китобларидан бирига айланиб қолган. Ушбу жилдага адибнинг «Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари» ҳамда «Билмасвой қуёш шаҳрида» романлари киритилди.

Носов Н. Приключения Незнайки: Сказка-роман.

4803010102—48  
Н \_\_\_\_\_ 128—87  
М 352 (04)—87

Р 2

© Фафур Гулои номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й. (Безаклар, сўзбоши).

## НИКОЛАЙ НОСОВ ВА УНИНГ «БИЛМАСВОЙ»И ҲАҚИДА

1957 йилги «Курьер Юнеско» журналида асарлари 1955 йилда чет тилларга кўплаб таржима қилинган ёзувчилар ҳақидаги маълумотлар эълон қилинади. Маълум бўлишича, барча рус ёзувчилари орасида Николай Носов Максим Горький ва Александр Пушкиндан кейин учинчи ўринда турар экан. Бу кўпчилик учун қутилмаган ҳол эди, аммо фактлар ўжар нарса, уларни рад этиб бўлмади. Аслида эса бу «қутилмаган» рақамлар адабиёт майдонида яқиндагина кириб келган ёш қаламкаш таланти қудратининг тўла тан олинishi ва унинг ижодига бўлган қизиқиш бутун ер юзида тобора кучайиб бораётганлигидан далолат берарди. Ҳолбуки, Николай Носовнинг биринчи ҳикояси 1938 йилда, биринчи мўъжаз китобчаси эса 1945 йилда чоп этилган эди.

Николай Носовнинг адабиётга кириб келиши жуда қизиқ, ҳатто баъзиларга тасодифий туюлиши ҳам мумкин. У қарийб йигирма йил — 1932—1951 йиллар кино соҳасида ишлайди. Режиссёр сифатида кўплаб муьлтфильмлар, илмий ва ўқув фильмларини яратади. Улуғ Ватан уруши даврида суратга олган ҳужжатли фильмлари учун 1943 йилда Қизил Байроқ ордени билан ҳам мукофотланади. Уни ёзувчи сифатида «қайта тугилиш»га, ўзлигини қайта танишга олиб келган нарса эса оддийгина ҳаётий зарурат — тобора ўсиб бораётган ўғлининг янги эртақлар эшитишга бўлган кучли иштиёқи эди. Шуниси қизиқки, кўплаб машҳур ёзувчилар ўзларининг адабиётга кириб келишларига ёшликларида эшитган эртақлари сабаб бўлганлигини айтадилар. Масалан, А.С.Пушкиннинг шоир бўлишида энагаси Арина Родионовнадан эшитган эртақларининг таъсири бениҳоя катта бўлса, Ҳамид Олимжоннинг:

Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртақ эшитгандим,  
Сўйлаб берарди бувим...—

деган сатрлари шоирнинг иқрори сифатида маълум ва машҳурдир. Николай Носовнинг ёзувчи бўлишида ҳам ўғли учун яратган эртақлари етакчи мавқе касб этар экан, бу унинг адабиётга кириб келишида халқ оғзаки ижодининг таъсири улканлиги исботидир. Демак, халқ оғзаки ижоди ҳар учала ҳолда ҳам бўлажак ёзувчилар иқтидорининг маълум қирраларини чархлаган, таъбир жоиз бўлса, уларда ижод қилиш туйғусини уйғотган экан.

Николай Носовнинг ҳаёт йўли ҳам қизиқарлилиги билан диққатни жалб этади. У 1908 йилнинг 23 ноябрида Киевда актёр оиласида дунёга келади. Бўлғуси ёзувчи дастлаб созаида бўлишни (камида Паганини даражасида) орзу қилади, аммо кейинчалик скрипкадан совиб, кимёга жиддий қизиқиб қолади ва политехника институтининг кимё факультетига киришга тайёрланади. Охириги дақиқаларда кимёдан ҳам воз кечиб, Киев бадийий санъат институтига ўқишга қиради ва... Москва кинематография институтини тугаллайди.

Болалар Николай Носов билан бўладиган ҳар бир учрашувда ундан ўз ҳаёти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилар эдилар. Шу сабаб бўлиб «Қудуқ тубидаги сир» номли автобиографик қисса майдонга келади. Афсуски, муаллиф бу охириги асарининг нашр қилинганлигини кўролмади. Қисса ёзувчи вафотидан кейин, 1978 йилда чоп этилди. Бу асар адиб ижодидаги янги бир босқич, янгича кўриниш эди. Гап шундаки, ёзувчининг илгариги биронта асарида ҳам қаҳрамоннинг бунчалик узоқ даври (уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган) ҳаёти қаламга олинмаган эди. Масалан, «Коля Синициннинг кундалиги»да Колянинг икки ой давомидаги ҳаёти кунма-кун тасвирланади. «Витя Малеев мактабда ва уйда» асаридаги воқеалар ҳам куздан баҳоргача, дярли кунма-кун кечади. Автобиографик қисса эса болаликни эслаш натижаси ўлароқ майдонга келган,

унинг бош қаҳрамони ҳам муаллифнинг ўзи, шунинг учун у хотирасида яхшироқ сақланиб қолган воқеаларнигина тўлиқ тасвирлайди, қолганларини эса йўлакай эслайди.

Николай Носовнинг деярли барча асарлари умумсовет болалар адабиёти хазинасидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Аммо адибга катта шухрат келтирган, номини бутун ер юзига танитган асари Билмасвой ҳақидаги асарлари бўлди.

Билмасвой ва унинг дўстлари митти болакайлар, митти қизалоқлар, яъни миттивойлар ва миттиойлардир. Жаҳон адабиёти тарихида эса бундай ғайритабиий қаҳрамонларга мурожаат қилиш ҳам аслида янгилик эмас. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, эъза адабиётга ғайритабиий одамлар, ҳайвонлар, қушлар ва бошқа турли афсонавий маҳлуқлар асосан халқ оғзаки ижоди орқали кириб келади. Масалан, скандинав эртакларидаги эльфлар, немис эртакларидаги гномлар, кўплаб халқлар эртакларидаги жимит бола — Нўҳот полвон, итальян эртакларидаги пиёз бола — Чипполино, ёғоч бола — Пиноккио, ўзбек халқ театри — «чодир хаёл» ўйини қаҳрамони, ёғоч бола — Качал полвонлар шулар жумласидандир. Халқ оғзаки ижодининг эса ижодкорларимиз учун битмас-туганмас сюжет манбаи эканлиги ҳам шубҳасиз. Ханс Кристиан Андерсен эртакларидаги эльфлар, ака-ука Гриммлар асарларидаги гномлар, Жонатан Свифтнинг «Гулливер»идаги дилипутлар ва баҳайбат одамлар, Жанин Родарининг Чипполиноси, Алексей Толстойнинг Буратиноси, Шукур Саъдулланнинг Качал полвони каби кўплаб қаҳрамонлар барҳаёт ва асардан асарга кўчиб юрадиган машҳур образлар сирасига кириши ҳам шундан бўлса керак. Ҳатто, нодир рангли металл — «кобальт» ҳам немис халқ эртакларининг қаҳрамони. Силезия тоғларидан темир рудаси қазувчи афсонавий жимитвой, чўққи учли қапоқчали Кобольд номига қўйилганки, бу ҳам халқ ижоди маҳсулининг мангу барҳаётлигидан далолат беради. Николай Носовнинг «Билмасвой» эса А.Хвольсоннинг «Кичкинтойлар подшолиги. Мурзилка ва ўрмон одамчаларининг саргузаштлари» номи китобчаси тасирида яратилган. Улуғ Октябрь инқилобига рус тилида кўп марта лаб нашр этилган бу китобчани адиб болалигида ўқиган экан. Скандинав эртаклари асосида яратилган бу китобчада Мурзилка, Қуёнлаб, Серсоқол чол сингари жимит одамчалар — эльфларнинг олам бўйлаб саёҳатлари, йўлдаги ажойиб-ғаройиб саргузаштлари тасвирланган экан. Бу китобча ҳозир унутилиб кетган, ундаги битта ном — «Мурзилка» эса машҳур болалар журналининг номи бўлиб қолган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Хвольсоннинг асари Билмасвой ҳақидаги трилогиянинг яратилишига туртки бўлибгина хизмат қилган, холос. Қаҳрамонлар ҳам, асар воқеаси ҳам туддан ўзгартirilган, Билмасвой эса том маънода Николай Носов хаёлотининг маҳсулидир. Ҳатто асардаги ҳар бир «гапирувчи», яъни исми жисмига мос ном ҳам қаҳрамон феъл-атворини тасвирлашга хизмат қилдирилганки, бу аслида адиб ижодининг ўзига хосликларини белгилловчи хусусиятлардан бири ҳисобланади. Масалан, Билағон ўз номи билан билимдон бола, у қизиқмайдиган касб ва у билмайдиган фан йўқ; Бўёқвой — рассом, Машшоқвой — созанда, Бўғирсоқвой — ширинликка, овқатга ўч мечкай, Сергап — доим гингишиб, нимадандир норози бўлиб юрадиган инжиқ бола ва ҳоказо.

Трилогиянинг бош қаҳрамони Билмасвойдир. У «Билмасвой ва дўстларининг саргузаштлари» (1954) деб номланган биринчи эртак-қиссада кўп нарсадан хабарсиз, саводининг ҳам мазаси йўқ, бир гапнинг учини эшитса, дарров ўзича хулосалайверадиган шошқалоқ, ўзини ҳамма нарсани биладиган ақлли ва ҳамма иш қўлидан келадиган уддабурро қилиб кўрсатишга интилувчи бола сифатида тасвирланади. Билмасвойда бир оз ёлғончилик ва мақтанчоқлик ҳам бор, у бировнинг ишини ўзиники қилиб кўрсатишдан ҳам қайтмайди. Унинг ажойиб-ғаройиб саргузаштларига ҳам кўпда шошқалоқлиги, биламаган ишга қўл уриши, маҳмадоналиги ва ҳатто, бир оз довруқталаблиги, ўзини ҳаммадан юқори қўйишга интилиши сабаб бўлади. Билмасвой машина ҳайдашни истаydi, аммо ўрганишга сабри чидамайди, оқибатда машинанинг дабдаласини чиқаради; мусиқа асбобларини чалишни истаydi, бироқ яна ўрганишга тоқати йўқ, куруқ «ғат-ғат»и билан ҳаммининг жонига тегади. Ҳаво пуфганининг ҳалокатга учрашига маълум даражада унинг маҳмадоналиги ҳам сабаб бўлади. Китоб охирида Билмасвой барча кўргиликларига саводсизлиги сабабчи эканлигини англаб етди ва ўқиш-ёзишни ўрганишга жиддий киришади.

«Билмасвой Қуёш шаҳрида» (1958) деб номланган иккинчи роман-эртақда Билмасвойнинг ғаройиб саргузаштлари яна давом этади. Уч марта кетма-кет яхшилик қилиб, сеҳрли таёқчага эришган Билмасвой ўртоқлари билан афсонавий Қуёш шаҳрига йўл олади. Бу саёхат давомида унинг табиятидаги бошқа янги қирралар намоён бўлади. Унинг ўзбилармонлиги, маҳмадоналиги, қўрслиги, оқибатни ўйламадан иш қилиши Қуёш шаҳри аҳолисига кўп ташивишлар келтиради. Хайриятки, сеҳргар чол ва ўртоқлари ёрдамида Билмасвойнинг ножўя ишларига чек қўйилади. Бу китоб охирида ҳам Билмасвой қилмишларининг нотўғрилигига яна бир марта иқрор бўлади ва камчиликларидан қутулишга киришади.

«Билмасвой Ойда» (1965) роман-эртаги трилогиянинг охириги, учинчи китобидир. Бу илмий-фантастик асарда Билмасвой ва ўртоқларининг Ойга учишлари ва Ойдаги ғаройиб саргузаштлари ҳикоя қилинади. Билағон ракета яратади, унда миттивойлар Ойга учишлари керак эди. Аммо охириги дақиқаларда Билмасвой ва Бўғирсоқ ракетанинг озиқ-овқат сақланадиган қисмига яшириниб олишади ва билмасдан ракетани юргизиб юборишади. Шундай қилиб, Билмасвойнинг Ой шаҳарлари — Давилон, Лос-Паганос, Брехенвил ҳамда Аҳмоқлар оролидаги ғайритабiiй кечинмалари бошланади. Роман-эртақ илмий-фантастик жанрда яратилган бўлса ҳам, унда сатирик руҳ кучли. Муаллиф Скуперфильд (Хасис), Гадкинз (Газанда), Спрутс ва Миноги хоним образларида капитал дунёсининг иллатларини фош қилади.

Шуниси қизиқки, Билмасвой кўплаб ножўяликларга йўл қўйиб, ўзгаларга кўп ташивишлар келтирган бўлса-да, тезда китобхонлар тилига тушиб, уларга ёқиб қолди. Бунинг сабабларини эса унинг феъл-атворидан қидириш керак. Аввало, Билмасвой саховатли қалб эгаси. У бирон нотўғри иш қилиб қўйса, бировни ноҳақ хафа қилса, дарров ўз айбига иқрор бўлади, уни тузатишга уринади.

«Мен эртақда қисса ёки ҳикояда қўйилиши керак бўлган муаммоларни: ҳалоллик, мардик, дўстлик, биродарлик туйғуларини, иродани, мақсадга етиш йўлидаги қатъиятни тарбиялаш, кучайтириш, майда шухратпарастлик, кўролмаслик, қўрқоқлик, ёлгончилик, мақтанчоқлик, қўполлик, димоғдорликни фош қилишни илгари сурдим», деган эди Николай Носов. Айтиш мумкинки, у эи мақсадига тўла ета олди. Билмасвой ҳақидаги трилогия бир неча авлод болаларини энг гўзал инсоний ҳис-туйғулар руҳида тарбиялашга, уларнинг том маънодаги Ватанимиз граждaнлари бўлиб етишишларига хизмат қилди. Биргина Советлар Иттифоқининг ўзида Билмасвой ҳақидаги трилогия икки ярим миллион нусхадан ортиқроқ умумий тираж билан ўн етти тилда, жумаадан, СССР халқларининг ўн тўрт тилида қирқ уч марта қайта нашр этилди. Бу асарлар кўплаб чет тилларга, жумладан албан, болгар, бенгал, вьетнам, дания, венгер, испан, хитой, мўғул, немис, поляк, португал, румин, серб-хорват, словак, словен, ҳинд, чех, япон тилларида ўгирилган, Николай Носов Билмасвой ҳақидаги трилогияси учун 1969 йилда Надежда Константиновна Крупская номидаги РСФСР Давлат мукофоти билан тақдирланган. Асарлар бениҳоя оммалашиб кетган, театрларнинг илтимоси билан муаллифнинг ўзи трилогия асосида «Билмасвойнинг саргузаштлари», «Билмасвой — саёхатчи», «Билмасвой ўқиётир», «Билмасвой Қуёш шаҳрида» сингари эртақ-песалар ёзиб берди.

Николай Носовнинг деярли барча катта асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («Қудуқ тубидаги сир» автобиографик қиссаси ва «Билмасвой Ойда» роман-эртаги бундан мустасно). «Коля Синициннинг кундалиги» ва «Қувноқ оила» қиссаларини таниқли адабиётшунос олим ва таржимон Абдусодиқ Ирисов 1954 ва 1957 йилларда, «Қоплон» номли ҳикоялар тўпламини М.Норматов 1955 йилда ўзбек тилига ўгиришган.

Бироқ Николай Носов асарларининг асосий қисмини болаларнинг сеvimли шоири, услуби ҳам муаллиф услубига мос келадиган, асарлари ҳам ҳажвга бой ижодкор — Пўлат Мўмин ўзбек тилига таржима қилган. У дастлаб 1953 йилда «Витя Малеев мактабда ва уйда» қиссасини, 1954 йилда эса шу қисса асосида яратилган «Икки дўст» песасини ўзбек тилига ўгирди. «Билмасвой билан дўстаарининг бошидан кечирганлари» (1958) ва «Билмасвой Қуёш шаҳрида» (1964) асарлари таржимаси эса шоир-таржимон ижодида алоҳида ўрин тутди. Аввало, шунинг таъкидлаш кераки, ижодининг Николай Носов ижоди билан ҳа-

моҳанглиги — ҳажвий услуб ушбу асарлар таржимасида Пўлат Мўминга қўл келди. Чунки асл нусха услубини топа олиш таржимада асосий шартлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, таржимон ўзбек тилининг бой имкониятларидан ўринли фойдалана олганлиги ҳам Билмасвой ҳақидаги асарларнинг узоқ йиллар давомида ўзбек болаларининг энг сеvimли китобларига айланишига сабаб бўлди. Масаланинг яна бир, адабий таъсир томони ҳам бор. Одатда бир яхши асарни таржима қилиш иккинчи бир асар яратилишига сабаб бўлади. Пўлат Мўминнинг «Қовоқвой ва Чаноқвой», «Суқатой-Конфетвой» номли эртак-песалари, шоирнинг ўзи тан олиб айтишича, Билмасвой ҳақидаги асарлар таъсирида яратилган экан. Худойберди Тўхтабоевнинг машҳур «Сеҳрли қалпоқча» номли қиссасида ҳам Билмасвой ҳақидаги асарлар таъсири яққол сезилиб туради. Зеро, Билмасвойнинг кўпгина кўргилик ва саргузаштларига сеҳрли таёқча сабаб бўлса, Ҳошимжоннинг саёҳат ва кечинмалари сеҳрли қалпоқча воситасида амалга ошади. Ҳатто ҳар иккала адибнинг асар охиридаги «билимсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди», деган хулосаси ҳам ҳамоҳангдир. Яна бир қизиқ таъшиқ ўшашликка эътибор берайлик: «Билмасвой ва дўстларининг саргузаштлари» дастлаб эртак-қисса эди, кейинги икки китоб эса роман-эртак шаклида майдонга келди, «Сеҳрли қалпоқча» ҳам дастлаб қисса эди, кейин эса «Сариқ девни ми-ниб» ва «Сариқ девнинг ўлими» романлари пайдо бўлди. Бундан ташқари, Билмасвой ҳақидаги асарлар таъсирида республикамиз кичкинтойларининг сеvimли журналлари — «Ғунча» ва «Гулхан»да «Биларжоннинг саргузаштлари» номли суратли саёҳат-эртаклар рубрикаси ҳам пайдо бўлди.


Билмасвой ҳақидаги асарларнинг ўзбек тилига таржима қилина бошланганига ҳам йигирма йилдан кўпроқ вақт бўлди. Аввало, бу давр орасида таржимага муносабат анчагина ўзгарди, таржималар асл нусхага янада яқинлашди. Бундан ташқари, Билмасвой ҳақидаги асарлар таржимасини кутубхоналардан топиш ҳам мушкул бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам Пўлат Мўмин бу асарлар таржимасига яна қайта мурожаат қилди. У таржималарини анчагина қайта ишлади, уларнинг китобхоналарга янада манзур бўлишига интилди. Янги таржималардаги биттагина ўзгариш — номлар таржимасининг ўзи ҳам таржимон русча номларнинг ўзбекчадаги муқобилини, мосини топиш учун узоқ изланганлигидан далолат беради. Зеро, биринчи таржимада кўпгина номлар русчилигига қолдирилган эди. Аслида Николай Носов ҳар бир номга маълум бадиий-эстетик вазифа юклаган, ном қаҳрамон табиати, феъл-атворининг асосий қирраларини акс эттиришга хизмат қилади (бу ҳақда юқорида ҳам тўхтаб ўтган эдик). Масалан, доктор Дорихон (Пилюкин) турли дорилар ва йод билан даволашни афзал кўрса, доктор Асалхон (Медуница) ўт-ўланлар ва асал билан, табиий дори-дармонлар билан даволашни устун қўяди, ҳатто уларнинг номлари ҳам шунга ишорадир. Таржимон русча номларни деярли тўлиғича ўзбекча қайта ярата олганлигининг ўзиёқ бу таржималарнинг ютуқларидан бири сифатида баҳолашига лойиқ. Аммо шунинг ҳам айтиш керакки, Билмасвой ҳақидаги асарлар таржимаси қанчалик мақтовга сазовор бўлмасин, улар ҳали тўлиқ, мукамал эмас. Чунки «Билмасвой Ойда» роман-эртаги йигирма йиллардан кўпроқ вақт давомида таржимонини кутиб ётибди. Бу асарни ўгириш билан Билмасвой ҳақидаги трилогия ўзбек тилида ҳам бир гулдаста ҳолига келган бўларди.

Николай Николаевич Носов ҳаёт бўлганида 1988 йилда саксон ёшга тўларди. Аммо унинг порлоқ хотираси ва табаррук номи асарлари орқали ҳали узоқ вақт китобхонлар қалби тўридан ўрин эгаллаб туради. Зеро, китоб ҳаётнинг ўзидай умрибоқий, халқларни, тақдирларни, ҳаётларни бир-бирига боғлаб турвчи улкан маънавийат заинасидир. Николай Носовнинг Билмасвой ҳақидаги асарлари «Жаҳон болалар адабиёти кутубхонаси» сериясида чоп этилаётган экан, бунинг аввало, китобхонларнинг муаллиф ижодига бўлган бениҳоя катта қизиқиш ва эътиром натижаси сифатида баҳоламоқ керак. Бу асарлар шу сериядаги энг яхши китоблар қаторида доим китобхонлар қўлида бўлиши шубҳасиздир.

*Раҳматулла БАРАКАЕВ,  
Ўз ССР Фанлар Академияси А. С. Пушкин  
номидаги Тил ва адабиёт институтининг  
илмий ходими.*

---

**БИЛМАСВОЙ  
БИЛАН  
ДЎСТЛАРИНИНГ  
БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ**



## Биринчи боб

### ГУЛЗОР ШАҲРИНИНГ МИТТИЛАРИ

Афсонавий бир шаҳарда миттилар яшашарди. Жуда ҳам кичкина бўлганидан уларни митти деб аташарди. Ҳар бир миттининг бўйи кичкина бодрингдай келарди. Улар яшаган шаҳар жуда ҳам чиройли бўлиб, ҳар битта ҳовлининг атрофида дасторгул, мойчечак ва қоқигуллар ўсиб ётарди. У ердаги кўчалар ҳам гуллар номи билан — Чучмома кўчаси, Мойчечак хиёбони ва Бўтакўз сайргоҳи деб юритиларди. Шаҳарнинг ўзи эса Гулзор шаҳар дейиларди. Шаҳар кичкина анҳор ёқасига жойлашган бўлиб, миттилар бу анҳорни Бодринг дарёси деб аташарди, нега десангиз, анҳор бўйида роса бодринг ўсиб ётарди-да.

Дарёнинг нарёғи ўрмон эди. Миттилар қайин пўстлоғидан қайиқчалар ясаб, анҳордан сузиб ўтишарди-да, мева, кўзиқорин ва ёнғоқ тергани ўрмонга боришарди. Миттилар кичкина бўлганидан мева, ёнғоқ териб келишлари қийин эди, ахир баланд шохларга чиқиб уни қирқиш учун ёнларида арра олиб юришлари керак эди-да. Пастдан туриб ёнғоқ теришга биронта ҳам миттининг қўли етмаганидан ёнғоқни бандидан арралаб туширишга тўғри келарди. Қўзиқоринларни ҳам арралаб йиқитишарди. Қўзиқоринни энг тагидан арралаб, кейин бўлак-бўлак қилиб уйларига ташиб кетишарди.

Миттилар бир хилда эмасди. Ўғил болаларни миттивой, қизалоқларни эса миттиой дейишарди. Миттивойлар нуқул ё узун шим, ё тасмаси елкага илинадиган калта иштон кийишарди. Миттиойлар бўлса, олачипор, ялтироқ матодан кўйлак кийишни ёқтиришарди. Миттивойлар соч қўйишни ёқтирмас, шунинг учун доим сочларини ё олдириб, ё калта қилиб юришарди; миттиойларнинг сочлари бўлса, белга тушарди. Улар сочларини узун ўриб, учига лента тақишар ва бошларига сочпопук ҳам қадашарди. Кўпгина миттивойлар ўғил бола бўлишганидан керилишиб, миттиойлар билан ҳечам дўстлашмай юришарди. Миттиойлар-чи, улар ҳам қиз бола бўлганига кеккайишиб, миттивойлар билан дўстлашгилари келмасди. Агар битта-яримта миттиой кўчада бирорта миттивойни узоқдан кўриб қолса борми,



у дарров кўчанинг нариги бетига ўтиб оларди. Ажаб қиларди-да, негаки, баъзида митти қизалоқнинг ёнидан жимгина ўтолмай-диган тегажоқ миттивойлар ҳам учраб қоларди. У албатта хафа қиладиган бирор сўз айтар, туртар, ҳаммадан ҳам ёмони, сочидан тортарди. Албатта, ҳамма болалар ҳам шунақа шумтака эмасдику-я, лекин биронтасининг пешонасига бу шумтака эмас деб ёзиб қўйилмаган-да. Шунинг учун миттиойлар миттивойларни кўриб қолишганда, яна бирор дилхиралик бўлмасин деб, олдиндан кўчанинг нариги бетига ўтиб олишни маъқул кўришарди. Уғил болалар шунинг учун қизалоқларни «кеккаймачоқ» дейишарди. Уйлаб топган гапларини қаранг! Кўпчилик қизалоқлар бўлса ўғил болаларга «уришқоқ» ва шунга ўхшаш камситувчи лақаблар қўйиб олган эдилар.

Эҳтимол баъзи бир ўқувчилар, ахир бу тўғри эмас, ёзувчи буни ичидан тўқиб чиқарибди, ҳаётда ҳеч бунақа болалар бўлмайди, дейишлари мумкин. Лекин ҳеч ким бундайлар ҳаётда бўлади деб айтаётгани йўқ-ку, ахир. Ҳаёт — бошқа гап, афсонавий шаҳарда эса аҳвол тамом бўлакча. Унда, шунақасиям бўлаверар экан.

Чучмома кўчасидаги бир уйчада ўн олтита миттивой яшарди. Уларнинг орасида энг машҳури Билагон деган митти бола эди. Кўп нарсани билганидан уни Билагон дейишарди-да. У ҳар хил китобларни ўқигани учун кўп нарсани биларди. Китоблар столнинг устида ҳам, остида ҳам, яна каравотининг устида ва тагида ҳам ётарди. Уйига китоб тўлиб кетганди. Билагон китоб ўқий берганидан ақлли бўлиб кетган эди. Шунинг учун ҳамма болалар унинг гапига қулоқ солар, уни яхши кўришарди. У доим қора костюмча кийиб юрарди. Билагон бирорта китобни ўқиганда-чи, кўзойнак тақиб оларди-да, худди профессорга ўхшаб кетарди.

Бу уйда таниқли доктор Дорижон ҳам яшар, у миттиларнинг ҳар хил касалини даволарди. У доим эгнига оқ халат, бошига эса попукли қалпоқ кийиб оларди. Бу ерда яна машҳур механик Мурватвой ўз ёрдамчиси Тузатвой билан яшарди. Ширингина газли сувни яхши кўриши билан ном чиқарган Ширин Шарбатович Шарбатжон ҳам шу ерда яшарди. У жуда ширин сўз эди. Уни кимда-ким ота-бувасининг оти билан атача — ёқтирар, агарда оддийгина қилиб Шарбатжон дейишса — ҳуш кўрмасди. Тагин бу уйда-чи, Ўқтой деган овчи ҳам турарди. Унинг Кўктой исмли кучукчаси ва пўкак билан отиладиган милтиғи ҳам бор эди. Бўёқвой деган рассом, Машшоқвой деган чолғучи ва яна Шошқалоқ, Сергап, Индамас, Бўғирсоқ, Довдирвой ҳамда ака-ука Агарқул билан Магарқул деган миттилар ҳам туришарди. Булар орасида Билмасвой деган энг машҳур митти ҳам бор эди. Ҳеч нимани билмаганидан уни Билмасвой дейишарди-да.

Бу Билмасвой дегани бошига тўқ ҳаворанг қалпоқ, эгнига сариқ шим билан қизил кўйлак кийиб, яшил бўйинбоғ тақиб юрарди. У тўқ рангни яхши кўрарди. Тўтига ўхшаб ранг-баранг

кийимларни кийиб олган Билмасвой куни бўйи шаҳарда санқиб, бўлмагур гапларни тўқиб, ҳаммага ёйиб юрарди. Устига-устак у доим қизалоқларни ранжитарди. Шунинг учун қизалоқлар унинг қизил кўйлагини олисдан кўришган заҳоти шартта орқага қайтиб, уйларга бекинишарди. Билмасвойнинг Дасторгул кўчасида турадиган Думбулвой деган дўсти бор эди. Билмасвой Думбулвой билан соатлаб гап сотишиб ўтира берарди. Иккови бир-бири билан бир кунда йигирма марта уришиб, йигирма марта ярашишарди. Билмасвой, хусусан, қуйидаги воқеадан кейин, тағинам машҳур бўлиб кетди. Нима бўлди денг?..

У бир кун шаҳарда ўйнаб юриб, адашиб далага чиқиб қолди. Атрофда ҳеч ким йўқ, фақат тиллақўнғиз учиб юрарди. У кўрмай қолиб Билмасвойнинг энсасига келиб урилди. Билмасвой жонҳолатда ерга ағанаб тушди. Тиллақўнғиз бўлса шу заҳотиёқ учиб, кўздан ғойиб бўлди. Билмасвой ирғиб ўрнидан турди-да, мени урган ким экан деб, ён-верига аланглади, қараса, атрофда ҳеч ким йўқ.

« — Мени урган ким бўлди ўзи? — деб ўйлади Билмасвой, — балки тепамдан ул-бул тушгандир? ».

Билмасвой бошини кўтариб осмонга қараган эди, ҳеч нима кўринмади. Фақат қуёш нур сочиб турарди, холос.

« — Э-ҳа, устимга қуёшдан ул-бул тушибди-да, — деб ўйлади Билмасвой. — Қуёшнинг бир бўлаги узилиб бошимга тушган бўлса керак ».

Уйига кетаётганда Шишажон деган танишини учратиб қолди.

Шишажон машҳур мунажжим эди. У шиша идиш парчасидан катта қилиб кўрсатадиган ойнача ясай оларди. У бунақа шишани кўзига қўйиб ҳар хил нарсаларни кўрганда-чи, у нарсалар жуда катта бўлиб кўринарди. Бир қанча шундай шиша парчаларидан каттагина дурбин ясади, бу билан ой ва юлдузларга қарарди. У шунақа қилиб мунажжим бўлган эди.

— Менга қара, Шишажон, — деди унга Билмасвой, — биланми, нима бўлди, қуёшнинг бир бўлаги узилиб бошимга тегиб кетди.

— Нималар деяпсан, ўзинг, Билмасвой! — деб кулди Шишажон. — Агар қуёшнинг бир бўлаги узилиб тушса, пачағингни чиқариб юборади-я, қуёш жудаям катта, ахир. У бизнинг Ер шаримиздан ҳам катта.

— Бўлмаган гап, — деб жавоб берди Билмасвой. — Менимча, қуёш тақсимчадан катта эмас.

— Қуёш бизга шунақа кўринади, чунки жуда ҳам узоқда-да. Қуёш — каттакон юмалоқ чўғ. Мен бунини дурбинимда кўрдим. Агар қуёшнинг жиндаккина парчаси ҳам узилиб тушгудай бўлса-чи, шаҳримизнинг тилка-порасини чиқариб юборган бўларди.

— Шунақа дегин-а! — деди Билмасвой. — Мен бўлсам қуёшнинг бундай катталигини билмас эканман. Ҳозир бораман-да, болаларга айтиб бераман, улар ҳам ҳали билмаса керак. Шундоқ

бўлса ҳам дурбинингдан бир қараб кўргин-а, балки ростдан ҳам у ғадир-будирдир!

Билмасвой уйига жўнади, кўчада кўринганларнинг ҳам-масига:

— Оғайнилар, қуёшнинг қанақалигини биласизларми? У бизнинг Ер шаримиздан ҳам катта. Вой, у шунақаям каттаки. Ана, қаранглар-а, оғайнилар, қуёшнинг бир парчаси узилиб, тўғри биз томонга учиб келяпти. У бирпасда етиб келиб барчамизнинг пачағимизни чиқариб юборади. Жуда ваҳима бўлади-да. Шишажондан бориб сўранглар,— деди.

Билмасвойнинг гирт ёлғончи эканини билишганидан ҳамма уни мазаҳ қилди.

Билмасвой бўлса шаталоқ отиб уйига югурди:

— Оғайнилар, қочинглар! Парча тушиб келяпти!— деб бақирарди у.

— Қанақа парча?— деб сўрашарди ундан.

— Парча, оғайнилар! Қуёшдан парча узилиб кетган. У ҳозир шарақ этиб тушиб, ҳаммамизни яксон қилади-қўяди. Қуёшнинг қанақалигини биласизларми? У бизнинг Еримиздан ҳам катта!

— Нималарни тўқияпсан ўзинг!

— Ҳечам тўқиётганим йўқ. Буни менга Шишажон айтди. У дурбинида кўрибди.

Ҳамма ҳовлига югуриб чиқиб, қуёшга қарайверишди. Кўзларидан ёш чиқиб кетгунча қараб туришаверди. Қуёшга кўп тикилишгандан, кўзлари тиниб кетди, охирида қуёш ҳам гўё ғадир-будирга ўхшаб кўрина бошлади.

Билмасвой бўлса:

— Қочган қочиб қолсин! Улдик!— деб бақирди.

Ҳамма ўз буюмларига ёпиша кетди. Бўёқбой ўзининг бўёқ ва мўйқаламларини, Машшоқвой чолғу асбобларидан скрипка, балалайка ва мис карнайини ола бошлади. Доктор Дорижон бўлса уй ичида зир югуриб қаёққадир гумдон бўлган дорихалтасини қидирарди. Бўғирсоқ деган бола ковушча билан соябончасини олиб, дарвозадан чиққан ҳам эдики, Билағоннинг овози келиб қолди:

— Қўрқманглар, оғайнилар! Ҳеч гап йўқ! Билмасвойнинг гирт ёлғончи эканини билмайсизми? Бу гапларни у ичидан тўқияпти.

— Тўқияпти!!— деб бақирди Билмасвой.— Бориб Шишажондан сўранглар, ишонмасаларинг.

Ҳамма Шишажоннинг олдига югуриб кетди, шунда бу гапларни Билмасвойнинг ўзи тўқиганлиги аён бўлди. Шунақаям бир кулги бўлдики, асти қўя беринг.

Ҳамма Билмасвойдан кулди:

— Сенга ишонганимизга ўзимиз ҳам ҳайронмиз!— дейишди.

— Мен ҳам ҳайронман-да!— деб жавоб берди Билмасвой.— Ахир ўзим ҳам ишонган эдим-да.

Билмасвой мана шунақа ғалати бола эди!

## Иккинчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ КАРНАЙЧИ БЎЛГАНИ

Билмасвой бирор ишга қўл урса, уни бошқалардай тўғри ба-  
жаролмас, бутун иш тескари бўлиб чиқарди. Уқиса, ҳижжалаб  
ўқир, ёзганда фақат босма ҳарфлар билан ёза оларди. Кўпчилик  
Билмасвойни қовоққалла дейишарди, лекин бу тўғри эмасди,  
бўлмаса у қандай қилиб фикрлай олади? Очиғи, у яхши фикр  
юрита олмасди. Лекин ботинкасини бошига эмас, оёғига киярди.  
Бунинг учун ҳам фикр қилиш керак-ку, ахир.

Билмасвой ўзи унчалик ёмон бола эмасди. У-буни ўргангиси  
келарди-ю, лекин меҳнат қилишга бўйни ёр бермасди, меҳнат  
қилмай осонгина ўрганиб олсам дерди, бунақада энг ақлли  
миттидан ҳам ҳеч нима чиқмайди, албатта.

Ҳамма миттилар мусиқани яхши кўришарди. Машшоқвой  
бўлса ажойиб созанда эди. Унда турли мусиқа асбоблари бўлиб,  
буларни тез-тез чалиб турарди. Уни ҳамма маза қилиб эшитар,  
роса мақташарди. Машшоқвойни мақташгани Билмасвойга алам  
қилиб, ундан:

— Менгаям чалишни ўргатгин. Менинг ҳам чолғувчи бўлгим  
келяпти,— деб ўтинди.

— Ургана қол,— деб рози бўлди бир куни Машшоқвой.—  
Сен қандай асбобни чалишни ўрганмоқчисан?

— Ҳаммасидан осони қайси?

— Балалайка.

— Қани, балалайкани бер-чи, чалиб кўрай.

Машшоқвой унга балалайкани узатди. Билмасвой торини  
чертиб кўрди-да:

— Йўқ, балалайка жудаям паст чалинар экан. Бирорта қат-  
тиқроқ чалинадиганини бер,— деди.

Машшоқвой унга скрипкани берди, Билмасвой камонча би-  
лан скрипка торини ғиж-ғижлата бошлади ва:

— Бундан ҳам қаттиқроқ чалинадигани йўқми?— деди.

— Карнай ҳам бор,— деб жавоб берди Машшоқвой.

— Қани, буёққа ол, чалиб кўрайлик-чи.

Машшоқвой унга каттакон мис карнайни берди. Билмасвой  
уни чалганди, карнай роса бўкирди.

— Бу зўр экан-ку!— деди Билмасвой севиниб.— Қаттиқ ча-  
линар экан!

— Агар сенга шу маъқул бўлса, карнай чалишни ўргана  
қол,— деди Машшоқвой.

— Ўрганишининг нима керағи бор. Шундоқ ҳам биламан,—  
деди Билмасвой.

— Йўғ-э, сен ҳали чалишни билмайсан.

— Биламан, биламан! Мана, эшитиб кўр!— деб бор кучи билан карнайни пуфлай кетди.

— Ду-ду-ду! Ғу-ғу-ғу!

— Уни фақат пуфляяпсан-ку, чалаётганинг йўқ,— деди Машшоқвой.

— Нега чалмас эканман?— деб хафа бўлди Билмасвой.— Жудаям яхши чаляпман-ку, қара, қандай қаттиқ чаляпман.

— Сени қара-ю! Гап қаттиқ чалинишидамас, қулоққа ёқадиган қилиб чалгин-да.

— Жуда ҳам ёқимли чиқяпти-ку, ахир.

— Сираям ёқимлимас,— деди Машшоқвой.— Мусиқага қобилиятинг йўқлиги кўриниб турибди.

— Ўзингнинг қобилиятинг йўқ!— деб жаҳл қилди Билмасвой.— Сен кўролмай шунақа деяпсан. Фақат ўзинг чалсангу нуқул сени мақташса!

— Ҳеч-да,— деди Машшоқвой.— Ўрганишнинг кераги йўқ десанг, карнайни олгин-да, хоҳлаганча чалавер. Майли, одамлар сени мақтайверишсин.

— Чалавераман!— деб жавоб берди Билмасвой.

У карнайни пуфлашга киришди, минг уринса-да, эплормади, карнай гоҳ бўқирар, гоҳ хирилларди. Машшоқвой уни эшитавериб, охири жонига тегди. У катта духоба камзулини кийиб, бўйнига галстук ўрнига пуштиранг попукни қадаб, меҳмонга кетди.

Кечқурун ҳамма миттилар уйга йиғилганда, Билмасвой тағин карнайни олиб чалишга тушди:

— Бу-бу-бу-бу! Ду-ду-ду-у!

— Бу нима шовқин?— деб бақирди ҳамма.

— Бу шовқин эмас, мен карнай чаляпман,— деб жавоб берди Билмасвой.

— Ҳозироқ бас қил!— деб бақирди Билағон,— Мусиқанг қулоқни кар қилди-ку!

— Нега деганингда, ҳали мусиқамга кўникмагансан. Одатланиб қолсанг, қулоғинг ҳам битмайди.

— Кўникмай қўя қолай, карнайингга зорманда эмасман! Лекин Билмасвой унга қулоқ солмасдан, чала берди:

— Бу-бу-бу! Хр-р-р! Хр-р-р! Вив-вив!

— Йиғиштирсанг-чи!— деб унга ёпишди барча миттилар,— йўқол бу ердан карнай-парнайинг билан!

— Қаёққа йўқолай?

— Далага боргин-да, ўша ерда чалгин.

— Далада уни эшитадиган ҳеч ким йўқ-да, ахир.

— Сен, албатта битта-яримта эшитсин демоқчимисан?

— Албатта.

— Ундай бўлса, бор, кўчага чиқиб чал, қўшнилар эшитишади.

Билмасвой кўчага чиқиб, қўшни уйнинг ёнида чала бошлади, қўшнилар бўлса дераза тагида шовқин солма, дейишди. Кейин





бошқа уйнинг олдига борувди, у ердан ҳам ҳайдай бошлашди, у бўлса кетмади, уларга ўчакишиб чалавераман деб қасд қилди. Қўшнилар уйларида чикиб жаҳл билан уни қувлай бошлашди. Билмасвой бўлса, карнайини кўтариб, жонҳолатда тирақайлаб қочиб қолди.

Шу-шу, Билмасвой карнай чалишни йиғиштирди.

— Менинг мусиқамни тушунишмаяпти,— дерди у.— Менинг мусиқамни тушуниш даражасига ўсиб етишмаган. Қачон шу даражага етишса, ўзлари ҳам талаб қилиб қолишар, лекин унда вақт ўтган бўлади. Энди ҳечам чалмайман.

## Учинчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ РАССОМ БЎЛГАНИ

Бўёқвой жуда яхши рассом эди. У нуқул «балахон» деган узун кенг кўйлак кийиб юрарди. Бўёқвойнинг балахон кўйлагини кийиб, узун сочини орқага тушириб, қўлига бўёқ соладиган қутича ушлаб, бўз қопланган чорчўп қаршисида турганини кўрсангиз, ҳавасингиз келарди. Уни кўрганларнинг ҳаммаси мана бу чинакам рассом, дерди.

Мусиқасини ҳеч ким эшитмагандан кейин, Билмасвой рассом бўлишга аҳд қилди. У Бўёқвойнинг олдига келиб:

— Менга қара, Бўёқвой, мен ҳам рассом бўлмоқчиман, бирорта мўйқалам билан бўёқларингдан бериб тур,— деди.

Бўёқвой унчалик қизғанчиқ эмасди, эски бўёқ ва мўйқаламини Билмасвойга совға қилди. Бир пайт Билмасвойнинг олдига дўсти Думбулвой келиб қолди. Билмасвой унга:

— Ўтир, Думбулвой, ҳозир сенинг суратингни чизаман,— деди.

Думбулвой севиниб кетганидан дарров курсига ўтирди. Билмасвой унинг суратини чизишга киришди, у Думбулвойни чиройлироқ қилиб чизмоқчи бўлиб, бурнини қизил, қулогини яшил, лабини ҳаворанг ва кўзини новвотрангга бўяди. Думбулвой ўз суратини кўришга ошиқарди. У сабри чидамаганидан курсичада ўтиролмай, ҳадеб қимирларди.

— Қимирламай ўтир, қимирламай ўтир,— деди унга Билмасвой,— бўлмаса ўхшамай қоласан.

— Ҳозир ўхшаяптими ўзи? — деб сўради Думбулвой.

— Худди ўзинг,— деб жавоб берди Билмасвой ва лабига гунафшаранг бўёқни суркаб мўйлов ишлаб қўйди.

Билмасвой расмни чизиб бўлгандан кейин Думбулвой:

— Қани, кўрсатгин-чи, қанақа чиққан экан! — деди. Билмасвой кўрсатди.



— Вой, мен шунақа эканманми? — деб чўчиб кетганидан бақириб юборди Думбулвой.

— Албатта, шунақасан-да, бўлмаса қанақа эдинг?

— Нега мўйлов чиздинг? Ахир менинг мўйловим йўқ-ку!

— Йўқ бўлса нима қипти, бир кунмас-бир кун чиқади.

— Бурним нега қизил, бўлмаса?

— Чиройлироқ бўлсин дедим-да.

— Нега сочим ҳаворанг? Менинг сочим ҳаворанг эканми?

— Агар ҳаворанг ёқмаса, — деди Билмасвой, — унда яшилга бўяшим мумкин.

— Йўқ, ёмон чизибсан, — деди Думбулвой, — буёққа ол, йиртиб ташлайман.

— Нима учун санъат асарини йиртиб ташлар экансан? — деди Билмасвой.

Думбулвой ундан суратни тортиб олмоқчи бўлган эди, Билмасвой унинг ёқасига ёпишди. Бу шовқинни эшитиб Билагон, доктор Дорижон ва бошқа миттилар чошиб келишди.

— Нега ёқалашяпсизлар? — деб сўрашди улар.

— Мана буни кўринглар! — деб бақирди Думбулвой, — ўзларинг ажрим қилинглар. Қани, айтинглар-чи, бу кимнинг сурати? Бу мен эмасман-а, тўғрими?

— Албатта, сен эмассан! — дейишди миттивойлар. — Бу экинзордаги аллақандай қўриқчининг сурати-ку.

— Бунинг тагига кимлиги ёзиб қўйилмагани учун сизлар тополмадинглар-да. Ҳозир ёзиб қўйсам, ҳаммаси аниқ бўлади-қолади, — деди Билмасвой.

У қаламини олиб суратнинг тагига босма ҳарфлар билан «Думбулвой» деб ёзди-да, кейин деворга осиб қўйди.

— Шу ерда осиглиқ турсин. Ҳамма томоша қилавериши мумкин, кўриш ҳеч кимга ман қилинмайди, — деди.

— Бари бир, — деди Думбулвой, — сен ухлаганингда келиб уни йиртиб ташлайман.

— Кечаси ухламасдан қўриқлаб чиқаман, — деб жавоб берди Билмасвой.

Думбулвойга алам қилиб, уйига кетиб қолди. Билмасвой ростдан ҳам кечаси ухламади. Ҳамма уйқуга кетганда у бўёқларини олиб, барча миттиларнинг расмини чиза бошлади. Бўғирсоқ деган болани шунақанги семиз қилиб чиздики, ҳатто у чорчўпга ҳам сигмай кетди. Шошқалоқни бўлса, ингичка оёқли қилиб чизди, орқа тарафига нима учундир ит думини чизиб қўйди. Овчи Уқтойни эса Кўктой деган итига миниб кетаётган қилиб тасвирлади. Доктор Дорижоннинг бурни ўрнига ҳарорат ўлчагични ишлади. Нима учундир Билагоннинг қулоғини эшакнинг қулоғига ўхшатиб чизди. Қисқаси, барчанинг расмини шунақа ғалати қилиб солди. Эрта билан ҳамма суратларни деворга осиб, ким эканлигини тагига ёзиб ҳам қўйди. Қарабсизки, бутун бир кўрғазма тайёр бўлибди,

Доктор Дорижон ҳаммадан илгари уйғонди. У девордаги суратларга кўзи тушиб, тоза кула бошлади. Булар унга росаям маъқул бўлди, кейин кўзойнагини тақиб суратларни жуда диққат билан томоша қилди. У ҳар бир суратнинг олдига келиб, қотиб-қотиб кулар эди.

— Яшавор, Билмасвой! — деди доктор Дорижон. — Ҳеч қачон бунчалик кулмаган эдим.

Ниҳоят, ўз суратининг олдига келиб:

— Бу ким экан? Наҳотки, шу мен бўлсам? — деб жиддий қиёфада гудранди. — Йўқ, бу мен эмасман, бу жудаям ёмон расм. Яхшиси, сен уни олиб ташла.

— Нега олиб ташлайман? Осиғлиқ тура берсин, — деди Билмасвой.

Доктор Дорижон хафа бўлиб:

— Сен, Билмасвой, касалсан, кўриниб турибди. Кўзингга бир бало бўлганга ўхшайди. Бурним ўрнида ҳарорат ўлчагич шиша бўлганини қачон кўрган эдинг? Кечқурун сенга сурги дори беришга тўғри келади.

Билмасвой сурги дорини жуда ёмон кўрарди, чўчиб кетди:

— Йўқ йўқ! Сурат ярамаслигини энди ўзим ҳам кўриб турибман, — деди.

У девордан Дорижоннинг суратини олиб йиртиб ташлади.

Доктор Дорижоннинг кетидан Уқтой уйғонди. Унга ҳам суратлар ёқиб тушди. У портретларни бирма-бир томоша қилиб кулаверганидан ёрилиб кетай деди. Аммо Уқтойни кўзи ўз суратига тушган заҳотиёқ таъби тирриқ бўлиб кетди.

— Бу ярамас расм, — деди у, — менга ўхшамайди. Ҳозироқ уни йиртиб ташла, бўлмаса сени овга олиб бормайман.

Уқтойнинг суратини ҳам девордан олиб ташлашга тўғри келди.

Охири ҳамма суратлар бир-бир олиб ташланди. Миттивойларга бошқаларнинг сурати маъқул бўларди-ю, ўзлариники эса ёқмасди.

Одатдагидек, ҳаммадан кейин Бўёқвой уйғонди. У жуда уйқучи эди. Бўёқвой деворда ўз суратини кўриб қолиб, қаттиқ жаҳли чиқди, бу бадийий сурат эмас, балки санъатга хилоф бемаъни чизма-чизарликдир, — деди.

Кейин девордан суратни юлиб, Билмасвойнинг бўёқ ва мўй-қаламларини ҳам тортиб олди.

Деворда ёлғиз Думбулвойнинг сурати қолди. Билмасвой уни юлиб олди-да, ошнасиникига жўнай бошлади.

— Думбулвой, сенга ўз суратингни совға қилайинми? Кейин мен билан ярашасан, — деб таклиф қилди Билмасвой.

Думбулвой расмини олиб, парча-парча қилиб ташлади,

— Майли, ярашдик. Иккинчи марта шунақа расминми соладиган бўлсанг-чи, сираям ярашмайман, — деди Думбулвой.

— Мен энди сираям расм чизмайман, — деб жавоб берди Билмасвой. — Минг чизганинг билан сенга ҳеч ким раҳмат ҳам демайди, ҳаммаси уришгани уришган. Энди рассом бўлгим келмай қолди.

## Тўртинчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ ШЕЪР ТУҚИГАНИ

Билмасвойдан рассом чиқмаслиги аниқ бўлгандан кейин, у шеър тўқиб, шоир бўлишга аҳд қилди. Унинг Қоқигул кўчасида турадиган шоир ошнаси бор эди. Бу шоирнинг асл оти Гултўра эди, лекин барча шоирларнинг чиройли номни яхши кўришлари ҳаммага маълум. Шунинг учун бўлса керак, у ҳам шеър ёза бошлагач, ўз отини ўзгартириб, Гулшаний қўйиб олди.

Бир кун Билмасвой Гулшанийнинг олдига келиб:

— Менга қара, Гулшаний, шеър тўқишни ўргатиб қўйгин. Мен ҳам шоир бўлмоқчиман, — деди.

— Сенда қобилият борми ўзи? — деб сўради Гулшаний.

— Албатта бор. Жуда қобилиятлиман, — деб жавоб берди Билмасвой.

— Текшириб кўриш керак, — деди Гулшаний, — сен қофия нималигини биласанми?

— Қофия? Йўқ, билмайман.

— Икки сўз бир хилда тамом бўлса, уни қофия деймиз, — деб тушунтирди Гулшаний. — Мисол учун: омон-ёмон, дафтар-каптар, билдингми?

— Билдим.

— Қани «боғча» деган сўзга қофия топ-чи?

— Кеча, — деб жавоб берди Билмасвой.

— Йўқ, «боғча-кеча» сўзлари ҳеч қанақа қофия бўлолмайди.

Бу сўзларда ҳеч қанақасига қофия йўқ.

— Нега йўқ бўлар экан? Ахир улар бир хилда «ча-ча» билан тугаяпти-ку.

— Бу ҳеч гапмас, — деди Гулшаний. — Зўр чиқиши учун сўз бир-бирига ўхшаган бўлиши керак. Мана, эшитиб тур: калтак-галтак, ўчоқ-пўчоқ, китоб-хитоб.

— Тушундим, тушундим! — деб бақирди Билмасвой. — Галтак-калтак, ўчоқ-пўчоқ, китоб-хитоб. Эй, қойил! Ҳа-ҳа-ҳа!

— Қани сен, «сақла» деган сўзга қофия топгин-чи, — деди Гулшаний.

— Тақла, — деб жавоб берди Билмасвой.

— Тақла, деганинг нимаси? — деб ҳайрон бўлди Гулшаний. — Шунақа сўз борми?

— Бўлмаса-чи, йўқми?

— Албатта, йўқ-да.

— Ундай бўлса, макла.  
— Макла деганинг нимаси? — деб яна ҳайрон бўлди Гулшаний.

— Бирор нарсани маҳкамлаш керак бўлса, шунда макла дейлади-да, — деб тушунтирди Билмасвой.

— Бекор айтибсан, — деди Гулшаний, — бунақанги сўз бўлмайди. Бор сўзлардан топиш керак, унақа ўзинг тўқима.

— Агарда бошқа сўзларни тополмасам-чи?

— Тополмадингми — сенда шеърин қобилият йўқ!

— Қани, ундай бўлса ўзинг топгин-чи, қанақа сўз қофия бўлар экан, — деди Билмасвой.

— Хўп, ҳозир, — деб рози бўлди Гулшаний.

У хона ўртасида тўхтаб, қўлини кўксига қовуштирди, бошини ён томонга энгаштириб ўйлай бошлади. Кейин шифтга тикилганча хаёлга толди. Сўнг қўли билан иягини ушлаб, бир муддат полга тикилиб турди. У шунақа қилиқларни қилиб бўлгач, ўзича бир нималар деб ғинғиллаганча хона ичида айлана бошлади.

— Сақла, бақла, вақла, гақла, дақла... — у анчагача ғинғиллаб юрди, кейин: — Тфу! Бу қанақа сўз ўзи? Аллақандай қофияси топилмайдиган сўз экан, — деди.

— Ана! — деди севиниб кетиб Билмасвой, — қофиясини ўзи ҳам тополмайдиган сўзни беради-да, тагин мени қобилиятсиз дейди.

— Майли, қобилиятлисан, фақат мендан нари тур! — деб жавоб берди Гулшаний. — Бошим оғриб қолди. Шеър тўқиганинда ҳам маъно, ҳам қофия келса, шундагина шеър бўлади.

— Наҳотки, бу шунақанги оппа-осон бўлса-я? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Албатта осон. Гап, қобилиятли бўлишда.

Билмасвой уйига қайтиб келиб шеър тўқишга киришди. У кун бўйи хонада юриб, бир полга, бир шифтга тикилди, қўли билан иягини ушлади, ўзича нималардир деб минғиллади. Охири шеър тайёр бўлди.

— Оғайнилар, қулоқ солинглар, қаранглар, мен қанақанги шеър тўқидим, — деди.

— Қани, қани, шеър нима тўғрисида ўзи? — деб қизиқиб қолди барча.

— Сизларнинг тўғрингизда тўқидим, — деб очиғини айтди Билмасвой. — Мана, энг олдин Билағон ҳақидаги шеърни эшитинг:

Билағон келиб сойдан,  
Шартта сакради қўйдан.

— Нима? — деб бақирди Билағон. — Мен қачон қўй устидан сакрабман?

— Шеърда қофия учун шундай дейлади-да,— деб тушунтирди Билмасвой.

— Сен қофия деб менинг тўғримда бўлмағур ёлгон гапларни тўқийверар экансан-да! — деб қизишди Билагон.

— Бўлмаса-чи,— деб жавоб берди Билмасвой.— Бор гапни тўқиб ўтиришининг нима кераги бор? Ҳақиқатни тўқишнинг ҳожати йўқ. У ўзи бор нарса-да.

— Тагин шунақа нарса тўқиб кўргин, кунингни кўрасан,— деб қўйди Билагон.— Қани, бошқалар тўғрисида нималар тўқидинг?

— Мана, Шошқалоқ тўғрисидагисини эшитинглар,— деди Билмасвой.

Шошқалоқ хўп оч эди,  
Совуқ дазмолни еди.

— Оғайнилар! — деб бақириб юборди Шошқалоқ,— Қаранг, менинг тўғримда нималар тўқибди? Ҳеч қанақанги совуқ дазмолни еганим йўқ.

— Сен бақирмай тур,— деди Билмасвой.— Шунчаки қофия учун совуқ дазмол деб айтдим-да.

— Мен на совуқ, на иссиқ дазмолни еганман, ахир! — деб бақирди Шошқалоқ.

— Иссиғини единг деб айтганим йўқ-ку, хавотир олмасанг ҳам бўлади,— деб жавоб берди Билмасвой,— Мана, Агарқул тўғрисидаги шеърни эшитинглар:

Агарқулнинг ёстигида,  
Нон бор унинг тагида.

Агарқул каравотининг олдига келиб ёстиғининг тагини қаради.

— Ёлгончи! Ҳеч қанақа нон-пон йўқ бу ерда,— деди.

— Сен шеъриятдан беҳабарсан,— деди Билмасвой.— Фақат қофия учун шунақа дейлади, аслида у ерда ҳеч нима бўлмайди. Мана, мен тагин Дорижон ҳақида ҳам тўқиганман.

— Оғайнилар! — деб бақирди доктор Дорижон.— Бунақа мазахни тўхтатиш керак! У ҳаммамиз тўғримизда ёлгон гапларни айтса-ю, наҳот, биз индамай эшитиб турсак?

— Бас энди! — деб бақирди барча.— Биз бошқа эшитишни истамаймиз! Бу шеър эмас, бу аллақандай масхарабозлик.

Фақат Билагон, Шошқалоқ ва Агарқуллар норози бўлиб бақаришди:— Уқисин! Бизнинг тўғримизда ўқигандан кейин бошқалар тўғрисида ҳам ўқисин-да!

— Керак эмас! Истамаймиз! — деб бақаришди бошқалар.

— Майли, сиз хоҳламасангиз, қўшниларга ўқиб бераман,— деди Билмасвой.

— Нима-нима, — деб бақирди ҳамма. — Ҳали бизни қўшниларга ҳам шарманда қилмоқчимисан? Қани ўқиб кўр-чи? Унда уйга қайтиб келмай қўя қол.

— Хўп майли, оғайнилар, ундай қилмайман, — деб рози бўлди Билмасвой, — Фақат сизлар мендан хафа бўлмасаларинг бўлгани.

Шу-шу, Билмасвой бошқа шеър тўқимасликка аҳд қилди.

## Бешинчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ ГАЗЛИ СУВ БИЛАН ЮРАДИГАН АВТОМОБИЛДА КЕЗГАНИ

Механик Мурватвой ва унинг ёрдамчиси Тузатвой жуда яхши уста эдилар. Улар бир-бирларига ўхшаш эдилар-у, фақат Мурватвойнинг бўйи сал новчароқ, Тузатвой бўлса паканароқ эди. Иккови ҳам чарм камзул кийишарди. Камзулларининг чўнтагидан доим гайка калити, омбир, эгов ва бошқа темир асбоблар чиқиб турарди. Камзуллари чармдан бўлмаганда борми, чўнтаклари аллақачон узилиб тушган бўларди. Шапкалари ҳам чармдан эди. Иш пайтида кўзларига бирор нарса тушмасин учун консерва идишига ўхшаган кўзойнакларини тақишарди.

Мурватвой билан Тузатвой устахоналарида куни билан куйманишиб, примус, кастрюл, това ва чойнак тузатишарди. Тузатадиган нарса топиша олмаганда миттилар учун уч ғилдиракли велосипедча ва самокатча ясашарди.

Кунлардан бир кун Мурватвой билан Тузатвой устахоналарини ичидан бекитиб олиб, ҳеч кимга индамасдан нимадир ясай бошлашди. Бир ой ичи арралашди, йўнишди, қалайлашди, улашди, лекин ҳеч кимга ҳеч нарсани кўрсатишмади. Бир ойчадан кейин маълум бўлдики, улар автомобиль ясашган экан.

Бу автомобиль ширин газсув билан юрарди. Машинанинг ўртасида ҳайдовчи ўтирадиган жой бўлиб, унинг олдида эса газсуви бак ўрнатилган эди. Газ бакдан қувурча орқали мис цилиндрга ўтиб, темир поршенни итарар, темир поршень газнинг босими билан бир у ёққа, бир буёққа юриб, ғилдиракни айлантирарди. Утирадиган жойнинг юқорисига шарбат солинган идиш ўрнатилган эди. Шарбат қувур орқали бакка томарди, бу шарбат билан механизмлар мойланарди. Газли сув билан юрадиган шунақа автомобиллар миттилар орасида жуда кўп тарқалган бўлса-да, Мурватвой билан Тузатвой ясаган автомобилга улардан фарқли битта жуда муҳим янгилик киритилган эди. Машинани йўлда тўхтатмай туриб, газли сувдан йўл-йўлаккай ичиб кетиш учун ён томонидан бакка жўмрак ўрнатилган эди.

Шошқалоқ бу автомобилни ҳайдашни ўрганиб олди, ким сайр қилмоқчи бўлса, йўқ демай ўйнатиб келаверди.

Автомобилга тушиб юришни ҳаммадан ҳам Шарбатжон яхши кўрарди, нега десангиз, йўлда кетаётганда шарбатли газсувдан ичганича ичарди-да. Билмасвой ҳам автомобилга тушишни яхши кўрарди. Шошқалоқ уни кўпинча сайр қилдириб юрарди. Лекин Билмасвой автомобилни ўзим ҳайдасам, деб, ўрганмоқчи бўлди. У Шошқалоққа:

— Автомобилни ўзим ҳам юргизай! Ҳайдашни ўрганай,— деб ялина бошлади.

— Сен эпломмайсан-да,— деди Шошқалоқ.— Бу ахир машина-ку. Буни билиш керак.

— Тагин нимасини билиш керак?— деб жавоб берди Билмасвой.— Қандай ҳайдаётганингни кўрдим-ку. Ручкасини тор-тасан, рулни бурайсан — ҳаммаси оппа-осон.

— Оппа-осон туюлгани билан, аслида жуда қийин. Ўзинг ҳам ўласан, автомобилни ҳам тамом қиласан.

— Ҳа, майли Шошқалоқ,— деб хафа бўлди Билмасвой.— Сен ҳам бирор нарса сўраб қоларсан, ўшанда мен ҳам бермайман.

Билмасвой бир кун Шошқалоқ уйда йўғида ҳовлида турган автомобилга тушиб олди-да, ричагидан тортиб, тепкисини боса бошлади. Олдин қанча уринса ҳам, машина жойидан жилмади. Кейин бирдан пишиллаб юриб кетди. Миттилар буни деразадан кўриб қолиб, уйдан югуриб чиқишди.

— Нима қиляпсан? — деб бақирди улар.— Уласан!

— Улмайман,— деб жавоб берди Билмасвой. Машина ҳовли ўртасида турган итнинг уйчасига бориб урилди.

Қарс-курс этиб, уйча парча-парча бўлиб кетди. Яхшиям Кўктой қочиб қолди, бўлмаса-чи, Билмасвой уни босиб олган бўларди.

— Ана кўрдингми, нима қилиб қўйдинг! — деб бақирди Билагон.— Ҳозир тўхтат!

Билмасвой қўрқиб кетганидан машинани тўхтатмоқчи бўлиб қандайдир ричагини босди. Машина бўлса тўхтамай, яна тезроқ юриб кетди. Йўлда шийпонча учраб қолганди, у ҳам қарс-курс этиб, бўлак-бўлак бўлиб кетди. Билмасвойга тахта парчалари келиб урилди. Битта тараша унинг орқасига илиниб қолди, бошқа биттаси бўйнига тарақлаб тушди. Билмасвой рулга ёпишганича машинани қайтармоқчи бўлди. Машина бўлса ҳовли бўйлаб физилларди, Билмасвой овози борича бақирди:

— Оғайнилар, тезроқ дарвозани очинглар, бўлмаса ҳовлидаги нарсалар дабдала бўлади!

Миттилар дарвозани очишди, Билмасвой дарвозадан чиқиб, машинани кўча бўйлаб ҳайдаб кетди. Шовқинни эшитиб ҳамма ҳовлилардаги миттилар югуриб чиқишди.

— Қочинглар! — деб бақирарди уларга Билмасвой ва физиллаб ўтиб кетарди.

Билағон, Агарқул, Мурватвой, доктор Дорижон ва бошқа миттилар унинг кетидан югуришди. Лекин у кетган эди. Етишолмади. Билмасвой шаҳар бўйлаб айланиб юраверди, чунки у қандай қилиб тўхтатишни билмасди.

Охири машина дарё бўйига келиб қолиб, пастликка умбалоқ ошиб кетди. Билмасвой унинг ичидан отилиб чиқиб қирғоққа бориб тушди ва шу ерда чўзилиб қолди. Автомобиль бўлса сувга тушиб, чўкиб кетди. Билағон, Агарқул, Мурватвой ва доктор Дорижонлар Билмасвойни кўтариб уйга олиб келишди. Ҳамма уни ўлиб қолган деб ўйлаганди. Улар Билмасвойни каравотига ётқизишгандагина у кўзини очди, атрофига аланглаб:

— Оғайнилар, мен ҳали тирикманми? — деб сўради.

— Тириксан, тириксан, — деб жавоб берди доктор Дорижон. — Фақат жим ёт, сени текшириб кўришим керак.

У Билмасвойни ечинтириб, у ёқ-буёғини текшира бошлади:

— Жуда қизиқ! Суяклари бус-бутун, фақат бир қанча зирапча билан лат еган жойи бор, — деди.

— Орқамга тараша илиниб қолган эди, — деди Билмасвой.

— Зирапчаларни олиб ташлашга тўғри келади, — деди доктор Дорижон бошини чайқаб.

— Олганда оғрийдими? — деб чўчиди Билмасвой.

— Йўқ, ҳеч ҳам оғримайди, қани бундоқ қил-чи, мен ҳозир энг катгасини суғуриб ташлайман.

— Во-о-ой! — деб бақирди Билмасвой.

— Нима бўлди сенга? Шунгаям оғрияптими? — деб ҳайрон бўлди Дорижон.

— Албатта оғрияпти!

— Ҳа, бирпас тишингни тишингга қўйиб чидаб тур! Сенга шунақа туюляпти-да.

— Йўқ, сираям шунақа эмас. Вой-вой-вой!

— Нега бақирасан-а? Сени бўғизлаётганим йўқ-ку, ахир. Бўғизламайман ҳам.

— Оғрияпти! Ўзинг оғримайди девдинг-ку, энди оғрияптида!

— Бўлди, бўлди, жим тургин. Битта зирапча қолди, холос.

— Вой, керак эмас! Керак эмас! Бундан кўра, майли, зирапча қолаверсин.

— Бўлмайди, йиринг бойлаб кетади.

— Вуй-вуй-вуй!

— Ана энди ҳаммаси бўлди. Йод суриш қолди, атиги.

— Йод оғритадими?

— Йўқ, йод оғритмайди, Қимирламай ёт.

— А-а-а!

— Бақирма, бақирма! Машинада юришни яхши кўрасан-у, озгина чидашни ёмон кўрасанми!

— Вой, куйдирворди-ку!

— Куйдиради-да, кейин босилиб қолади. Сенга ҳозир ҳарорат ўлчагич қўяман.



— Вой, кераги йўқ! Керак эмас!  
— Нима учун?  
— Оғрийди.  
— Ҳарорат ўлчагич оғритмайди.  
— Нуқул оғритмайди дейсан-у, кейин оғритади.  
— Вой жиннивой, мен сенга сираям ҳарорат ўлчагич қўйган эмасманми?

— Ҳеч қачон.  
— Мана, ҳозир оғритмаслигини кўрасан, — деди-да Дорижон ҳарорат ўлчагич олиб келгани чиқиб кетди.

Билмасвой каравотдан ирғиб турди-да, очиқ деразадан сакраб, дўсти Думбулвойнинг ёнига қочиб кетди. Доктор Дорижон ҳарорат ўлчагич олиб келиб қараса, Билмасвой йўқ.

— Ана холос, шунақа касалларни давола-я, давола, — деб тўнғиллади Дорижон. — Уни даволайсан, даволайсан, у бўлса деразадан сакраб қочиб кетади. Ҳе, ярамас!

## Олтинчи боб

### БИЛАҒОННИНГ ҲАВО ПУФАГИ УЙЛАБ ТОПГАНИ

Ўқишни яхши кўрадиган Билағон узоқ ўлкалар ва турли саёҳатлар ҳақидаги китобларни жуда кўп ўқиган эди. Кечкурунлари бекорчиликда кўпинча ўз ўртоқларига китоблардан ўқиганларини айтиб берарди. Болалар бу ҳикояларни жуда яхши кўришарди. Улар ўзлари сираям кўрмаган мамлакатлар ҳақидаги ҳикояларни эшитишни ёқтиришарди. Саёҳатчилар ҳақидаги ҳикояларни, айниқса, яхши кўришарди. Нега деганингизда, саёҳатчилар ҳаётида кутилмаган саргузаштлар, жудаям ғаройиб воқеалар рўй беради-да.

Бунақа воқеаларни эшитавергач, болаларнинг ўзлари ҳам саёҳатга чиқишни орзу қила бошлашди. Баъзилари пиёда саёҳат қиламиз дейишди, бошқалари дарёда қайиқда сузишни таклиф қилишди. Билағон бўлса:

— Келинлар, ҳаво пуфаги ясаймиз-да, осмонга учамиз, — деди.

Бу таклиф ҳаммага жуда ёқиб тушди. Миттилар ҳали ҳаво пуфагида ҳеч учишмаган эди. Барча болалар жуда қизиқишди. Ҳаво пуфагини қандай қилиб ясашни, турган гап, ҳеч ким билмасди. Билағон бўлса, мен олдин яхшилаб ўйлаб кўрай-чи, кейин сизларга тушунтириб бераман, — деди.

Шундай қилиб, Билағон ўйлай бошлади. Уч кеча-кундуз ўйлади, кейин резинадан пуфак қилишни ўйлаб топди. Миттилар резина ишлашни билишарди. Шаҳарларида фикус ўсимлигига ўхшаган гуллар ўсарди. Агар бу гулларнинг поясини кесса,

ундан сув оқиб тушарди. Бу сув секин-аста қуюқлашиб, резинага айланарди. Кейин бундан копток ва калиш қилса бўларди.

Билагон буни топгандан кейин, болаларга резина суви йиғиб келишни буюрди. Ҳамма йиққан сувини Билагон тайёрлаб қўйган катта бочкага тўка берди. Билмасвой ҳам сув йиққани кетиб, кўчада иккита миттиной билан арқонча ўйнаётган дўсти Думбулвойга дуч келиб қолди.

— Менга қара, Думбулвой, биласанми биз қанақа нарса ўйлаб топдик!— деди Билмасвой.— Оғайни, нималигини билсанг борми, алам қилганидан ёрилиб ўласан.

— Ёрилмайман,— деб жавоб берди Думбулвой.— Ёрилгим келиб тургани йўқ!

— Ёриласан, ёриласан!— деб ишонтирди уни Билмасвой.— Шунақаям галатики, уни тушингда ҳам кўрмагансан.

— У нима экан ўзи?— деб қизиқиб қолди Думбулвой.

— Яқинда ҳаво пуфаги ясаб, саёҳат қилгани осмонга учамиз. Думбулвойга алам қилиб қолди. Унинг ҳам бир нима билан мақтангиси келди-да:

— Ҳаво пуфаги эмиш! Мен бўлсам миттинойлар билан дўстлашиб олдим,— деди.

— Қайси миттинойлар билан?

— Мана булар билан,— деб қизалоқларни бармоғи билан кўрсатди.— Мана бу қизнинг оти Чивиной, буниси Мунчоғой.

Чивиной билан Мунчоғой нарироқда Билмасвойга хавфсираб қараб туришарди.

Билмасвой уларга хўмрайиб қараб қўйди-да:

— Ие, ҳали шундоқми! Ахир, сен менинг дўстимсан-ку!— деди Билмасвой.

— Мен сен билан ҳам, улар билан ҳам дўст бўлавераман, Бири бошқасига халақит бермайди-ку.

— Йўқ, халақит беради,— деди Билмасвой,— қизалоқлар билан дўстлашганинг ўзи қизалоқ, улар билан ҳозироқ жанжаллаш!

— Нега жанжаллашар эканман?

— Жанжаллаш деяпман сенга! Бўлмаса ўзим сен билан жанжаллашаман.

— Жанжаллашсанг-жанжаллаша қол, уни қара-я!

— Мана ҳозир жанжаллашаман, Чивиной ва Мунчоғойларнинг бир додини берайки!

Билмасвой муштумини қисиб, қизалоқларга ташланди. Думбулвой бўлса унинг йўлини тўсиб, пешонасига бир мушт туширди. Улар ёқалашиб кетишди, Чивиной билан Мунчоғойлар эса қўрқиб кетишганидан ура қочишди.

— Шу қизалоқларни деб пешонамга мушт туширасанми ҳали?— деб бақирди Билмасвой ва Думбулвойнинг бурнига урмоқчи бўлди.

— Нега уларни хафа қиласан?— деб сўради Думбулвой муштумини кўтариб.

— Уни қара-я, кўриқчи чиқиб қолибди! — деди-да, Билмасвой ошнасининг калласига бир туширди. Думбулвой ўтириб қолди, кейин тура қочиб кетди.

— Энди сен билан дўст эмасман! — бақирди Билмасвой уни қувиб кетаётиб.

— Бўпти, жуда яхши! — деди Думбулвой. — Ярашгани олдин ўзинг келасан.

— Кўрасан, сираям бормайман! Биз ҳаво пуфагида саёҳатга чиқамиз.

— Томдан болохонага уча берингла!

— Томдан болохонагача ўзинг учасан! — деб жавоб берди-да, Билмасвой резина суви йиққани жўнаб қолди.

Бочка резина сувига тўлгандан кейин, Билагон уни яхшилаб аралаштирди ва Тузатвойга автомобилга ишлатадиган насосни олиб келишни буюрди. Бу насоснинг учига узун резина қувур ўрнатди, қувурнинг учига эса, резина сувидан қуйиб қўйди, кейин Тузатвойга насос билан ҳаво юборишни буюрди, Тузатвой насосни боса берган эди, ўша заҳотиёқ резина суви шиша бошлаб худди совун кўпигига ўхшаб кўпириб кетди. Билагон бу шишган пуфакнинг атрофига резина сувидан суркаб турди. Тузатвой насос орқали ҳаво беришни тўхтатмади, ҳалиги юмалок пуфак борган сари кенгайиб каттакон шарга айланди. Ҳатто Билагон унинг ҳамма ёғига резина суви суркашга ҳам улгуролмай қолди. Шунда бошқа болаларга ҳам суркаб турингла, деб буюрди. Ҳамма ишга киришиб кетди. Пуфакнинг атрофида ҳаммага ҳам иш тошилди-ю, фақатгина Билмасвой атрофда ҳуштак чалиб юрди, у шардан нарироқ туришга уринар, унга узоқдан қарарди ва:

— Пуфак ёрилиб кетади! Ана, ҳозир ёрилади! Эҳ! — дерди нукул.

Аммо пуфак ёрилмади, борган сари катталаша борди. У тез орада шунақанги катта бўлиб кетдики, пуфакнинг усти ва ёнига резина суви суриб туриш учун ҳовли ўртасида ўсган ёнғоқ устига чиқишларига тўғри келди.

Пуфакни шишириш икки кун давом этди. Шарнинг катталиги том бўйи бўлгандан кейингина шиширишни тўхтатишди. Шундан кейин Билагон пуфакдан ҳаво чиқиб кетмасин деб унинг тагидаги трубкани арқонча билан боғлаб қўйди ва:

— Пуфак энди қуриб турсин, унгача биз сиз билан бошқа ишни қиламиз, — деди.

У пуфакни шамол учириб кетмаслиги учун ёнғоқ шохига арқон билан боғлаб қўйди. Кейин болаларни икки отрядга бўлди. Бир отрядга пилла териб келишни, ундан ипак олиб, ип йигиришни буюрди. Бу иплардан каттакон тўр тўқингла, деди. Бошқа отрядга эса ингичка қайин пўстлоғидан каттакон сават тўқишни буюрди.

Билагон ўз ўртоқлари билан бу ишларни қилиб юришгунча, Гулзор шахрининг одамлари ёнғоқ шохига боғлаб қўйилган ба-

хайбат пуфакни келиб кўришди. Ҳамманинг ҳам пуфакни ушлаб кўргиси келарди, баъзи бирлари эса, ҳатто кўтариб кўрмоқчи бўларди.

— Пуфак энгил экан,— дейишди улар.— Уни бир қўлда бемалол юқорига кўтариш мумкин.

— Енгилликка, енгилку-я, лекин менимча, у учолмайди,— деди Толиб исмли бола.

— Нега учмас экан? — деб сўрашди бошқалар.

— Қанақа қилиб учарди? Учолганда эди, юқорига кўтарилган бўларди, у ерда ётибди-ку. Бундан чиқди, энгил бўлгани билан бари бир оғир,— деди Толиб.

Миттилар ўйлаб қолишди.

— Ҳим, ҳим! — дейишди улар.— Шар енгил-ку, бари бир оғир. Бу тўғри. У қандай қилиб учади?

Улар Билагондан сўрай бошлашди. Лекин Билагон:

— Озроқ ошиқмай туринглар. Тезда ҳаммасини кўрасизлар,— деди,

Билагон миттиларга ҳеч нима тушунтириб бермагандан кейин, улар баттар шубҳалана бошлашди. Толиб шаҳарга бўлмағур шов-шув тарқатди.

— Пуфакни қанақа куч юқорига кўтара олади? — деб сўрарди-да, яна ўзи: — Бунақа куч йўқ?! Қушлар қаноти бўлгани учун учади. Резина пуфак юқорига учолмайди. У фақат пастга уча олади,— деб жавоб берарди.

Шаҳарда энди ҳеч ким буларнинг ишига ишонмай қўйди. Ҳамма куларди. Улар Билагоннинг уйи ёнига келиб девордан шарга қарашар:

— Қаранглар, қаранглар! Учиб кетай деяпти! — деб кесатишарди.

Билагон уларнинг майна қилишларига эътибор бермади. Ипак тўр тайёр бўлгандан кейин тўрни шар устига ёпишни буюрди. Тўрни ёйишиб пуфак устига ташлашди.

— Қаранглар! — деб чувуллашди девор орқасидан миттилар.— Пуфакни тўрга солишди. Учиб кетади деб кўрқишяпти. Ваҳ-ҳа-ҳа!

Билагон пуфакнинг тагидан арқон билан ёнғоқ шохига боғлаб қўйиб, юқорига кўтаришни буюрди. Шошқалоқ билан Тузатвой шу заҳотиёқ арқонни олиб шохга чиқишди-да, пуфакни юқорига кўтара бошлашди. Бу ҳолат томошабинларни жудаям севинтириб юборди.

— Ваҳ-ваҳ-хаҳ! — деб кулишди улар.— Бу шунақа арқон билан юқорига кўтариладиган пуфак экан-да. Агар уни арқон билан юқорига кўтарадиган бўлса, у қандай қилиб уча олади?

— Шундай қилиб уча беради,— деди Толиб.— Улар пуфакни устига ўтиришади-да, арқон билан юқорига тортишади, қарабсанки, пуфак учади-кетади.

Шарни ердан юқорига кўтаришганда тўрнинг учлари тўрт томондан пастга осилиб тушди. Билагон тўрнинг осилиб тушган

учини қайин пўстлоғидан қилинган саватга боғлашни буюрди. Сават тўртбурчак эди. Унинг ҳар бир томонида биттадан кичкина ўриндиқ қилинган эди, ҳар бир ўриндиққа тўрттадан бола сифарди.

Саватнинг тўрт бурчагидан тўрга боғлашди. Билағон пуфак учишга тайёр эканини эълон қилди. Шошқалоқ энди учиш мумкин, деб ўйлади. Лекин Билағон ҳамма учун парашют ясаш лозимлигини айтди.

— Парашют нега керак? — деб сўраб қолди Билмасвой.

— Шар тўсатдан ёрилиб кетиши мумкин. Шунда парашют билан сакраб тушилади, — деб тушунтирди Билағон.

Эртасига Билағон ва унинг шериклари парашют тайёрлаш билан овора бўлишди. Ҳамма ҳам ўзига қоқигулнинг паридан парашют ясаб олди, чунки Билағон ҳаммага парашютни қандай ясаш кераклигини кўрсатиб берган эди.

Шаҳар аҳолиси пуфакнинг шохда ҳаракатсиз илиниб ётганлигини кўриб, бир-бирига:

— Ёрилиб кетгунча шундай осилиб тураверади. Ҳеч ҳам учмайди, — дейишди.

— Нега энди учмайпсизлар? — деб бақирди яна девор орқасида туриб. — Пуфак ёрилиб кетгунча учиш керак, ахир!

— Хавотир олманглар, — деб жавоб берди уларга Билағон. — Учиш эртага эрталаб соат саккизда бўлади.

Кўплар масхара қилиб кулишди, баъзилар бўлса иккиланиб қолишди.

— Ростдан ҳам учадиганга ўхшайди! — дейишди улар. — Эртага келиб кўриш керак.

## Еттинчи боб

### САЁҲАТГА ТАЙЁРГАРЛИК

Билағон дўстларини эрталаб барвақт уйғотди. Ҳамма уйғониб, йўл тадоригини кўра бошлади. Мурватвой ва Тузатвой чарм камзулларини кийишди. Овчи Уқтой энг яхши кўрадиган чарм этигини кийди. Бу этикнинг қўнжи тиззадан баланд жойидан тасмача билан тортиб бойлаб қўйиларди. Бунақанги этиклар саёҳатда жуда қулай бўлади. Шошқалоқ «Шошилич» деб аталадиган костюмини кийиб олди. Бу костюм ҳақида анча гапирингга тўғри келади. Шошқалоқ доим шошиб, вақтини бекор ўтказмасликка ҳаракат қилганидан ўзига битта ҳам тугмаси йўқ махсус костюм ўйлаб чиқарди. Нега десангиз, кийим кийганда ва ечганда тугмани қадаш ва ечиш жуда кўп вақт олади. Шошқалоқнинг костюм-шими бўлак-бўлак бўлмай, коржомага ўхшаб яхлит эди. Бу коржома фақат бўйин томонидаги битта тугмача билан қадаб қўйиларди. Тугмасини ечиб юборилса борми, бу

кийим бир зумда елкадан сирғалиб, кўз очиб юмгунча, оёқ остига ечилиб тушарди.

Бўғирсоқ деган хўппа семиз бола энг яхши костюмини кийди. У ҳаммадан ҳам костюмидаги чўнтакларни эҳтиёт қиларди. У костюмининг чўнтаги қанча кўп бўлса, шунча яхши деб ҳисобларди. Унинг ажойиб костюмида ўн еттита чўнтак бор эди. Камзулида ўнта чўнтак бўлиб, иккитаси кўкрагида, иккита қийшиғи қорнида, иккитаси ёнида, учтаси ичида ва битта яширин чўнтаги орқа томонида эди. Шимида эса, иккита чўнтак олдинда, иккитаси кейинда, иккитаси ёнида, биттаси настроқда — тиззада эди. Ҳаётда шунақанги ўн етти чўнтакли, тиззасида ҳам чўнтаги бор костюм-шимни фақат кинооператорлардагина учратиш мумкин.

Шарбатжон катак-катак костюм кийиб ясанди. У нуқул катак костюмда юрарди. Унинг шими ҳам, камзули ҳам, қалпоғи ҳам катак-катак эди. Миттилар уни узоқдан кўришганда доим: «Ана қаранглар, қаранглар, шахмат тахтаси/ келяпти», дейишарди. Агарқул деган бола чанғи кийимини кийиб ясаниб олди. У бу кийимни саёҳат учун қулай деб ўйлади. Магарқул эса, эгнига йўл-йўл фуфайка, йўл-йўл жун кўйлак кийди, бўйнига ҳам йўл-йўл шарф ўради. Бу кийимларда унинг ҳаммаёғи йўл-йўл бўлиб кетганди. Узоқдан у, Магарқул эмас, балки йўл-йўл тўшакка ўхшарди. Ҳамма ўз ҳолига яраша кийинди. Фақатгина, нарсаларини қаер тўғри келса, шу ёққа улоқтираверадиган Довдирвой камзулини излай-излай тополмади. Қалпоғини ҳам қаёққадир тиқиб қўйган экан, шунча қидирса ҳам тополмади. Кейин каравотнинг тагидан қишки қулоқчинини топиб олди.

Рассом Бўёқвой бўлса, саёҳат пайтида кўрганларини суратга олишни мўлжаллаб қўйди. У бўёқ ва мўйқаламларни олиб, ҳаво пуфагининг саватига олдиндан ташлаб қўйди. Машшоқвой ўзининг найини олмоқчи бўлди. Доктор Дорижон ҳам дори халтасини олиб, саватдаги ўриндиқ тагига ташлаб қўйди. Саёҳат вақтида битта-яримтаси касал бўлиб қолиши мумкин-да.

Ҳали соат олти бўлмасданоқ атрофга бутун шаҳар аҳли йиғилиб қолди. Учишни томоша қилгани келган кўпчилик миттилар девор ва томларда ўтиришарди.

Шошқалоқ саватга ҳаммадан олдин тушиб, ўзига жуда қулай жойни танлаб олди. Унинг кетидан Билмасвой тушди.

— Ана қаранглар, — деб қичқиринди атрофга йиғилган томошабинлар, — чиқиб ўтиришяпти!

— Сизлар нима учун саватга чиқиб олдиларинг? — деди Билагон. — Тушинглар, ҳали вақт эрта.

— Нега вақт эрта экан? Учиш мумкин-ку, — деди Билмасвой.

— Ҳеч нарсани билмайсан! Пуфакни аввал илиқ ҳаво билан тўлдириш керак-да, ахир.

— Илиқ ҳавонинг нима кераги бор? — деб сўради Шошқалоқ.

— Нега деганингда, илиқ ҳаво совуқ ҳаводан енгил бўлади, шунинг учун у юқорига кўтарилади. Биз пуфакни илиқ ҳаво билан тўлдирсак, осмонга олиб чиқади,— деб уқтирди Билағон.

— Эй, ҳали, бундан чиқди, илиқ ҳаво ҳам керак экан-да,— деди Билмасвой ва Шошқалоқ билан иккови саватдан тушишди.

— Қаранглар,— деб кимдир қўшни томдан туриб бақирди,— қайтиб тушишяпти! Учишдан айнишди.

— Албатта, айнишган,— деб жавоб берди бошқа томдан бир киши,— шунақа пуфакда учиш мумкинми, ахир? Одамларни шунчаки лақиллатишяпти-да.

Шу чоқ Билағон миттиларга бир неча қопга қум тўлдириб, саватга солишни буюрди. Шу заҳотиёқ Шошқалоқ, Индамас, Агарқул ва бошқа болалар саватга солиш учун қопларга қум тўлдира бошлашди.

— Улар нима қилишмоқчи?— деб бир-биридан сўрашарди томошабинлар ҳайрон бўлиб.— Нимагадир саватга қумли қопни солишяпти?

— Эй, қумли қопларни нима қиласизлар?— деб бақирди деворга миниб ўтирган Толиб.

— Осмонга чиқиб олиб, бошингизга ташлаймиз,— деди Билмасвой.

Билмасвой қопнинг нимага кераклигини билмас эди, албатта. Бу гапни унинг ўзи ўйлаб топди.

— Олдин бундоқ осмонга кўтарилиб кўринг-чи!— деб бақирди Толиб.

Деворда Толибнинг ёнида ўтирган Жинқарча:

— Эҳтимол, улар учишга қўрқишаётгандир, ўзларининг ўрнига қумли қопни учуришмоқчидир,— деди.

Атрофда кулги кўтарилди:

— Албатта, қўрқишади-да! Нимадан ҳам қўрқишади-а? Бари бир пуфак учмайди-ку.

— Эҳтимол ҳали учиб қолар,— деди деворнинг тирқишидан қараётган қизалоқлардан бири.

Теварақ-атрофдагилар баҳслашгунларича, Билағон ҳовли ўртасида олов ёқишни буюрди. Мурватвой билан Тузатвой ўз устахоналаридан каттакон мис қозон олиб чиққанини, уни олов устига қўйганини ҳамма кўриб турди. Мурватвой билан Тузатвой ҳаво қиздириш учун аллақачон шу қозонни ясаб қўйишган эди. Қопқоғи зич ёпилган қозоннинг четида тешиги бор бўлиб, ҳаво юбориб туриш учун қозоннинг ёнига насос ўрнатилган. Ҳаво қизигандан кейин, қозон қопқоғидаги тешиқдан исиб чиқади.

Қозоннинг нима учун кераклигини томошабинлардан ҳеч ким билмасди, албатта, лекин ҳар ким ўзича тахмин қиларди.

— Эҳтимол, саёҳат олдидан овқатланиб олиш учун шўрва қилишмоқчидир,— деди Мойчечак деган қизалоқ.

— Албатта овқатланишади-да,— деди Жинқарча.— Шунақанги узоқ йўлга чиқадиган бўлсанг, эҳтимол, сен ҳам овқатланиб олардинг!

— Рост,— деб гапига қўшилди Мойчечак,— эҳтимол бу, энг охирги марта...

— Энг охирги марта деганинг нимаси!

— Ҳали, энг охирги марта овқатланишиб кейин учишади, пуфак ёрилиб, улар ҳам парча-парча бўлишади...

— Хавотир олма, ёрилмайди,— деди унга Толиб,— ёрилиш учун олдин учиши керак, бу бўлса, кўрдингми, бир ҳафтадан бери турибди, ҳеч қаёққа учмайди.

— Ана энди учади!— деб жавоб берди учишни томоша қилишга Чивиной билан бирга келган Мунчоғой.

Ҳамма томошабинлар қизгин баҳслашишга киришди. Агарда битта-яримтаси пуфак учади деса, бошқа бирови ўша заҳотиёқ учмайди дерди, агарда биров учмайди деса, бошқа бири учади дерди. Шовқин-сурон кўтарилгани учун ҳеч нимани эшитиб бўлмасди. Бир том тепасида иккита бола жуда қизгин баҳслашишганидан бир-бири билан уришиб кетишди. Устларига сув сепиб, уларни ажратиб юборишди.

Бу орада қозондаги ҳаво исиб қолди. Билағон пуфакни иссиқ ҳавога тўлдириш мумкин деб ўйлади. Лекин пуфакни иссиқ ҳаво билан тўлдириш учун, аввал ундаги совуқ ҳавони чиқариб юбориш керак эди. Билағон пуфак ёнига келиб, резина қувур қаттиқ боғлаб қўйилган арқонни ечди. Совуқ ҳаво пуфак ичидан қаттиқ вишиллаб чиқа бошлади. Шар учади ё учмайди деб баҳслашаётган миттилар, шарнинг кичиклашаётганини кўриб қолишди. Шар бужмайиб, буришиб, нок қоқига ўхшаб, саватнинг ичида кўринмай кетди. Жуда чиройли, баҳайбат пуфак ўрнида энди устига тўр ёпилган сават турарди, холос.

Вишиллаш тинди. Шу заҳотиёқ бирданига кулги кўтарилди. Пуфак учади деганлар ҳам, пуфак учмайди деганлар ҳам кулишди. Билмасвойнинг ошнаси Думбулвой шунақанги кулдики, ҳатто томдан думалаб тушиб, гарданини шишириб олди. Доктор Дорижон шу ернинг ўзидаёқ, уни даволаб, шишига йод суриб қўйди.

— Мана бунини учиш деса бўлади!— деб бақирди атрофдан.— Билағоннинг пуфаги мана шунақа-да. Пуфакка бир ҳафтача овора бўлишди, у бўлса пақиллаб ёрилди-кетди. Ана томоша-ю, мана томоша! Умримда сираям бунақа маза қилиб кулманман!

Лекин Билағон кулгиларга эътибор қилмади. У пуфак билан қозонга узун қувур улади. Қозонга уланган насосдан ҳаво юборишни буюрди. Қозонга янги ҳаво кира бошлади, исиган ҳаво бўлса қувур орқали тўппа-тўғри пуфакка ўтиб кетарди. Тўр остида ётган пуфак аста-секин катталаниб бориб, саватга сигмай кетди.



— Ана қаранглар, — деб севинишарди томошабинлар, — тагин шиширишяпти! Вой тентаклар-эй! У ёрилиб кетади-ку!

Пуфак бўлса яна шишиб, катталашиб сават ичдан чиқиб кетди, кейин сават устида тўхтаб қолди. Энди у идишда ётган баҳайбат тарвузга ўхшарди. Шунда пуфакнинг оҳиста юқорига кўтарилганини ва саватга боғланган тўрни тортганини ҳамма бирданига кўриб қолди. Ҳайрон бўлишганидан «вой» деб бақирди. Энди пуфакни ҳеч ким арқон билан юқорига кўтармаётганини ҳамма кўриб турарди.

— Ура! — деб қичқирди Мойчечак ва ҳатто чапак ҳам чалиб юборди.

— Бақирма! — деб қичқирди унга Толиб.

— Ахир, учди-ку!

— Ҳали учганича йўқ. Қарагин, у саватга боғланган-ку. Ҳали у саватни, яна шунча болаларни кўтара олармиди!

Толиб пуфакнинг катталашиб, юқори кўтарилганини ва саватнинг ердан узилганини кўриб қолди-да, кучининг борича бақириб юборди;

— Ушланглар, ушланглар! Учиб кетади бўлмаса! Нимага қараб турибсизлар?

Лекин сават ёнғоқ дарахтига маҳкам боғлангани учун пуфак учиб кетмади. У ердан салгина юқорига кўтарилди, холос.

— Ура-а! — деган овоз келди ҳар томондан. — Ура! Қойил Билағонга, қойил! Билағоннинг пуфаги ана шунақа! Уни нима билан шиширишди экан? Эҳтимол, буғ биландир.

Пуфакнинг учишига энди ҳамма ишонган эди.

## Саккизинчи боб

### САЁҲАТ

Пуфакни илиқ ҳаво билан тўлдириб бўлишди. Билағон қозонни олиб кетишни буюрди ва илиқ ҳаво пуфакдан чиқиб кетмасин деб резина қувурни арқон билан ўзи боғлаб қўйди. Кейин ҳаммага, саватга чиқинглар, деб буюрди. Энг олдин Шошқалок, ундан кейин Бўғирсоқ чиқди. У сал бўлмаса бошқа миттилари устига йиқилиб тушаёзди. У семизгина, ҳамма чўнтаклари майда-чуйда нарсаларга — қанд-курс ва печеньега тўла эди. Бунинг устига, ҳар эҳтимолга қарши калишини кийиб, қўлига соябонни ушлаб олибди. Бўғирсоқни кўплашиб саватга чиқаришди, унинг кетидан қолган болалар ҳам амаллаб чиқиб олишди. Шарбатжон сават атрофида ўралашиб юриб, ҳаммани чиқарди:

— Марҳамат қилиб, чиқа қолинглар, — дерди у, — яхшилаб жойлашиб олинглар, жой ҳаммага ҳам етади.

— Узинг ҳам чиқиб ол, — дейишди унга.

— Ҳа, чиқарман, — деб жавоб берди Шарбатжон, — аввал сизлар чиқиб олинглар-чи.

У ҳаммани қўлтигидан кўтариб, орқасидан суяб юқорига чиқишига ёрдам берарди.

Ниҳоят, ҳамма саватга чиқди, пастда Шарбатжоннинг бир ўзи қолди.

— Сен нега чиқмаяпсан? — деб сўрашди ундан.

— Чиқмасам тузук бўлармикин, — деб жавоб берди Шарбатжон. — Жуда семизман. Менсиз ҳам у ер сизларга торлик қиляпти. Оғирлик қиламанми деб чўчияпман.

— Чўчимаё қўя қол, ҳеч қанақасига оғирлик қилмайсан.

— Йўқ оғайнилар, ўзларинг уча қолинглар. Сизларни шу ерда кутиб тураман. Сизни қисиб қўйишнинг нима кераги бор!

— Сен ҳеч кимни қисмайсан, — деб жавоб берди Билағон, — чиқиб ол. Ҳаммамиз учмоқчи бўлдикми, биргаликда учамиз.

Шарбатжон истар-истамас саватга чиққан эди, тўсатдан осилиб турган сават пуфак билан бирга лоп этиб ерга тушиб қолди.

— Ана учишди! — деб кулди деворда ўтирган Жинқарча.

— Сен нега куляпсан? — деб унга бақирди Толиб. — Бу ерда кўнгилсизлик юз берди-ку, у бўлса кулади-я!

— Ҳеч қандай кўнгилсизлик йўқ, — деди Шишажон. — Ҳаво пуфаги фақат ўн беш болага мўлжалланган, ўн олтитани кўтаролмайди.

— Бундан чиқди, учишмас экан-да? — деб сўради Толиб.

— Бирортасини қолдиришга тўғри келади, ундан кейин учади, — деди Шишажон.

— Эҳтимол, Билмасвойни қолдиришар, — деди Чивиной.

Ҳаво пуфагида учишдан чўчиган Шарбатжон хурсанд бўлиб:

— Ана, айтмадимми, оғирлик қиламан деб! Яхшиси мен тушиб қолай, — деди.

У тушиб қолиш учун оёғини кўтарган ҳам эдики Билағон бир қоп қумни саватдан ташлаб юборди. Пуфак шу заҳотиёқ енгиллашиб, тагин юқорига кўтарилди. Билағон қумли қопларни нима учун саватга солдирганини ҳамма шундан кейингина пайқади. Барча чапак чалиб юборди, Билағон бўлса қўлини юқорига кўтариб, миттиларга қарата нутқ сўзлади:

— Хайр, оғайнилар! — деб қичқирди у. — Биз узоқ ўлкаларга учиб кетяпмиз. Бир ҳафтадан кейин қайтиб келамиз. Хайр, оғайнилар!

— Хайр! Хайр! Оқ йўл бўлсин! — деб миттилар бақирди, қўлларини, бош кийимларини силкишарди.

Билағон қаламтарошини олиб саватдан ёнғоқ шохига боғ-

ланган арқонни қирқиб юборди. Пуфак бир сирғалиб юқорига кўтарилди-да, ёни билан шох-шаббаларга илиниб қолди, лекин шу заҳотиёқ илинган жойидан чиқиб, тезлик билан осмонга кўтарилди бошлади.

— Ура! — деб бақирди миттилар. — Яшасин Билағон ва унинг ўртоқлари! Ура-а!

Ҳамма чапак чалиб, қалпоқларини осмонга ота бошлашди. Миттивойлар севинишганидан бир-бирларини кучоқлаб олишди. Ҳатто Чивиний билан Мунчоқой ўпишиб олишди. Гунафшахон бўлса йиғлаб юборди.

Пуфак баландга кўтарилди борди. Шамол уни ён томонга учирарди. У тез орада зангори осмонда зўрға кўринадиган кичкина нуқтага айланди. Шишажон томнинг тепасига чиқиб олиб, дурбинидан қора нуқтани кўра бошлади. Унинг ёнгинасида, томнинг четида шоир Гулшаний турарди. У қўлини кўксига қўйиб, гўё бир нарсани ўйлагандай, шовқин солаётганларга суюниб қараб турарди. У тўсатдан қулочини кенг очиб, бор овози билан:

— Шеър эшитинглар! Шеър! — деб бақирди.

Атроф бирдан жим бўлиб қолди. Ҳамма бошини кўтариб, Гулшанийга қаради.

— Шеър! — деб шивирлашди миттилар. — Ҳозир шеър ўқишар экан.

Гулшаний жимлик бўлишини кутиб турди. Кейин учиб кетган пуфакка қўлини чўзиб, сал йўталиб қўйди, яна:

— Шеър, — деди.

Кейин ҳозирнинг ўзида тўқиган шеърини ўқий бошлади:

Улкан пуфакни тўлдирдик парга,  
Кўтарилмади кўкка бекорга.  
Бизнинг миттилар қуш бўлмаса ҳам,  
Кўкка учишга яраб чинакам.  
Бу иш жудаям осон-ку, аттанг!  
Энди ақлимиз етибди, қаранг!

Кейин бирдан қийқириқ кўтарилди. Ҳамма яна чапак чалди. Болалар Гулшанийни томдан тушириб, уйигача қўлда кўтариб боришди. Улар гул барглари юлиб олиб, Гулшанийга отишарди. Бугун Гулшаний гўё ҳаво пуфагини ўзи ўйлаб топиб, унда кўкка учгандай доврўғ қозонди. Унинг шеърини ҳамма ёдлаб олиб, кўчаларда айтиб юришди.

Уша уни анча пайтгача гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда:

Бу иш жудаям осон-ку, аттанг!  
Энди ақлимиз етибди, қаранг, —

деган мисралар эшитилиб турди.

# Тўққизинчи боб

## БУЛУТЛАР УСТИДА

Қўрқмас саёҳатчиларимиз пуфакнинг ердан шунчалик силлиққина узилганидан, унинг ҳавога кўтарилганини ҳам сезмай қолишди. Бир оздан кейингина саватдан пастга қарашганди, қўлларини силкиб, қалпоқларини осмонга отиб хайрлашаётган тўда-тўда дўстларини кўришди. Пастдан «Ура!» деган қичқирик эшитиларди.

— Хайр, хайр! — деб қичқиришди уларга жавобан Билағон ва унинг ўртоқлари.

Булар ҳам қалпоқларини силкита бошлашди. Довдирвой қалпоқчасини олиш учун қўлини бошига олиб борган ҳам эди, қалпоғи йўқлигини пайқаб қолди.

— Тўхтанглар, оғайнилар! — деб бақирди у. — Пуфакни тўхтатинглар! Қалпоғим уйда эсимдан чиқиб қолибди.

— Сен нуқул бирон нарсангни эсингдан чиқариб юрасан! — деб вайсади Сергап.

— Пуфакни энди тўхтатиб бўлмайди, — деди Билағон. — У ичидаги ҳавоси совигунча уча беради, шундан кейин пастга тушади.

— Бу қанақаси бўлди, қалпоқсиз учар эканман-да? — деди ранжиб Довдирвой.

— Қалпоғингни каравот тагидан топган эдинг-ку, ахир, — деди Бўғирсоқ.

— Топишга-ку топган эдим-а, кийганимда исиб кетиб столга ташлаб қўйган эдим. Кейин, жўнаш пайтида кийишни эсдан чиқарибман.

— Сен доим охирида ниманидир унутиб қўясан, — деди Сергап.

— Қаранглар-а, оғайнилар, — деб бақирди бирданига Билмасвой, — бизнинг уйимиз пастда қолибди-я!

Ҳамма кулди, Сергап бўлса:

— Сен эҳтимол уй ҳам биз билан учади деб ўйлагандирсан, — деди.

— Сираям бунақа деб ўйлаганим йўқ! — хафа бўлди Билмасвой. — Шунчаки, уйимизга кўзим тушиб қолиб, айта қолувдим. Олдин ҳамма вақт уйда яшаган эдик, энди бўлса-чи, ҳаво пуфагида учяпмиз.

— Учишга-ку, мана учяпмиз, — деди Сергап, — ҳали қаёққа учарканмиз!

— Сен, Сергап, доим вайсаганинг-вайсаган, — деди Билмасвой. — Сенинг дастингдан ҳаво пуфагида ҳам тинчлик йўқ,

— Ёқмаса, бор жўна!

— Бу ердан қаёққа ҳам жўнардим?

— Бас энди, — деб жеркиб ташлади уларни Билагон. — Ҳаво пуфагида ҳам жанжалми?

Ҳаво пуфаги янаям баландга кўтарилди, Гулзор шаҳри бўлса қафтда тургандай яққол кўринарди. Уйлар тариқдай бўлиб кўзга ташланар, миттиларни эса сираям илғаб бўлмасди. Пуфакни шамол олиб кетди, шаҳар бўлса бирпасда жуда олисда қолиб кетди.

Билагон чўнтагидан компасини олиб, пуфак учаётган томонни аниқлади.

Компас — оҳанрабо мили бўлган кичкина қутича. Оҳанрабо мили доим шимолни кўрсатиб туради. Компас милига қараб ҳамма вақт қайтиш йўлини топиш мумкин. Билагон шунинг учун компасни олган эди.

— Шамол бизни тўппа-тўғри шимолга олиб кетмоқда! — деди Билагон. — Бундан чиқди, қайтишда жанубга юришимиз керак.

Ҳаво пуфаги жудаям юқорига кўтарилиб, далалар устидан учарди. Шаҳар кўздан ғойиб бўлди. Миттилар Бодринг дарёси деб аташадиган дарёча пастда ингичка тасмага ўхшаб кўринарди. Дала ўртасидаги дарахтлар бўлса, кичкина қуюқ шохчага ўхшарди. Бўғирсоқ бирдан пастда кичкинагина қора доғни пайқаб қолди. Доғ пуфакнинг ортидан югургандай ер бўйлаб чопарди.

— Қаранглар-а, оғайнилар, кимдир ортимиздан чопиб келяпти! — деб қичқириб юборди Бўғирсоқ.

Ҳамма ўша доғга қарай бошлади.

— Ана, қаранглар, дарёдан ҳам сакраб ўтди, — деб қичқирди Довдирвой.

— Бу нима бўлиши мумкин? — деб сўради Шошқалоқ. — Қаранглар, дарахтлар устидан ҳам сакраяпти!

Ҳаво пуфаги ўрмон устида учса дов дарахтларни оралаб ўтиб борарди. Доктор Дорижон кўзойнагини тақиб қараса ҳам нима эканлигини пайқай олмади.

— Билдим! — деб бақириб юборди бирдан Билмасвой. — Энг биринчи ўзим билдим. Бу бизнинг Кўктой итимиз! Уни ёнимизга олишни эздан чиқариб қўйибмиз. Шунинг учун у кетимиздан чопиб келяпти.

— Нима деяпсан! — деди Уқтой, — Кўктой шу ерда-ку. Мана оёғимнинг тагида ётибди.

— Бу нима экан унда? Эҳтимол, сен топарсан Билагон? — деб сўради Агарқул.

Билагон компасини яшириб қўйиб, пастга қаради.

— Бу ахир бизнинг соямиз-ку! — деб кулди у.

— Қанақасига бизнинг соямиз бўлади? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Пуфакнинг сояси. Биз ҳавода учиб кетяпмиз, соямиз бўлса ерда чопиб кетяпти.

Миттилар сояни анчагача кузатиб боришди, у эса борган сари кичкиналашарди. Охири батамом йўқ бўлиб қолди.

— Соямиз қаёққа йўқолиб қолди? — деб безовталанишди миттилар.

— Биз жуда баландга кўтарилдик, — деб тушунтирди Билагон.

— Энди сояни кўриб бўлмайди.

— Бемаънилик-ку! — деб вайсади Сергап. — Бу ерда ўтириб, ҳатто ўз соянгни ҳам кўролмасанг.

— Тагин вайсаяпсан-а! — деди Билмасвой. — Сенинг дастингдан ҳеч қаерда тинчлик йўқ.

— Тинчлик, тинчлик, — деб масхара қилди уни Сергап. — Ҳаво пуфагида тинчлик нима қилсин? Агарда тинчликни хоҳласанг, уйингда ўтиравер.

— Ўзинг ўтиравер.

— Менга тинчлик керакмас.

— Тагин жанжаллашяпсизларми? — деди Билагон. — Сизларни ерга туширишга тўғри келади.

Сергап ва Билмасвой кўрқишганидан, жанжални тўхтатишди.

Ҳаво пуфаги бу пайтда аллақандай тутунга ва туманга ўхшаш нарсага дуч келиб қолди. Пастда ер юзи кўринмай қолди. Атроф гўё оқ парда билан ўралгандай эди.

— Бу нима ўзи? — деб бақириб юборди барча. — Тутун қаёқдан келяпти?

— Бу тутун эмас, — деди Билагон. — Бу — булут. Биз булутга етдик, энди бўлса, булут орасида учяпмиз.

— Буни ўзингдан тўқияпсан? — деди Билмасвой. — Булут сули шарбатига ўхшаган суюқ бўлади бу бўлса аллақандай туман-ку.

— Булут сенингча, нимадан қилинган? — деб сўради Билагон. — Булут ахир тумандан бўлади-да. У фақат узоқдан қуюқ бўлиб кўринади.

Билмасвой унинг гапига ишонмади:

— Оғайнилар, гапига қулоқ солманглар, — деди гўё ўзининг билагонлигини кўрсатмоқчи бўлиб, — буларнинг барини ўзидан тўқияпти. Узи бўлса, ҳеч нимани билмайди. Унинг булут ва туман деганига ишониб бўпман! Булут — бу шарбат. Мен шарбат ичмабманми?

Ҳаво пуфаги тез юқорига кўтарилиб, булут орасидан чиқиб олди-да, булут устида учиб кета бошлади. Билмасвой саватдан мўралаб пастдаги булутларни кўрди. Улар, ҳамма ёққа ёйилиб ер юзини батамом бекитиб қўйган эди.

— Вой, жуда ғалати-ку, — деб бақириб юборди Билмасвой. — Осмон пастда қолди! Биз оёғимиз осмонда бўлиб учяпмиз!

— Нега оёғимиз осмонда бўлар экан? — деб ҳайрон бўлди барча.

— Ана қаранглар-а, осмон тагимизда бўлгандан кейин, оёғимиз осмонда бўлади-да.

— Биз булутлар устида учяпмиз,— деб тушунтирди Билағон.— Биз булутлардан ҳам юқори кўтарилдик, шунинг учун булут тепамизда эмас, остимизда қолди.

Аммо Билмасвой бунга ишонмади. У ўтирган жойида бошидаги қалпоғини қаттиқ ушлаб ўтирарди. У оёғим осмонда бўлиб ўтирганидан кейин қалпоғим тушиб кетади, деб ўйларди.

Шамол пуфакни булутлар устида тез учуриб кетаётган бўлса ҳам, лекин шарнинг пастга тушаётгани учун ҳамма:

— Нега биз пастлаб кетаяпмиз?— деб безовталанишди болалар.

— Пуфакдаги ҳаво совияпти,— деб тушунтирди Билағон.

— Бундан чиқди, биз энди ерга тушарканмиз-да,— деди Шошқалоқ.

— Нима учун қопда қум олган эдик?— деди Билағон,— Саватдаги қумли қопдан биттасини ташлаб юборсанглар, тагин юқорига кўтариламиз.

Агарқул дарров бир қоп қумни олиб пастга итқитди.

— Нима қиялпсан?— деб бақирди Билағон.— Бир қоп қумни бирданига ташлаб бўлармишми? Битта-яримтанинг бошига тушиб кетиши мумкин.

— Балки тушиб кетмас,— деди Агарқул.

— Балки тушиб кетмас!— деб уни масхара қилди Билағон.— Қопнинг оғзини очиб, қумни тўкиш керак.

— Ҳозир тўкаман,— деди Магарқул.

У қопнинг оғзини ечиб, қумни саватнинг ичига тўкиб қўйди.— Биридан бири ақлли-я!— деб бошини лиқиллатиб қўйди Билағон.— Қум саватнинг ичида қолгандан кейин, бундан нима фойда чиқди? Бу билан пуфак енгил бўлмайди-ку.

— Мен қумни сепиб ташлай қоламан,— деб Магарқул саватдаги қумни ҳовучлаб сепи бошлади.

— Секинроқ-да!— деб бақириб берди Довдирвой.— Кўзимга қум сепиб юборишинг мумкин.

— Балки кўзингга сепмасман,— деди-ю Магарқул, шу заҳоти билмасдан унинг кўзига қум тушириб юборди.

Ҳамма Магарқулни уришиб берди. Агарқул бўлса пичоқни олиб, қум тўкилсин деб саватнинг тагини катта қилиб тешиб қўйди. Билағон кўриб қолиб бақириб берди:

— Тўхта дейман, нима қиялпсан ўзинг? Саватни бузиб, ҳаммани ерга тушириб юбормоқчимисан!

— Балки сават бузилиб кетмас,— деб жавоб берди Агарқул.

— Икковингнинг топган сўзинг нуқул шунақа «Балки, мабодо» холос,— деди-да, Билағон Агарқулнинг қўлидаги пичоғини тортиб олди.

Қум сават тешигидан тўкилиб, пуфак анча енгиллашди-ю, яна юқорига кўтарилди. Болалар суюниб, саватдан атрофга қарашди. Пуфакнинг яна юқорига учганидан барча хурсанд бўлди. Фақат Сергапгина одатича тўнғиллай бошлади:

— Бу қанақаси ўзи: бир юқорига чиқади, бир пастга тушади!  
Пуфак ҳам шунақа учар эканми?

Тагин нима дейишини билмасдан, индамай ўтириб қанд чай-  
наётган Бўғирсоққа қараб:

— Бу ерда нима еяпсан? — деди.

— Чўнтагимдаги қанддан олиб еяпман.

— Қанд ейишга топган вақтини қара! Ерга тушиб олайлик,  
кейин ерсан.

— Ортиқча юкни кўтариб юришининг нима кераги бор,—  
деди Бўғирсоқ.— Қандни еб олсам, пуфак енгиллашиб, яна  
юқорига кўтарилади.

— Қани, кемиравер-чи! Қачонгача кемирар экансан,— деб  
жавоб берди Сергап.

## Ўнинчи боб

### ФАЛОКАТ

Баъзи бировлар осмонга қанча юқори кўтарилсанг, шунча  
иссиқ бўлади деб ўйлашади, лекин бу нотўғри. Қанча юқори  
кўтарилсанг, шунча совуқ бўлади. Нега бунақа? Чунки ҳаво  
жудаям тиниқ бўлганидан қуёш нурлари уни қаттиқ иситмайди.  
Пастда ҳаво доим илиқ бўлади. Қуёш ерни нурлари билан қи-  
зитади, ер бўлса ҳавони иссиқ печкадай қиздиради. Қиздирил-  
ган ҳаво совуқ ҳаводан енгил бўлганидан юқорига кўтарилади.  
Қанча юқорига кўтарилса, шунча кўп совийди. Шунинг учун ҳам  
жуда баландда доим совуқ бўлади.

Миттилар бунга ҳаво пуфагида жуда баландга кўтарилгандан  
кейингина пайқашди. Совуқ ейишганидан уларнинг бурун ва  
юзлари қизариб кетди. Ҳаммалари сал бўлса ҳам исиниб олиш  
учун оёқларини типирлатар, қўлларини бир-бирига ишқала-  
шарди. Уйда қалпоғини эсидан чиқариб қўйгани учун ҳамма-  
дан кўп Довдирвой совуқ еди. Қаттиқ совуқдан унинг бурнида  
каттагина сумалак пайдо бўлди. У кузги япроққа ўхшаб титрар,  
тишларини нуқул шақиллатарди.

— Тишингни шақиллатмасанг-чи! — деб вайсади Сергап,—  
шусиз ҳам совуқ, сен бўлсанг ҳадеб тишингни шақиллатасан!  
— Совуқ бўлса, мен айбдорманми? — деди Довдирвой.

Сергап ўрнидан турди:

— Қулоғимнинг тагида биров тишини шақиллатса сираям  
чидаб туролмайман! Этим жимирлаб кетади.

У туриб Бўёқвойнинг ёнига ўтирди. Лекин Бўёқвой ҳам ти-  
шини шақиллатарди, Сергап унга гумонсираб қаради:

— Сенга нима бўлди? Ё жўрттага тишингни шақиллатаяп-  
санми? — деди.

— Сираям жўрттага эмас-да, совуқдан.



Сергап ўрнидан туриб бошқа жойга бориб ўтирди. У шундай қилиб жойини алмаштира бериб, бошқаларни безор қилди.

Ҳаво пуфаги совуқдан қиров билан қопланди, у болаларнинг тепасида кумушдан ясалгандай ялтирарди. Пуфакнинг ичидаги ҳаво борган сари совиб, у аста пастга туша бошлади. Бир неча дақиқадан кейин пуфак жуда тез туша бошлади. Қумли қоп қолмаганидан пуфакнинг ҳаракатини ҳеч нарса билан секинлатиб бўлмасди.

— Фалокат! — деб бақирди Шарбатжон.

— Улиб кетамиз! — деб додлай бошлади Билмасвой ва ўриндиқнинг тагига бекиниб олди.

— Буёққа чиқ! — деб унга бақирди Билағон.

— Нимага? — деди Билмасвой.

— Парашютларимизда сакраймиз.

— Менга шу ер ҳам яхши, — деб жавоб берди Билмасвой.

Билағон ёқасидан ушлаб уни ўриндиқ тагидан тортиб чиқарди.

— Ҳаққинг йўқ бундай қилишга! — деб бақирди Билмасвой. — Мен тегишли жойга арз қиламан!

— Бақирма, — босиқлик билан жавоб берди Билағон. — Ваҳима қилма. Парашютда сакрашимга қараб тур-да, менинг кетимдан сакрагин.

Билмасвой бир оз тинчланди. Билағон саватнинг четига келди.

— Диққат, оғайнилар! — деди у. — Ҳаммаларинг менинг кетимдан навбат билан сакранглар. Ким сакрамаса, пуфак юқорига кўтарилиб кетади. Қани, парашютларни тайёрланглар... Кетдик!

Билағон биринчи бўлиб сакради ва пастга қараб учди. Ундан кейин Шошқалоқ сакради. Шунда бирдан кутилмаган воқеа рўй бериб қолди. Шошқалоқ шошиб, олдин сакраб, кейин парашютни очиш ўрнига, олдин парашютни очиб кейин сакраса бўладими. Парашют бўлса саватнинг четига илиниб қолди. Шошқалоқнинг бир оёғи ипга ўралашиб, боши пастга осилиб қолди. У балиқчининг қармоғига илинган чувалчангга ўхшаб, эгилиб-букилиб, ҳадеб оёғини ликиллатарди. Шунча уринса ҳам парашют илинган жойидан чиқиб кетмади.

— Оғайнилар! — деб бақирди доктор Дорижон. — Агарда парашют чиқиб кетгундай бўлса, Шошқалоқ боши билан ерга тушади.

Болалар парашютдан ушлаб Шошқалоқни саватга тортиб олишди.

Билмасвой пуфакнинг юқорига кўтарилаётганини кўриб қолиб, бақириб юборди:

— Тўхтанглар, оғайнилар! Сакрашнинг кераги йўқ энди. Яна юқорига қараб учяпмиз.

— Нега биз тагин юқорига учяпмиз? — деб ҳайрон бўлди Агарқул.

— Сени қара-ю!— деди Сергап.— Билағон сакрагандан кейин енгил бўлиб қолди-да.

— Бизларсиз Билағон энди нима қилади?— деб сўради Бўғирсоқ.

— Ҳа, нима қипти...— деди қўлини силкиб Агарқул.— Астагина уйига қараб жўнайди.

— Билағонсиз биз нима қиламиз энди?

— Нима бўпти?— деди Билмасвой.— Билағонсиз туролмайсанми?

— Бировга итоат қилиш керак-да, ахир,— деди Бўғирсоқ.

— Менга итоат қиласизлар,— деди Билмасвой.— Энди мен бошлиқ бўламан.

— Сен-а?— деб ҳайрон бўлди Сергап.— Бу каллангдан бошлиқ чиқмайди.

— Хаҳ шундайми? Менинг калламдан чиқмайдими?— деб бақирди Билмасвой.— Агар сенга каллам ёқмаса, марҳамат қилиб пастга сакрагин-да, Билағонингни қидира қол.

Сергап пастга қаради:

— Мен уни энди қаердан топаман?— деди.— Узоққа учиб кетиб қолдик-ку. Барчамиз баравар сакрашимиз керак эди.

— Йўқ, сакра, сакра!

Сергап билан Билмасвой нақ кечгача баҳслашишди. Билағон йўқлигидан, уларнинг жанжалини ҳеч ким босиб қўёлмасди. Қуёш уфқ ёққа оғиб кетди. Шамол зўрайди. Пуфак совиб, тагин пасая бошлади. Сергап билан Билмасвой ҳамон тинчишмаганди.

— Бўлди, баҳсларингни қўйларинг,— деди Шарбатжон Билмасвойга қараб.— Агар бошлиқ бўлишни истасанг, бирор илож топгин-да. Қара, яна пастга тушяпмиз.

— Ҳозир топаман,— деб жавоб берди Билмасвой.

У ўриндиққа ўтириб, бармоғини пешонасига тираб ўйлай кетди. Пуфак тобора пастлаб борарди.

— Энди нимани ҳам ўйлай олардинг?— деди Мурватвой.— Агар қумли қопларимиздан бўлганда борми, биттасини ташлаган бўлардик.

— Тўғри!— деб маъқуллади Билмасвой,— бошқа қоп йўқ, энди орамиздан биттамини ташлашимизга тўғри келади. Бир одамни парашют билан ташласак, пуфак енгиллашиб, тагин юқорига учади.

— Кимни ташлаймиз?

— Қани кимни ташласак экан?— деди ўйланиб Билмасвой.— Ким жудаям кўп гапирадиган бўлса, ўшани ташлашимиз керак!

— Мен рози эмасман,— деди Сергап.— Кўп гапирадиган одам ташлаб юборилсин, деган гап қонунда йўқ. Ким энг оғир бўлса, ўшани ташлаш керак.

— Ҳа, майли,— деб рози бўлди Билмасвой.— Бўғирсоқни ташлаймиз. Орамизда энг семизи шу.

— Тўппа-тўғри,— деб маъқуллади Шарбатжон.

— Нима-нима?— деб бақирди Бўғирсоқ.— Энг семиз ким экан? Мен энг семиз эканманми? Шарбатжон мендан ҳам семиз.

— Гапга қаранглар!— деб бақирди Шарбатжон, қиқирлаб бармоғи билан Бўғирсоқни кўрсатиб.— Қаранглар, мен ундан семизмишман! Ҳа-ҳа! Қани, кел, ўлчашамиз.

— Қани кел, кел!— деб Бўғирсоқ хўроздай сакраб унинг олдига борди.

Ҳамма Бўғирсоқ билан Шарбатжонни ўраб олди. Билмасвой чўнтагидан арқонча олиб, Бўғирсоқнинг белидан айлантирди. Кейин Шарбатжонни ҳам шу хилда ўлчаганда, Шарбатжон Бўғирсоқдан салкам бир ярим баравар йўғон чиқди.

— Бу тўғри эмас!— деб бақирди Шарбатжон.— Бўғирсоқ ҳийла ишлабди. У қорнини ичига тортиб турди, мен кўриб турувдим!

— Ҳеч-да, тортиб турганим йўқ!— деб ўзини оқлади Бўғирсоқ.

— Йўқ, тортиб турди. Мен кўрдим. Кел, бўлмаса бошқатдан ўлчашамиз!— деди Шарбатжон.

Билмасвой Бўғирсоқни ўлчай бошлади. Шарбатжон бўлса унинг атрофида айланарди.

— Эй, эй, нима қиялсан? Хўппайдинг!— деб бақирди у.

— Нега мен хўппаяр эканман?— деди Бўғирсоқ.— Агар хўппайсам, унда, албатта сендан йўғон бўлиб кўринаман-ку.

— Ҳа, майли, хўппаймай қўя қол. Лекин, қорнингни ичингга тортишга ҳаққинг йўқ. Оғайнилар, ана қаранглар, у нима қияпти! Ҳақиқат қаёқда ўзи? Ҳеч қанақа ҳақиқат йўқ. Бу кўзбўямачилик!

Билмасвой Бўғирсоқни ўлчаб бўлгандан кейин Шарбатжонни ҳам худди шундай синчиклаб ўлчади. Бу сафар уларнинг йўғонлиги баб-баравар чиқди.

— Иккаласини ташлашга тўғри келади,— деб ҳайрон бўлиб қўлларини ёзди Билмасвой.

— Биттаси етарли бўлганидан кейин икки кишини ташлашнинг нима ҳожати бор?— деди Шарбатжон.

Уқтой саватдан қараб, ернинг жуда тез, ваҳимали тарзда яқинлашаётганини кўриб қолди.

— Менга қара, Билмасвой,— деди у,— тезроқ ҳал қил, бўлмасам ерга тарақлаб уриламиз.

— Парашютдан ким сакрайди, санашмачоқ керак,— деди Агарқул,

— Тўғри,— деб маъқуллади Шарбатжон.— Фақат йўғонми, ингичками, барча бирдай саналсин, ҳеч ким хафа бўлиб қолмасин.

— Бўпти, қани санаймиз,— деб рози бўлди Билмасвой.

Барча доира бўлиб турди. Билмасвой бармоғи билан ҳар биттасини туртиб санай бошлади:

Чумчуқ учди,  
Жарга тушди.  
Эҳ, бех,  
Сен тур, сен чиқ!

Кейин:

— Йўқ, бунақа санаш менга ёқмайди. Мен бунақасини яхши кўрмайман! — деб бошқасини айта бошлади:

Семиз, ориқ,  
Ейди тариқ,  
Сен тур, сен чиқ!

Шу пайт сават куч билан ерга урилди-да, тўнқарилиб кетди. Агарқул қўли билан Магарқулни, Магарқул бўлса Агарқулни ушлаб саватдан бирга отилиб тушди. Кейин бошқа миттилар ҳам нўхотдай сочилиб кетишди. Ёлғиз Билмасвойгина сават четини ушлаб қолди. Кўктой бўлса унинг шимидан тишлаб олди. Ерга коптокдай урилган пуфак юқорига бир сакраб, ҳавода улкан ёй ҳосил қилганча, яна пастга тушди. Сават умбалоқ ошиб ерга урилиб ағдарилди. Пуфак аллақандай қаттиқ нарсага тегиб пақиллаб ёрилди. Кўктой ҳавода бир умбалоқ ошиб тушди-да, жон-жаҳди билан ангиллаб ура қочди. Билмасвой бўлса, саватдан отилиб чиқиб, ерда қимир этмай ётиб қолди.

Ҳаво саёҳати шу билан тамом бўлди.

## *Ун биринчи боб*

### ЯНГИ ЖОЙДА

Билмасвой бутунлай бошқа бир жойда ҳушига келди. У каравотда, пар тўшаклар ичида ётарди. Тўшаклар шунақаям юмшоқ эдики, гўё қоқиғулнинг пари тўлдирилгандай эди. Билмасвойни аллақандай овоз уйғотди. Кўзини оча солиб, у ёқ-буёққа аланглаб, бегона хонада ётганини кўрди. Бурчак бурчакда кичкина юмшоқ курсилар қўйилган. Деворларда эса гиламлар ва ранг-баранг гуллар солинган суратлар бор эди. Дераза олдида бир оёқли айлана стол турарди. Унинг устида эса кашта тикиш учун ранг-баранг иплар ва ёстиқча ётарди. Игна ва тўғноғичлар қадалганидан у ҳурпайган типратиконга ўхшарди. Унга яқин турган столда ёзув-чизув асбоблари бор эди. Ёнида китоб жавони. Нариги томонда — эшик ёнида катта ойна, ойна олдида икки жажжи қизалоқ гаплашиб туришарди. Биттасининг эғнида ялтироқ ипакдан тикилган кўк кўйлакча, белида эса ўша матодан қилинган белбоғ бўлиб, орқа томонига ҳалқа қилиб боғ-

ланганди. Унинг кўзлари мовий, узун, ўриғлиқ тим қора сочлари бўлса орқасига ташланган эди. Бошқаси бўлса пушти ва гунафшаранг гулдор кўйлак кийган эди. Унинг ялтироқ оқ-сариқ сочлари елкасига жингалак бўлиб тушиб турарди. У ойнага қараб бошига қалпоқча кияр экан, зағизфонга ўхшаб қақилларди:

— Жуда ҳам беўхшов қалпоқ экан. Қандай кийсанг ҳам ярашмайди. Қалпоқни кенг соябонли қилмоқчийдим, мато етмаганидан энсиз бўлиб қолди. Соябони энсиз бўлганда-чи, юзинг юмалоқ бўлиб кўринади, хунук бўласан.

— Ойна олдида кўп айланишаверма, етар энди! Ойна олдида айланишганларни кўрсам хуноб бўлавераман,— деди мовийкўз қизалоқ.

— Бўлмаса, ойнани нима учун чиқаришган?— деди сариқ сочли қизалоқ.

У қалпоғини орқасига суриб қўйиб, бошини орқага ташлади-да, кўзини қисиб ойнага қарай бошлади.

Билмасвойга бу кулгили туюлди. Ўзини кулгидан туюлмади, пиқиллаб юборди. Сариқ сочли қизалоқ ойна олдидан қочиб, гумонсираб Билмасвойга тикилди. Билмасвой бўлса кўзини юмиб, ўзини ухлаганга солди. У иккала қизалоқнинг сездирмасдан астагина каравоти ёнига келишганини пайқаб турди.

— Менимча, у нимадир дегандай бўлди,— деган шивирлаган овоз Билмасвойнинг қулоғига кирди.— Менга шундай туюлгандир-да... У қачон ҳушига келаркин? Кечадан бери ҳушсиз ётибди.

Бошқа овоз:

— Асалхон,уйғотманглар, агар у уйғониб қолса, мени дарров чақириб келинглар, деганди,— деди.

«Асалхон дегани нимаси?»— деб ўйлади Билмасвой, лекин ўзини уларнинг гапини эшитмаганга солиб ётаверди.

— Жуда ботир бола экан!— деган шивирлаш яна эшитилди.— Ҳаво пуфагида кўрқмасдан учибди-я!

Билмасвой ўзини ботир дейишганини эшитиб, нақ оғзи қулоғига етиб қолди. Бироқ ўз вақтида пайқаб қолиб, кулгисини тўхтатди.

— Мен кечроқ, у уйғонганда келарман. Ундан ҳаво пуфаги тўғрисида сўрамоқчиман. Борди-ю, унинг мияси лат еган бўлсачи!

«Бекор гап!— деб ўйлади Билмасвой.— Менинг ҳеч қанақасига миям лат еганмас».

Сариқ сочли қизалоқ хайрлашиб чиқиб кетди. Хона жимжит бўлиб қолди. Билмасвой кўзини юмиб, анчагача қулоқ солиб ётди. Охири бир кўзини сал очиб, тепасида энгашиб турган мовийкўз қизалоқни кўриб қолди. Қизалоқ мулойимгина жилмайди, кейин хўмрайди-да бармоғини ўқталиб:

— Сиз, нуқул шунақа олдин бир кўзингизни, кейин иккинчи кўзингизни очиб уйғонасизми?— деб сўради.

Билмасвой бошини лиқиллатиб, иккинчи кўзини ҳам очди.

— Бундан чиқди, уйғоқ экансиз-да?

— Йўқ, мен ҳозиргина уйғондим.

Билмасвой тагин нимадир демоқчи эди, лекин қизалоқ унинг лабини қўли билан бекитиб:

— Жим бўлинг, жим бўлинг! Гапириш мумкин эмас. Сиз оғир касалсиз,— деди.

— Ҳеч-да!

— Қаёқдан биласиз? Сиз ҳали доктормисиз?

— Йўқ.

— Ана кўрдингизми, тагин гапиряпсиз. Врачни чақиргунимча қимирламасдан ётинг. Отингиз нима?

— Билмасвой, ўзингизники-чи?

— Менинг отим Кўккўз.

— Яхши от,— деб маъқуллади Билмасвой.

— Сизга отим ёққан бўлса, жудаям хурсандман. Сиз одобли болага ўхшайсиз.

Билмасвойнинг юзига табассум югурди. Мақтагани учун у жуда мамнун бўлиб кетди, нега десангиз уни ҳеч ким ҳеч қачон мақтамас, нуқул уришишгани-уришишган эди. Билмасвойнинг олдида болалар йўқ эди. Шунинг учун, у, қизалоқлар билан санғиб юрибсан деб дакки беришларидан кўрқмасди. Кўккўз деган қизалоқ билан бемалол ва мулоийм гаплашаверди.

— Анави шеригингизнинг оти нима?— деб сўради Билмасвой.

— Қайси шеригимнинг?

— Сиз гаплашган-чи, малла сочли, чиройлиқкина.

— Ҳо!— деб ҳайратда қолди Кўккўз.— Бундан чиқди, сиз анчадан бери уйғоқ ётган экансиз-да?

— Йўқ, мен атиги бир зумгина кўзимни очувдим, кейин ўша заҳотиёқ ухлаб қолдим.

— Ёлғон, ёлғон!— деб бошини қимирлатди Кўккўз ва қошини чимирди.— Бундан чиқди, сизнингча мен унчалик чиройли эмасканман-да?

— Йўқ, қўйинг-эй!— чўчиб тушди Билмасвой.— Сиз ҳам чиройлисиз.

— Иккаламиздан ким чиройли, уми ё менми?

— Сиз... ва у ҳам. Иккалангиз ҳам жуда чиройлисиз.

— Сиз фирт ёлғончи экансиз, лекин майли, сизни кечираман,— деди Кўккўз.— Гўзалингизнинг исми Оппоғой. Сиз уни тагин кўрасиз. Бўлди, сизга кўп гапириш зарар. Қимирламасдан ётинг. Ҳозир Асалхонни чақириб келаман.

— Асалхон ким?

— Асалхон бизнинг врачимиз. У сизни доволайди.

Кўккўз кетди. Билмасвой шу заҳоти ўрнидан ирғиб туриб кийимларини қидиришга тушди. У тез қочиб кетмоқчи бўлди, чунки врачнинг касалга сурги беришини, баданни жуда ачитадиган йод суришини биларди. Кийим-кечаги атрофда йўқ экан.

Шунда кичкина ўриндиқда деворга ўтқазиб қўйилган қўғирчоқни кўриб қолди.

Билмасвой шу заҳотиёқ қўғирчоқни ёриб, ичи пахтами ёки кипиқми — кўрмоқчи бўлди. У кийимини унутиб, пичоқ қидиришга тушиб кетди. Шунда бирдан ойнада ўз аксини кўриб қолди. Қўғирчоқни полга ташлаб, ўз башарасига қараб юзини буриштириб кўриб, кейин:— Мен ҳам чиройлиман, юзим ҳам унчалик думалоқ эмас,— деб қўйди.

Шу пайт эшик орқасидан оёқ товуши эшитилди. Билмасвой лип этиб кўрпасига кириб устини ёпиб олди.

Хонага Кўккўз ва оқ халатли, оқ пешонабоғли, қўлида жи-гарранг чамадон кўтарган қизалоқ кириб келди. Унинг юзи лўппи ва қип-қизил эди. Думалоқ кўзойнак ортидан кулранг кўзлари жиддий боқарди. Билмасвой Кўккўз айтган Асалхон шудир деб ўйлади.

Асалхон курсини Билмасвойнинг каравоти ёнига суриб, унинг устига чамадончасини қўйди ва калласини чайқаб:

— Эҳ, бу болаларни кўринг! Нукул шўхлик қилишгани қилишган! — деди. — Қани айтиб беринг-чи, ҳаво пуфагида учиш нимага зарур бўлиб қолди? Гапирманг, гапирманг! Бундан кейин сираям бунақа иш қилмайман, дейишингизни биламан. Ҳамма болалар шунақа дейишади-да, тагин шўхлик қила беришади.

Асалхон чамадончасини очиши билан уй ичида йодми, ё алақандай бошқа бир доринингми ҳиди гуркириб кетди. Билмасвойнинг қўрққанидан эти жунжикди. Асалхон унга ўгирилиб:

— Туринг-чи, бемор, — деди.

Билмасвой ўрнидан тура бошлади.

— Туриш керак эмас, бемор! — деди жиддий оҳангда Асалхон. — Мен сизга туриб ўтиринг демоқчийдим.

Билмасвой елкасини қисиб, ўрнига ўтирди.

— Елкани қисиш керак эмас, бемор, — деди Асалхон, — тилин-гизни кўрсатинг.

— Нимага?

— Кўрсатинг, кўрсатинг, кўришим керак.

Билмасвой тилини чиқарди.

— «А» денг-чи.

— А-а-а!

Асалхон чамадончасидан ёғоч трубчасини олиб Билмасвойнинг кўкрагига тутди:

— Чуқур нафас олинг, бемор.

Билмасвой паровозга ўхшаб пишиллаш бошлади.

— Энди нафас олманг.

— Ҳи-ҳи-ҳи, — деб кулиб юборди Билмасвой.

— Нимага куляпсиз, бемор? Кулгили ҳеч нима демадим шекилли.

— Қандай қилиб нафас олмасдан туроламан? — деб сўради Билмасвой ҳиқ-ҳиқ кулиб.

— Албатта, нафас олмай туролмайсиз, лекин бирпасгина нафасни ичга ютиб туриш мумкин-ку, ахир.

— Мумкин, — деди Билмасвой ва нафас олмай турди.

Асалхон кўриб бўлгач, столга ўтириб дори-дармонлар ёзишга киришди.

— Беморингизнинг елкасида қон тўпланган жой бор, — деди у Кўккўзга. — Дорихонага борсангиз, сизга асал малҳам беришади. Малҳамдан бир бўлакчасини олиб, касалнинг елкасига қўйинг. Ўрнидан туришига рухсат берманг. Агар ўрнидан тургундай бўлса-чи, унда бор-йўқ идишларингизни синдириб, битта-яримтанинг пешонасини ёради. Болаларга эҳтиётлик билан муомала қилиш керак.

Асалхон трубкасини чамадонига солиб, Билмасвойга тагин бир марта жиддий қаради-да, чиқиб кетди.

Кўккўз столдан дори қоғозини олиб:

— Эшитдингизми? Ётишингиз керак, — деди.

Билмасвой унинг гапини эшитиб юзини буриштирди.

— Юзингизни буриштирмай қўя қолинг, — деди Кўккўз. — Кийимбошингизни қидириб ўтирманг, уни бошлаб бекитиб қўйганман, — У дори қоғозни ушлаганича хонадан чиқиб кетди.

## Ун иккинчи боб

### ЯНГИ ТАНИШЛАР

Билмасвой Кўккўз кетгандан сўнг бир оз ётди, кейин қўғирчоқнинг нимадан ясалганини билмоқчи бўлганини эслаб ўрнидан турмоқчи эди, лекин эшик орқасида тагин оёқ товуши ва кимнингдир шивирлагани эшитилди:

— У қаерда?

— Шу ерда.

— Нима қияпти?

— Каравотда ётибди.

— Уликми?

— Йўқ, тирик бўлса керак.

— Буңдоқ тур-чи, мен ҳам кўрай.

— Шошмагин.

Билмасвой эшикка қараб, кимнингдир қулфнинг тешигидан мўралаётганини пайқади.

— Қани, мен ҳам кўрай-да, қизганчиқ. Менинг ҳам кўргим келади, ахир, — деган овоз эшитилди тагин.

— Сенга кўрсатиб бўпман, мени қизганчиқ дейсан-ку!

Эшик орқасида тўполон кўтарилди.

— Мени итарма, итарма дейман! — ғазабли шивирлаш эшитилди. — Қани, мени тагин итариб кўргин-чи, сочингдан ушлаб улоқтираман!



— Мен ҳам сочингдан юлиб туриб тепаман!

Жанжаллашаётганларнинг кимлигини Билмасвойнинг билгиси келди. У ўрнидан ирғиб туриб, бора эшикни шартта очиб юборган эди тақ этган товуш эшитилди. Билмасвой иккита қизалоқни кўрди. Улар бир четга қочишиб боришди-ю, пешоналарини ушлаганча Билмасвойга кўрқиб қараб тураверди. Улардан биттасининг этакчасига яшил қуёнча расми, биттасиникига бўлса, қил-қизил олмахоннинг расми тикилган эди. Иккови ҳам биров буйруқ бергандай кўзларини пирпиратишиб туриб бирдан йиғлаб юборишди, кейин эшикнинг ўнг томонидаги торгина тахта нарвондан юқорига чиқиб кетишди.

Ўрилган калта сочи бўйнида диккайиб турган қизалоқ қаттиқ бақириб:

— В-а-а-а! — деб йиғлади. Бошининг қоқ тепасига катта ҳаворанг лента бойлаган қизалоқ бўлса:

— У-у-у! — деб унга жўр бўлди.

Билмасвой бўйнини қашиб:

— Ана холос! Уларни эшик билан роса боплаганга ўхшайман-ку, — деб қўйди.

Шундан кейин Билмасвой бегона жойда битта-яримта иш орттуриб қўймай тагин деб, ўрнига ётиб ухламоқчи бўлди. Аммо даҳлизда яна оёқ товуши эшитилди. Эшик очилиб хонага бошқа қизалоқ мўралади. Унинг сочлари жингалак, кўзлари қувноқ, қиррабурун, юзидан муғомбирлиги шундоққина сезилиб турарди.

— Эй бола! — деди у. — Уришқоқ!

Билмасвой кутилмаган бу ҳолдан ҳайрон бўлиб, шартта ўрнидан турди. Лекин шу заҳоти эшик ёпилиб, тез-тез узоқлашаётган оёқ товушлари эшитилди. Билмасвой елкасини қисди-да, унинг орқасидан жаҳл билан:

— Мақтанчоқ! — деб бақирди.

У бошини ёстиққа қўйиб мудрай бошлаган ҳам эди, яна эшик очилиб, ҳалиги жингалак сочли қиз тагин хонага мўралади.

— Уришқоқ! — деб бақирди у. — Ҳа-ҳа-ҳа!

Эшик шу заҳоти қарсиллаб ёпилди. Билмасвой ирғиб туриб даҳлизга чопиб чиқиб қаради, аммо у ерда ҳеч ким йўқ эди. — Ҳа, майли, шошмай тур! — деб қўйди Билмасвой.

У ёзув столида турган чизғични олиб, эшик орқасига бекинди. Кўпам кутмади. Йўлакда оёқ товушлари эшитилди. Билмасвой чизғични юқори кўтарганча кутиб турди. Эшик очилиб хонага Кўккўз кирди. Билмасвой бўлса, унинг пешонасига чизғич билан боплаб туширди.

— Вой!

Кўккўз қўли билан пешонасини ушлаб қолди.

— Нега чизғич билан ҳазиллашасиз? — деб бақирди у. — Энди пешонам кўкариб қоладиган бўлди.

— Балки кўкармас, — деди уялиб, Билмасвой қўлида чизғични айлантираркан.

— Йўқ, кўкаради дедимми, кўкаради. Менинг қандай нозик эканлигимни биласизми? Мени пўкак билан урсангиз ҳам шу заҳоти кўкаради.

— Озгина малҳам қўйсак яхши бўлади,— деди Билмасвой.— Ахир сиз дорихонадан малҳам олиб келгандингиз-ку.

— Уни сизга олиб келувдим-ку.

— Иккаламизга ҳам етади!— деб жавоб берди Билмасвой.

У малҳамни олиб, қайчи билан тўрт бўлакка бўлди.

— Тезроқ ёпиштира қолсангиз-чи,— деди безовталаниб Кўккўз.— Мана буёққа, буёққа...

У пешонасини тутиб, малҳамни қаерга ёпиштиришни бармоғи билан кўрсатди.

Билмасвой малҳамни ёпиштирди, лекин қийшиқ ёпиштирилганига кўзи тушиб қолиб, уни кўчириб ола бошлади.

— Секинроқ, секинроқ,— деб бақирди Кўккўз.— Бу ярамас малҳамни ҳамма ёғимга суркаб ташлаяпсиз-ку.

— Энди дуруст бўлди,— деди Билмасвой ишни тамомлаб.

Кўккўз чопқиллаб ойна олдиға борди:

— Яхши эмиш! Битта-яримтаси пешонамдаги малҳамни кўриб қолса нима бўлади? Қани, елкангизни кўрсатинг-чи. Кўрарган жойини кўрай.

Энди Кўккўз Билмасвойнинг елкасига малҳам ёпиштиришга киришди.

— Мен сизни урмоқчи эмасдим,— деди Билмасвой.

— Бўлмаса кимни?

Билмасвой нотаниш бир қизалоқ жаҳлимни чиқарди демоқчи бўлди-ю, лекин бу чақмачақарлик бўлади деб ўйлади.

— Ҳеч кимни,— деди у.— Мен ўзимча шу чизғич билан битта-яримтани урса бўлармикан деб ўйловдим-да.

— Сиз болалар, нукул битта-яримтани уришни ўйлайсиз. Узингизга тегса борми, сираям ёқмайди... Нимага куляпсиз? Пешонамдаги малҳамга куляпсизми?

У яна ойна олдиға келди:

— Пешонангизга шунақа тўртбурчакли нарса ёпиштирилса ростданам кулгили бўларкан-да.

— Думалоқ қилиб қирқиб ёпиштира қолинг,— деб маслаҳат берди Билмасвой.

Кўккўз малҳамни кўчириб олиб, қайчи билан думалоқ қилиб қирқди-да, қайтадан ёпиштириб қўйди.

— Сизнингча шуниси маъқулми?— деб Билмасвойга ўгирилиб сўради.

— Албатта,— деб тасдиқлади Билмасвой.— Менингча, бу сизга ярашди ҳам.

Кўккўз кўзини қисиб ойнаға қарай бошлади.

— Энди менинг кўйлак-иштонимни беринг,— деди Билмасвой.

— Олдин ювиниб олинг, ундан кейин кийимингизни оласиз.

Кўккўз Билмасвойни ошхонага бошлаб келди. У ердаги деворда ювинадиган идиш бор эди. Унинг шундоқ ёнгинасида миҳда сочиқ илинган ва кичкина тоқчада совун билан тиш порошоги турарди.

— Мана сизга чўтка, мана тиш порошоги. Тишингизни ювасиз,— деди Кўккўз.

— Тиш порошогига сираям тоқатим йўқ?— деб ғўлдиради Билмасвой.

— Нега бунақа?

— Бемаза-да!

— Ахир, уни емайсиз-ку.

— Бари бир, у тилимни ачиштиради.

— Ачиштира, кейин босилиб қолади.

Билмасвой истар-истамас тишини ювишга киришди. У чўткани тишига икки марта суртган бўлиб, афтини бужмайтириб туфлаб ташлади. Кейин оғзини чайқаб, қўлига совун сурта бошлади. Қўлини ювиб, совунни жойига қўйди-да, юзини ювди.

— Юзни ҳам совунлаб ювиш керак,— деди Кўккўз.

— Эй, қўйсангиз-чи!— деди Билмасвой.— Совун кўзни ачиштиради.

— Йўқ, бўлмайди,— деди қатъий Кўккўз.— Ювмасангиз, кийимингизни ололмайсиз.

Билмасвой ноилож юзига совун суртди ва шоша-пиша ювиб ташлашга киришди.

— Хув-хув-хув,— деб сесканди у.— Сув жудаям совуқ экан.

У юзини нари-бери чайқаб, кўзини очмай қўлини олдинга чўзди-да, деворни тимирскилай бошлади.

Кўккўз унга қараб туриб, ўзини кулгидан зўрға тутиб қолди.

— Нимани қидиряпсиз?

— Со-социқни,— деди совуқдан қалтираб Билмасвой.

— Нега кўзингизни юмиб қидирасиз? Кўзингизни очинг-да.

— Бу совуни қурғур шундоқ ҳам кўзга тушяпти, қандай қилиб очиб бўларди кўзни.

— Уни яхшилаб ювиб ташланг-да.

Кўккўз сочиқни олиб Билмасвойга узатди. У сочиқ билан юзини артгандан кейингина кўзини очди.

— Мана, сиз энди тозагина эмас, ҳатто чиройли ҳам бўлдингиз,— деди Кўккўз сочиққа юққан кирларни кўриб:

— Ҳа, майли, биринчи марта бўлгани-чун кечираман, аммо иккинчи марта яхшилаб ювинасиз,— деб қўшиб қўйди.

У Билмасвойнинг кийимларини келтирди:

— Кийининг-да, юқори қаватга киқиб чой ичинг. Эҳтимол, қорнингиз очиб қолгандир,— деди.

— Шунақанги ҳам қорним очганки, қўя берасиз,— деб иқрор бўлди Билмасвой.— Эҳтимол бутун бошли филни ҳам еб қўярман!

— Вой, шўрлиг-эй! Қани, тезроқ бўла қолинг бўлмаса, сизни кутиб турибмиз.

## Ун учинчи боб

### СТОЛ АТРОФИДАГИ СУХБАТ

Билмасвой тез кийиниб, гичирлайдиган ёғоч зинадан юқорига кўтарилди. Бу хона пастки хонага қараганда торроқ бўлишига қарамай, шинамгина эди. Чиройли парда тутилган, ярим доирали иккита дераза кўчага қараган, деразалар орасида пешайвонга чиқадиغان эшик бор эди. Хона ўртасидаги стол устига қўйилган гулдон, ликопча ва бошқа идишларда ҳар хил қиём, печенье, сомса, ўрама, бўлка нон ва бўлак ноз-неъматлар қўйилган эди. Қизалоқларнинг Билмасвой шарафига зиёфат қилишаётгани билиниб турарди. Тўкин-сочин бу зиёфатни кўриб Билмасвойнинг кўзлари ўйнаб кетди.

Сочпопук таққан ва сочи калта ўрилган қизалоқ чой қуярди. Жингалаксоч қиз бўлса, буфетдан олма қиёми олди.

Кўккўз Билмасвойни ўз дугоналари билан таништириб қўйди. Сочи ўрилган қизалоқни Олмаҳон, попукли қизалоқни Қуёнча, жингалаксоч қизалоқни бўлса Ниначи дейишаркан. Билмасвойнинг тезроқ столга ўтиргиси келарди, лекин эшик очилиб, хонага яна тўртта қизалоқ кириб келди. Кўккўз ўрнидан туриб, улар билан Билмасвойни таништириб қўйди:

— Булар бизнинг қўшнимиз: Зағчахон, Арчахон, Гунафшахон ва Дўмбоқ қиз.

Қизалоқлар Билмасвойни ўраб олишди.

— Сиз бу ерга ҳаво пуфагида учиб келдингизми? — деб сўради қора сочли Зағчахон.

— Ҳа, мен ҳаво пуфагида учиб келдим, — деб гердайиб жавоб берди Билмасвой. У ҳадеб дастурхонга тикиларди.

— Ҳаво пуфагида учиб қўрқинчли бўлса керак-а? — деди семизгина Дўмбоқ қиз.

— Шунақанги қўрқинчилики, аста қўяверинг!.. Йўғ-эй, яъни сираям унақамас! — деб мақтанди Билмасвой.

— Жудаям ботир экансиз. Мен бўлсам ҳаво пуфагида сираям учмасдим, — деди Арчахон.

— Сиз қаёқдан учиб келдингиз? — деб сўради Гунафшахон

— Гулзор шаҳридан.

— У шаҳар қаёқда?

— Ҳув у ёқда — деб, қўлини силкиб номаълум томонни кўрсатди Билмасвой. — Бодринг дарёси томонда.

— Бунақа дарёни сираям эшитмаганмиз, — деди Зағчахон. — Олис бўлса керак?

— Жуда олис, — деб тасдиқлади Билмасвой.

— Қани энди дастурхонга марҳамат, чой совиб қолмасин? — деб Кўккўз меҳмонни таклиф қилди.

Билмасвой кўп иззатталаблик қилмасдан, шу заҳотиёқ столга ўтириб сомса, ўрама, нон ва қиёмлардан тушира бошлади. Қи-

залоклар Билмасвойнинг ҳаво пуфагида қандай учганини сўрамоқчи бўлиб, ҳеч нима ейишмади. Ниначи деган қизалоқ охири чидаб турулмади:

— Ҳаво пуфагида учини ким ўйлаб топганини айтиб бера қолинг, — деди.

— Буни топган — мен, — деди Билмасвой ва бир бўлак пирогни тезроқ чайнаб ютишга шошилди.

— Вой, нима деярсиз! Наҳотки сиз бўлсангиз? — деб қолишди атрофдан ҳаммалари.

— Рост, ўлай агар! — деб қасам ичди ва сал бўлмаса пирог тикилиб қолаёзди.

— Жуда қизиқ! Шу ҳақда гапириб берсангиз-чи, — деб сўради Дўмбоқ қиз.

— Нимасини гапирай... — қўл силтади Билмасвой. — Кўпдан бери болалар менга: «Бирор нима топгин, ошна, кел, топа қолгин», деб ялиниб юришарди. Мен бўлсам: «Ошналар, ўйлаб топа бериш жонимга тегиб кетди. Узинглар ҳам топинглар да», дер эдим. Улар бўлса: «Бизга йўл бўлсин! Ахир бизнинг ақлимиз етмайди, сен бўлсанг ақллисан, сенга ҳеч гапмас! Кел, ўйлаб топа қол!» дейишарди. «Ҳа, майли, — дедим. — Не иложим бор! Ўйлаб топаман». Шундай қилиб ўйлай бошладим.

Билмасвой ўйлаган киши бўлиб пирогни еяр эди. Қизалоқлар сабрсизлик билан унга қараб туришарди. Охири Олмахон Билмасвойнинг яна пирогга қўл чўзаётганини кўриб, орадаги жимликни бузмоқчи бўлди:

— Сиз ўйлай бошладим деган гапда тўхтаган эдингиз,

— Ҳа! — деб қўйди Билмасвой, гўё ҳушига келган кишидаи ва пирог билан столни тикиллатди. — Уч кечаю уч кундуз ўйладим, сиз нима деб ўйлайсиз? Ўйлаб-ўйлаб топдим! «Мана, — дедим, — ошналар, сизга пуфак ўйладим!» Шундай қилиб пуфак ясадик. Менинг ҳақимда шоир Гулшаний... шунақа шоиримиз бор... шеър тўқибди: «Бизнинг Билмасвой пуфак топган»... Ёки бундай. «Пуфак топган бизнинг Билмасвой...» Йўқ бундай: «Пуфакимиз топган Билмасвой...» Йўқ, унутибман! Менинг тўғримда, биласизми, кўп шеър тўқишади, ҳаммасини эслаб бўлармиди.

Билмасвой яна пирог ейишга тушди.

— Пуфакни қандай қилиб ясадингиз? — деб сўради Кўккўз.

— У-ҳў, бу жуда катта иш эди! Ҳамма болалар кечаю кундуз ишлашди. Биров резина суркар, биров насосни босар, мен бўлсам ҳуштак чалиб айланиб юрардим. Йўғ-эй, ҳуштак чалмасдим, кимнинг нима иш қилишини кўрсатиб турардим. Менсиз ҳеч ким ҳеч нимага тушунмасди, ҳаммасига тушунтирасан, ҳаммасига кўрсатасан. Иш жуда масъулиятли, нега деганингизда, ҳар лаҳзада пуфакнинг ёрилиб кетиш хавфи бор эди. Менинг ҳар қандай иш қўлидан келадиган Мурватвой ва Тузатвой деган ёрдамчиларим бўларди. Ҳамма нарсани қилиша оларди-ю, аммо миялари суст ишларди. Уларга ҳаммасини тушунтириб ва кўр-

сатиб бериш керак. Мен уларга қозонни қандай яшаш кераклигини ўргатдим. Қарабсизки, иш қизиб кетди; қозондаги сув бақир-буқир қайнар, буғ вишиллерди, жуда ғалати!

Қизалоқлар нафасларини чиқармай Билмасвойнинг гапларини эшитишарди.

— Кейин? Кейин нима бўлди? — деб қолишди Билмасвой гапидан тўхташи билан.

— Охири учадиган кун етиб келди, — давом этди Билмасвой. — Мингларча миттилар йиғилишган. Баъзилари пуфак учади, бошқалари учмайди, дейишади. Жанжал бошланди. Пуфак учади деганларни учмайди деганлар урар, учмайди деганларни учади деганлар урарди. Ёки, йўғ-эй... аксинча, учади деганлар учмайди деганларни... ёки йўғ-эй, аксинча... очигини айтганда, ким-кимни ураётганини билиб бўлмасди. Ҳамма бир-бирини урарди.

— Хўп яхши, — деди Кўккўз. — Сиз жанжал ҳақидамас, ҳаво пуфаги ҳақида гапириб беринг.

— Майли, — деб рози бўлди Билмасвой. — Демак, улар жанжаллаша беришди, биз бўлсак саватга тушдик, ошналар, хайр энди, учяпмиз деб, мен нутқ сўзладим. Шундай қилиб, юқорига учдик. Осмонда учиб юриб бирдан қарасак, ер пастда шу пирогдай бўлиб кўринди.

— Йўғ-эй, ростданми? — деб ҳайрон қолишди қизалоқлар.

— Улай агар, ёлғон гапирсам! — деб қасам ичди Билмасвой.

— Гапини бўлманглар! — деди Кўккўз аччиғланиб. — Халақит берманглар. У ёлғон гапирармиди.

— Ростданам, ёлғон гапиришимга халақит берманглар... Йўқ-эй, тфу! Тўғри гапиришимга халақит берманглар, — деди Билмасвой.

— Айта беринг, айта беринг! — деб бир овоздан қичқиришди барча.

— Мана шундай, — давом этди Билмасвой. — Демак, юқорига учяпмиз. Бирдан бир нима тақ этди! Қарасак, булутга етибмиз. Нима қилиш керак? Болтани олдик-да, булутни ёриб тешик очдик. Тагин баландга уча кетдик, қарасак, оёғимиз осмонда бўлиб учяпмиз, осмон пастда, ер бўлса тепамизда.

— Нега бунақа экан? — деб ҳайрон бўлишди қизалоқлар.

— Табиат қонуни, — деб тушунтирди Билмасвой. — Булутдан юқорида доим оёқ осмонда бўлиб учади, энг баландга учиб чиқсак, у ердаги совуқ минг даража-ю ўндан бир экан. Барча музлаб қолди. Шар совиб пастга туша бошлади. Мен жуда қувман-да, олдиндан саватга қопда қум солинглар деб буюрган эдим. Қопларни ташлай бошладик. Ташлаб, ташлаб, қопларни ҳам тугатдик. Нима қилиш керак? Орамизда Билағон деган бола бор эди. Жуда қўрқоқ! Шарнинг пастга тушаётганини кўриб қолиб, йиғини бошлади, кейин парашютда пастга сакраб тушиб, уйига кетиб қолди. Пуфак енгиллашиб, тагин юқорига уча бошлади. Кейин тагин псайиб, ерга урилар, сакраб чиқиб, яна

уриларди. Мен саватдан отилиб кетиб, бошим билан ерга шунақанги урилдимки!..

Билмасвой гапга овора бўлиб, муштумини столга ураман деб ликопчадаги пирогга урди. Пирогнинг ичидаги ширинлик атрофга сачраб кетди. Қизалоқлар чўчиб тушишганидан курсичадан йиқилаёздилар.

— Ундан кейин нима бўлди? — деб сўрашди улар ўзларига келиб.

— Ундан кейингисини эслай олмайман.

Жимлик чўкди. Қизалоқлар ҳайрон қолиб, Билмасвойга қарашарди. Уларнинг кўзига у чинакам қаҳрамон бўлиб кўринарди. Охири Кўккўз:

— Сиз ҳаво пуфагингиз билан бизни жудаям чўчитиб юбордингиз, — деди. — Кеча кечқурун пешайвонда чой ичиб ўтирардик. Бундай қарасак, бир баҳайбат ҳаво пуфаги тўппатўғри бизнинг томонга учиб келиб, деворга урилиб кетди... Кейин бирдан пақиллаб, ёрилиб кетди. Югуриб келиб, фақат қайин пўстлоғидан қилинган саватнигина кўрдик.

— Сиз жонсиз бўлиб ётардингиз! — деб гап қўшди Қуёнча. — Жуда қўрқинчли эди!

— Бир ботинкангиз оёгингизда, бошқаси деворда илиниб ётарди, қалпоғингиз бўлса дарахтда осилиб қолганди, — деб қўшиб қўйди Олмахон.

— Камзулингизнинг енги узилиб тушган экан, бугун эрталаб топиб оддик, — деди Ниначи деган қизалоқ, — уни дарров жойига тикиб қўйдик.

— Нега мен бу уйдаман? — деб сўради Билмасвой.

— Биз олиб келдик. Сизни кечаси ҳовлида қолдириб бўлармиди, ахир, — деди Кўккўз.

— Сиз ахир жонсиз эдингиз-да, — деб яна гап қўшди Қуёнча. — Лекин Асалхон сизни ҳали ўлмайди, нега деганда зуваласи пишиқ, деб айтди.

— Ҳа, тўғри, менинг зувалам пишиқ, бошим ундан ҳам пишиқ, — деб мақтанди Билмасвой. — Менинг ўрнимда бошқа биров бўлганда борми, турган гап, мия қалқишига дучор бўларди.

— Сиз, эҳтимол, мияси лат ерди, демоқчидирсиз-а? — деб қўйди Кўккўз.

— Ҳа-ҳа, шундай, мияси лат ерди, — деб тузатди Билмасвой.

— Лекин сиз ҳаво пуфагида кўпчилик бўлиб учдик деган эдингиз-ку? — деб сўради Қўккўз.

— Албатта, битта ўзим эмас. Биз ўн олти киши эдик. Тўғриси, анави қўрқоқ Билагон парашютда сакраб тушгандан кейин ўн бешта қолган эдик.

— Қолганларингиз қани? — деб сўради Зағчахон.

— Билмайман, — деб елкасини қисди Билмасвой. — Саватда мендан бўлак ҳеч ким йўқмиди?

— Биз саватдан фақат расм бўёғи ва кўчма дорихалтанигина топдик.

— Бу Бўёқвой деган боланинг бўёқлари, дорихалта эса До-  
рижонники, — деди Билмасвой.

Шу заҳоти эшик очилиб, Оппоғой югуриб кирди.

Янгиликни эшитдингларми? — деб бақирди у. — Яна ян-  
гилик! Тагин битта ҳаво шари учиб келиб ёрилибди. Унда ўн  
тўртта митти болалар учган экан. Улар кеча кечқурун шаҳар че-  
тига тушган экан. Уларни қизалоқларимиз бугун эрталаб, тонг  
ёришиши билан топишиб касалхонага олиб боришибди.

Демак, улар дабдала бўлишибди-да? — деб ачинди Олмаҳон.

Ҳеч гап эмас, — деб қўлини силтади Оппоғой, — Асалхон  
буларни тузатса бўлади, деб айтди.

Эҳтимол, улар менинг ўртоқларимдир, — деди Билмас-  
вой. — Ҳозир касалхонага бориб, анигини биламан.

— Мен сизни бошлаб бораман, — деб таклиф қилди Кўккўз.

Мен ҳам сизлар билан бирга бораман, — деди Оппоғой.

У эндигина Кўккўзнинг пешонасига ёпиштирилган малҳамни  
кўриб қолди:

Вой, ўртоқжон, пешонангда жудаям чиройли думалоқ  
нарса бор экан, бир ярашибдики, асти қўявер. Пешонага думалоқ  
нарса ёпиштириш янги модами? Мен ҳам ўзимга худди шу-  
нақасидан ёпиштириб олсам, дейман.

Йўқ, — деди Кўккўз, — бу ёпиштирганим малҳам. Мен  
билмасдан пешонамни эшикка уриб олдим.

Вой, ҳали шундоқмиди... — деди чўзиб, ҳафсаласи пир  
бўлган Оппоғой.

У ойна олдига келиб, қалпоқчасини кия бошлади.

Хона бир зумда бўшаб қолди. Ҳаммалари бу янгиликни қўни-  
қўшииларга айтиб бериш учун югуриб кетишди.

## Ун тўртинчи боб

### ШАҲАР БҮЙЛАБ САЁҲАТ

Оппоғой билан Кўккўз Билмасвойни бошлаб икки томони  
ингичка четан деворли кўчага чиқишди. Девор орқасида қизил  
ва яшил томли уйлар кўриниб турарди. Уйлар тепасида катта-  
катта олма, нок ва олхўрилар қад кўтарган эди. Кўчада ҳам,  
ҳовлиларда ҳам дарахтлар кўкарган, шаҳар ям-яшил дарахтларга  
кўмилиб ётарди. Шунинг учун ҳам уни Яшил шаҳар дейишарди.

Билмасвой атрофга қизиқиб алангларди. Кўчалар ҳаддан  
танқари озода эди. Барча ҳовлиларда қизалоқлар ишлашарди.  
Баъзилари ўт ғовлаб кетмасин деб қайчи билан қирқишар,  
бошқалари бўлса, сунурги олиб, йўлкаларни супуришар, яна  
бошқалари зўр бериб узун шолчанинг чангини қоқишарди.  
Шолчалар Яшил шаҳарда фақат уйдаги полгагина эмас, ҳатто  
кўчадаги йўлкаларга ҳам тўшаларди. Баъзи бир уй эгалари, ўт-



кинчилар шолчани кир қилиб қўйишмасин деб, безовта бўлган дек, шолчани босманглар, агарда шолчадан юргингиз келса, оёгингизни тозалаб артинг, деб туришарди. Кўп ҳовлидаги йўлақларга ҳам шолча солинганди. Ҳатто уйларнинг ташқи деворларига ҳам гулдор чиройли гиламлар қоқилган эди.

Яшил шаҳарда қамиш найидан қилинган водопровод бор эди. Маълумки, қамишнинг ичи бўш бўлади, шунинг учун сув қамиш ичидан қувурдан ўтгандай ўтаверади. Бу қамиш қувурлар ҳамма кўчалар бўйлаб ўтказилганди. Лекин, улар ерда ётмасди, балки ёғоч устунларга бириктирилиб, анча баландга кўтариб қўйилганди. Шунинг учун ҳам бу қувурлар чиримай, кўнга чиқарди. Шундай бўлса-да, очилиб қолиб сув томмасин деб уларни таъмир қилишар ва қараб туришарди. Сув кўчадаги асосий қувурдан кетган тармоқ орқали ҳар бир ҳовлига оқиб кирарди. Яна, ҳар бир уйнинг олдида фаввора ҳам бор эди. Фавворанинг суви жуда чиройли бўлиб турар ва бу фойдали эди, чунки ундан отилган сув билан экин суғоришарди. Ҳар кимнинг ўз томорқаси бўлиб, шолғом, редиска, лавлаги, сабзи ва бошқа ҳар хил сабзавотлар экишарди.

Билмасвой бир ҳовлида миттивойларнинг сабзавот йиғиштиришаётганини кўриб қолди. Олдин сабзи ёки шолғомнинг атрофини кавлашар, кейин бандига арқон бойлаб, бор кучлари билан тортишар эди. Сабзи ёки шолғом шунда илдиз-пилдизи билан суғирилиб чиқар, миттивойлар бўлса кулишиб, қийқиришиб, арқон билан судраб уйларига олиб кетишарди.

— Бу ерда фақат қизалоқларгина яшайдими, битта ҳам ўғил бола йўқ-ку? — деб ҳайрон бўлиб сўради Билмасвой.

— Ҳа, шаҳарда нуқул қизалоқлар қолишган, чунки барча ўғил болалар соҳилга кўчиб кетишган. Уларнинг Варракхона деган ўз шаҳарлари бор.

— Улар нимага соҳилга кетишган? — деб сўради Билмасвой.

— Нега деганингизда, у ерда яшаш уларга жуда қулай: улар кун бўйи офтобда қорайишни, чўмилишни яхши кўришади. Қишда бўлса дарё музлайди, улар яхмалак учинишади. Кейин ўзлари соҳилда яшашни яхши кўришади, нега деганингизда, баҳорда дарё тошиб, бутун шаҳарни сув босиб кетади.

— Бунинг нима яхшилиги бор? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Менимча ҳам, ҳеч қанақа яхши жойи йўқ, — деди Оппоқой. — Бизнинг болаларга ёқиб қолган-да шу. Улар тошқинда қайиққа тушиб бир-бирларини қутқаришади. Улар ҳар хил саргузаштларни яхши кўришади.

— Мен ҳам саргузаштни яхши кўраман, — деди Билмасвой. Улар билан танишсам бўладими?

— Бўлмайди, — деди Оппоқ қиз. — Биринчидан, Варракхонага боришга бир соат кетади, чунки соҳил дарёнинг насткы томонида, иккинчидан, улардан бирорта яхшиликни ўрганмай сиз, учинчидан, биз улар билан уришиб қолганмиз.

— Нима сабабдан уришиб қолдинглар?— деб сўради Билмасвой.

— Биласизми, улар нима қилишди?— деди Оппоқ қиз.— Қишда бизни арча байрамига таклиф қилишди. Мусиқа ва ўйин ҳам бўлади дейишди. Борганимиздан кейин биласизми нима қилишди? Улар бизни қорбўрон қилишди.

— Қорбўрон қилса, нима қилибди?— деди Билмасвой.

— Кейин биз дўстлашмай қўйдик. Шу-шу, ҳеч ким уларни-кига бормайди.

— Улар келишадими?

— Улар ҳам бизни-кига келишмайди. Олдин баъзи болалар келишган, лекин ҳеч ким улар билан ўйнамай қўйди. Шунда улар зерикиб тўполон қила бошлашди, гоҳ деразани синдиришар, гоҳ деворни бузиб қочишарди,— деди Оппоқ қиз.

— Кейин улар бизга Михвой деган болани юборишди,— деди Кўккўз.— Жуда ғалати воқеа бўлди!..

— Ҳа,— деб қувватлади Оппоқ қиз,— бу Михвой дегани келиб, сизлар билан дўст бўламан, у безори болаларни ўзим ҳам ёқтирмайман деб, бизни ишонтирди. Унга шахримизда туришга рухсат бердик. Охирида нималар қилди денг? Тунда уйдан қочиб чиқиб, ҳар хил бемазагарчиликларни қилди. Бир уйнинг эшигига эрталаб очиб бўлмайдиган қилиб тамба қўйиб кетган, бошқа бир уйнинг эшигига кирган кишининг бошига тегадиган қилиб ёғоч илиб кетган. Учинчи бир уйнинг эшиги олдига чиққан одам қоқилиб йиқилиб тушсин деб арқон тортиб кетган. Тўртинчи уйнинг томига чиқиб мўрисини бузган, бешинчи уйнинг деразаларини синдирган.

Билмасвой бу воқеани эшитиб, кула-кула ичаги узилаёзди.

— Сиз бунга куляпсиз,— деди Кўккўз.— Талайгина қизалоқлар бўлса, бурунларини пачоқ қилишди! Битта қизалоқ мўри тузатаман деб, томдан йиқилиб тушиб, оёғини синдираёзди.

— Мен қизалоқлардан кулаётганим йўқ, анови Михвойга куляпман,— деб жавоб берди Билмасвой.

— Ундан кулиш керак эмас. Иккинчи шунақа қилмасин деб, адабини бериш керак,— деди Оппоғой.

Улар шу чоқ кўча ўртасида ўсган олма ёнидан ўтиб қолишди. Шоҳларда қип-қизил бўлиб пишган олмалар шовул эди.

Олмага узун нарвон қўйилган эди. Нарвон дарахтнинг ярмигача етган. Ундан у ёғидаги шохига арқон нарвон боғланган эди. Арқон бойланган бутоқда иккита миттиой ўтирарди. Битта қиз ҳадеб олманинг бандини арралар, бошқаси бўлса ерга тушиб кетмасин деб, уни ушлаб турарди.

— Бу ердан эҳтиёт бўлиб ўтинг,— деб Билмасвойни огоҳлантириб қўйди Кўккўз,— олма тушиб кетиб ўлдириб қўйиши мумкин.

— Мени ўлдириб бўпти!— деб мақтанди Билмасвой.— Менинг каллам пишиқ.

— Болалар фақат биз ботирмиз деб чиранишади, лекин қизлар ҳам қўрқоқ эмас. Кўрдингизми, шундоқ дарахтнинг энг учига чиқиб кетишибди,— деди Оппоғой.

— Лекин, ўғил болалар ҳаво пуфагида учишади, автомобилда юришади,— деди Билмасвой.

— Юрса нима бўпти!— деди Оппоқ қиз.— Қизалоқларнинг ҳам кўпи автомобилда юра олади.

— Ҳали автомобилларинг ҳам борми?

— Бор. Аммо бузилиб қолган-да. Уни тузатавериб, тузатавериб сираям эпга келтира олмадик. Балки автомобилимизни тузатишга ёрдам берарсиз?

— Ёрдам бераман,— деб жавоб берди Билмасвой.— Мен бу соҳани унча-мунча тушунаман. Мурватвой билан Тузатвой касалхонадан чиқишсин, уларга айтаман, тузатиб беришади.

— Жуда яхши бўларди-да!— деб чапак чалиб юборди Оппоғой.

Билмасвой умрида ҳеч бунақа ажойиб нарсани кўрмаган эди. Кўчанинг ўртасида икки қаватли уйдаи келадиган, эҳтимол, ундан ҳам катта яшил пуфаклар думалаб ётарди.

— Бу нима, ҳаво пуфагими?— деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

Оппоғой билан Кўккўз ундан кулишди.

— Бу тарвуз-ку,— дейишди улар.— Сира тарвузни кўрмаганмисиз?

— Сира кўрмаганман,— деб тан олди Билмасвой.— Биз тонда тарвуз ўсмайди. Уни нима қилишади?

Оппоғой пиқиллаб кулиб юборди.

— Вой, анов болани, тарвузни нималигини билмас экан! Сиз ҳали олма билан нокнинг ҳам нима кераги бор дерсиз?

— Наҳотки уни ейишса?— деб ҳайрон бўлди Билмасвой.— Бунақа каттасини бир йилда ҳам еб тамом қилолмайсан.

— Биз уларни емаймиз,— деди Кўккўз,— улардан шарбат оламиз. Агар тарвузни тешсанг, ундан ширин сув оқа бошлайди. Битта тарвуздан бир неча бочка шарбат олса бўлади.

— Тарвуз экишни ким топган?— деб сўради Билмасвой.

— Бизда битта жуда ҳам ақлли қиз бор. Унинг оти Майсаой,— деди Кўккўз.— У турли ўсимликлар ўстириб, уларнинг янги-янги навларини етиштиришга қизиқади. Олдин бизларда сираям тарвуз бўлмаганди. Кимдир Майсаойга ўрмонда ёввойи тарвуз кўрганини айтган. Майсаой кузда бир куни ўрмонга қидирув уюштириб, ўрмон яланглигида ўсган ёввойи тарвузни топди. Ёввойи тарвуз уруғини олиб келди. Майсаой кўкламда уруғларни экди. Тарвузлар катта бўлди, лекин тахир чиқиб колди. Майсаой улар устида эринмасдан иш олиб борди, ҳар

бирининг сувини татиб кўрди. У бирдан унча тахир бўлмаган тарвуз сувини топиб қолди. Келгуси йил шу тарвуз уруғини экиди. Бу сафар унчалик тахир бўлмаган тарвузлар етишди, улар ичиди ширинлари ҳам учраб қолди. Майсаой энг ширин тарвузнинг уруғини олиб, келгуси йил экиб кўрди. Бир неча йил шу усулни қўлаб, асалдай ширин тарвуз етиштирди.

— Энди ҳамма Майсаойни мақтайди, олдинлари уни шунакаям сўкишардики, асти кўйинг! — деди Оппоғой.

— Нима деб сўкишарди? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Бу тахир тарвуздан тузукроқ бир нима чиқади деб ҳеч ким ўйламасди. Яна шаҳарнинг қаерига қарасанг, тарвуз босиб кетган, юриб бўлмасди. Тарвуз кўпинча баъзи бир уйларнинг деворлари ёнида ҳам ўса бошлади. Кичкиналигида-ку, майли-я, аммо ўсиб кетгандан кейин-чи, деворга ёнбошлаб, уни қулата бошлади. Бу тарвузнинг дастидан бир уй қулаб тушди. Баъзи бир қизалоқлар Майсаойга тарвуз экишни ман қилишмоқчи ҳам бўлишди, лекин бошқалари унинг ёнини олиб, унга ёрдам ҳам беришди.

Саёҳатчиларимиз шу пайтда дарё бўйига чиқиб қолишди.

— Бу Тарвуз дарёси, — деди Оппоқ қиз. — Тарвузларнинг кўплигини кўряпсизми?

Дарёнинг у бетидан бу бетига узун шолчага ўхшаган нарсадан кўприк қуришган эди. У қандайдир қалин ва пишиқ нарсадан қилинган эди.

— Бу кўприкни қизалоқларимиз ясашган, — деди Кўккўз. — Биз буни зиғир поясидан бир ойда тўқидик, кейин уни сув устидан ўтказишга ўғил болалар ёрдам беришди.

— Вой, бир қизиқ бўлган эдики, — деб мақтанди Оппоғой. — Битта бола сувга тушиб кетиб, сал бўлмаса чўкиб кетаёзди, лекин сувдан чиқариб олишди.

Кўккўз кўприкдан пилдираб ўтиб кетди. Билмасвой ҳам кўприкка дадил қадам қўйди-ю, кўприкнинг лопиллаётганини сезиб шу заҳотиёқ тўхтаб қолди.

— Нега у ерда тўхтаб қолдингиз? — деб сўради Оппоғой — чўчияпсизми?

— Сираям чўчиётганим йўқ. Кўприк кулгили экан, холос.

Билмасвой энгашиб икки қўли билан кўприкни ушлаб олди. Яна биров қўрқяпти демасин деб, қиқир-қиқир кулиб ҳам қўйди.

Билмасвойнинг бир қўлидан Оппоқ қиз, бир қўлидан Кўккўз етаклаб кўприкдан ўтказишди. Қизалоқлар Билмасвойнинг қўрқаётганини билишса ҳам унга кулишмади. Нега деганингиз-ла, ўғил болалардан кулсангиз, уларга жуда алам қилади. Саёҳатчиларимиз дарёнинг нариги бетига ўтиб, кўча бўйлаб кетишди. Сал юргандан кейин яшил томли оқ уйчага етишди.

Касалхонамиз мана шу бўлади, деди Кўккўз.

# Ўн бешинчи боб

## КАСАЛХОНАДА

Оппогой эшик олдида тўхтаб, қўнғироқнинг бандидан тортди. Жиринглаган товуш эшитилди. Эшик очилиб, остонада оқ халат кийган, рўмолининг тагидан олтин кокиллари чиқиб турган ҳамшира пайдо бўлди.

— Вой ўлмасам, — деб қичқирди у ва чўчиганидан чапак чалиб юборди. — Тагин битта касални олиб келишибди. Жой йуқ, ишонинг, жой йўқ! Йил бўйи касалхона бўшлигидан ҳеч ким даволанишни хоҳламаган эди, бугун бўлса ўн бешинчи касални олиб келишди-я!

— Бу бола касал эмас, — деди Оппогой, — у ўртоқларини кўргани келди.

— Унақа бўлса, кира қолинглар.

Қизалоқлар билан Билмасвой врач хонасига киришди. Асалхон столда ўтириб ниманидир ёзарди. Унинг олдида бир уюм касаллик варақалари ётарди. Оппоқ қиз билан Кўккўзни кўриб:

— Касалларни кўргани келгандирсиз-а? — деди, — Бўлмайди, бўлмайди! Касалларга тинчлик кераклигини ўзинглар ҳам биласизлар. Кўккўз, ҳалитдан пешонангизда малҳам пайдо бўлибдими? Табриклайман! Мен буни сизга олдиндан айтувдим-а, уйда биттагина ўғил бола айланишдими, бўлди, ғуррани кутавер деб, улар менга кўпдан маълум.

— Биз касалларни кўрмоқчи эмасмиз, — деб жавоб берди Оппогой, — Касалларни манави бола кўрмоқчи, бу уларнинг ўртоғи.

— Мен бу болага ўринда ётгин деб буюрган эдим, у бўлса врачнинг рухсатисиз туриб кетган, ҳалитдан жанжал бошлаганини ҳам кўриб турибман. Мен унга рухсат беролмайман, касалхона жанжалхона эмас.

— Мен сира жанжал қилмайман, — деди Билмасвой.

— Йўқ, йўқ! — деб қатъий гапирди Асалхон ва ёғоч карнайчасини столга уриб қўйди. Болалар доим: «Жанжал қилмайман», дейди-да, кейин бари бир бошлайди.

Асалхон Билмасвой билан гапни калта қилиб, Кўккўзга ўғирилди.

— Қани, менга пешонангизни кўрсатинг-чи, жонгинам, — деди.

У малҳамни кўчириб олиб, Кўккўзнинг пешонасини кўра бошлади.

— Малҳамнинг энди кераги йўқ, — деди Асалхон кўриб бўлиб, — мен билан юринг, жонгинам, пешонангизга кўк нур берсак, доғ қолмайди.

У Кўккўз билан бирга хонадан чиқди. Билмасвойнинг кўзи қоziқдаги оқ халат билан қалпоққа тушди. У узоқ ўйлаб ўтир-

масдан халатни кийди-да, қалпоқни бошига қўндирди. Асалхон стол устида қолдирган кўзойнакни тақиб, ёғоч карнайчани ҳам олди-да, хонадан чиқди. Оппоғой Билмасвойнинг дадиллиги ва эпчиллигига ҳайрон қолиб, қараб турди.

Йўлақдан бориб бир эшикни очган эди, ўз ўртоқлари миттилар ётган касаллар палатасини кўрди. Биринчи каравотга яқинлашган эди, унда Сергапни кўрди. Сергапнинг юзидан ғамгинлик ва норозилик аломатлари сезилиб турарди.

— Узингизни қандай сезяпсиз, бемор? — деб сўради Билмасвой овозини ўзгартиришга ҳаракат қилиб.

— Жуда яхши, — деб жавоб берди Сергап ва бир неча дақиқадан кейин ўладиган одамдай юзини буриштирди.

— Туринг-чи, бемор, — деб буюрди Билмасвой.

Сергап истамасдан ўрнидан қўзғалиб, ўтириб олди ва индамай қараб турди. Билмасвой унинг кўкрагига ёғоч карнайчасини қўйиб кўрди:

— Нафас олинг, — деди.

— Бу қанақаси, ахир! — деб вайсади Сергап. — Бир туринг, бир ётинг, бир нафас олинг, бир нафас олманг, дейди!

Билмасвой унинг калласига карнайча билан шақ этиб солиб қолди:

— Сен, Сергап, сираям ўзгармабсан. Ҳамон вайсаганинг-вайсаган, — деди.

Сергап унга анқайиб қараб қолди:

— Билмасвой!

— Жим! — деб пичирлади Билмасвой.

— Менга қара, Билмасвой, бу ердан чиқишимга ёрдам бер, — деди Сергап. — Мен соппа-соғман, чин сўзим! Тиззам сал лат еган, оғримайди ҳисоб, ўринга ётқизиб қўйишди, кийимларимни беришмаяпти. Жуда тамом бўлдим. Кетгим келяпти!

Сергап Билмасвойнинг енгига осилволиб уни қўйиб юбормади.

— Майли, — деб жавоб берди Билмасвой, — озроқ сабр қилиб тур, ўйлаб бир иложини топай. Энди гапимга қулоқ солишга ваъда бер, агар миттиойлар, ҳаво пуфагини ким ишлади, деб сўрашса, мени айтасан.

— Бўпти, бўпти, — деб калласини лиқиллатди Сергап. — Фақат тезроқ қимирла!

— Хавотир олма, — деб ишонтирди уни Билмасвой.

Билмасвой иккинчи каравот олдига борди, унда доктор Дорижон ётарди.

— Оғайнижон, ёрдам қил! — деб пичирлади Дорижон. — Сира тоқатим қолмади! Умрим бўйи бошқаларни даволардим, энди мени даволашяпти.

— Ҳали сен ҳам касалмасмисан?

— Касаллик қаёқда дейсан. Елкам сал шилинган, бурним жиндақ қирилган. Бунинг учун касалхонада ётишнинг ҳожати йўқ.

— Сени нега бу ерда ушлаб туришибди?

— Биласанми, уларнинг касалхонаси бўм-бўш, даволашга ҳеч ким йўқ. Улар қандай бўлмасин касални даволамоқчи бўлишади. Булар қизалоқлар-да ахир! Нима бўларди! Даволаш ҳам расво, тфу! Олдин асал малҳами ёпиштириб, кейин асал ичиришади. Бу ахир тўғри эмас: олдин ярага йод суртиш керак-да, ичиш учун сурги дори бериш керак. Мен уларнинг даволаш усулига қўшилмайман.

— Мен ҳам қўшилмайман, — деб арз қилди ёнидаги ўринда ётган Магарқул. — Юриш мумкин эмас, чопиш мумкин эмас, қувлашмачоқ ўйнаш мумкин эмас. Ҳатто қўшиқ айтиш ҳам мумкин эмас. Ҳамманинг кийим-кечагини олиб қўйиб, атиги биттадан дастрўмол беришди. Ётасану бурнингни артасан, холос.

— Нима учун касалхонага бордиларинг?

— Кеча биз шаҳар четида саватдан сочилиб кетиб, ўша ерда ухлаб қолибмиз. Тонг пайтида бизни қизлар уйғотишди: «Қаерликсизлар, болалар?» — дейишди. «Бизлар ҳаво пуфагида учиб юрувдик, йиқилиб тушдик», — дедик. «Вой, сизлар йиқилдингларми? Эй, сизни даволаш лозим! Қани, касалхонага юринглар!» — дейишди. Биз боравердик.

— Бундан чиқди, ҳеч ким касал эмас экан-да? — деб сўради Билмасвой.

— Йўқ, ёлғиз Уқтой касал, холос.

Билмасвой Уқтойнинг ёнига келди.

— Сенга нима қилди?

— Оёғим чиқди. Сира юролмайман. Аммо, бу мени безовта қилаётгани йўқ. Биласанми, Кўктойим йўқолиб қолди. Оғайни, бир яхшилик қилиб, итимни қидириб кўргин, эҳтимол, у шу яқин орададир. Урнимдан қўзғалоқмайман, ахир.

— Хўп, — деди Билмасвой. — Кўктойингни қидириб кўраман, сен-чи, пуфакни Билмасвой топган, деб айтгин ҳаммага.

Билмасвой барча болалар билан гаплашиб чиқди. Уларга пуфакни топган мен денглар, деб уқдирди. Кейин врач хонасига қайтиб келди. Оппоғой уни бетоқат бўлиб кутиб турарди.

— Беморларнинг аҳволи қалай? — деб сўради у.

— Қанақасига улар бемор бўлсин? — деб қўл силтади Билмасвой. — Фақатгина Уқтой сал касал.

— Бундан чиқди, тезда уларни чиқаришаркан-да? — деб севиниб кетди Оппоғой. — Биласизми, мен нима ўйлаб топдим? Касалларнинг тузалиши шарафига базм уюштирамиз. Жуда яхши бўлади, ўйнаб-куламиз!

— Уларни чиқаришадиганга ўхшамайди, — деди Билмасвой.

Шунда Асалхон билан Кўккўз қайтиб келишди.

— Сиз нима учун халат кийиб олдингиз? Бу қандай ўзбошимчалик! — деб Асалхон Билмасвойга ташланди.

— Ҳеч қандай ўзбошимчалик эмас, — деди Билмасвой. — Мен шунчаки текшириб чиқдим.

— Текширишнинг натижаси нима бўлди?— майна қилиб сўради Асалхон.

— Текшириш шуни кўрсатдики, битта касалдан бошқа ҳаммаси соппа-соғ, уларни чиқариб юборса бўлади.

— Йўқ, йўқ!— деди жон ҳолатда Асалхон,— Бирданига ўн тўртта болани чиқариб юборса, нима бўлишини биласизми? Бутун шаҳарни остин-устун қилиб юборишади! Биттаям бутун ойна қолмайди, ҳамманинг бош-кўзи ёрилиб, ғурра пайдо бўлади. Ғурра касалидан эҳтиёт қилиш мақсадида, касалларни касалхонада олиб туришга мажбурмиз.

— Эҳтимол, оз-оздан чиқариш мумкин бўлар?— деди Кўккўз.— Жилла бўлмаганда бир кунда биттасини.

— Биттадан жуда оз, энг камида иккитадан бўлса,— деди Оппоғой.— Биз яқинда уларнинг тузалиши шарафига базм уюштирмоқчимиз.

— Ҳа, дуруст,— деб рози бўлди Асалхон.— Рўйхат тузамизда, эртадан бошлаб биттадан касални чиқарамиз.

Оппоқ қиз чапак чалиб, Асалхонни кучоқлаб олди:

— Йўқ, иккитадан, жонгинам, иккитадан! Мен ҳаммаларининг тезроқ чиқишини истайман. Сизнинг ҳам базмга боргингиз келади-ку, ахир. Сиз ажойиб рақс тушасиз-ку!

— Ҳа, дуруст, иккитадан,— деб юмшади Асалхон.— Бошлаб энг уюшларини чиқарамиз. Сиз бизга ёрдам беришингиз керак,— деб у Билмасвойга мурожаат қилди,— энг ювоши ким?

— Ҳаммалари ҳам ювош!— деб жавоб берди Билмасвой.

— Мана бу гапга мен ҳеч ҳам ишонмайман. Уғил болаларнинг ювоши бўлмайди. Уларни шўхлик қилишдан қайтариш учун, албатта бирор ишга овора қилиб қўйиш керак.

— Ундай бўлса, биринчи гада анов Мурватвой ва Тузатвой деган усталарни чиқара қоламиз. Улар чиқа солиб машина тузатишга киришади,— деди Кўккўз.

— Яхши фикр!— деб маъқуллади Асалхон.— Шу Мурватвой, Тузатвойлардан бошлай қоламиз.

Мурватвой билан Тузатвойни қоғозга ёзиб олди.

— Булардан кейин Сергапни чиқара қолсак дейман,— деди Асалхон.— У шунақанги ёмон! Ҳеч кимга тинчлик бермай вайсагани-вайсаган.

— Йўқ, керак эмас,— деб норози бўлди Билмасвой,— яхшиси, Сергапни касалхонада ушлаб туриш керак, вайсашдан бундоқ кўзи очилсин.

— Ундоқ бўлса, Дорижонни чиқариш мумкин. У бизнинг касалхонадан норози. Даволаш усулимизни танқид қилгани қилган. Жуда безовта касал. Умуман, мен ундан қутулишга қарши эмасман.

— Йўқ, дорижоннинг ҳам кераги йўқ,— деди Билмасвой.— У умр бўйи бошқаларни даволарди. Келинг, энди унинг ўзи ҳам бир даволансин. Яхшиси, Бўёқвойни чиқарамиз. У жуда яхши



рассом, унга дарров иш топилади. У менинг шогирдим. Уни расм солишга мен ўргатганман.

— Тўппа-тўғри, жонгинам!— деди Оппоғой.— Бўёқвойни бугун чиқарса бўлмайдими?— деб ялинди.— Мен ундан сурагимни ишлаб беришини илтимос қилардим.

— Ва Машшоқвойни ҳам,— деб қўшиб қўйди Билмасвой.— Бу ҳам менинг шогирдим. Най чалишни мен ўргатганман.

Оппоғой Асалхонни яна қучоқлаб:

— Бўёқвой билан Машшоқвойни чиқара қолайлик! Келинг, чиқара қолайлик!— деди.

— Ҳа, яхши, буларга йўл қўямиз,— деб юмшади Асалхон.— Аммо бошқаларини навбат билан чиқарамиз.

Охири рўйхат тузилди. Асалхон Бўёқвой ва Машшоқвойнинг кийимларини олиб чиқишни буюрди, улар бир неча лаҳзадан кейин Асалхон хонасида пайдо бўлишди, севинганларидан юзлари қизариб кетган эди.

— Сизларни чиқарамиз,— деди Асалхон.— Узингизни яхши тутишга ҳаракат қилинглар, акс ҳолда, сизни яна касалхонага тиқишга тўғри келади.

## Ун олтинчи боб

### КОНЦЕРТ

Машҳур сайёҳ Билмасвой ва унинг касалхонага тушиб қолган ўртоқлари ҳақидаги хабар бутун шаҳарга ёйилди. Зағчахон билан Дўмбоғой чарчамасдан уйма-уй югуриб, янгилек ҳақида ўз шерикларига айтиб беришди. Эшитган ўртоқлари ўз навбатида бошқа ўртоқларига, бошқалари бўлса, яна бошқаларига айтиб беришди. Бутун шаҳар аҳолиси буйруқ олгандай касалхонага йўл олди. Ҳар бир қизалоқ нима билан бўлса-да, йиқилган болаларга ёрдам бермоқчи бўларди.

Улар ҳар хил нарса олиб келишган эди. Баъзи бирида хушхўр пирог, бошқасида эса қиём, яна бирида ширинлик ёки шарбат бор эди.

Касалхона йўли ярим соат ичида қизалоқларга тўлиб кетди. Бунча кўп кишини касалхонага киритиб бўлмайди, албатта. Асалхон эшик олдидаги зинага чиқиб, касаллар ҳеч нимага муҳтож эмас, шунинг учун дераза тагида шовқин солмасдан барча уй-уйига тарқалсин, деди. Аммо қизалоқлар кетишни хоҳлашмасди. Билмасвой номли энг машҳур бола ўз ўртоқлари Бўёқвой ва Машшоқвой билан касалхонадан чиқар экан, деган гап уларга маълум бўлибди.

Асалхон ҳамма тарқалиб кетмагунча Билмасвой чиқмайди деб яна эълон қилди. Лекин қизалоқлар уй-уйларига кетмай, касалхона кўчасидаги дугоналариникига киришди. Билмасвой,

Бўёқвой ва Машшоқвойлар Оппоғой билан Кўккўз бошчилигида кўчага чиқишганда ҳамма деразалардан ўнлаб қизалоқлар қарашаётганини кўришди. Билмасвой бу эътибордан жуда мамнун эди. Баъзи овозлар унга ҳам эшитиларди:

— Айтинглар-чи, айтинглар-чи, машхур Билмасвой қайси бери?

— Билмасвой ҳув анови сариқ шимлиги.

— Анови шалпанг қулогими? Ҳеч ҳам уни Билмасвой демасдим. Кўринишидан анча тентакка ўхшайди-ку.

— Йўқ, аниқ, аниқ! Кўринишидан тентакка ўхшаса ҳам, лекин кўзидан ақлликка ўхшайди.

Бурчакдаги уйнинг иккинчи қаватидан битта қизалоқ Билмасвойни кўриб қўлларини силкиб, ингичка, чийилдоқ товуш билан қичқирди:

— Билмасвой, Билмасвой, ура!

У деразадан кўчага шундай интилдики, йиқилишига сал қолди. Яхшиям бошқа қизалоқлар оёғидан ушлаб тортиб олишди.

— Вой ановини, уят-ку! Ҳали бу Билмасвой ким билсин, ўзини нималар деб ўйлаб юраркан! — деди озғингина юзли, қирра оғизли қизалоқ.

— Сизники тўғри, Қалдирғоч, — деб жавоб берди унга тепа лаби қайрилиб, оқ тишлари ярқираб турган бошқа қизалоқ. — Болаларга қараганингни ўзлари сезмасин. Шўхлигини ҳеч ким писанд қилмаганига ишонса, ўзи шўхлик қилмай қўяди.

— Мана шуни айтяпман-да, Мошхон, — деб тасдиқлади Қалдирғоч. — Болаларни писанд қилмаслик керак. Писанд қилмаганингни кўришса борми, писанд қилмас экан деб бизни камситишдан чўчишади.

Қалдирғоч билан Мошхон пичир-пичир, вижир-вижир қилиб, пуфакда учиб келган болаларга назар-писанд қилмаслик зарурлигини уқтиришарди. Ҳамма қизалоқлар, агар кўчада уларни узоқдан кўриб қолгудай бўлсак, эътибор бермай ё орқага қайтамиз, ё бўлмаса кўчанинг бошқа томонига ўтиб оламиз, деб шартлашишди.

Аммо бу шартлашишдан фойда чиқмади. Бўёқвой рассом, Машшоқвой бўлса най чаладиган машхур мусиқачи эканлиги, тасодифан, ҳаммага маълум бўлиб қолди. Ҳамма ҳам тезда най овозини эшитишни истарди, нега деганингида Яшил шаҳарда фақат чилтор чалишни билишар, сираям найни эшитишмаган эди. Кўплар ҳатто шунақа чолғу асбоби борлигини ҳам билишмас эди.

Бўёқвой билан Машшоқвойнинг Олмазор майдончасида ўз дугоналари билан яшайдиган Тугмаой деган қизалоқнинг уйига келишганини ҳаммалари тезда билиб олишди. Уйнинг иккинчи қаватида деразалари катта, ёп-ёруғ, кенгина хона бор эди. Бу хона ёруғ бўлганидан Бўёқвойга ёқиб қолди. Машшоқвой билан иккаласи шу ерга жойлашишни истаб қолди.

Бу тепадаги хонанинг деразаси тўппа-тўғри Олмазор майдончасига қараган эди. Ҳеч қачон бунчалик гавжум бўлмаган Олмазор майдони бугун кечқурун сайр қилиб юрган қизалоқларга тўлиб кетди. Улар иккитадан бўлишиб майдончадан ўтишар ва иккинчи қаватдаги ёруғ деразага зимдан қараб қўйишарди. Турган гап, улар Бўёқвой билан Машшоқвойни кўриш учун келишмаган, балки сабрсизланиб, мусиқа эшитишни истардилар.

Улар очиқ деразадан гоҳ сочлари силлиқ таралган Машшоқжоннинг бошини, гоҳ Бўёқвойнинг ҳурпайган сочини ўқтин-ўқтин илғаб қолишарди. Кейин деразадан бошлар кўринмай қолди, қизалоқлар дераза тоқчасига суяниб, узоқларга қараб хаёл суриб турган Бўёқвойни кўришди. Бўёқвойнинг кетидан Машшоқвой дераза ёнида пайдо бўлди. Улар иккови атрофга аланглаб, қўлларини силтаб алланимани муҳокама қилиша бошлашди. Кейин иккови деразадан бошини чиқариб, пастга энгашиб қарашди. Сўнгра иккинчи қаватдан бир мартадан туфлашди-да, тагин деразадан ғойиб бўлишди.

Энди ҳеч қанақа қизиқ воқеа бўлмаса керак деб ўйлашса-да, лекин қизалоқлар тарқаб кетишмади. Шу заҳоти деразадан ариқдаги сувнинг шилдирашига ўхшаган майин, ёқимли най овози эшитилди. Найнинг овози баъзан тўлқинга ўхшаб бирининг кетидан бири астагина оқиб кетар, баъзан бўлса ҳавода ўмбалоқ ошгандай, сакрагандай бўлар, бир-бирининг орқасидан қувлашар ва ўзаро тўқнашиб олишарди. Бундан ҳамманинг кўнгли шод. Найнинг ёқимли овози гўё ҳамманинг қўлидан, оёғидан тортгандай туюлар, беихтиёр ўйинга тушиб кетгиси келарди.

Уйларнинг деразаси астагина очилди. Майдонда ҳаракат тўхтади. Ҳамма жимиб, куйни берилиб эшитарди.

Охири най овози тинди. Лекин шу заҳотиёқ қарши томондаги уйнинг деразасидан чилторнинг овози эшитилди. Чилтор ҳали ҳеч ким эшитмаган бу янги куйни қайтаришга ҳаракат қиларди. Кимнингдир бармоқлари чилтор торларини оҳиста чертарди. Олдинига тезкор бошланган куй секин-аста сусайди, охири батамом тиниб қолди. Аммо шу ондаёқ най ёрдамга келиб давомини бошлаб юборди. Чилтор жонланиб қатъийроқ куйлай бошлади. Унга қўшни уйдан иккинчиси жўр бўлди, кейин яна бошқаси. Мусиқа баландроқ ва қувноқроқ жаранглай бошлади.

Бўёқвойга бўёқ ва мўйқаламларини бераман деб югуриб келган Билмасвой уй олдидаги майдонда бўлаётган томошани кўриб қолди. Бутун майдон ажойиб концерт тинглаётган қизалоқлар билан тўлиб кетган эди. Концертни Билмасвой ҳам эшитди, у ҳатто бир оёқлаб сакради ҳам. Лекин ўйинига ҳеч ким эътибор бермаётганини пайқаб, қўл силтади ва уйга кириб кетди.

## Ун еттинчи боб

### МУРВАТВОЙ БИЛАН ТУЗАТВОЙНИНГ ВАРРАКХОНА ШАҲРИГА САЁҲАТИ

Дўстлар чиқинг қатор-қатор,  
Зарядкага бўлинг тайёр.  
Бадантарбияни бошланг,  
Ялқовликни тезда ташланг.

Шоир Гулшаний ёзган бадантарбия ҳақидаги бу қўшиқни Мурватвой билан Тузатвой айтиб юрарди.

Яшил шаҳарда ҳали ҳамма ухлаб ётарди. Мурватвой билан Тузатвой бўлса, тонг саҳардан турволиб кўчадан қўшиқ айтиб, йўл-йўлакай бадантарбия қилиб ўтиб қолишди.

Уларни машина тузатиш учун касалхонадан бўшатишмоқчи бўлишганини кечаёқ билишган эди. Шунинг учун улар саҳарлаб уйғониб, тезда бўшатишни талаб қилишди. Дунёда ҳаммадан кўра шовқин-сурондан қўрқадиган Асалхон тезроқ уларнинг кийим-бошларини беришга рухсат этганди.

Узоқдан келаётган қўшиқ овозини эшитиб, кўпчилик қизалоқлар уйғонишди, баъзилари деразадан қарашар, баъзилари эса кўчага ҳам чиқиб олишганди.

— Эй қизалоқлар, гаражларингиз қаёқда?— деб сўради Мурватвой.

— Юринглар, ўзим кўрсатиб қўяман,— деб талабгор бўлди бошига қизил қалпоқча, қора капалакнусха ёқали кўк пальто кийган қизалоқ.

— Қани, кўрсат-чи, биз чапга юрамизми, ё ўнгами?— деб сўради Мурватвой.

— Уннга,— деб жавоб берди қизалоқ уларнинг эғнидаги чарм либосга қизиқиб қараб.

— Унг-га! Шагом марш!— деб буйруқ берди Мурватвой ва қайрилиб кўчадан юриб кетди.— Бир-икки! Бир-икки!

Тузатвой унинг кетидан баравар қадам ташлашиб кетди. Қизалоқ бўлса, улар ортидан сакраб-сакраб чопиб, зўрға етиб оларди.

Мурватвой билан Тузатвой шу юришда мўлжалланган дарвоза олдидан ўтиб кетишди.

— Тўхтанглар! Тўхтанглар!— деб қичқирди қизалоқ.— Утиб кетдинглар.

— Орқага!— деб буйруқ берди Мурватвой.

Иккаласи орқасига қайтиб келишди. Қизалоқ эшикни очди. Учалови ҳовлига киришди. Уйдан сал нарида усти гумбазнамо сарой бор эди.

— Мана бу гаражни кўр! Бу гаражмас, сарой-ку,— деди Тузатвой икки тавақали энли эшикни оча туриб.

Мурватвой сарой ичига қараб, машинани кўрди. Саройга яна бир неча қизалоқлар келишди.

— Бу ер қоронғи экан, — деди Мурватвой. — Қани келин-лар, машинани ташқарига олиб чиқамиз.

— У юрмайди, бузилиб қолган-ку ахир, — дейишди қизалоқлар.

— Ҳеч гапмас, биз уни итариб юргизамиз. Қани, орқасидан итаринглар-чи! Ҳа, қани, бараварига, қани, ҳа!

Машина гичирлади. У гараждан чийиллаб, филдираб чиқди.

Мурватвой билан Тузатвой шу заҳотиёқ машинанинг тагига кириб кетишди. Қизалоқлар атрофда, ҳайрон бўлиб филдирак остига қараб туришарди.

— Вой-бў, — деган товуш эшитилди машинанинг тагидан, — сувдон тешилиб кетибди-ку! Вой-бў, гайкаси ҳам йўқ, вой-бў, шарбат ўтказадиган қувури ёрилибди!

Кейин улар машинанинг тагидан чиқишди.

— Қани, энди бизларга гайка қалити, омбир, болға ва кав-шарлагичларни беринглар-чи, — деди Мурватвой қизалоқларга.

— Бизда бунақа нарсалар йўқ.

— Қанақасига йўқ? Нима бор бўлмаса?

— Арра бор, болта ҳам бор.

— Эй, сизларни қаранг-а! Болта билан машинани тузатиб бўлмайди. Яқин жойда ўғил болалар борми?

— Болалар фақат Варракхонада бўлишади.

— Узоқми у?

— Бир соатлик йўл.

— Сизга бир соатлик бўлса, биз тезроқ етамиз. Борадиган йўлни айтиб беринглар-чи.

— Ҳув анави, ўнг томондаги кўчадан кетаверасиз, кетаверасиз. Кейин дала йўли келади. Уша йўлдан тўппа-тўғри кетаверсангиз, Варракхонага борасиз.

— Тушунарли, — деб жавоб берди Мурватвой. — Қани, шагом марш! Тўхта! — деб бирдан буйруқ берди у. — Сиз, қизалоқлар, биз бориб келгунча латта-путта топиб, машинани яхшилаб артиб қўйинглар. Машина-чи, сингилчалар, парваришни яхши кўради.

— Хўп, — деб рози бўлишди қизалоқлар.

— Қани, энди шагом марш!

Икковлари жўнаб кетишди. Унга бурилишлари билан Мурватвой буйруқ берди:

— Қўшиқ айтамиз!

Бизнинг дўстларимиз бақириб қўшиқ айтишди:

Кездик ўрмон, ўтлоқ билан,

Дилга яқин ўртоқ билан.

Тепалардан ўтдик ошиб,

Гулзорлардан гул ҳидлашиб.

Бирдан чиқиб бир қурбақа  
Қочиб қолдик биз шунақа.  
Уйга етдик омон, дедик,  
Иккаламиз «вой, жон!» дедик.

Бу қўшиқ тугагандан кейин бошқасини бошлашди, кейин яна бошқасини айтишди.

Улар тез орада шаҳардан чиқиб, катта йўл бўйлаб кетишди. Бир соат бўлмасданоқ узоқдан Варракхона шаҳри кўриниб қолди. Худди шу вақтда Мурватвой билан Тузатвой йўл ўрта-сида турган машинани кўриб қолишди. Улар яқинроқ келиб, машина тагида митти бола борлигини пайқашди. Унинг боши, кўкраги машина юкхонаси тагида кўринмас, фақатгина оёғи, мойли шими ташқарига чиқиб ётарди.

— Эй, оғайни, офтобда тобланияпсанми? — деди Тузатвой. Қора жингалак соч митти бола машина тагидан бошини чиқариб:

— Мана, кўриб турибсан-ку, машина тагида тобланишга тўғри келиб қолди, — деди.

— Нима бўлди ўзи?

— Бу лаънатини кўр, юрмаяпти! Ё шарбат етиб келмаяпти, ё газли сув меъёри бузилган. Сираям тополмаяпман.

Митти бола машина тагидан чиқиб, жаҳл билан филдиракни бир тепди.

Унинг устидаги қора камзули ҳам шими каби мойга беланганди, у худди чармдан қилинганга ўхшарди. Бечора бола, машина устида юриб ҳайдашдан кўра, кўпроқ машинанинг тагида ётиб тузатса керак. Газли сув билан юрадиган талай автомашина ҳайдовчиларининг ҳоли ҳам кўпинча шунақа бўлиб туради.

Мурватвой автомашинанинг атрофини айланиб, механизмларини кўрди, ҳеч қанақа қусурини тополмай, машина тагига кирди. Унинг тагини кавлаб кўриб, қайтиб чиқди. Тўхтаб, бўйнини қашиб ўйлаб турди. Унинг кетидан машина тагига Тузатвой кириб кўрди, кейин яна машина эгаси кирди. Шундай қилиб, улар бирин-кетин машина тагига кириб-чиқишар, ҳайрон бўлиб, бўйинларини қашиб туришарди.

Охири Мурватвой моторнинг тўхтаб қолиш сабабини топди. Машина ишлади. Ҳайдовчи хурсанд бўлиб кетганидан, миннатдор бўлиб Мурватвой ва Тузатвойнинг қўлини қисди.

— Раҳмат, оғайнилар, сиз бўлмасангиз кечгача офтобда куйиб ётардим. Қаёққа кетяпсиз? Утиринглар, олиб бориб қўяман.

Мурватвой билан Тузатвой унга мақсадларини айтишди.

— Гайка калити, омбир билан болға менда бор, беришим мумкин. Фақат кавшарлагич менда йўқ, — деди ҳайдовчи.

— Шаҳрингизда битта-яримтадан кавшарлагич топилмасмикин?

— Нега топилмасин? Албатта топилади. Бурамавой деган механигимизда кавшагич бор. Юринглар, уникага борамиз.

Учови машинага ўтиришди ва бир неча дақиқадан сўнг Варракхонанинг катта кўчаларидан бирига чиқишди.

## Ўн саккизинчи боб

### ВАРРАКХОНАДА

Варракхона шаҳри дарё соҳилида жойлашган. Бу шаҳарда дарахт ўсмаганидан кўчалари Яшил шаҳар кўчаларидай чиройли эмасди. Аммо Гулзор шаҳридагидек ҳаммаёқда гуллар очилиб ётарди. Бу ердаги уйлар жуда чиройли эди. Ҳар бир томнинг тепасида найза бўлиб, баъзиларининг учига шамол қаёқдан эсса, ўша ёққа қарайдиган — ёғоч хўрозчалар қўндирилган, баъзи бирларининг учида тўхтовсиз айланиб турадиган ўйинчоқ, шамол тегирмонининг парраги бўларди. Буларга осилган тартарак тўхтовсиз тариллаб ётарди. Шаҳарнинг тепасида варраклар варанглаб учиб турарди. Бу ердагилар варрак учиршни жуда яхши кўрганидан шаҳарни Варракхона дейишарди. Варракларнинг дардараги бўларди. Буни қилиш жуда осон: бир парча қоғозни ипга ёпиштириб, варракнинг қулоғига тортиб қўйилади. Бу қоғозга шамол тегиб варанглайди.

Варракларнинг турли-туман варанглаши шамол тегирмонидаги тартаракнинг овози билан қўшилиб, шаҳар устида тўхтовсиз шовқин-сурон эшитилиб турарди.

Ҳар бир уйнинг деразасига панжара қоқилган эди. Бу ерда яшовчилар футболга жуда қизиқарди. Кўчада футбол ўйини бошланганда деразанинг панжарасини бекитиб қўйишарди. Бунақанги панжарадан уй ичига ёруғлик бемалол тушиб турар, шунингдек, панжара дераза ойнасини коптоқдан ҳам сақларди. Коптоқ бўлса нима учундир мўлжалланган жойга тегмай, ҳадеб ойнага тегаверади.

Катта кўчадан ўтишгач, машина тор кўчага бурилиб, кичкина эшикчали тахта дарвоза олдида тўхтади. Дарвоза тепасида ёғоч найза бор эди, унинг устига ялтироқ шиша пуфак ўрнатилган бўлиб, унда ойнага ўхшаб бутун кўча, уй, деворлар ҳамда дарвоза олдида келиб тўхтаган машина ҳам тескари бўлиб кўринарди.

Айтмоқчи, ҳалиги ҳайдовчининг оти Кулчавой эди. У машинадан тушиб эшикча олдида келди-да, девордаги тугмачани босди. Эшик ўзидан-ўзи секин очилиб кетди.

— Кираверинглар, — деб Кулчавой Мурватвой билан Тузатвойни таклиф қилди. — Сизни Бурамавой билан таништириб қўяман. Ҳозир кўрасиз, у жуда ажойиб.

Учала ошна ҳовлига кириб чапга бурилишди-да, уйга томон юришди. Торгина тош зинадан чиқишди. Кулчавой девордан тугмача қидириб топиб, уни босди. Бу эшик ҳам секингина очилди. Улар хонага киришди.

Деворга тортилган арғимчоқни ҳисобга олмаганда хонада ҳеч қандай жиҳоз йўқ, бўм-бўш эди. Арғимчоқда оёғини ча-лиштириб, қўлини чўнтагига солиб, ҳаворанг коржомга кийган митти бола ётарди.

— Ҳалигача ухлаб ётибсанми, Бурамавой? — деб саломлашди Кулчавой. — Тонг отгани қачон эди.

— Мен ухлаётганим йўқ, ўйлаяпман, — деб жавоб берди Бурамавой, келган меҳмонлар томон ўгирилиб.

— Мана, Мурватвой ва Тузатвой деган усталар билан та-ниш! — Буларга кавшарлагич зарур бўлиб қолибди.

— Салом, қани ўтиринглар! — деди Бурамавой. Мурватвой билан Тузатвой хонада ўтирадиган ҳеч нарса топишолмай атрофга ҳайрон бўлиб аланглашди. Аммо Бурамавой қўлини чўзиб, арғимчоқ илинган девордаги тугмачани босди. Шу заҳотиёқ қарши томондаги девордан очилиб-ёпиладиган учта курси оти-либ чиқди. Улар театрдаги курсиларга ўхшарди.

Мурватвой билан Тузатвой ўтиришди.

— Пайқагандирсиз, менинг ҳамма нарсам тугмали, — деди Бурамавой. — Бир тугмачани боссанг — эшик очилади, бошқасини боссанг — курси пайдо бўлади, мабодо сизга стол керак бўлса, марҳамат...

Бурамавой бошқа тугмачани босди. Девордан стол келиб тушди, у сал бўлмаса курсида ўтирган Мурватвойнинг бошига тегай деди.

— Жуда қулай-да бу, тўғрими? — деди Бурамавой.

— Жуда ҳам ажойиб, — деб маъқуллади Мурватвой. — Тагин устимга ул-бул тушиб кетмасин деб атрофга хавотир олиб қараб қўйди.

— Техника афсонага яқинлашиб қолган! — деб мақтанди Бурамавой.

— Биттагина ноқулайлик — фақат девор ёнидагина ўти-ришга тўғри келади, — деди Кулчавой.

— Мен ҳам худди шуни, курсиларни ўртароққа қандай сурса бўлар экан деб ўйлаб юрибман, — деб жавоб берди ихтирочи.

— Оддий курси қилинса қандай бўлар экан? — деди Тузатвой.

— Бу жуда яхши фикр! Оддийгина курси ўйлаб чиқариш керак! — деб севинди Бурамавой. — Ахир энг улуғ иш содда-лик-да-да. Сен ҳам, оғайни, механикка ўхшайсан-а?

— Механикман, — деб жавоб берди Тузатвой. — Иккаламиз ҳам механикмиз.

— Бундан чиқди, сизларга кавшарлагич керак экан-да?

Бурамавой ўтирганларни ҳайрон қолдириш учун яна бир тугмани босди. Кейин арғимчоқ аста-секин пастга туша бошла-



ди. Унда ётган Бурамавой то полга ясланиб қолганга қадар арғимчоқ пастга туша берди.

— Оддий арғимчоқдан чиқишда оёғингиз арқонга ўралиб, йиқилишингиз, бурнингизни пачоқ қилишингиз мумкин, — деди Бурамавой ўрнидан турар экан. — Менинг механикалаштирилган тўр арғимчоғимни кўриб турибсиз, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Бемалол полга тушасиз-да, кейин тураверасиз. Ухламоқчи бўлсангиз ҳам худди шунга ўхшаб, полга ётасиз, кейин тугмачани босасиз, арғимчоқ сизни истаган баландликка чиқариб кўяди.

Бурамавой хона бўйлаб юриб, ҳар хил тугмачаларни боса бошлади. Шунда янги стол, курси ва токчалар отилиб чиқди; шкаф ва омборчаларнинг эшиклари очилиб кетди. Охири битта тугмачани босганди, ўзи тағхонага тушиб кетди. Бир дақиқадан кейин: ҳовлидан:

— Қани, буёққа келинглар! — деган овоз эшитилди.

Дўстлар ҳовлига чиқишди.

— Бу ер менинг гаражим! — деди Бурамавой Мурватвой билан Тузатвойни кенг темир эшикли тош саройга бошлаб кириб.

У тугмачани босган эди, эшик театрдаги пардага ўхшаб юқорига кўтарилиб кетди. Гараж ичида кўп ғилдиракли ажойиб машина турарди.

— Бу писта билан совутиладиган саккиз ғилдиракли буг автомобил, — деб тушунтирди Бурамавой. — Унинг тўртта ғилдираги тагида, тўрттаси устида, Машина пастки ғилдираги билан юради, устки ғилдирақлар бўлса ағдарилиб кетиш хавфидан сақланиш учун эҳтиётдан қилинган. Машинанинг саккиз ғилдираги ҳам қиялама ўрнатилган. Шунинг учун бу автомобиль фақат бошқа автомобилларга ўхшаб юришидан ташқари, ёни билан ҳам, тўнқарилиб, яъни оёғи осмондан бўлиб ҳам юраверади. Шундай қилиб, ҳар қандай ҳалокатдан қутулиш имкониятига эга.

Бурамавой машинага чиқиб тўрт ҳолатда юришини ҳам кўрсатиб берди. Кейин яна тушунтира бошлади:

— Оддий сувдон ўрнига, — деди у, — машинада газли сувни иситадиган қозон бор. Сув исигандан кейин ҳосил бўлган буг поршенда босимни оширади, натижада ғилдирак тез айланади. Қозон орқасидаги сувдонда эса, писта музқаймоқ тайёрланади. Бу цилиндрни шамоллатиш учун керак. Иссиқликдан эриган музқаймоқ қувур орқали қозонга ўтиб, моторни мойлаш ишини бажаради. Машинада тўртта: яъни, биринчи, иккинчи, учинчи ва тўрттинчи тезлик бор. Шунингдек, машина кетига ва ёнига юриши мумкин. Машинанинг орқа қисмида кир ювишга мосланган жойи бор. Машина кирни ҳар қандай тезликда юриб кетаётганда ҳам юваверади. Машина тинч турганда, яъни тўхтаган пайтда ўтин ёради, лой қоради, ғишт қуяди, шунингдек, картошка ҳам арчади.

Бу ғалати машинага ҳайрон қолган ошналар кейин, Бурамавойнинг велосипедлар, унинг қисмлари, самокаткалар ва аллақанча ҳар хил ёғоч бизбизаклар ҳамда пирпиракларини кўрди. Бурамавой устахонада кавшарлагични истаб анча сандирақлади. Аммо ҳеч қаердан тополмади. У қақир-қуқирларни тимирскилаб юриб, бирдан пешонасига шартта уриб қолди:

— Вой мен шалпайган! Ахир кавшарлагични Фаҳмдорникида эсимдан чиқариб қолдирибман-ку. Фаҳмдорникига боришингизга тўғри келади.

— Ҳечқиси йўқ, машинада ғизиллаб борамиз,— деди Кулчавой.

— Бу Фаҳмдор деганларинг ким?— деб сўради Мурватвой Бурамавой билан хайрлашиб дарвозадан чиқишганда.

— Фаҳмдор — ёзувчи,— деб жавоб берди Кулчавой.

— Ростданми?— деб ҳайрон бўлди Тузатвой.— У билан танишиш жуда қизиқ бўлади. Мен ҳали тирик ёзувчилар билан сираям гаплашмаганман.

— Ана энди сиз у билан танишасиз. У ҳам ўзига хос ғалати шахс,— деб жавоб берди Кулчавой машинага минар экан.

## *Ун тўққизинчи боб*

### ФАҲМДОРНИКИДА МЕҲМОНДА

Фаҳмдор ўз хонасидаги очиқ дераза олдида икки қўлини кўкрагига қовуштириб, узоқларга ўйчан тикилиб турарди. Унинг сочи орқасига силлиқ таралган, бир-бирига қўшилган қора қуюқ қошлари чимирилган эди, бу эса унинг юзида донишмандликни ифода қиларди. Хонага бизнинг учала дўстимиз кириб келишганда у ҳатто қимирламади ҳам. Кулчавой у билан бақириб саломлашди ва Мурватвой ҳамда Тузатвой билан таништириб, уларнинг кавшарлагич учун келишганини айтди. Аммо Фаҳмдор пинагини бузмасдан деразадан тикилиб қараб турар, гўё бошида айланиб юрган аллақандай жуда ажойиб ва ўткир фикрнинг думидан ушлай-ушлай деганда тутқич бермаётганга ўхшарди. У Кулчавойга ажабланиб елкасини қисди ва Мурватвой билан Тузатвойга қараб: «Ана кўрдингизми, мен сизга айтмовдим-ми!»— дегандай кулимсираб қўйди.

Охирида Фаҳмдор уйқудан уйғонгандек келувчиларга ўгирилиб, майин, ёқимли товуш билан чўзиб гапирди:

— Са-а-лом! Са-а-лом! Мени кечирасиз, дўстларим. Мен, ҳалиги, хаёлга берилиб кетибман. Фаҳмдор,— деб ўз номини айтиб Мурватвойга қўлини чўзди.

Мурватвой унинг юшоққина қўлини қисиб, у ҳам ўз отини айтди.

— Фаҳмдор, — деб қайтарди Фаҳмдор майин овоз билан ва Тузатвойга қўлини чўзди.

— Тузатвой, — деб жавоб берди Тузатвой ва унинг юмшоқ-қина қўлини қисди.

— Фаҳмдор, — деди учинчи марта Фаҳмдор ва Кулчавойга қўлини узатди.

— Биз танишмиз-ку! — деди Кулчавой.

— Вой, бу ахир Кулчавой-ку! — деб ҳайратда қолиб тиржайди Фаҳмдор. — Са-а-лом! Са-а-лом!

— Утиринглар, дўстлар, — деб таклиф қилди.

Ҳаммалари ўтиришди.

— Сизлар Бурамавой билан танишдиларингми? — деб сўради Фаҳмдор ва ўз саволи билан гўё хаёлга берилиб юриб, уларни кўрмаганлигини исбот қилмоқчи бўлди, лекин у Кулчавойнинг гапини эшитган эди. — Бундан чиқди у ўзининг стол ва курсиларини кўрсатибди-да? Ҳи-ҳи-ҳи!

Мурватвой калласини қимирлатиб тасдиқлади. Фаҳмдорнинг юзида истехзоли табассум пайдо бўлди. У гўё маза қилгандай тиззаларини силаб:

— Ҳи-ҳи! Бу ихтирочиларнинг бари тентак, — деди. — Қани, менга марҳамат қилиб айтинглар-чи, мана бу отилиб чиқадиغان столлар, очиладиغان шкафлар ва пасаядиган арғимчоқларнинг нима ҳожати бор? Менга-чи, мисол учун, оддийгина қулай курсида ўтириш роҳат беради, бундай курсилар турганингизда, ўтирганингизда тагингизда қимирламай туради. Пастга, баландга тушиб чиқмайдиган каравот ҳам менга маъқул. Қани, марҳамат қилиб айтинг-чи, бунинг нима ҳожати бор? Ким мени бунақа каравотда ухлашга мажбур қила олади? Айтгандай, мен хоҳамасам-чи? Истамасам-чи?

— Сизни, ахир, ҳеч ким мажбур қилмайди-ку? — деди Кулчавой. — Бурамавой — ихтирочи, нимаики қўлига тушса, ҳаммасини такомиллаштиришга уринади. Бу ҳар доим муваффақиятли чиқа бермайди, лекин фойдали ихтиролари кўп. У дурустгина уста.

— Мен уни ёмон деяётганим йўқ, — деб эътироз билдирди Фаҳмдор. — У-чи, жуда яхши уста. Ҳа, ҳа, тан бериш керак, жуда ўткир уста. Менга у ажойиб бормотограф ясаб берди.

— Бу бормотограф қанақа нарса? — деб сўради Мурватвой. — Гапирадиغان машина. Ана, қаранглар-а.

Фаҳмдор меҳмонларни устида кичкина асбоб турган стол ёнига бошлаб келди.

— Бу қутича ёки чамадончани нима деб атасангиз — ўзингиз биласиз, унинг ён томонида кичкинагина тешикчаси бор. Бу туйнукча олдида бир қанча сўз айтсангиз кифоя, кейин тугмасини боссангиз, бормотограф шундоққина сўзингизнинг ўзини қайтаради. Қани, сиз шундай қилиб кўринг-чи, — Мурватвойга таклиф қилди Фаҳмдор. Мурватвой ўша асбобнинг туйнукчаси ёнига келиб:

— Мурватвой, Мурватвой! Тузатвой, Тузатвой! — деди.  
— Ва Кулчавой, — деб қўшиб қўйди Кулчавой асбобга энгашиб.

Фаҳмдор тугмани босди, ҳамма қизиқиб турганди, бормотограф, бирданига ғамгин овозда шивирлаб:

— «Мурватвой, Мурватвой, Тузатвой, Тузатвой, Кулчавой», — деди.

— Бу гапирадиган машинанинг сизга нима ҳожати бор? — деб сўради Тузатвой.

— Ҳожати бор-да! — деди Фаҳмдор. — Бунақа асбобсиз ёзувчининг қўли чўлоқдек гап. Мен бу асбобни истаган кишининг уйига қўйишим мумкин. Ким нима деб гапирса, у ҳаммасини ёзиб олади. Менга фақат кўчириш қолади. Қарабсизки, мана, сиз учун қисса ёки роман ҳам тап-тайёр-да!

— Бу жудаям оддий экан-ку! — деди Тузатвой. — Мен қаердадир ёзувчида ният ва қандайдир хаёлда яратилган нарса бўлиши керак, деб ўқувдим.

— Эй, ўйлаб топишни қўйсанг-чи! — деб тоқат қилолмай унинг сўзини бўлди Фаҳмдор. — Бу, ўйлаб чиқариш керак деб фақат китобда ёзилади. Қани, бир нимани ўйлаб топиб кўр-чи, ҳамма нарса сенсиз ҳам аллақачон ўйлаб топилган: нимани олсанг, бари бўлган нарса. Айтгандай, ҳали ҳеч қайси ёзувчи айтмаган нарсаларни табиий, ўз ҳолича ўзгартирмай ола берсанг, ул-бул чиқади.

— Ҳар ким ҳам уйида бормотографни қўйишингизга кўна бермайди-ку? — деди Мурватвой.

— Мен буни усталик билан қиламан, — деб жавоб берди Фаҳмдор. — Мен битта-яримтаникига бормотографни билан меҳмонга бораман-да, сиз кўрдингиз-ку, чамадончага ўхшайди. Кетар чоғимда ўша чамадончамни стол, ё стул остида эсимдан чиқариб қолдирган бўламан. Кейин улар мен йўғимда нималарни гапиришганини эшитиб оламан.

— Нималар гапиришар экан? Бу жуда қизиқ бўлса керак? — деди Тузатвой.

— Ҳаддан ташқари қизиқ, — деб маъқулади Фаҳмдор. — Ҳатто ўзим шунақа бўлишини кутмагандим. Маълум бўлишича, ҳеч нарса ҳақида гапиришмасдан, бекордан-бекорга кулишар, хўроз бўлиб қичқаришар, итдай ҳурар, хириллар, миёвлашар экан.

— Жуда ажойиб-ку? — деб ҳайрон бўлди Мурватвой.

— Мен ҳам ажабланарли деяпман-да! — деб маъқулади Фаҳмдор. — Улар бирга ўтирганингда туппа-тузук, ўйлаб гапиришади-да, кетган заҳотинг аллақандай бўлмағур нарсалар бошланади. Мана, кечаги ёзилганини эшитинглар. Мен бир танишимникига бориб, кетар чоғимда бормотографни стол остида қолдирувдим.

Фаҳмдор чамадон қопқоғи остидаги аллақандай гардишни айлантирди-да, тугмачасини босди. Пичир-пичирлар, кейин

эшик очилгандай шовқин эшитилди. Бир дақиқа жимликдан сўнг баралла кулги кўтарилди. Кимдир: «Стол остида», деди. Қий-чув эшитилди. Яна кулги кўтарилди. Кимдир қичқирди, кимдир миёвлади, вовиллади. Кейин кимдир қўйга ўхшаб маъради. Кимдир: «Мени қўйиб юборинг, эшакка ўхшаб ҳанграйман», деди. Бирдан: «хар, хар» деб хариллади. Ундан кейин тойга ўхшаб «Ҳи-ҳи-ҳи!» деб кишнади. Яна кулги кўтарилди.

— Ана, кўрдингизми... Йўғ-эй, эшитяпсизми?

— Тўғриси, бундан романга кўп нарса ололмайсан,— дея мулоҳаза билан гапирди Мурватвой.

— Мен сизга бир сирни очай,— деди Кулчавой Фаҳмдорга.— Бу бормотографни бутун шаҳардагилар билишади, кетишингиз билан машина олдига келиб жўрттага ҳар хил бўлмағур нарсаларни бақиривади.

— Нега бўлмағур нарсаларни айтишади?

— Сиз уларни алдамоқчи бўласиз, улар бўлса, сизни алдашади. Сиз йўғингизда нималарни гапиришганини эшитиб олмоқчи бўласиз, улар бўлса, сизнинг устингиздан кулиш учун жўрттага чийиллашади, хириллашади.

Фаҳмдор қовоғини солди:

— Ҳали, шундоғми? Шошмай туришин, майли, уларни шундай алдайки. Бормотографни дераза тагига беркитиб қўяман. Бу машина ҳали кўп иш беради. Мана, марҳамат қилинг, сизнингча бу нима?

Фаҳмдор уларга аллақандай бесўнақай букланган нарсани кўрсатди, у букланган чодирга ҳам, катта соябонга ҳам ўхшарди.

— Эҳтимол, соябондир?— деб ўз тахминини айтди Тузатвой:

— Йўқ, соябон эмас, бу ёзувчиларнинг букланадиган, қулай стол ва курсиси,— деб жавоб берди Фаҳмдор.— Мисол учун айтсам, мана сиз, ўрмон ҳақида ёзмоқчисиз. Сиз столни буклаб оласиз-да, ўрмонга борасиз. Шунга бемалол ўтириб, кўрганларингизни ёза берасиз. Қани ўтириб кўринг-чи,— деб таклиф қилди у Тузатвойга.

Фаҳмдор соябон деб ўйлаган нарсанинг бандидаги тугмачасини босганди, соябон ўша заҳотиёқ очилиб; кичкина стол ва курсичага айланди. Тузатвой столга ўтирган эди, оёғини букишга тўғри келди.

— Сиз қулайгина жойлашиб оласиз-да,— деди Фаҳмдор,— тўсатдан илҳомингиз келади. Ё ўт устида, ё қуруқ ерда ўтириб ёзгандан кўра, бунда ёзиш анчагина қулай, бунга тан берсангиз бўлади.

Тузатвой бунга ўтириб на қулайликни ва на илҳомни сезди, фақат оёғининг жуда қаттиқ оғриётганини пайқайди. У шунинг учун столдан туриб, гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб:

— Қани, марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз қанақа китоблар ёзгансиз?— деди.

— Мен ҳали биттаям китоб ёзганим йўқ, — деб бўйнига олди Фаҳмдор. — Ёзувчи бўлиш жуда қийин. Ёзувчи бўлишдан олдин ул-бул буюмларни топиб олишга тўғри келди, буни кўриб турибсиз. Ўзидан-ўзи бўлавермайди. Энг олдин қулай стол тайёр бўлишини кутдим. Бу кутиш узоқ йилларга чўзилди. Кейин мен бормотограф битишини кутдим. Усталар ишни чўзишни, кечиктиришни яхши кўришини сиз ҳам биласиз. Бурамавой бўлса, айниқса шундай қилади. Биласизми, бу асбобни икки ярим йил ўйласа бўладими. Мен кутяпманми, кутмаяпманми, унга бари бир. Менинг ишим ижодий иш эканини тушуниб етмайди-да! Бормотограф ҳам, албатта, мураккаб асбоб. Ўзи мураккаб асбобни яна мураккаблаштиришнинг нима кераги бор?

— У ҳали мураккаблаштириб қўйганми? — деб ачиниб сўради Мурватвой.

— Албатта, мураккаблаштирган! Унга аллақандай чанг ширадиган асбобни тиркаб ясаган. Қани айтинг-чи, бу чанг ширадигани менга нимага керак? Бунинг учун бир ярим йил ортиқча вақт кетди. Ҳа, майли, зарарсиз! — қўлини силтади Фаҳмдор. — Энди у менда бор-у, арзимаган нарса қетишмай турибди.

— Ёзувчининг ўрнига ўйлайдиган машина чиқарилса яхши бўларди, — деди Тузатвой.

— Тўғри айтасиз, — деб қўшилди Фаҳмдор.

Дўстларимиз деразадан офтобнинг уфққа қараб оғаётганини кўриб, хайрлашишди. Кавшарлагични олиб, кўчага чиқишди. Мурватвой:

— Қайтадиган вақтимиз бўлди. Йўлда қоронғига қолмайлик деб қўрқаман, — деди.

— Ҳечқиси йўқ, ошналар, бир зумда машинада олиб бориб қўяман. Аммо олдин жиндак овқатланиб олсак ёмон бўлмасди, — деди-да Кулчавой Мурватвой билан Тузатвойни овқатлантиргани уйига олиб кетди.

## *Йигирманчи боб*

### БҮЁҒҚВОЙНИНГ РАСМ ИШЛАГАНИ

Мурватвой билан Тузатвой Варракхонани кезиб, кавшарлагич топиб келишгунча, Яшил шаҳарда муҳим воқеалар бўлиб ўтди. Бўёқвой Оппоғойнинг суратини эрталабдан чиза бошлаган эди. У бу ишга икки соатча вақтини кетказди, шунинг учун ҳам расм худди ўзидай жонли бўлиб чиқди. Ўзига жудаям ўхшар эди. Қўплар Оппоғойнинг сурати ўзидан ҳам яхши чиқибди дейишди, аммо бу тўғри эмасди. Оппоғой умуман рассомнинг ортиқча безаб юборишига муҳтож эмасди. Агар Бўёқвой суратда унинг гўзаллигини янада равшан ва янада жозибали кўрсата

олган бўлса, бу худди чинакам санъат талабига мос келади ва рассом шундай бўлиши керак ҳам. Кўришни истовчилар томоша қилсин деб суратни пастки хонага осиб қўйишди. Шуни ҳам айтиш керакки, кўришни истовчилар оз эмасди. Суратни кўрганларнинг ҳаммаси Бўёқвойга суратларини олдиришни исташарди. Бўёқвой Кўккўзнинг расмини ишлаётганидан Оппоғой юқори хонага ҳеч кимни киргизмади, нега деганингизда, унга халақит беришлари мумкин эди.

Билмасвой ҳам тепада сандирақлаб юрар, ўзини рассомчиликдан хабардор қилиб кўрсатиш учун Бўёқвойга ҳар хил кераксиз маслаҳатлар берарди. У пастдан келаётган шовқинни эшитиб қолди.

— Бу қанақа шовқин ўзи? Ниманинг шовқини? — деб зинадан туша туриб бақирди у. — Қани, уй-уйларингга жўналаринг-чи!

Бечора қизалоқлар шунақа қўпол гап эшитишса-да, рассомнинг олдига кириш истаги зўрлигидан ранжишни хаёлларига ҳам келтиришмади. Аксинча, улар Билмасвойни ўртага олиб, уни «меҳрибон Билмасвой» дейишар ва бизни ҳайдаманг деб ўтинишарди.

— Қани, навбатга туринглар! — деб бақирди Билмасвой ва қизалоқларни итариб, деворга қисиб қўйди. — Навбатга туринглар деяпман, бўлмаса, ҳаммангни ҳайдаб юбораман.

— Вуй, анувни, сиз жудаям қўпол экансиз-ку, Билмасвой! — деди Оппоғой, — шунақаям бўладими? Сизнинг шунақа қилганингиздан жудаям уялиб кетдим.

— Ҳечқиси йўқ, — деб жавоб берди Билмасвой.

Шу пайтда шов-шувдан фойдаланиб, хонага тагин битта қизалоқ ғизилаб кириб, рўпарадаги зинадан лип этиб чиқа бошлади. Билмасвой кўриб, унинг кетидан югурди. Қўлидан ушлаб тортмоқчи эди, ammo қизалоқ унга ўкрайди-да, бармоғини унинг бурнига яқинлаштириб силкиди:

— Эй, эй, секинроқ! Мен навбат кутмайман, шоираман! — деди кеккайиб.

Бундай қаршиликни кутмаган Билмасвой оғзини очиб анграйиб қолди. Шоира бўлса, Билмасвойнинг довираб қолишидан фойдаланиб, зинадан астагина чиқиб кетди.

— У нима деди? У ким ўзи? — ҳайрон бўлиб зина томонни кўрсатиб сўради Билмасвой.

— Шоира. Шеър ёзади, — деб тушунтиришди қизалоқлар.

— А... — деди чўзиб Билмасвой. — Шунга шунча ваҳимами? Бизнинг ҳам шоиримиз бор, менинг илгариги шогирдим. Мен унга шеър ёзишни ўргатган эдим, энди ўзи ёза олади.

— Эҳ, жуда ажойиб-а! Бундан чиқди, сиз ҳам шоир бўлганмисиз?

— Бўлганман!

— Эҳ, жуда қобилиятли экансиз-а! Сиз ҳам рассом бўлгансиз, ҳам шоир...

— Ҳам чолғувчи,— деб қўшиб қўйди гердайиб Билмасвой.  
— Бирорта шеърингизни ўқиб беринг.  
— Кейин, кейин,— деб жавоб берди Билмасвой сира вақти йўқ одамдек.

— Шоирларингизнинг оти нима?

— Унинг оти Гулшаний.

— Вой, қандай яхши-я! — деб чапак чалишди қизалоқлар.— Сизларнинг шоирингиз Гулшаний бўлса, бизнинг шоирамиз — Гулғунча, ўхшаб кетади, рост-а?

— Сал-пал ўхшайди,— деб қўшилди Билмасвой.

— Бу ном сизга ёқадими?

— Чакки эмас.

— У бир шеърлар ёзадики! — дейишди қизалоқлар.— Эҳ, қанақанги ажойиб шеърлар! Юқорига чиқинг-а, аҳтимол ўз шеърларини ўқиб берар. Жуда қизиқ, сизга албатта ёқади.

— Ҳа, майли, чиқсам чиқа қолай,— деб розилик берди Билмасвой.

У юқорига чиққанда Бўёқвой Кўккўзнинг суратини тугатган эди. Гулғунча бўлса, диванда Машшоқвой билан мусиқа ҳақида суҳбатлашиб ўтирар эди. Билмасвой қўлини орқасига қилиб, хона бўйлаб юрар ва аҳён-аҳёнда шоира томонга кўз қирини ташлаб қўярди.

— Нега сиз бу ерда нуқул соат милидай юрганингиз-юрган? — деди Гулғунча Билмасвойга,— ўтириб олинг, юраверганингиздан одамнинг кўзи жимирлашиб кетди.

— Сиз буйруқ бермай қўя қолинг,— деб тўнғиллади Билмасвой.— Сизнинг суратингизни ишлама деб Бўёқвойга тайинлайман ҳозир!

— Ҳали шунақами? У сизга буйруқ бера оладими? — деб Гулғунча Бўёқвойга қаради.

— Бера олади. У ҳамма нарсани қила олади,— деб жавоб берди Бўёқвой ишдан бошини кўтармай. У Билмасвойнинг нима деганини пайқагани ҳам йўқ эди.

— Албатта, буйруқ бера оламан,— деб тасдиқлади Билмасвой.— Ҳаммаси менга итоат қилади, нега деганингизда, мен бошлиқман.

Билмасвойнинг, болалар орасида обрўйи борлигини эшитган Гулғунча, унинг кўнглини овламоқ бўлиб:

— Ҳаво пуфагини ўйлаб топган сиз шекилли-а? — деди.

— Бўлмаса ким бўларди!

— Бир кунмас, бир кун сизнинг ҳақингизда шеър ёзаман.

— Жуда зор эканман-да! — деб пинғиллади Билмасвой.

— Ундай деманг! — мулоим қилиб гапирди Гулғунча.— Сиз ахир, менинг қанақа шеър ёзишимни билмайсиз-да. Бирорта шеър ўқиб берайми, эшитасизми?

— Майли, ўқий қолинг,— деди Билмасвой ҳам юмшаб.



— Мен сизга чивин ҳақидаги яқинда ёзган шеъримни ўқиб бераман. Қулоқ солинг:

Мен ушлайман чивинни  
Инни, инни ва инни!  
Чивинчани севаман  
Жуда, жуда, жуда ман!

Аммо хафа чивинжон,  
Чатоқ чивинча ҳоли.  
Бас, ўзимга энг осон,  
Тута қолай чумоли.

Чумолича ҳам ҳайрон,  
Уйинни яхши кўрар.  
Бўлмасдан доим сарсон —  
Китоб ўқисам бўлар.

— Офарин! Офарин! — деди Бўёқвой ва ҳатто чапак ҳам чалиб юборди.

— Жуда яхши шеър, — деб маъқуллади Машшоқвой. — Бу шеърда фақат чивин ҳақидагина эмас, ҳатто китоб ўқиш ҳақида ҳам гапирилади. Бу жуда фойдали шеър.

— Мана тагин биттасини эшитинглар, — деди шоира ва шеър ўқиб берди. Уқиган шеъри чивин ҳақида бўлмай, ниначи ҳақида бўлиб, унинг охири китоб ўқиш керак деган сўзлар билан тугамай, «кўйлак тикиш керак», деган сўзлар билан тамомланганди.

Унинг кетидан ўқилган майда пашша ҳақидаги шеърнинг охири ҳам «қўлни ювиш керак» деган сўзлар билан тугаганди. Охирида полни тозалаш кераклиги ҳақидаги шеър ўқилди.

Бу орада Бўёқвой Кўккўзнинг суратини ишлаб тугатди. Ҳамма расм атрофига тўпланиб, ўз қувончини изҳор қилди:

— Ажойиб! Чиройли! Жуда соз!

— Жонгинам, менинг ҳам расмимни шундай ҳаворанг кўйлақда ишлай оласизми? — деб мурожаат қилди Гулғунча Бўёқвойга.

— Сиз яшил кўйлақдасиз-ку, қандай қилиб ҳаворанг кўйлақ ишлаб бўлади? — деб сўради Бўёқвой ҳайратда қолиб.

— Вой, жонгинам, ахир сизга бари бир-ку! Кўйлақ яшил бўлса, сиз ҳаворангга бўяйсиз уни. Мен ҳам билганимда ҳаворанг кўйлақ кийиб келардим, қаранг Кўккўз ҳаворанг кўйлақда жуда ҳам яхши чиққан.

— Майли, — деб рози бўлди Бўёқвой.

— Кўзимни ҳам, марҳамат қилиб, кўкка бўянг.

— Кўзингиз кўйкўз-ку ахир? — деди Бўёқвой.

— Вой, жонгинам, бу сизга ҳеч гапмас! Сиз яшил кўйлақ ўрнига ҳаворанг кўйлақ қила олганингиздан кейин, нега кўйкўз ўрнига кўккўз ишлай олмас экансиз?

— Фарқи бор-да,— деб жавоб берди Бўёқвой.— Сиз хоҳласангиз, ҳаворанг кўйлак кия оласиз, аммо сиз минг истаганингиз билан ўзингизга кўккўз қўя олмайсиз.

— Вой, шундай денг! Ҳа, ундай бўлса, қўйкўз кила қолинг, лекин сал каттароқ қилиб ишланг.

— Кўзингиз шундоқ ҳам жуда катта.

— Майли, хиёл каттароқ-да! Мен яна каттароқ бўлишини истаيمان. Киприкларимни ҳам сал узунроқ қилиб ишланг.

— Хўп бўлади.

— Сочимни олтин соч қилинг. Сочимнинг ўзи ҳам олтин рангда-ку ахир! — юмшоқ товуш билан сўради Гулғунча.

— Бу мумкин,— деб рози бўлди Бўёқвой.

У шоиранинг расмини ишлай бошлади. Шоира бўлса, ҳадеб ўрнидан туриб кетар, суратининг олдига югурар ва:

— Кўзим сал каттароқ бўлсин! Тағин, тағин, тағин! Киприкларимни кўпайтиринг. Оғзим хиёл кичик бўлсин... Тағин! Сал, тағин, сал!— деб бақирарди.

Сурат битди. Кўзи ҳеч қаерда учрамайдиган жуда катта кўз бўлди, оғзи тўғнағичнинг бошидай, сочи эса тоза тилладан қилингандай эди. Сурат сираям эгасига ўхшамасди. Аммо шоирага бу расм жуда ёқди. У бундан бошқа сурат менга сира ҳам керак эмас, деди.

## *Йигирма биринчи боб*

### МУРВАТВОЙ БИЛАН ТУЗАТВОЙНИНГ ҚАЙТИШГАНИ

Гулғунча ўз суратини авайлаб ушлаб пастга тушди. Уни шу заҳотиёқ қизалоқлар ўраб олишди. Унинг сурати гўзалликда Оппоғойникидан ҳам, Кўккўзникидан ҳам анча устунлигини, аммо ўхшаш-ўхшамасликка келганда улардан паст турганини ҳамма унга гапирди.

— Тентаклар-эй,— деди Гулғунча.— Сиз учун гўзаллик муҳимми ё ўхшашликми?

— Албатта, гўзаллик!— деб жавоб берди барча.

Шунда хонага Қалдирғоч билан Мошхон ҳаллослаб югуриб киришди.

— Вой, қандай тентаклик бўлди!— деб бақирдишди улар.— Вой, биз ҳозир йиқилиб тушамиз.

— Нима бўлди ўзи?— дея чўчиб кетди ҳамма.

— Биз бугун касалхонага боргандик...— деб гапира бошлади Қалдирғоч.

— ...Чиқарилган болаларни уйимизга олиб бормоқчи эдик,— деб гапириб қолди Мошхон.

— ...Аmmo Асалхон болаларни аллақачон чиқариб юбордим деди,— деб унинг сўзини бўлди Қалдирғоч.

— ...Кейин биз бошқа болалардан чиқариб беринг деб, ўтиндик,— деди-да, Мошхон, сўзимни Қалдирғоч бўлиб қўймасин деб яна тез-тез гапирди:— Шундан кейин Асалхон бизга Агарқул билан Шошқалоқни берди. Уларни кўчадан бошлаб келаётганимизда биздан қочиб, дарахтга чиқиб кетишди.

— Улар бизни тарбия қилади деб қўрқишяпти, билдингизми?— деб шошилиб гап қўшди Қалдирғоч ва кулиб қўйди.

— Бунақаларни тарбиялаш бизга жуда зарур экан-да!— дея ижрганиб юзини буриштирди Мошхон.

— Улар ҳозир қаерда?— деб сўради Кўккўз.

— Дарахт тепасида қолишди,— деди Қалдирғоч.— Улар яна олмани ҳам узишар!

— Қани, бориб кўрайлик,— деди Оппоғой.

Айтгандай, Агарқул билан Шошқалоқ дарахт шохида ўтириб ростданам олма узишга уринишарди. Бандидан узиш учун олмани айлантиришарди. Бирдан улар кўчада, сал узоқроқда тўхтаб буларга қизиқиб қараб турган бир тўда қизалоқларни кўриб қолишди. Агарқул билан Шошқалоқ қизалоқларнинг бунақа эътибор бериб қараб туришганини пайқашиб, яна ҳам зўр бериб олмани айлантира бошлашди. Агарқул олманинг бандини, ҳатто тиши билан узишга уринарди.

— Вой, ҳали битта ҳам олма узишмабди-ку!— деган товуш эшитилди пастдан.

Агарқул билан Шошқалоқ пастга қарашиб, буларга кулиб турган кўк кўзли қизалоқни кўришди.

— Сен гапирма, эй, кўккўз!— деб валдиради Агарқул.— Узиш осон деб ўйлайсан-а?

— Агар сизларга арра берсак, осон бўлар-а?

— Гапир-а! Кўп валдирамай бизга арра топиб бер!..— деб жавоб берди Шошқалоқ.

Кўккўз қўшни уйга ғизиллаб кириб, Шошқалоққа арра олиб чиқди. Бир лаҳзадан кейин олманинг банди арраланиб, олма дўп этиб ерга тушди.

— Қани, қизалоқлар, олмани ташиб олайлик!— деб бақирди Кўккўз.— Болалар бизга ёрдам берадиган бўлишди.

Бир неча қизалоқ ерда ётган олманинг ёнига келиб, уни яқиндаги ҳовлига қараб думалатишди.

Яшил шаҳардаги ҳар бир ҳовлида мева ва сабзавот сақлайдиган тағхона бўларди. Қизалоқлар олмани думалатиб келиб, ер билан баравар қилинган эшикни очишди-да, олмани шу эшикдан ичкарига итариб юборишди. Эшик олдида тахтадан қилинган кўприкча бўларди, бу кўприкдан олмалар ўзидан-ўзи тағхонага думалаб тушиб кетаверарди. Қизалоқлар ишни бажариб орқага қайтишар, йўлда эса олма думалатиб келаётган бошқа қизалоқларга дуч келишарди.

Иш қизиди. Каердандир арра топиб олган Ниначи югуриб келиб қолди. У кўйлак ўрнига эгнига волейбол ўйнаганда киядиган либосини кийиб олган эди. Ниначи ҳам дарахтга чиқиб кетди. Агарқул унинг қўлидаги аррани кўриб:

— Ҳов, қани, мумкин бўлса, аррани буюққа чўз-чи. Сен аралолмайсан,— деди.

— Битта сен биласан-а! — тажанг бўлиб жавоб берди Ниначи.

У шохга ўтириб олди-да, лабини тишлаб олма бандини арралай бошлади. Агарқул унга ҳаваси келиб қараб турди-да:

— Кел, иккаламиз бирга ишлаймиз, олдин сен арралайсан, унгача мен дам олиб тураман, кейин мен арралайман-да, сен дам олиб турасан,— деди.

— Хўп,— деб рози бўлди Ниначи.

Бу орада гаражли ҳовлидан қизалоқлар югуриб келиб қолишди. Мурватвой билан Тузатвойнинг ғойиб бўлиши ҳақидаги хабар эндигина маълум бўлди. Қизалоқлар Мурватвой билан Тузатвой эрталаб вақтли Варракхонага кетиб, ҳалигача қайтиб келмаганини айтиб беришди.

— Ана кўрдингларми,— деб бидирлади Қалдирғоч.— Мен, ахир, айтган эдим! Яқин орада ҳамма болалар Варракхонага қочиб кетишади. Улар бизнинг шаҳарда туришни хоҳлашмайди.

— Қочса-қоча қолсин,— деди Кўккўз.— Биз ҳеч кимни зўрлаб олиб қолмаймиз.

Мурватвой билан Тузатвойнинг айёрлиги ҳақида гап кечга қадар чўзилди. Қалдирғоч билан Мошхон ҳам уларнинг кетиб қолганидан мамнун бўлишиб, ҳасад билан кулишди.

Мурватвой билан Тузатвойнинг қайтиб келишидан умид узишганди, лекин бирдан кўчанинг у бошида машина кўриниб қолди. Машина кўчадан ғачир-ғучур қилиб келарди, Қизалоқлар ишларини ташлаб, унинг кетидан югуришди. Мошхон билан Қалдирғоч бўлса ҳаммадан олдин югуриб:

— Мурватвой билан Тузатвой қайтиб келди! Улар қайтиб келди! — деб бақириварди. Кейин тўхтаб:

— Секинроқ! Машинанинг орқасидан чопманглар. Болаларга одобсиз бўлиб туюламиз,— дейишди.

Қизалоқлар гаражга келиб қарашса, Мурватвой билан Тузатвойдан ташқари яна Кулчавой ҳам келган экан.

— Бу ким? — деб ҳайрон бўлиб сўради Мошхон.— Бу, эҳтимол варракхоналик Кулчавойдир? Сиз Кулчавой, нега келдингиз? Сизни чақирганимиз йўқ-ку!

— Уни қара-я! — деб жавоб берди Кулчавой.— Чақирасиз деб ўлиб ўтирган эканман-да!

— «Уни қара-я» дегани нимаси! — деди Қалдирғоч,— биз сизникига бормаймиз, сиз ҳам бизникига келманг-да.

— Борсангиз-бораверинг. Сизни ҳайдамаймиз.

— Қанақасига ҳайдамас экансиз? Арча байрамига ўзларинг таклиф қилиб, кейин қорбўрон қилдиларинг-ку.

— Нима қилибди? Сизлар билан қорбўрон ўйнамоқчи эдик-да. Сиз ҳам бизни қорбўрон қилишингиз керак эди.

— Қизалоқлар қор ушлашни ёқтирмаслигини билишларинг керак эди-да.

— Ҳа, жиндай хато қилибмиз,— деб елкасини қисиб қўйди Кулчавой.— Сизларнинг кўз ёши қилиб, бир умр хафа бўлишларингизни ҳисобга олмабмиз.

— Йўқ, бизни бир умр хафа қилган сизларнинг ўзингиз! Нега бизга Михвойни юбординглар? У бу ерда қандай беъма-ниликлар қилганини биласизми?

— Михвой учун биз жавобгар эмасмиз,— деди Кулчавой.— У биз томонда ҳам бўлмағур ишлар қилиб юради. Шунча урин-сак ҳам уни сира тарбия қилолмаяпмиз. Уни биз юборганимиз йўқ. Бу ерда у ўз билганича иш юритган.

— «Иш юритган!»— деб пиқиллади Мошхон.— Қилган бе-маъничилигини иш деб юрибди-я! Йўқ, энди биз сизлар билан овора бўлиб юрмаймиз. Сизларга зор бўлиб ўтирганимиз йўқ. Энди ўзимизнинг митти болаларимиз бор.

— Мен ҳам сизлар билан овора бўлмайман. Суф, сиздақаларга, суф дейман. Мурватвой билан Тузатвойни олиб келгандим, холос. Ҳозир машинамга ўтириб қайтиб кетаман.

Кулчавой жаҳли чиқиб, нарироққа кетди. Аммо кетиб қолмади. У Мурватвой билан Тузатвойнинг машинани тузата бошлаганини кўриб, уларга ёрдамлашишга киришди. Ҳамма шофёрлар шундай қилишади. Агар шофёрлардан бири, ким бўлмасин, машинасини тузатаётганини кўрса борми, у ҳам, албатта, унинг ёнига бориб у ер-бу ерини ковлайди, мурватини ёки гайкасини бурайди, ҳеч бўлмаса маслаҳат бериб туради.

Учаласи тун қоронғисигача куймаланишди. Аммо машина қаттиқ ремонтга муҳтожлиги учун бари бир батамом тузатиша олмади.

## *Иигирма иккинчи боб*

### МЕХАНИЗАЦИЯ МУЪЖИЗАСИ

Кўккўз эртаси куни эрталаб Асалхоннинг олдига келиб, касалхонадан чиқарилган болалар кўчада жанжаллашмай, аксинча, ўзларини жуда яхши тутиб юришганини, ҳатто қизалоқларга олма теришга ёрдам беришаётганини айтиб берди.

— Болаларга мос иш топганларингиз жуда соз бўлибди. Бугун чиқариладиган Магарқул билан Довдирни ҳам ишга жалб қилинглар,— деди Асалхон.

— Тағин битта-яримтасини чиқаришинг иложи йўқми?—

деб илтимос қилди Оппоғой.— Уларни қизиқтирадиган иш турганда бекорга қамалиб ётишибди.

— Мен кечагина Агарқул билан Шошқалоқни навбатсиз чиқариб юбордим-ку, ахир, булар ҳам озлик қиладими сизларга?— деди Асалхон.

— Озлик қилади.

— Ундай бўлса, Индамасни ҳам чиқариш мумкин. У жуда ҳам мўмин, бирон илтимос қилиб менинг жонимга ҳам теккани йўқ.

— Тағин ким бор?

Асалхон кўзойнагини тақиб рўйхатни кўра бошлади:

— Яна Бўғирсоқ билан Шарбатжонни ҳам чиқарса бўлади. Улар ҳам мўмингина. Айтгандай, бор гапдан кўз юмиш тўғри эмас. Бўғирсоқни чиқармаслик керак эди, нега деганингизда у жуда кўп ширинлик ейди. Мен унинг бу ярамас одатини ташлата олмадим. У еб қўя қолса майлийд-я! Ҳаммадан ёмони, чўнтақларини ширинликка тўлдириб олади, яна ёстигининг тагига ҳам бекитиб қўяди. Ҳа, майли зарарсиз, зора очиқ ҳавога чиққандан кейин иштаҳаси бўғилиб қолса. Шарбатжонни бўлса, ҳадеб газли ширин сув ичгани учун ушлаб туришга тўғри келади. Лекин булар мен билан яхши муомалада бўлишгани учун чиқара қоламан.

Асалхон яна рўйхатни кўра бошлади:

— Уқтойни чиқаришга ҳали вақт бор,— деди у,— ҳали унинг оёғи тузалгани йўқ. Уқтой ростакам касал.

— Сергани-чи?— деб сўради Кўккўз.

— Йўқ, йўқ!— деб унамади Асалхон.— Сергап жуда бемаъни одам! У доим ғингшийди, доим нимадандир норози. Биласизми, у ҳамманиям жонига тегди. Жуда бесўнақай бўлгани учун ёта турсин бу ерда. Ростини айтганда, мен ундан ҳамда ярамас Дорижондан жон деб қутулардим. Дорижон ўзини врач деб ҳисоблаб, доим менинг даволаш йўлимни нотўғри деб исботлашга уринади.

— Жонингизга тегмасин десангиз чиқариб юбора қолинг-да уларни,— деди Кўккўз.

— Нима деяпсиз! Ҳеч-да! Сиз биласизми, жонгинам, у ярамас Дорижон менга нима деди? Касалларни тузатиш ўрнига, соғларни касал қилармишман. Бу қанақа нодонлик! Йўқ, мен уни лозим бўлган кунгача сақлайман. У сира вақтли чиқолмайди. Сергап ҳам шундай!

Шундай қилиб, Кўккўз касалхонадан Довдир ва Магарқулдан бошқа яна Индамас, Бўғирсоқ ва Шарбатжонларни чиқаришга муваффақ бўлди. Касалхонада Уқтой, Сергап ва Дорижонларгина қолишди. Уқтой оёғи оғриб тургани учун чидаб турди. Аммо Сергап билан Дорижон бу хўрликдан сочларини юлишга ҳам тайёр эди, агар кечгача чиқармасалар, қочамиз, дейишди.

Мурватвой, Тузатвой ва Кулчавой ғира-ширада туриб яна автомобилни тузатишга киришди. Охири машина ғиғиллаб, мотори ишлай бошлаганда кун анча юқорига кўтарилиб қолганди. Учала дўст машинанинг юришини синаб кўрмоқчи бўлишди. Уй атрофида чанг кўтариб, ғилдиратиб юришди-да, кейин дарвозадан чиқиб кўча бўйлаб ҳайдашди. Шу чоқ кўчада мева йиғиб юрган қизалоқларни кўриб қолишди. Олма тепасида Шошқалоқ, Довдирвой ҳамда Агарқул билан Магарқулларни кўришди. Олма ёнидаги нок тепасида бўлса Машшоқвой, Индамас ва Ниначилар ишлашарди. Қаёққа қарасанг — қизалоқларнинг олма юмалатиб кетаётганини кўриш мумкин.

— Билмасвой ишловчиларнинг орасида у ёқдан-бу ёққа изғир ва завқланиб буйруқ берарди:

— Бештангиз у ёққа, бештангиз буёққа! Анови олмани олиб, юмалатинглар! Бу ерга ҳозир нок тушади, четроқ туринглар, бўлмаса устларингга тушиб кетади. Эй, юқорида турганлар, огоҳлантиринглар-да! Четроқ туринглар, тушиб кетса, мен айбдор эмасман.

Буларни шовқин-суронсиз ҳам қилиш мумкин-ку, аммо Билмасвой шовқинини тўхтатса, жамики иш тўхтаб қолади деб ўйларди.

Шарбатжон билан Бўғирсоқ ҳам ишлашди — нок юмалатишди. Улар нокни юмалатиш керак бўлган томонгамас, тескари томонга қараб юмалатишарди. Нокнинг тузилиши олмага ўхшаган юмалоқ эмаслигини ҳамма билади. Агарда уни юмалатмоқчи бўлсангиз, бир доирада айланиб тураверади. Бунинг устига ноклар жуда юмшоқ эди. Дарахтдан тўкилишда улар заҳаланиб қолишганди. Шарбатжон билан Бўғирсоқ юмалата бериб, нокнинг ёнини эзиб юборишди. Шунинг учун уларнинг ҳаммаёғи шира бўлиб кетди, нуқул қўлларини ялашарди.

— Нега нокни ҳадеб бир жойда юмалатиб турибсиз? Эзиб юбординглар-ку! — деб уларга бақирди Билмасвой. — Ёки ундан шарбат қилмоқчимисиз? Шарбат қилишни кўрсатиб қўяман сизларга!

Мурватвой билан Тузатвой автомобилни тўхтатиб, уларга қараб томоша қилиб туришди.

— Эй, Билмасвой! — деб бақирди Мурватвой. — Нега сизда механизация йўқ?

— Қўйсанг-чи! — деб қўл силтади Билмасвой. — Олмани қўядиган жой йўқ-ку ўзи, тагин у механизация дейди-я!.. Механизацияни қаёқдан оламан сизга?

— Мана битта машина бор-ку, — деб жавоб берди Кулчавой.

— Ҳали машина — механизациями?

— Албатта механизация-да! Олма-нокларни машинада ташиймиз.

— Бўпти!— деди Билмасвой.— Топдик! Қани дарахтнинг тагига олиб кел-чи, олмани биратўла машинага тушира қоламиз.

— Шошма, бундай бўлмайди,— деди Мурватвой.— Олмани бунақа қилиб машинага ташланса, олма ҳам эзилади, машина ҳам синади.

— Нима дейсан, сенингча, олмани дарахтдан қўлда кўтариб тушиш керакми?

— Нега қўлда бўлар экан! Арқон билан туширамиз-да.

— Бўпти!..— деб бақирди Билмасвой.— Қани, қизалоқлар, тезда буёққа арқон олиб келинглар.

Қизалоқлар дарров арқон олиб келишди. Билмасвой арқонни олиб, уни айлантира бошлади-да, нима қилишини билмай қараб турди. Кейин бир нима ўйлаб топгандай бўлиб, арқонни Мурватвойга узатди:

— Қани, буни ишга сол!— деди.

Мурватвой арқонни олма шохига отиб илинтирди-да, Шошқалоққа арқоннинг учини олманинг бандига боғлашни буюрди, бир учини эса бир қанча қизалоқларга ушлаб туринглар, деди.

— Энди аррала!— деб қичқирди Шошқалоққа.

Бир неча минутдан кейин олманинг банди арраланиб, олма арқонга осилиб қолди. Мурватвой Кулчавойга машинани осилган олманинг тагига келтиринг, деди. Қизалоқлар арқонни аста-секин бўшатиша бошлашди. Олма тўппа-тўғри машинанинг юкдонига тушди. Арқонни олманинг бандидан ечишди, олмани уйга машинада олиб кетишди.

— Ҳозир иккинчи машинани олиб келамиз,— деди Кулчавой.

Улар машинага тушишиб, Кулчавойнинг машинаси қолган гаражга жўнашди. Бир неча дақиқадан кейин иккита машина билан келиб қолишди. Битта машина олма, биттаси нок таший бошлади.

— Механизациянинг мўъжизасини кўрдингларми?— деб мақтаниб гапирди Билмасвой.— Қизалоқлар, эҳтимол, бунақа усул тушингизга ҳам кирмагандир!

## *Йигирма учинчи боб*

### КАСАЛХОНАДАН ҚОЧИШ

Механизация меҳнатни анча енгиллаштириб, ишлар жуда қизиб кетди. Иккала машина у ёққа-буёққа ғизиллаб юриб, ертўлага мева ташиди. Олма ва нокларни бир донадан, олхўриларни эса бештадан ташишди. Механизациянинг ёрдами туфайли кўпгина қизалоқлар ишдан озод бўлишди, аммо қўл қо-



вуштириб ўтиришгани йўқ, улар кўчага иккита қапа тикишди. Битта чодирга газли ширин сув, бошқасига эса пирог, ҳар хил ширинкулча, ўрамакулча ва қанд-қурслар келтириб қўйишди. Энди ҳар бир ишловчи бўш пайтида истаганини ейиши, ичиши мумкин эди.

Бўғирсоқ ўша заҳотиёқ чодирга кириб олиб, пирог ва қандларни ея бошлади. Шарбатжон бўлса, газли ширин сувга ёпишиб олди. Иккаласини ҳам қападан ҳеч кеткизиб бўлмасди.

Тўсатдан кутилмаган ҳодиса рўй берди. Узоқдан кимнингдир қаттиқ чинқирган овози эшитилди, ҳамма ишловчилар кўчанинг у бошида чопиб келаётган доктор Дорижонни кўришди. Унинг кетидан касалхонанинг Асалхон бошлиқ барча хизматчилари қувиб келишарди. Дорижон яланғоч, фақат калта иштон ва кўзойнаги бор эди, холос. У дарахт тагига келиб, тирмашиб тез юқорига чиқди.

— Нега қочдингиз, бемор? — деб бақирди дарахт тагига етиб келган Асалхон.

— Мен бемор эмасман, — деб жавоб берди Дорижон ва кучининг борича яна юқорига интилди.

— Қанақасига бемор бўлмас экансиз? Биз ҳали чиқишингизга рухсат берганимиз йўқ-ку! — деди Асалхон, чопиб келганидан нафаси оғзига тиқилиб.

— Чиқишга ўзимга ўзим рухсат бердим, — деди кулиб Дорижон ва Асалхонга тилини кўрсатиб қўйди.

— Вой, сиз ҳали беодоблик ҳам қиласизми? Бари бир кийим-бошингизни бермаймиз.

— Керак эмас, — деб кулиб жавоб берди Дорижон.

— Шамоллаб, касал бўлиб қоласиз.

— Касал бўлсам-бўларман, бироқ касалхонангизга бормайман.

— Уят сизга! — деди Асалхон. — Узингиз докторсиз-ку, тиббиётни ҳурмат қилмайсиз.

У бошини виқор билан кўтарганича қайрилиб кетди. Унинг изидан бутун хизматчилар ҳам кетишди.

Дорижон энди бошқа хавф йўқлигига кўзи етиб, дарахтдан тушди.

Қизалоқлар унинг атрофини ўраб олишди-да, ачиниб:

— Совуқ емаяпсизми? Шамоллаб қоласиз-ку, — дейишди. — Сизга кийим-бош келтирайликми?

— Олиб кела қолинг, — деб рози бўлди Дорижон.

Момиқой деган қизалоқ чопқиллаб уйига бориб, енгсиз йўл йўл яшил кўйлак олиб келди.

— Бу нима? — деб ҳайрон бўлди Дорижон. — Мен енгсиз кўйлак кийишни ёқтирмайман. Ҳамма мени қиз бола дейди.

— Деса нима бўпти? Қиз бола бўлиш ёмон эканми?

— Ёмон.

— Нега? Бундан чиқди, биз ёмонмизми?

— Йўқ, сизлар яхшисизлар-у... — деб гангиб қолди Дори-  
жон, — аммо ўғил болалар яхшироқ...

— Уларнинг нимаси яхшироқ экан, қани айтиб беринг-чи?

— Албатта яхши-да. Бизнинг Машшоқвой деган боламиз  
бор. Биласизми, у қандай мусиқачи? Унинг най чалганини  
эшитмагансиз-а?

— Эшитганмиз. Бизнинг қизалоқларимиз ҳам чилтор ча-  
лишади.

— Бизнинг Бўёқвойимиз бор. У шунақанги суратлар иш-  
лайдики, бир кўрсангиз бўларди.

— Кўрганмиз. Аммо, сизда фақат Бўёқвой бўлса, бизнинг  
ҳамма қизалоқларимиз расм солишни билади, ҳатто, ҳар хил  
рангдаги ип билан гул сола олади. Мана, сиз кўйлагим олдидаги  
қип-қизил олмахонга ўхшатиб тика оласизми? — деб сўради  
Олмагон.

— Тиколмасдим, — деб тан берди Дорижон.

— Мана кўрдингизми, ҳамма нарса қўлимиздан келади.  
Хоҳласак олмахон, хоҳласак қуёнча тикамиз.

— Ҳа, майли! — деб қўлини силтади Дорижон ва енгсиз  
кўйлакни кия бошлади.

Уни кийди-да, қўлини ёзиб, оёғини кўтарди. Ўзининг у ёқ-  
буёғига қаради. Билмасвой Дорижонни бунақа гаройиб кийимда  
кўриб пиқиллади, кейин бошқа болалар ҳам кулишди.

— Уят эмасми сизга! — деб жаҳли чиқди Мошхоннинг. — Ҳеч  
қандай куладиган жойи йўқ.

Аммо кулги тўхтамади. Дорижон қаёққа қараса, ҳамма кула-  
ётибди. У енгсиз кўйлакни еча бошлади.

— Нега бунақа қиялсиз?... — деб уни кўндиришга киришди  
қизалоқлар.

— Керак эмас! — деб қатъий гапирди Дорижон. — Тезда  
кийим-бошимни келтириб қолишади.

— Асалхон бермайди, у жуда қаттиққўл.

Дорижон индамай, кулиб қўйди.

Асалхон билан хизматчилар касалхонага қайтиб келишганда,  
Сергапнинг ҳам ғойиб бўлганини дарров сезиб қолишди. Улар  
омборга югуриб кириб кийимлар йўқолганини билишди.  
Омборда фақат Уқтойнинг кийимигина қолганди.

Шундай қилиб, Сергап билан доктор Дорижоннинг оддин-  
дан ўйлаган қочиш режаси аниқланди. Бу режага кўра, доктор  
Дорижон яланғоч ҳолда деразадан қочиши лозим эди. Касалхо-  
нанинг бутун хизматчилари Дорижон кетидан қувади-да, Сергап  
омбордан ўзининг ва Дорижоннинг кийим-бошини бемалол  
ўғирлаб чиқади деб ўйлашган. Режа икир-чикиригача тўғри  
ўйланган экан, амалга ошди.

Асалхон кийим-бошларни ўғирлаган Сергапни узоқ қидириб

юрди. Бу вақтда Сергап қариқиз ўтининг барги остида бекиниб ётарди. Бу ерда ўтириш унча кўнгилли бўлмаса-да, Сергап озодликка чиқиб олганидан ўзида йўқ шод эди. У тиниқ, зангори осмонга, ям-яшил ўтларга маза қилиб қарарди. Унинг юзида ҳатто табассум ҳам пайдо бўлганди. Агар у тагин касалхонага тушиб қолмаса, умр бўйи сира ғингшимасликка, дунёдаги барча нарсалардан сира нолимасликка қасамёд қилди.

Сергап Асалхоннинг касалхонага кириб кетганини кўрди. Кейин бекинган жойидан астагина чиқиб кетди. Дорижонни топди-да, кийимларини унга берди.

— Кийим-бошингни ол, шўрлик ошна,— деди Сергап қўлидаги тугунчани Дорижонга узата туриб.

Дорижон ошнасининг кучоғига ташланди. Улар касалхонада эканликларида бир-бирлари билан жуда қалин ошна бўлиб қолишди. Дорижон бирпасда кийиниб олди.

Довдирвой, Агарқул, Мурватвой ва бошқа болалар Сергапни ўраб олишиб, касалхонадан эсон-омон қайтиши билан табриклашди. Унинг хушчақчақлигини кўриб, ҳамма ҳайрон қолишарди.

— Сергапнинг кулганини биринчи марта кўриб туришим! — деди Бўғирсоқ.

Қизалоқлар ҳам Сергапга атрофдан қизиқиб қараб туришарди.

— Отингиз нима? — деб сўради Момиқой.

— Сергап.

— Ҳазил қилманг-эй!

— Улай агар! Нега бунақа дейсиз?

— Сизнинг чеҳрангиз меҳрибон ва ёқимли. Бунақа ном сизга ярашмайди.

Сергапнинг оғзи сал бўлмаса қулоғига етиб қолаёзди.

— Менинг исмим жисмимга тўғри келмайди, — деб қочириқ қилди у.

— Дарахтга чиқасизми? — деди унга Мошхон.

— Чиқсам бўладими?

— Нега бўлмас экан? Сизга ҳам арра олиб келамиз, бошқалар билан бирга ишлайсиз.

— Менга ҳам арра ола келинглар, — деди доктор Дорижон.

— Сизга бермасак ҳам бўларди, чунки қизалоқларни камситдингиз, лекин майли, биз кечирамиз, — деди Мошхон.

Қизалоқлар тагин иккита арра олиб келишди, Сергап билан Дорижон ҳам ишга киришиб кетишди. Сергап бўлса, Асалхоннинг изнида қамалиб ётгандан кўра, дарахтга чиқиб юриш анча маза эканлигини айтди.

— Бунинг устига, анчагина фойдали ҳам, — деб қўшиб қўйди доктор Дорижон.

У пастга қараганда юқоридаги ҳаво бирмунча тоза ва кислородга мўл деб ҳисобларди. Шунинг учун Сергап билан Дорижон дарахтнинг энг баланд шохига чиқиб ишлашарди.

# Йигирма тўртинчи боб

## БЎЁҚВОЙНИНГ ИХТИРОСИ

Эртаси куни ҳам олма ва нок териш давом этди. Шаҳар кўчасида учинчи машина пайдо бўлиб қолди, бу Бурамавойнинг буғ билан юрадиган саккиз гилдиракли автомобили эди.

Варракхона шаҳрида Кулчавойнинг ғойиб бўлганини сезиб қолишди. У ердаги одамлар Кулчавойни Мурватвой билан Тузатвой Яшил шаҳарга олиб кетганлигини билишарди. Аммо Кулчавой сафардан қайтиб кела бермагач, ҳамма бирор кўнгилисиз воқеа рўй бермаганмикин деб, хавотир бўлиб, Бурамавойдан хабар олиб келишни илтимос қилишди. Бурамавой Яшил шаҳарга келиб, Кулчавойнинг ўз машинасида мева ташиётганини кўрди-да, у ҳам жим туролмай ишга киришиб кетди.

Варракхонадагилар Бурамавойни кечга қадар кутишди, аммо у эртаси куни ҳам қайтиб келмади. Шаҳар бўйлаб ҳар хил бўлмағур шов-шувлар тарқала бошлади. Баъзилар Яшил шаҳар йўлида ялмоғиз кампир пайдо бўлиб, кимни кўрса еб қўяётганмиш, деб айтишди. Бошқалари бўлса, бу ялмоғиз кампир бўлмай, ўлмас Кошчей<sup>1</sup> эмиш дер, яна баъзилари баҳслашар ва ўлмас Кошчей бўлмайди, бу уч бошли аждар, Яшил шаҳар йўлида эмас, Яшил шаҳарнинг ўзгинасида ўрнашиб олганмиш, деб ишонтиришарди. Бу аждар ҳар куни битта қизалоқни ер экан, агар шаҳарда ўғил бола кўриниб қолса, шу заҳоти еб қўяр экан, негаки, қиз боладан кўра ўғил бола яхшироқ эмиш-да.

Уша уч бошли аждар ҳақида гап тарқалгандан кейин Варракхонадагилардан ҳеч ким қизалоқлар шаҳрида нима бўлаётганини билишга юраги бетлаб боролмади. Ҳар ким ҳам уйимда тинчгина ўтирганим яхшироқ дерди. Аммо тез орада бир жасур топилиб қолди. У бориб ҳамма нарсани билиб келаман деди. Бу анча машҳур бўлган Михвой эди. Унинг кимлиги ҳақида юқорида гапирилган эди. Михвойнинг бебошлигини ва еб тўймас аждарнинг оғзига ҳам кириб кета беришини у ернинг аҳолиси биларди.

Ҳамма унга бормагин, деб насиҳат қила бошлади. Аммо Михвой қулоқ солмади. У қизалоқлар олдида жуда айбдорлигини, энди виждони қийналаётганини айтиб берди. Шу сабабли у ўз гуноҳини ювиш учун шаҳарга бориб, ўша аждарнинг худди думига тупурмоқчимиш, аждар бўлса ўлиб қолармиш, деган гапни Михвой қаёқдан олганини айтмади.

Михвой жўнади. Баъзи бировлар жуда ачиниб, ҳалитдан йиғлаб олишди. Бошқалари бўлса, унга унчалик ачинишнинг ҳожати йўқ, битта безори камайиб, шаҳар анча тинчиб қолади, дейишди.

<sup>1</sup> Кошчей — рус халқ эртаклари қаҳрамони — кўп хазинага эга бўлган ва ўлмаслик сирини билган ёвуз киши (ред.).

— Лекин уни қайта тарбиялай олмаганимиз учун ўзимиз айбдормиз-да, — дейишди биринчи гапирганлар.

— Бунақаларни тарбиялаб бўпсан! — деб жавоб беришди иккинчилари. — Уни тарбия қилиш ўлимдан ҳам қийин.

Бу гапдан маълум бўлишича, биринчилар ҳали Михвойдан унчалик ёмонлик кўришмаган эди, иккинчиларнинг эса Михвой хийла додини берган эди.

Худди кутилганидай Михвой қайтиб келмади. Шундан кейин шаҳарда ҳамма аждар ҳақидаги шов-шувга ишонди. Ақлга сифмайдиган уйдирма гапларни гапира бошлашди. Ҳар бир одам бу аждарга биттадан янги бош қўшарди, секин-аста уч бошли аждар юз бошли аждарга айланиб кетди.

Албатта, бу гапларнинг бари уйдирма эди. Баъзи бир энг ақлли китобхонлар Михвойнинг нима учун қайтиб келмаганини эҳтимол пайқашгандир. Баъзи пайқамай қолганларга тушунтириш мумкин, Михвойни аждар ютиб юборгани йўқ, аждар ҳеч кимни ютгани ҳам йўқ. Ҳеч қандай аждар-паждар бўлгани ҳам йўқ. Михвой ишга берилиб кетди, холос. Унинг ҳам дарахт устига чиқиб, арра билан ишлагиси келди. Ахир бу жуда қизиқ иш-да, бунинг устига хавфли ҳам. Бирор ўғил бола хавф олдида чекинармишми?

Бу кунларда фақат Бўёқвойгина уйда ўтириб расм ишларди. Ҳар битта қизалоқнинг суратли бўлгиси келарди, улар Бўёқвойнинг жонига тегишди. Яна ҳамманинг расмга энг чиройли бўлиб тушгиси келарди. Бўёқвой уларга ҳар ким ўзича чиройли эканини, ҳатто кичик кўзлар ҳам чиройли бўлиши мумкинлигини исбот қилишга уриниб кўрди. Бўлмади! Ҳар бир қизалоқ ҳам кўзи албатта катта, киприклари узун, қоши ёйдай ва оғзи кичкина бўлишини талаб қиларди. Бўёқвой охири баҳслashiшни йиғиштириб, улар талаб қилгандай чиза бошлади. Бу анчагина қулай тушиб, ҳеч қандай тортишув бўлмади. Унинг устига, Бўёқвой сурат ишлаш усулига янгилик киритиш мумкинлигини сезиб қолди. Ҳамма ҳам бир хилда талаб қилгандан кейин, андаза ишлатишни мўлжаллади. Бир бўлак қалин қоғоз олди-да, ундан иккита катта кўз қирқди, узун, эгилган қош, ихчамгина бурун ва кичкинагина лаб, салгина чуқурчаси бор ияк, икки томонга нозиккина бир жуфт қулоқ ўйди. Юқорисидан ҳурпайган соч қилиб қирқди, пастдан эса ингичка бўйин ва узун бармоқли иккита қўл ишлади. Бундай андазани тайёрлаб бўлиб, нусха олишга киришди.

Нусханнинг нималиги ҳозир ҳаммага аён бўлади. Бўёқвой андазани бир бўлак қоғоз устига қўйди-да, қизил бўёқни олиб, андазадаги қирқилган лабни бўяй бошлади. Қоғозда бирданига лабнинг шакли пайдо бўлди. Ундан кейин бурунни, қулоқни, қўлни бадан рангидаги бўёққа бўяди-да, сўнгра сочини қора ёки сариққа, кўзларни зангори ёки қўнғир рангга бўяди. Мана шу усулда нусха пайдо бўлди.

Бўёқвой бунақа нусхалардан бир қанчасини тайёрлади. Қайси бир қизалоқнинг кўзи кўк, сочи сариқ бўлса, у кўккўзли ва сариқ сочи нусхани олар, сал-пал ўхшатиб, суратни тайёрлаб бераверарди. Қайси бир қизалоқнинг кўзи ва сочи қора бўлса-чи, бунақасига ҳам нусха топиларди.

Бунақа бир нусхадаги суратлардан Бўёқвой талайини ишлаб ташлади. Бу янгилиги ишни тезлаштирди. Бунинг устига, Бўёқвой тажрибали устанинг қўлидан чиққан андаза билан ҳар қандай митти бола ҳам нусха тайёрлай олишини кашф этди. Бу ишга Агарқулни жалб қилди. Агарқул ҳам андаза нусхаларини керакли бўёқлар билан шундай бўядики, у тайёрлаган нусхалар Бўёқвой ишлаганларидан сираям қолишмасди. Бўёқвой билан Агарқул ўртасидаги меҳнат тақсимоти ишни яна ҳам тезлатиб юборгани жуда яхши бўлди, чунки сурат буюрувчиларнинг сони камаймай, кундан-кунга оша борди.

Агарқул ўзининг янги вазифасидан жуда мамнун эди. Фурурланиб Бўёқвой билан ўзини: «Биз — рассомлармиз», дерди. Аммо Бўёқвой ўзининг ишидан кўнгли тўлмай, буни нимагадир кўчирмакашлик деб атарди. У яшил шаҳарда ишлаган ҳамма суратлари орасида Оппоғой билан Кўккўзнинг портретинигина ҳақиқий санъат асари деб ҳисоблаш мумкин, бошқалари эса шунчаки иложсизликдан қилинган, дерди.

Бу фикрга сурат эгалари қўшилишмади. Чиройли чиққани ҳаммаларига ҳам маъқул эди, ўхшашининг унча зарурати йўқ, дейишарди. Ҳар нарсага ҳар ким турли муносабатда бўлади-да.

## *Йигирма бешинчи боб*

### УҚТОЙНИ ДАВОЛАШГАНИ

Сергап билан Дорижон қочиб кетгандан кейин касалхонанинг бутун хизматчилари яккаю ягона касал Уқтойни даволаш билан машғул бўлдилар. У ўзига бўлган алоҳида диққат-этиборни кўриб, жуда ҳам тантиқланиб кетди. Баъзан у тушлик овқатга қанд, шўрва ва мармаладдан атала қилиб беришларини талаб қилиб қолар, баъзида эса қулупнайдан қўзиқорин солинган қиймағўшт буюриб қоларди, аммо бунақа қиймағўшт бўлмаслигини ҳамма ҳам билади-ку, ахир. Баъзида олма пюре олиб келишни талаб қиларди, олиб келишгундай бўлса, нокдан қилинган квас талаб қиларди, квас олиб келишса, ундан пиёз ҳиди анқияпти дерди-да, яна аллақандай машмаша чиқарарди.

Ҳамма ҳамширалар ҳам унинг инжиқлигидан чарчашди. Улар бунақа касални ҳеч кўрмаганмиз, у касал бўлмай, турган-битгани азоб-уқубат-ку, тузалса-тузала қолсин, деб гапиришарди.

Ҳар куни эрталаб у битта ҳамширани шаҳар бўйлаб Кўктой итини қидириб келишга жўнатарди. Шаҳарда юра бериб ҳориган ҳамшира касал ўз итини эсидан чиқаргандир, деган умидда қайтиб келса, Уқтой, албатта, ундан:

— Топдингми? — деб сўрарди.

— Ҳеч қаёқда йўқ экан.

— Яхшилаб қидирмагансан-да!

— Улай агар, ҳамма кўчаларни қидириб чиқдим!

— Нега бўлмаса, мен чақирганингни эшитмадим? Қани, тагин бориб қидириб кел-чи!

Бечора ҳамшира дарвозадан чиқиб қаёққа боришини билмасдан, ўқтин-ўқтин:

— Кўктой, Кўктой! Отинг ўчгур! — деб бақирарди.

У бунақа бақирешнинг фойдаси йўқлигини билса ҳам, Уқтойнинг талабини бажарарди, унинг фикрича, касални бу салтинчитармиш.

Уқтой бошқа бир ҳамширани қолган болалар нима қилишаётганини билиб келишга юборарди, у Уқтойга бу ҳақда кунига уч марта — эрталаб, тушда, кечқурун ҳисоб берарди. Учинчи бир ҳамширани эртадан-кечгача эртак айтиб беришга мажбур қиларди. Агар эртаги қизиқ бўлмаса, уни ҳайдаб юбориб, дурустроқ эртак биладиганини юборишни талаб қиларди. Агар ўртоқларидан битта-яримтаси кўргани келмаса, тозаям жаҳли чиқарди. Биров келгундай бўлса-чи, эртак эшитишга халақит беряпсан деб ҳайдаб юборарди.

Асалхон касалнинг феъл-атвори кундан-кунга расволашаётганини кўрди. Уқтойнинг феъл-атвори Сергап билан Дорижонникини қўшиб ҳисоблаганда ҳам йигирма марта баттар бўлиб кетибди, дерди. Касалга ёрдам бериш учун уни касалхонадан чиқаришдан бошқа чора йўқ эди, лекин унинг оёғи ҳалиям оғрирди. Устига-устак, Уқтой ўзини-ўзи майиб қилиб қўйди.

У бир куни эрталаб уйгонса, оёғи оғримаётган экан. Ўрнидан ирғиб туриб хона бўйлаб югуриб қолди, лекин ўн қадам юрар-юрмас оёғи қайрилиб кетиб, йиқилиб тушса бўладими. Шўрликни кўтариб ўрнига ётқизиб қўйишди. Бирданига оёғи шишиб кетди, кечқурун эса иссиғи ҳам кўтарилди.

Асалхон мижжа қоқмасдан тун бўйи унинг олдида ўтириб чиқди. Унинг қилган дори-дармони туфайли шиш қайтди. Аммо бу воқеадан кейин оёғини даволаш анча чўзилиб кетди.

Охири касалга ўрнидан оз-оз туришга рухсат беришди. Уқтой қўлтиқтаёққа таяниб бир қўли билан деворни ушлаб палатада аста-секин юришни ўргана бошлади. Кейин бир соат, бир соат ҳовлига чиқиб юришга рухсат беришди, уни ҳамшира касалхонанинг атрофида айлантириб юрарди. Касалнинг инжиқлиги бир оз тузалди, жаҳли кам чиқадиган бўлиб қолди, аммо палатага қайтадиган вақт бўлганда, Уқтой ўзини унутиб қўярди-

да, «Кирмайман!»— деб бақирар ва ҳамширага қўлтиқтаёқни ўқталарди. Сўнгра касални қўлтиқлаб олиб, зўрға ўрнига ётқи-зишарди.

Қатъий чоралар қўлланиб, даволаш анча яхши бўлди. Тез орада Уқтойни бир кундан кейин касалхонадан чиқарамиз деб эълон қилишди. Бундай яхши хабарни миттиойлар ва митти-войлар эшитишиб хурсанд бўлишди.

Белгиланган куни бутун аҳоли касалхона олдига тўпланди. Ҳамма касални тузалиши билан табриклар, гуллар тақдим этар, у бўлса:

— Мана энди ҳаммамиз топишдик,— дерди,— фақат Била-фон билан менинг Кўктойимгина йўқ.

— Ҳечқиси йўқ,— деб уни юпатишди қизалоқлар,— эҳти-мол, Билафонингиз ҳам келиб қолар, Кўктой ҳам топилиб қолар.

— Қандай қилиб улар ўзидан-ўзи топилар экан?— деди Уқ-той,— қидириш керак-да уларни.

— Рост-а,— деди Билмасвой,— ўша тентак Билафонни қи-дириш керак, бўлмаса бизсиз ҳоли хароб бўлади.

— Нега у тентак бўлар экан?— деди норози бўлиб доктор Дорижон.

— Албатта, тентак-да, яна қўрқоқ ҳам,— деди Билмасвой.

— У ҳечам қўрқоқмас-ку...— деб бошлаган эди Сергап, аммо Билмасвой унинг сўзини бўлди:

— Жим ўтир! Сен бошлиқми, ё менми? Ё тагин касалхонага тушгинг келяптими?

Касалхонанинг дарагини эшитиб Сергап жим бўлди. Оппо-гой шундай деди:

— Якшанба куни жами касалларнинг тузалиши шарафига базм қилмоқчимиз, ундан кейин тентак Билафонингизни қиди-ришга бораверасизлар. Уни топганларингиздан кейин, тагин бир марта базм уюштирамиз. Бу жуда ажойиб бўлади.

— Жуда соз! Жуда соз!— деб севинди барча.

Улар Билафонни топишга севишишимиз, ё унга атаб яна бир марта базм уюштирилишигами билиб бўлмасди.

Мева териш тугаган эди. Ҳамма ертўлалар лиммо-лим тўлса ҳам дарахтларда олма, нок ва олхўрилар ҳали кўп эди. Қолган меваларни варракхоналик болаларга совға қилишмоқчи бў-лишди.

Ҳамма базмга тайёргарликка киришиб кетди. Аҳолининг бир қисми рақс майдончасининг ўтларини юлар, бошқа бир бўлаги эса, майдонча атрофига ўриндиқ қуради. Шошқалоқ, Индамас ва Михвой болта олиб майдончанинг ёнига чолғу аҳли учун ик-ки қаватли шийдонча қуришарди. Бошқа болалар бўлса газли сув, музқаймоқ ва бошқа ширинликларга дўконча қуришарди. Бу ишларни мусиқа садоси остида қилишарди, нега деганин-гизда, Машшоқвой чилтор асбобида энг яхши чаладиган қиза-лоқлардан ўнгасини ажратиб олиб, чолғу гуруҳи тузган эди. Улар шу ерда машқ қилишарди.



Михвойнинг жуда ҳафсала билан ишлаётгани ҳаммадан ҳам қизиқ эди. Унга нима буюрилса, ҳеч қанақа найранг қилмасдан, барчасини бажарарди. Гўё у қайта туғилгандай эди.

— Бизга ёрдам бераётганингиз жуда яхши иш бўлибди-да! — деди унга Мошхон.

— Нега ёрдам бермас эканман? — деб жавоб берарди Михвой. — Ёрдам керак экан, бошим ёрилса ҳам қиламан дедим — қиламан.

— Сиз жуда берилиб ишляяпсиз, кўриб қувонасан киши, — деди Қалдирғоч. — Ишни яхши кўришингиз кўриниб турибди.

— Жуда яхши кўраман ишлашни, — деб иқрор бўлди Михвой. — Мен доим бирор иш қилишни яхши кўраман. Ҳеч қанақа иш бўлмаса-чи, нима қилишни билмай, кераксиз ишларни ҳам қилавераман. Бундан ҳеч нима чиқмайди, ҳатто танбеҳ ҳам ейман.

Михвой «пиқ» этиб бурнини тортди-да, қўли билан артгандай бўлди.

— Яъни қанақа танбеҳ, — деб сўради Мошхон.

— Пўстакни қоқиш-да!

— Пўстакни қоқиши нимаси?

— Шунчаки дўппослаш-да.

— Вой, бечора! — деб ачинди Мошхон, — сиз бўлмағур ишларни қилманг, қўйинг. Яхшиси, биз томонга кела қолинг-да. Бизда ё тахта девор тузатиш, ё синган дераза кўзига ойна қўйиш каби ҳар хил ишлар топилиб туради...

— Маъқул, — деб рози бўлди Михвой.

— Бизникига базмга келасизми?

— Келсам майлими?

— Нега майлимас экан? Фақат яхшилаб ювининг ва сочларингизни таранг-да, ундан кейин келинг. Биз сизни таклиф қиламиз.

— Яхши, мен келаман. Раҳмат.

Михвойнинг ҳурмат билан гаплашгани, ҳатто раҳмат дегани Мошхонга жуда ҳам ёқиб тушди. У мамнунлигидан юзлари қизариб, югуриб Қалдирғочнинг олдига борди:

— Энди уни тарбиялаш жуда осон бўлади, — деб шивирлади.

— Уни тез-тез мақтаб туриш керак, — деди Қалдирғоч. — Бу унга фойда беради. Шўхлик қилгундай бўлса, уришиш лозим, борди-ю яхши иш қилса, мақташ керак, чунки у яна мақташсин деб яхши иш қилишга уринади. Яна уни яхши одатларга ўргатиш керак, у бўлса жуда беўхшов бурун тортади.

— Устига-устига, унинг гапи ҳам ғалати, — деб қўшиб қўйди Мошхон, — «Калла-малла», «бемаъни», «боплаб!» деган сўзлар ўзи қанақанинг сўзи. Уни гаплашишга ўргатиб, аста-секин хунук сўзларни ёдидан чиқариш керак.

Михвой бўлса, уларнинг мақтаганидан жуда мамнун бўлиб, янада қизиқиб ишлай бошлади. Ахир, мақтов кимга ёқмайди!

# Йигирма олтинчи боб

## МИХВОЙНИНГ ҚАЙТИШИ

Михвой уйга қайтмагандан кейин Яшил шаҳарга боришга варракхоналиклардан ҳеч кимнинг юраги бетламади. Юз бошли-аждар тез орада қизалоқларни еб бўлиб, кейин Варракхонага келиб, болаларни ҳам юта бошлармиш деган шов-шув тарқалди. Аммо анча вақт ўтса-да, аждардан дарак бўлмади. Унинг ўрнига бир куни эрталаб Варракхонада нотаниш бир бола пайдо бўлди. У ҳаво пуфагида ўз ўртоқлари билан учишгани, пуфак пасайиб қолгандан кейин парашют билан сакраб тушганини айтиб берди. У қоронғи ўрмонга тушиб қолгандан кейин пуфак учиб кетган томонга қараб ўртоқларини қидириб дала, ўрмонларни тоза кезиб юрибди.

Эҳтимол, баъзи бир энг топағон китобхонлар, бу нотаниш боланинг Билагон эканини аллақачон билиб олишгандир. Билагон бўлса, уйига қайтиб кетмай ўртоқларини топишга қарор қилди.

Варракхонадагилар эса бундан бир неча кун илгари, ҳаво пуфагида учиб, кейин йиқилиб тушган бошқа болаларнинг ҳам Яшил шаҳарда пайдо бўлганини Билагонга айтиб беришди. Улардан иккитаси Варракхонага кавшарлагич қидириб келишиб, кейин шофёр Кулчавой билан яна Яшил шаҳарга қайтиб кетишганини ҳам айтишди. Билагон бу иккита болани суриштира бошлади. Унга болаларнинг қиёфаси ва чарм камзул кийишганини айтиб беришганда, Билагон уларнинг Мурватвой ва Тузатвой эканини англади. Ёзувчи Фаҳмдор ҳам бормотографи билан шу ерда эди. У бу гапни эшитиб, ўша болаларнинг оти ростдан ҳам Мурватвой ва Тузатвой эканини тасдиқлади.

Билагон жуда севиниб кетди. У шу заҳотиёқ Яшил шаҳарга жўнамоқчи бўлиб, йўлни кўрсатиб қўйишларини илтимос қилди. Лекин бу ердагилар унинг гапини эшитиб хафа бўлишди. Улар Билагонга Яшил шаҳарга бориб бўлмаслигини, у ерда юз бошли аждар пайдо бўлиб, қизалоқларнигина эмас, ҳатто ўғил болаларни ҳам ютиб юбораётганини айтиб беришди.

— Мен ҳам бошли аждарни умримда учратмаганман! — деб ишонмай кулиб қўйди Билагон.

— Нима деяпсиз ўзи! — деб унга қўл силташди. — Бизнинг Кулчавойни ким еди? У Мурватвой билан Тузатвойни Яшил шаҳарга олиб кетганига бир неча кун бўлди, ҳалиям қайтиб келгани йўқ.

— Бурамавойни ким еди? — дейишди бошқалар. — У Яшил шаҳарга Кулчавойни қидириб кетувди, уям қайтиб келмади. У жуда ажойиб механик эди-да! Ҳамма нарса қўлидан келарди.

— Михвойни ким ямлади? — деб сўрашди яна бошқалар. — Лекин, очигини айтганда, у болага ачинмаса ҳам бўлади, негаки, у ярамас бола эди. Шундоқ бўлса ҳам, уни нимадир еган бўлиши керак-да, ахир.

Билагон ўйлаб қолди. Кейин:

— Юз бошли аждар борлиги фанга маълум эмас. Бундан чиқди, бу бўлмаган гап, — деди.

Фаҳмдор бўлса:

— Аждарларнинг йўқлиги ҳақида ҳам фанда ҳеч қандай маълумот йўқ, бундан чиқди, аждарлар бор экан-да, — деди, — У ҳақда гапиришгандан кейин, нимадир бор-да.

— Ялмоғиз кампир ҳақида ҳам гаплар бор, — деди Билагон.

— Нима, сизнингча Ялмоғиз кампир ҳам йўқми?

— Албатта, йўқ.

— Қўйинг-э чўпчагингизни!

— Бу эртакмасми! Ялмоғиз кампир эртак-да.

Шаҳарликлар Билагонни шунча айнитишса ҳам, у ўз сўзида туриб, боришга қатъий қарор қилди. Нима ҳам қилишсин, болалар уни овқатлантиришди, кейин шаҳар четига бошлаб чиқиб, Яшил шаҳарга борадиган йўлни кўрсатиб қўйишди. Улар, бу сўзсиз ҳалокатга кетяпти деб, у билан кўзёш қилиб хайрлашдилар.

Шу орада узоқдан осмонга кўтарилган чанг кўринди. У тезда яқинлашди-да, катталашиб кетди. Миттилар қочиб, уй-уйларига бекиниб олишди ва деразалардан мўралашди. Уларнинг ҳаммаси юз бошли аждар чопиб келяпти деб ўйлашди. Фақат Билагон кўрқмасдан кўча ўртасида қолди.

Тез орада улар бирин-кетин учта машинанинг шаҳарга яқинлашиб келаётганини кўришди. Йўлда чанг кўтарган шулар экан. Биринчи машинага бир томони қип-қизил каттакон олма, иккинчисига пишган нок, учинчи машинага эса бештача олхўри ортилган эди. Машиналар Билагоннинг олдига келиб тўхташди-да, ичидан Кулчавой, Бурамавой ва Михвойлар тушишди. Миттилар буларни кўришиб уй-уйларидан югуриб чиқишиб, Кулчавой, Бурамавой ва ҳатто Михвой билан ҳам кучоқлашиб ўришиб кетишди. Барчаси аждарни сўрашди, ҳеч қанақа аждарпаждар йўқлигини эшитишиб, жуда ҳам ҳайрон қолишди.

— Нега сизлар анча вақт йўқолиб кетдинглар? — деб сўрашди.

— Мева теришдик, — деб жавоб берди Михвой.

Ҳамма кулиб юборди.

— Бошқалар ишлагандир-у, сен бўлсанг деворма-девор ошиб, ойна синдиргандирсан-да! — деб масхара қилиб гапирди Фаҳмдор.

— Унақа қилганим йўғ-э!— деб ўпкалади Михвой.— Мен ҳам ишладим. Мен анови... нима дерди... айтгандай тузалиб қолдим, ҳа!

Бурамавой билан Кулчавой бўлса Михвойнинг ҳақиқатдан ҳам тузалиб қолганини, қизалоқлар унинг ишидан мамнун бўлишганини тасдиқлашди ва шу сабабли варракхоналикларга бир қанча олма, нок ва олхўри совға қилишганини ҳам айтишди. Болалар мевани яхши кўришгани учун жуда ҳам хурсанд бўлишди.

Кулчавой Билағоннинг Яшил шаҳарга кетаётганини эшитиб, ўз машинасида олиб бориб қўймоқчи бўлди ва тезда жўнаб кетишди.

Варракхоналиклар кўчаларда жуда хурсанд бўлиб юришарди. Барча болалар аждарнинг йўқлигидан, Кулчавой билан Бурамавойнинг топилганидан ва ҳаммадан ҳам Михвойнинг тузалганидан хурсанд эди. Тўғри, баъзилар унинг тузалганига шубҳа билан қараб юришар ва тагин ойна сиңдиришни бошлаб юбормасин деб қўрқишарди. Бир куни Михвойни дарё бўйида кўриб қолишди. У фақат калта иштон кийиб олиб, кийимларини юварди.

— Нега бирданига кийимларингни ювиш керак бўлиб қолди?— деб сўрашди ундан.

— Эртага базмга бораман,— деди Михвой.— Кийимларим озода, сочларим таралган бўлиши керак-да.

— Қизалоқлар томонда базм бўладими?

— Бўлади. Кулчавой билан Бурамавой ҳам боради. Уларни ҳам таклиф қилишган.

— Сен мени ҳам таклиф қилишди демоқчимисан?— деб ишонмай сўрашди болалар.

— Нега энди таклиф қилишмас экан? Албатта таклиф қилишади-да.

— Шунақа де!— деб бошларини қимирлатишди болалар.— Агар қизалоқлар уни базмга таклиф қилишган бўлса, бундан чиқди, у ростданам тузалибди. Ким шундай деб ўйларди-я!

## *Йигирма еттинчи боб*

### КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Базмга тайёргарлик жуда қизиган эди. Чолғу гуруҳи учун шийпонча ва рақс майдончаси атрофидаги капаларни қуриб бўлишди. Бўёқвой айвончани жуда ҳам ғалати нақшлар билан безаб юборди, қолган болалар чодирларни ҳар хил рангларга бўяшди. Қизалоқлар ҳам майдончани гуллар билан безашди ва

турли рангдаги чироқча, байроқчалар осиишди. Билмасвой бўлса, уёқдан-буёққа сандирақлаб юрар ва зўр бериб буйруқ берарди.

Гўё унингча иш жуда суст кетарди. У бақирар, ҳовлиқарди-да, нуқул бошқаларга халақит берарди. Яхшиям, ҳар ким усиз ҳам нима иш қилишини биларди.

Кимдир майдонча атрофига ўриндиқ қуриш керак деб қолди, ammo тахта йўқ эди. Билмасвой алам қилганидан сочларини юлаёзди.

— Эҳ,— деб бақирди у,— наҳотки ортиқча тахта олиб келишолмаса! Энди ҳамма машина Варракхонага кетиб қолди! Қани, келинлар, бирорта капани бузамиз-да, ундан ўриндиқ ясаймиз.

— Тўппа-тўғри!— деб бақирди Агарқул ва қўлига болта олиб қапага ташланиб қолди.

— Нима қиялсан?— деди Бўёқвой.— Шунча қилиб, шунча бўяб, энди бузамизми?

— Ишинг бўлмасин!— деб бақирди Агарқул.— Уриндиқ ҳам керак-да.

— Бирини қураман деб, иккинчисини бузиш керакмас-да!

— Сен нега буйруқ берялсан?— деб аралашди Билмасвой.— Ким бошлиқ — сенми ё менми? Буз дейилдими, демак, бузиш керак!

Ким билади, бу жанжал нима билан тугаган бўларди, лекин шу пайт узоқдан машина кўриниб қолди.

— Кулчавой қайтиб келди!— деб севиниб бақирди барча.— Энди тахта олиб келиш мумкин, капани бузмаса ҳам бўлади.

Машина етиб келди. Кулчавой тушди. Унинг кетидан яна битта бола тушди. Ҳамма унга ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— Вой, оғайнилар, бу бизнинг Билағонимиз-ку!— деб бақириб юборди доктор Дорижон.

— Билағон келди!— деб бўқирди Довдирвой.

Болалар шу заҳотиёқ Билағонни қуршаб олишди-да, уни ўпиб кучоқлай бошлашди.

— Охири биз сени топиб олди-а,— дейишди улар.

— Қанақасига сизлар мени топибсизлар?— ҳайрон бўлди Билағон.— Менимча, сизларни мен топдим!

— Ҳа, ҳа, рост-а, бизни сен топдинг, сен бизни тамом ташлаб кетдинг деб ўйловдик.

— Мен сизларни ташлаб кетибманми?— деб яна ҳайрон бўлди Билағон.— Менимча, сизлар мени ташлаб кетдинглар!

— Ахир, сен парашютдан сакрадинг, биз бўлсак, у ерда қолдик-да,— деб жавоб берди Бўғирсоқ.

— Нега сакрамай қолдингизлар? Мен ахир ҳаммага сакранг деб буйруқ бергандим-ку. Менинг кетимдан сакрашларинг лозим эди, бари бир шар узоққа учиб боролмасди, сизлар эса юраксизлик қилиб қўрққансизлар-да.

— Ҳа-ҳа, қўрқдик... — деб бош қимирлатишди барча болалар.  
— Албатта, қўрқдик! — деди Билмасвой. — Сакрашдан чўчидик. Ким биринчи бўлиб қўрқоқлик қилган экан, билсак яхши бўларди?

— Ким экан? — деб сўради Магарқул. — Эҳтимол, аввало ўзинг қўрқоқлик қилгандирсан?

— Менми? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Албатта сен-да! — деб бақирди барча. — Сакраманглар энди, деб айтган ким эди? Сен эмасми?

— Ҳа майли, мен, — деб иқроп бўлди Билмасвой. — Нега бўлмаса, ўзларинг менинг гапимга кирдиларинг?

— Тўғри-да! — деб кулимсиради Билагон. — Хўп бошлиқ бўладиганни топибсизлар-да! Билмасвойнинг эшак эканини гўё билмайсизлар-а?

— Ана холос, — деб қўлини ёйди Билмасвой, — бундан чиқди, мен эшак эканман-да!

— Ҳам қўрқоқсан, — деб қўшиб қўйди Шарбатжон.

— Бунинг устига, ёлгончисан, — қўшиб қўйди Бўғирсоқ.

— Мен қачон алдабман? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Пуфакни мен ўйлаб топганман деб айтган ким эди? — деб сўради Бўғирсоқ.

— Унақа гапингни қўйсанг-чи! — деб қўлини силтади Билмасвой. — Мен ҳеч қанақа пуфакни ўйлаб топганим йўқ. Пуфакни Билагон топган.

— Буларга бошлиқ менман деб айтган ким экан? — деб Билмасвойга ёпишди Шарбатжон.

— Қанақасига мен бошлиқ эканман! Мен шунчаки.. Ҳа шунчаки. Мен ҳеч нима ҳам эмасман, — деб ўзини оқлади Билмасвой.

— Биз энди башарангга туф, деймиз! Энди бизнинг бошлигимиз Билагон, — деб бақираверди Шарбатжон.

Бу гапларнинг ҳаммасини эшитиб турган миттивойлар гурр этиб кулишди. Билмасвойнинг ғирт ёлгончилигини улар ҳам билишди.

Зағраҳон билан Дўмбоғой Билмасвойнинг ёлгончи эканини ва шарни у эмас, Билагон ўйлаб топганини ҳаммаёққа ёйиш учун югуриб кетишди.

Кўкқўз Билмасвойнинг олдига келиб:

— Нега бизни алдадингиз? — деб жеркди. — Сизнинг гапларингизга ишониб, ростданам, сизни ақлли, қўрқмас ва оққўнгил деб ўйлабмиз, сиз бўлсангиз ғирт ёлгончи, яна роса қўрқоқ экансиз!

У виқор билан Билмасвойдан юзини ўгирди-да, атрофини қизалоқлар ўраб олган Билагоннинг олдига келди. Уни кўриш ва унинг гапини эшитишга ҳамма ҳам қизиқарди.

— Қани менга айтинг-чи, ҳаво пуфагида учганда ер пастда

пирогга ўхшаб кўриниши ростми? — деб сўради Олмахон Билагондан.

— Йўқ, бу тўғри эмас, — деб жавоб берди Билагон. Ер жуда ҳам каттакон, ҳаво пуфагида юқори кўтарилганинг сари ер юзи яна кенг бўлиб кўринади, гўё тагин ҳам каттага ўхшаб кетади.

— Қани, менга айтиб беринг-чи, булут жуда ҳам қаттиқ эканми, учган вақтингизда уни болта билан чопиб йўл очганингиз тўғрими? — деб сўради Кўккўз.

— Бу ҳам тўғри эмас, — деб жавоб берди Билагон. — Булут ҳам ҳавога ўхшаб юмшоққина, нега деганингизда, у тумандан ҳосил бўлади, уни болта билан чопишнинг ҳеч ҳожати йўқ.

Қизалоқлар Билагондан ҳаво пуфаги буғ билан тўлдирилганми, ҳаво пуфаги оёғи осмондан бўлиб учиши мумкинми, учишган пайтда совуқ мингу яна ўндан бир даража бўлгани тўғрими, деб сўрашди. Билагон буларнинг ҳаммаси ёлғон деб жавоб берди-да:

— Бунақанги аҳмоқона гапларни ким айтди сизларга ўзи? — деб сўради.

— Буни гапирган Билмасвой, — деб жавоб берди Қуёнча кулиб.

Ҳамма Билмасвойга қараб, хохолаб юборди. У хижолат бўлганидан қизариб кетди, ер ёрилса, ерга кириб кетгудай бўлди, ура қочиб, ўсиб ётган қоқигулнинг ичига бекиниб олди.

«Қоқигулнинг ичида ётаман-да, улар бу воқеани эсларидан чиқаргандан кейин чиқаман», деб ўйлади Билмасвой.

Билагон Яшил шаҳарни кўргиси келди. Кўккўз, Ошпоғой ва бошқа қизалоқлар шаҳарнинг энг машҳур жойларини кўрсатиш учун у билан биргалашиб кетишди. Билагон дарё устига қурилган кўприкка синчиклаб қаради, кейин қамиш водопроводни кўрди. Уни водопровод ва фаввора қурилиши жуда ҳам қизиқтирди. Қизалоқлар унга водопровод қандай қилиб қурилганини ва фаввора қандай қилинганини, фаввора учун сув пастда бўлмай юқорида бўлиши зарурлигини гапириб беришди. Қизалоқлар шаҳридаги тартиб ва ҳаддан ташқари озодалик Билагонга жуда ҳам ёқиб тушди. У йўлкаларга ҳам шолча солиб қўйишганини мақтади. Қизалоқлар хурсанд бўлишганидан Билагонни ўз уйларини кўришга таклиф қилишди. Уйларининг ичи ҳам ташқи кўринишига ўхшаган чиройли эди. Билагон бир уйда китоб жавони кўриб қолиб, уйга қайтганда у ҳам ўзига китоб жавони қилмоқчи бўлганини айтди.

— Ҳали сизнинг китоб жавонингиз йўқми? — деб сўрашди қизалоқлар.

— Йўқ! — деб бўйнига олди Билагон.

— Китобларингиз қаерда сақланади бўлмаса?

Билагон қўлини силтаб қўя қолди, холос. Китобларим стол

остида, стол устида ва ҳатто каравотнинг тагида ётади деб тан олишга уялди.

Билағон, турган гап, тарвузларга ҳам қизиқди. Қизалоқлар унга Майсаой ҳақида гапиришди. Билағон у билан танишиб олмоқчи бўлди. Қизалоқлар Майсаойни топишиб, Билағон билан таништириб қўйишди. Билағон ундан ўзини қизиқтирган ҳамма нарсаларни сўрай бошлади. Майсаой унга турли мева ва сабзавотлар етиштирганини айтиб берди. Билағон унинг гапини жуда диққат билан тинглади, ҳатто баъзи нарсаларни ёндафтарчасига ёзиб ҳам олди.

— Мана бу жуда ақлли бола, — дейишди қизалоқлар. — Дарров бир нимани ўрганиб олишга интилгани кўриниб турибди.

Билмасвойнинг бўлса қоқигулнинг ичида ўтираверишга сабри чидамади, албатта. У ўқтин-ўқтин чиққанда шундай ҳолга тушганидан роса эзиларди. Қизалоқлар гўё у оламда йўқдай, унга сира эътибор қилишмади. Аммо болалар бўлса унга сира кун беришмади.

— Билмасвой ёлғончи! — деб бақирарди улар. — Билмасвой мақтанчоқ! Билмасвой кўрқоқ!

«Йўқ, ҳали унутишмабди!» — деб алам қилиб ўйларди Билмасвой ва яна ўзини қоқигулнинг ичига урарди.

Бир қанча вақтдан кейин у тагин чиққан эди, яна боягидек қилишди. Охири у:

— Энди сира чиқмайман! Сўзда туриш керак. Бу ерда эртагача қимирламай ўтираман. Базм бошланганда чиқаман, — деди.

## *Йигирма саккизинчи боб*

### ЯРАШ-ЯРАШ

Эртаси ҳамма сабрсизланиб кутган базм бошланди. Рақс майдончаси атрофидаги ясатилган капалар жуда чиройли бўлиб, ялтираб турарди. Майдонча устидан тортилган арқончаларга эса турли чироқ ва байроқчалар осилган эди. Шунақа байроқча ва чироқлар атрофдаги дарахтларда ҳам бор эди. Ҳар бир дарахт безатилган янги йил арчасига ўхшарди.

Гуллар билан безатилган шийпончанинг иккинчи қаватига ўн қизалоқдан иборат чолғу гуруҳи жойлашганди, ҳар битта қизалоқ чилтор чаларди. Бу ердаги чилторлар қўлда кўтарса бўладиган чилторлар эди. Тиззага қўйиб чаладиган чилторлар ҳам бор эди, шунингдек полда турадиган чилторлар ҳам қўйилганди. Битта жуда катгакон чилторни эса зинага чиқиб чалишга тўғри келарди.



Ҳали шом тушмасдан барча майдонча атрофига тўпланиб, Варракхонадан келадиган меҳмонларни кутишарди. Биринчи бўлиб Михвой келди. У озода кўйлак кийган, тоза ювинган ва таранган эди. Тўғри, фақат бошининг тепасидаги озгина сочи хўрознинг тожига ўхшаб диккайиб турарди. Аммо Михвойнинг ҳафсала билан тарангани сезиларди.

— Мана энди яхши бола бўлибсиз, — деди унга Мошхон. — Бунақа ясаниб, озода бўлиб юриш ўзингизга ҳам ёқса керак.

— Албатта, — деб қўшилди Михвой, кўйлагини тузатиб.

Михвойнинг кетидан Бурамавой билан Кулчавой келди, уларнинг ортидан варракхоналик бошқа болалар пайдо бўла бошлади. Уларни ҳеч ким таклиф қилмаган бўлса-да, аммо ҳар бири юборилган мева учун миннатдорчилик билдиришга келганини айтди. Уларни шу заҳоти базмга қолишга таклиф қилишди.

Билмасвой бўлса, ростдан ҳам қоқигул орасида базм бошлангунча ўтирди. Очиғини айтганда, у ўша жойда ўтиргандан кўра кўпроқ ётди, тўғриси, ухлади, аммо болаларнинг йиғила бошлаганини кўрган заҳоти ўтнинг ичидан чиқа солиб, тўғри майдонча томон йўл олди.

Болалар уни кўриб қолиб бақирди:

— Эй ёлғончи, сен ҳам келибсан-да! Қани, буёққа келиб оёғинг осмондан бўлиб учганингни айтиб бер-чи!

— Қани, шарбат ўрнида булутни еганингни айтиб бер-чи! — деб унинг олдига сакраб келиб бақирди Бўғирсоқ.

Билмасвой қаттиқ хафа бўлди. У бурилиб боши оққан тарафга жўнади. Болалар унинг кетидан алланималар деб бақирди, кулишди, лекин булар унинг қулоғига кирмади.

У йўлнинг фарқига бормай, юришиб, шаҳарнинг четига чиқиб қолди. Тахта деворга қоқилиб тушиб, пешонасини ғурра қилиб олди, Тўхтади-да, бошини кўтариб деворга қаради ва «Билмасвой аҳмоқ» деган ёзувга кўзи тушиб қолди.

— Ана холос! — деди Билмасвой. — Ҳалитдан менинг тўғримда деворга ёза бошлашибди.

Унинг шунақаям хўрлиги келдики, асло айтиб бўлмайди. У деворга бошини тираб ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

— Оҳ, мен қандай бахтсизман-а! — деди у. — Энди ҳамма мендан кулади! Ҳамма мени масхара қилади! Дунёда мени ҳеч ким, ҳеч ким ёқтирмайди!

У деворга бошини тираганча узоқ вақт туриб қолди, кўз ёши сира тўхтамасди. Бирдан у елкасига кимнингдир қўл теккизганини сезиб қолди. Кейин:

— Қўйинг, йиғламанг, Билмасвой! — деган ёқимли овозни эшитди.

У бундай қараб, Кўккўзни кўрди.

— Йиғлашнинг ҳожати йўқ, — деб қайтарди у.

Билмасвой ундан ўгирилиб, деворга ёпишиб, янада қаттиқроқ йиғлай бошлади. Кўккўз индамасдан унинг елкасини силади. Билмасвой унинг қўлини олиб ташлаш учун елкасини қирирлатди, ҳатто ер тепиниб ҳам қўйди.

— Қўйинг, қўйинг, бунақа жаҳлдор бўлманг, — деб эркалаб гапирди у. — Сиз, ахир, мулойим, яхши боласиз. Сиз янада яхши кўриниш учун мақтангансиз, алдагансиз, холос. Аммо энди сиз сираям бунақа қилмайсиз-а, шунақами? Бунақа қилмайсиз-а?

Билмасвой ғиқ этмади.

— Энди бунақа қилмайман, деб айтинг. Сиз ахир яхши-сиз-ку!

— Йўқ, мен ёмонман!

— Аммо бундан ёмонроғи ҳам бўлади.

— Йўқ, мен энг ёмонман...

— Бекор гап! Михвой сиздан ҳам баттар эди. Михвойга ўхшаб ярамас ишлар қилганингиз йўқ-ку, ахир. Охири у ҳам тузалиб қолди. Бундан чиқди, истагингиз бўлса, сиз ҳам, турган гап, яхши бўла оласиз. Иккинчи бунақа иш қилмайман денг-да, бошқатдан яхши бўла бошланг. Утган гапларни энди сира эсга олмайсиз.

— Майли, энди бунақа қилмайман! — деб қовоғини солиб тўнғиллади Билмасвой.

— Ана, қаранг, қандай яхши-я! — деб севиниб кетди Кўккўз. — Сиз энди ростгўй, қўрқмас ва ақлли бўлишга урининг. Яхшироқ кўринаман деб бўлмағур нарсаларни тўқимасангиз, яхши-яхши ишлар қила оласиз. Тўғрими?

— Тўғри, — деб жавоб берди Билмасвой.

У хўрсиниб Кўккўзга қаради-да, кўз ёшлари аралаш жилмайди. Кўккўз унинг қўлини ушлади:

— Юринг, одамларнинг ёнига борамиз.

Бирпасда рақс майдончасига етиб боришди. Бўғирсоқ Билмасвойнинг Кўккўз билан бирга келаётганини кўриб, бор овози билан бақирди:

— Билмасвой алдоқчи! Билмасвой аҳмоқ!

— Булутни қандай қилиб ютганингни айтиб бер-чи, — деб қичқирди Шарбатжон.

— Уят, сизларга, болалар! — деди Кўккўз. — Нега уни масхара қиласизлар.

— Нега ўзи алдади бўлмаса? — деди Бўғирсоқ.

— Вой, у ҳали сизларни алдадимиз? — деб ҳайрон бўлди Кўккўз. — У бизни алдаганда, индамагансиз, бундан чиқди, сиз ҳам унга шериксиз!

— Сизлар ҳам ундан яхшимасиз! — деди Оппоғой. — Сизлар унинг ёлгон гапирганини, мақтанганини кўра-била туриб, ҳеч бирингиз йўлдан қайтармагансиз. Ҳеч қайсингиз, бу яхшимас, демагансиз! Қанақасига сиз яхшисиз?

— Биз ўзимизни яхши деяётганимиз йўқ-ку! — деб елкасини қисди Бўғирсоқ.

— Ўзингиз яхши бўлмаганингиздан кейин, уни масхара қилманглар-да, — деб гапга аралашди Мошхон. — Сизнинг ўрнингизда бошқалар бўлганда унинг тузалишига аллақачон ёрдамлашган бўларди.

Бўғирсоқ билан Шарбатжон уялганидан Билмасвойни масхара қилишмай қўйишди.

Қалдирғоч уларнинг олдига келиб:

— Бечорагина-я! Йиғладингизми? Сизни масхара қилишди-ми? — деди. — Болалар шунақа эси паст, ҳовлиқма бўлишади. Сизни хафа қилдирмаймиз. Энди сизни масхара қилишларига сира йўл қўймаймиз. — У четроққа чиқиб, қизалоқларга шивирлади:

— У билан мулойим гаплашиш керак. Айб иш қилиб қўйиб, жазоланди, аммо у энди таъзирини еб, тавба қилди, бундан буён ўзини яхши тутиб юради.

— Албатта! — деб қўшиб қўйди Мошхон. — Масхара қилиш яхши эмас. Жаҳди чиқиб, яна баттар бўлади. Агар унга раҳм қилсанглар, ўз айбини чуқур ҳис қилади-да, тез тузалиб қолади.

Қизалоқлар Билмасвойнинг атрофини ўраб олишиб, унга ачина бошлашди. Билмасвой бундай деди:

— Мен олдинлари ўғил болалар яхши деб, қизалоқларга қўшилмасдим. Энди билсам, болалар сираям яхши эмас экан. Болалар нуқул мени масхара қилишди. Қизалоқлар бўлса менинг ёнимни олишди. Энди доим қизалоқлар билан аҳил бўламан.

## *Йиғирма тўққизинчи боб*

### БАЗМДА

Муסיқа янгради-ю ҳамма рақсга тушиб кетди. Шошқалоқ қорасоч Зағчахон билан чирпирак бўлиб айланди, Билағон Оппоғой билан рақс тушди, Сергап Қалдирғоч билан. Қаранг, кимнинг хаёлига келибди дейсиз — доктор Дорижон Асалхон билан рақсга тушиб кетса бўладими-я! Асалхон ҳам базмга келган эди. У ҳамма кўравериш кўникиб қолган оқ халатда эмас, чиройли гулдор кўйлак кийиб олган эди. Касалхонасида ўз ҳукмини ўтказадиган Асалхонга сира ҳам ўхшамасди. У Дорижоннинг елкасига қўлини қўйиб айланаркан, жилмайиб туриб:

— Бизнинг даволаш усулимиз сизникидан кўра анча яхшилигини, ҳарҳолда, тан олсангиз бўларди, — деди, — турли яра, шилинган, тирналган жойлар, ғурра ва ҳатто чипқонга ҳам асал

суртиб қўйса, яхши бўлади. Асал — жуда яхши, тоза тутувчи модда, шунингдек, йирингдан ҳам сақлайди.

— Гапингизга қўшила олмайман,— деб баҳслашди доктор Дорижон. — Ҳамма яраларга, тирналган ва шилинган жойларга йод суриш лозим. Йод ҳам жуда яхши, тоза тутувчи моддадирки, у ҳам йирингдан сақлайди.

— Ҳарҳолда бари бир фикримга қўшилсангиз бўларди, сизнинг йодингиз терини куйдиради, асал билан даволаса, сира ачиштирмайди.

— Асал билан даволаш фақат миттойларга тўғри келади, десангиз, қўшилишим мумкин. Аммо миттивойларга асалингиз ҳечам тўғри келмайди.

— Нега энди? — деди ҳайрон қолиб Асалхон.

— Сиз ўзингиз асал билан даволаса, ачиштирмайди дедингиз-ку.

— Сизга, албатта ярани ачиштириш шартми?

— Албатта, ачиштириши шарт,— деб жавоб берди доктор Дорижон. — Агар бирорта бола девордан ошиб оёғи шилиниб кетса, унда оёғига йод суртиб куйдириш керак, токи девордан ошиш шунақа хавфли эканини эсидан чиқармасин, ўшанда бошқа сафар девордан ошмайди.

— Унда бошқа сафар девордан ошмайди-ю, томга чиқади-да, йиқилиб бошини ёради,— деди Асалхон.

— Унда йодни бошига суртамиз, томга чиқиш ҳам хавфли эканини унутмайди. Йод бағоят тарбиявий аҳамиятга эга.

— Доктор тарбиявий аҳамиятни эмас, касалнинг азобини енгиллатишни ўйлаши керак,— деб жавоб берди Асалхон. — Йодингиз билан касални баттар азобга соласиз.

— Доктор ҳаммасини ҳам ўйлаши керак,— деди Дорижон. — Қизалоқларни даволаганда ҳеч нимани ўйламаслигингиз ҳам мумкин, аммо болаларни даволагудай бўлсангиз-чи...

— Келинг, яхшиси, бошқа нарса ҳақида гаплашайлик,— деб унинг гапини бўлди Асалхон. — Сиз билан сираям рақс тушиб бўлмаяпти.

— Йўқ, сиз билан рақсга тушиб бўлмаяпти!

— Сиз унчалик одобли эмассиз!

— Ҳа, биров менинг тўғримда шунақа бемаъни гапларни гапирса, одобсиз бўлиб қоламан.

— Бемаъни гапларни гапираётган ўзингиз! Сиз доктормас, шунчаки табибсиз.

— Сиз-чи... Сиз!..

Алам қилганидан Дорижон ҳеч нима деёлмади.

У рақс майдончасининг ўртасида тўхтаб, сувдан чиққан баликдай оғзини очиб, эси оғиб қолди. Жуфт-жуфт бўлиб рақс тушаётганлар унга тегиб кетишарди. Асалхонни ҳам туртиб юборишди. У Дорижоннинг қўлидан тортиб:

— Қани, рақс тушинг! Нега тўхтаб қолдингиз? Бошқаларга халақит беряпмиз! — деди.

Дорижон қўлини силтади-да, кейин иккови яна ўйинга тушиб кетишди. Олдинига индамасдан рақс тушишди, кейин тагин даволаш усули ҳақида жанжаллашиб кетишди.

Бўғирсоқ Дўмбоғой билан рақс тушарди. Улар ўртасида тамоман бошқача гап борарди.

— Қандни яхши кўрасизми? — деб сўради Бўғирсоқ.

— Жудаям, — деб жавоб берди Дўмбоғой. — Сиз-чи?

— Мен ҳам. Ҳаммасиданам хамир таомни яхши кўраман.

— Мен-чи, оламда ҳаммасиданам музқаймоқни яхши кўраман.

Мурватвой Олмаҳон билан рақсга тушди.

— Мен автомобиль ҳайдашни ўрганишни орзу қиламан, — деди Олмаҳон. — Бизнинг анча қизалоқларимиз ўрганиб олишган, демак, мен ҳам ўргана олар эканман-да.

— Бу жуда осон гап, — деб тасдиқлади Мурватвой, — тирковични босиб, кейин газ бериш керак, холос.

Билмасвой Кўккўз билан рақс тушди. Аммо, уни шунчаки номига рақс тушди деса ҳам бўлаверади. Деярли, Кўккўзнинг ўзи рақс тушди, Билмасвой бўлса эчкига ўхшаб сакрарди, холос. У Кўккўзнинг оёғини босиб олар ва нуқул бошқаларни туртиб юрарди.

Охирида Кўккўз:

— Келинг, яхшиси, ўтира қоламиз, — деди.

Улар кичкина ўриндиққа ўтиришди.

— Биласизми, — деди Билмасвой, — мен, ахир, сираям рақс тушишни билмайман.

— Буни ўзингиз бўйингизга олганингиз жуда яхши, — деди Кўккўз. — Сизнинг ўрнингизда бошқа биров бўлганда ё оёқ, ё қўлим оғрияпти деб, қоп-қоп ёлғонни дўндиради. Сиз бўлсангиз, билмайман, деб очиғини айтдингиз. Сиз билан дўстлашса бўлар экан,

— Албатта, бўлади, — деб рози бўлди Билмасвой.

— Уғил болалар билан дўстлашиш менга ёқади, — деди Кўккўз, — қизалоқларни кўп ёқтирмайман, чунки улар ҳаддан ташқари ўз хуснларига бино қўйишади-да, ойна олдида ўралашгани-ўралашган.

— Ойнага қарашни яхши кўрадиган болалар ҳам бўлади, — деб жавоб берди Билмасвой.

— Ахир, сиз унақамассиз-ку, а, Билмасвой? Тўғри, сиз унақа эмассиз-а?

— Йўқ, мен унақа эмасман, — деб жавоб берди Билмасвой.

У ҳозир алдади. У ҳам баъзан ҳеч ким йўғида бошқа болаларга ўхшаб ўз кўркига бино қўйиб, ойна олдида айланишарди.

— Сизнинг шунақа эмаслигингиздан жуда хурсандман, —

деди Кўккўз.— Иккаламиз дўст бўламиз. Менинг жуда қизиқ таклифим бор. Келинг, бир-биримизга хат ёзишамиз. Олдин сиз хат ёзинг, кейин мен сизга ёзаман.

«Ана холос!»— деб ўйлади Билмасвой. У фақат босма ҳарфлар билан ёзгани учун ўзининг саводсизлигини айтишдан уялди.

— Хатнинг нима кераги бор?— деб саросимада тўнғиллади у.— Биз унчалик олисда турмаймиз-ку. Шундоқ гаплашиб тур-сак ҳам бўлаверади.

— Вой, сиз жудаям камҳафсала экансиз-а, Билмасвой! Сиз менинг кўнглимга ёқадиган бирон иш қилишни хоҳламайсиз-а. Хат олиш жуда қизиқ-ку, ахир!

— Ҳа, майли,— деб рози бўлди Билмасвой.— Хат ёзаман.

Тез орада қоронғи тушди. Атрофда юзларча ранг-баранг чироқлар ярақлади. Чироқлар дарахтларда ҳам, капаларда ҳам порларди. Баъзи жойларда дарахт остидаги ўтлар орасига ҳам чироқчалар яшириб қўйишганди, бу чироқчалар ёниб, гўё ўтларнинг ўзи аллақандай сеҳрли нур сочаётганга ўхшарди. Чолғучилар жойлашган шийпончанинг пастига чиройли ҳаворанг парда тугилганди. Парда бирдан очилди-ю ҳамма саҳна борлигини кўриб қолди.

Саҳнага шоира Гулғунча чиқди-да:

— Тинчланинг, тинчланинг! Диққат! Ҳозир концерт бўлади!— деб эълон қилди.

Ҳамма ўриндиқларга ўтириб, концерт кўришга тайёрланди.

— Диққат!— деди яна Гулғунча.— Саҳнага биринчи бўлиб ўзим чиқаман. Мен сизларга дўстлик ҳақидаги янги шеъримни ўқиб бераман.

Қизалоқлар ва болалар гулдурос чапак чалишди. Чапаклар тўхташи билан Машшоқвой ўзининг дирижёрлик таёқчасини кўтарган эди, бирдан куй янгради. Гулғунча ўзининг дўстлик ҳақидаги янги шеърини мусиқа садоси остида ўқий бошлади. Бу шеър ҳам Гулғунчанинг бошқа шеърлари каби яхши эди. У: «Ҳамманинг дўсти бўлиши керак, керакдир дўстликни маҳкамлаш!» деган сўзлар билан тугади.

Ҳаммага маъқул бўлган шеърхонликдан кейин саҳнага рақс ансамбли чиқди. Ҳар хил рангли чиройли кўйлак кийиб, лента тақиб ясанган ўн иккита қизалоқ ҳар турли ўйинга тушди, уларнинг ичида энг яхшиси «шолғом» рақси эди. Томошабинлар ўша «шолғом» ўйини яна икки марта қайтарилмагунча ҳадеб қичқириб чапак чала беришди. Рақс ансамблидан кейин Варракхона шаҳар болалар жўри чиқди. Жўр бир қанча қўшиқ ижро этди.

Жўр саҳнадан тушиши билан Машшоқвой ўз чолғу гуруҳини қолдириб, иккинчи қаватдан устунга осилиб пастга — саҳнага тушди-да:

Буёққа чиқинглар, ошналар! Буёққа!— деб қичқирди.

Билагон, Шошқалоқ, доктор Дорижон ва Билагоннинг бошқа ўртоқлари саҳнага чиқишди.

— Диққат! — деб бақирди Машшоқвой. — Ҳозир Гулзор шаҳар болалар жўри чиқади.

У найини чалди, болалар бараварига шоир Гулшаний ёзган чигиртка ҳақидаги қўшиқни ижро этишди:

Чигиртка бор ўт ичида,  
Бодрингчадай кичик жуда.  
Жуда кўм-кўк эди-да у,  
Жуда кўм-кўк эди-да у.

Еяр эди нуқул кўкат,  
Қўнғизларга тегмас фақат.  
Ошна эди пашшаларга,  
Ошна эди пашшаларга,

Қараб уёқ ва буёққа,  
Келиб қолди оч қурбақа,  
Чигирткани ютди-қўйди.  
Чигирткани ютди-қўйди.

Уйламаган ҳеч қачон у,  
Ва қутмаган ҳеч замон у,  
Шундай бўлар деб охири,  
Шундай бўлар деб охири!

Қўшиқ ғамгин бўлганидан, охирида ашулачиларнинг ўзлари ҳам тоқат қилишолмай ҳўнг-ҳўнг йиғлашди. Очкўз қурбақа ютиб қўйган бечора чигирткага ҳамма ачинди. Кўзларидан дув-дув ёш тўкишди.

— Жуда яхши чигиртка эди бечора, — деди хўрсиниб Довдирвой.

— Ҳеч кимга сираям тегмасди, пашшалар билан ҳам аҳил эди, — деди Шошқалоқ.

— Шунинг учун ҳам уни қурбақа еб қўйди-да! — қўшиб қўйди Мурватвой.

Фақат Билагон йиғламасдан ўртоқларини овутди:

— Йиғламанглар, ошналар! Қурбақа чигирткани егани йўқ. Бу тўғри эмас. Қурбақа пашшани ейди. Улай агар, пашшани ейди!

— Бари бир, — деб хўрсинди Мурватвой, — мен пашшага ҳам ачинаман.

— Пашшага ачинишнинг нима кераги бор? Улар касал юқтириб, ҳамманинг жонига теккани-теккан. Энди бир камларинг пашшага ачинишмиди!

— Мен умуман пашшага йиғлаётганим йўқ! — деди Сергап. — Мен уйда эканлигимизда бу қўшиқни айтганимизни эсладим, холос.

Шу орада Билмасвой шундай қаттиқ увиллаб юбордики, йиғлаб турганлар ҳайрон қолишиб, йиғисини ҳам тўхтатиб, уни овутишга тушишди. Ҳамма ундан нега бунақа қаттиқ йиғлаганини сўрашди. Аммо Билмасвой пиқиллаб, ҳеч нима демади. Охирида хўрсиниб:

— Мен Дум... Мен анови... Думбулвойни соғиндим! — деди.

— Ростдан-а? — деб ҳайрон қолди барча, — соғинмай юриб-юриб, бирданига соғинибсан-да!

— Ҳа! — деб инжиқлик қилиб жавоб берди Билмасвой. — Мен бу ердан, Думбулвой бўлса, уйда қолди!

— Қўявер, сенсиз Думбулвой йўқолиб қолмайди, — деди Шошқалоқ.

— Йўқ, йўқолади! Мен биламан, у ҳам мени соғиниб қолган. Думбулвой менинг энг яхши оғайним, биз ҳаво пуфагида учганимизда, мен ҳатто у билан хайрлашмаган эдим.

— Нега хайрлашмадинг?

— У билан уришиб қолганим учун хайрлашгим келмовди. Биз учган маҳалда у нуқул менга қараб қўлини силкий берган эди, мен жўрттага юзимни тескари ўгириб олиб, унга қарамовдим. Ҳаво пуфагида учаётганимдан жуда мағрур эдим-да. Энди бўлса мени қийнапти анови... Нимайди?..

— Виждонми? — деди доктор Дорижон.

— Ҳа, ҳа, оғайнилар, виждон! Агар хайрлашганимда эди, менга анча осон бўларди. Оғайнилар, уйга қайтиб боргач, мен Думбулвой билан ярашаман-да, кейин хайрлашаман.

— Агар қайтиб борсак, хайрлашиш эмас, саломлашиш керак бўлади, — деди Билағон.

— Бари бир, олдин хайрлашаман-да, кейин саломлашаман, ҳаммаси жойида бўлади.

— Дўстлар, қайтиб кетишимизга тўғри келади, — деди Машшоқвой. — Билмасвойнинг уйга кетгиси келиб қолди.

— Тўғри, оғайнилар, менинг ҳам уйга кетадиган вақтим бўлди, — деди Дорижон. — Мен бўлмасам, Гулзор шаҳрида битта-яримтаси касал бўлиб қолиши мумкин, тузатадиган ҳеч ким йўқ, ахир.

— Бўлди-да, шунча ўйнаганимиз етар энди! — деб жавоб берди Билағон. — Қачон бўлмасин, уйга қайтишимиз керак-да. Эртага йўлга чиқамиз.

Базм тамом бўлди. Кўккўз Билмасвойнинг олдига келди:

— Мана, иккаламиз хайрлашамиз энди, — деди хафа бўлиб у.

— Ҳа, — деб аста жавоб берди Билмасвой. — Уйга кетадиган вақтимиз бўлди.

— Бизнинг шаҳарда жуда оз турдинлар.

— Менинг яна анча қолгим бор-у, аммо уйга кетгим келяпти, — деди Билмасвой бошини қуйи солиб.

Кўккўз ниманидир ўйлаб турди-да, кейин:



— Тўғри, албатта, уйга боришларинг керак, — деди. — Уйда қолган дўстларингиз, аҳтимол, сиздан хавотир олишаётгандир. Дўстларингизни унутмаётганларингиз яхши.

Анчагача иккови ҳам индамай туришди. Билмасвой нимадир демоқчи эди-ю, лекин томоғи бўғилиб, ичидан сўзи чиқмай қолса бўладими. У бошини эгиб пошнаси билан ерни қавлади, Кўккўзга қарашга журъат этолмади. У кўзимдаги ёшни кўриб қолади деб кўрққан эди. Ниҳоят, улар бошларини кўтардилар, кўз-кўзга тушди.

— Мен сизга йўлга халта тикиб берайми? — деди Кўккўз.  
— Майли.

Эртаси кун Билағон билан ўртоқлари йўлга тушишди. Яёв саёҳат қилишга қарор қилишди. Ҳаво пуфаги ёрилган, уни тузатиш қийин эди, бунинг устига ўша томонга шамол ҳам эсмасди. Ҳаммадан олдинда қўлига компас ушлаган Билағон борарди. Унинг кетидан доктор Дорижон, кейин Мурватвой билан Тузатвой, уларнинг кетидан эса қолган митти болалар кетишарди. Билмасвой ҳаммадан кейинда борарди. Болаларнинг орқасида юк халта бор эди. Бу халталарни қизалоқлар тикиб беришганди. Юк халталарда йўл учун пироглар ва шунингдек, Гулзор шаҳрида бўлмайдиган мева, сабзавот ва гул уруғлари бор эди. Шарбатжоннинг ҳамма чўнтагида биттадан тарвуз уруғи бор эди.

Ҳамма қизалоқлар болаларни кузатгани чиқишди. Кўплар йиғлашди.

— Йиғламанглар, — деди уларга Билағон. — Бир кунмас бир кун биз тагин ҳаво пуфаги ясаймиз-да, сиз томонга учиб келамиз.

— Кўккўз олма гуллаганда учиб келинглар, — деб қичқиришди қизалоқлар. — Бизда баҳор жуда чиройли бўлади.

Қизалоқлар шаҳар четида қолишди, болалар эса майсалар ва дала гуллари ўсиб ётган йўлдан кетишди.

— Хайр! Хайр! — деб қичқиришди қизалоқлар ва қўлларини силкишди.

— Хайр! Хайр! — деб жавоб беришди болалар.

Кўккўз индамасдан қўл силкиб қолди.

Болалар дарров олисга кетиб қолишди, қизалоқларнинг овози уларга зўрға эшитиларди.

— Билмасвой! Билмасвой! — деб қичқирди Кўккўз бир-данига.

Билмасвой қайрилиб қаради.

— Хат, Билмасвой, хат!

Билмасвой бошини қимирлатди ва қалпоғини силкий бошлади.

— У эшитибди! — деб севиниб кетди Кўккўз.

Сайёҳлар тез орада кўз илғар-илғамас нуқтага ўхшаб қолишди. Йўл бурилгандан кейин эса бутунлай ғойиб бўлишди. Қизалоқлар уй-уйига тарқалдилар. Ҳамма ғамгин эди.

# Ўттизинчи боб

## ҚАЙТИШ

Билагон билан ўртоқлари қанча-қанча ўрмон ва далалардан ўтиб, охири ўз қадрдон юртларига қайтиб келишди. Улар баланд бир тепаликка келиб тўхташди. Гулзор шаҳри бўлса, бор чиройи билан кўзга кўриниб турарди. Ёз тугай деб қолган, кўчаларда эса энг чиройли гуллар: оқ хризантемалар, қизил картошка гуллари, ранг-баранг қўқонгуллар чаман-чаман бўлиб очилиб ётарди. Ҳовлиларда эса турли-туман капалакгуллар очилган эди. Қип-қизил чўғдай товланган гуллар чекка жойларда, уйларнинг деворларида ва ҳатто томларда ҳам очилиб ётарди. Майин шабада оқгул ва капалакгулларнинг ёқимли ҳидини олиб келарди.

Билагон билан ўртоқлари суюнганидан бир-бирларини қучоқлаб олишди.

Кўп ўтмасдан улар ўз шаҳарларининг кўчаларидан юриб кетишди. Ҳамма уйлардан одамлар чиқиб сайёҳларни томоша қилишди. Билагон ва ўртоқлари кўп юриб қорайиб қолишганидан, уларни олдинига ҳеч ким танимади.

Кимдир бирдан қичқариб юборди:

— Оғайнилар, ахир бу Билагон-ку! Ана, қаранглар, ҳаммадан олдинда келяпти!

Атрофдан:

— Ана, доктор Дорижон! Овчи Ўқтой! Ана, Довдирвой! Бўғирсоқ! — деган овозлар эшитилди.

Одамлар севинганидан:

— Ура! — деб қичқариб юборишди.

Билагон билан ўртоқлари Чучмома кўчасига бурилишганда шунақа қизиқ бўлдики, асти қўяверинг! Бу ерда уларнинг қўшнилари ва яқин танишлари бор эди. Бутун кўчани миттилар тутиб кетди. Болалар ботир саёҳатчиларни қучоқлар, ўпар, қизалоқлар бўлса, бутун йўлларга дасторгулларни сочишарди.

Бирдан қаёқдандир бир кучукча чопиб келиб қолди. У вовиллар, овчи Ўқтойнинг атрофида сакраб юриб, унинг қўлини яларди.

— Оғайнилар, бу менинг Кўктойим-ку ахир! — деб қичқирди Ўқтой.

Болалар ҳаво пуфагида учиб кетгандан кейин бир неча кун ўтгач, Кўктой уйга қайтиб келганини қўшнилари айтиб беришди. Улар кучукни кўриб, Ўқтой билан ўртоқлари ҳалок бўлибди, деб ўйлашибди, ҳеч ким буларни тирик кўрамиз, деб ўйламаган экан.

Ўқтой Кўктой кучугини қўлига олиб, силаб-сийпалай бошлади.

— Вой, менинг вафодор кучуккинам! — деди у. — Демак, сен ўлмаган экансан-да? Мен сенга ачиниб юрибман!

Шу пайт кўчанинг у бошида миттиларнинг янги тўдаси кўринди. Ҳаммадан олдинда шоир Гулшаний югуриб келарди.

— Шеър! — деб қичқирди барча. — Ҳозир шеър ўқилади!

Қизалоқлар қаттиқ чапак чалишди. Бир неча бола бўлса, аллақачондан бўш бочка топиб келишиб, уни тўнкариб қўйишди.

Кимдир:

— Гулшаний, бочкага чиқ-да, шеър ўқи! — деб қичқирди.

Гулшанийнинг қўлтиғидан кўтариб бочкага чиқариб қўйишди. Гулшаний бирпас ўйлаб турди, озроқ йўталди, кейин Билагонга ва ўртоқларига қўлини чўзиб, шу ерда — бочканинг устида тўқиган шеърини берилиб ўқий бошлади:

Биз илиқ кўришамиз жасур сайёҳлар билан!

Улар учиб кетганди катта ҳаво шар билан.

Пуфак-муфаксиз улар —

Қайтиб келишди: — Ура!

— Ура-а-а! — деб атрофдан ҳайқаришди миттилар.

Гулшанийни шу заҳотиёқ бочкадан туширишди. Уни қўлла-рида кўтариб уйига олиб кетишди. Қизалоқлар унинг кетидан югуриб келишиб, дасторгул сепишди.

Гулшаний бу шеъри туфайли ўзи ажойиб саёҳатга бориб келгандай шуҳрат қозонди.

Жасур саёҳатчиларимиз эшикларини очиб, талай кун бўш қолган уйларига киришди. Кўчада фақат Билмасвойнинг ёлғиз ўзи қолди. У узоқлашиб бораётган тўданинг кетидан маънос қараб турди, кейин кимнидир қидиргандек атрофга аланглади. Кўча бўм-бўш эди. Гуё ҳаммани шамол учуриб кетгандай. Билмасвой маъюсланиб яна атрофга қаради. Шу пайт кўчанинг нариги бетида девор соясида кўзини катта очиб, унга бақрайиб қараб турган қандайдир болани кўриб қолди.

— Думбулвой! — деб қичқирди Билмасвой ўз дўстини таниб ва қўлини чўзди.

Думбулвой севинганидан чинқариб, Билмасвойга қараб югурди. Билмасвой бўлса унга қараб отилди. Иккала ошна бошини бошига уриб олишига сал қолиб, кўча ўртасида тўхташди. Думбулвой машҳур сайёҳ бўлиб қолган ўз дўстига фахр ва муҳаббат билан қарар, Билмасвой бўлса айбдор кишидай унга жилмайиб боқиб турарди. Улар бир-бирига тикилганча анча туриб қолишди, тўлқинланиб кетишганидан бирор сўз дейишолмасди. Кейин улар бир-бирини маҳкам кучоқлаб олишди, кўзларидан дув-дув ёш оқди.

Ана шундай дийдор кўришишди.

Шу билан Билагон ва ўртоқларининг машҳур саёҳатлари та-

мом бўлди. Гулзор шаҳридаги ҳаёт илгаригидай оқа бошлади... Йўқ, йўқ, илгаригидай деб ҳам бўлмайди.

Жасур саёҳатчиларимиз шаҳарга қайтиб келгандан бери ҳамма нукул улар ҳақида гапирди. Шаҳар аҳолиси, миттиойлар ва миттивойлар кечалари Билагоннинг уйига келиб, саёҳатчиларнинг бошидан кечирганлари ва Яшил шаҳардагиларнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоясини эшитишарди.

Бўғирсоқ қизалоқлар уни мазали пироглар билан меҳмон қилганини эслашни яхши кўрарди. Шарбатжон бўлса, роса ичган газли ширин сувлари билан мақтанарди. Билагон ҳам қамиш водопроводни, фаввораларни ҳамда қизалоқларнинг дарёга ажойиб кўприк солганларини, шунингдек, катта-катта тарвузлар етиштирилганини айтиб берарди. Шарбатжон шунда чўнтагидан тарвуз уруғини чиқариб:

— Мана шу уруғдан бир неча бочка шарбат олса бўлади деб, ким ҳам ўйлабди!— дер эди.

Агарқул билан Шошқалоқ айниқса қизалоқлар билан бирга ҳосил йиғиштиришганини ҳикоя қилишарди. Мурватвой билан Тузатвой механизация ҳақида, ўз шофёр дўстлари Кулчавой ҳақида, ҳамма иши тугмача билан битадиган механик-ихтирочи Бурамавой тўғрисида гапиришарди. Уқтой бўлса, касалхонада уни қандай қилиб даволашганини, чиққан оёғини жуда яхшилаб тузатган ажойиб врач Асалхонни ҳаммадан ҳам кўпроқ ёдга олишни хуш кўрарди. У ҳозир юриш-ку юриш, ҳатто чопар ва сакрай оларди ҳам. Сўзининг далили учун Уқтой чиққан оёғида бир оёқлаб сакраб кўрсатди.

Ҳамма ҳам ўзининг қизалоқлар билан бўлган дўстлигини сўзлар эди. Ҳатто камдан-кам, битта-яримта сўзни зўрға гапирадиган Индамас ҳам:

— Мен-чи, оғайнилар, олдинлари қизалоқлар билан ҳам болалардек яхши дўстлашса бўлади деб ўйламасдим, чин сўзим, — деб гапирди.

— Яхшиси, индамай қўя қол!— деб жавоб берди Билмасвой.— Мен сенинг у ерда битта-яримта билан дўстлашганингни пайқаганим йўқ.

— Сен дўстлашдингми бўлмаса?— деб сўрашди болалар.

— Мен Кўккўз билан дўстлашдим,— деди гердайиб Билмасвой.

— Сенга ишониб бўпмиз!— деди Мунчоғой.— Сен ҳатто дўстинг Думбулвой қизалоқлар билан дўстлашгани учун у билан уришгансан-ку!

— Ҳеч унақамас-да! Мен Думбулвой билан алақачон ярашганман, энди ўзим ҳам қизалоқлар билан аҳил бўлман.

— Нега олдин дўстлашмагансан?— деб сўради Мойчечак.

— Олдин мен жуда тентак эдим. Қизларга қўшилсам, болалар мени масхара қилишади деб қўрқардим.

— Сен эндиам қўрқарсан, — деди Чивиной.

— Йўқ, энди ақлим кирди. Сен билан ҳам дўстлашаман, майлими? Ким агар мендан кулса, пешонасига тушираман.

— Мени деб уришиш сенга жуда зарурмиди? — деди Чивиной.

— Йўқ, уришмайман. Кулганига сира эътибор бермай қўя қоламан.

Билмасвой Чивиной билан дўстлашди. Шундан бери агарда кимда-ким қизалоқларни хафа қиладиган бўлса, унинг олдига келиб:

— Сен нега қиз болани хафа қилдинг? Кўзингни оч, иккинчи шунақа қилганингни кўрмайин! Биз қизалоқларни хафа қилмайлик, — дерди.

Шунинг учун қизалоқлар уни хурмат қилишадиган ва Билмасвойни умуман ёмон боламас, дейишадиган бўлишди. Билмасвойни мақташлари бошқа болаларга алам қилди-да, улар ҳам қиз болаларнинг ёнини оладиган бўлиб қолишди. Гулзор шахрида қиз болаларни хафа қилишни бутунлай йўқ қилишди. Агарда битта-яримта бола мушт ўқталиб қолгундай ёки қизалоққа ранжитадиган сўз айтгундай бўлса, барча ундан кулар, уни беодоб деб, нозик муомалани билмаган қўпол, дер эди.

Агар миттиойлар миттивойлар билан ўйнамоқчи бўлишса-чи, энди ҳеч ким уларни ҳайдамайдиган, аксинча, ўйинга таклиф қиладиган бўлишди.

Билагон тез орада Гулзор шахрида ҳам қамиш водопровод қилишни ўйлади ва ҳозирча ҳар бир кўчага биттадан бўлса ҳам бир неча фаввора қурмоқчи бўлди. Бундан ташқари, ўрмонга ўтиш учун Бодринг дарёсига кўприк қуришни таклиф қилди. Қизалоқлар ўғил болалар қатори ишга киришиб кетдилар. Барча эрталабдан тушгача кўприк қурди, водопровод ўтказишди, фаввора қуришга уринишди. Тушдан кейин ҳамма ўйинга — биров бекинмачоқ, биров футбол ёки волейбол ўйнагани кетиб қолди.

Ҳақат Билмасвой ўйинга жуда кам қатнашарди. У:

— Энди ўйнагани вақтим йўқ. Мен ҳозир амал-тақал қилиб ўқий оламан, ёзишни эса босма ҳарфлар билангина ёзаман. Албатта, чиройли ёзувга ўрганишим керак. Негалигини ўзим яхши биламан, — дерди.

Футбол ёки чиллак ўйнашга бориш ўрнига Билмасвой ўтириб олиб ўқирди. У ҳар куни бир бетдан ўқирди, бу жуда фойдали эди, албатта. Баъзан бугунлик ва эрталик учун деб икки бетдан ҳам ўқиб қўярди. Ўқишни тугатгач, дафтарини олиб ёзув билан шуғулланарди. У энди босма ҳарфлар билан эмас, ёзма ҳарфларда ёзарди, аммо олдинига унчалик чиройли чиқмади. Авваллари унинг дафтаридида ҳарфлар эмас, алақандай қингир-

қийшиқ шакллар пайдо бўлиб қоларди, лекин Билмасвой аста-секин чиройли қилиб катта ва кичик ҳарфларни ёзишни ўрганиб олди.

Билмасвой дафтарига тез-тез сиёҳ томизар, озода қилиб ёзолмасди. Сиёҳ томиши билан дарров тили билан яларди. Шунинг учун томган сиёҳ узун думли бўлиб қоларди. Бунақа думларни Билмасвой «Думли юлдуз» деб атарди. Бунақанги «Думли юлдузлар» дафтарининг ҳар бир бетида учраб турарди. Аммо Билмасвой умидсизланмади. Чунки у чидам ва меҳнат «Думли юлдуз»лардан қутилишига мададкор бўлишини яхши биларди.

---

БИЛМАСВОЙ  
ҚУЁШ ШАҲРИДА



## Биринчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ ОРЗУСИ

«Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари» деган китобни, эҳтимол баъзи бир китобхонлар ўқишгандир. Бу китобда миттивойлар билан миттиойлар яшайдиган жой тўғрисида, бошқача қилиб айтганда, афсонавий миттилар мамлакати ҳақида ҳикоя қилинган эди. Шунақа митти-пакана болалардан бири Билмасвой эди. У Гулзор шаҳрининг Чучмома кўчасида Билағон, Шошқалоқ, Довдир, механиклар Мурватвой ва Тузатвой, мусиқачи Машшоқвой, рассом Бўёқвой, доктор Дорижонга ўхшаган бирталай дўстлари билан яшарди. Яна бу китобда Билмасвой билан шерикларининг ҳаво пуфагида учишгани, Яшил шаҳарда, Варракхона шаҳрида бўлишгани, у ерларда кўп нарса кўриб, талай нарсаларни ўрганишгани ёзилган. Уз шаҳарларига қайтиб келгандан кейин, Билағон билан унинг дўстлари Бодринг дарёсига Яшил шаҳардаги каби кўприк ясашга киришдилар, шаҳар ичига эса қамиш водопровод ва фавворалар қура бошлашди.

Бу ишларни қилишдан олдин улар шаҳар кўчаларига электр чироқлари ўрнатишди, бир-бирлари билан уй ичида туриб гаплашиш учун телефон ўтказишди. Мурватвой билан Тузатвой Билағон раҳбарлигида киноларни, театр томошаларини уйда ўтириб бемалол кўриш учун телевизор ҳам ясашди.

Саёҳатдан қайтгандан кейин Билмасвойнинг анча эси кириб қолганлиги ҳаммага маълум. У ёзадиган, ўқийдиган бўлди. Тил қоидаларини ҳам, ҳисобни ҳам ўқиб, ўрганиб олди, масалалар ечадиган бўлиб қолди. У қизиқчилик қилиб физика-музика деб атайдиган фанни ҳам ўқимоқчи бўлувди-ю, аммо иш шунга келганда, ўқишдан айниб қолди. Миттилар мамлакатида бунақа гаплар тез-тез бўлиб туради. Уларнинг баъзи бири бошимга тоғ ағдарилса ҳам шуни бажараман деб, бир қоп ваъда беради-да, уч-тўрт кун қаттиқ уриниб, кейин аста-секин ялқовлиги тута бошлайди.

Билмасвойни ҳеч ким тузалмайдиган ялқов бола демайди, албатта. Ростини айтганда, уни тўғри йўлдан тойган бола деса бўлади. Билмасвой ўқишга киришганда-чи, кунбўйи китобдан



бош кўтармасди. Аммо у энг зарур китобларни ўқимас, балки қизиқ эртақларни ўқигани-ўқиган эди. Эртақларни ўқий бошлагандан кейин ишни батамом йиғиштириб қўярди-да, хаёл дарёсига шўнғиб кетди. У эртақларни ҳаддан ташқари яхши кўрадиган Тугмачахон деган қизалоқ билан дўстлашиб қолди. Билмасвой билан Тугмачахон иккалови бирор овлоқ жойга борволиб, кўринмас қалпоқ, учар гилам, тез юрар этиклар, кумуш идишлар, ажойиб олмалар, сеҳрли таёқчалар, ялмоғиз ва жодугарлар, яхши ва ёмон сеҳргарлар ҳақидаги турли мўъжизаларни ўйлашарди. Бир-бирига ҳадеб эртақ айтишгани-айтишган эди. Аммо уларнинг энг яхши кўрган машғулоти — кўринмас қалпоқ яхшими, ўзи чалинадиган чолғу яхшими, учар гиламми ёки тез юрар этикми, деб баҳслашиш эди. Улар шундай қизгин баҳслашишардики, баъзан тортишувлари жанжал билан тугарди.

Бир марта улар сурункасига икки кун баҳслашишди. Билмасвой сеҳрли таёқчанинг яхши эканини, эгаси нима хоҳласа, шуни қила олишини Тугмачахонга исбот қилиб берди. У сеҳрли таёқчанинг эгаси: «Кўринмас қалпоқчам ёки тез юрар этикчам бўлишини истайман», деб сеҳрли таёқчасини силкитса борми, ҳаммаси тап-тайёр бўлади, қолади», — деди.

Билмасвой, энг муҳими, кимнинг сеҳрли таёқчаси бўлса, у ҳамма нарсани оппа-осон ўрганиб олиши мумкинлигини, ўқиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқлигини, агар у таёқчасини шундоқ силкитиб: «Арифметика ёки француз тилини билмоқчиман», — деса бўлгани, у ўша заҳоти арифметикани билиб, француз тилида гаплаша беришини айтди.

Бу суҳбатдан кейин Билмасвойнинг ўзи худди сеҳрланиб қолгандай бўлиб юрди. Кўпинча кечалари уйғониб кетиб, ўрнига ўтирволарди-да, ўзича алланималарни гўлдиар ва қўлини силкитарди. Гўё у сеҳрли таёқчани силкитаётгандай бўларди. Доктор Дорижон Билмасвойнинг ножўя қилиқ чиқарганини пайқаб қолди-да, агар бунақа томошангни йиғиштираман, каравотга арқон билан боғлаб қўяман ва тунда сурги дори ичирман, деди. Билмасвой сургидан қўрқиб тинчиб қолди.

Бир куни Билмасвой Тугмачахон билан дарё бўйида учрашиб қолди. Атрофда кўм-кўк бодринглар ўсиб ётарди. Улар катта бир бодринг устига ўтириб олишди. Офтоб анча баланд кўтарилиб атрофни бошлаб қиздирмоқда эди. Аммо Билмасвой билан Тугмачахонга иссиқ унча сезилмасди. Нега деганингизда улар ўтирган бодринг муздаккина эди, яна уларнинг тепасига ёпилган бодринг япроқчалари каттакон яшил соявонга ўхшаб офтоб иссиғидан сақларди. Шамол эса ўтларни аста шитирлатар, дарё устига тушган қуёш нурларини жимирлатарди. Бодринг япроқчаларининг тагидан тушиб турган, сув сатҳида жимирлаётган қуёш нурлари баргларга аллақандай сеҳрли жило бериб ялтирарди. Бундан, Билмасвой билан Тугмачахон ўтирган япроқлар остидаги ҳаво ҳам тўлқинланар ва беҳисоб кўринмас -

қанотчаларини силкитганга ўхшар, атроф алақандай ғайритабий ва сеҳрли бўлиб туюларди. Аммо Билмасвой билан Тугмачахонга бунақа манзаралар ўрганиш бўлиб қолганидан, улар ҳеч қандай гўзалликни сезишмасди, бунинг устига улар ўз хаёллари билан банд эдилар. Тугмачахон эртақлар ҳақида суҳбатлашишни истардику-я, лекин Билмасвой нимагадир башарасини буриштириб, қовоғини солиб, жим ўтирарди. Шунинг учун Тугмачахон гапиришга ботинмади. Ниҳоят, у чидаёлмай сўради:

— Нега бунча тумтайиб олдинг, сенга нима бўлди бугун, Билмасвой? Зерикканга ўхшайсан-а?

— Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деб жавоб берди Билмасвой,— зерикарли бўлгани учун зерикяпман-да.

— Қойил қилдинг!— деб кулди Тугмачахон.— Зерикарли бўлганидан зерикармиш, сен очикроқ қилиб тушунтиргин-да, бундоқ.

— Биласанми,— деди Билмасвой қўлини пахса қилиб,— шаҳримиздаги нарсалар кўнгилдагидек эмас-да, ҳеч қандай мўъжиза, ҳеч қандай сеҳр йўқ... Эски замонлар роса қойил экан-да! Ҳар қадамда сеҳргарлар учрар, жодугарлар, ҳеч бўлмаса алвастилар дуч келар экан. Булар ҳақида эртақларда бекорга айтилмаган, ахир.

— Албатта, бекорга эмас,— деб унинг фикрига қўшилди Тугмачахон.— Аммо, сеҳргарлар фақат эски замондагина бўлган эмас. Улар ҳозир ҳам бор. Лекин у ҳар кимга ҳам учрай бермайди-да.

— Уни ким учрата олиши мумкин? Балки сен учрата оларсан?— деб масҳара қилиб сўради Билмасвой.

— Нима деяпсан ўзинг, қўй-э!— деди Тугмачахон,— менинг қўрқоқлигимни ўзинг биласан-ку, агар шу топда сеҳргар учраб қолгундай бўлса борми, қўрққанимдан гинг деёлмасам керак. Сен бўлсанг, сеҳргар билан бемалол гаплаша олардинг, нега деганда, сен жуда ботирсан.

— Албатта, мен ботирман,— деб тасдиқлади Билмасвой.— Аммо нима учундир менга ҳалигача бирорта ҳам сеҳргар дуч келгани йўқ.

— Бунинг учун фақат ботирликнинг ўзи кифоя қилмайди-да,— деди Тугмачахон.— Мен битта эртақда ўқиганман, сеҳргарга учраш учун учта яхши ишни кетма-кет бажариш керак бўлар экан. Ана шундагина олдинда сеҳргар пайдо бўлиб, ҳамма истагингни бажарар экан.

— Сеҳрли таёқча ҳам берар эканми?

— Сеҳрли таёқча ҳам берар экан.

— Ростданми?!— деди ҳайратда қолган Билмасвой.— Сенингча, қандай ишларни яхши иш деб ҳисоблаш мумкин? Мана, мисол учун, агарда эрталаб туриб совуқ сувда совунлаб ювинсам, бу яхши иш бўлармикин?

— Албатта, яхши иш бўлади,— деди Тугмачахон,— агарда сен битта-яримтанинг оғир юкини кўтаришга ёрдам берсанг, ёки

агар бировни хафа қилишса-ю, сен хафа бўлганни ҳимоя қилсанг — булар ҳам яхши ишлардан ҳисобланади. Ҳатто, сенга битта-яримта ёрдам берса, унга раҳмат айтишинг ҳам яхши иш ҳисобланади. Чунки ҳар доим хушфезъл ва мулойим бўлиш керак-да.

— Менимча, бу ишлар унча қийинга ўхшамайди, — деди Билмасвой.

— Йўқ, бу жуда ҳам қийин, — деб унинг фикрига қарши чиқди Тугмачахон, — нега деганингда, учта яхши ишни кетма-кет бажаришинг керак. Агарда орасига жиндак ёмон иш тушиб қолса борми, ундан ҳеч нима чиқмай, ишни яна бошидан бошлашга тўғри келади. Шуниси ҳам борки, у иш ҳақиқатан яхши иш бўлиши учун уни ўз шахсий манфаатинг учун эмас, балки самимий, беғараз бажаришинг керак.

— Бу турган гап, албатта, — деб қўшилди Билмасвой, — ўз манфаатингни ўйлаб қилган ишинг қандай қилиб яхши иш ҳисобланарди, дейсан! Агарда шу гапларинг рост бўлса-чи, мен бугун дам оламан-да, эртадан яхши ишлар қила бошлайман. Ундан кейин сеҳрли таёқча бизнинг қўлимизда бўлади! Яшасин!

## Иккинчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ ЯХШИ ИШЛАР ҚИЛГАНИ

Эртаси куни Билмасвой вақтлироқ уйғонди-да, яхши ишлар қилишга киришди. Энг аввал турган заҳотиёқ совуқ сувда роса совунлаб ювинди, тишини яхшилаб ювди.

— Мана энди битта яхши иш тайёр! — деди у ўз-ўзига, артинаётиб.

Унинг ойна олдида айланишиб юрганини Шошқалоқ кўриб қолди:

— Жуда соз, жуда соз! Беҳад чиройли бўлиб кетибсан! — деди у.

— Ҳа, сендан чиройлиман! — деб жавоб берди Билмасвой.

— Албатта, сеникига ўхшаган чиройли башарани қидириб топиш қийин.

— Нима, нима? Башара дедингми? Менинг башарамними? — Билмасвойнинг газаби қайнаб кетиб, қўлидаги сочиқ билан Шошқалоқнинг елкасига солиб қолди.

Шошқалоқ бўлса қўлини силтаганича Билмасвойнинг олдидан ура қочди.

— Сеними, ярамас Шошқалоқ! — деб бақариб қолди Билмасвой унинг кетидан. — Сени деб яхши ишим ҳам чиппакка чиқди!

Шошқалоқдан аччиқланиб, уни сочиқ билан ургани учун ҳақиқатан ҳам яхши иши чиппакка чиққан эди. Бу ўринда Бил-

масвой, турган гап, ёмон иш қилди, энди ишни бошқатдан бош-  
лаши керак бўлади.

Билмасвой ўзини бир оз босиб олганидан кейин, тагин қан-  
дай яхши иш қилишни ўйлади. Аммо калласига дурустроқ фикр  
келмади. Нонушта пайтигача ҳеч нарса ўйлаб тополмади. Лекин,  
нонуштадан кейин калласи сал тузукроқ ишлай бошлади. Док-  
тор Дорижоннинг ҳовончада ниманидир туйиб дори тайёрлаёт-  
ганини кўрган Билмасвой унга:

— Дорижон, сен доим ишлайсан, бошқаларга ёрдамлашсан,  
сенга бўлса ҳеч ким ёрдам бермайди, кел, дорингни мен туйиб  
берақолай,— деди.

— Майли,— деб рози бўлди Дорижон.— Менга ёрдамлаш-  
моқчи бўлганинг жуда яхши. Ҳаммамиз бир-биримизга ёрдам  
беришимиз керак.

У ҳовончани Билмасвойга берди, Билмасвой дори туя бош-  
лади. Дорижон эса кукундан дори тайёрлади. Билмасвой ишга  
қизиқиб кетганидан дорини керагидан ортиқча туйиб юбо-  
рибди.

У ўзича: «Ҳечқиси йўқ, бу зиён қилмайди. Энг муҳими, мен  
яхши иш қилдим», деб ўйлади.

Агарда Билмасвой шу орада Шарбатжон билан Бўғирсоқни  
кўриб қолмаганда эди, иш ростдан ҳам кўнгилдагидай тамом  
бўларди.

— Билмасвойни қара,— деди Бўғирсоқ,— у ҳам доктор  
бўлмоқчи шекилли. Одамларни даволай бошласа, роса ғалати  
бўларди-да!

— Йўқ, у эҳтимол, менга сурги дори бермасин деб, До-  
рижонни авраётгандир,— деди Шарбатжон.

Уларнинг масхара қилаётганини пайқаб қолган Билмасвой  
Шарбатжонга ҳовончани ўқталиб қолди:

— Эй, сен, Шарбатжон, оғзингни юм, бўлмаса ҳовонча би-  
лан тушираман!— деди у.

— Тўхта! Тўхта!— деб бақириб қолди Дорижон.

У Билмасвойнинг қўлидан ҳовончани тортиб олмоқчи бўл-  
ганди, Билмасвой бермади. Улар уришиб кетишди. Жанжал  
орасида Дорижоннинг оёғи столчага илиниб, стол ағдарилиб  
тушди. Туйилган дориларнинг ҳаммаси полга тўкилиб кетди.  
Дона-дона хапдорилар ҳар ёққа думалаб кетишди. Дорижон  
Билмасвойнинг қўлидан ҳовончани зўрға тортиб олди-да:

— Жўна бу ердан, ярамас. Иккинчи турқингни кўрмайин.  
Қанча дори бекорга кетди,— деди.

— Хаҳ, сеними, ярамас Шарбат,— деб сўқинди Билмасвой.—  
Қўлимга тушарсан ҳали, сенга кўрсатиб қўяман. Шундай яхши  
ишим бекорга кетди-я.

Чиндан ҳам унинг яхши иши бекорга кетди, ҳатто у бу сафар  
яхши ишини охирига ҳам етказа олмади.

Бутун кун шундай ўтди. Билмасвой қанча уринмасин, учта  
яхши иш қилиш у ёқда турсин, ақалли иккита ҳам яхши иш қи-

лолмади. У эндигина бирор яхши иш қилганда орқасидан ёмон иш қилиб қўяр, баъзан эса яхши ишни бошламасданоқ бирон чагоғи чиқиб қоларди.

Кечаси Билмасвой аллавақтгача ухламай, нега бунақа бўлаётганини ўйлади. У ўзининг шунчалик муваффақиятсизликка учрашига хулқ-атворининг қўполлиги сабаб бўлаётганини аста-секин тушунди.

Агарда Билмасвойга битта-яримта ҳазиллашгундай бўлса, енгилепи камчилигини кўрсатса, у хафа бўлиб бақирар, ҳатто жанжаллашишдан ҳам қайтмасди.

«Майли, ҳечқиси йўқ, — деб ўзини-ўзи юпатди Билмасвой. — Энди эртадан бошлаб мулойим бўламан, ундан кейин ҳамма иш жоийда бўлади».

Эртасига Билмасвой чиндан ҳам қайта туғилгандай бўлди. У жуда сертакалуф, мулойим бўлиб қолди, битта-яримтага муурожаат қилса, албатта «бемалол бўлса» сўзини қўшиб айтадиган бўлди, ундан ҳеч ким бундай сўзни эшитмаганди. Яна ҳаммага хизмат қилишга, кўнглини топишга уринарди.

Ҳар доим йўқолиб қоладиган қалпоғини тополмай юрган Довдирвойни кўриб барча хоналарни қидиришиб, охири каравот тагидан унга қалпоғини топиб берди. Кейин кечаги қилмиши учун Дорижондан кечирим сўради-да, дори янчишсам майлими, деб илтимос қилди. Доктор Дорижон дори туйишга рухсат бермаса ҳам, боғдан марваридгул териб келишни топширди. Чунки у марваридгулдан суюқ дори тайёрлар эди. Билмасвой бу топшириқни жон-дили билан бажарди. Кейин у овчи Уқтойнинг овга киядиган янгигина этигини яхшилаб мойлаб берди. Сўнгра навбати келмаган бўлса ҳам полни тозалади. Умуман, бирталай яхши ишлар қилиб юборди. Билмасвой доим мана ҳозир саховатли сеҳргар пайдо бўлади-да, менга сеҳрли таёқчани беради деб интизор бўлди. Аммо кеч тушиб қолса ҳам, бари бир сеҳргар пайдо бўлмади.

Билмасвойнинг жуда жаҳди чиқди.

— Нега мени сеҳргар келади деб алдадинг? — деди у эртаси куни Тугмачахон билан учрашиб қолиб. — Мен аҳмоқ бўлса овора бўлиб бирталай яхши ишлар қилиб юборибман, бари бир ҳеч қанақа сеҳргарни учратмадим.

— Сени алдаганим йўқ! — деб ўзини оқлай бошлади Тугмачахон. — Бу гапни эртақда ўқиганман.

— Нега бўлмаса сеҳргар келмади? — деб дўқ қилди Билмасвой. Тугмачахон елкасини қисиб:

— Сеҳргар қачон келишини ўзи билади. Эҳтимол, сенинг бажарган яхши ишинг учта эмас, озроқдир-да.

— Учта бўлмаган эмиш! — деди энсаси қотиб Билмасвой. — Учтаям гапми, ўттиз учта бўлиб кетгандир!

— Бундан чиқди, сен яхши ишларни кетма-кет бажармай, ораларида ёмонларни ҳам аралаштиргандирсан-да, — деди Тугмачахон.

— «Орасида ёмонларини»миш! — деб масхара қилди Билмасвой. У Тугмачахонга башарасини бир бужмайтирган эди, Тугмачахон чўчиб, орқага тисарилди. — Биласанми, мен кеча кунбўйи ювош бўлиб, ҳеч қанақа ёмон иш қилганим йўқ: уришмадим ҳам, сўкишмадим ҳам, мен нуқул «кечирасиз», «рахмат», «марҳамат» деган сўзларни айтдим.

— Негадир бунақа сўзларни бугун сендан сира эшитмаётирман, — деди бошини қимирлатиб Тугмачахон.

— Мен бугунги эмас, ахир, кечаги иш ҳақида гапиряпман.

Билмасвой билан Тугмачахон нега бунақа бўлдийкин, деб ўйлай бошлашди. Ўйлай-ўйлай, бирор сабаб топишолмади. Охири Тугмачахон:

— Эҳтимол, сен бу ишларни беғараз қилмагандирсан, ўз фойдангни ўйлаб қилгандирсан? — деди.

— Нега энди беғараз бўлмас экан? Нима деяпсан? Довдирвойнинг қалпоғини топишга ёрдамлашдим. Нима, у менинг қалпоғимиди? Дорижонга марваридгул териб бердим. Бу марваридгуллардан менга нима фойда?

— Уларни нима учун тердинг?

— Ҳеч нимани билмагандай гапирасан-а? Уч марта яхши иш қилсанг сеҳрли таёқчага эга бўласан деб ўзинг айтувдинг-ку, ахир.

— Бундан чиқди, сен бу ишларнинг барчасини сеҳрли таёқчани олиш учун қилган экансан-да?

— Албатта.

— Ана кўрдингми, тагин беғараз қилганман, дейсан.

— Сеҳрли таёқчани олиш учун қилмасам, бу ишларни, қани сенингча, нима учун қилар эканман?

— Сен уларни шунчаки яхши ният билан қилаверишинг керак-да.

— Тагин қанақанги ният бўлиши мумкин!

— Эҳ, сени қара-я! — деди кулимсираб Тугмачахон. — Сеҳрли таёқча ёки бошқа бирор нарса мукофот беришлари учунгина яхшилик қилар экансан-да. Бизда ул-бул нарсага эга бўлиб қоламиз, деган умидда ёқимтойлик, ювошлик қиладиган болалар ҳам бор.

— Мен унақалардан эмасман-ку, — деди Билмасвой. — Агар керак бўлса-чи, мен текинга мулойим бўлишим мумкин. Ҳеч қанақа манфаатсиз ҳам яхши ишлар қилавераман.

Билмасвой Тугмачахон билан хайрлашиб уйига кетди. Энди у яхши ният билангина яхшилик қилишга аҳд қилди. Ҳатто, сеҳрли таёқчани ҳам хаёлига келтирмади. Аммо хаёлга келтирмаслик осонми, аслида бирор нарсани ўйламайман деб аҳд қилсанг, албатта, ўшани ўйлайверасан.

Билмасвой уйига қайтиб келгандан кейин эртақ китобларни ўқий бошлади. Деразанинг олдида милтиғини тозалаб ўтирган овчи Уқтой:

— Қанақа қизик нарса ўқияпсан? Овозингни чиқариб ўқисанг бўларди,— деди.

Билмасвой эндигина: «Ўқигинг келса ўзинг олиб ўқийқол», демоқчи эди, лекин шу заҳоти таёқчани эслаб қолиб, агар Ўқтойнинг илтимосини бажарсам яхшилик қилган бўламан, деб ўйлаб қолди.

— Ҳа, майли, қулоқ сол,— деди-да, китобни овоз чиқариб ўқий бошлади.

Овчи Ўқтой маза қилиб эшитганидан, милтиқ тозалаб зерикмади. Билмасвойнинг овоз чиқариб ўқиётганини эшитган бошқа миттилар ҳам тинглагани келишди.

— Яшавор, Билмасвой! — дейишди китобни ўқиб бўлгандан кейин улар. — Овоз чиқариб ўқишни зўр топибсан.

Мақтов Билмасвойга ёқиб тушди. Унинг бу орада сеҳрли таёқчани сира ўйламагани яна ҳам яхши бўлди.

«Агар сеҳрли таёқчани ўйламасдан китоб ўқиб беришга рози бўлганимда эди, буларни яхши ният билан қилган бўлардим, ҳозир-чи, буларни бир манфаат учун қилган бўлиб чиқаман-да», деб ўйлади Билмасвой.

Ҳар сафар шунақа бўларди, Билмасвой яхши ишлар қилганда нуқул сеҳрли таёқчани ўйлаб қолар, сеҳрли таёқчани эсидан чиқариб қўйганда эса нуқул ёмон ишлар қилиб қўярди. Гапнинг тўғриси айтганда, баъзан у сеҳрли таёқча учун қилаётганини хаёлига келтирмасдан унча-мунча кичкина яхшиликлар ҳам қилиб қўярди. Булар жуда кам бўлганидан, уни гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Кун, ҳафта ва ойлар ўтиб, Билмасвой аста-секин сеҳрли таёқчадан совий бошлади ва уни борган сари жуда кам эслайдиган бўлиб қолди. Охири у: «Сеҳрли таёқчага эришиш амалга ошмайдиган орзу, чунки ҳеч қачон учта беғараз яхшиликни кетма-кет бажаролмайман», деган қарорга келди:

— Биласанми? — деди у бир кун Тугмачахонга. — Менимча, дунёда сеҳрли таёқча бўлмаса керак, қанча қилсанг яхши иш, нуқул чекасан ташвиш.

Билмасвой бу гапнинг қофияланиб келганидан, ҳатто ўзи ҳам маза қилиб кулиб юборди. Тугмачахон ҳам кулди, кейин:

— Нега бўлмаса эртақда уч марта яхши иш қилиш керак дейилибди? — деди.

— Бу эртақ-чи, баъзи бир тентак митти болалар яхши иш қилишга ўрганишсин, деган мақсадда жўрттага тўқилган бўлса керак,— деди Билмасвой.

— Бу анча маъқул гап,— деди Тугмачахон.

— Албатта маъқул гап,— деб қўшиб қўйди Билмасвой. — Майли, пушаймон эмасман. Ҳар ҳолда, бу иш менга жуда фойдали бўлди. Яхши иш қилмоқчи бўлиб юриб, ҳар куни эрталаб совуқ сувда совунлаб ювинишга ўрганиб қолдим. Ҳатто, энди бу ишдан ўзим ҳам маза қиладиган бўлдим.

## Учинчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ ОРЗУСИ АМАЛГА ОШГАНИ

Бир куни Билмасвой уйида деразадан қараб ўтирарди. Уша куни ҳаво жуда ёмон эди. Қуёш эрталабдан бери сираям мўра-ламас, осмон кунбўйи қовоғини солиб олиб, тинмай ёмғир қуярди. Кўчага чиқиб ўйнаб бўлмасди, шунинг учун бугун Билмасвой жуда хафа эди.

Об-ҳаво Гулзор шаҳридагиларга ҳар хил таъсир қилди. Мисол учун Билагон, менинг уйда ўтириб қиладиган ишимга энг ёмон об-ҳаво ҳам, қор ва ёмғир ҳам халақит беролмайди, дерди. Доктор Дорижон бўлса, очиқ ҳаводан кўра ёмон ҳаво унга кўпроқ ёқишини айтарди, нега деганда, бунақа ҳаво болаларнинг аъзойи баданини чиниқтириб, улар касалликка кам йўлиқармиш. Шоир Гулшаний бўлса, шаррос ёмғир қуйиб турганда болохонадаги қуриган барглар устига ётволиб ёмғирнинг тунука томдаги тиринг-тирингини эшитиб ётиш роса ҳам маза бўлади, дерди. «Ташқарида ёмғир ёғмоқда,— дерди Гулшаний.— Кўчага бир қадам қўйиш ҳам маҳол, болохона илиқ, унда ўтириш маза. Қуруқ барглар ажойиб ҳид таратади, ёмғир тунука томни ноғора қилиб чалади. Бундан кўнглинг яйраб, маза қиласан-да, шеър ёзгинг келади!»

Аммо кўпчилик миттивойлар ёмғирни ёқтиришмасди. Ҳатто, битта Томчиой деган қизалоқ ёмғир ёғди дегунча, йиғлагани-йиғлаган эди. Унга: «Нега ҳадеб йиғлайверасан?»— дейишса, у: — «Билмадим, ёмғир ёққанда доим йиғлайман»,— дерди.

Албатта, Билмасвой Томчиойга ўхшаган кўнгли бўш йиғлоқ эмасдику-я, аммо ёмон ҳаво унинг ҳам таъбини хира қиларди. Бу сафар ҳам шунақа бўлди. У хафа бўлиб ёмғир томчиларига, ҳовлидаги гунафша ва бошқа гулларга, уйнинг олдида доим занжирда ётган Кўктой деган кучукка қараб ўтирарди. Кучук бўлса ҳозир уйчасига кирволиб, тумшуғинигина чиқариб мўралаб ётарди.

«Бечора Кўктой!— деб ўйлади Билмасвой.— Кунбўйи занжирда ётибди, ҳатто, бемалол югуриб юролмайди, энди бўлса ёмғирдан қочиб торгина инида ётгани-ётган. Ёмғир тиниши билан бўшатиб юбориш керак, ўйнаб келсин».

Лекин ёмғир ҳадеганда тинавермади. Билмасвой ўзича, энди ёмғир сира тинмасдан доим ёғаверади, қуёш ҳам булут орқасига бекиниб, энди сира кўринмаса керак, деган хаёлга борди.

«Ҳолимиз нима кечаркин?— деб ўйлади Билмасвой.— Сув ҳаммаёқни лой қилиб юборди-ку, ахир. Бунақанги лойгарчи-



ликда на ўйнаб бўлади, на юриб. Ҳамма кўчалар лой бўлиб қолди. Уйлар, гул ва дарахтлар лойга кўмилиб кетяпти, кейин митти болалар ҳам лойга ботиб кетишади. Жуда ваҳима-ку!»

Билмасвой энди бунақа лойгарчиликда яшаш қийинлашса керак, деб ўйлаб турганида, ёмғир секин-аста тинди, шамол булутларни ҳайдади, охири офтоб ҳам мўралади. Ҳаво очилди. Бирдан атроф ёришди. Ут ва гул япроқларида ҳали учиб кетмаган қумушранг ёмғир томчилари титраб туришарди. Гўё ҳаммаёқ шодланган ва кулганга ўхшарди.

Охири Билмасвой ширин хаёлларини тарк этди.

— Офтоб! — деб қичқирди у қуёшнинг чарақлаб турганини кўриб. — Офтоб! Офтоб!

Кейин ҳовлига югуриб чиқди.

Унинг кетидан бошқа миттивойлар ҳам югуришди. Барча қўшиқ айтиб ўйинга туша бошлади. Ҳатто, ҳавонинг қандайлиги менга бари бир деган Билағон ҳам севинганидан ҳовлининг ўртасида сакрарди.

Билмасвой бўлса ўша заҳотиёқ ёмғиру лойгарчиликни унутиб юборди. Гўё унга энди ҳеч қачон ҳаво булут бўлмайдигандай, офтоб ҳеч тўхтамай нур сочаверадигандай туюларди. Ҳатто, олдинига Кўктой кучукни ҳам эсидан чиқарди, кейин эсига тушиб қолиб, занжирини ечиб юборди. Кўктой ҳам ҳовлида югура бошлади. У севинганидан вовиллар ва ҳамманинг оёғидан тишлаб кўрарди, аммо унча қаттиқ тишламасди, нега деганингизда, танишларни тишламай, нуқул бегоналарни тишларди-да. Унинг шунақа одати бор эди.

Бир оз хурсандчилик қилишгандан кейин миттилар ишга тушиб кетишди. Баъзилари қўзиқорин териб келгани ўрмонга жўнашди, ёмғирдан кейин қўзиқорин кўпаяди-да.

Билмасвой бўлса, ўрмонга бормай, айвончанинг олдида китоб ўқиб ўтирди. Бу орада энди бойлоқдан қутулган Кўктой тахта деворнинг тешигидан кўчага чиқиб кетибди. У таёқ ушлаб кетаётган ўткинчини кўриб, уни қопмоқчи бўлибди. Кучуқлар бировнинг таёқ кўтариб кетаётганини жуда ёмон кўришади. Китоб ўқишга берилиб кетган Билмасвой кўчада ит акиллаганини эшитмай қолди. Тез орада кучуқнинг қаттиқ вовиллагани эшитилди. Билмасвой китобдан бошини кўтариши билан, Кўктойни қайта боғлаб қўйишни унутганлиги эсига тушиб қолди. У югуриб дарвозадан чиқди. Бир ўткинчининг кетидан вовилаб, унинг оёғини тишламоқчи бўлиб турган Кўктойни кўриб қолди. Уткинчи бўлса турган жойида гир айланиб қўлидаги таёқчаси билан Кўктойни ҳайдарди.

— Қайт орқангга, Кўктой, қайт! — деди чўчиб кетган Билмасвой.

Қараса, Кўктой қулоқ солмайдиганга ўхшайди. У югуриб бориб итнинг бўйнидаги тасмасидан ушлаб нарига судраб кетди.





— Эҳ, ярамас! Нега гапга қулоқ солмайсан-а!

Билмасвой Кўктойнинг калласига муштуми билан туширмақчи бўлиб, қўлини кўтарган эди, аммо бечора ит кўзлари жавдираб турганини кўриб, аяди-да, уриш ўрнига уни ҳовлига олиб кириб кетди. Кўктойни занжирга солиб, бу ҳалиги ўткинчини қопган бўлмасин яна, деб кўчага чиқди.

Ўткинчининг Кўктой билан олишиб жуда чарчаганлиги билиниб турарди. Шунинг учун у, эшик олдидаги супачада нафас ростлаб ўтирарди. Билмасвой эндигина уни дурустроқ кўриб олди. Унинг эгнида тўқ ҳаворанг чиройли матодан тикилган чопон бўлиб, унга олтин юлдузлар ва кумушранг ярим ой нусхалари тикилган эди. Бошида шунақа безакли қора қалпоғи, оёғида эса, тумшуғи қайрилган қизил кавуш бор эди. У Гулзор шахрининг аҳолисига ўхшамасди. Нега деганингизда, унинг узун оқ мўйлови ва тиззасигача тушадиган оқ соқоли қорбобоникига ўхшаб бутун юзини қоплаб олган эди. Гулзор шахрида ҳеч кимнинг бунақа соқоли йўқ, бу шаҳарда яшовчиларнинг ҳаммаси соқолсиз эди.

— Сизни ит қопиб олмадими? — деб меҳрибонлик билан сўради Билмасвой ва бу ажойиб чолга қизиқиб тикилди.

— Ҳа, итми? — деди мўйсафид. — Бу ит анча абжир итга ўхшайди. Ҳм!

Таёқчани оёқлари ўртасига қўйиб, икки қўли билан унга тиралиб олган чол, супачанинг бир четида ўтирган Билмасвойга кўз қирини ташлади.

— У Уқтойнинг кучуги, унинг оти Кўктой, — деди Билмасвой. — Уқтой уни овга олиб боради. Битта-яримтани қопиб олмасин деб занжирга боғлаб қўямиз. У сизни қопиб олмадими?

— Йўқ, қўзичоғим. Қопишига сал қолди-ю, ҳар ҳолда, қопмади.

— Емон бўлибди, — деди Билмасвой. — Қопмагани эмас, сизни чўчитиб юборгани ёмон бўлибди, демоқчиман. Бунга мен айбдорман. Уни занжирдан бўшатиб юборувдим, кейин яна боғлаб қўйишни унутибман-да. Мени кечиринг!

— Ҳечқиси йўқ, майли, кечирдим, — деди мўйсафид. — Яхши бола экансан.

— Йўқ, мен энди яхши бола бўлмақчиман. Тўғрироғи, олдинроқ шунақа бўлмақчи эдим. Ҳатто, яхши ишлар ҳам қилиб юрдим, энди-чи, йиғиштириб қўйдим.

Билмасвой қўлини силкитиб суҳбатдошининг оёғидаги чиройли қизил кавушга қаради. У чолнинг кавуши ярим ой ва юлдузнусха боғич билан бир-бирига боғлаб қўйилганини пайқаб қолди.

— Нега энди йиғиштириб қўйдинг? — деб сўради миттигина чол.

— Нега деганингизда, бари бўлмағур экан.

— Нима бўлмағур экан — яхши ишлар қилишми?

— Йўқ, сеҳргарлар... Кавушингизнинг боғичига олтин суви юритилганми ёки асли олтинданми?

— Олтиндан... Нега сен сеҳргарларни бўлмагур дейсан?

Билмасвой сеҳрли таёқчани қандай орзу қилганини, Тугма-чахоннинг уни топиш учун уч марта яхши иш қилиш керак деб айтганини, у бўлса яхши ишларни яхши одат юзасидан эмас, нуқул сеҳрли таёқчани топиш ниятида бажаришга ўрганиб қолганини айтиб берди.

— Мана, сен Кўктойни ўйнаб келсин деб ечиб юборганингни айтдинг, бу ишни ҳам сеҳрли таёқчани қўлга киритиш ниятида қилганинг йўқку-а? — деб сўради чол.

— Нима деяпсиз! — деб қўлини силтади Билмасвой, — у пайтда сеҳрли таёқчани унутиб юборувдим. Кўктойнинг доим занжирда ётганига раҳмим келувди-да.

— Бундан чиқди, бу ишни яхши ният билан қилган экан-санда?

— Албатта.

— Мана, бу битта яхши ишинг!

— Яшасин! — деб қичқириб юборди Билмасвой, севинганидан хохолаб. — Яхши иш қилганимни ўзим ҳам билмай қолибман-да!

— Ундан кейин сен яна битта яхши иш қилдинг, — деди чол.

— Қачон?

— Мени итдан қутқардинг. Бу ёмон ишми, ахир? Ё бўлмаса, сен уни сеҳрли таёқчани олиш умидида қилувдингми?

— Йўғ-э! Сеҳрли таёқчани хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

— Ана, кўрдингми! — деб хурсанд бўлиб кетди чол. — Кейин сен учинчи марта яхши иш қилдинг. Ит қопмадими деб, олдимга келдинг, кечирим сўрадинг. Бу жуда яхши одат, нега деганда, одамлар бир-бирига доим ғамхўр бўлиши керак.

— Бу жуда ғалати-ку! — деб кулиб юборди Билмасвой. — Учта яхши ишни кетма-кет бажардинг, дейсизми? Умримда бунақа ажойиб иш қилган эмасман. Агар мен бугун сеҳргар билан учрашиб қолгундай бўлсам, сира ҳам ҳайратда қолмасдим.

— Ҳайрон бўлмагин. Сен у билан учрашиб турибсан...

Билмасвой чолга шубҳаланиб қаради:

— Сиз балки мен сеҳргарман деб ҳам айтарсиз ҳали?

— Ҳа, мен сеҳргарнинг ўзиман.

Билмасвой чол тагин мендан кулаётган бўлмасин деб, унинг юзига қаттиқ тикилди, аммо чолнинг юзи қалин соқол билан қопланганидан унинг жилмайишини сезиб бўлмасди.

— Эҳтимол, сиз мендан кулаётгандирсиз? — деб ишонқирамай сўради Билмасвой.

— Сираям кулаётганим йўқ. Мана, уч марта яхшилик қилдинг, мендан истаганингни сўрашинг мумкин... Қани, сенга ҳаммасидан нима ёқади, кўринмас қалпоқми ё тез юрар этикми? Ёки сенга учаргилам ёқадими?

— Сизда учаргилам борми?

— Нега бўлмас экан. Учаргилам ҳам бор, ҳамма нарса бор. Чол чопонининг кенг енгидан най шаклида ўралган гиламни олди-да, уни очиб, Билмасвойнинг олдига, ерга ёзиб юборди.

— Мана бу тез юрар этик, мана буниси эса, кўринмас қалпоқ.

Чол бу сўзни айтди-ю, бошқа бир енгининг ичидан қалпоқ билан этикни чиқариб, гиламнинг устига қўйди. Кейин ўзи чалинар чолғу, очилдастурхон ва бошқа ҳар хил сирли нарсалар пайдо бўлди.

Билмасвой олдида рostaкам сеҳргар ўтирганлигига аста-секин ишона бошлади.

— Сезда сеҳрли таёқча ҳам борми? — деб сўради у.

— Нега йўқ бўлар экан? Сеҳрли таёқча ҳам бор. Марҳамат, мана.

Сеҳргар шу заҳотиёқ чўнтагидан кичкинагина жигарранг таёқчани олди-да, Билмасвойга узатди.

Билмасвой таёқчани олди.

— Ростакaмми бу ўзи? — деб орзуси амалга ошганига ишон-кирамай сўради у.

— Ростакaм сеҳрли таёқча, ишонавер, — деди сеҳргар. — Агарда ёмон иш қилмасдан, қўлингдаги таёқчани шундоқ сил-китсанг бўлди, барча истагинг амалга оша беради. Аммо учта ёмон иш қилишинг билан сеҳрли таёқча сеҳр кучини йўқотиб қўяди.

Билмасвой севиниб кетганидан нақ энтикиб қолиб, юраги қаттиқ дукиллаб ура бошлади.

— Мен энди чопқиллаб бориб Тугмачахонга сеҳрли таёқча-миз бор, деб айтман. Ахир буни қандай қилиб топишни у ўр-гатганди-да, — деди Билмасвой.

— Чопақол, чопақол, — деди сеҳргар. — Тугмачахон ҳам се-вина қолсин. Унинг қачондан бери сеҳрли таёқчани орзу қилиб юрганини биламан.

Сеҳргар чол қўли билан Билмасвойнинг бошини силаб қўй-ди, Билмасвой шунда чолнинг меҳрибон юзидаги мулойим та-бассумни кўриб қолди.

— Хайр, энди бўлмаса! — деди Билмасвой.

— Омон бўл! — деди кулимсираб сеҳргар.

Билмасвой сеҳрли таёқчани кўксига маҳкам қисиб, ғизиллаб кетди ва Тугмачахоннинг уйига яқин йўлдан бориш учун тор кўчага бурилди. Шу ерга келганда сеҳргарнинг ажойиб совғаси учун миннатдорчилик билдирмагани эсига тушиб қолди. У ғизза орқасига қараб югурди. Тор кўчадан чиқиб қараса, кўчада ҳеч зот йўқ. Сеҳргар сулачада ҳам, супача ёнида ҳам кўринмади. У учаргилами ва бошқа сеҳрли буюмлари билан ё ерга кириб кетган, ё осмонга учиб кетган бўлса керак.

## Тўртинчи боб

### БИЛМАСВОЙ ВА ТУГМАЧАХОННИНГ КИР-ЧИР ОЛАБОЛА БИЛАН УЧРАШИШГАНИ

Билмасвой энди минг урингани билан шу ачинарли хатонинг тузалишига кўзи етмаганидан кейин, Тугмачахон томонга қайтиб кетди. Энди у шошмасдан борар, гоҳо, кўча ўртасида тўхтаб, алам билан бошини тебратар, ўзича нималардир деб пичирлар, томоғини қириб қўярди-да, кейин яна юриб кетар эди.'

Тугмачахон кўчада — уйи олдида ўйнаб юрган экан, Билмасвойни кўриб, унга қараб югурди.

— Салом, Билмасвой! — деб хурсанд бўлиб қичқирди.

Билмасвой унинг саломига жавоб бермади.

— Энди мен Билмасвой эмасман, узунқулоқ эшакман, — деди хафа бўлиб.

— Ҳа, нима бўлди? — деб безовта бўлди Тугмачахон.

— Нима бўларди, сеҳргар менга таёқча берувди, мен бўлсам унга раҳмат ҳам демапман!

— Қанақанги таёқча ўзи? — деб ҳайрон бўлди Тугмачахон.

— «Қанақанги, қанақанги» эмиш! Гўё билмагандай гапирасан! Сеҳрли таёқча-да!

— Билмасвой, сен жинни бўлиб қолганга ўхшайсан, Аллақандай сеҳрли таёқча деган нарсани тўқибсан.

— Ҳеч тўқиганим йўқ. Мана таёқча, кўрдингми?

Билмасвой қўлида маҳкам ушлаб турган таёқчасини Тугмачахонга кўрсатди.

— У нима? Оддий таёқча-да, — деди Тугмачахон.

— Оддий таёқча! — деди масхара қилиб Билмасвой. — Билмасанг гапирма! Буни менга сеҳргар берди.

— Қандай сеҳргар?

— Яна «қандай сеҳргар» дейди-я! Сеҳргар қанақа бўлишини билмагандай гапирди-я!

— Албатта, билмайман-да, — деб елкасини қисди Тугмачахон. — Ахир ростакан сеҳргарни ҳеч кўрмаганман.

— У шунақа серсоқол, кийимида бўлса юдуз ва ярим ойнинг нухси бор... Биласанми, Кўктой вовулловди, мен-чи, учта яхши иш қилиб қўйсам бўладими!

— Ҳеч нимани тушунмаяпман. Яхшилаб тушунтириб бергин.

Билмасвой бўлган ҳамма ишни тушунтириб, айтиб берди. Тугмачахон эшитиб бўлиб, бундай деди:

— Тагин битта-яримта жўрттага сеҳргар кийимини кийиб олиб, сендан кулган бўлмасин?

— Агар у сеҳргар бўлмаса, мен сеҳрли таёқчани қаёқдан олибман?

— Таёқчанинг сеҳрли эканига тушунасанми ўзинг? Синаб кўрдингми?

— Синаб кўрганим йўғу, лекин синаб кўрса бўлади.

— Нега ўйлаб ўтирибсан бўлмаса? Бирорта орзуни айтиб таёқчани силкитиш керак-да, ахир. Агар айтганинг бўлса, унда бу ростакам сеҳрли таёқча бўлади.

— Агар айтганим бажарилмаса-чи? — деб сўради Билмасвой.

— Агарда бажарилмаса, унда у, шунчаки оддий ёғоч калтакча бўлади, тамом-вассалом? Наҳотки, буни ўзинг билмасанг! — деди жаҳли чиқиб Тугмачахон.

У бу таёқча сеҳрлими йўқми эканини билишга шошилар, Билмасвойнинг ҳалигача буни текшириб кўрмаганидан жаҳли чиқарди.

— Ҳа, майли, — деди Билмасвой. — Ҳозир синаб кўрамиз. Нима сўрасак экан-а?

— Нимани сўрайсан, ахир? — деди Тугмачахон.

— Узим ҳам билмайман... Ҳозир менга ҳеч нима керакмасга ўхшайди.

— Нега керак эмас экан? — деб хуноб бўлди Тугмачахон. — Ўйлаб кўргин. Музқаймоқ егинг келмаяптими?

— Музқаймоқми, егим келяпти, — деб рози бўлди Билмасвой. — Ҳозир музқаймоқ сўраймиз.

У сеҳрли таёқчани кўтариб силкитди-да:

— Икки кишилик музқаймоқ бўлишини хоҳлайман! — деди.

— Бандли бўлсин, — деб қўшиб қўйди Тугмачахон.

Билмасвой ботинмай қўлини олдинга чўзиб, кўзини қисди.

«Ҳеч қанақа музқаймоқ пайдо бўлмаса керак! — деб ўйлаб турганди, шу заҳоти қўлига совуққина қаттиқ бир нарса текканини сезиб қолди.

Билмасвой кўзини очиб, қўлидаги музқаймоқни кўрди. Бунинг қаердан тушиб қолганини билмоқчи бўлгандай, оғзини очиб, осмонга қаради. Осмонда ҳеч қанақа шубҳаланадиган нарса кўринмагач, қўлидаги музқаймоқ гўё ҳозир йўқ бўлиб қоладигандай хавотирланиб, Тугмачахонга қайрилиб қаради. Тугмачахон ҳам қўлида музқаймоқ ушлаб жилмайиб турарди.

— Му, му, му, му... — деб гўлдирди Билмасвой бармоғи билан музқаймоқни кўрсатиб.

У нимадир демоқчи бўлувди-ю, аммо ҳаяжоннинг зўридан биттаям сўз айтолмади.

— «Му, му, му» деганинг нимаси? — деб сўради Тугмачахон.

Билмасвой бўлса қўлини силтади ва музқаймоқни ейишга киришди. Тугмачахон ҳам ея бошлади. Музқаймоқни еб бўлгач, Тугмачахон:

— Жуда ширин экан, тўғрими? — деди...

— Қойил! — деб мақтади Билмасвой ҳам. — Тагин биттадан сўраймиз-а?

— Бўпти, — деб рози бўлди Тугмачахон.

Билмасвой қўлидаги таёқчани силкитди:

— Тагин биттадан музқаймоқ бўлишини хоҳлайман!

Шу пайт осмонда бир нарсанинг астагина шипиллагани



әшитилди-ю, Билмасвой билан Тугмачахоннинг қўлида тагин биттадан музқаймоқ пайдо бўлди. Билмасвой бир дақиқа яна соқовга ўшаб қолди. Аммо бу сафар тезда эс-ҳушини йиғиб олди. Музқаймоқни еб бўлгач:

— Тагин биттадан сўраб кўрамизми? — деди.

— Тагин биттадан есак бўлади, — деди Тугмачахон.

— Менга қара, бир доналаб сўраб ўтирамызми? — деди Билмасвой ва таёқчани силкитиб: — Бир қути музқаймоқ бўлишини хоҳлайман! — деб қўшиб қўлди.

Шунда музқаймоқчилар музқаймоқ солиб юрадиган қутига ўшаган катта, ҳаворанг қути шарақ этиб ерга тушса бўладими. Билмасвой қопқоғини очиши билан қути ичидан гуп этиб буғ кўтарилди, у қутидан икки дона музқаймоқни олди. Қопқоғини ёпиб, супачага ўтиргандай қути устига ўтириб олди. Билмасвой олдингиларидан кўра совуқроқ ва қаттиқроқ бўлган музқаймоқни ея бошлади.

— Музқаймоқ мана бунақа бўлади! — деб мақтади у. — Тишингни синдиради-я!

— Роса қизиқ-а, бу таёқча музқаймоқдан бошқа бирор нарса ҳам келтира олармикан-а? — деб сўради Тугмачахон.

— Тентаксан! — деди Билмасвой. — Бу ростакан сеҳрли таёқчаку, ахир, ҳамма нарса қила олади. Хоҳласанг, кўринмас қалпоқчани ҳам топиб беради, хоҳласанг, сенга учаргиламни ҳам беради.

— Кел, бўлмаса, учаргилам сўраймиз-да, саёҳатга чиқамиз, — деди Тугмачахон.

Билмасвойнинг саёҳатга жўнагиси келиб турган эдику-я, аммо Билағон ясаган ҳаво пуфагида учганда роса қўрққани эсига тушиб қолди.

— Учаргиламда саёҳат қилиш унча ўнғай эмас, чунки юқорида учганингда пастда ҳеч нимани кўролмайсан, — деди у.

— Ундоқ бўлса, бошқа бирор нарса ўйлаш керак, — деди Тугмачахон. — Бир китобда аллақандай поездлар бўлади, деб ўқиган эдим... Ҳеч нима қилмай ўтирар экансан, паровоз бўлса сени темир йўлдан олиб кетаверар экан.

— Мен уни биламан. Бизга темир йўл тўғрисида Билағон гапириб берган. У Қуёш шаҳридан китоб олиб келгани борганида кўрган экан. Аммо темир йўл ҳам хавфли, нега деганингда поездлар тўқнашиб кетиши мумкин.

Шунда янги машиналарини кўчанинг ўртасидан ҳайдаб кетаётган Мурватвой билан Тузатвой кўриниб қолди. Бу автомобиль Билмасвой ҳайдайман деб синдириб қўйган олдинги машинага ўшаб атрофи очик, тўрт кишилик эди. Аммо бунисининг фарқи шундаки, биринчидан, мотори кучли ва иккинчидан, оддий газли сув билан эмас, қиздирилган газли сув билан юрарди.

Билмасвой билан Тугмачахонни кўрган Мурватвой ва Тузатвой уларга қўл силкишди. Билмасвой сеҳрли таёқчам бор деб

бақира бошлади, аммо автомобилнинг вағиллаганидан Мурватвой билан Тузатвой ҳеч нимани эшитмади. Машина чанг бурқситиб, кўчанинг охирида кўринмай кетди.

— Мана, биз нимада саёҳатга чиқамиз!— деди Билмасвой.

— Автомобилдами?— деб сўради Тугмачахон.

— Албатта!

— Тепаликда автомобилдан йиқилганингни эсингдан чиқарибсан-да. Машинани синдириб, ўзинг ҳалок бўлишингга сал қолганди-ку!

— Эй, тентакча! Ахир у пайтда ҳайдашни билмасдим-да.

— Ҳозир ўрганиб олганмисан?

— Энди ўрганишимнинг кераги йўқ. Сеҳрли таёқчага ҳайдашни ўрганай десам бўлди, ўрганаман-қўяман.

— Унақа бўлса, бўпти,— деди Тугмачахон.— Автомобилда борақоламиз. Бу ростдан ҳам қизиқ бўлади.

Билмасвой таёқчани силкитиб:

— Мурватвой билан Тузатвойникига ўхшаган автомобилмиз бўлишини истайман ва уни мен ҳайдай олайин!— деди.

Уша захотиёқ кўча бошида автомобиль пайдо бўлиб, тезликда Билмасвой билан Тугмачахоннинг олдига келди. Билмасвойга бўлса, Мурватвой билан Тузатвой яна қайтиб келаётгандай туюлди. Автомобиль келиб тўхташи билан Билмасвой қараса, машина ичида ҳеч ким йўқ экан.

— Роса қойил-ку!— деди севиниб кетиб у ва автомобилнинг ҳаммаёғини кўриб чиқди.

Тагин ҳайдовчиси бизни аҳмоқ қилиб алдаётган бўлмасин деб, ҳатто, машинанинг тагини ҳам текшириб чиқди.

Ҳеч ким кўринмагач, Билмасвой:

— Ҳа, майли, сира ҳайрон қоладиган ери йўқ. Сеҳр шунақа бўлади-да!— деди.

Кейин у қутидаги музқаймоқни орқада ўтирадиган жойга қўйди-да, ўзи рулга ўтирди. Унинг ёнига Тугмачахон жойлашди. Билмасвой энди моторни юргизай деб турган эди, Тугмачахон узоқдан булар томон келаётган болани кўриб қолди.

— Тўхтаб тургин-чи,— деди у Билмасвойга.— Уни босиб кетмайлик тагин.

Билмасвой машинани тўхтатди. Бола яқин келганда кўришса, бегона эмас, ҳаммага машҳур кир-чир Олабола экан.

Бу кир-чир Олабола одатда кулранг иштон, кулранг камзул, бошига эса ўзи қалпоқча деб атайдиган, гулдор кулранг дўппи кийиб юрарди. У кулранг матони дунёда энг яхши мато деб ҳисобларди, нега деганда, у унчалик кир тортмасмиш. Бу, албатта, бўлмағур гап. Кулранг мато ҳам кир бўлади-ю, фақат нима учундир унда кир-чир унчалик кўзга ташланмайди.

Олабола жуда ғалати митти эди. Унинг ўзича: ҳеч қачон ювинмаслик ва ҳеч нарсага ажабланмаслик керак, деган иккита қоидаси бўларди. Иккинчи қоидадан кўра биринчи қоидани бажариш анча қийин бўларди, нега деганда, бир уйда яшайдиган

митти болалар овқатланиш олдидан уни ювинишга мажбур қилишарди. Агар у қаршилик кўрсатгундай бўлса борми, уни дастурхонга йўлатишмасди. Шундай қилиб, ҳар ҳолда, ювинишга мажбур бўларди, аммо тезда кир-чир бўладиган хусусияти бўлганидан, ювинишининг унчалик аҳамияти ҳам йўқ эди. Баъзан у ювиниб бўлмасданоқ башарасида аллақандай майда доғ-дуғлар пайдо бўлиб, юзи ўзининг табиий рангини тезда йўқотиб, аллақандай кир-чир тусга кирарди. Шунинг учун уни Кир-чир деб аташарди. Агар бир қизиқ воқеа рўй бермаганда, яъни Гулзор шахрига машҳур сайёҳ Айланжон келмаганда борми, унинг номи бир умрга шу ном билан қолиб кетган бўларди.

Айланжон деган сайёҳ анча эътиборга сазовор шахслардан эдики, у ҳақда гапириб ўтмоқ жоиздир. У новча ва озгин бўлиб, оёқ-қўли ҳам, боши ва бурни ҳам узун, ҳатто, катак-катак шими ҳам узун эди. Айланжон Ҳайдашзор деган шаҳарда яшарди. У шаҳарда яшовчиларнинг барчаси яёв юрмай, нуқул велосипед ҳайдашарди. Айланжон ҳам доимо велосипед ҳайдарди. У паркор — яъни, циркулга ўхшаб доим айланиб юргани учун уни Айланжон дейишарди. Айланжон ашаддий велосипедчи бўлганидан, унга ўз шахрини айланиб чиқиш ҳеч гап бўлмай қолди. У дунёдаги миттилар яшайдиган ҳамма шаҳарларни айланиб чиқишга қарор қилганди.

Гулзор шахрига келиб, велосипеди билан бормаган жойи қолмади, ҳамма ёққа бурнини суқди, ҳамма билан танишиб олди. Барчани у беш қўлда билиб олди-ю, фақат Кир-чир билан таниша олмади, чунки шаҳар аҳолиси бизни уятга қолдиради деб, уни жўрттага бекитиб қўйишганди. Айланжон унинг кир-чир юзини кўриб қолгундай бўлса, Гулзор шахридаги миттиларнинг ҳаммаси ҳам шунақа исқирт экан деб ўйлаши мумкин, дейишарди. Шунинг учун ҳамма Кир-чирни Айланжоннинг кўзига кўрсатмасликка ҳаракат қилишарди.

Умуман, Айланжон жўнаб кетай деб турган пайтгача ҳамма иш жойида бўлди. Уша куни Кир-чирнинг устидан назоратни нима учундир бўшаштириб қўйишди. Шаҳар аҳолиси Айланжон билан хайрлашаётган пайтда Кир-чир кўчага чиқиб қолса бўлади. Миттилар тўдаси ичида нотаниш башарани кўриб қолган Айланжон аввал уни танимаганлигига бир оз ҳайрон қолиб: «Анави ораларингиздаги кир-чир бола ким ўзи?» — деб сўрамоқчи бўлди. Аммо у яхши тарбияланган бола бўлганидан «кир-чир» деган қўпол сўзни айтолмади. У жуда одобли қилиб:

— Анови Олабола ким ўзи? — деб сўради.

Ҳамма қайрилиб Кир-чирга қаради. У бугун эрталабдан бери ювинмагани учун, башараси чиндан ҳам кир-чир ва ола-була бўлиб кетганди. Бу «Олабола» деган сўз ҳаммага ёқиб тушганидан, ўшандан бери Кир-чирни Олабола дейишадиган бўлишди. Бу ном билан аташлари Кир-чирнинг ўзига ҳам маъқул бўлди, чунки бу ном оддий «Кир-чир» дегандан кўра, аллақандай жарангли, бежирим ва чиройли эди.

## Бешинчи боб

### БИЛМАСВОЙ, ТУГМАЧАХОН ВА ОЛАБОЛАНИНГ САЁҲАТГА ЖЎНАГАНИ

— Эй, Олабола, салом!— деб бақирди Билмасвой Олабола яқинроқ келиб қолганда.— Қарагин, бизнинг автомобилемиз бор.

— Қўй-э, Мурватвой билан Тузатвойларнинг автомобили сизларникидан яхши-ку,— деди Олабола.

У тўхтади-да, кулранг шимининг чўнтагига қўлини тикиб, автомобилнинг олдинги филдирагига қарай бошлади.

— Бу гапинг нотўғри,— деди Тугмачахон,— Мурватвой билан Тузатвойнинг автомобили қанақа бўлса, бу ҳам худди шунақа. Бундан ташқари Билмасвойда сеҳрли таёқча ҳам бор.

— Ановини қара-я, кўрмабман-да!— деди Олабола.— Агар керак бўлса, юзта сеҳрли таёқча топаман.

— Нега бўлмаса таёқчанг йўқ?— деб сўради Тугмачахон.

— Чунки, керак эмас-да.

Унга гап уқтириб бўлмаслигини кўрган Билмасвой:

— Биз саёҳатга жўнаяпмиз, борасанми?— деб қўя қолди.

— Майли,— деди рози бўлиб Олабола.— Ҳеч қўймадиларинг.

У автомобилнинг эшикчасини очди-да, орқадаги жойга гердайиб ўтириб олди.

— Ҳайдайверайми?— деб сўради Билмасвой.

— Ҳайда, ҳайда!— деди Тугмачахон.

— Ҳа, ҳайдагин-у, фақат ўлдирадиган қилиб ҳайдамагин,— деб қўшиб қўйди Олабола.

Билмасвой автомобилнинг мурватлари турадиган жойдаги калитни буради-да, оёғи билан стартер тепкисини босди. Стартер темир ишқаланганга ўхшаб чийиллади ва мотор турган жойида ҳаракатга келди. Билмасвой моторни қизитиб, тирковични босди, қутига ўтказгични улади, тирковични бўшатиб юбориб, газ берди. Кейин у филдиракка уланган рулни аста бурай бошлади. Баъзан биринчи тезликка, баъзида иккинчи тезликка оларди, у гоҳо газни оз, гоҳо кўп бериб, машинани бир секин юришга, бир тез юришга мажбур қиларди. Аммо Билмасвой у ёки бу ричагни бир-бирига нима учун ўтказишини, гоҳ у тепкини, гоҳ бу тепкини нима учун босаётганини ўзи ҳам билмасди. Аммо у ҳар сафар сира янглишмасдан ишни ўринли бажарарди. Бунинг сабаби у автомобилни сеҳрли таёқча туфайли ўрганиб олиб, уста шофёрлардай бошқарарди. Ҳатто у қаерда буриш ва қачон ричагни босиш зарурлигини ўйламас, машина ўзидан-ўзи бошқарилаверарди.

Кўчадан ўтаётганда Билмасвой одамларнинг эътиборини ўзига тортиш учун жўрттага қаттиқ сигнал бериб ўтарди. Чунки

рулда ҳеч нарсадан қўрқмасдан ўтирганини ҳамма кўриб қўйи-  
шини истарди. Аммо Гулзор шахрининг одамлари бу машина  
ҳайдаб кетаётганини Мурватвой билан Тузатвой деб ўйлашиб,  
ҳеч ким Билмасвойга эътибор бермади.

Автомобиль шаҳар бўйлаб айланар экан, Тугмачахон Ола-  
бола билан гаплашиб кетди.

— Олабола, бугун тагин ювинмаганга ўхшайсан-а?

— Нима деяпсан, роса ювинганман!

— Нега бунақа кирсан, бўлмаса?

— Демак, тагин кир бўлибман-да.

— Тагин ювиниб олишингга тўғри келади, кир-чир ҳолингда  
сени саёҳатга олиб боролмаймиз.

— Олиб боролмаймиз, деганинг нимаси? Ўзларинг боришга  
кўндириб, кейин бирдан олиб боролмаймизмиш-а! — деб аччиқ-  
ланди Олабола.

Билмасвой бу орада машинани шаҳардан олиб чиқиб, Бод-  
ринг дарёсига етди-да, кўприк томонга бурилди. Кўприк охи-  
рига келганда Тугмачахон:

— Қани, машинани тўхтат-чи. Ҳозир Олабола дарёда юви-  
ниб олади, — деди.

Билмасвой машинани қирғоққа келтириб тўхтатди.

— Мен норозиман! — деди тутақиб Олабола. — Бир кунда  
икки марта ювинсин деган қоида йўқ!

— Ҳа, майли, унда сен шу ерда қолаверасан. Биз сенсиз жў-  
найверамиз, — деди қатъий қилиб Билмасвой.

— Мени ташлаб-а? Нима, мен энди пиёда қайтиб кетар  
эканманми? Бўлмаса, мени олиб келган жойингизга элтиб қў-  
йинглар. Йўқса, мен рози бўлмайман.

— Ҳа, майли, бўлар иш бўлди, кир-чир кетаверсин, — деди  
Билмасвой. — Уни деб орқага қайтиб юрамизми!

— Агар биз саёҳат вақтида бирорта бегона шаҳарга бориб  
қолгундай бўлсак, улар шунақа қасмоқ болани олиб келишибди  
деб уят қилишмасмикан? Уни деб қизаришга тўғри келади, —  
деди Тугмачахон.

— Тўғри, — деб унинг фикрига қўшилди Билмасвой. — Ҳар-  
ҳолда, ювинишинг керак, Олабола. Келинлар, дўстлар, учала-  
миз ювинамиз, бўптими?

Ҳаммалари ювинмоқчи бўлишганини эшитган Олабола, анча  
тинчланди.

— Бу ерда қанақа қилиб ювиниб бўлади? На совун бор, на  
сочиқ, — деди у.

— Безовта бўлмай қўя қол, ҳаммаси топилади, — деди Бил-  
масвой.

У сеҳрли таёқчани силкитган эди, ўша заҳотиёқ учта совун  
билан учта сочиқ пайдо бўлди. Олабола ҳайрон бўлаёзган эди,  
бирдан ҳеч нарсага ҳайрон қолмаслик одати эсига тушиб қолиб,  
жимгина дарё томонга кетаверди.

Бир неча дақиқадан кейин учаласи ювиниб бўлишди-да, автомобилни ўрмон ичидан ҳайдаб кетишди. Тугмачахон ҳалигидай машинанинг олдида — Билмасвойнинг ёнида, Олабола эса машинанинг кетида, ҳаворанг қутининг ёнида ўтирарди. Йўл текис эмас, ғадир-будир эди. Баъзи бир жойларда ердан йўгон илдишлар чиқиб ётар, баъзан бўлса ўнқир-чўнқирлик ва паст-баландликлар дуч келарди. Билмасвой шунақа жойларга келганда қаттиқ силкитмасин деб, машинанинг юришини секинлатарди. Тугмачахон бўлса, орқага қайрилиб Олаболага жилмайиб кўярди. Олаболанинг юзи топ-тоза бўлиб қолгани Тугмачахонга ёқарди.

— Ана, кўрдингми, қандай яхши,— деди Тугмачахон,— ювиниб юрсанг, ўзингга ҳам маза-ку, ахир.

Олабола жаҳл билан бошқа томонга ўгирилиб олди.

— Бўлди, тумшугингни осилтирмай кўя қол, бу ҳурматсизлик бўлади,— деди Тугмачахон.— Ёнингдаги ҳаворанг қутида музқаймоқ бор.

— Эй, бу музқаймоқ экан-да!— деб севиниб кетди Олабола.— Қанақа қути экан девдим-а?

У қутидан учта музқаймоқ олди. Ҳаммалари музқаймоқ ейишга тушдилар. Билмасвой шу кетишда иккита ишни бажарар, яъни ҳам машина ҳайдар, ҳам музқаймоқ ерди. У бир қўли билан машинанинг рулини ушлаб, иккинчи қўли билан музқаймоқни зўр бериб яларди. Билмасвой музқаймоққа алаҳсиб паст жойни кўролмай, машинани вақтида секинлата олмай қолди. Машина қаттиқ тарақлаб кетганидан Олабола осмонга бир ирғиб тушди-да, битта музқаймоқни беихтиёр бутунлай ютиб юборди. Қўлида фақат музқаймоқнинг таёқчаси қолди.

— Оғайни, сал секинроқ-да!— деди у Билмасвойга,— сен туфайли бутун музқаймоқни ютиб юбордим.

— Зарари йўқ,— деб жавоб берди Билмасвой.— Бошқасини олавер.

— Унақа бўлса майли,— дея Олабола қутидан бошқасини олди.

— Сен-чи, Билмасвой, яхшиси музқаймоқ емагин,— деди Тугмачахон.— Сен музқаймоққа алаҳсиб, ҳалокатга учраб қолмайлик.

— Унақа бўлса сен ҳам емагин, сени кўриб бари бир алаҳсийман,— деди Билмасвой.

— Майли, мен ҳам емайман,— деб рози бўлди Тугмачахон.

— Мен еявераман, орқада ўтирганим учун ҳеч кимни алаҳситмайман,— деди Олабола.

Тез орада ўрмондан чиқишди, машина даладан ғизиллаб кетди. Йўл тоққа қараб борарди, бизнинг йўловчилар гўё ернинг энг четига чиқиб қолгандай бўлишди, чунки тоғнинг нарғида осмондан бўлак ҳеч нима кўринмасди.

— Бошқа томонга юришимиз керак экан, нега деганда, ернинг бу томони тамом бўлиб қолди,— деди Билмасвой.

— Рост, — деб тасдиқлади Олабола. — Ҳисобга олмабмиз-да. Сен ҳар эҳтимолга қарши машинанинг тезлигини пасайтиргин, унақада тормоз беролмай қоласан-да, умбалоқ ошиб кетамиз. Яхшиси, тезроқ машинани орқага бура қол.

— Йўқ, — деди Билмасвой. — Кўпдан бери ер тугагандан кейин нима бошланишини кўрмоқчи бўлиб юрувдим.

Шунда тепалик тугаб, саёҳатчиларнинг кўзи олдида кенг манзара очилди. Пастлик кенг водий бўлиб, ўнг томондаги тепаликда ям-яшил ўтлоқ ва қалин бутазор бор эди. Узоқдан ўрмон қорайиб кўринди. Бутун водий олтинранг қоқигул ва ҳаворанг бутагуллар билан товланиб ётарди. Айниқса, митти болалар «қайин калтак» деб аташадиган оқ гуллар тўлиб кетган. Бу «калтак»ларнинг кўплигидан, ерга оппоқ қор ёққанга ўхшарди. Йўловчиларимиз бу чаманзорни кўриб, қувончлари ичларига сиғмай кетди.

— Ер ҳали бу ерда тамом бўлмас экан-да, — деди Билмасвой.

— Тўғри, — деб унинг гапига қўшилди Олабола. — Аслида ер биз ўйлагандан кўра катта экан. Шундай қилиб, муҳим илмий янгиллик очдик. Келинглар, энди хурсандчиликка яна биттадан музқаймоқ ейлик.

У қутини очиб, битта музқаймоқ олди-да, ея бошлади.

Машина тоғдан пастликка қараб ғизиллаб борарди. Тезда яна тепалик бошланди. Саёҳатчиларга гўё яна ернинг четига келиб қолишгандай туюлди. Аммо тепалик тугаши билан янги кенглик қулоқ ёзиб ётарди. Бир неча марта шунақа ҳолат такрорланди.

— Ернинг охири йўқ, қайси томонга борсанг, бари бир етолмайсан, дейишарди, — деди Тугмачахон.

— Буни нотўғри деб ўйлайман, — деди Билмасвой, — биз миттилар, жуда кичкинамиз, кичкинагина кўзимиз билан катта нарсаларни қамрай олмаймиз, шунинг учун бизга ернинг охири йўқ бўлиб кўринади.

— Менимча ҳам шундоқ бўлса керак, — деб гап қўшди Олабола. — Ҳамма нарсанинг охири бор. Мана, битта мисол, бу қутида талай музқаймоқ бор, аммо музқаймоқ тезда тамом бўлса керак, деб ўйлайман.

Йўловчилар шу йўсинда суҳбатлашиб, борган сари олислаб, айрилиш йўлга келиб қолишганини ҳам пайқамай қолишди. Билмасвой шу ерда ўнгга юриш керакми, ё чапгами — аниқлаш учун машинасини тўхтатди. Айрилиш жойида устун бўлиб, ундаги йўл кўрсатадиган ёзувда: «Тош шаҳри» деб ёзилганди. Унг томондаги йўл кўрсатгичга: «Тупроқ шаҳри», чап томондаги йўл кўрсатгичга: «Қуёш шаҳри» деб ёзилган эди.

— Бари аниқ бўлди, — деди Билмасвой. — Демак, Тош шаҳри бу тошдан ясалган шаҳар дегани. Тупроқ шаҳри — ҳамма уйлари лойдан ясалган шаҳар дегани.

-- Бундан чиқди, Қуёш шаҳри дегани — сенингча, қуёшдан

ясалган дегани экан-да, шундайми? — деб масхара қилиб сўради Олабола.

— Эҳтимол, — деб жавоб берди Билмасвой.

— Бундай бўлиши сира мумкин эмас, қуёш жуда иссиқ, ундан уй қуриб бўлармиди, — деди Тугмачахон.

— Майли, ўша ерга борганда кўрамиз, — деди Билмасвой.

— Яхшиси, аввал Тош шаҳрига бора қолайлик, — деб қолди Тугмачахон. — Тошдан ясалган уйларни кўриш жуда қизиқ-да.

— Мен лойдан ясалган уйларни кўришга қизиқаман. Митилар бу уйларда қандай яшаётган экан, — деди Олабола.

— Ҳеч қанақа қизиқ жойи йўқ. Қуёш шаҳрига борамиз, гап тамом, — деди Билмасвой.

— Қанақасига тамом? Нега сен буйруқ берасан? — деб ачиқланди Олабола. — Бирга юрганимиздан кейин бирга ҳал қиламиз-да, ахир.

Улар масалани бирга ҳал қилмоқчи бўлишди-ю, аммо бари бир ҳеч келиша олишмади. Охирида Тугмачахон:

— Яхшиси, баҳслашмай кутиб турайлик. Қайси томонга боришимизга бирор ҳодиса сабаб бўлиб қолар, — деди.

Билмасвой билан Олабола баҳсни тўхтатишди. Шу заҳоти чапдаги йўлда автомобиль кўриниб қолди. Сайёҳлар уни тузуккина кўришолмай ҳам қолишди. У «Қуёш шаҳри» деб ёзилган томонга бурилиб кўздан ғойиб бўлди.

— Ана, кўрдиларингми? — деди Билмасвой. — Қуёш шаҳрига юришимизга йўл кўрсатилди. Аммо хафа бўлманглар. Биз аввал Қуёш шаҳрига борамиз, ундан кейин эса Тош ва Тупроқ шаҳарларига ҳам боришимиз мумкин.

Билмасвой моторни юргизди-да, рулни ўнгга бурди ва машина олға юриб кетди.

## Олтинчи боб

### САРГУЗАШТ БОШЛАНМОҚДА

Бурилишдан кейин йўл анча текис ва кенг бўлиб қолди. Бу йўлдан автомобилларнинг тез-тез қатнаб туриши билиниб турарди. Бизнинг сайёҳларга тез орада бир автомобиль дуч келиб қолди. У шунақанги елиб келардики, ҳеч ким уни яхшироқ кўра олмади. Кейин бошқа бир автомобиль ундан ўзиб кетди. Билмасвой кўрса, у машина алақандай бошқача қурилган экан, ўзи пастаккина ва узунчоқ бўлиб, ялтироқ яшил рангга бўялган, олдида ажойиб чироғи бор. Унинг ҳайдовчиси машинадан бошини чиқариб, Билмасвойнинг автомобилига қизиқиб қаради-да, кейин тез ҳайдаб кўздан ғойиб бўлди.



Йўл тепаликлар ўртасидан гоҳ ўрмон, гоҳ дала бўйлаб ўтарди. Сайёҳлар кутилмаганда дарё олдидан чиқиб қолишди. Сув ойнадай ярқираб кўринарди. Дарёнинг устига кўприк солинган эди. Дарёнинг ўртасида эса, тўлқинларни тумшуғи билан ёриб, йўғон мўрисидан паға-паға тутун бурқситиб кема сузарди.

— Қаранглар, ана кема! — деб севинганидан чапак чалиб юборди Тугмачахон.

У Гулзор шаҳридан бошқа ерда сира бўлмагани учун бир мартта ҳам чинакам кемани кўрмаганди. Бодринг дарёсида эса кемалар юрмас эди, лекин Тугмачахон кеманинг суратини китобларда кўп кўргани учун дарров таниб олди.

— Келинлар, тўхтаб бирпас томоша қиламиз, — деб таклиф қилди Билмасвой.

У машинани кўприкнинг ўртасида тўхтатди. Ҳамма машинадан тушиб, кўприк панжарасидан энгашиб пастга қарай бошлади. Кемада бирталай митти йўловчилар бор эди. Уларнинг баъзи бирлари кеманинг четигаги супача бўйлаб қирғоқни томоша қилишар, бошқалари эса суҳбатлашар ва ҳатто, алланималар ҳақида баҳслашиб кетишарди, учинчилари бўлса, уёқдан-буёққа юришарди. Яна бошқалари суянчиғи орқасига суриладиган юмшоқ курсиларда ўтириб олиб, жимгина мудрашарди. Бунақанги курсиларда оёқни юқори кўтариб ўтириш жуда қулай бўлади.

Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола кема кўприкнинг остидан сузиб ўтганда, ундаги йўловчиларни яхшилаб кўриб олишди.

Кема мўрисидан чиққан паға-паға тутун бутун кўприкни қоплаб олди. Билмасвойнинг нафаси қисиб йўталди, аммо бунга эътибор бермай, кеманинг кетишини кўриш учун кўприкнинг нариги томонига югурди. Тугмачахон билан Олабола ҳам унинг кетидан югуришди. Тутун тарқалиб, кема олисга кетиб қолган эди.

Бир дақиқадан кейин, сайёҳларимиз машинага ўтириб, яна олға кетишди. Билмасвой кемани ўйлаб ҳамон ҳайрон бўларди.

— Қандай кема-я! Агар ўз кўзим билан кўрмасам, шундоқ катта нарса сувда сузишига сира ишонмаган бўлардим, — дерди.

Тугмачахон ҳам ҳайрон қолганди, Олабола-чи, у ҳам олдинга ҳайрон қолаёзган эди, лекин ўзининг ҳеч бир нарсага ҳайрон қолмаслик одати эсига тушиб қолди-да:

— Шунчаки кема-да! Катта қайиқнинг ўзи, — деди.

— Сенга қўйиб берса, ҳали, оддий катта тоғора ҳам дерсан! — деди Билмасвой.

— Нега тоғора экан? Тоғора бўлганда, албатта, тоғора деган бўлардим, қайиқ деяпман-ку, ахир.

— Менга қара, Олабола, яхшиси, жиғимга тегмагин! Ҳайдовчи рулда ўтирганда, унинг асабини қўзғаб бўлмайди — ҳалокат бўлиши мумкин.

— Бундан чиқди, сен рулда ўтирсанг, мен ёлғон гапиришим керак экан-да?

— Қанақа ёлғон? Сенга ёлғон гапиргин деб ўргатяпманми? — деб пинғиллади Билмасвой. — Менга қара, Тугмачахон, унга гапириб қўй, бўлмаса уни бир нима қилиб қўйишим мумкин!

— Жим бўл, Олабола, — деди Тугмачахон. — Бекорчи нарсага жанжаллашиб нима қиласан?

— Нега бекорчи нарса бўлар экан, кемани тоғора дейди-ю, — деб қизишди Билмасвой.

— Мен уни қайиқ дедим, тоғора деганим йўқ, — деб жавоб берди Олабола.

— Кел, сендан ўтинаман, Олабола, бир гапдан қола қол. Яхшиси, музқаймоқдан егин, — деб уни кўндирди Тугмачахон.

Олабола яна музқаймоқ ейиш билан овора бўлиб, бирпасгина жимиди.

Машина яна дала ва ўтлоқлар бўйлаб кетди. Бир қанча вақт юргандан кейин қатор симёғочлар ва темир йўл кўриниб қолди. Олисда эса қатор вагонларни тиркаб олган паровоз вишиллаб келарди.

— Қаранглар, ана поезд! Поезд! — деб севинганидан қичкириб юборди Тугмачахон.

У поездни биринчи марта кўриши эди, аммо кемага ўхшаб илгари унинг ҳам суратини кўрган эди.

— Вой, ростакам поезд! — деб ҳайратда қолди Билмасвой.

Олабола бу гал ҳам ўзини таажжубланмаётгандек қилиб кўрсатиб:

— Шунчаки поезд-да! Ғилдираклар устига уйларни кўндиришибди, ўзлари эса унинг ичига кирволишиб, севиниб кетишпти, паровоз бўлса уларни судраб кетяпти, — деди.

— Менга қара, Тугмачахон, бу қандай гап ўзи? Яна асабимга тегяпти-ку! — деди Билмасвой.

Олабола ижирганиб пўнғиллади:

— Вой нозик-эй, асаб эмиш.

— Сенга кўрсатиб қўяман, — деб тажанг бўлди Билмасвой.

— Жим, жим! «Кўрсатаман» деганинг нимаси? — аччиғланди Тугмачахон.

— Нега ўзи мени нозик дейди бўлмаса?

— Олабола, нега уни нозик дейсан? — деди Тугмачахон. — Бу яхшимас.

— Нега яхши эмас экан? — деди Олабола.

— Бир уриб, нега яхши эмаслигини кўрсатиб қўяман, ўшанда билиб оласан! — деб бақирди Билмасвой. — Кейин ўзингдан кўрасан!

Автомобиль кетаётган йўл темир йўлни кесиб ўтарди. Билмасвой бўлса Олабола билан баҳслашиб, паровознинг тагига кириб кетишига сал қолди. У поезд етиб келмасдан, тез юриб темир йўлдан ўтиб олмоқчи бўлди. Аммо у темир йўл изига

яқинлашган сари, паровоз билан қават келиб қолишни сезарди. Билмасвой паровознинг жуда яқинлашиб қолганини, улар нақ ғилдираклар тагига кириб боришаётганини кўриб, жонқолатда рулга маҳкам ёпишиб:

— Ана, ахир, айтувдим-ку, ҳалокат бўлади деб! — деди.

Паровознинг уларга тик келаётганини кўрган Тугмачахон қўрқиб кетганидан ғужанак бўлиб, кўзини қўли билан шартта бекитиб олди. Олабола бўлса ирғиб ўрнидан турди-да, нима қилишини билмай, Билмасвойнинг қоқ калласига бир мушт тушириб қолди ва:

— Тўхта, овсар! Нима қияпсан ўзинг? — деб бақирди.

Тормоз беришга кечикканини пайқаган Билмасвой паровоздан ўтиб кетолмаслигига кўзи етиб, рулга ёпишди.

Ана ҳозир фалокат юз беради деганда, у машинани ўнгга — темир йўл изига буриб юборди-да, паровознинг олдига тушиб олди. Автомобиль темир йўл шпалларидан сакраб-сакраб борарди. Унинг ортидан эса, баҳайбат йиртқичга ўхшаб, қаттиқ вишиллаб паровоз келарди. Орқада ўтирган Олаболанинг юзига паровознинг иссиғи гуп этиб урилди. Унинг ёнидаги музқаймоқли қути сакраб-сакраб тушарди. Олабола музқаймоқ машинадан отилиб кетмасин деб, бир қўли билан қутини, иккинчи қўли билан ўриндиқнинг четини ушлаб олди.

— Жон Билмасвой, машинангни тезлатгин! — деб қалтироқ овоз билан илтимос қилди Олабола. — Рост айтаман, энди сен билан сираям баҳслашмайман!

Билмасвой ҳамма тепкиларни босиб кўрса-да, тезликни сира оширолмади. Ён атрофга ҳам буриб юборолмади, чунки темир йўл уйилган тупроқ устига қурилган, пастликка ҳам юриб бўлмасди.

Тўқнашув юз бермаганини сезган Тугмачахон кўзини очди, орқасига қараб, уларнинг изидан қувиб келаётган паровозни кўрди. Паровоздагилар худди шу пайт олдинда автомобиль кетаётганини пайқашганди. Тугмачахон паровоз деразасидан қараган митти машинистни кўрди, машинист машинани кўриб қўрққанидан, ҳатто оғзи очилиб қолган эди. У шошилиб ричагни тортди-да, огоҳлантириш учун сигнал берди. Кейин клапанни очганди, ғилдирак тагидан ҳар тарафга буғ отилиб чиқди. Олабола буғда куйиб қолишдан қўрқиб, ўриндиқнинг остига бекинди. Машинист буғни чиқариб бўлиб, тормоз берди ва поезд юришини секинлатди. Автомобиль бўлса, олдинги тезликда юриб анча олисга кетиб қолганди. Паровоз билан уларнинг оралиғи узайиб кетди. Аммо Билмасвой буни пайқамаянди. Темир йўл изи энди анча текис жойга келиб қолганини кўргач, у машинани четга бурди-да, пастликка ҳайдаб кетди. Учиб кетаётган машина дўнгликка урилиб, тўсатдан тўхтаб қолди. Тугмачахон билан Билмасвойнинг пешонаси ёрилишига сал

қолди. Уриндиқ тагида ўтирган Олабола бўлса ҳаворанг қути билан бирга четга отилиб кетди. У ерга чалпақдай бўлиб тушди-да, қимир этмай ётиб қолди. Бу пайтда поезд ҳам тўхтаган эди. Йўловчилар вагондан ирғиб тушишиб, нима бўлганини бир-бирларидан сўрай бошлашди. Лекин ҳеч ким ҳеч нимани билмасди. Баъзилари Билмасвойнинг шериклари ёнига югуриб келишди. Қимирламай ётган Олаболани кўриб, уни ўраб олишди. Кимдир юзига совуқ сув сепса ўзига келади деб қолди. Совуқ сув дарагини эшитган Олабола ўша заҳоти ирғиб ўрнидан турди-ю, атрофга олазарак бўлиб қаради ва дудуқланиб:

— Му-му, музқаймоқ қани? — деди.

— Му-му, музқаймоқ шу ерда, — деди кўрқиб кетган Тугма-чаҳон ҳам дудуқланиб.

— У-у-ундоқ бўлса яхши.

У энди анча ўзига келиб қолган эди, қутини олиб қайта машинага солиб қўйди. Бу орада машинист ёрдамчиси югуриб келиб қолди.

— Ҳамма омонми? — деди узоқдан бақириб, — ҳеч ким жароҳатлангани йўқми?

— Ҳеч ким, — деб жавоб берди Билмасвой, — ҳаммаси жойида.

— Ундоқ бўлса, дуруст, сизларнинг олдинда сакраб кетаётганларингни кўриб, нақ машинистнинг эҳсонаси чиқаёзди. Ҳалигача ўзига келолгани йўқ, — деди машинист ёрдамчиси.

— Сизлар қаёққа кетаётирсизлар? — деб қизиқиб сўради Билмасвой.

— Поезд Қуёш шахрига боради, — деб жавоб берди ёрдамчи.

— Биз ҳам Қуёш шахрига кетяпмиз, — деди севиниб Билмасвой.

— Ундоқ бўлса, тош йўлдан юринглар, — деди ёрдамчи. — Ахир автомобилда темир йўлдан юриб бўладими?

— Биз тош йўлдан кетаётган эдик, Олабола бўлса... Олдин биз кемани кўрдик-да... Биласизми, шунақанги каттакон кемаки...

Билмасвой кемани ва Олабола билан баҳслашганини бир бошдан гапириб бермоқчи эди, бирдан паровознинг чинқириши эшитилиб қолди.

— Мени кечиринглар, — деб машинист ёрдамчиси Билмасвойнинг гапини бўлди. — Ҳозир жўнаймиз, чунки поезд кечикмаслиги керак. Бошқа бир сафар хотиржам гаплашармиз.

У шундай ҳам ўз вагонлари томон чолишди. Билмасвой бўлса:

— Бошқа бир сафар деганингиз қанақаси? Эҳтимол биз бошқа учрашмасмиз! — деб қичқирди.

Аммо ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмади. Поезд қўзғалди, баъзи бир миттилар вагонга юраётганида чиқиб олишди.

— Ана холос! — деб қолди хафа бўлган Билмасвой. — Жиндак сабр қилишмади. Энг қизиқ гапни айтолмай қолдим!

САЁХАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Тош йўлга қайтиб келгандан кейин, Билмасвой, Тугмачахон ва Олаболалар узилиб қолган саёхатни давом эттирдилар. Аввалгидай орқада ўтирган Олабола зўр бериб музқаймоқ ер эди. У машинадан учиб тушганда жуда кўрқиб кетганини, музқаймоқ шифоли доридек тинчлантирганини айтарди. Тугмачахон паровоздан кўрқиб кетганини эслади. Билмасвой бўлса тўқнашишдан қутулиш учун машинани буриб юбориш қандай қилиб эсига келиб қолганини гапирди.

— Қарасам, — деди у, — худди паровознинг тагига кетяпмиз! Тезлатишнинг иложи йўқ, тормоз бериш вақти ўтган. Ҳозир ҳаммамиз тамом бўламиз деб ўйладим. Бирдан калламга лоп этиб, буриш керак, деган фикр келди...

— Калланга лоп этиб мен тушириб қолгандим, — деди орқада ўтирган Олабола. — Чўчиб кетдим-да...

— Менга қара, тагин жаҳлимни чиқаряпсан-ку! — деб аччиғланди Билмасвой.

— Бўпти, индамайман, индамайман! Машина ҳайдовчи рудда ўтирганда, унинг жаҳлини чиқариш керакмаслигини энди тушундим.

Бу орада бизнинг сайёҳларимизга яна бир тўқ сариқ автомобиль этиб олди. Унда иккита митти бола ўтирганди. Машина ҳайдаётган бола Билмасвойнинг машинасини кўриш учун жўрттага юришини секинлатди. Унинг ёнида ўтирган митти бола эса диққат билан Олаболага тикилди ва:

— Ювиниб олсанг ёмон бўлмасди, оғайни, — деди кулиб.

Уларнинг иккови ҳам хохолаб кулишди, кейин машинани тез ҳайдаб, кетиб қолишди.

Билмасвой билан Тугмачахон орқага қайрилиб, Олаболага қарашди. Унинг юзи, пешонаси, бурни ва ҳатто, қулоқларигача кир-чир бўлиб кетганди.

— Сенга нима қилди? — деди ҳайрон бўлиб Билмасвой. — Ахир, яқинда ювиниб олувдинг-ку.

— Нега яқинда экан, анча бўлди, — деди Олабола.

— Ҳаммамиз бирга ювинган эдик-ку, ахир, — деди Тугмачахон. — Нега биз топ-тозамиз?

— Гапини қара-я! — деб илжайди Олабола. — Сизлар олдинда, мен бўлсам орқада ўтирибман, ҳамма чанг менга келяпти-да. — Биз олдинда бўлсак, чангнинг кўпи аввал бизга тегиши керак эди, — деди Билмасвой.

— Э, сизлар билан ишим нима? — деб қўл силтади Олабола.

Аслида чанг айбдор эди, албатта. Агар юзда чанг ёпишадиган нарса бўлмаса, чанг ҳам бекордан-бекорга ёпишавермайди-да. Аммо ҳадеб музқаймоқ еяверганидан Олаболанинг юзи ёпиш-

қоқ шира бўлиб кетганди. Қўлидаги еяётган музқаймоғи эриб, шираси юзи, бурни ҳатто, қулоқларигача суркалиб, ҳамма ери йўл-йўл доғ бўлган, шираларга бўлса, йўлнинг чанги роса ёпишиб қолганди.

— Олабола, йўлда битта-яримта қўмак ё дарё учраб қолса ювиниб олгин, — деди Тугмачахон. — Учраган ҳар йўловчи биздан кулаверса, яхши эмас.

— Ким қўйибди уларга биздан кулишни? — деди жаҳли чиқиб Олабола. — Агар уларга етиб олсак, кўрсатиб қўярдим кулишни! Биз бўлсак тошбақага ўхшаб судралиб кетяпмиз!

— Ким тошбақа? Биз тошбақамизми? — деб хафа бўлди Билмасвой.

— Албатта, — деди Олабола. — Бўлмаса сариқ машинага етиб олгин-чи! Қара, ҳув олисга кетиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам сариқ машина олисдан худди нуқтадай бўлиб зўрга кўринарди.

— Ҳеч гапмас! — деди Билмасвой, — ҳозир етиб оламиз!

Уричағни суриб қўйиб, тепкиларни босди. Машина тез юриб кетди-ю, лекин физиллаб кетаётган сариқ автомобилни бари бир қувиб етолмади.

— Унга етиб бўпмиз! — деб Олабола Билмасвойни гиж-гижлади. — Бизники бошқача!

— Ҳеч гапмас, — деди Билмасвой, — мана, қараб тургин! Ҳозир моторни қизитиб, тезлаштираман.

— Яхшииси қўя қол, Билмасвой, тагин фалокатга йўлиқиб қолмайлик, — деди Тугмачахон.

— Қўрқма, бизга ҳеч нима қилмайди.

Билмасвой моторни яна кўпроқ қизитди. Бу ҳам фойда бермади.

Тез орада йўл пастликка қараб кета бошлади. Сариқ машинанинг ҳайдовчиси тезлик ошиб кетмасин деб, машинасига сал тормоз берди. Билмасвой бўлса, тормозни бўшатиб юборувди, машина борган сари тез физиллаб кетди. Тоғ бағрида яна дарё кўриниб қолди. Дарёга иккита машина сиғадиган торгина ёғоч кўприк солишган эди. Кўприк ўртасида, аксига олиб, қандайдир бир юк машинаси тўхтаб қолибди. Лекин Билмасвой бунга парво қилмай, Олаболага:

— Ҳозир етиб оламан! — деб мақтанди.

— Етиб ол, етиб ол! Мен уларга кимнинг ювиниши кераклигини кўрсатиб қўяман! — деди Олабола.

Сариқ машинанинг ҳайдовчиси тормоз бериб пастликка тушиди-да, юк машинасининг нега тўхтаб қолганини, ёрдам бериш керак-керакмаслигини билиш учун унинг ёнига келиб тўхтади.

Тепаликдан бор кучи билан учиб келаётган машина кўприкка келиши билан, Билмасвой иккита машина йўлни тўсиб олганини кўриб шошиб қолди, бошқа тарафга буриб ҳам бўлмасди, кўприкнинг панжараси халақит берарди. Қўрққанидан Билмасвой-

нинг бадани музлаб кетди. Калласига бир зумда минг хил хаёл келди. Агарда эсига сеҳрли таёқча тушиб қолмаганда, эҳтимол, фалокат юз берган бўлармиди. Улар юк машинасига яқинлашиб қолишганда, Тугмачахон қўрқиб, қўли билан кўзини бекитиб олди. Билмасвой бўлса сеҳрли таёқчасини олиб силкитди-да, шошиб:

— Шу машиналар устидан ошиб ўтиб кетишимизни истайман! — деди.

Машина бир сапчиб баландга сакраб кетувди, Билмасвойнинг нафаси чиқмай қолди.

«Шунақа баландликдан тушиб кетсак борми, парча-парча бўлиб кетсак керак!» деб ўйлади у пастга қараб.

Яна таёқчасини силкитиб:

— Самолётда учгандай учишни хоҳлайман! — деди.

Уша заҳотиёқ автомобилнинг икки ёнида кичкина қанот пайдо бўлиб, у ердан осмонга учиб, борган сари юқорилаб кетди. Бирдан шу пайт қичқирган овоз эшитилди. Билмасвой орқасига қайрилиб қаради-ю, машинанинг четини ушлаб олганча осилиб келаётган Олаболани кўрди. Билмасвой сеҳрли таёқчасини тишлаб олди. Олдинда ўтирадиган курсидан ошиб тушиб, Олаболани машинага чиқариб олмоқчи бўлди-да, унинг куртқасидан тортиди. Лекин бир қўли билан машина четини ушлаб тургани учун бир қўллаб уни тортиб ололмади. Олаболанинг ҳолдан кетаётганини кўрган Билмасвой, Тугмачахонга: «Оғзимдаги таёқчани олиб, машина пастга тушсин дегин», демоқчи бўлганди, аммо таёқчани тишлаб олгани учун гапи бундай бўлиб чиқди:

— Ожгимдош ёпогни ожиб маш-ши-ши...

Турган гап, Тугмачахон бу гапдан ҳеч нима тушунолмади.

— Нима деяпсан? — деб сўради у.

— Отожож, аж, жи ежож, — деб Билмасвой Тугмачахонга жаҳл билан кўзини олайтирган эди, Тугмачахон буни: «Ёрдам берсанг-чи, эй, маймунча!» — дегани деб тушунди. У тезда орқага ўтиб, Олаболани машинага тортиб олишга кўмаклашди. Олабола ўз жойига ўтириб олди, қўрқиб кетганидан анчагача тили айланмай қолди. Билмасвой рулга ўтириб, пастга қараган эди, жудаям баландга чиқиб кетишганини сезди. Улар ҳозиргина юриб ўтган йўл эса, узун ингичка лентага ўхшаб кўринди. Билмасвой юзига физиллаб урилаётган шамолдан нафас олиши қийинлашаётганини сезди-да, қўлидаги таёқчани силкитиб:

— Машинанинг қайта ерга тушишини истайман... — деди.

— Эй, эй, секинроқ! — деб бақирди у, машинанинг худди чуқурга тушиб кетаётгандек физиллаб пастлаётганини кўриб.

Машина секин пастлаша бошлади. Анча вақтгача йўл устида учиб, аста-секин ерга туша бошлади. Охири ғилдираклар ерга секингина текканидан, ҳатто, ерга тушишганини ҳам сезишмади. Шу заҳоти машинанинг қанотлари ғойиб бўлди. Олабола хиёл ўзига келиб яна музқаймоққа ёпишди. Тез орада сайёҳларимиз-

ни бошқа бир автомобиль қувиб етди. Шофёр машинасини Билмасвойнинг машинаси ёнига келтирди.

— Бу қандай автомобиль, қурилмаси қанақа?— деб гап бошлади у.

— Бу Мурватвой билан Тузатвой лойиҳаси,— деб жавоб берди Билмасвой.

— У нима билан юради, қорамой қуйиладими, ё мазут қуйиладими?

— Ширин газли сув билан юради. Сувдан газ ажралиб чиқиб цилиндрга тушади-да, поршенни итаради, кейин ўтказгич орқали ўтиб, ғилдиракни айлантиради. Шарбат эса мойлаш учун ишлатилади,— деб тушунтирди Билмасвой.

— Ҳа, орқада келаётганимда шарбат исини сезгандай бўлган эдим,— деди шофёр.

— Сенинг машинанг ҳам газли сув билан юрадимми?— деб сўради Билмасвой.

— Йўқ, спирт билан юради. Биласанми, цилиндр спирт бугини шимади-да, электр учқуни ҳосил бўлади, буг эса ёниб кенгайди ва поршенни итаради, поршень бўлса ғилдиракни юргизади. Машинанинг кучли бўлиши учун унга бир қанча цилиндр ўрнатилади. Мисол учун меникида тўртта цилиндр бор, лекин саккиз цилиндрлиги ҳам бўлади. Машинани бензин билан ишлатса бўлади-ю, аммо бензиннинг ҳиди сассиқ. Спиртдан эса ҳеч қанақа ҳид келмайди. Мазут билан юрадиган машиналар ҳам бор-у, лекин улар бундан ҳам бешбаттар.

Шофёр бурнини жийриб, бошини чайқаб қўйди.

— Қуёш шаҳри ҳали узоқми?— деб сўради Тугмачахон.

— Қуёш шаҳрими? Йўқ, унча узоқмас, яқин қолди.

— Нега уни Қуёш шаҳри дейишади-а? Нима, у ердаги уйлар қуёшдан қилинганми?— деб сўради Билмасвой.

— Йўғ-э,— деб кулди шофёр.— Қуёш шаҳри дейишларининг сабаби шуки, у ерда ҳаво доим очиқ бўлиб, офтоб чарақлаб туради.

— Наҳотки сира булут бўлмаса?— деб ҳайрон қолди Билмасвой.

— Нега бўлмас экан? Бўлади,— деди шофёр.— Лекин бизнинг олимлар шунақанги бир кукун ўйлаб чиқаришган, булут пайдо бўлиши билан ўша кукунни сепиб юборишса, булут бир зумда йўқ бўлиб кетади. Бунинг ҳаммаси, оғайни, кимё илмидан!

— Қандай қилиб булутга кукун сепиб бўлади?

— Самолёт билан булут устига чиқиб сепишади.

— Булут бўлмаса, ёмғир ҳам бўлмас экан-да,— деди Тугмачахон.

— Ёмғир учун бошқа хил кукун бор,— деб жавоб берди шофёр.— Шу кукундан озгина сепса, ўша заҳотиёқ ёмғир ёғади. Фақат ёмғирни зарур бўлган жойларга — боғ ва полизларга ёғдирамиз. Шаҳар ичига ҳам ёмғир ёғдирамиз-у, лекин ҳеч кимга



халақит бермаслиги учун кундузи эмас, тунда ёғдирамиз. Агар кўчадаги гулларни суғориш зарур бўлиб қолса, резинка қувурлар билан суғорамиз-қўямиз.

— Куёш шаҳрида ақлли миттилар яшар экан-да,— деди Билмасвой.

— О, Куёш шаҳрининг аҳолиси шунақанги доноки, нақ ҳайрон қоласиз.

— Сиз ҳам Куёш шаҳриданмисиз? — деб сўради Тугмачахон. — Ҳа, ўша ерданман,— деди шофёр.

Шундай деди-ю, гапирган гапларини ўйлаб қолди. Уйлаб кўрса, Куёш шаҳрининг аҳолисини мақтайман деб, ўзини ҳам мақтабди. У мақтанчоқлигидан хижолат бўлиб, лавлагидай қизариб кетди. Уялганини яшириш учун:

— Кеч қоляпман, хайр сизларга! — деди-да, тепкини босиб, физиллаб кетиб қолди.

— Эҳтимол, у дурустгина митти боладир, ёки шунчаки мақтанчоқдир,— деди Билмасвой. — Кукун сепамиз деганига унча ишониб бўлмайди.

— У кейин қизариб кетди-ку, бундан чиқди, у виждонли болага ўхшайди. Виждони борми, унинг тузалиши турган гап,— деди Тугмачахон.

## Саккизинчи боб

### ПАРКОРИЙ ВА САЙЁРИЙ

Йўл тагин тепаликка чиқиб кетди, тепаликнинг энг баланд жойига етишганда саёҳатчиларнинг кўз олдида ажойиб бир манзара пайдо бўлди. Улар бундай манзарани ҳеч кўришмаганди. Аллақандай баҳайбат одам тўқимачилик фабрикасидан минг-минг ўрам ранг-баранг матони олиб, шу ерларга ёзиб ташлаганга ўхшайди. Олисдаги тепаликлар гўё қора, оқ, сариқ ва яшил хол-хол майда гулли читни ёпиб қўйгандай эди. Яқинроқдаги ерлар каттакон ранг-баранг доиралар билан қопланган эди. Айниқса, яшил дала ўртасидаги сариқ ва қизил доиралар ярақлаб кўринарди.

— Биров атайлаб ерга паркор билан айлана чизиб, бўяб қўйганга ўхшайди-я,— деди Тугмачахон.

— Ерни паркор билан чизиш кимга зарур экан? — деди Билмасвой. — Яқинроқ борайлик-чи, биламиз.

Автомобиль пастликка тушиб борган сари доиралар хира бўлиб кўринарди. Улар бора-бора бутунлай кўздан йўқолди. Машина кетаётган йўл эса, ўрмондаги тор йўлдай текис, икки четида кўкнори ўсиб ётарди. Уларга худди ўрмон ичида кетишаётгандай туюларди, аммо бу ерда дарахт таналари ўрнида узун яшил поячалар бўлиб, уларнинг учида кўкнорининг қизил гул-

лари қуёш нурида ялтиларди. Машина сабзипоя, қулупнайзор ва сап-сариқ қоқигуллар оралаб кетди. Кейин тагин кўкноризор бошланди.

— Бу ерда кўкнорилар яшайди, шекилли,— деди Олабола.

— Кўкнорилар деганинг нимаси? — деди Билмасвой.

— Ҳа, кўкнорини яхши кўрадиганлар-да, ҳаммаёққа кўкнори билан сабзи экиб ташлаган ўшалар бўлса керак.

— Шунча нарсани сенга ким экиб ўстирарди? Буларни юз йилдаям еб тугатолмайсан.

Автомобиль тезда кўкноризордан чиқди, сайёҳларимиз йўлга яқин жойда турган аллақандай ғалати машинани кўриб қолишди. У қор курайдиган машинани эслатарди, хиёл тракторга ҳам ўхшаб кетарди. Машина аста айланиб юриб, пичан ўрарди. Билмасвой унинг ишлашини кўрмоқчи бўлиб автомобилни тўхтатди.

Йўловчилар унга яқинроқ бориб, машинанинг олд қисмида соч оладиган машинкага ўхшаш механизм борлигини кўришди. У машинканинг пичоқлари ўтларни қирқиб, тўхтовсиз қиймалаб борарди. Қирқилган ўтлар айланма лентага ўтар, ундан юқорига кўтарилиб, айланма икки тишли тоғора ўртасига тушиб, худди тиш билан чайналгандек майдаланиб кетарди. Шу усулда майдаланган ўтлар механизм ичига тушарди.

Машина ўтган жой ҳайдалиб қоларди, шунинг учун механизм ичида тиш бор деб тахмин қилиш мумкин эди. Аммо ташқаридан ҳеч нимани аниқлаб бўлмасди. Орқа томонига эса механик хаскаш ўрнатилган бўлиб, ҳайдалган ерни мола босгандай юмшатиб кетарди. Машинанинг ёнига: «Паркорий» деб ёзилган эди.

Ҳаммасидан аломати — машинани ҳеч ким бошқармасди. Ҳайдовчи ўтирадиган жой бўм-бўш эди. Билмасвой ва унинг дўстлари машинанинг ҳаммаёғини роса синчиклаб кўришди, ҳеч қандай тирик жон топа олишмади.

— Уни қара-я! — деди Олабола.

У ҳайрон бўлмоқчи эди-ю, аммо ўша заҳоти хатосини пайқади-да, жим бўлиб қолди.

Машинага унчалик қизиқмаган Тугмачахон жўнаш вақти бўлганини айтди. Аммо Билмасвой бу машинанинг қанақалигига сира тушуниб етолмасди. У синчиклаб қараб, дала ўртасида металл арқон ўраган устун турганини кўриб қолди. Арқончанинг бир учи машинага уланган бўлиб, машина унинг атрофида айланиб юрар эди. Арқон секин-аста бўшаб узаярди, машина бўлса, яна кенгроқ жойни айланарди.

— Эҳ, бу ерда иш ғалатига ўхшайди,— деб севиниб кетди Билмасвой,— қани, қараб турайлик-чи, арқоннинг ҳаммаси бўшагандан кейин нима бўларкин?

Кўп ҳам кутилмади. Машина катта айлана ясаб, ўзидан-ўзи тўхтаб қолди-да:

«Ту-у! Ту-у! Ту-у!» — деб овоз бера бошлади.

Бу овозга жавоб бергандай, узоқдан ҳуштак овози келди. Овоз тўхтади. Бир дақиқадан кейин чийиллаган товуш эшитилди. Сайёҳларимиз аллақандай ғалати, ўрмаловчи мотоцикл миниб келган митти болани кўришди. У мотоциклдан ирғиб тушиб, сайёҳлар билан илиқ кўришди.

— Сизлар, аҳтимол Паркорийнинг ишига қизиқиб қолган-дирсизлар? — деди у.

— Бу пичан ўрадиган машина эмасми-а? — деб сўради Билмасвой.

— Йўқ, ўзи юрар универсал комбайн, — деди митти бола.

Бу комбайн ўт ўради, кейин ер ҳайдайди, уруғликни экади-да, кетидан ерни молалаб беради. Унинг яна бошқа ҳунарлари ҳам бор. Ўрилган ўтларнинг комбайн ичига тушаётганини кўрган-дирсиз? Ўт унинг ичида майдаланиб кукун қилинади-да, кимёвий ўғит билан аралаштирилиб, шу жойнинг ўзидаёқ ерга солинади. Аралаш ўғит ҳосил бўлади, бу ўсимликка жуда фойдали. Ер ҳайдаш пайтида ўғит билан бирга фаоллаштирадиган қўшимча озуқа солинади, бу ўсимликнинг тез ривожланишига таъсир этади, ёзда тўрт мартагача ҳосил оламиз. Машинанинг олд қисмида чанг ютгич асбоб борлигини айтмабман. Чанг ютгич ерда ётган ёввойи ўт уруғларини чанг билан бирга тортиб олади. Ёввойи ўт уруғлари майдаланиб ўғитга қўшилиб кетади. Майдалангандан кейин улар ўса олмайди, шунинг учун экинга зарар етказмайди. Шундай қилиб, комбайн экади, мола босади, ерни ўғитлаб, қўшимча озуқа аралаштиради ва ёввойи ўтларни йўқотади. Шунинг учун универсал деб аталади.

— Машина нима учун устунга боғлаб қўйилган? — деб сўради Билмасвой.

— Машинистсиз ишлаши учун шундай қилинган, — деди митти бола. — Устунга боғланган арқонча бошқариш рулига тортилган. Машинанинг яқин ва узоққа бориши рулга уланган арқоннинг тортилишига ёки бўшалишига боғлиқ. Арқон айланиб бўлди дегунча, машина ўзидан-ўзи тўхтади-да, овоз чиқара бошлайди. Овозни эшитган машинист комбайннинг ёнига келиб, уни бошқа жойга кўчиради.

Митти машинист шундай деди-да, арқонни ечиб олди. Рулга ўтириб комбайнни бошқа устун олдига ҳайдаб борди. Комбайнга арқонни улади-да, ерга тушиб икки марта ҳуштак чалди. Комбайн париллаб устун агрофида айланиб, ер ҳайдай бошлади.

— Жуда ажойиб! — деди ҳайратда қолган Билмасвой. — Наҳотки машина ҳуштакни тушунса? Сиз ҳуштак чалиб, юртин, деганингизни қаёқдан тушунади у?

— Машина ҳеч нимани тушунмайдику-я, лекин сиз физика ўқиган бўлсангиз, товуш тебраниши орқали етиб боришини биласиз. Комбайн механизмида шундай асбоблар борки, у ҳаводаги товуш тебранишларни электр энергиясига айлантиради, электр энергияси ёрдамида комбайндаги бирор механизми ишлатиш мумкин бўлади. Мисол учун битта ҳуштак чалинса

тормоз ишлайди, иккита чалинса мотор ишлайди. Учта хуштак чалинса, чапга бурадиган механизми ишга тушади, тўртта чалинса, ўнгга буриладиган механизми ишлайди...

Шу пайт олисдан: «Ту-у! Ту-у! Ту-у!»— деган товуш келиб қолди.

— Мана,— деди машинист,— бу Сайёрий иши тугаганидан дарак бераётир. Тез бориш керак. Сайёрийни кўрасизларми? Яқин, бир дақиқада етиб оламиз.

Бормоқчи бўлиб, машинага ўтирмоқчи эдилар, митти бола, яхшиси ҳаммамиз мотоциклимда бора қолайлик, деди. Сайёҳлар мотоциклга қандай сиғамиз деб, ҳайрон бўлишди. Лекин мотоциклинг ўтирадиган жойи узун экан, тўртталови ҳам сиғишди. Олдинга машинист, унинг орқасига Билмасвой, ундан кейин Тугмачахон ва энг кетида Олабола ўтирди.

Митти бола моторни юргизган эди, мотоцикл шундай тез ўрмалаб кетдики, нақ ҳамманинг нафаси оғзига тиқилаёзди. Доира шаклидаги даланинг ишини тугатиб тўхтаб қолган бошқа комбайннинг ёнига бир дақиқада етиб келишди. Машинист хуштак чалиб уни бошқа устун олдига олиб борди-да, ишга тушириб юборди. Машинанинг ёнига чиройли қилиб: «Сайёрий» деб ёзилганди.

— Бу машина бошқача лойиҳадами?— деб сўради Билмасвой.

— Йўқ, лойиҳаси худди ўшанақа,— деб жавоб берди машинист.

— Нега бўлмаса, у Паркорий, бу эса Сайёрий деб аталади?

— Бизда ҳар бир машинанинг ўз номи бор, ҳар бир машинага ҳар хил рақам ёзиб ўтиргандан кўра бу чиройлироқ-да.

— Бирданига икки машинада ишлайсизми? Шундай қилиб, Паркорий билан Сайёрий ўртасида ўз мотоциклингизда қатнайсизми?— деб сўради Тугмачахон.

— Йўқ, менинг ихтиёримда Эксцентрида, Концентрина, Рондоза, Паркорий, Чиғаноқ, Тегирмон, Пирпирак, Орбита, Йўлдошой ва Сайёрий деган ўнта машина бор.

— Уновини қараб чиқишга улгурасизми?— деб ҳайрон бўлди Тугмачахон.

— Бу жуда осон. Ҳатто, бу орада китоб ўқишимга, офтобда ётиб товланишимга ҳам вақт қолади. Лекин, тўғриси айтсамчи, бу машиналар анча эскириб қолди, бир қанча камчиликлари ҳам бор.

— Қанақа камчиликлар?— деб қизиқиб сўради Билмасвой.

— Биринчидан, унинг ҳаракат доираси кичкина, шунингдек, арқон ёрдами билан бошқарилади. Арқонни истаганча узайтиришнинг иложи йўқ. Шунинг учун машинани бир жойдан иккинчи жойга кўчириб туришга тўғри келади, натижада озгина жой ишланади-да, ишнинг унуми кам бўлади.

— Арқонсиз ишлатишнинг иложи йўқми?— деб сўради Билмасвой.

— Иложи бор. Ҳозирги янги машиналарда арқон ўрнига радиоманит алоқаси ишлатилади. Даланинг қоқ ўртасига кенг доирага таъсир этадиган кучли радиоманит ўрнатилади. Шунга ўхшаш, лекин кичикроқ радиоманит комбайннинг руль бошқариш жойига ўрнатилади. Иккала манит бир-бирига қанчалик яқин бўлса, шунчалик алоқа кучли бўлиб, руль ҳам шунчалик кўп айланади. Манит қанча узоқ бўлса, алоқа шунчалик кам бўлиб, рулнинг айланиши камаяди. Шундай қилиб, комбайн аввал марказий радиоманит атрофида тор доирада айланади, кейин ҳар айланганида доира кенгая бориб, истаганча кенгликка бориши мумкин. Агар истасаларинг, ўшанақа радиокомбайннинг ишини кўрсатишим мумкин.

— Олисда эмасми у? — деб сўради Тугмачахон.

— Йўқ, жуда яқинда. Ҳув, анови тепаликка чиқсак бўлгани, у ердан ҳаммаси кўринади.

Ҳаммалари севиниб рози бўлишди, ўрмаловчи мотоциклга миниб жўнашди.

## Тўққизинчи боб

### РАДИОЛЯРИЯ

Ўрмаловчи мотоциклнинг бошқа мотоциклдан фарқи шундаки, бу мотоцикл ғилдираклар ёрдамида ҳаракат қилмай, ўрмаловчи тракторга ўхшаб, судралиб юради. Тракторда тасма занжир иккита, мотоциклда эса атиги битта. Шу сабабдан юрган вақтда оғиб кетмаслик учун икки ғилдиракли велосипед мингандай мувозанатни сақлаб юриш зарур. Тракторнинг ўрмаловчи тишлари металлдан тайёрланади, мотоциклга эса резина ишлатилади. Шунинг учун мотоцикл текис юради ва энг ёмон йўлдан ҳам кетаверади, ҳатто у ҳеч қандай йўл бўлмаса ҳам юра олади.

Бу гапларни бизнинг сайёҳларга янги танишлари сўзлаб берди. Уларнинг Қуёш шаҳрига кетишаётганини билиб у жуда севинди, ўзининг Қуёш шаҳрида туришини, исми эса Ҳайдарча эканлигини айтиб берди. У доим машина ҳайдагани, машина ҳайдашни яхши кўргани учун унинг исми Ҳайдарча экан.

Сайёҳлар Ҳайдарча билан гаплашиб, тезда дўнгликка чиқишди-да, тепа бўйлаб кетишди. Дўнглик тикка бўлганидан энг кейинда ўтирган Олабола сирғалиб тушиб қола бошлади. Охири у ўтирадиган жой қолмаганидан бақариб қолди:

— Эй, эй, тўхтанглар! Ҳозир йиқиламан.

У сўзини тугатмасданоқ, йиқилиб тушиб қолди. Дўнгликнинг устига чиқмасдан, Ҳайдарча машинани тўхтатиб, Олаболага ёрдамга югурди. Билмасвой билан Тугмачахон ҳам унинг кетидан

югуришди. Олаболага ҳеч нима қилмаганини кўриб, ҳаммалари севинишди.

— Урмаловчи мотоциклнинг яна бир яхши томони шундаки, — деди Ҳайдарча, — гилдирак бўлмаганидан ўтирадиган жойи унча баланд эмас, шунинг учун йиқилганингизда, оддий мотоциклдан йиқилгандай ерга қаттиқ тушмайсиз.

Сайёҳларимиз яна баландликка кўтарилишди, улар олдин кўрган доиралар кўз олдиларида тагин пайдо бўлди.

— Эҳ! — деб чапак чалиб юборди Тугмачахон. — Топдим! Ҳу кўринган доиралар машинангиз ҳайдаётган далалар экан.

— Жуда тўғри, — деб маъқуллади Ҳайдарча. — Ҳув, анов ўнг томонда сиз кўраётган қора доиралар — яқинда ҳайдалган дала. У ерда ҳали ҳеч нима ўсиб чиққанича йўқ. Яшил доиралар — кўкатлар, янги ўсиб чиқаётган жойлар. Қизил доиралар — кўкноризор. Сарик доиралар эса — гуллаб ётган қоқизор.

— Оқ жойлар-чи? — деб сўради Тугмачахон.

— Оқлари ҳам қоқизор, лекин улар пишиб, момикдай бўлиб ётибди.

— Қоқиларни нега экасишлар? Нима, уларни ейишадими? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Йўқ, уни ейишмайди, албатта, лекин унинг илдизидан резина олинади, поясидан эса пластмасса ва газмол тўқиш учун тола тайёрланади, уруғидан ёғ чиқарилади.

— Қани айтинг-чи, — деб сўради Олабола Ҳайдарчадан, — ҳув анови ранг-баранг бўлиб ётган доираларда кўкнори ёки қоқчи ўсиб ётибди дейлик, лекин узоқдаги нўхатдай бўлиб кўринаётган жойлар нимади?

— Ҳув, узоқдан сизга нўхатдай бўлиб кўринаётган жойлар ҳам экинзорлар-ку, лекин улар биздан олисда бўлганидан кичкина бўлиб кўриняпти.

— Ҳа, бу аниқ-ку, — деди Олабола. — Ҳу, олисдаги алақандай майда-майда, хол-хол нуқтачалар нимади?..

— Улар ҳам далалар, биздан жуда олисда бўлганидан зигиртдай бўлиб кўриняпти.

— Шунча далаларни ҳайдаш учун қанча машина керак бўлади? — деб сўради Тугмачахон.

— Ўнта машина, — деди Ҳайдарча.

— Ўнта? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой. — Йўқ, йўқ!

— Ишонаверинг, — деди Ҳайдарча. — Сиз кўриб турган жойларни Рондоза, Йўлдошой, Сайёрий каби ўнта машина ҳайдаган, холос.

— Ахир бу ерда мингтача дала бор-ку!

— Йўқ, мингтача эмас, ундан ҳам кўпроқ. Мана, ҳисоблаб кўринг-а, битта машина далани бир соатда ҳайдаши мумкин. Агар у бир кунда ўн соат ишласа, ўнта далани ҳайдаб қўяди. Шундай қилиб, ўнта машина бир кунда юзта далани ҳайдайди. Ун кунда ўн баробар кўп — мингта далани ҳайдаб қўяди. Модомики, биз бир ёзда ўртача уч марта ҳосил олар эканмиз, ҳай-

даш даври юз кун давом этади. Шундай қилиб, юз кунда ўн марта ортиқ — яъни ўн минг дала ҳайдалган бўлади.

— Ўн мингта дала! — деб юборди Билмасвой. — Бу осмондаги юлдузлардан ҳам кўп-ку, ахир! Ҳаммасини бир ўзингиз бажарасизми?

— Йўқ, мен ёлғиз эмасман, биз бештамиз. Биз тўрт навбатда ишлаймиз, бешинчи галига дам оламиз.

— Бари бир қийин, — деб қўл силтади Билмасвой.

— Сиз ҳозир бундан ажойиброқ машинанинг ишини кўрасиз, — деди Ҳайдарча.

Сайёҳлар тағин ўрмаловчи мотоциклга ўтиришди-да, бир зумда тепаликнинг юқорисига чиқишди, кўз олдларида бепоён водий намоён бўлди. Бутун водий ялангликдан иборат бўлиб, унинг бир чети тепаликнинг остидан бошланиб, охири ўрмон этагига тақалган эди. Бу доира худди алоҳида ҳалқалардан ташкил бўлгандай, китоблардаги Сатурн сайёрасининг суратига ўхшаб кетарди. Марказда эса, атрофини кенг қора ҳалқа ўраб турган думалоқ оқ бино турарди. Қора ҳалқа ўз навбатида сарғиш олтинранг ҳалқа билан, олтинранг ҳалқа яшил ҳалқа билан, яшил ҳалқа эса катта қора ҳалқа билан ўралган эди.

— Бу даланинг ҳаммасини буғдой экаётган битта радиокомбайн ҳайдаб чиққан, — деди Ҳайдарча. — Кўкламда у оқ бино атрофидаги ўрта ерни ҳайдарди. Секин-аста у кенгроқ доирани эгаллай бошлайди. Бир неча кундан кейин даланинг марказ қисмида буғдой униб чиқиб, кўм-кўк бўла бошлайди, кейин бошқоқлар донга тўла боради. Ундан кейин буғдойлар етилиб пишай деб қолади, комбайн эса ер ҳайдагани-ҳайдаган. Ҳозир марказий қисмда ўрим комбайни аллақачон ишга тушган. У ҳам айланиб юриб, пешма-пеш пишаётган буғдойларни ўради. Оп-поқ бино атрофидаги қора ҳалқага ўхшаш ерни кўрряпсиэми? У ердаги буғдой ўриб олинган. Сарик ҳалқа эса пишган буғдойзор, яшил ҳалқа — ҳали пишиб етилмагани. Четроқдаги қора ҳалқа эса ҳайдалган ер бўлиб, у ердаги буғдой ҳали кўкариб чиқмаган.

— Марказдаги оқ бино нимади? — деб сўради Тугмачахон.

— У элеватор билан тегирмон. У ерга дон тўкилади, дон тортилади ва сақланади. Элеватор тепасига радиоманит ўрнатилган. Ҳув анави машъалага ўхшаш минорани кўрряпсиэми?

— Радиокомбайннинг ўзи қаёқда? — деб сўради Билмасвой.

— Радиокомбайн, ҳув ана, даланинг чап томонида. Бу ердан яхши кўринмайди, ҳозир яқинроқ бориб кўрамиз.

Ҳаммалари мотоциклга миниб, тепаликдан пастга тушишди. Ҳайдаб қўйилган ер ёқалаб юриб комбайн олдида тўхташди. Комбайн аллақандай тўртбурчакли, карнайи осмонга қараган, усти зирҳ билан қопланган автобусга ўхшаб кетарди. Бу автобуснинг на деразаси, на эшиги, на филдираги бўлиб, ярим белидан ерга ботиб турарди. Машинанинг олд қисмида кенг туйнук

бор, ёнида эса пичоғи бўлиб, у комбайн юрганида ерни қирқади. Қор курайдиган машинаникига ўхшаш иккита ҳаракатланувчи темир қўли майдаланган тупроқни ўт билан аралаштириб, тўплаб, туйнукка олиб боради. Туйнукнинг тепасига «Радиолярия» деб ёзиб қўйилганди.

— Ҳув анавигга эътибор беринглар-а,— деди Ҳайдарча,— тупроқнинг комбайн ичига кириб кетаётганини кўриб турибсиз, лекин бошқа нарсани кўрмаяпсиз.

— Йўқ, ундан бўлак ҳеч нимани кўрмаяпмиз,— деб маъқулади Олабола.

— Ичида нима бўляпти? — деб сўради Ҳайдарча, кейин ўзи жавоб берди: — Ичида тупроқ майдаланади, ўғит, озуқа моддаси ва уруғлик барчаси аралаштирилади. Булардан бўлак, ёввойи ўт уруғи, зарарли ҳашаротлар тухуми ўша жойнинг ўзида йўқ қилинади.

— Қандай қилиб йўқотилади? — деб сўради Билмасвой.

— Ҳашаротлар тухуми ультратовуш ёрдамида парчаланаяди, ёввойи ўтлар уруғи бўлса, оддийгина усулда қиздирилади, кейин улар ўсиб чиқолмайди. Энди орқадаги машинани кўринглар-а. Бу ерда ҳам олдингига ўхшаш кенг туйнукни кўрасиз. Бу ердан, ҳали мен сизга айтган уруғлик, озуқа модда ва ўғитлар аралаштирилган майда тупроқ тўкилади, Ана шундай усулда, комбайн юрган жой ҳайдалган, экилган бўлиб қолади. Машина кечаси ҳам, кундузи ҳам, ёмғирда ҳам, иссиқда ҳам, совуқда ҳам ишлайверади, бу жуда фойдали машина.

— Бундан чиқди, машинанинг ишини ҳеч ким кузатиб турмас экан-да? — деди Билмасвой.

— Йўқ, радиоляриянинг ишини ҳам кузатиб туриш керак, лекин бу иш олисдан туриб бажарилаверади,— деди Ҳайдарча.— Машинанинг олд қисмига ўрнатилган пуфак шишага эътибор беринг-а. Бу телевизион кўрсаткичнинг пуфаксимон ойнаси. Бунда комбайн ва атрофда бўлаётган ишлар ҳаммаси акс этиб туради. Экранда акс этган ҳолат телеузаткич ёрдамида радиокомбайннинг марказий станциясига берилади. Марказий станцияда ўтирган машинист комбайн ва унинг атрофида бўлаётган ишларни телеқабулқилкичнинг пуфаксимон экранидан кўриб туради. У радиосигнал ёрдамида машинани тўхтатиши, юргизиши, агарда бирор ҳодиса рўй бериб қолгудай бўлса, уни истаган томонга буриши мумкин.

— Нега машинист марказий станцияда ўтиради? Нима, у бу ерда ўтиролмайdimи? — деб сўради Тугмачахон.

— Агарда машинист битта машинани бошқарганида шу ерда ўтириши мумкин эди. Лекин у Қуёш шаҳрининг турли далаларида ишлаб юрган ўн олтита комбайнни бошқаради-да. Марказий станцияда шунақа пуфаксимон телеқабулқилкичлардан ўн олтитаси ўрнатилган, машинист ўн олтита комбайннинг ишини бир вақтнинг ўзида кузатиб ўтиради.



— Марказий станция қаерга жойлашган? — деб сўради Тугмачахон.

— Марказий станция Қуёш шаҳрининг Ғарбий кўча деб аталадиган ерига жойлашган.

— Жуда қизиқ экан! — деб кулди Тугмачахон. — Бундан чиқди, бунақа комбайнда шаҳардан чиқмай туриб ҳам ер ҳайдаш мумкин экан-да?

— Ҳа, — деб тасдиқлади Ҳайдарча. — Битта комбайн эмас, ўн олтига! Ун олтитаси бир-биридан узоқ ўн олти жойда туради.

— Қизиқ, машинист станцияда ўтириб, у ердаги пуфаксимон экрандан нималарни кўради? — деб сўради Билмасвой.

— Шиша пуфакда биз нимани кўриб турган бўлсак, у ҳам худди ўшани кўради. Қаранглар-а, унда машинанинг механизми ва олдинги қисми акс этмоқда, шунингдек, унинг атрофидаги ер, осмон, ҳатто, сиз билан биз ҳам кўриниб турибмиз. Машинист ҳам буларнинг ҳаммасини станцияда ўтириб кўради. Мана, қараб туринглар, ҳозир машинистга комбайнни тўхтатиш учун сигнал бераман.

Ҳайдарча комбайннинг олдида туриб, қўлини юқорига кўтарди. Комбайн шу заҳоти тўхтади, моторининг овози ҳам ўчди. Бочканинг ичидан чиқаётганга ўхшаш қаттиқ овоз эшитилди:

— Нима бўлди?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ! — деб бақирди Ҳайдарча. — Узатгичи ишлаётганмикин деб текшириб кўрмоқчи эдим.

— Телеузатгич тузатилган, — деган жавоб келди.

— Ишни давом эттираверинг, — деб Ҳайдарча четроққа ўтди.

Яна мотор гувиллаб, машина юриб кетди.

— Жуда қизиқ! — деди Тугмачахон. — Демак, бу машина кўришдан бўлак эшитар ва гаплашар ҳам экан-да.

— Гаплашаётган, эшитаётган машина эмас, машинист-ку, — деди Ҳайдарча, — машинага қаттиқ гапирадиган карнай ва микрофон ўрнатилган. Микрофондан радио орқали станцияга сигнал берилади, станциядан буёққа ҳам сигнал берилади. Агарда машинист радио алоқани уласа, бизнинг гапларимизни эшитади. Унинг гапини биз қаттиқ гапирадиган карнай орқали эшит-япмиз.

— Ҳеч қандай ҳайрон бўладиган жойи йўқ, — деди Олабола. — Бу телефонга ўхшаган, холос.

— Бу комбайн нима билан юради? Спирт биланми, эҳтимол атом энергияси билан юради? — деб сўради Билмасвой.

— Спирт билан ҳам эмас, атом энергияси билан ҳам эмас, радиомагнит энергияси билан юради, — деб жавоб берди Ҳайдарча.

— Бу қанақа энергия ўзи?

— Бу электр энергиясига ўхшаган, аммо электр энергияси сим орқали ўтади, радиомагнит энергияси-чи, тўппа-тўғри ҳаво орқали ўтаверади.

— Тагин битта нарса мени қизиқтиради,— деди Билмасвой.— Сиз машинист марказий станцияда ўтириб ойна шарда акс этаётган ҳамма нарсани кўради, деб айтдингиз, бундан чиқди, у мени ҳам кўраётган экан-да?

— Албатта,— деб тасдиқлади Ҳайдарча.

Билмасвой, агар тилимни чиқариб қолсам, машинист кўрармикин, ахир у жуда узоқда-ку, деб ўйлади. У шарнинг олдига яқин келиб, ҳеч кимга кўрсатмай тилини чиқариб, башарасини буриштирди.

— Вой, уятсиз, тилини чиқаради-я! — деган овоз эшитилди қаттиқ гапирадиган карнайдан.

Билмасвой уялиб кетди. У хижолат бўлганини яширмоқчи бўлди-да, пиқиллаб кулди:

— Мен машинист кўрармикан ё кўрмасмикан деб билмоқчи эдим, у бўлса, кўрар экан,— деб тўнғиллади.

— Кўради, кўради, ишонавер,— деди Олабола.— Менга-чи, менга, радиомагнит энергияси ҳам, машинанинг узоқдан туриб бошқарилиши ҳам, машинистнинг ҳамма нарсани кўриши, эшитиши, ҳатто комбайн билан тупроқнинг майдаланиши ҳам, уруғликнинг аралаштирилиши — ҳаммаси тушунарли-ю, аммо комбайнга уруғлик билан ўғитнинг қаердан солинишини сираям ақлимга сиғдиролмаяман-да!

— Бу, жуда ҳам оппа-осон-ку,— деб кулди Ҳайдарча.— Бир кеча-кундузда икки марта юк машинасида уруғлик, озуқа ва ўғитни келтириб, комбайннинг устидаги тешиқдан унинг ичига қуйишади.

— Ундай бўлса, ҳайрон қоладиган жойи йўқ экан,— деди Олабола.— Агар комбайнга уруғлик қуйишмаса-ю, лекин уруғлик бетўхтов тўкилаверса, ана унда қизиқ бўларди-да!

Комбайнни томоша қилиб бўлиб, сайёҳларимиз орқага қайтишди.

Ҳайдарча бу сафар мотоциклини Олабола қияликда йиқилиб тушмасин деб тепанинг четидан ҳайдаб кетди.

## Унинчи боб

### БИЛМАСВОЙ, ТУГМАЧАХОН ВА ОЛАБОЛА-ЛАРНИНГ ҚУЁШ ШАҲРИГА КЕЛИШГАНИ

Бир неча дақиқадан кейин Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола ўз автомобилларига ўтириб олишди-да, Ҳайдарча билан хайрлашиб, янги саргузаштлар оламига жўнаб кетишди. Доира шаклидаги экинзорлар тамом бўлиб, йўлнинг икки томонида уйлар кўрина бошлади. Уйлар кичкина-кичкина, икки қаватли эди. Лекин чиройли, ҳашамдор бўлиб, айвон ва балкони ярқиратиб бўялган, томлари эса минорага ўхшаш эди. Томларининг

учида ғалати қуббалари ҳам бор эди. Ҳовлиларга ўриндиқчалар қўйилган, хилма-хил гуллар очилиб турарди.

Сайёҳлар юрган сари уйлар кўпроқ учрай бошлади. Тош йўл секин-аста кенг шаҳар кўчасига айланиб, атрофдаги уйлар ҳам баландлаша борди. Йўлчаларда миттилар кўпроқ кўрина бошлади, кўчаларда автомобиллар ҳам кўпайиб қолди. Машиналар бир-бирларига ҳалақит бериб чорраҳаларда тўхтаб қолишарди. Билмасвой билан шериклари баъзи машиналарни биринчи марта кўришлари эди. Айниқса, ўйинчоқ ёғоч отга ўхшаш автомобиллар кўп эди. Бу авто-отларнинг тўрт туёғида гилдираклар бор эди. Отга минганлар оёқларини узангига тираб, қўллари билан отнинг қулоғидан ушлаб олишганди. Отнинг кўзи ўрнида автомобилларникига ўхшаш чироқ ўрнатилган, оғзи ўрнида йўловчиларга сигнал берадиган карнай қўйилган эди. Бунақанги авто-отларга бир киши, баъзан икки киши олдинма-кетин мингашиб олишган эди. Баъзиларига тўрт киши мингашиб олишган, бунақанги авто-отлар иккита отни ёнма-ён қўйиб ишланган эди, йўловчилар жуфт-жуфт бўлиб ёнма-ён ўтиришганди.

Бу ерда авто-отлардан ташқари бурама юргичлар деб аталадиган машиналар ҳам ўтиб турарди.

Бунақанги машиналарда гилдирак ўрнига гўштқиймалагичникига ўхшаган мурват ёки бурама ўрнатилган бўлиб, мурват айланиши билан машина олдинга қараб юрарди. Бу машиналар анчагина қўпол, бураманинг айланиши натижасида ён томонга ҳам ҳадеб бурилиб кетаверарди. Айтгандай, бу камчиликлар қўш бурама юргичларда учрамасди, чунки ўрнатилган қўшалоқ бурама икки томонга айланиб турарди. Натижада машина четга бурилиб кетмасди. Яна бу машина қайрилишларда анча қаққон бурилади оларди. Қаёққа буриш керак бўлса, ўша томондаги бурамага тормоз бериш керак. Бир бурамали машинанинг эса ёнидаги тормози йўқ, тормоз бериш зарур бўлганда оёқни тираб тўхтатилади, бундан эса, ботинканинг таги тез ейилади.

Бу ерда яна гилдиракли реактив қувурюргич деб аталадиган машиналарни ҳам учратиш мумкин эди. Бу машиналар тўртта гилдиракли узун қувурдан иборат. Қувур реактив ёқилғи билан тўлдирилади. Ёқилғи қувур ичида ёниб, тутун газ қувурнинг дум қисмидан чиқариб ташланади, натижада гилдиракка ўрнатилган қувур олдинга юради. Буриладиган бўлса, орқа томонидаги руль ёрдамида бурилади. Дум қисмидан отилиб чиқаётган иссиқ газ рулга урилади-да, қувурюргич истаган томонга қайрилади. Бу қувурюргичлар ёз фаслида юришга жуда ноқулай, чунки қувурга миниб юрилади. Қувур бўлса, тез юрганда роса қизиб кетади. Қишда бўлса, бу машинада юриш жуда маза. Қувурюргичнинг остига ўрнатилган гилдирак ўрнига чананинг оёғига ўхшаш нарса қўйилади. Кейин қувурюргич шундай тез юриб кетадики, ҳатто кичикроқ чуқурларнинг устидан учиб ҳам ўтаверади. Айниқса, қаттиқ совуқда унинг устида иссиқ, печкада ўтиргандай маза қиласан.

Бу ерда ўрмаловчи велосипед ва мотоциклар ҳам, филди-ракли ўрмаловчи машиналар ҳам бор эди. Билмасвойни, айниқса қизиқтирган, кўзларини ўйнатиб юборган нарса машиналарнинг ҳар хиллиги-ю, уларнинг механизми эди. У машиналарга анграйиб, қаршидан келаётган машинага урилишига сал қолди.

— Яхисиси, пиёда юра қолайлик, бунақада ҳеч нима кўролмайдиганга ўхшаймиз, — деди у.

Билмасвой йўлгага бурилди-да, машинани тўхтатди. Дўстлар машинадан тушиб, кўча бўйлаб, томоша қилиб кетишди. Атрофда томоша қиладиган нарсалар сероб. Кўчанинг икки томонида ҳашаматли кўп қаватли уйлар қад кўтарган. Уйларнинг деворлари қизиқ-қизиқ нақшлар билан безатилган бўлиб, деворларнинг томга яқин жойларига турли рангдаги катта-катта суратлар ишланган. Кўпгина уйларнинг олдида тошдан йўниб ясалган ҳар хил ҳайвонларнинг шакллари бўлиб, бунақа шакллар уйларнинг олдидаги йўлкаларда ҳам бор эди. Йўлкаларда митти болалар ва қизалоқлар тўда-тўда бўлиб ўйнаб юришарди. Атрофда ҳазил ва кулги овози эшитилар, аллақачондан мусиқа садолари келарди.

Сайёҳлар бир неча қадам юргач, шу чоққача ҳеч кўрилмаган ажойиб уйни кўриб қолишди. Бу уйнинг қаватлари поғона-поғона қилиб ўрнатилган пиллапояларга ўхшарди. Иккинчи қаватда яшовчилар биринчи қаватдагиларнинг тоmidан юра олар, учинчи қаватдагилар эса, иккинчи қаватдагиларнинг томида бемалол ўйнаб юришлари мумкин, кейинги қаватдагилар ҳам ана шундай юришарди. Бу уйда лифт ўрнига ўзюкорар зиналар қурилган эди. Бу билан энг юқори қаватларга ҳам чиқиш мумкин эди. Пастга тушиш учун эса, уйнинг нариги томонида тарновга ўхшаган жой бўлиб, гиламчага ўтириб тарновдан пастга сирғаниб тушиш мумкин эди. Бунақанги гиламчалар пастда, юрарзинанинг ёнида тахланиб ётарди. Юрарзинадан юқорига чиққан одам, пастга тушганда керак бўлади деб, гиламчадан олиб чиқарди.

Сайёҳларимиз уйига қайтиб келувчиларнинг юрарзинадан юқорига қандай кўтарилишларини, уйдан ташқарига чиқиб кетувчиларнинг гиламчада қандай пастга тушишларини узок вақт томоша қилиб туришди.

— Қани, айт-чи, Олабола, ўзюкорар зинада юқорига чиққан яхшими ё гиламга ўтириб пастга тушган яхшими? — деб сўради Билмасвой.

— Чиқиб, тушиб кўриш керак, кейин қайси бири яхшилигини айтса бўлади, — деди Олабола.

— Гапинг тўғри! — деб севинди Билмасвой. — Чиқиб, тушиб кўрайлик-чи.

— Қўрқинчли эмасми? — деб сўради Тугмачахон.

— Қўрқадиган жойи йўқ! Бошқалар юришибди-ку. Қани, гиламчадан олинглар-чи.

Ҳамма биттадан гиламча олди. Билмасвой биринчи бўлиб юрарзинага ирғиб чиқди, ундан кейин Олабола билан Тугмачахон чиқди. Бир дақиқадан кейин улар бинонинг энг тепасига чиқишга бир қават қолганида юрарзинадан осонгина сакраб тушишди-да, силлиқ том бўйлаб пастга тушадиган томонга йўл олишди.

— Қани, четроқ тур-чи, мен биринчи тушиб кўрай,— деди Билмасвой Олаболага ва тарновга яқинлашди.

— Нега сен биринчи тушар экансан? — деб тумтайди Олабола. — Ким ўйлаб топганди тушиб кўришни? Мен топган эдим, энг аввал ўзим тушаман.

Олабола Билмасвойни итариб, тезлик билан гиламчани тарновга ёзди-да, унга ўтироқчи ҳам бўлган эдики, гиламча бирданга пастга сирганиб тушиб кетди. Олабола уни ушлаб олмоқчи бўлувди, ўзини тик тутолмай калласи билан тарновга йиқилиб тушди ва гиламнинг орқасидан пастга сирганиб кетди. Қўрққанидан эхонаси чиқаёзди. Бир сониядан кейин у йўлакнинг ўртасига учиб тушди, чанг кўтарилди.

— Ана холос! — деб гўлдиради ўрнидан тураётиб. — Худди осмондан тушгандай бўлдим!

— Ҳа, қалай, яхши учдингми? — деб бақирди Билмасвой юқоридан туриб.

— Жуда яхши! — деб жавоб берди Олабола чангларини қоқиб. — Энди сен учиб кўр-чи!

Билмасвой гиламчасини тарновнинг ичига ёзди-да, шошапиша ўтириб олди. Тушиш тезлиги бир хилда эмас, қияликда тезлик баъзан ошар, баъзан эса секинларди. Қияликнинг ҳар бир қаватда ҳар хил бўлиши, йўл-йўлакай тушиб олишга қулайлик берарди. Қиялик кўпайиши билан Билмасвой жуда тез учиб кетар, қўрққанидан қўли билан тарновнинг четини ушлаб оларди. Шундай бўлаверганидан унинг тагидаги гиламча ундан олдин пастга тушиб кетди, Билмасвой шимида сирганиб тушди.

Ҳаммадан ҳам Тугмачахон осонгина сирганиб тушди. У гиламча устига яхшилаб ўтириб олди-да, пастга тушишда тарнов четини ушламади. У жуда яхши тушди, бундан ҳам яхшироқ сирганиб тушиш мумкин эмасди.

Сайёҳлар бу ерга яна бир келиб, кўпроқ ўйнармиз деб олға қараб кетишди.

Қуёш шаҳрининг кўчалари миттиларнинг бошқа шаҳарларига қараганда анчагина кенг, айниқса, йўлчалари жуда энли эди. Ҳар бир уйда ошхона бўлиб, ошхонанинг столлари фақат ичкаригагина эмас, ҳатто ташқарига, йўлчаларга ҳам қўйилганди. Столлар теварагида миттилар ўтиришарди. Баъзи бирлари овқатланар, баъзилари чой, кофе, ситро ичар, газета ўқишар, журналдаги суратларни томоша қилишар, яна бошқалари лото, домино ва бошқа ҳар хил ўйинлар ўйнаб ўтиришарди. Айниқса, шахматчилар кўп бўлиб, шахмат тахтаси теварагида тўп-тўп бўлиб ўтиришганларни ҳамма ерда учратиш мумкин эди. Шу ер-

нинг ўзида, кўча ўртасида болалар қувлашмачоқ, чиллак, синф-синф, мушук-сичқон ва бекинмачоқ ўйнашарди.

Ҳар бир ошхона ёнида ўйинчоқхона бўлиб, унда стол атрофида ўйналадиган нарсалар сақланарди. Бундан ташқари, кўпгина уйларда буюмларни ижарага берадиган жой бўлиб, у ерда велосипед, самокат, теннис куракчалари, футбол ва волейбол коптокларини ижарага олиш мумкин эди. Бунақа ўйин ўйновчиларни ҳаммаёқда — хиёбонларда, махсус майдончаларда, ҳовлиларда учратиш мумкин эди. Айтмоқчи, Қуёш шаҳрида ҳовлилар йўқ эди, йўғ-э, бор эди-ю, аммо улар ўртасига ҳеч қандай чегара, девор қилинмаганди. Дарвозалар ҳеч қачон беркитилмасди, чунки дарвозанинг ўзи йўқ эди-да, мабодо онда сонда пастак тўсиқлар учраб қолгундай бўлса, у битта-яримтанинг йўлини тўсиш учун эмас, ўсимликларни сақлаш учун қилинганди.

Ана шундай тўсиқлар бўлмагани учун ҳовлиларга теннис ўйнайдиган жойлар, югуриш йўлкалари, ҳовузлар, футбол, волейбол, баскетбол, крикет, чиллак ўйнайдиган майдончаларни қуриш осон бўларди. Митгилар ўз ҳовлиларидан бошқа ҳовлиларга бемалол ўтиб, қўни-қўшнилари билан ҳар хил ўйинлар ўйнашарди. Бу ўйинлар эса уларнинг чиниқиб соғлом бўлишларига ёрдам берарди.

Сайёҳларимизга энг кўп ёққан нарса шуки, деярли ҳар бир уйда кино ёки театр бор эди. Айниқса, қўғирчоқ театри кўп эди. Нақ ҳар бир қадамда: «Катта қўғирчоқ театри», «Қўғирчоқ комедия», «Хушчақчақ қўғирчоқ» деб ёзилганди. Томошабинлар ёзда исиб кетмасликлари учун театрларга икки томонлама саҳна қурилган эди. Саҳнанинг бир томони залга қаратилган бўлиб, бошқа томони кўча томонга очиларди. Шундай қилиб, томошани қишда залда ўтириб кўриш, ёзда бўлса тўппа-тўғри кўчадан ё ҳовли томондан кўриш мумкин эди. Фақат саҳна жиҳозларини у ёққа айлантириб, залдаги стулларни ташқарига, очиқ ҳавога олиб чиқишарди, холос.

Билмасвой атрофдаги нарсаларга ағрайиб, йўловчиларга туртиниб кетарди-да, кейин жаҳли чиқарди. Билмасвойга туртиниб кетган йўловчилар «кечирасиз», дейишарди. Билмасвой бўлса, «ҳечқиси йўқ» дейиш ўрнига:

— Кўзингизга қарасангиз бўлмайдим! — деб уришиб берарди.

— Бу яхши эмас, — деди унга Тугмачахон, — агар биров сендан кечирим сўраса, сен «ҳечқиси йўқ» дейишинг керак.

— «Ҳечқиси йўқ» деб бўпман! — деди Билмасвой. — Агар ҳар бирига шундай деяверсанг, булар бошингга ҳам чиқиб олади.

Улар бу орада балконли баланд бир бино ёнига келишди. У балкондан бу балконга арқон нарвонлар тортилган эди. Бунақа арқон нарвонлар пастки қаватдаги балкондан юқори қаватдаги балконларга ҳам тортилган эди. Ҳаммаёғига арқон нар-

вонлар тортилган бу уй сафарга чиқишга ҳозирлик кўраётган кемага ўхшарди.

Бу уйда яшайдиган ўт ўчирувчилар ҳалиги тортилган арқон нарвонлардан чиқиб-тушиб машқ қилишарди.

Билмасвой бу ғалати уйга узоқ қараб турди. Ҳақиқатан ҳам уй жуда катта эди. Билмасвой бошини кўтариб қараган эди, бошидаги қалпоғи тушиб кетди. У ерга энгашиб, қалпоғини олмоқчи бўлганди, тўсатдан кутилмаган ҳодиса рўй бериб қолди. Худди шу пайтда Варақжон исмли митти бола кўчада «Яша номли ажойиб фознинг саргузашти» деган китобни ўқиб кетаётганди. Варақжон уйда ҳам, кўчада ҳам, чой ичганида, овқат еганида ҳам, ёруғда, қоронғида ҳам, ўтирган ёки ётганида ҳам, типпа-тик турганида ҳам ва ҳатто, юрганида ҳам китоб ўқий оладиган китобхонлардан эди.

У китобга алаҳсиб, Билмасвойнинг қалпоғини олаётганини пайқамай, унга урилиб йиқилиб тушди. Билмасвойни ҳам ағдариб юборди. Шунда Билмасвойнинг бошига унинг оёғи тегиб кетди.

— Ана, кўрдингми, ҳалитдан бошимга чиқа бошлашди! — деб бақирди Билмасвой. — Эҳ, эшак!

— Ким эшак? Мен эшакманми? — деди ўрнидан тураётиб Варақжон.

— Бўлмаса ким? Балки, мен эшакдирман? — деб бақирди Билмасвой.

— Фикрингизга қўшила олмайман, — деди одоб билан Варақжон. — Эшак тўрт оёқли, узун қулоқли ҳайвон...

— Уша тўрт оёқли ҳайвон сиз-да!

— Йўқ, аҳтимол, сиздирсиз ўша тўрт оёқли ҳайвон!

— Мен ҳали тўрт оёқли ҳайвон эканманми? — деб тутақиб кетди Билмасвой. — Ким тўрт оёқли ҳайвон эканини сизга кўрсатиб қўяман.

— Қани, кўрсатинг-чи, кўрсатинг-чи!

— Кўрсатаман.

— Ёлғон гапиряпсиз! Кўрсата олмайсиз!

— Хаҳ, мен ёлғон гапирар эканманми-а? — деб бақирди Билмасвой алам қилганидан бўғилиб. У шу заҳоти сеҳрли таёқчасини силкитиб: — Шу пакана боланинг эшакка айланиб қолишини истайман! — деб бақирди.

— Яна нима... — деганича бошқа гапиролмай қолди Варақжон

У: «Яна нималарни истайсиз», — демоқчи эди-ю, аммо шу заҳоти эшакка айланиб, думини ликилатганча йўлқадан шата-лоқ отиб кетди. Қўлидан тушириб юборган китобча йўлка ўртасида қолаверди. Яқин орада йўловчи бўлмаганидан бу тасодифий ҳодисани ҳеч ким пайқамай қолди. Тугмачахон билан Олабола Билмасвойнинг арқон нарвонли уй олдида алаҳсиб қолганини пайқамай олдинга кетиб қолишганди. Билмасвой уларга етиб олганида улар деворига йирик ҳарфлар билан

«Мальвазия меҳмонхонаси» деб ёзилган баланд бино олдида туришарди.

— Биз мана шу ерда тўхтаймиз, — деди Тугмачахон. — Сайёҳлар доимо меҳмонхонада туришади.

Учала дўст меҳмонхона эшиги сари йўналишди.

## Ун биринчи боб

### КЕЧ ТУШГАНДА

Меҳмонхона йўлагига пайдо бўлган бизнинг сайёҳларимиз ичкаридан биров итаргандай тўсатдан очилиб кетган эшикдан чўчиб ўзларини четга олишди. Уйдан ҳеч ким чиқмаганини кўриб, бино ичига киришди. Улар кириши билан эшик яна ёпилиб қолди. Сайёҳлар атрофга аланглашди. Унг томонда кенг зинапоё, чап томонда бўлса стол ва бир қанча курсилар турарди. Қаршидаги деворда қора эшик бор эди. Бу қора эшикда тўсатдан оқ телевизион экран ярақлаб пайдо бўлди. Унда қип-қизил кулча юзли, сариқ сочли битта қизалоқ кўринди. Қизалоқнинг сочини иккита қора попук безаб турарди. Унинг қулоғида радио наушниги бор, стол устида бўлса, микрофон турарди. Қизалоқ мулойим жилмайди-да:

— Яқинроқ келишларингизни илтимос қиламан, — деди.

Билмасвой ва унинг дўстлари астагина экранга яқинлашишди.

— Меҳмонхонада турмоқчимисизлар? — деб сўради қизалоқ ва анграйиб, оғзи очилиб қолган сайёҳларнинг жавобини кутмасданок: — Бўш хоналар бешинчи қаватда, шу эшикка кириб, лифт билан юқорига чиқишларингизни илтимос қиламан, — деб қўшиб қўйди.

Қизалоқ яна бир жилмайиб, экрандан ғойиб бўлди. Экрани бор ҳалиги қора эшик очилди. Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола ичкари кириб, ўзларини лифт ичида кўришди. Эшик шу заҳоти ёпилди-да, лифт юқорига кўтарилди бошлади. Бешинчи қаватга келганда тўхтагани, эшик тагин очилди. Йўловчилар йўлакка чиқишлари билан, қаршидаги деворда экран пайдо бўлди-ю, яна ҳалиги қизалоқнинг жилмайиб турган юзи кўринди.

— Хонангизнинг рақами тўқсон олтинчи, йўлакнинг охирида, унг томонда, — деди у. — Энг аввал олдингиздаги стол устида ётган дафтарчага ҳар бирингиз ўз исм-фамилиянгизни ёзиб қўйишингизни илтимос қиламан.

Билмасвой стол устида ётган дафтарчани очди-да, энг охириги бетидаги номлар ёзилган жойни ўқиб кўрди, кейин қўлига ручкани олиб, ўзини жиддий тутиб: «Автомобилчи сайёҳ Билмас Билмасович Билмасвой» деб ёзиб қўйди. Бу ёзувни кўриб қол-



ган Олабола пиқ этиб кулди, кейин бир оз хаёлга кетди, бурнининг учини қашиди ва стол устидаги ружкани олиб, ҳафсала билан дафтарга: «Чет эллик Кир-чир Ола-болай» деб ёзиб қўйди. Фақат Тугмачахон ҳеч қандай найрангсиз ўзининг қисқагина отини ёзиб қўя қолди.

Кейин дўстларимиз қатор эшиклар тизилиб турган йўлакдан юриб кетишди. «96» деб ёзилган эшикни кўриб қолган Тугмачахон:

— Тўқсон олтинчи хона. Биз шу ёққа кирамиз, — деди.

Билмасвой эшикни очиб юборди, ҳаммалари кенг даҳлизга киришди. Қарши томондаги деворда яна экран ярақлаб очилиб, унда тагин ҳалиги жилмайиб турган қизалоқ пайдо бўлди.

— Мана, энди ўз уйларингиздасиз, — деди қизалоқ. — Сафардан кейин дам олишни истайсизми? Чап томонингиздаги эшикдан хоналарга кирилади. Кириб бемалол жойлашаверинглар. Қалпоқларингизни даҳлиздаги илгичларга ёки олдингиздаги шкафага илиб қўйсанглар ҳам бўлади. Бу такомиллашган шкаф-чангютар. У кийимларни тозалайди ва ундаги чангларни автоматик равишда сўриб олади. Унг томондаги эшикдан ваннага кирасиз. Эҳтимол битта-яримтангиз душ ё ваннага тушишни хоҳларсиз, жуда бўлмаса, шунчаки ювиниб олмоқчидирсиз-а? — деб сўради-да, Олаболага кулиб қараб қўйди.

— Таклифингизни ўйлаб кўрамиз, — деб жавоб берди Олабола.

— Хўп, хўп, марҳамат, ўйлаб кўринглар! Мабодо менга саволларингиз йўқми?

— Менда савол бор, — деди Олабола. — Узингиз ким бўласиз, қаерда ўтирасиз, исмингиз нима?

— Мен меҳмонхонанинг навбатчи директориман, директор хонасида ўтирибман, исим эса Гулсафсар.

— Менинг исмим-чи, Олабола, йўғ-э... тфу! Кир-чир Олаболай, билиб қўйинг!

— Менинг ҳам саволим бор, — деди Билмасвой, — бу шкаф-чангютар қандай ишлатилади?

— Уни ишлатишнинг ҳожати йўқ. Шкафни очиб буюмларингизни унинг ичига иласиз-да, эшикчасини ёпсангиз бўлгани, шунда чангютар механизми автоматик равишда ишлайверади. Тагин саволингиз борми?

— Ҳозирча бошқа йўқ, — деб жавоб берди Билмасвой.

Гулсафсар Билмасвой билан Тугмачахонга бошини қимирлатиб қўйди-да, кейин Олаболага назар ташлаб, анча жилмайиб туриб, экрандан гойиб бўлди.

— Қизиқ, нега у ҳадеб илжаяди? — деб сўради Олабола. — Мени кўрди дегунча, кулаверади.

— Негалиги аниқ, — деди Тугмачахон, — сенинг «топ-тоза» лигингни кўриб кулгиси қистаса керак.

Билмасвойни ҳаммасидан ҳам шкаф-чангютарнинг тузилиши қизиқтириб қолди. Шкафнинг эшикчасини очиб, ичига мўрала-

ганда, шкафнинг таги, ёни ва усти — ҳаммаёғида арининг инига ўхшаш майда-майда тешикчаларни кўрди. Билмасвой шкафга сеҳрли таёқчасини ташлади, қозиққа қалпоғини илиб қўйди, кейин эшикчасини ёпди-да, ичкарига қулоқ солиб турди. Шкаф ичидан ари инидан чиқадиган гувиллашга ўхшаш бўғиқ овоз эшитилди. Билмасвой эшикни очувди, гувиллаш тўхтади, ёпган эди, тагин гувиллаш эшитилди.

— Қани, Олабола, бундоқ тур-чи, ҳозир синаб кўрамиз, — деди Билмасвой. — Мен шкафга кираман, сен устимдан эшикни ёпиб қўясан. Унинг қанақа ишлашини кўрмоқчиман.

Билмасвой эшикни очиб, шкафнинг ичига кириб олди. У қоронғида гувиллаган товушни эшитди ва атрофдан шамол ураётганини сизди. Шамол борган сари кучли урарди. Билмасвой бир дақиқа ўтмасданоқ тик туролмай қолди. Шамол уни бир четга олиб бориб, деворга қисиб қўйди. Бирданига шамол ўз йўналишини ўзгартириб бошқа томонга эса бошлади-да, Билмасвойни деворнинг нариги томонига олиб бориб ташлади. Ундан кейин шкафнинг таг томонига ура бошлади. Билмасвойнинг кўйлак ва шими шамол тўлдирилганга ўхшаб дўмбира бўлиб кетди. Сочлари тикка бўлди, у ўзини ҳаво пуфағида ўтириб олгану ҳозир учиб кетадигандай ҳис этди. Билмасвой мувозанатини сақлаб қолиш учун шартта полга ўтириб, ичкаридан эшикни очиб юборди.

— Қалай, синаб кўрдингми? — деб сўради Олабола Билмасвойнинг шкаф ичидан эмаклаб чиқишини кўриб.

— Яхши тажриба бўлди, — деб жавоб берди Билмасвой. — Тажриба жуда қизиқ чиқди! Хоҳласанг, сен ҳам қилиб кўр.

— Қалай, шкафнинг ичи қўрқинчлимасми? — хавфсираб сўради Олабола.

— Қўрқинчили жойи йўқ! Сал-пал чангингни тозалаб қўяди, холос.

— Қандай қилиб?

— Ҳаво пуфағида учгандай бўласан-да, шу. Жуда ғалати, шкафга кирсанг, биласан. Қўрқма, ҳеч нима қилмайди!

Билмасвой бундан кейин нима бўлишини айтмай Олаболани шкаф ичига итариб юборди-да, эшикни шартта ёпиб олди. У бир неча дақиқа жилмайиб, гувиллашга ва шкаф ичидан эшитилаётган тақир-туқирга қулоқ солиб турди. Охири эшик очилиб ундан Олабола отилиб чиқди.

— Жуда қизиқ экан-да! — деди ўрнидан тураётиб Олабола. — Қани, Тугмачахон, энди сенинг навбатинг.

— Тагин нималар дейсан! — деди Тугмачахон. — Бўлмағур нарсалар билан овора бўлишга зарур келибдимиз менга!

— Йўқ, унақа дема! Бу сен ўйлаган бўлмағур нарса эмас. Жуда жиддий нарса.

— Юринглар, яхшиси, хоналарни кўра қолайлик, — деди Тугмачахон.

Тугмачахон эшикни очиб юборди, сайёҳлар сарғиш паркет ишланган топ-тоза полли кенг хонага киришди. Хона ўртасига думалоқ стол қўйилган, девор ёнларида буфет, яшил мато қопланган диван, иккита юмшоқ курси ва бир қанча стуллар турарди. Дераза олдидаги кичикроқ стол устида шахмат-шашка бор эди. Хонанинг бир бурчагига радиоприёмник, иккинчи бурчагига телевизор қўйилган эди.

Шу хонага ёнма-ён, чап томондаги тағин битта хона бўлиб, унга иккита каравот қўйилган эди, чап томондаги учинчи хонада эса битта каравот бор эди.

— Бу хонада мең тураман, — деди Тугмачахон, — икки каравотли хонада сизлар турасизлар.

— Ўртадаги хона ҳаммамизники бўлади, — деди Олабола. — Биз бу ерда радио эшитамиз, телевизор кўрамиз ва ҳар хил масалаларни муҳокама қиламиз. Энг биринчи навбатда мен тушлик овқат масаласини муҳокама қилишни таклиф этаман.

— Тушлик ҳақида ташвишланмасанг ҳам бўлади, — деди Тугмачахон. — Сеҳрли таёқчаси бўлган одамнинг ҳаммавақт тушки овқати ҳам, кечки овқати ҳам тайёр бўлади. Лекин сен аввал ваннага тушишинг керак.

— Ахир, мен чангларимни қоқтириб олганман-ку, нега тағин ваннага тушар эканман? — деб норози бўлди Олабола.

— Чангингни қоқтириб олганинг билан тоза бўлганинг йўқ-ку. Бунақа кир-чир ҳолда овқатланишга ўтирмайсан! Кириб ювиниб чиқ, бўлмаса овқатланмайсан!

Олабола бўйсунушга мажбур бўлди. У ваннага кирди, фақат юзинигина ювиб, Тугмачахонга бўлса бутунлай ювиндим демоқчи бўлди. Ювингичнинг олдига бориб, унинг тузилишини ўрганишга киришди. Қўл ювадиган жўмракнинг тепасида пластмассадан ишланган тахтача бўлиб, у бошқариш марказига ўхшарди. Унинг энг ўртасида думалоқ ойна бор эди. Ойнанинг таг қисмига суратли тугмачалар жойлаштирилган бўлиб, тугмачанинг остида шохга ўхшаган бир қанча даста бор эди. Тахтачанинг юқори қисмида — ойнанинг устида радиокарнайга ўхшаш кенггина карнай чиқиб турарди. Тахтага карнай турган жойнинг тагидан жун ўралган айлана асбоб ўрнатилганди. Ундан ҳам юқори, шипнинг сал пастроғида, гулга сув сепадиган идишнинг тумшуғига ўхшаган яна битта банди эгилган карнай бор эди. Ойнанинг икки томонида бир қанча тортма қутичалар ўрнатилганди. Олабола совун сурати солинган қутичани тортиб кўрган эди, унда бир бўлак совун бор экан. Тиш чўтка сурати солинган қутичага қараган эди, ундан тиш чўтка топди. Тиш мойи сурати солинган қутидан тиш мойи олди.

— Ёзиб қўйилган нарсанинг жойида бўлишига ҳеч ажабланмаса бўлади, — деди Олабола мамнун бўлиб, кейин ойна тагидаги тугмачаларга аланглай бошлади.

Бир тугмачанинг остига радиокарнайга ўхшаган карнай сурати солинган эди. Олабола шу тугмачани босганди, карнай ўша

заҳоти юқорига сал кўтарилиб, кейин энгашиди-да, ундан илиқ ҳаво урилиб чиқди.

— Ҳа, топдим! — деб ўзича фикр қилди Олабола. — Бу бош ювгандан кейин сочни қуритадиган карнай экан.

У типратикон суратига ўхшаган бир сурат солинган бошқа тугмани босганди, бирданига боши устида қилли айлана асбоб пайдо бўлди-да, айланиб сочини тарай бошлади.

Олабола олдинига қўрқиб кетганидан ўтириб қолди, кейин ўқнинг аста айланаётганини кўриб, дадилланди-да, унинг тагига калласини тутиб турди:

— Қўрқадиган жойи йўқ экан-ку! Шунчаки соч тарайдиган автомат чўтка экан-да, — деди.

Сочини таратиб бўлгач, атир шиша сурати солинган тугмани босганди, ойна ёнидаги туйнукчадан ўша заҳотиёқ атир сочилиб чиқиб, юзига атир пуркалди. Олабола ҳатто кўзини бекитишга ҳам улгура олмаганди, кўзи ачишиб кетди. Қўли билан кўзини артаман деб, кўз ёшини юзига суркаб юборди.

— Бунинг ҳам унчалик қизиқ жойи йўқ! — деди у. — Атир сурати солингандан кейин, ундан атир чиқиши турган гап. Агарда атир сурати ишланиб, ундан мисол учун сув ёки сиёҳ отилиб чиқиб кўзингга урса борми, ана унда қизиқ томоша бўларди.

Кейин у жўмрак тагидаги дасталарни кўра бошлади. Бу ерда асло тушуниб бўлмайдиган аллақандай суратлар бор эди. Бир дастанинг устига қизил бўёқ билан битта яланғоч митти боланинг сурати солинган эди. Бошқа даста устида худди шунақа суратнинг кўк бўёқ билан солингани бор эди. Учинчи дастанинг устида қизил рангда қўл сурати ишланганди. Тўртинчисида ҳам қўл сурати бор эди, аммо у кўк рангда эди. Буларнинг маъноси-га тушуниб етмаган Олабола, тўғри келган битта дастани бураб юборганди, ўша заҳотиёқ шариллаб сув қуйилиб кетди. Олабола яна менга атир сепиляпти деб, кўзини юмиб олди. У кейинроқ қуйилаётган нарса атир эмаслигини сизди-да, кўзини очиб душдан сув тушаётганини кўриб қолди. У эндигина ҳайрон бўлаётган эди, аммо ўз вақтида хатосини пайқаб қолди.

— Шошма! Ҳайрон бўлишга ҳали эрта. Мен шунчаки душнинг тагига тўғри келиб қолибман, холос, — деди.

Совуқ сув остида қолиш ҳам майли-я, устига-устак, кийим-бош билан шалаббо бўлиш жуда кўнгилсиз эди. Олабола сувни тўхтатмоқчи бўлувди-ю, аммо қайси дастани бураганини унутиб қўйиб, тўғри келганини бурай бошлади. Совуқ сувни тўхтатиш ўрнига, иссиқ сувни очиб юборди. Устига шариллаб ёғилаётган сув кўнайиб хиёл илиқлашиб қолди. Хуллас, сувни тўхтатганида бошидан-оёғигача шалаббо бўлган эди.

Тугмачахон Олаболанинг хонасига кириб келганини кўриб:

— Қалай, ваннага тушиндигми? — деб сўради.

— Ҳа, тушдим, — деб қўя қолди Олабола. Тугмачахон унинг ҳаммаёғи шалаббо бўлиб кетганини пайқаб қолди.

— Нима бало, кийиминг билан ваннага тушдингми?

— Қанақа қилиб тушиш керак яна? Ундаги механика шунчалик қийин эканки, хоҳласанг, хоҳламасанг кийим-бошинг билан чўмилтирар экан.

— Қандай қийин механика?— деб қизиқиб қолди Билмасвой.

— Кириб кўрсанг, биласан,— деди Олабола.

Билмасвой ҳам кирди-да, бир дақиқадан кейин бошдан-оёқ шалаббо бўлиб қайтиб чиқди. У дастлаб иссиқ сувни бурабди, унинг уст-бошидан буғ чиқиб турарди.

— Вой, шўрим, сизларга нима бўлди?— деди Тугмачахон.

Кейин у ваннахонага кириб дасталарни бурашни ўргана бошлади. Билмасвой билан Олабола ҳам ваннахонага кириб Тугмачахоннинг ишига қараб туришди.

— Қани, топиб кўргин-чи,— деди Билмасвой,— нима учун бир дастанинг олдига бутун бошли митти бола сурати солингану, бошқасига фақат қирқилган қўл сурати солинган?

— Бу тушунарли-ку,— деди Тугмачахон.— Агар қўл сурати бор дастани бурасанг, қўл ювадиган жўмракдан сув келади, агарда митти бола сурати бор дастани бурасанг-чи, душдан шариллаб сув оқади.

— Тўппа-тўғри!— деб қўшиб қўйди Олабола.— Бари оппа-осон. Лекин, нима учун битта митти қизилу, бошқаси кўм-кўк?

— Буни мен биламан,— деди Билмасвой.— Қизил суратли жўмракни очсанг, иссиқ сув тушиб, сени ўша заҳоти буглаб, қизартириб юборади, кўк суратли жўмракни очсанг, ундан совуқ сув келиб, сени қотириб, кўкартириб қўяди.

— Ана энди, ҳаммаси тушунарли бўлди, ваннага тўлдириб сув қуйинглар-да, чўмилиглар,— деди Тугмачахон.

Билмасвой билан Олабола ювиниб бўлишгандан кейин, ваннахонага Тугмачахон кирди. Кейин учаласи стол атрофига овқатланишга ўтиришди. Билмасвой сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, уни силкитди-да:

— Столда овқат ҳозир бўлсин!— деди.

Ўша заҳотиёқ стол устида очилдастурхон пайдо бўлди. У ўзидан-ўзи очилиб кетди-да... турли ноз-неъматлар муҳайё бўлди. Хоҳлаган нарсани истаганча еганинг билан дастурхондаги овқат сира озаймасди. Билмасвой билан Олабола кўрпага ўралиб ўтиришди, чунки уларнинг кийимларини Тугмачахон ювиб, қурисин деб ёйиб қўйганди. Олабола ҳадеб ўзини ширинликка урарди, фақат қандларни чўнтагига бекитолмасди. Ҳар қалай, у бир ҳовуч қандни ўрнидаги ёстиқнинг тагига бекитиб олди.

Охири ҳаммалари тўйиб, дастурхондан туришди. Дастурхонни йиғиштиришнинг ҳам ҳожати қолмади, очилдастурхон ўзидан-ўзи ёпилиб, ичидаги овқатлари билан ғойиб бўлди. Тугмачахон деразадан ҳовлига қараб, кеч кириб қолганига ҳайрон қолди. Кейин, у энди ухлайлик деб, ўз хонасига кириб кетди.

Билмасвой билан Олабола ҳам ўз хоналарига кириб кетишди. Чироқни ўчириб, ўринларига кириб ётишди. Олабола бўлса, аллавақтгача қанд шимиб ётди, қоғозларини полга ташлади. Охирида оғзида чала ейилган қанд билан ухлаб қолди. Билмасвой бўлса, анча вақтгача ухламай, бугун бошидан кечирганларини ўйлаб чиқди. Гўё унга, Гулзор шаҳридан бугун эмас, кеча эмас, аллақачон, худди бир ой илгари чиқиб кетишгандай туюлди. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ, чунки миттиларнинг ўзлари жуда кичкина-да, катталарга қараганда вақт кичкиналарга анчагина секин ўтаётгандай туюлади.

## Ун иккинчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ ЎЗ ВИЖДОНИ БИЛАН ГАПЛАШГАНИ

Билмасвойнинг кўзи аста-секин хонанинг қоронғилигига кўника бошлади. Атрофдаги нарсаларнинг мавҳумроқ шакллари пайдо бўла борди. Девордаги қора чорчўпли суратни кўриш мумкин бўлиб қолди. У сурат Билмасвой ётган каравотнинг худди нариги томонига осилган эди. Каравотнинг бош томонида кичкина шкафча турарди, Билмасвой уни олдинига оддий тумбочка деб ўйлаганди. Энди у бу тумбочканинг оддий эмаслигини пайқади. Эшикча ўрнида теп-текис қопқоқ бўлиб, бошидан-охиригача кичкина оқ тугмачалар қадалган эди. Ҳар битта тугмача олдига бирорта эртакнинг номи ёзиб қўйилганди. Унда: «Қизил қалпоқча», «Кичкина бола», «Олтин хўрозча», «Мош мушук» деган ёзувлар бор эди. Тумбочканинг устига ойна қўйилганди.

«Бу қанақа нарса бўлди ўзи? — деб сўради ўз-ўзидан Билмасвой. — Эҳтимол, тугмани боссам, шкаф ичидан эртак китоби чиқар? Кечаси эртак ўқиб ётсам ёмон бўлмасди».

Билмасвой кўп ўйлаб ўтирмасдан дуч келган тугмачани босди. Лекин шкафчадан ҳеч қанақа китобча чиқмади, ёқимли муסיқа садоси эшитилди-да, эркаловчи мулойим бир овоз оҳиста эртак айта бошлади:

«Бир бор экан, бир йўқ экан, Алёнушка деган қизалоқ бор экан, унинг Иванушка деган укаси ҳам бўлган экан. Улар бир кун саёҳат қилгани кетишибди...»

«Ҳа, топдим, — деб қолди Билмасвой, — демак, бу эртак айтадиган оддий машина экан, холос. Узинг ўқигандан кўра анча дуруст бу. Ётиб ухлаб қолгунингча маза қилиб эшитаверасан».

Бу орада тумбочка устига қўйилган ойна ёришиб, унинг ичида кўм-кўк ўтлоқ пайдо бўлди. Ўтлоқда узунгина йўл кўринди, йўлдан қўл ушлашиб, опаси Алёнушка билан укаси Иванушка келишарди.

Билмасвой яхшироқ кўриш учун ёнбошлаб олди ва бу орада эртак айтаётган овоз давом этди:

«Шундай қилиб, укаси Иванушка билан опаси Алёнушка юриб-юриб қирғоғида сигирлар ўтлаб юрган бир дарёчага келиб қолишибди. «Сув ичгим келяпти», дебди Иванушка. Унга опаси: «Иванушка, укажоним, бу сувдан ичмагин, ичсанг бузоқча бўлиб қоласан», — деб жавоб берибди...»

Билмасвой эртак охирига етгунча эшитиб ётди. Эртак унга жудаям ёқди, лекин бечора Иванушканинг бузоқ бўлиб қолганига жуда ачинди. Бу ҳолат эса унга бугун кўчада ўзи эшакка айлангандан митти болани эслатиб қўйди. Билмасвой ўша болани тамоман унутиб юборган экан, энди у ҳақда ўйлай бошлади. Билмасвой боланинг эшакка айлангандан кейин йўлқадан шаталоқ отиб чопганини, кетаётганда узун қулоқли калласини бурганини, Билмасвойга ғамгин кўзи билан маъюсгина қараб қўйганини эслади.

Эртак аллақачон тугаган бўлса ҳам Билмасвой қоронғида ётиб, у ёнидан, бу ёнига ағдарилар ва чуқур хўрсиниб қўярди. У кўнглида ўзи билан ўзи гаплашар, шунинг учун бу унга худди биров билан гаплашаётгандай туюларди.

«Ахир, унинг ўзи айбдор-ку, — деб ўзини оқларди Билмасвой. — У ўзи мени туртиб юборди-да! Нима, мен индамаслигим керакми?»

«Шундай кеккайгансанки! Сени туртиб ҳам бўлмасмиш! — деб жавоб берди овоз. — Туртиб юборган бўлса, нима, сен ҳам туртиб юбор, қўй!»

«Туртиб юбор, қўй, эмиш! — деб бақирди Билмасвой. — Бундан чиқди, уришишим керакми? Уришиш яхшимас!»

«Сени қара-я! Яхшимас дейсан-а, — деб масхара қилди овоз. — Қилган ишинг яхшими бўлмаса? Агарда сени ҳам битта-яримта эшакка айлангариб қўйса, нима бўларди?»

«Нега бўлмаса ўзи туртади?» — деди қайсарлик қилиб Билмасвой.

«Сен нега ҳадеб «туртади», «туртади» деб жаврайсан! Бехосдан туртилиб кетганини ўзинг ҳам биласан-ку, ахир».

«Ҳеч нимани билмайман!»

«Биласан, биласан! Мендан-чи, оғайни, сира яшира олмайсан!»

«Сендан ҳеч нимани яшириб бўлмайдами? Сен кимсан ўзинг?» — деб сергак бўлиб сўради Билмасвой.

«Ким эмиш, — деди овоз. — Ўзингни билмасликка олсан-а? Ахир мен сенинг виждонингман».

«Нима? — деб қичқириб юборди Билмасвой. — Бу сенми-дин? Ундай бўлса, ўз жойингда жим туравер! Ахир, ҳеч ким кўргани йўқ, ҳеч ким ҳеч нима деёлмайди».

«Қилган ярамас қилиғинг учун битта-яримтанинг уришишидан қўрқасанда-а? Мендан сира қўрқмайсанми? Яхши эмас. Қараб тургин, сенга шундоқ азоб берайки, минг бор пушаймон

қилгин. Агар қилган ишингдан битта-яримта хабардор бўлиб қолиб, сени жазоласа, гуноҳинг енгиллашади. Ҳозир тургин-да, ҳаммасини Олаболага гапириб бергин!»

«Менга қара, — деди Билмасвой, — сен шу пайтгача қаерда эдинг? Нега илгари индамадинг? Бопқа миттиларнинг виждони ҳақиқий виждондай, менинг виждоним бўлса-чи, ичимга кириб олган илонга ўхшайди-я! Бир бурчакка биқиниб олиб, жим тураверади... Бирорта ножўя иш қилгунимча қараб туради-да, кейин бўлса азоб бера бошлайди».

«Мен сен ўйлаганчалик гуноҳкор эмасман, — деб ўзини оқлай бошлади виждон. — Ҳамма бало шундаки, мен — сенинг виждонинг — ҳали жудаям кичкинаман, кучсизман, ҳатто овозим ҳам ҳали жуда заиф. Бунинг устига, атрофим доим шовқин бўлади. Айниқса, кундуз кунлари автомобиль ва автобусларнинг шов-шуви, ҳаммаёқдан ҳар хил гап-сўзлар ва мусиқа эшитилади. Шунинг учун мен сен билан тунда, ҳаммаёқ жимжит бўлиб, ҳеч нима овозимни босиб кетмайдиган вақтда гаплашишни яхши кўраман».

«Билдим, сен нимадан қўрқар экансан! — деб севинди Билмасвой. — Ҳозир овозингни эшиттирмай қўяман!»

У шкафчадаги тугмачанинг яна бирини босди-да, Балиқ ва балиқзода ҳақидаги эртақни эшита бошлади. Виждон бир дақиқага жим бўлди, аммо Билмасвой яна унинг овозини эшитиб қолди:

«Мана сен иссиққина юмшоқ ўринда устингга кўрпа ёпиб роҳат қилиб ётибсан, сенга маза. Сен эшакка айлантирган митти бола нима қилаётганини биласанми? Эҳтимол, у отхонада ерда ётганди. Эшаклар, ахир, каравотда ухлашмайди-ку. Ёки бўлмаса, у аллақандай совуқ яланглиқда санқиб юргандир... Унинг ҳолидан хабар олиб қараб турадиган эгаси ҳам йўқ-ку, ахир».

Билмасвой юраги ачиганидан томоғини қирди-да, ўрнида безовта бўлиб ағанади.

«Ё бўлмаса, у очдир, — деб давом этди овоз. — У гапиришни билмаганидан кейин менга овқат беринглар, деб сўролмайди-ку, ахир. Агарда сенга бирор нарса зарур бўлса-ю, сен бир сўз ҳам айтолмасанг қандоқ бўларкин!»

— Қанақа ярамас эртақ ўзи! — деб аччиғланди Билмасвой. — Ҳеч қандай овозни боса олмайди-я.

У бошқа тугмачаларни босиб, бошқа эртақларни эшита бошлади. Кейин шкафчанинг ён томонида мусиқа тугмачалари борлигини пайқаб қолди-да, турли марш, вальсларни эшитди. Бари бир овоз бир дақиқа жим бўлмай, гапини маъқуллай берди. Охири бўлмагач, Билмасвой ҳалиги тугмача ёнидаги «Эрталаб-ки бадантарбия» деган тугмачани босди. Қоп-қоронғи тунда:

— Эрталабки бадантарбияга тайёрланинг! Даричаларни очиб, уйнинг ҳавосини янгиланг. Машғулотни юришдан бошлаймиз. Чуқур нафас олинг. Бир, икки, уч, тўрт! — деган овоз таралди.



Билмасвой хона буйлаб оёқяланг қадам ташлаб юрди-да, кейин оёқларини икки ёққа керди, кейин жуфтлаштирди, яна икки томонга керди, кейин яна бир жойга жуфтлаштириб, сакрашга тушди. Бундан кейин энгаша бошлади. Муסיқа чалиниб, овоз дона-дона эшитиларди. Билмасвой ҳамма машқларни яхшилаб бажарарди-ю, аммо виждони жим бўлмай, шундоққина қулогининг тагида фингилайверди:

«Олаболани уйғот! Уйғот! Уйғот! Уйғот!»

Охири Билмасвой чидаб туролмай, Олаболанинг ўрнига яқин келиб, елкасидан қимирлата бошлади:

— Урнингдан тур, Олабола, сенга айтадиган гапим бор.

Қаёқда дейсиз! Олабола шундай қаттиқ ухлаб қолгандики, уни тўп отиб ҳам турғизиб бўлмасди. Кейин Билмасвой Олаболанинг дунёда энг қўрқадигани совуқ сув эканини эслаб қолди. У ювингич ёнига бориб, идишда сув олиб келди-да, Олаболанинг юзига сепди. Олабола ўша заҳотиёқ уйғониб, ирғиб ўрнидан турди.

— Бу нима? — деб кўзини ишқалаб фингшиди у. — Бугун ювингандим-ку, ахир!

— Менга қара, Олабола, сенга бир нарса айтаман, фақат Тугмачахонга айтмасликка сўз берасан.

— Унга нимани ҳам айтардим?

— Йўқ, сен аввал сўз бергин.

— Хўп, сўз бердим, тезроқ гапиргин, уйқим келяпти, ахир!

— Биласанми, Олабола, мен-чи, бугун битта митгини эшакка айлантириб қўйдим.

— Ҳа, нима қилибди? — деди Олабола. — Шунга мени тунда уйғотиб ўтирибсанми? Айлантирган бўлсанг, айлантирибсан-да, нима?

— Эҳтимол, у эшак бўлишни истамагандир!

— Истамаган бўлса, нима қилибди? Анавини қара-я!

— Йўқ, ҳар ҳолда, бу яхшимас, Олабола. Бунинг учун мени сўккин.

— Нима учун?

— Биласанми, мени виждоним қийнаяпти. Шундай қилсанг, эҳтимол хиёл енгил тортарман.

— Нима деб сўкай?

— Ул-бул ўйлаб топгин-да.

— Нима ўйлашимни ҳам билмайман... Биласанми, сўкишни сираям билмайман-да!

— Кел, мени бефаросат, тентак дея қол.

— Бефаросат, тентак! — деб такрорлади Олабола.

— Мияси йўқ ҳайвон, дегин.

— Мияси йўқ ҳайвон!

— Тентак башара.

— Тентак башара!

— Яна бир нима дея қолгин.

— Аҳмоқ, эшак!

- Тўппа-тўғри!
- Қалай, енгил тортдингми?
- Йўқ, биласанми, енгил тортганим йўқ, ростданам сўкишни билмас экансан. Яхшиси, биласанми, нима... менга яхшилаб мушт тушир.
- Қаерингга урай, елканггами ё бўйнинггами?
- Елкамга тушира қол... Буниси дуруст! Энди бўйнингга ҳам ура қоласанми-а... Шундоқ, яна бир марта. Шундоқ, қўрқма, яна бир сол! Вой! Бўлди, бўлди! Ҳадеб туширавераркансан-да! Мен ҳам тушириб қолмайин!
- Ўзинг айтдинг-ку, ахир.
- Айтган бўлсам, нима? Эви билан-да, ахир.
- Билмасвой яна ўрнига ётиб олди.
- Шошмай тургин, ҳали, сени ҳам бир боплаб қўяман! — деб яниб қўйди у оғриган бўйнини силаб.— Ҳозир ҳафсалам келмаяпти-да.
- Сен ярамас чўчқасан, билдингми? — деди Олабола.
- Сени қара-я! — деди Билмасвой.— Сўкишни билмайман деб туриб, чўчқа дейсан-а одамни.
- Шу билан айтишув тугаб, иккалови уйқуга кетишди.

## *Ўн учинчи боб*

### ВАРАҚЖОН БИЛАН ҲАРФХОН

Ҳали таъриф қилиб ўтганимиз Варақжон деган бола жуда яхши митти бола эди. У Қуёш шаҳрининг Обаки кўчасида турарди. Шу кўчадаги бошқа бир уйда Ҳарфхон деган қизалоқ яшарди. Варақжон билан Ҳарфхон китоб ўқишни жуда яхши кўришлари билан машҳур эдилар. Улар ўқишга шунчалик берилиб қетишган эдики, баъзан ҳатто театр, кинога бормай, радио эшитмай, телевизор кўрмай, аллақандай қизиқ китобни топиб олиб, ўқишгани-ўқишган эди. Олдинига ўз уйларидаги бор китобни ўқиб чиқишди, кейин танишларидаги ва дўконлардаги китобларни ўқиб чиқиб, охири кутубхонага ёзилишди. Чунки кутубхонада бирорта қизиқроқ китобни доим топиш мумкин-да.

Илгари Варақжон билан Ҳарфхон бир-бирини танишмасди, кутубхонага ёзилгандан кейин учрашадиган бўлишди. Кутубхонадан қайтиб келишаётганларида ўқилган китоблари ҳақида қизғин суҳбатлашардилар. Тез орада улар дўстлашиб қолишди. Ҳарфхон анча ақлли қиз эди. У Варақжонга: кутубхонага икковимиз қатнаб, вақтни тежаб сарфламаётирмиз, китоб ўқишимизга оз вақт қолаётир деб, бунинг иложини топганини айтди:

— Кутубхонага иккаламиздан биттамыз бориб, ўзимизга ҳам, бошқамизга ҳам китоб олиб келсак, вақтни анча тежаб

қолган бўлардик. Биттамизга оғир тушмаслиги учун кутубхонага навбатма-навбат қатнаш мумкин.

Улар шу усулни қўллай бошлашди: бири китобга кетса, бири ўгириб китоб ўқирди.

Кунлар кетидан кунлар ўтарди. Варақжон билан Ҳарфхон тез-тез учрашадиган бўлишди, тез орада улар бир-бирисиз кун ўтказолмайдиган, бир-бири билан суҳбат қилмаса туролмайдиган бўлиб қолишди. Бир куни Ҳарфхон Варақжонга, мен жуда бахтиёрман, чунки китоблар ҳақида суҳбатлаша оладиган дўстим бор, деб айтди. Варақжон ҳам бахтли эканини айтди. Аммо уни ҳали кўпчилик миттиларнинг ўқишни яхши кўрмасликлари хафа қиларди. Ҳатто, кўп миттилар китобни ўқиб чиқиш ўрнига, унинг суратларини кўриб қўя қолишарди, Бундан ҳам ёмони, кўча бўйлаб тўп тепишгани-тепишган эди.

— Мен ўша миттиларга ачинаман, — деди Варақжон. — Қандай мазадан қолишаётганини билишмайди. Агар улар китоб ўқишса борми, унинг қанақанги қизиқ эканини билишарди.

Ҳарфхон бир оз ўйга толди-да, кейин шундай деди:

— Менга қара, Варақжон, иккаламиз китоб театри тузсак нима бўлади?

— Қанақа китоб театри? — деди тушунмай Варақжон.

— Бу шунақанги театрки, бунда китоб ўқилади. Биласанми, бунда на артист, на жиҳоз, на сахна бўлади. Томошабин фақат қизиқ китобни эшитиб ўтираверади.

— Бунақа театрни қаерда кўргансан?

— Ҳеч қаерда. Ўзим ўйлаб топдим-да. Биз иккаламиз энг қизиқарли қисса, эртак ёки ҳикояларни топиб, овоз чиқариб навбат билан ўқиймиз.

Ҳарфхоннинг таклифи Варақжонга жуда ёқиб тушди ва улар ишга киришиб кетишди. Энг олдин ўқиш учун бир қанча ҳикоя танлашди. Танлаганда, бир ҳикоянинг жуда таъсирли бўлишига, бошқа бирининг — мунглироқ, учинчи бирининг — қувноқ, тўртинчисининг — қўрқинчли, бешинчисининг — яна бошқача бўлишига эътибор беришди.

Улар ўз театрларига жуда қулай жой топишди. Варақжон яшайдиган уйнинг ёнида бир ҳовли, йўқ, ҳовли эмас — боғ, яна ҳам аниқроғи, кичикроқ хиёбон бор эди. Бу хиёбоннинг четига майда гуллар экилган, ўртасида эса ҳаваскорлар учун шахмат ва шашка столи қўйилганди, атрофида очиқ ҳавода дам олиб ўтириш учун бир қанча супачалар бор эди. Хиёбон икки уй ўртасида бўлиб, кўчадан кирган ҳар бир одамнинг стол, ўриндиқ ва гулларга кўзи тушарди.

— Мана бу ерга китоб театримизни қурамиз, — дейишди Варақжон билан Ҳарфхон.

Улар ўртадаги столни кўчага яқин жойга олиб келиб, унинг олдида ўриндиқ қўйишди. Уйларида ўзларига иккита стул ҳам олиб чиқишди. Кейин Варақжон ҳикоя китобини олиб келгани чопиб кетди. Ҳарфхон бўлса, кўнғироқча олиб чиқди.

Кеч кириб, Қуёш шаҳридаги ҳамма театрларга томошабинларни чорлаб қўнғироқ чалина бошлаганда, Ҳарфхон ҳам қўнғироқ чала бошлади, Варақжон эса бақириб:

— Буёққа келинлар! Бу ерда янги театр очилмоқда! Жуда қизиқ бўлади! Келиб, жой олинлар! — деб чақирарди.

Шу пайт кўчадан ўтишаётган миттилар унинг бақирганини эшитишди. Уларнинг баъзи бирлари стол олдидаги супачага ўтириб, нима бўлишини кутишди. Варақжон ҳамма ўтирадиган жойлар тўлганини кўриб:

— Ҳозир Ҳарфхонга сўз берамиз. У сизларга китоб ўқиб беради, — деди.

Ҳарфхон биринчи ҳикояни ўқий бошлади. У таъсирли қилиб яхшилаб ўқиди, ҳамма уни диққат-эътибор билан тинглади, аммо энг олдинги қаторда ўтирган митти бола жирканиб бурнини жийирди-да:

— Ва-а! Бу ерда фақат китоб ўқишаркан-да! Шу ҳам театр бўптими? — деди.

— Бўлмагур гап экан-ку! Ҳеч қанақа қизиғи йўқ, — деди бошқа бир митти бола.

Уларнинг иккови ҳам ўтирган жойидан туриб кетиб қолишди. Улардан кейин бошқа миттилар ҳам кета бошлашди. Тез орада қўшни уйга жойлашган театрдан чиққан қўнғироқ товуши эшитилди. Кўпгина миттилар ўрниларидан ирғиб туриб, ўша ёққа югуриб қолишди. Охири нима учундир ухлаб қолган битта боладан бошқа барча тингловчилар тарқаб кетишди. Варақжон билан Ҳарфхон ҳалиги болани уйғотиб, китобнинг давомини ўқиб беришди, аммо у эътибор билан эшитмас, доим стулни қимирлатар, оғзини капна-капна очиб эснар ва ҳадеб бурнини тортарди. Охири у ҳам ўрнидан туриб, жўнаб қолди.

Шундай қилиб, биринчи тажриба самарасиз тамомланди, эртаси куни ҳам худди шундай бўлди. Олдинига анча одам йиғилди-ю, Варақжон ўқиши билан ҳамма тарқалиб кетди. Ҳарфхоннинг хўрлиги келиб, ҳатто йиғламоқчи ҳам бўлди, аммо Варақжон уни юпатди:

— Томошабин бўлса-бўлмаса театр бари бир ишлаши керак. Агар ўқиганимизни эшитмайдиган бўлишса, бир-биримиз учун ҳам ўқийверамиз.

У Ҳарфхонни халқ ўтирадиган жойга ўтқизиб қўйди-да, ўзи китобнинг давомини ўқий бошлади. Баъзи бир ўткинчилар озроқ қулоқ солиб туриб, кейин ўз йўлларига жўнаб қолишарди. Варақжон қизиқ китоб ўқигунча шундай бўлди. Бу орада кўчадан митти болалар ва қизалоқлар ўтиб туришарди. Улар ҳикояни эшитиб кўриш учун бир дақиқача тўхташар, кейин хиёбонга кириб, ўриндиқча ўтиришарди. Варақжоннинг ўқигани уларга ёқиб, хохолаб кулишарди. Уларнинг кулгисини эшитган ўткинчилар ҳам қизиқиб қолишди.

— Э, бу ерда қизиқ нарса ўқишяпти! — деб хиёбонга кириб кела бошлашди.

Тезда ҳамма бўш жойлар тўлди. Миттилар ҳикоянинг бирорта сўзини ҳам қўймасдан эшитар, ичаклари узилгундай қулишарди. Бир ҳикоя тугагач, Варақжон яна бошқасини ўқирди. Тингловчилардан ҳеч ким кетиб қолмади, чунки ҳамма учун қизиқарли эди. Ўқиш тугагач, ҳамма ўрнидан туриб, маза қилиб эшитдик, деб Варақжон билан Ҳарфхонга миннатдорчилик билдиришди. Битта энг кичкина митти бола, эртага яна ўқиш бўлиш-бўлмаслигини сўради-да, ўқиш бўлишини билиб, эртага яна келаман, деди. Кейин тингловчилар тарқалишди, кичкина митти бола ҳам кетди. Лекин, бир дақиқадан кейин яна қайтиб келиб, Варақжондан эртага ҳам бугунги ўқилган ҳикоя ўқиладими ёки бошқа бирор янгиси ўқиладими, деб сўради. Варақжон янгисини ўқиймиз, деганди, ҳалиги бола севиниб, эртага келишини яна такрор айтиб, кейин жўнаб кетди.

Ушандан бери Варақжон билан Ҳарфхон ҳар куни хиёбонда китоб ўқиб эшиттирадиган бўлдилар. Аввалига улар кичик-кичик ҳикоя ва эртақларни ўқиб беришди. Ундан кейин бир кечада ўқиб тугатиш мумкин бўлган кичикроқ, лекин қизиқроқ қиссачаларни ўқишди. Кейинчалик эса, бир неча кечага чўзиладиган узунроқ қиссалар, ҳатто романларни ўқийдиган бўлишди. Кундан-кунга уларнинг тингловчилари кўпая бориб, охирида хиёбонга яна йигирматача ўриндиқ қўйишга тўғри келди. Китоб ўқишлари учун эстрада театрларидагидай унча катта бўлмаган саҳнача қуриб қўйишди. Қиш келганда эса, китоб театри учун хиёбоннинг орқа томонига алоҳида қишки иморат ясашди.

Қуёш шаҳрининг аҳолиси ўзларининг китоб театрларини жуда яхши кўришарди. Кўплар мустақил китоб ўқишадиган бўлиб қолишди, баъзиларнинг китоб билан биринчи танишиши шу китоб театрида бўлгани учун ҳам уни яхши кўришарди. Варақжон билан Ҳарфхон ўз ишларига жиддий қарашарди. Улар илгаригидай кутубхонага навбат билан қатнаб, у ердан янги қизиқ китобларни танлаб келтиришарди. Варақжон бўлса, олдинлари ҳозиргидай бахтиёр эмасдим, дерди.

— Мен қачон бирорта қизиқ китобни ўқиб қолсам борми, хурсандлигим ичимга сиғмай, ўз шодлигимни битта-яримтага сўзлаб бергим келарди, — деб эслади Варақжон. — Шу китобни бошқа миттилар ҳам ўқиб фойдаланишларини истардим. Аммо кўчада дуч келган ҳар бир болага китоб ўқиб беролмас эдим-да. Энди китоб театримиз бўлгани учун эшитишни хоҳлаганларнинг ҳаммасига ҳам ўқиб бера оламан. Мен бу ишдан ўзимга катта руҳий озиқ олмоқдаман.

Вақт ана шундай ўтарди, даҳшатли бир ҳодиса рўй бергунча ҳамма иш кўнгилдагидай кетди. Бир куни Варақжон кутубхонага кетаётганида, Ҳарфхонга: «Қайтишда олдинга кираман, кейин китоб театрига бирга борамиз», — деди. Ҳарфхон уни кутиб ўтирди, аммо негадир Варақжон келавермади. Аввал Ҳарфхон уни кутубхонада айланишиб қолгандир, деб ўйлаб,

унча безовталанмади. Аммо кейин ташвишлана бошлади, Варақжонни кўчага чиқиб кутмоқчи бўлди. У кутубхонага яқинлашиб қолди, аммо Варақжонни учратмади. Кутубхонанинг ичига кирган эди, кутубхоначи хотин Варақжоннинг ҳозир келганлигини, «Яшка номли ғознинг ажойиб саргузашти» деган китобни олиб кетганини айтиб берди. Ҳарфхон Варақжон меникига кириб ўтишни унутгандир деб ўйлаб, унинг уйига борди, аммо уйдан ҳам тополмади. Ҳарфхон, у кўчада бирорта танишини учратиб қолиб, ўшаникига кириб қолгандир, деган фикрга ҳам келди. Кейин уйига қайтиб келиб, Варақжонни кутиб ўтирди. Ҳадеб деразадан қарар, аммо Варақжондан дарак йўқ эди.

Шундай қилиб кун ўтиб, кеч тушди. Ҳарфхон ўқийдиган китобни олиб, китоб театрига жўнади. У кўнглида Варақжон ўша ерга бориб қолар деб умид қилган эди, аммо у хиёбонга бориб, Варақжоннинг бу ерга ҳам келмаганини кўрди. Ҳамма ўриндиқларда китоб ўқишни зориқиб кутаётган тингловчилар ўтиришарди. Ҳарфхон халқни куттириб бўлмади деб, китобни очиб ўқимоқчи бўлувди, аммо безовта бўлганидан бир сўзни ҳам ўқий олмади. Варақжон ҳар куни кечқурун шу столда у билан бирга ўтирарди, энди-чи, у бирдан йўқ бўлиб қолди. Ҳарфхон бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй берганига энди ишонди. Хафалигидан унинг юраги сиқилар, боши беихтиёр китобга энгашиб қолар, кўзидан дув-дув ёш оқарди.

Митти болалар унинг йиғлаётганини кўриб, ҳайрон бўлишди. Ҳамма уни ўраб олиб, нима бўлганини сўрашга тушди. Йиғидан нафаси қисилаётган Ҳарфхон Варақжон йўқолганини айтди. Барча, эҳтимол топилиб қолар, деб уни юпатди. Лекин Ҳарфхон ҳеч юпанмасди. У Варақжоннинг жуда хаёлпарастлигини, яна кўчада юриб китоб ўқиш одати борлигини айтиб берди. Кутубхонадан қайтиб келаётганда китобга алаҳсиб симёғочга бошини уриб олиши ҳам мумкин. Кўчанинг нариги бетида қизил чироқ ёниб турганда кўрсатилган жойдан ўтаман деб, хаёлпарастлиги орқасида, автомобиль ёки қувурюрғичлар тагида қолгандир, деб хавотир бўларди Ҳарфхон. Ҳарфхоннинг ташвишига шерик бўлган миттилар унга ёрдам бермоқчи бўлишди.

Баъзи бирлари милиция бўлимига жўнашди, бошқа бирлари касалхоналарга йўл олишди, чунки кўчада бирор ҳодиса рўй берган бўлса, зарар кўрган одам, албатта, касалхонага ёки милицияга тушиши керак. Улар тез орада ҳаммаёқни айланиб чиқишди, бутун касалхона ва милицияларга телефон қилиб кўришди, аммо Варақжон ҳеч қаердан топилмади.

Ҳар бир милиция бўлими Варақжонни қидириш учун бир нечтадан милиционерларни ажратди. Қидириш тун бўйи давом этган бўлса-да, ҳеч қандай натижа бермади. Кейин кимдир, газетага маълум қилиш керак, деди. Шундай қилиб, эртасига эрталаб Варақжон билан Ҳарфхон ҳақида мақола ёзилган газета пайдо бўлди. Газетадаги мақоланинг охирида, Варақжоннинг

қаердалигини кимда-ким билса, бу ҳақда газета редакциясига маълум қилсин, дейилганди.

## Ун тўртинчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ ГАЗЕТАНИ ҲҚИБ, ВАРАҚЖОННИ ҚАЕРДАН ҚИДИРИШ КЕРАКЛИГИНИ БИЛГАНИ

Билмасвойни эрталаб аллақандай шубҳали шивир-шивир уйғотиб юборди. Гўё унинг тушида яқин атрофда ари ғинғиллаётганга ёки шкаф-чангютар ишлай бошлаганга ўхшарди. Билмасвой кўзини очиб, каравотнинг ёнида — полда кичкина ғалати машинани кўриб қолди. Машина хона бўйлаб деворнинг у четидан бу четига тўхтовсиз вижиллаб судраларди. Машина тошбақага ўхшарди, усти тошбақаникидек ярим думалоқ, пастки қисми сип-силлиқ эди. Билмасвой ирғиб ўрнидан турди-да, букчайиб олиб, машинани синчиклаб кўра бошлади. У тўқ яшил рангда эди. Унинг устида капгирнинг тешигига ўхшаган анча тешикчалар бўлиб, пастки қисмида эса никелланган ялтироқ камарда йирикроқ кўз-кўз тешикчалар бор эди. Ён томонида чиройли кумуш ҳарфлар билан: «Кибернетика» деб ёзиб қўйилган эди.

«Бу — «Кибернетика» дегани қанақа сўз бўлдийкин? — деб ўз-ўзидан сўради Билмасвой. — Машинанинг номи бўлса керак бу».

Шу орада машина Олабола каравотининг тагига, конфет қоғозлари сочилиб ётган жойга судралиб бориб қолди. Машина қоғозлар ётган жойда у ёқ-буёққа икки-уч судралиб юрганди, қоғозлар гўё олдин сира бўлмагандай ғойиб бўлди-қолди. Машина ундан кейин каравот остига кирди. Бир қанча вақт каравотнинг тагида машинанинг овози эшитилиб турди. Олабола шовқиндан уйғониб кетди. Оёғини каравотдан пастга осилтириб ўтирувди, каравот тагидан чиқиб келаётган машинани кўриб қолди-да, чўчиганидан яна ўрнига ётиб олди.

— Бу нимади? — деб қўрққанидан қалтираб сўради у.

— Кибернетика, — деб жавоб берди Билмасвой.

— Қанақа ки-кибернетика?

— Ки-кибернетика эмас, кибернетика, яъни пол супурадиган машина.

— Нега у менинг каравотимнинг тагида юрибди?

— Вой тентак! Каравотнинг остини ҳам тозалаш керак-ку, ахир.

Машина бу орада эшикка яқин судралиб келиб ҳуштак чалди. Шу заҳоти эшик очилиб, машина қўшни хонага чиқиб кетди. Машина у ерда ҳам полни яхшилаб тозалади, ҳатто, стол тагла-

рига ҳам кирди, охирида ҳеч қаерда биттаям хас-чўп қолдирмади...

Бу пайтда Тугмачахон уйғониб қолди-да, шовқинни эшитиб, ўз хонасидан мўралади:

— Нима бўляпти ўзи?

— Кибернетика,— деди унга Билмасвой. қўли билан машинани кўрсатиб.— Биласанми, полни ўзи тозалаяпти!

— Жуда ғалати экан-ку!— деди Тугмачахон.

— Сени қара-я, нимаси ғалати экан!— деб қўлини силтади Олабола.— У полни ифлос қилганида эди, ажойиб деса бўларди. Тозалагандан кейин, унинг ажабланадиган жойи йўқ-да.

Машина ҳаммаёқни тозалаб бўлиб, хонанинг ўртасига келди-да, атрофга аланглаганга ўхшаб, турган жойида чирпирак бўлиб айланди, кейин бурчакка бориб диван четидаги кичкина эшикчага кириб ғойиб бўлди.

Нонушта қилиб бўлиб (албатта, олдин кийинишди, ювинишди, тишларини тозалашди), бизнинг саёҳатчилар шаҳарни айланиб ўйнаб келишга қарор қилишди. Ҳақиқатан ҳам ҳали ҳеч нима кўришолгани йўқ эди-да. Улар зинадан тушиб, меҳмонхонадан чиқишди. Кўчада йўловчиларнинг кўпайиб қолганини кўришди. Уларнинг деярли ҳар бирининг қўлида газета бор эди. Баъзи бирлари ўриндиқларга ўтириб бошқа бирлари эса шундоқ йўлканинг ўртасида тўхтаб газета ўқишарди. Учинчилари газетани тумшуқларига яқин тутган ҳолда, йўлда кета туриб ўқишарди. Нагижада бир-бирлари билан туртиниб кетишарди. Аммо ҳамма ўқиш билан овора бўлганидан бунга эътибор қилишмасди. Газетаси йўқлар эса кўчанинг бурчагидаги дўкончага югуриб кетишарди.

— Газетада қандайдир жуда қизиқ нарса ёзилганга ўхшайди,— деди Тугмачахон.

Тугмачахон тумбочка устига ўтириб олиб, зўр ҳафсала билан газета ўқиётган митти қизалоқни кўриб, ундан:

— Бемалол бўлса, айтинг-чи, ўзи нима гап? Нега ҳамма газета ўқияпти?— деб сўради.

— Варақжон йўқолибди,— деб жавоб берди қизалоқ.

— Қанақа Варақжон?

— Шундай бола бор эди.

— У нега йўқолибди?

— Мана шунисини мен ҳам билмайман. Ҳозир охиригача ўқиб бўлай, кейин айтиб бераман.

Тугмачахон газета дўкончасига югурмоқчи бўлиб турувди, шу пайт бир қучоқ газета кўтариб келаётган бақалоқ болани кўриб қолди. У кўчада тез-тез юриб, ўқимоқчи бўлганларга газета улашиб келарди. Тугмачахоннинг ёнига келиб, унинг ҳам қўлига газета тутқазиб кетди.

Билмасвой, Олабола ва Тугмачахон ўриндиққа ўтиришди. Тугмачахон газетадаги Варақжон билан Ҳарфхон ҳақидаги мақолани овоз чиқариб ўқишга киришди. У олдинги бобларда



ёзилганларнинг ҳаммасини ўқиб берди. Билмасвой, Варақжоннинг юриб кета туриб китоб ўқишни яхши кўришини эшитган заҳоти, кеча кўчада ўзи эшакка айлантириб қўйган бола бошқа ҳеч ким бўлмай, худди Варақжоннинг ўзи эканини тушуниб қолди. Виждони тагин уни қийнай бошлади. Аммо Билмасвой ўз тахминини Тугмачахонга айтмади.

Бўлиб ўтган воқеа кўнгли бўш Тугмачахонга оғир туюлди, ҳатто, унинг кўзларидан ёш оқа бошлади.

— Эсингдами, Билмасвой, биз ҳам Варақжон билан Ҳарфхонга ўхшаб дўст бўлган эдик, биз ҳам бир-биримизга эртақлар ўқиб берардик-а? — деди у. — Агар сен ҳам йўқолиб қолсанг, нима бўларди-а?

— Анов тентакнинг йиғлашини қара-я! — деди Олабола. — Билмасвой ҳали йўқолгани йўқ-ку, ахир! Мана, у ўтирибди-ку!

Билмасвой бўлса, газетани солиб, бошқа мақолани ўқий бошлади. Битта мақола унинг диққатини ўзига тортиб қолди.

— Эшитинглар-а, бу ерга нима деб ёзилган, — деб мақолани овоз чиқариб ўқий бошлади.

— Кеча кечқурун Бисквит кўчасида эгаси номаълум бўлган бир эшак ушланди. Эшак йўлкадан юрар, йўловчиларнинг олдидан тўсатдан чиқиб қолиб, уларни чўчитиб юборарди. Баъзан кўчанинг ўртасига тушар, автомашиналарнинг ҳаракатидан ҳаёти хавф остида қоларди. Эгасини топишга қанча ҳаракат қилинса-да, натижа чиқмади. Қаровсиз қолган эшак милиция ходимлари томонидан ушланиб, ҳайвонот боғига юборилди.

— Эшакни ушлаб ҳайвонот боғига юборишибди, — деди Тугмачахон, — ҳўш, бунинг нимаси қизиқ экан?

— Ахир бу... — деб гап бошлади-ю, у ёғини айтмай тўхтаб қолди Билмасвой.

У, эҳтимол, кеча мен эшакка айлантирган митти бола ўшадир, демоқчи бўлди, аммо сир очилиб қолаётганини сезиб, нафаси ичига тушиб кетди.

— Ахир, бу деганинг нимаси? — деб сўради Тугмачахон.

— Ҳа, бу ахир, бу ахир... — деб дудуқланди Билмасвой. — Демак, Қуёш шаҳрида ҳам ҳайвонот боғи бўлса, ҳайвонларни кўришга борсак бўлар экан-да.

— Тўппа-тўғри! — деди севиниб Олабола. — Мен кўпдан бери ҳайвонот боғига бориб, ҳайвонларни кўришни орзу қилардим.

Шуни айтиш керакки, миттилар мамлакатаида ҳам худди биздагига ўхшаб, шер, йўлбарс, бўри, айиқ, тимсоҳ, ҳатто фил каби ҳар хил ҳайвонлар бўларди. Фақат ҳайвонлар бизлардагига ўхшаган катта-катта бўлмай, жудаям кичкина, митти бўларди. У ердаги бўрининг катталиги сичқондай, айиқнинг катталиги каламушдай, энг катта ҳайвон ҳисобланган филнинг катталиги ҳам мушук боласидай бўлиб, шу ҳам жимжилоқдай миттиларга қўрқинчли туюларди. Миттилар бўйлари кичкиналигига қарамай, довжурок эдилар. Улар ҳайвонларни қўрқмасдан ушлаб,

ҳамманинг бемалол келиб кўриши учун уларни ҳайвонот боғига олиб борардилар.

Ҳайвонот боғининг дарагини эшитган Олабола ирғиб ўрндан турди-да, ўша ёққа физилламоқчи бўлди, лекин шу заҳоти эсига келиб қолиб:

— Энди нима қилдик? Ахир биз ҳайвонот боғининг қаердалигини билмаймиз-ку... — деди.

— Ҳеч гап эмас, ҳозир биламиз, — деб жавоб берди Билмасвой.

У йўлканинг четроғида газета ўқиётган митти боланинг ёнига келиб, ундан:

— Бемалол бўлса, айтинг-чи, ҳайвонот боғи қаерда? — деб сўради. — Биз эшакни кўрмоқчимиз, йўғ-эй, эшакни эмас, умуман, ҳайвонларни кўрмоқчимиз.

— Тўққизинчи автобус сизни тўппа-тўғри ҳайвонот боғига олиб боради, — деб жавоб берди митти бола. — Мана шу меҳмонхона олдида тўхтайти.

Билмасвой унга миннатдорчилик билдирди. Саёҳатчиларимиз автобус тўхтайдиган жойга йўл олишди. Узоқ кутиб туришмади. Бир ярим, икки дақиқа орасида автобус келиб қолди. Унинг эшикчаси очилиб, саёҳатчилар ичкарига киришди ва автобус юриб кетди. У шундай силлиқ юрардики, ҳатто қилт этган тебраниш сезилмасди. Чунки бу автобуснинг рессори, яъни, пўлат пружинаси ва бошқа мурватлари алоҳида усулда ишланганди.

Автобуснинг ички жиҳозланиши ҳам ўзига хос эди. Ҳар бир дераза ёнига унча катта бўлмаган столча қўйилган бўлиб, унинг икки томонида юмшоққина диванчаси бор эди, ҳар бир диванчага икки йўловчи сиғарди. Столлар устида газета-журнал, шунингдек, шахмат, шашка, лото, домино қўйилган эди. Дераза оралигидаги деворларга чиройли суратлар ишланганди, шипнинг пастроғига илинган ранг-баранг байроқчалар автобусни безаб турарди. Автобуснинг олдинги қисмига телевизор ўрнатилган бўлиб, хоҳлаганлар экрандан кинокартина, футбол мусобақалари ва бошқа телевизион кўрсатувларни томоша қилиб кетишарди. Автобуснинг орқа қисмида отишни истаганлар учун тир бор эди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, автобусда кондуктор йўқ эди. Унинг ўрнига деворга қаттиқ гапирадиган радиокарнай ўрнатилган бўлиб, у баланд овоз билан бекатларнинг номларини айтарди.

Билмасвой ва унинг шериклари автобусга чиқиб бир қанча йўловчиларнинг столга энгашиб газета ўқишаётганини, иккита қизалоқнинг лото ўйнаётганини, бошқа бир жуфт қизалоқ ва яна бир жуфт митти боланинг шахмат ўйнаётганларини кўришди. Учта митти қизалоқ олдинда ўтириб телевизорда концерт кўриб кетишарди. Иккита митти бола пневматик қуролда навбат билан мўлжалга отишарди. Лекин ҳеч ким бунга ажабланмасди.

Бир қанча митти бола бугунги газетада босилган Варақжоннинг йўқолгани ҳақидаги хабарни қизгин муҳокама қилишарди. Йўловчилардан бири ўзига таниш Анқовжон деган митти бола-нинг бир кун кечаси кўчада адашиб қолиб, уйига борадиган йўлни тополмагани ҳақида ҳикоя қила бошлади.

Бу ҳикояга Билмасвой қизиқиб қолди, лекин кейин Анқовжоннинг нима бўлганини билмай қолди. Чунки автобус ҳайвонот боғига келиб тўхтади ва у ҳикояни охиригача эшитолмади.

## Ун бешинчи боб

### ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Гулзор шаҳрида яшовчилар ҳали ўз шаҳарларида ҳайвонот боғи қура олишганлари йўқ, шунинг учун Билмасвой ва унинг шериклари ҳайвонот боғини сираям кўришмаганди. Улар ҳайвонлар турадиган қафасларни ўзларича катта, қоронғи, темир панжарали қутидан иборат деб тасаввур қилишарди. Аслида эса, улар ён атрофида гуллар очилиб ётган жуда кўркам уйлардан иборат эди. Томлари ранг-баранг ялтироқ бўёқлар билан бўялган бу уйларнинг олдига панжара ишланган бўлиб, ичида ётган ҳайвонни аниқ кўриш мумкин эди. Ҳайвонот боғида қафаслардан ташқари ҳовузлар қурилган бўлиб, уларда ҳар хил сув паррандалари, тюлень ва бегемотга ўхшаш ҳайвонлар яшарди. Учувчи қушларга эса сим тўрдан кенг инлар қилинган эди. Товус ва куркага ўхшаш учини ҳам, сузишни ҳам билмайдиган қушлар эса хоҳлаган жойларига бориб эркин юришарди. Ҳайвонот боғининг ўртасига тоғ эчкиси ва қўйларнинг чиқиб-тушишлари учун сунъий тоғ қурилган эди.

Билмасвой ҳайвонот боғига киргач, кеча ўзи эшакка айлан-тириб қўйган Варақжонни таниб олиш учун ҳамма ҳайвонларга роса синчиклаб қарарди. У мумкин қадар тезроқ уни яна митти болага айлантиришни истарди. Чунки виждони тинчлик бермай жуда қийнарди. Тугмачахон ҳам ҳайвонларни жуда қизиқиб томоша қилар ва ҳайрон қоларди. У жуда кўнгилчан, меҳрибон бўлганидан, ҳар сафар хўрсиниб қўярди-да:

— Вой, бечоралар! Нега сизни қафасга солиб қўйишди-я? Эҳтимол ўйнаб юргингиз келаётгандир, ахир... — дерди.

Аммо Олабола ўз одати бўйича ҳеч нимага ҳайрон бўлмасди, фақат қафаслардан нарироқ юришга ҳаракат қиларди. У бўрини кўриб қолиб:

— Бўрини қаранглар! Шунчаки каттароқ ит экан-да, — деди.

Йўлбарсни кўриб:

— Шунчаки катта мушук экан. Қўрқинчли жойи йўқ, — деди.

— Агарда қўрқинчли жойи бўлмаса, яқинроқ кел-чи, — деди Билмасвой.

— Яқиндан кўзим яхши кўрмайди, — деди Олабола.

Йўлбарс турадиган қафаснинг ёнида газли сув дўкони бор эди. Дўконда сотувчи бўлмай, кимнинг сув ичгиси келса, бориб тугмачани босса, газли сув ўзидан-ўзи стаканга қуйилиб қоларди. Буни пайкаб қолган Олабола, исиб кетдим, шарбатли газли сувдан ичгим келяпти, деди.

— Бўпти, ичиб кўрамиз, — деди Билмасвой.

Улар дўконча олдига келиб, пештахта устида турган қатор тугмали жўмрақларни кўришди.

— Қайси тугмачани босиш керак? — деб билолмай сўради Олабола.

— Ҳув анови, олча суратли тугмани босиб кўр-чи, — деб маслаҳат берди Билмасвой.

Олабола ёнига қизил олча сурати солинган тугмани бармоғи билан босди. Жўмрақ тагидаги думалоқ чуқурча ичидан ўша заҳоти топ-тоза стакан лип этиб чиқди-да, олча шарбатли пуштиранг газли сув вишиллаб қуйила бошлади. Олабола сувни маза қилиб ичди-да, кейин стаканни қайта жўмрақнинг тагига қўйди. Ўша заҳоти тешик очилиб, стакан яна пастга тушиб кетди.

— Ана холос! — деди хафа бўлиб Олабола. — Тагин бир стакан ичмоқчи эдим.

— Тугмачани яна босиб кўр-чи, — деб маслаҳат берди Тугмачахон.

Олабола ёнига апельсин сурати солинган тугмачани босди. Чуқурчадан тагин тоза стакан чиқди-да, стаканга апельсин шарбатли новотранг сув қуйилди. Олабола бу сувни ҳам ичиб олди.

— Қани, бундай тургин, лимон сурати ишланганини босиб кўрай-чи, — деди у.

— Мен манави клюквалигини босиб кўраман, — деди Билмасвой.

— Мен қулупнайлигини босиб кўрай-чи, — деди Тугмачахон.

Ҳаммалари тугмачаларни босиб, сув ичишди. Охири Олабола сувни кўп ичганидан қорнидаги сув шўлқиллай бошлади ва ундан газ ажралиб бурнига уриди. Кейин Олабола бошқа ичгиси келмаётганини айтди. Шундан кейин сайёҳларимиз олға жўнаб кетишди. Улар тезда маймунхона олдига келиб, тиниб-тинчимас маймунни кўришди. Қафас ичига улар учун нарвон ва турли арғимчоқлар қурилган эди. Маймунлар арғимчоқда учишар, тўрттала қўллари билан ёпишиб нарвондан чиқишарди. Битта маймун қаердандир ойнача топиб олиб, уни бир дақиқа ҳам қўлидан қўймай айланарди. У ойнага афтини шунақанги бужмайтириб қарадики, одам кулгидан ўзини сираям тўхтатиб туролмасди. Билмасвой маймунга қараб туриб роса хохолаб кулди-да, бу маймун Олаболага ўхшашлигини айтди.

— Сираям менга ўхшамайди! — деди хафа бўлиб Олабола. — Унинг думи бор, менда бўлса ҳеч қанақа дум йўқ.

Улар баҳслаша бошлашди. Олаболанинг жаҳли чиқди.

— Митти болани эшакка айлантирганингни Тугмачахонга айтман, қараб тургин,— деди у.

— Айтиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сенга! Айтмасликка ваъда бергандинг-ку, ахир, сотқин!— деб пичирлади Билмасвой Олаболага муштумини ўқталиб.

— Жим, жим! Уят-ку, ахир!— деб ҳайрон бўлди Тугмачахон.— Жуда бўлмаса, маймунлардан уялинглар! Кетдик бу ердан, қани.

— Кетгим келмаяпти!— деб жаҳли чиқиб бақирди Олабола.

— Нима, сен кун бўйи маймунларни томоша қиласанми? Ҳали филни ҳам кўришимиз керак.

Дўстлар филни кўргани кетишди. Йўлда улар пастаккина тўсиқни кўришди. Унинг орқасида ёғочдан қилинган оғилхона бор эди. Оғилхона ёнида кулранг эшак турарди. Унинг қулоқлари узун-узун бўлиб, кўзлари ғамгин боқарди. У хаёл сургандай бошини маъюс эгиб турарди. Олабола эшакни кўриб пиқиллаб кулди-да, Билмасвойни тирсаги билан турта бошлади.

— Қара, сенинг эшагинг.

— Жим тур!— деб шивирлади Билмасвой.— Оғзингни юм. Тушундингми?

— Нега у ерда бир-бирларинг билан пичирлашиб қолдиларинг?— деб сўради Тугмачахон.

— Биз пичирлаётганимиз йўқ,— деди Олабола.— Кеча газетага ёзилган эшак, эҳтимол, шудир деб айтяпман, холос.

Саёҳатчилар эшакни кўриб бўлиб, нари кетишди ва бир неча дақиқадан кейин фил турган жойга келишди. Қафаснинг олдида бир тўда миттилар бўлганидан филни кўриш анча қийин бўлди. Тугмачахон ўша заҳотиёқ тўда орасидан олдинга ўта бошлади. Олабола эса унинг кетидан борди.

Билмасвой битта ўзи қолганини кўриб, орқасига қайрилди-да, эшакни кўрган жойга физиллади.

Эшак илгаригидай тўсиқ ичида турарди. У фақат эшик олдига келиб қолганди. Билмасвой атрофга аланглаб қаради-да, яқинида ҳеч ким йўқлигини кўриб, чўнтагидан сеҳрли таёқчасини олди ва уни силкитиб туриб:

— Бу эшак яна митти бола ҳолатига қайтишини хоҳлайман,— деди.

Бу сўзларни айтиб улгурмасданоқ, қараса, ҳалиги эшак кейинги оёғида туриб, қаддини ростлай бошлади... У энди эшак эмас, чинакам митти бола тусига кирди. Унинг эғнида энги ва бўйи калта яшил камзул бўлиб, яшил сарғиш рангдаги кенггина шим кийиб олганди. Бошида эса новвотранг гулли ва учидаги попуги ҳам новвотранг — очиқ кўк тусли қалпоқчаси бор эди. Қалпоқча остидан чиқиб турган узун сочи пешонасини қошигача бекитганди.

Митти бола Билмасвойга қараб туриб, тишининг орасидан чирт этиб туфлади-да, бурнини қаттиқ тортиб мушти билан артиб қўйди. Унинг мушти катта, бурни эса сепкил тошиб кетган,

кичкинагина ва пучуқ эди. Бу ишлардан кейин митти бола эшикни бир тепиб ташқарига чиқди. Бу ерда бирпас аланглаб, Билмасвой томонга ўгирилди. Унинг кичкинагина кўзлари ғурурдан йилтиллер, қалин юқори лаби бурнигача, оғзи бўлса нақ қулоғига етган эди. Олдин эшак бўлган митти шу тарзда Билмасвойга тиржайди-да, икки қўлини шимининг чўнтагига тиқиб, йўлкадан юриб кетди. Билмасвой унинг кетидан узоқ тикилиб турди. Гўё унинг елкасидан оғир юк тушгандай бўлди. Энди унинг виждони қийнамас, жимиб қолганди. Узи ҳам хурсанд бўлиб, дўстларининг ёнига югурди.

Билмасвой келгунча Тугмачахон фил қафаси ёнигача бориб, филни яхшилаб кўриб олди. У бу ажойиб ҳайвоннинг катталигига жуда ҳайрон қолди. Аммо уни ҳаммадан ҳам ҳайратга солган нарса, филнинг узун хартуми эди. Филнинг хартуми қўлга ўхшаб турли нарсаларни ушлай оларди.

Аммо Олабола шундай катта ҳайвоннинг олдига яқин келгани чўчиди. У доим тўданинг ичида айланиб, олдинроқда турганларнинг ёнидан филни сал-пал кўрарди. У филнинг фақат боши билан осилиб турган қулоғинигина кўра олди. Шу кўрганам ҳам етар, деб одамлар орасидан четга чиқа бошлади. Шу пайтда Билмасвой ҳам келиб қолган эди.

— Қалай, филни кўрдингми? — деб Олаболадан сўради.

— Ҳи, ҳайрон қоладиган ери йўқ! — деб қўлини силкиди Олабола. «Фил, фил» деганлари қуруқ гап экан-ку! Унинг нимасини кўради? Турган-битгани бош билан қулоқдан иборат. Тўданинг орасидан Тугмачахон чиқиб қолди.

— Билмасвой, сен қаёққа йўқолиб қолдинг? Нега филни кўрмадинг?

— Бе, мен бу ерда тагин қулоқни кўрармидим! Юринглар, яхшиси, тагин газли сув ичамиз.

— Тўппа-тўғри! — деб севиниб кетди Олабола. — Нима учундир менинг ҳам сув ичгим келиб туривди.

Аммо Тугмачахон рад этди.

— Боринглар, мен сизларни ўриндиқда кутиб ўтираман, — деди-да, йўл ёқасидаги ўриндиққа ўтирди.

Билмасвой билан Олабола яна газли сув дўкончасига йўл олишди.

— Билдингми, Олабола, мен анави эшакни митти болага айлантириб қўйдим, — деб мақтаниб қолди Билмасвой.

— А... — деди чўзиб Олабола. — Уша ёққа югуриб кетаётганингни билувдим.

Бир дақиқадан кейин улар яна тўсиқнинг олдига келишувди, Олабола оғилхонанинг бир бурчагида турган эшакни кўриб қолди.

— Боплаб миттига айлантирган экансан-да! — деб кулди Олабола. — У, ҳув анави ерда турибди-ку!

— Нима турибди? — деб ҳайрон бўлиб сўради Билмасвой.

— Сенинг эшагинг-да!

— Эҳ, қурғур!— деди алам қилиб Билмасвой ва боягидек бемалол, кўзини сузиб унга қараб турган эшакни кўриб қолди.— Яна эшакка айланиб қолиши сираям мумкин эмас! Менга қара, эҳтимол, бу бошқа эшакдир?

— Рост,— деди тушуниб қолган Олабола.— Эҳтимол, бу бошқасидир, у саройдан чиққандир.

— Кўриб қолганимиз яхши бўлди,— деди Билмасвой.— Эҳтимол, менга керак бўлган эшак шу эшакдир, мен миттига айлантирган эшак бошқасидир.

— Тўғри!— деб қувватлади Олабола.— Эҳтимол, бу ўша эшак, униси эса бошқа эшак бўлса керак, ёки аксинча, буниси бошқа бўлиб, ҳалигиси ўша эшакдир.

— Шошма-чи, эшакларни адаштириб юбордим,— деб унинг гапини бўлди Билмасвой.— Яхшиси, буни ҳам болага айлантириб қўя қолай.

— Тўғри гап,— деб маъқуллади Олабола, у эшакнинг митти болага айланишини жуда кўргиси келарди.

Билмасвой таёқчасини силкитиб:

— Бу эшак ҳам митти болага айланишини истайман!— деди.

Билмасвой билан Олабола кўз очиб юмишга улгурмасданок, улар олдида эшак ўрнида митти бола пайдо бўлди. Унинг эгнида ҳам енги калта камзул бўлиб, бошидаги қалпоғи ҳам ўшанақа попукли эди ва камзулининг ранги фақат яшил бўлмай, тўқ сариқ тусда, қалпоғи ҳам кўк бўлмай, оқ-оқ холли ҳаворанг эди. Шими бўлса, яшил-сарғиш рангда эди. Бу митти боланинг башараси ҳам биринчи миттининг башарасига ўхшаш бўлиб, кўзлари кичкинагина, қора, узун сочи пелонасини тутиб ётарди. Юқори лаби ҳаддан ташқари қалин бўлиб, кичкина бурнининг устига сепкил тошиб кетганди. Бунинг биринчи миттидан фарқи шуки, биринчисининг сепкили фақат бурнида бўлса, бунинг сепкили бурни ва бурнининг атрофигача тошиб кетганди.

Атрофига ҳайрон бўлиб қараган митти бола сепкилли бурнини бужмайтирди-да, аксирганга ўхшаб бошини силкиди. Олаболага ҳам, Билмасвойга ҳам қарамасдан, тўсиқнинг олдига келди-да, ундан ошиб тушди ва ғойиб бўлди.

Бу ажойиб ўзгаришнинг кўрган Олабола ҳанг-манг бўлиб қолди ва митти бола ғовдан ошиб тушиб кетгандан кейингина:

— Ушами?— деб сўради.

— Ушами деганинг нимаси?— деб тушунмай сўради Билмасвой.

— Сен эшакка айлантирган митти бола шуми?

— Қаёқдан биламан!— деб қўлини силкиди Билмасвой.— У қайси бири эканини ҳам унутиб қўйдим. Кел, майли, иккаласидан биттаси ўшадир... Шошма-чи, ҳув анови ерда яна нима бор?— деб бақириб юборди тўсатдан.

— Вой, тагин битта эшак!— деб бақирди Олабола, оғилхонанинг очиқ эшигидан чиқиб турган узун қулоқли бошни кўриб қолиб.

— Роса ташвиш бўлди-ку! — деди Билмасвой. — Яна бирини миттига айлантиришга тўғри келади...

— Шошма-чи, — деди Олабола. — Бу эшакмас, отга ўхшайди.

— Нима деяпсан! От анчагина катта бўлади.

— Рост-а, — деб қўшилди Олабола. — Бир қарасанг, отга ўхшайди, бир қарасанг, эшакка. Шунчаки, каттароқ эшакдир, холос.

— Бе, булар билан овора бўлиб юришга вақтим бормиди, — деди Билмасвой. — Миттига айлантираман, гап тамом. Яна битта митти бола кўпаяди, вассалом.

Улар гаплашгунча, эшак оғилхонадан чиқди-да, тўппа-тўғри улар ёнига келди. Билмасвой тезда эшакнинг тумшуғи олдида таёқчасини силкитди ва:

— Бу эшак ҳам миттига айланишини хоҳлайман, — деди.

Билмасвой шундай деди-ю, кўзини юмиб олди, кўзини очиб қараса, эшак ғойиб бўлиб, унинг ўрнида митти бола турибди. Бу ҳам олдинги иккаласига ўхшарди-ю, фақат улардан новчароқ, лаби ҳам олдингилариникидай узун, сепкиллари бурни ва бурни атрофидагина бўлмай, бутун башарасини тутиб кетган эди, ҳатто муштумига ҳам сепкил тошганди. Фовга яқин келиб, Билмасвойга ўқрайиб қаради-да, дўқ уриб:

— Шаталоқ билан Човқар қаерда? — деб сўради.

— Шаталоқ ва Човқаринг нимаси? — деб чўчиб кетди Билмасвой.

— Эшаклар-да. Кўрмадингми, бу ерда иккита эшак бор эди?

— Кўрмадим, — деб алдади ўзини йўқотаёзган Билмасвой.

— Нега алдайсан? Ёки пешонангга туширишимни хоҳлайсанми?

— Қанақасига туширар экансан, — деди Билмасвой.

— Мана бунақасига!

Митти бола тўсиқнинг устидан сепкилли қўлини чўзди-да, Билмасвойнинг пешонасига шундай бошлаб чертдики, сал бўлмаса оёғи осмондан келаёзди.

— Ҳали шундоқми! — деб бақирди Билмасвой ғазабланганидан нафаси оғзига текилиб. — Ҳали уришмоқчимисан? Адабингни бериб қўяман сени!..

— Нима деяпсан! — деб бақирди митти бола. — Ҳозир сени бошлаб қўяман!

У тўсиқдан ошиб тушди. Билмасвой орқа-ўнгига қарамай қочиб қолди. Олабола ҳам унинг кетидан югурди. Улар қафаслар олдидан ўқдек тез ўтишар, уларнинг ордидан пишиллаб, отга ўхшаб дукурлаб янги пайдо бўлган митти бола чопарди. Агарда боланинг оёғи илдизга илиниб йиқилиб тушмаганда бунинг оқибати нима бўлиши ноаниқ эди. У ўрnidан туриб қараса, Билмасвой билан Олабола ҳув узоққа кетиб қолибди, энди уларга етолмаслигини сездди.

— Сенга кўрсатиб қўяман! — деб бақирди у. — Биз тагин учрашамиз ҳали! Сени шундай ўйнатиб қўяйки!



У Билмасвойга кучли муштумини ўқталиб иккала қўлини яшил-сарғиш шимининг чўнтагига тиққанча кўздан йўқолди.

Хавф ўтганини билган Билмасвой билан Олабола Тугмачахоннинг олдига қайтиб келишди.

— Қаёқда юрувдинлар? — деди жаҳли чиқиб Тугмачахон. — Энди сизларни қидирмоқчи бўлиб турувдим.

— Бизни бир тентак эшак қувлади, — деб жавоб берди Билмасвой.

— Қанақа тентак эшак?

— Кейин айтиб бераман сенга.

— Кейин демай, ҳозир айт-қўй-да!

Билмасвой айбига иқрор бўлишига, Варақжонни эшакка айлантирганини ва бўлган воқеаларнинг ҳаммасини айтиб беришига тўғри келди.

— Кўрдингми, Билмасвой, сен қандай жоҳилсан, — деди Тугмачахон унинг гапларини эшитиб бўлиб. — Ҳали сенга сеҳрли таёқча митти болаларни эшакка айлантириш учун берилганмиди?

— Мен жоҳил эмасман, Тугмачахон. Мен Варақжонни ва Ҳарфхонни деб роса азобландим. Виждоним мени росаям кемирди, чин сўзим! Жаҳлинг чиқмасин! Энди, ҳамма иш яхшилиқ билан тугади, ҳозир Варақжон Ҳарфхоннинг ёнига қайтиб боргандир ҳам.

— Яхшиям, газетадан Варақжонни қаердан қидириш кераклигини ўқиган эканмиз, — деди Тугмачахон.

## *Ўн олтинчи боб*

### БИЛМАСВОЙ, ТУГМАЧАХОН, ОЛАБОЛАЛАРНИНГ ЧОВКАР БИЛАН УЧРАШГАНЛАРИ ВА KEYIN НИМА БЎЛГАНИ

Саёҳатчилар кечгача ҳайвонот боғида юришди. У ерда ҳар хил ҳайвонлар бўлиб, уларни шу пайтгача кўришмаганди. Улар фақат кеч тушгандагина меҳмонхонага қайтишди-да, кечки овқатни еб, ухлагани ётишди. Бу сафар Билмасвой виждони қийнамагани учун тезда ухлаб қолди.

Агарда битта-яримта унга, сен миттиларга айлантирган учта эшакнинг орасида Варақжон йўқ эди, дегундай бўлса борми, бунчалик тез ухлаб қолмаган бўларди. Газетада хато кетиб, топилган эшак циркка юборилди деб ёзиш ўрнига, ҳайвонот боғига жўнатилди, деб босилган эди. Варақжон циркда қолиб кетаверди ва ҳайвонот боғидаги учта эшак ўрнига учта митти бола пайдо бўлди.

Уларнинг биринчисини Човкар, иккинчисини Шаталоқ ва учинчисини Пастак деб аташарди.

Пастакни ҳайвонот боғида эшак деб ҳисоблашса ҳам, аслида у эшак бўлмай, хачир эди. Ҳаммага маълумки, хачир — бу от билан эшак ўртасидаги бир ҳайвон, у отдан хиёл кичикроқ, эшакдан сал баландроқ бўлади. Агарда Шаталоқ билан Човқардан росмана митти пайдо бўлган бўлса, Пастакдан эса анча новча митти пайдо бўлди. Унинг бўйи тўққиз ярим тирноқ келарди. Тирноқ бу — миттилар мамлакатидаги узунлик ўлчови. Бизнинг ўлчовга айлантирганда, биру чорак сантиметрга тўғри келади. Тўққиз яримни биру чорак сантиметрга кўпайтирсак, Пастакнинг бўйи қанчалигини ҳар ким ҳам билиб олиши мумкин.

Учалови — яъни Човқар, Шаталоқ ва Пастак ушбу ўзгаришлардан ҳайрон бўлишди. Уларга илгаригига ўхшаб тўрт оёқлаб эмас икки оёқлаб юришгани ва нима учундир бирданига гапирадиган бўлиб қолишгани ғалати туюлди. Аммо ҳаммадан ҳам қўлларидаги туёқ ўрнига бармоқлар пайдо бўлиб қолгани уларни жуда ажаблантирган эди. Бармоқларини кўриб нимагадир уларнинг жудаям кулгиси қистарди. Бирортаси қўли ёки бармоғига қараб қолгудай бўлса борми, қотиб-қотиб куларди.

Аммо на Пастак, на Шаталоқ ва на Човқар бунинг нега кулгили эканини билишолмасди. Умуман, улардан шундай миттилар пайдо бўлдики, улар бирор нарса ҳақида ўйлаб кўришни ёқтирмас, хаёлига келган нарсани суриштирмай қилаверишарди. Майли, китобхон кейинроқ улар билан учрашиб, қанақаликларини билиб олар.

Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола эртаси кун уйғонишида, ўйнагани яна қаёққа борсак экан, ё тагин ҳайвонот боғига борамизми, деб ўйлаб қолишди. Тугмачахон, яхшиси, кўчада юриб, шаҳарни томоша қилайлик, ҳалигача шаҳарни дурустроқ кўрганимиз йўқ, деди.

Саёҳатчилар чой ичиб бўлгач, зинадан тушиб, кўчага чиқишди. Кенг йўлқадан тўда-тўда йўловчилар ўтишарди. Эрта-лабки енгил шабада йўлканинг четида ўсган ранг-баранг гуллар ҳидини ҳар ёнга олиб кетарди. Эндигина томлар устидан кўтарилган қуёш йўловчиларнинг елкаларини, юз ва пешоналарини, бурун ва қулоқларини қиздира бошлаган эди. Шунинг учун кўчада барча мамнун ва хушчақчақ эди.

Билмасвой ва унинг шериклари йўлканинг четроғида қора ялтироқ резина этик кийган ва эғнида оқ халатли болани кўриб қолишди. Уни Томчивой дейишарди. Унинг қўлида резина ичак бўлиб, гулларни суғорарди. Митти бола, ўткинчиларга бирор томчи бўлса ҳам сув тегиб кетмасин деб, эҳтиёт бўлиб, ичакдан куч билан отилиб чиқаётган сувни чаққонлик билан гуллар устига сепарди.

Нариоқда тўхтаб қолган саёҳатчиларимиз унинг ишига қизиқиб қолишди. Шу пайтда узокроқда тагин бир митти бола пайдо бўлди. Унинг эғнида қисқа енгли, яшил калта камзул, яшил-сарғиш тусда шим ва бошида тўқ сариқ попукли кўк қал-

поқ бор эди. Билмасвой кўрган заҳоти унинг кеча ўзи миттига айлантирган эшак эканини билиб қолди. Чиндан ҳам бу Човкар эди. У эрталабдан бери шаҳарда санқиб, нима иш қилишини билмай аланглаб юрарди. Гул суғораётган болани кўриб, у ҳам тўхтади ва томоша қила бошлади. Нима учундир унинг ҳам сув сепгиси келиб қолди:

— Қани, менга бер-чи, мен ҳам ичакни жиндек ушлаб турай. Менинг ҳам гулга сув сепгим келяпти, — деди.

Томчивой ҳурмат билан жилмайди ва Човкарга ичакнинг учини тутқазди:

— Марҳамат!

Човкар севиниб кетиб, икки қўли билан резина ичакни ушлаб, сувни гулга тўғрилади.

— Ичакни хиёл юқорироқ тутинг, гулга сув баландроқдан сепилсин, — деб маслаҳат берди Томчивой. — Агар сувни пастроқ ушлаб сепсангиз, унда сувнинг босими кучли бўлиб, ўсимликни зарарлантириши мумкин.

Човкар унинг айтганидай қилиб сувни тепароқдан сепиб бошлади.

— Ана энди тўғри бўлди! — деб маъқуллади Томчивой. — Гулга сув сепишга қобилиятингиз борга ўхшайди. Сиз сепиб туринг, бирпасга уйимга кириб чиқай. Агар бемалол бўлса, хўпми? — деб қўшиб қўйди.

— Бораверинг, бораверинг, ҳечқиси йўқ! — деб жавоб берди Човкар.

Томчивой кетди. Човкар бўлса гулга сув сепишни давом эттирди. Сув босимидан унинг қўлига сув сачраб кетди. Сув Човкарнинг фикрича гўё тирикка ўхшарди ва шундай муҳим ишни бажараётганидан мағрурланарди. Бирдан олдида турган Билмасвой, Тугмачахон ва Олаболага унинг кўзи тушиб қолди. Унинг миясига ўша заҳоти:

«Қани, уларга сув сепиб қолсам, нима бўларкин?» — деган ёмон фикр келиб қолди.

У бу фикрни ўйлаб бўлмасиданок, қўли ўзидан-ўзи сувни Билмасвойга тўғрилаб юборди. Билмасвойнинг бошидан-оёғигача сув сочилди.

— Ҳой, — деб бақирди Билмасвой. — Нега сув сепяпсан?

Човкар гўё ўзини ҳеч нима эшитмаганга солиб, отилаётган сувни бошқа ёққа бурди. Кейин билмагандек тагин Билмасвойга тўғрилади. Билмасвой жаҳли чиққанидан турган жойида сакраб тушиди ва югуриб бориб, митти боланинг додини бермоқчи эди, Тугмачахон унинг қўлидан ушлаб қолди.

— Юринглар, бу ердан кетайлик, — деди у. — Фақат сенинг жанжал чиқаришинг етмай турувди!

Учалови энди кетмоқчи бўлиб туришганди, Човкар сувни Тугмачахоннинг бўйнига тўғрилади:

— Вой! — деб чинқирди Тугмачахон елкаси ва бўйни аралаш муздай сув тушганини сезиб.

— Ҳали сен Тугмачахонга ҳам сув сепадиган бўлдингми! — деб ғазабланиб бақирди Билмасвой. — Ҳозир сенга кўрсатиб қўяман.

У югуриб бориб Човкарнинг қўлидан ичакни тортиб олмоқчи бўлганди, Човкар уни бошқа томонга буриб юборди, сув йўлка томонга сочилиб, ўткинчиларга тегиб кетди. Билмасвой ичакни яна олмоқчи бўлиб, бу сафар ён томондан борувди, лекин Човкор унга орқасини ўгириб, оёғи билан туртиб юбормоқчи бўлди.

— Ҳали сен тепмоқчимисан-а? — деб бақирди Билмасвой.

Ниҳоят у резина ичакка ёпишиб, Човкардан тортиб олмоқчи бўлди, аммо Човкар бермади. Сув эса вишиллаб, бир у ёққа, бир буёққа отилар эди. Йўловчилар совуқ сувдан қўрқиб, ура қочиб қолишди. Йўлнинг икки томонида одам тўпланиб кетди, улар нега сув сепишаётганларига тушуна олишмасди. Баъзилар Билмасвой билан Човкарга бу бемаънигарчиликни тўхтатинглар, дейишди. Тугмачахон бақирди, аммо Билмасвой билан Човкар ҳеч қандай бақирӣққа эътибор қилмай, бир-бирининг қўлидан ичакни олишга уринарди.

— Уларнинг қўлидан ичакни тортиб олиш керак, — деди кимдир.

— Тўғри! — деб бақирди оломон ичидан яна биров. — Ҳаммамиз бирданига ҳужум қилсак, ичакни олиш мумкин, ундан кейин улар сув сеп олмайди.

Бошловчи ҳам топилди. Бу Балиқжон деган митти бола эди. Унинг эғнида оч жигарранг спорт кийими бўлиб, бошида кенг соябонли қалпоғи бор эди. У:

— Қани, оғайнилар, менинг ортимдан олға! — деб бақирди-да, олдинга ташланди.

Буни кўрган Човкар сувни тўппа-тўғри унинг юзига сеп бошлади. Балиқжоннинг бошидан қалпоғи учиб кетди.

— Тўхта! Тўхта! — деб бақирди-да, Балиқжон қалпоғи кетидан югурди.

Бу вақтда Билмасвой шайланиб туриб, Човкарнинг қўлидаги резина ичакни ушлаб олди. Аммо Човкар ўзини йўқотиб қўймади. У ичакка қаттиқ ёпишиб, бир юлқиб унинг қўлидан тортиб олди. Билмасвой бўлса, шариллаб сув отилаётган ичак билан унинг бошига солмоқчи бўлувди, уларнинг атрофидан ёпирилиб келган миттилар Билмасвойнинг қўлидан ушлаб олишди. Ишнинг чаппасига кетганини кўрган Човкар кўп ўйлаб ўтирмай, ичакни ташлаб шаталоқ отиб қочиб қолди.

Уша заҳоти Билмасвойни оломон ўраб олди. Йўлка ва ҳатто кўчаларни ҳам митти болалар тутиб кетди. Одамларнинг кўпайиб кетганидан кўчада автомобиль ҳаракати тўхтаб қолди. Шунда бирдан милиционер югуриб келди-да:

— Тарқалишингизни сўрайман! Транспорт ҳаракатига ҳалақит беряпсиз! — деб бақирди қолди.

— Мана бу сув сепаетир! — деди Балиқжон Билмасвойни кўрсатиб.

— Мен сепганим йўқ! — деди Билмасвой. — Менгайм сепишди!

— Ановини қаранглар! — деди Балиқжон. — Унга сепишганмиш. Ҳа, ҳа!

Ҳодиса юз берган жойга ҳар томондан янги-янги миттилар югуриб келишар, оломон борган сари кўпайиб борарди. Автомобиллар бутун кўчани тўлдириб юборган эди. Бечора милиционер нима қилишини билмай бошини ушлаб қолди.

— Тарқалишингизни сўрайман! — деб бақирди у.

Лекин ҳеч кимнинг тарқалгиси келмади. Воқеанинг тепасида бўлганлар, бу ҳақда кўрмаганларга гапириб бериш учун кетишмаган бўлса, кўрмаганлар эса албатта Билмасвойни кўргилари келгани учун кетишмасди.

Милиционер агар Билмасвой бу кўчада тураверса, одамлар кетмаслигини пайқаб қолди-да, уни милицияга олиб бормоқчи бўлди.

Милиционер Билмасвойни қўлидан етаклаб, кўчанинг бурчагида турган автомобиль ёнига олиб борди. Тугмачахон билан Олабола милиционернинг Билмасвойни машинага ўтқизганини кўриб қолишди-да, унинг кетидан югуриб:

— Бизни ҳам бирга олиб кетинг, бизларни ҳам олиб кетинг! — деб бақаришди.

Лекин машина қўзғалиб, жўнаб қолди, Тугмачахон билан Олабола ҳолдан тойгунларича унинг кетидан югуришди. Етини қаёқда дейсиз! Машина кетиб қолди. Уларнинг бахтига, милиция бўлими олисда эмас экан. Машина бурчакка бурилди ва салдан кейин кичикроқ бир қаватли бино олдида тўхтади. Унинг томи гумбазсимон бўлиб, қумушрангга бўялган усти қуёш нурида товланиб турарди. Тугмачахон милиционер билан Билмасвойнинг машинадан тушиб, ўша уйга кириб кетишганини пайқаб қолди.

Милиционер бошлаб келган Билмасвой эшикдан кенг ёруғ хонага кирди. У бу ерда яна битта милиционерни кўрди. У милиционер турли включатель, переключатель, рубильник, микрофон, телефон ва радио аппаратларининг марказий бошқариш жойида, айланувчи думалоқ курсида ўтирарди. Марказий бошқариш дискасида тўрт қаторга эллик иккита телевизион экран ўрнатилган бўлиб, экранларда шаҳар кўчаларининг эллик икки чорраҳасидаги уйлар, юраётган машиналар, йўловчилар ва кўчада нима бўлса ҳаммаси пуфак ойнадан кўриниб турарди. Хонанинг ўртасида тагин битта — ҳаммасидан катта пуфаксимон экран бор эди.

Бу иккала милиционер — Билмасвойни бошлаб келгани ҳам, марказий бошқариш аппарати олдида ўтиргани ҳам бошқа миттилардай кийинган эди-ю, аммо милиционерлигимиз билиниб турсин, гапимизга миттилар қулоқ солишсин деб, ўт ўчирувчи-

ларникига ўхшаш ялтироқ мис қалпоқ кийиб олишган эди. Марказий бошқариш аппарати олдида ўтирган милиционернинг бўйи кичкина ва ўзи бақалоқ бўлиб, номи Қоровулжон эди. Билмасвойни бошлаб келгани эса, новча ва ориққина эди. Унинг номини Ҳуштакжон дейишарди.

Милиционер Қоровулжон милиционер Ҳуштакжоннинг Билмасвойни бошлаб келганини кўриб:

— Ҳа, сувсепар келибди-да! — деди. — Ҳей, оғайни, суриштирмай кўчага сув сепишни қаёқдан чиқардинглар?

— Мен сепганим йўқ, — деб чўчиб пичирлади Билмасвой.

— Нега сепмас экансиз? — деб ҳайрон бўлди милиционер Қоровулжон. — Кўрдик-ку, ахир. Биз нимаики бўлса, ҳаммасини кўриб турамиз. Яқинроқ келишингизни сўрайман.

Милиционер Ҳуштакжон, Билмасвой пуфак экранли марказий бошқариш аппаратига яқинроқ келсин учун уни елкасидан сал итарди.

— Милиция бўлимимизга кўчаларнинг эллик иккита чорраҳаси қарайди, — деди Қоровулжон. — Биз мана бу эллик икки пуфакка қараб ҳар бир кўчада бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасини кўра оламиз. Агарда кичик пуфакда тўла-тўқис кўринмаса, унда каттароғини ҳам ишлатамиз.

Милиционер Қоровулжон сўзини тугатиб, включателни бураган эди, хонанинг ўртасида осилиб турган ойна пуфак ўша заҳоти сирли, ҳаворанг тусда ёниб, унда кўчанинг чорраҳаси ва унда тўхтаб қолган автомашиналар кўрина бошлади.

— Ана, кўрдингизми, Пряник ва Патир кўчаларида тиқилинч пайдо бўлган. Бутун ҳаракат тўхтаган! — деди Қоровулжон ва пуфакни кўрсатди.

У шу ондаёқ бошқа мурватни бураган эди, экранда бошқа чорраҳа пайдо бўлди.

— Шакар ва Қиймагўшт кўчаларининг муюлишларида ҳам тиқилинч ҳосил бўлган, — деди Қоровулжон. — Ҳаракатни яна тиклаш учун анча кутишга тўғри келади энди. Ҳар битта машина бирор томонга юриши керак-да, ахир. Бунинг натижасида шаҳарнинг одатдаги тартиби бузилади.

Бу орада милиционер Ҳуштакжон кичик пуфак экранларидан бирига қаради-да:

— Шарқий кўчада ҳали оломон тарқалмабди-ку, — деди.

— Ҳозир Шарқий кўчани кўрсатамиз, — деди милиционер Қоровулжон.

У яна битта мурватни бураган эди, каттакон пуфак ичида Шарқий кўча ва Билмасвой билан Човкар иккаласи резина ичак талашиб уришган жойнинг худди ўзи акс этди. Билмасвой экранга яқинроқ келиб кўчани қоплаб олган оломонни кўрди. Энг олдинда турган Балиқжон бу ерда бўлган воқеаларни гапириб берарди.

— Шаҳримиздаги одамлар ўзи қанақа, ҳали ҳам тарқалиш-мабди? — деди пешонасини тириштириб Қоровулжон, — Ҳуштакжон, сен яна ўша ерга боришинг керак бўлади. Гапиришадиган бўлса, бошқа ёққа бориб гапиришсин, бу ерда тўпланишнинг нима кераги бор? Ҳаракат қويدаси бузилмоқда.

— Ҳозир бораман, — деди Ҳуштакжон.

У Билмасвойни ўртасида стол ва бир қанча стуллар турган қўшни хонага олиб чиқди.

— Бирпас мени шу ерда кутиб туришингизни илтимос қиламан. Тезда қайтиб келаман, — деди у.

Милиционер Ҳуштакжон эшикни ёпиб чиқиб кетди, Милиционер Қоровулжон бўлса, чорраҳалар кўринадиган элик икки пуфакни яна кузата бошлади. Катта экранга назар солиб, ҳодиса рўй берган жойга Ҳуштакжоннинг етиб борганини, одамларни тарқалишга кўндирганини, оломон оз-оздан тарқалаётганини кўриб турди.

Иши битган Ҳуштакжон машинага ўтириб орқасига қайтди.

— Ушланган болани нима қиламиз энди? — деб сўради у милицияга қайтиб келгач.

— Нима қилишни билмайман... — деб елкасини қисиб қўйди Қоровулжон.

— Мен ҳам билмайман, — деди Ҳуштакжон, — милицияда шунча йил ишлаб, йўловчиларга сув сепиш ҳодисасини кўрган эмасман. Унга насиҳат қилиб тезлик билан уйига жўнатиб юбора қолсак, дейман, тагин унинг биздан кўнгли ранжиб қолмасин...

— У хафа бўлиб қолиши мумкин деб, мен ҳам қаттиқ қўрқялман Ҳуштакжон, марҳамат қилиб, уни қўйиб юборгин. Унга сув сепиш яхшимаслигини мулоимлик билан тушунтиргин-да, ушлаб қолганимиз учун ҳурмат билан кечирим сўрагин. Оломонни тарқатиб юбориш ва транспорт ҳаракатини йўлга қўйиб юбориш учун шундай қилиш зарур бўлиб қолганини айтиб қўйгин.

— Дуруст, — деб рози бўлди Ҳуштакжон.

— Бу ёққа олиб чиққин-чи, айтгандай, у билан жиддийроқ гаплашганим учун мен ҳам кечирим сўраб қўяй.

Милиционерларнинг ўзаро шундай суҳбати битта-яримтага ғайри табиий туюлиши мумкин. Ҳар бир милиционер бирорта тартиб бузувчини ушлаганда, албатта энг арзимас бўлса ҳам бир жазо ўйлаб топишини ва ўз иши учун ҳеч бир кечирим сўрамаслигини ҳамма яхши билади. Аммо шунини ҳисобга олиш зарурки, Қуёш шаҳрида ҳамма нарса ҳам бошқача бўларди. Қачонлардир Қуёш шаҳрида, шунингдек, бошқа шаҳарларда ҳам баъзи бир миттилар ахлоқсизлик қилиб, тартибни бузган вақтлар ҳам бўлган эди. Улар ўзаро уришар, тош ва лой отишар, сув сепишар, баъзилари бўлса, бировларнинг буюмларини олишар ва умуман бир-бирларини хафа қилишарди. Шунақа тартиббузарларга қарши курашиш учун милиция тузилган эди. Милиция

гуноҳкорларни жазолаш ҳуқуқига эга эди. Агарда кимда-ким тилини чиқариб бировни масҳара қилгундай бўлса, кўча қоидасини бузса, автомобилда тақиқланган жойдан юрса, сув сепса, туфласа ёки итга тегишса, ундай тақдирда милиционер гуноҳкорга таъсир этишга, унга беш дақиқадан эллик дақиқагача насиҳат қилишга мажбур эди. Кимнинг гуноҳи қанча кўп бўлса, шунчалик узоқ насиҳат қилинарди. Анча оғир бўлган гуноҳлар учун қаттиқ жазо белгиланган эди. Мисол учун, кўкракка, елка ёки биқин, бўйинга мушт билан ургани учун бир кеча-кундуз қамоқ, тош ёки калтак билан ургани учун уч кеча-кундуз қамоқ, башара ё бошқа ерга ургани учун икки кеча-кундуз қамоққа ҳукм қилинарди. Агарда зарба натижасида бадан кўкарса, тимдаланса беш кеча-кундуз, агарда бадан қонаса-чи, гуноҳкор ўн кеча-кундуз қамаларди. Кимда-ким бировнинг буюмини олса, энг катта ўғрилиқ ҳисобланиб, ўн беш кеча-кундуз қамоқда ётарди.

Баъзи одам, ўғирликдай оғир гуноҳ учун ўн беш кеча-кундуз унчалик узоқ муддат эмас, деб ўйлаши мумкин. Аммо бизга қараганда вақтлари жуда секин ўтадиган митти болалар учун бу муддат анча узоқ ҳисобланади. Ҳар ҳолда, тавба қилишлари учун бу муддат жуда етарлидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, тартиб бузувчиларга қарши бундай усулда курашиш, митти болалар онгли бўлмагунларича етарли натижа бермади. Аммо, вақт ўтиши билан улар шунчалик онгли бўлишдики, ҳеч ким бир-бири билан асло жанжаллашмайдиган, бировни-бирова урмайдиган, хафа қилмайдиган, ҳеч ким бировнинг буюмини олмайдиган бўлди. Кимда-ким бошқаларнинг ўзига яхши муносабатда бўлишини истаса, ўзи ҳам бошқаларга шундай яхши муносабатда бўлиши лозимлигини ҳамма тушуниб қолди. Тартиб бузувчилар борган сари камайиб кетди, ҳатто милиционерлар қачонлардир қамаш каби турли жазо усуллари борлигини аста-секин унутиб юбора бошладилар. «Қамаш» сўзи бутунлай унутилганидан энди ҳеч ким унинг маъносини билмасди.

Ўтган замонлардаги жамики жазолардан атиги насиҳат қилиш ёки дашном беришгина қолган бўлиб, милиционерлар буларни кўча қоидасини бузувчиларга, асосан автомобилчиларгагина қўллашарди. Қисқасини айтганда милицияга фақат автотранспорт ҳаракатини бошқариб туриш, кўчадан ўзи ўтишга чўчийдиган митти болалар ва қизалоқларни ўтказиб қўйиш, кимнинг қаёққа бориши керак бўлса, йўл кўрсатиш каби ишларгина қолганди. Бундай аҳволдан милиционерлар жуда мамнун эди, чунки миттиларни тарбиялаш оврагарчилиги сезиларли даражада камайиб кетганди. Ахир, автомобиль транспорти тараққий этгани сари кўча ҳаракатини бошқариш вазифаси кундан-кунга қийинлашиб бораётган эди-да.



## Ун еттинчи боб

### БИНОВОЙ БИЛАН УЧРАШУВ

Хуштакжон билан Қоровулжон гаплашиб бўлгунча Билмасвой бўм-бўш хонада ўтирди. У ерга кириб қолганда, дастлаб жуда чўчиб кетди, бир кўнгли қочмоқчи ҳам бўлди. У эшикни очиб кўраман деганди, эшик берк экан, деразани очмоқчи бўлганди, у ҳам очилмади. Кейин ойнани синдирмоқчи бўлиб, уни муштуми билан урган эди, лекин ойна шунақанги қалин ва қаттиқ эканки, сира синдириб бўлмади.

Ҳолдан тойган Билмасвой дераза тоқчасига ўтириб олди. Ойнадан ҳовлининг бир чети ва қўшни уйнинг текис кулранг деворигина кўринарди, холос. Билмасвой бу деворга қарайвериб зерикиб кетди. Уни умрида сираям қамашмаганди. У ҳар доим нимани истаса шуни қиларди, қаёққа боргиси келса борарди, атрофида ҳар қачон дўстлари бўлиб, улар билан гаплашар, кулишар, ҳазиллашарди.

Энди бўлса битта ўзи ўтирибди. Нима учундир унинг хўрлиги келиб, кўзидан дув-дув ёш оқди, аммо худди шу пайтда ҳовлида юрган Тугмачахон билан Олаболани кўриб қолди-ку. Улар атрофга хомуш аланглашарди, кейин деразага қараб Билмасвойни кўриб қолишди-да, унга бир нарса деб бақира бошлашди. Билмасвой шунча диққат билан қулоқ солса ҳам биронта сўзини эшитолмади, чунки ойна қалин бўлганидан товуш эшитилмасди. Тугмачахон қўлини қимирлатиб, бармоқлари билан аллақандай ишоралар қилар, Билмасвой эса ҳеч нарса тушунмасди. У тушунмаётганини билдириш учун бошини силкитди. Шунда Тугмачахон ерда ётган чўпни олиб, уни ҳавода силкита бошлади.

«У нимани силкитяпти? — деб тушунмасдан ўз-ўзидан сўрарди Билмасвой. — Анов тентакни қаранглар, ердан қандайдир чўпни олиб силкитади-я».

Шунда Билмасвой пешонасига бир уриб:

— Вой, мен тентак-эй! Сеҳрли таёқчам борлигини эсимдан чиқарибман-ку! — деб бақариб юборди.

У дарров қўйнига қўлини тиқиб, энди сеҳрли таёқчасини олмоқчи бўлиб турувди, шу пайт эшик очилиб, милиционер Хуштакжон кириб келди. У Билмасвойга қўлини узатиб, нимадир демоқчи бўлди. Билмасвой бундан чўчиб тушди-ю, таёқчасини олиб:

— Милиция девори ёрилиб, безарар озодликка чиқиб кетишни хоҳлайман! — деб бақирди.

Атроф қасир-қусур, шарақ-шуруқ бўлиб кетди. Хонанинг девори тўсатдан қулаб тушди ва чанг кўтарилди. Билмасвойнинг тепасидан нимадир сочилди. Милиционернинг мис қалпоғига гишт урилиб, қулоғи шанғиллаб кетди-да, йиқилиб тушди. Бил-

масвой узоқ ўйлаб ўтирмасдан, физиллаб кўчага чиқди. Тугмачахон билан Олабола Билмасвойнинг қўлидан етаклаб, дарвозадан чиқа, қочишди. Милиционер Хуштакжон синиб тушган нарсалар орасидан ўзини зўрға ўнглаб олди. Бошидан мис қалпоғи учиб кетган эди, лекин унга ҳам эътибор бермай, қочоқнинг кетидан югуриб қолди.

У чолиб кета туриб қаттиқ ҳарсилларди. Гиштдан лат еган боши оғрир ва айланар эди. Шу сабабдан у, тўғри югурмасдан, илонизи қилиб чопарди. Милиционер Хуштакжон бошининг қаттиқ оғриётганини сезди-да, Билмасвойга қўлини силкиб қувишни тўхтатди.

Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола анча вақт орқаларига қарамай кўчадан югуришди. Уларни ҳеч ким қувламаётганини пайқаганларидан кейингина, шошмай секин кетишди. Шунда Тугмачахон Билмасвойни уялтира бошлади:

— Қанақа саёҳатчисан ўзинг! — деди у кесатиб. — Қани айтичи, биз бу ерга нима учун келган эдик? Уришиш ё йўловчиларга сув сениш учунми? Шаҳарни томоша қилгани чиқибмиз-у, сен бўлсанг резина ичакни деб уришиб юрибсан.

— Хафа бўлма, Тугмачахон, — деди Билмасвой. — Иккинчи бунақа қилмайман. Энди шаҳарни чинакам саёҳатчилардай томоша қиламиз.

Дўстлар кўча бўйлаб дўконларнинг кўргазмаларини кўриб кетишди. Улар ҳайвонот боғида учратган газли сув дўкончасига ўхшаш дўконни кўриб қолишди. Пештахта устидаги жўмракни кўриб қолган Олабола:

— Шундай югуришдан кейин ширин газли сув ичсак ёмон бўлмасди, — деди.

Дўстлар дўкончага яқин келишди ва тугмачаларни босиб, ҳар хил ширин газли сувлардан ича бошлашди. Олабола олти ё етти стакан ичди. Ундан ортиқ ичолмаса ҳам дўкончадан нари кетгиси келмади. Дўконга яқин жойдаги ўриндиқни кўриб қолган Билмасвой:

— Келинглр, бирпас ўтириб дам оламиз. Кимда-ким ичишни хоҳласа, дўкончага бориб ичиб келаверади, — деди.

Ўриндиққа ўтиришди. Улар ўтирган жойнинг қаршисида — кўчанинг нариги бетида беш қаватли уй бор эди. Бинонинг томга яқин жойида деворнинг эни бўйлаб сурат осилган бўлиб, унда Қизил қалпоқча билан кулранг бўрининг ўрмонда учрашиб қолгани тасвир этилганди. Тугмачахон шу заҳоти Қизил қалпоқча ҳақидаги эртакни айта бошлади. Ҳам эртак эшитиш, ҳам сурат кўриш жудаям қизиқ эди. Аммо Билмасвой билан Олабола унча яхши эътибор билан эшитмади. Ҳар дақиқа дўкончага югуриб, сув ичиб келишарди. Тугмачахоннинг жаҳли чиқди. Чунки эртак айтаётганинда, биров гапингни бўлиб турса, жуда ёмон бўлади-да.

Охири эртак тугади, бунга тўхтаб-тўхтаб айтилганини ҳисобга олганда ярим соатча вақт кетди. Билмасвой сакраб туриб,

дўкончага югурмоқчи бўлганди, лекин бирдан гандираклаб Тугмачахон билан Олаболани ушлаб қолди.

— Сенга нима бўлди? — деди чўчиб кетган Тугмачахон.

— Бошим айланяпти! — деб ингради оёғида зўрға турган Билмасвой.

Тугмачахон билан Олабола унинг қўлидан ушлаб, қайта ўриндиққа ўтқазиб қўйишди.

— Эҳтимол, газли сувга бўкиб қолгандирсан, — деди Олабола.

— Бирор жойинг оғрияптими? — деб безовталанди Тугмачахон.

— Ҳозир бир оз дурустман, олдинига, ҳатто, уй айланаётганга ўхшаганди.

— Қайси уй?

— Мана бу қаршимиздаги-да!

Тугмачахон билан Олабола ҳам уйга қарашди-да, бир-бирини ушлаб қолишди. Олдинига уй гўё олди томони билан тургандай туюлган бўлса, энди ёнига бурилиб қолганга ўхшади. Сурач туюлганроққа сурилиб, энди ундаги Қизил қалпоқча ва кулранг бўрини тузукроқ кўриб бўлмасди. Бу қутилмаган воқеадан Олаболанинг боши айланиб, Билмасвойнинг ёнига — ўриндиққа йиқилиб тушди. Шунда буларнинг олдига Қуёш шаҳридан бўлган бир миттивой келди.

— Нима бўлди сизга? — деб сўради у.

— Бошимиз айланяпти. Нима учундир, уй айланаётганга ўхшайди, — деб жавоб берди Тугмачахон.

— Эҳтимол, янги келгандирсизлар? — деб сўради митти бола уларнинг ёнига — ўриндиққа ўтирар экан.

— Ҳа, янги келганмиз, — деб жавоб берди Тугмачахон. — Қандай қилиб билдингиз?

— Билиш қийин эмас, чунки уй айланишини биздагиларнинг ҳаммаси билишади.

— Қанақасига айланади? — дейишди бараварига Билмасвой билан Олабола.

— Энг оддий усул билан айланади. Ҳақиқатан, биринчи қараганда унчалик сезилмайди. Лекин синчиклаб қараб турсангиз, айланаётганини пайқашингиз мумкин.

Саёҳатчилар ўзларини сал ўнглаб олишди, уйга тагин қарашганди, тескари томонга айланаётганини пайқаб қолишди. Қизил қалпоқча бор сурач энди сира ҳам кўринмай кетганди.

— Мана бу қизиқ экан, — деб қичқириб юборди Олабола. — Яъни... Тфу! Нималар деяпман ўзим! Ҳеч қанақа қизиқлиги йўқ, албатта. Энг оддий айланчиқ уй-да.

— Айланчиқ эмас, айланувчи, — деб унинг сўзини тузатди митти бола.

— Бари бир, унинг қандай қилиб айланишига тушуна олмаяпман, — деди Билмасвой.

— Буни тушунтириш унчалик қийин эмас, ихтисосим меъмор бўлгани учун унинг қандай қурилганидан хабардорман,— деди митти бола.

— Бемалол бўлса айтиб беринг-чи, бу жуда қизиқ экан,— деб илтимос қилди Тугмачахон.

— Кўп қаватли катта уйларнинг ўрнидан кўчирилганини кўрганмисизлар? — деб ҳикоясини бошлади меъмор ва саёҳатчиларнинг ҳеч қачон кўрмаганликларини билгач, гапини давом эттирди:— Уйнинг пойдевориغا из ўрнатишади, уйни худди ғилдирак устида юргандек ғилдиратиб янги жойга олиб боришади. Айланувчан уйни қуриш янада осонроқ, чунки қуришдан олдин унинг тагига доира шаклидаги из ётқизилади. Уйни айлантириш учун унча катта бўлмаган электр мотор зарур бўлиб, уйларни бошқа ерга кўчириш учун керак бўладиган мотордан кучсизроғи ҳам ярайверади.

— Тушунарли,— деди Билмасвой,— лекин уйни айлантиришнинг нима кераги бор? Уйнинг ўз жойида тинчгина тургани яхши-ку?

— Албатта, бу яхши,— деди меъмор,— Аммо айланувчи уй бир қанча қулайликларга эга. Одатдаги уйларнинг деразаси тўрт томонга — шимолга, жанубга, шарқ ва ғарбга қаратилган бўлади. Жануб томонга қараган дераза кун бўйи офтоб бўлиб, шимолга қараган деразага сираям кун тушмайди. Бунақа хонада яшаш жуда зерикарли, ҳамманинг ҳам офтоб тушган хонада ўтиргиси келади. Мана бундай нуқсон айланувчи уйларда йўқ. Қаршимизда турган уй бир соат ичида тўлиқ айланиб чиқади, шунинг учун ундаги ҳар бир деразага, қайси томонда бўлишига қарамай, ҳар соатда офтоб тушиб туради. Айланувчи уйлардаги ҳамма хоналар ёруғ ва кўнгил очар бўлади.

— Мен аста-секин тушуняшман, шекилли,— деди Билмасвой.— Қизиқ-а, бу айланувчи уйни ўйлаб топган ким экан?

— Айланувчи уйнинг биринчи лойиҳасини меъмор Чирпирак чизганди. Бунга анча йил бўлди. Ушандан бери кўпгина меъморлар ундан ўрганиб, талай шунақа бинолар қуриб қўйишди. Шунақанги уйлар ҳам борки, улар, бир, икки, уч ҳатто тўрт соат ичида бир марта айланиб чиқишади. Агар истасангиз, шаҳарнинг меъморчилиги билан танишиш учун экскурсия қилишимиз мумкин.

— Жудаям ажойиб бўларди-да! — деб севинди Тугмачахон.— Аммо бу сизга малол келмайдими?

— Нега малол келар экан? — деди Олабола.— Ўтин ёришиди бу!

— Сен-чи, Олабола, одоб билан гаплашишни билмаганингдан кейин, яхшиси, жим ўтиргин,— деди Тугмачахон.

— Олабола тўғри гапиряпти,— деди меҳрибонлик билан митти бола.— Бу ҳақиқатан ҳам ўтин ёриш эмас, яна шуни ҳам айтايки, қизиқувчан саёҳатчилар билан танишганимга жуда хурсандман. Менинг исмим Биновой. Меъмор Биновой.

— Менинг исмим Билмасвой, унинг исми Тугмачахон, — деди Билмасвой.

— Мана энди танишиб олдик! — деди Биновой янги танишларининг қўлини қисиб. — Жуда хурсандман, жуда хурсандман! Қани энди кетимдан юринглар-чи.

Биновой кўча бўйлаб юриб кетди. Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола унинг ортидан эргашишди. Аввал Биновой саёҳатчиларга поғона-поғона шаклда қурилган яна битта уйни кўрсатди. Бунақа уйларни зинапоя уйлар деб аташар экан. Бундай уйларда ўзюқорар зиналар бўлмай, транспортёрга ўхшаш айланиб ҳаракат қилувчи йўллар бўларкан, унга одамлар ўтириб олиб, коқорига чиқишлари ёки пастга тушишлари мумкин экан. Ундан кейин, минора усулида қурилган, доира шаклида айланадиган уйлари бор кўчани кўришди. Уйнинг тушадиган зинаси силлиқ бурама шаклида бўлиб, тушувчилар гиламча устига ўтириб сирғанадилар. Биновой саёҳатчиларга ундан кейинги кўчадаги иккита катта уйни кўрсатди. Бу уйларнинг бири гиштдан қурилган, ярим шарларга ўхшарди. Ҳар бир ярим шарда ярим доира дераза ва эшик бор эди. Бу уйнинг хоналари ҳам ярим шар шаклида бўлса керак, деб ўйлаш мумкин эди. Иккинчи уй эса, бир қанча бочкаларни бир-бирига қалаштиргандай қилиб қурилганди. Ҳар бир бочканинг бўйи икки қаватга тенг келадиган бўлиб, биринчи ва иккинчи қаватларга дераза қурилган эди. Биновойнинг айтишига қараганда, иккала уй ҳам думалоқ хоналарда яшашга қизиқувчилар учун қурилган экан.

Саёҳатчилар бурчақдан бурилиб, Мусиқа деган тор кўчага чиқиб қолишди. Бу ердаги уйлар ҳар бири бирорта мусиқа асбоби шаклида қурилган эди. Биттаси пианино, бошқаси — рояль, учинчиси чилтор, тўртинчиси аккордеон, бешинчиси ноғора шаклида эди. Фақат бурчақдаги битта уй нима сабабдандир сопол кўзага ўхшарди. Саёҳатчилар ундан кейинги кўчада жуда ғалати усулда қурилган уйни кўрдилар. Бу уй ерда турмай, каттакон ҳаво пуфагида осилиб турарди.

— Наҳотки, шунақа самовий уйда яшашни истовчилар ҳам бўлса? — деб ҳайрон бўлди Тугмачахон.

— Улар тўлиб-тошиб ётибди! — деди Биновой. — Хоҳловчилар шунчалик кўпки, биз тагин шундай уйлардан бир қанчасини қурмоқчимиз. Бунақа жойда яшовчилар қийинчилик ва хавф-хатарни енгиб, сим зиналарга тирмашиб чиқиш, парашютда ташлаш, арқонга осилиб тушишга кўникиб қолишди.

— Мен ҳам шунақа уйда жон деб турардим, — деди Билмасвой.

— Энди бир дақиқа сабр қиласиз, сизларни қадимий меъморчилик билан таништираман, — деди Биновой. — Ҳозир сиз билан меъморчилик қўриқхонаси деган жойга борамиз.

Саёҳатчилар тор кўчадан ўтиб, устун шаклида қурилган уйлар ёнида пайдо бўлишди. Бу ердаги устунлар типпа-тик, қия, чийралган, айланма, бурама ва шунга ўхшаш ҳолатларда қурил-

ганди, уларга ном ҳам тополмайсан. Уйларнинг рахлари ҳам тўғри, қинғир-қийшиқ ва эгри-бугри шаклда эди. Баъзи бир уйларнинг устунлари одатдагидай томнинг тагида бўлмай, устида эди, бошқа бир уйларнинг устунлари пастда бўлиб, уйлар устунларнинг устида эди, учинчи хил уйларнинг устун уйнинг раҳида бўлиб, ўткинчиларнинг устига осилиб ётарди. Уйнинг раҳи пастда, устунлари эса унинг устида бўлган уйлар ҳам бор эди. Устунлар ёнида осилиб ётарди. Яна бир хил уйларнинг устунлари тўппа-тўғри қурилган, уйнинг ўзи эса қийшиқ ўрнатилган бўлиб, гўё одамларнинг бошига ағдарилиб тушаётганга ўхшарди. Тагин бир хил уйларнинг устунлари бир томонга қийшайган, уйнинг ўзи бошқа томонга ёнбошлаган эди, худди уй ҳозир парча-парча бўлиб бузилиб кетадигандай бўлиб кўринарди.

— Бу қийшиқ уйларга қарамай қўя қолинг, — деди Биновой. — Илгари бизда беўхшов уйлар қуришга қизиқиш расм бўлганди. Мана шунақа бўлмағур ишлар қилишганди, ҳозир кўрсанг, уяласан киши! Мисол учун, мана бу уйни ғайритабiiй бир куч қийшайтириб қўйганга ўхшайди. Бунда ҳамма нарса — дераза, эшик, девор ва шипларигача қийшайтирилган. Шунақанги бинода бир ҳафтагина яшаб кўринг-чи, тезда феълингиз аймат қолади. Баджаҳл, ғамгин ва тажанг бўлиб қоласиз. Сизга ҳаммавақт кўнгилсиз, ёмон ҳодиса бўлаётганга ўхшаб туюлади. Хонангизнинг девори қулаб кетаётгандай хис қиласиз-да, доим ўшани ўйлайверасиз. Яхшиямки, бунақа қинғир-қийшиқ уйларда ҳозир ҳеч ким яшамайди. Бир пайтлар уларни бузиб ташламоқчи ҳам бўлишди. Аммо кейин келгусида шунақа бемаъни уй қуриш ҳеч кимнинг хаёлига келмасин, ибрат бўлсин, деб, қолдиришди.

— Бунинг фойдаси бўлдими? — деб сўради Билмасвой.

— Фойдаси бўлди, — деди Биновой. — Аммо баъзи бир меъморлар эски одатларини қўйишмади. Улардан битта-яримтаси уй қуриб қолгудай бўлса, уйнинг олдига бориб, анграйиб қола-сиз. Кейинчалик машҳур меъмор Тарвузий чиқиб, ҳеч қанақа найранг-пайрангсиз уй қуришнинг ажойиб усулини топди. Яна қурилишга ярайдиган қатор янги ускуналар ихтиро қилди. Мисол учун, босим билан енгиллаштирилган кўпик резинадан қулай йиғма уй қуриш мумкин, сувга чидамли картонга на совуқ, на иссиқ, на ёмғир ва на шамол қор қолади. Ёпиштириш жиҳозларига ишлатиладиган сунъий пластилин ва қурилиш кўпик пластмассаси сувда ёнмайди ва ўтда чўкмайди, йўғ-эй, ўтда ёнмайди ва сувда чўкмайди. Шунингдек, турли нур сочувчи нўхат кўпик деган ускуна оддий нўхат қўзоғидан ясалган бўлиб, бу ҳам ҳар нарсага чидамли, қаттиқликда пўлатдан ҳам маҳкамдир. Мен ҳозир сизларга меъмор Тарвузийнинг ўзи топган ускуналардан қурган уйларини кўрсатаман. Унча узоқдамас. Ижодиёт кўчасида.

Биновой яна ҳаммадан олдинда юриб йўл бошлади. Қуёш шаҳридаги қўчаларнинг ҳар бурчагида тугмачали газли сув дўккончаси учраб турарди. Билмасвой билан Олабола бўлса, ҳар бир дўкконча олдида тўхтаб, бир стакан сув ичишарди. Улар газ сув билан алаҳсиб меъморчилик билан танишишдан унча зерикишмади. Кутилмаганда Биновой тўхтади-да, соатига қараб, пешонасига бир уриб:

— Оғайнилар! Хаёлдан бутунлай кўтарилибди-я! Мен ахир меъморчилик комитетига мажлисга боришим керак эди-ку, — деб қолди. — Айланувчи уйлар қуриш масаласи ҳал қилинади. Мен билан борасизларми? Кейин меъмор ҳақидаги ҳикоямни давом эттираман, бориб Тарвузийнинг уйини кўрамиз.

— Мен розиман, — деб жавоб берди Билмасвой. — Меъморчилик комитети мажлисида сираям қатнашган эмасман.

— Мен ҳам жон-жон деб бораман, — дея рози бўлди Тугмачахон.

— Ҳа, майли, мен ҳам жон-жон деб борақолай, — деди Олабола. — Фақат сизларга малол келмаса, — деб қўшиб қўйди у.

— Йўқ, сираям малол келмайди, — деб кулиб жавоб берди Биновой. — Бу ўтин ёриш эмас-ку, ахир!

## Ҳн саккизинчи боб

### МЕЪМОРЧИЛИК КОМИТЕТИДА

Билмасвой Қуёш шаҳрининг деярли ҳар бир бурчагида оқ ва қора йўл-йўл қилиб бўялган кичик симёғочлар борлигини аллақачон пайқаган эди. Уларни оқ ва қора бўёққа бўяшгани учун узоқ жойдан ҳам кўриниб турарди.

Биновой шериклари билан шунақа симёғоч олдига келиб, унинг тепароғидаги тугмачани босди.

— Бу тугмача нимага керак? — деб сўради Билмасвой.

— Такси чақиришга, — деб тушунтирди Биновой. — Такси зарур бўлса, келиб симёғочдаги тугмачани босасиз. Бир дақиқадан кейин машина етиб келади.

Ҳақиқатан ҳам бир дақиқа ўтмасданоқ кўчанинг бошида машина кўриниб қолди. У ҳам симёғочга ўхшаб, оқ ва қора рангга йўл-йўл қилиб бўялган эди. Автомобиль тезда етиб келди-да, йўлканинг четида тўхтади ва эшикчалари очилиб кетди.

— Ҳайдовчиси қаерда? — деб сўради Билмасвой, рулда ҳайдовчи йўқлигини кўриб.

— Ҳайдовчининг кераги йўқ, — деб жавоб берди Биновой. — Бу автоматик тугмачали машина, бу ерда ҳайдовчининг ўрнига турли кўча ва тўхташ жойларининг номи ёзилган тугмача бор.

Керакли тугмачани боссангиз, машина сизни тайинлаган жойингизга олиб бориб қўяди.

Ҳаммалари машинага чиқишди. Биновой шундай деди:

— Мана мен ҳозир «Меъморчилик кўчаси» деб ёзилган тугмани босаман ва...

У асбоблар турадиган жойдаги тугманинг бирини босган заҳоти машина жойидан қўзғалди.

— Тўхтаг, нима қияпсиз! — деб Биновойнинг қўлини ушлаб бақирди Олабола. — Машина бехосдан бировни уриб юборса-я!

— Машина ҳеч кимни уриб юбормайди, чунки унда ультратовушли локатор аппарати бор, у аппарат ҳар қандай тўқнашувнинг олдини олади, — деди Биновой, — машинанинг олдига ўрнатилган иккита карнайга эътибор беринглар-а. Битта карнай доим олдиндан ультратовуш сигналини юбориб туради. Қаршида бирорта тўсиқлик пайдо бўлиши билан ультратовуш сигналлари қайтади, яъни тўсиқдан қайтиб иккинчи карнайга тушади. Бу ерда ультратовуш энергияси электр қувватига айланади. Электр энергияси тормозни ёки қайрилиш механизмини ишлатади. Агарда тўсиқ кичикроқ бўлса, бурилиш механизми ишлаб, машина унинг ёнидан ўтади. Тўсиқ каттароқ бўлса, тўхтаб қолади, чунки тормоз ишлаган бўлади. Бунақанги карнайлар машинанинг орқасида ва ён томонларида ҳам бор, чунки ультратовуш сигналлари ҳамма томонидан келиши мумкин-да.

— Ультратовуш сигналлари қанақа ўзи? — деб сўради Билмасвой.

— Хўш, қандай қилиб тушунтирсам экан сизга... Улар шунақаям ингичка товушларки, ҳатто, сиз билан биз эшита олмаймиз. Аммо у ҳам сиз билан биз эшитадиган товушдай оз-моз энергия қувватига эга.

Бу орада машина чорраҳага келди-да, светофор олдида тўхтади.

— Машина қизил чироқ ёнганда ҳам тўхтайди, чунки унда оптик тузилган аппарат бор, — деди Биновой.

Ҳақиқатан ҳам автомобиль яшил чироқ ёнмагунча светофор олдида тўхтаб тураверди.

— Нима қилибди, бунинг ҳеч қанақа қизиқ жойи йўқ, — деди Олабола. — Фақат машинанинг қаёққа бориш кераклигини билишигина қизиқ.

— Машина, албатта, ҳеч нарсани билолмайди, — деб жавоб берди Биновой. — Тугмачани босганингиздан кейин, ҳарҳолда, сизни керакли жойингизга олиб бориб қўяди, чунки механизмда эслаб қолувчи электрон аппарат бор. Эслаб қолувчи аппарат дейилишининг сабаби, машина қандай бўлмасин, юрадиган йўлини эслаб қолади. Шунақа аппарат ўрнатилган ҳар бир янги автомобиль дастлаб ўрганиш учун ҳайдовчи билан юради. Бунақа пайтларда ҳайдовчи одатда бирорта кўчанинг номи ёзилган тугмачани босади, ундан кейин машинани ўша кўчага олиб бо-



ради, сўнгра бошқа кўча номи ёзилган тугмачани босиб, машинани бошқа бир кўчага элтади. Автомобилнинг руль бошқариш аппарати эслаб қолувчи электрон аппарат билан боғлиқ бўлади, шунинг учун иккинчи марта тугмачани босганда электрон аппаратнинг ўзи автомобилни кўрсатилган йўлга буриб юборади, шундай қилиб, машина ҳайдовчисиз юраверади.

— Чиндан ҳам шундай бўлса, ҳайрон қоладиган жойи йўқ, ўзидан-ўзи бизни истаган жойимизга олиб бориб қўйса, мана бу ҳайрон қоладиган нарса бўларди.

— Қизиқ, бу электрон аппарат қандай тузилган-а? — деб сўради Билмасвой. — Унда электр чироқчалар борми ёки бошқа бирор нарсами?

— Унда чироқ эмас, ярим ўтказгич бор, — деди Биновой. — Лекин мен у ҳақда яхши билмаганим учун тўлиқ маълумот берайман.

— Агар машина истаган жойга олиб бориб қўядиган бўлса, унда рулнинг нима кераги бор? — деб сўради Олабола.

— Бу, агарда узоқроқ жойга борадиган бўлсангиз, керак бўлиб қолади. Тугмали машина шаҳардан четга олиб боролмайди, чунки шаҳардан ташқарига чиқиш учун мураккаб эслаб қоладиган аппарат зарур бўлади. Рулни буриб, машинани ўзингиз ҳайдаб кетаверасиз. Машинага ўтириб, қўлингизга рулни ушлашингиз билан эслаб қолувчи аппарат ўзидан-ўзи тўхтайдиди, оддий автомобилларга ўхшаб ишлай бошлайди.

Машина тез орада бурчакка бурилди ва тўрт қаватли чиройли бино олдида тўхтади. Бу уйдаги ҳамма нарса турли шаклларда ишланган эди: деворлар, балконлар, устунлар, эшик ва деразалар ҳам ҳар хил бўлиб, бири думалоқ, бири ярим доира, бири учбурчак, бири тўртбурчак, бири квадрат шаклида, бири ромбсимон ва бири тухумсимон қилиб қурилган эди. Уйни айланиб чиқилса, қанақанги дераза, эшик, балконлар, устунлар ва меъморчилик ускуналари борлигини ўрганиб чиқиш мумкин. Уйнинг томида найзали ва найзасиз миноралар ҳамда шийпончалар бор эди. Улар тўнкага ёпишган қўзиқоринга ўхшаб бири-бирига қапишиб ётардилар. Гўё уйга бутун бир миноралар шарҳчаси жойлашганга ўхшарди. Агарда кимда-ким янги уй қуриб, тепасини миноралар билан безамоқчи бўлса, фақат бу ерга келиб ўзига ёққан минорани танлаб оларди.

Уй олдидаги асфальтланган кенг майдон ҳар хил системадаги автомобиль ва мотоцикллар билан тўлиб кетганди. Кираверишда талай велосипедлар турарди.

— Ҳамма йиғилиб бўлганга ўхшайди, фақат биз жиндек кечикибмиз. Майли, ҳечқиси йўқ, — деди Биновой.

Саёҳатчилар машинадан тушиб, Биновой бошчилигида уй томон йўл олишди. Кенг зинадан юқорига чиқиб, митти болалар театрдагидай стулларда ўтирган каттакон ёруғ залга киришди.

Олдинги стулда раис ўтирарди. Раиснинг ўнг томонида кафедра бўлиб, унинг олдида қора костюм кийган митти бола маъруза қиларди. Кафедра устида чизмалар, қувур шаклида ўралган аллақанча қоғозлар ётарди, у қоғозларни бир-бир очиб тингловчиларга кўрсатарди. У гапирадиган гапидан янглишиб қолиб, дам ўтмай дафтарига қараб оларди. Кўзи яхши кўрмагани учун кўзойнак тақиб олган эди ва ҳар сафар уни чўнтагига солиб қўярди-да, керак бўлганда чўнтагини узоқ вақт кавлаб тополмасди.

— Бу Чирпирак,— деб шивирлаб, уни шерикларига танитди Биновой.— Маърузани бошлабди, майли, диққат билан қулоқ солсак, барини тушуниб оламиз.

Биновой энг охирги қатордан учта бўш жой топиб, Билмасвой, Олабола ва Тугмачахонни ўтқазиб қўйди. Узи бошқа қатордаги бўш жойга ўтирди.

Билмасвой билан Тугмачахон роса ҳафсала билан қулоқ солишди, аммо ҳеч нарса тушунишмади, чунки Чирпирак фақат олимлар тушунадиган тилда гапирарди. Олабола ҳам роса бошини қотириб, бирор нарса тушуниб қолишга уринарди. Аммо бир дақиқадан кейин унинг боши ёнига шилқ этиб оғиб, секингина пинакка кетди. Тугмачахон уни туртган эди, уйғонди, лекин бир дақиқадан сўнг боши бошқа томонга оғиб, тагин ухлаб қолди. Билмасвой ҳам бор кучи билан кўзини очса-да, уйқу элитаётганини сезди.

Яхшиям, Чирпирак тезда маърузани тамомлади. Раис:

— Энди айланувчан уй қуриш мумкинми ё мумкин эмасми, деган масалани муҳокама қиламиз,— деди.

Стол ёнига оқ йўл-йўл костюм кийган ва шу тусда бўйинбоғ таққан митти бола келди.

— Чирпирак жуда яхши доклад қилди,— деб сўз бошлади у.— Тажриба кўрсатишича, айланувчан уй қуриш мумкин, бу ҳақда ҳеч ким баҳслашолмайди. Лекин уни қуриш зарурми, шу масалани ўйлашимиз лозим. Энг ёмони шундаки, айланувчан уйларда яшовчи миттилларда атроф муҳитни тўғри тасаввур қилиш бузилмоқда. Бундай дейишимизнинг сабаби, ўзим ҳам шунақа уйда тураман. Мана, қулоқ солинлар-а, офтоб уйимнинг деразасига бир кунда ўн-ўн икки марта тушиб, ўн икки марта йўқолади. Офтоб тушиши билан эрталаб бўлиб қолганга ўхшайди, аммо офтоб кетиши билан кеч киргандай бўлади ва ухлашга тўғри келиб қолади. Куннинг ярмига келиб, бугун бугунми ёки кечами, билолмай қоламан. Кечга бориб гўё бир кун эмас, ўн икки кун ўтгандай туюлади. Кеча-кундуз ҳар қачонгидай йигирма тўрт соат бўлмай, ҳаммаси бўлиб фақат бир соатгина деб ўйлай бошлайман, шунинг учун шошиламан-да, ҳеч иш қилолмайман. Тасаввуримда қуёш осмонда секин юрмай, пашшадай тез учганга ўхшайди.

Ҳамма кулиб юборди. Стол олдига оқ кўйлак кийган қизалоқ келди.

— Бу-ку, ҳали унчалик хавfli эмас, чунки сиз ўнгдан чапга айланадиган уйда яшайсиз. Шунинг учун сиз деразадан қараганингизда, осмондаги қуёш сизга чапдан ўнгга, яъни одатдагидай шарқдан ғарбга юргандай туюлади. Аммо менинг бир дугонам бор, гўё унга қуёш осмонда тескари юргандай бўлармиш, чунки уйи сизнинг уйингизга ўхшаб айланмай, тескарисига айланар экан. У, эрталаб олдин бўладими ёки кечқурун олдин бўладими, ажратолмай қолибди, шарқ билан ғарбнинг қайси томондалигини фарқ қилолмас экан, унинг калласи гингиб қолибди. Ҳатто, у кейинги пайтда ўнг қўли қайсию чап қўли қайсилгини ҳам фарқлолмай қопти.

Тағин ҳамма кулиб юборди. Бу орада стол ёнига яна бошқа бир меъмор келди. У ингичка, озғин, боши бўлса бодрингга ўхшарди. У бидирлаб тез-тез гапирарди. У гапирганида «ч» ўрнига «ш», «р» ўрнига «л» дерди.

— Булал ҳали хеш гапмас!— деди у.— Қуёш сизга пашша эмас, осмон бўйлаб ушолмайди. Фан қуёш бил жойда тулади, ел айланади деб аниқлаган. Биз ҳаммамиз ел билан балобал айланамиз. Шунинг учун гўё бизга қуёш кўкда юлганга ўхшайди. Бизга фақат айланганга ўхшагандан кейин, унинг секин юлгани, тез юлгани, шапдан юлгани, шапдан ўнггами, ўнгдан шапгамай, ғалбдан шалққа ё шалқдан ғалбга юлгани балибил эмасми?

Шу пайтда бошқа бир нотикъ стол олдига отилиб чиқди.

— Қанақасига бари бир экан?— деб бақирди у.— Барчага қандай бўлса, шундай туюладиган бўлсин, бўлмаса кераги йўқ. Бизга фақат ўнг билан чапни ажратолмаслик етишмай турувди энди. Агарда ҳамма орқа томонига қараб юрадиган бўлса, нима бўлади?

— Йўғ-эй, ҳали бунчалик бўлишга анча бор!— деб қичқирди кимдир.

Баҳс қизиб кетди. Меъморларнинг қандай қарорга келиши Билмасвойни қизиқтирарди. Ҳатто унинг уйқуси ҳам қочиб кетди. Аммо Олабола қотиб ухлаб қолганидан, уйғотишга Тугмачахоннинг кучи етмади. Кейин уни безовта қилмасликка қарор қилди. Олабола олдинига жимгина ухлади-ю, аммо кейинчалик стулдан йиқилиб кета бошлади. Тугмачахон полга йиқилиб тушмасин яна деб, уни ёқасидан тутиб ўтирди. Борган сари иш чатоқлашиб, Олабола қаттиқ хуррак отишга тушди, уни Билмасвой шунча туртса ҳам тўхтамади. Охири Билмасвой билан Тугмачахон уни қўлтиғидан кўтариб эшикка олиб чиқишди. Олабола зўр-базўр оёғини босарди-ю, калласи бўлса, буғдой бошоғига ўхшаб гоҳ уёққа, гоҳ буёққа оғиб кетарди.

— Сулайиб қолганини кўринглар,— деди Билмасвой.— Ҳа майли, ҳечқиси йўқ, ҳозир кўчага олиб чиқамиз, эҳтимол, у тоза ҳавода ўзига келиб қолар.

# Ун тўққизинчи боб

## ТЕАТРДА

Билмасвой билан Тугмачахон кўчага чиқишди-да, Олаболани бинонинг ёнидаги кичкина боғчага судраб боришди. Боғчанинг ўртасига фаввора қурилган бўлиб, атрофига эса стол ва стуллар қўйилган эди. Буларни аҳтимол, меъморлар мажлис орасидаги танаффусларда тоза ҳавога чиқиб дам олиб ўтиришлари учун қўйишгандир.

Олаболани фавворанинг ёнига олиб келишди-да, юзига сув сепа бошлашди. Олабола шу заҳоти уйқудан кўзини очиб:

— Бу нимаси? Нега ювинаман? Овқатланамизми? — деди.

— Ҳа, ювиниб олгин, овқатланамиз, — деди Билмасвой сеҳрли таёқчасини олатуриб.

Учалови фаввора сувига ювиндилар-да, ўша заҳоти стол устида сеҳрли таёқча келтирган ҳар хил ноз-неъматлар тўла очилдастурхон атрофига ўтирдилар.

Саёҳатчилар овқатланиб бўлиб, тагин меъморлар комитети мажлисига қайтиб киришмоқчи бўлишди-ю, аммо шу пайтда кўчадан мусиқа садоси эшитилиб қолди. Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола боғчадан югуриб чиқиб, кўчада аллақандай ғалати мусиқа асбобини чалиб кетишаётган иккита митти болани кўришди. Биттаси бочкага ўхшаган нарсани тасма билан елкасига осиб олганди, бочканинг икки томонига оқ тугмалар терилганди. Митти бола ўша тугмаларни босди, бочка ичидан худди гармон ёки аккордеоннинг овозига ўхшаган товуш чиқарди. Бошқа мусиқачининг қўлида эса, қопқоқли карнайча бор эди. У карнайнинг қопқоқларини босса, карнай ўзидан-ўзи чалинаверарди. Унинг овози най овозига ўхшаган тиниқ, ёқимли эди, тинмай эшитгинг келарди.

Билмасвой ҳам, Тугмачахон ҳам, Олабола ҳам — учаласи индамай машшоқларнинг изидан кетаверишди. Машшоқлар тўхтамай чалишарди. Бир куй тамом бўлса, ўша заҳотиёқ бошқасини бошлаб юборишарди. Уткинчилар уларга ҳурмат билан қарашар, йўл беришарди. Қуёш шаҳрида ҳамма мусиқа ишқибози бўлиб, маза қилиб эшитар экан.

Мусиқачилар бир оз юргандан кейин тўхташди. Елкасига бочка осган бола:

— Тўхта-чи, оғайни, дами пасайиб кетди, ҳаво тўлдириш керак бўлиб қолди, — деди шеригига.

У чўнтагидан велосипед насосини олди-да, бочкага улаб, ҳаво бера бошлади. Бу қанақа асбоб эканини билмоқчи бўлган Билмасвой унинг олдига келиб:

— Бемалол бўлса, айтиб беринг-а, бу сиз чалаётган бочка қандай асбоб ўзи? — деди.

— Бу бочка эмас, пневматик гармон, — деди машшоқ.

— Нима учун унинг ичига ҳаво юборяпсиз?

— Ҳавосиз қандай чалади? — деди ҳайрон бўлиб чолғувчи, — у ҳавосиз чалинмайди-ку. — У бочканинг бир томонидаги қопқоғини очди-да, унинг ичидаги тешик металл пластинкаларни кўрсатди.

— Мана бунга қаранг-а, унинг ичидаги тешикдан ҳаво ўтганда металл пластинкалар тебранади-да, товуш чиқаради. Оддий гармонда эса ҳавони юргизиш учун босқонни доим чўзишга тўғри келади. Дам билан ишлайдиган гармонни чалганингизда босқонни чўзишга ҳожат қолмайди, чунки ҳавони махсус идишга тўлатиб олинади. Мана бу ўша махсус идиш, қаранглар.

— Мана бу сибизга ҳам сиқилган ҳаво билан чалинади, — деди бошқа машшоқ саёҳатчиларга ўз сибизғасини кўрсатиб. — Оддий сибизғани чалганда чолғувчи доим уни боши оғриб кетгунга қадар пуфлаб дам бериб туради, сиқилган ҳаво билан ишлайдиган сибизғани кунбўйи чалишим мумкин, сира бош оғримайди. Илгарилари биз оддий сибизғаларни чалардик, энди уларни ишлатмай қўйдик

Машшоқлар тагин чолғуларини чалиб, йўлга тушишди. Билмасвой ва унинг шериклари ҳам мусиқа эшитиб, кўчани томоша қилиб кетишди. Тушлик овқат пайти бўлганидан талай миттивойлар ва миттиойлар стулларда ўтириб, очиқ ҳавода овқатланишарди. Кўплари овқатланиб бўлиб ҳам ҳеч қаёққа кетмай, шу ерда ўтириб шахмат, шашка ўйнашар, бошқа бирлари эса столда ўйнайдиган ўйинлар билан машғул эди. Баъзилари газета ўқишар, журнал ё китобларнинг суратларини томоша қилишарди.

Қуёш шаҳри аҳолиси одамга эл бўладиган дилкаш кишилар эканини айтиб ўтиш зарур. Агар бир митти ўқиётган китобида қизиқ жойи чиқиб қолгундай бўлса, ўзи кулиб бўлиб, ҳамма кулсин учун дарров бошқа болаларнинг ёнига келиб, ўша қизиқ жойини овоз чиқариб ўқиб берарди. Агарда битта-яримта журналдан кулгили сурат топиб кула бошласа, бошқалар ҳам тортинмай унинг олдига келиб, суратни кўриб бирга кулишарди...

Вақт кечга яқинлашиб, офтобнинг тафти қайтиб қолганди. Кўчаларда миттивойлар, миттиойлар кўпайганди. Йўл-йўлакай машшоқлар учраб турарди. Митти болалар сиқилган ҳаволи гармон, сибизга ва карнайларни чалишар, қизалоқлар бўлса ноғорасимон асбобни чалишарди. Бу асбоб элакка ўхшаш думалоқ эди. Унинг бир томониغا чилдирма ясалиб, бошқа томониغا эса чилтор асбобига ўхшаш сим тортилганди. Яна икки ёнида ҳар хил жаранглайдиган кўнғироғи ҳам бор эди.

Энди мусиқа садоси ҳаммаёқдан эшитиларди, бир жойда туриб бемалол кўнгилга сиққунча эшитса бўларди.

Улар деворидаги катта ярим доира аркка чиройли парда тортилган бир уй олдида тўхташди ва бир қанча митти болаларнинг бино ичидан стуллар ташиб чиқиб, парда олдига — кўчага қўяётганларини кўриб қолишди.

— Бу стуллар нима учун керак? Бу ерда нима бўлади? — деб сўради Билмасвой.

— Бу эстрада театри, — деб жавоб берди митти болалардан бири. — Стулни олиб ўтир, кўрасан.

— Утирамизми? — деб сўради Билмасвой Тугмачахон билан Олаболадан. Улар:

— Утирамиз, — дейишди.

Ҳаммалари парда олдидаги биринчи қаторга ўтиришди. Стуллар аста-секин томошабинлар билан тўла бошлади. Кўчага тезда қоронғи тушди. Қўнғироқ чалинди. Аркнинг четларига равшан фонуслар ёқилди, бошлаб дазмолланган янги қора костюм кийган, капалакнусха оқ бўйинбоғ таққан бир митти бола ёритилган сахна олдида пайдо бўлди. Артистлар шунақа бўйинбоғ тақишни жуда яхши кўришади, чунки бу уларни оддий миттилардан ажратиб туради-да. Унинг силлиқ таралган қора сочи фонус ёруғида ялтиларди.

— Салом, дўстлар! — деб қичқирди қорачадан келган митти бола. — Эстрада томошамизни бошлаймиз. Мен олиб борувчиман. Исмиб Еқача. Сизларга қайси артист чиқишини эълон қиламан. Ҳозир Қуймоқжон деган машҳур товлангич артист чиқади.

Билмасвой билан Олабола бунақа қизиқ номни эшитиб пиқиллашди. Парда кўтарилиб, сахнага оқ костюм кийган, қўлида сибизга тутган бир артист чиқиб келди. У йўғон, бақалоқ, юзи қуймоқдай думалоқ ва қип-қизил эди.

— Қарагин, ростдан ҳам қуймоқдай! — деб Билмасвойнинг қулоғига шивирлади Олабола.

Уларнинг иккови ҳам тоза кулишди. Артист энг олдин одамларга таъзим қилди, кейин сибизгасини чала бошлади. Энди Билмасвой билан Олабола кулмай қулоқ солишди. Артистнинг чалган куйи уларга жуда ёқди.

Қуймоқжон куйни чалиб бўлди, аммо у ҳали сахнадан тушиб улгурмаганди, сахнада тўқ кўк костюм кийган, қўлига мис карнай тутган артист пайдо бўлди.

— Нима учун Қуймоқжон кетиб қолди? — деб сўради Билмасвой.

— Қизиқсан-а! — деб кулди Тугмачахон. — Бу ахир Қуймоқжоннинг ўзи-ку.

— Нима деяпсан? — деб қўлини силтади Билмасвой. — Қуймоқжон оқ костюмда эди-ку.

— Энди кўк костюм кийиб олган-да, — деди Тугмачахон.

— Бўлмаган гап! Бунчалик тез қайта кийина олмайди! — деб баҳслаша бошлади Билмасвой

Улар баҳслашиб бўлишгунча, артист карнайни чалиб бўлди-да, сахна орқасига ўтди. Аммо сал ўтмай яшил костюм кийиб, қўлига гармон ушлаб яна пайдо бўлди.

— Бу ким бўлди? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой. — Балки, буни ҳам Қуймоқжон дерсан?

— Албатта, Қуймоқжон-да, — деб жавоб берди Тугмача-хон. — Биласанми, бу жуда тез қайта кийиниб оладиган артист. Ёқачанинг: «Товлангич артист» деганини эшитганмидинг? Сенингча, товлангич дегани ким?

— Товлангичми? Билмайман. Фақат бунчалик тез қайта кийиниб бўлмаслигини биламан. Агар у камзулинигина алмаштирса, бошқа гап эди, ахир у шимини ҳам алмаштирипти-ку!

— Шимига қарамагин-да, башарасига қарагин, ўша Қуймоқжоннинг ўзи эканини кўрасан.

Билмасвой синчиклаб қараган эди, яшил костюм кийган артистнинг юзи худди Қуймоқжонникита ўхшаган думалоқ ва қипқизил эканини кўрди.

— Қуймоқжоннинг ўзгинаси! — деб қичқирди Билмасвой. — Олабола, қарагин-а, Қуймоқжон!

— Қанақасига Қуймоқжон? — деди ҳайрон бўлиб Олабола.

Билмасвой бу чиққан артистларнинг ҳаммаси бир киши эканини Олаболага тушунтира бошлади. Олдинига Олабола тушуна олмади, тушуниб етгандан кейин, хохолаб кула бошлади. Қуймоқжон бўлса, бу орада ҳар хил кийимда пайдо бўлиб, турли чолғу асбобларини чаларди. У энди фақат кийиминигина эмас, ҳатто башарасини ҳам ўзгартирарди. Олдин у мўйловсиз эди, кейин мўйлов ёпиштириб чиқди, сўнгра қора соқол тақиб, бошига сариқ жингалак соч кийиб чиқди. Кейин соқоли йўқолиб, боши ялтироқ тенакал бўлиб қолди. Қипқизил узун бурни кулгили ҳолатда бир ёққа қийшайган эди. Билмасвой бунақанги ўзгаришни кўриб, хохолаб кулди, ҳатто у товлангич артистнинг ўйини тамом бўлганини ҳам пайқамай қолди. Кейин Ёқача, энди Юлдузча деган ашулачи чиқади, деб эълон қилди.

Шундай қилиб, саҳнага ашулачи Юлдузча чиқди. У эгнига оқ уқнар ёқали, бадани кўриниб турган юпқа, узун энгли, этаги ерга тегадиган оқ кўйлак кийган эди.

Ашулачини кўрган Билмасвой қаттиқ хохолаб юборди.

— Роса энг эканми! Енгига қарагин! — деб шивирлади у Олаболага. — Ясанишним хўп қотирибди-да!

— Ким ясанибди? — деб сўради тушунмай Олабола.

— Қуймоқжон-да.

— Ҳали бу Қуймоқжонми?

— Бўлмаса ким? Албатта, Қуймоқжон-да.

— Мен ашулачи Юлдузча деб ўйлабман.

— Қандай Юлдузча бўлсин? Бу товлангич-ку!

— Ҳа... — деб чўзди Олабола ва қаттиқ хохолаб юборди. — Мен бўлсам, тўсатдан ашулачи қаёқдан келиб қолди деб ўтирувдим-а! Демак, бу Қуймоқжон экан-да. Мана буни қойил деса бўлади.

Бу орада оркестр чалиниб, ашулачи қўшиқ айта бошлади.

Билмасвой билан Олабола кулиш билан овора эди. Улар Қуймоқжоннинг шунчалик ингичка овози бор деб ҳеч ўйлашмаганди. Атрофдагиларнинг жаҳди чиқиб, жим ўтиришни ил-

тимос қилишди. Билмасвойнинг эса кулгидан ичаги узилиб, Олаболага шундай деди:

— Тентакларни қара! Улар буни ростакам ашулачи деб хаёл қилишяпти-да.

Қўшиқ тамом бўлиши билан ҳамма қаттиқ чапак чалди. Билмасвой бўлса, овозининг борича:

— Офарин, Қуймоқжон! — деб бақирди.

— Бемаъни гапингни қўйсанг-чи! — деди унга Тугмачахон. —

— Бунинг Қуймоқжон эмаслигини кўрмаяпсанми?

— Бўлмаса бу ким? — деди ҳайрон қолган Билмасвой.

— Бу ашулачи Юлдузча-ку. Ахир, Ёқача эълон қилганини эшитмадингми?

— Тфу! — деб юборди жаҳл аралаш Билмасвой. — мен ҳам қараб, унинг башараси Қуймоқжоннинг башарасига сира ўхшамаганини сезувдим-а. Менга қара, Олабола, бу Қуймоқжон эмас.

— Қанақасига Қуймоқжон эмас, — деди ҳайрон бўлиб Олабола.

— Шундай, Қуймоқжон эмас, вассалом.

— Бўлмаса ким бу?

— Ким фарқига боради дейсан? Қанақадир ашулачи Юлдузча эмиш.

— Ана холос! — деди жаҳл билан Олабола. — Бир қарасанг, Қуймоқжон, бир қарасанг Қуймоқжонмас! Одамларни роса янглиштирди-ку! Бу ерда жинни бўлиб қолишинг ҳеч гап эмас!

Ашулачи қиз бу орада янги қўшиқ ижро этди. Аммо Билмасвой қулоқ солмади. У кўз олдида ҳеч қандай найрангсиз чинакам ашулачи қиз турганини билиб олгач, унга қизиқмай қўйди. Зерикканидан стулда айлана бошлади ва оғзини каппа-каппа очиб эснади. Охири ўзига бошқа эрмак топди: кафти билан иккала қулоғини бир бекитар, бир очарди. Бундай қилганидан унга қўшиқ ўрнига қандайдир қурбақанинг вақир-вуқири эшитиларди. Билмасвой олдинги қаторда, энг кўринадиган жойда ўтиргани учун ашулачи қизалоқ безовта бўлиб унга қараб қўярди. У амал-тақал қилиб қўшиғини тугатди-да, кетганча қайтиб чиқмади. Билмасвой хурсанд бўлди, аммо шунда Ёқача чиқиб эълон қилди:

— Энди сизнинг олдингизга Қўшиқжон деган машҳур ашулачи чиқади.

Саҳнага янги жигарранг костюм кийган ашулачи чиқди. Унинг ён чўнтагидан четига тўр тутилган дастрўмолининг учи чиқиб турар, бўйнига эса Ёқачаникига ўхшаган капалакнусха кичкина бўйинбоғ тақиб олганди.

Қўшиқжон одамларга одоб билан таъзим қилди-да, майин ва ёқимли овоз билан қўшиқ айтди. Қўшиқ тугаши билан ҳамма-ёқда гулдурос кўтарилди: кимдир чапак чалар, кимдир ер тепинар, кимдир «офарин», дерди. Тугмачахон ҳам бор кучи билан чапак чалиб, «офарин», деб бақирди. Ашулачи тагин чиқиб қўшиқ айтмагунча шовқин тугамади.



— Ана холос! — деб жаҳл аралаш пўнгилади Билмасвой. — Анов Юлдузчаси роса чийиллаганди, энди бу Қўшиқжон ҳам безор қиладиганга ўхшайди!

— Сен, Билмасвой, жуда ғалатисан-да, — деди Тугмачахон, — қўшиқ ҳаммага ёқяпти-ку, фақат сенга нима учундир ёқмаяпти.

— Эй! — деб қўл силтади Билмасвой. — Узларини қўшиққа бошқалардан кўра кўпроқ тушунамиз деб кўрсатиш учун, қўшиқ ёқяпти, дейишади-да.

— Бу гапинг нотўғри! — деди Тугмачахон. — Мисол учун, мен ўзимни кўрсатиш учун айтаётганим йўқ. Аслида, Қўшиқжоннинг ашула айтиши менга ёқяпти.

— «Қўшиқжон, Қўшиқжон!» — деб башарасини бужмай-тирди масхара қилиб Билмасвой. — Мен Қўшиқжонни севиб қолдим деб айтиб қўяқол-да!

— Мен-а?! — деди уялиб кетган Тугмачахон.

— Сен! — деб қовоғини солиб тўнгилади Билмасвой.

— Севиб қолибманми?

— Ҳа, севиб қолдинг.

— Вой, сени... вой, сен уятсизни...

Тугмачахон ғазабланганидан сўзлаёлмай қолди ва Билмасвойнинг қоқ калласига бир мушт туширмоқчи бўлди-ю, аммо ўзини босиб ундан юзини ўгирди.

— Қани, менга севги ҳақида бир сўз айтиб кўр-чи, нима бўлишини кўрасан, — деди у. — Сен билан сираям гаплашмайман, билиб қўй!

Концерт ҳали ҳам давом этарди. Қўшиқжондан кейин фокусчилар, акробатлар, ўйинчилар, масхарабозлар чиқишди. Буларнинг барчаси кулгили эди-ю, аммо Тугмачахон пинагини ҳам бузмасди. У Билмасвойдан қаттиқ хафа бўлган эди. Ўзингиз айтинг, бировни севиб қолдинг деб айтишга қандай қилиб тили бордийкин Билмасвойнинг! Тугмачахоннинг таъби хира бўлди, артистларнинг ўйини сира унинг кўнглига сиғмади. Билмасвой билан Олабола бўлса, ўлғудай кулишди, концерт охирида иккови ҳам стулдан йиқилиб тушди. Ҳатто, Олаболанинг боши стулнинг оёғига урилиб, ғурра бўлди.

Шу билан томоша тамом бўлди ва бир неча дақиқадан кейин бизнинг саёҳатчилар тугмачали машинада меҳмонхона томон йўл олишди. Улар тунда шаҳарни ҳали сираям кўрмаганлари учун, кўз олдиларида намоён бўлган ажойиб манзараларга нигоҳ узмай қарардилар. Шаҳар тепасида тунги осмон қоп-қора бўлиб кўринарди-ю, аммо атроф кундузгидай ёруғ эди. Олдинига нур уларга тепадан тушаётгандай туюлди, кейин эса ёруғлик қаердангир пастдан таралаётгандай сезилди. Аслида эса нур ҳамма томондан тараларди, чунки уйлар ҳам, газета дўкончалари ҳам, газ сув дўконлари ҳам, ҳатто йўлчалардаги тумбочкалар ҳам, нима бўлса, ҳаммаси ҳам нурафшон бўёққа бўялган эди.

Қуёш шаҳридаги деворларни сариқ, оч ҳаворанг, оч яшил ва оч пушти ранга бўйшарди. Том, пештоқ, балкон ва дераза

ромларини қизил-ёқут ва зумрад яшил рангга, оч кўк, гунафша ҳамда жигарранг бўёқларга бўяшарди. Уйларнинг устунларига, одатда, оқиш нур сочувчи моддага оч сариқни аралаштириб суркашарди. Кундузи бу бўёқларни оддий бўёқлардан ажратиб бўлмайди. Аммо улар кундузи қуёш нурини ютиш хусусиятига эга бўлиб, ўзларига ёруғлик энергиясини йиғади. Кеч кириши билан турли рангда нур тарқата бошлайди. У нурлар бир-бирларига аралашиб, натижада бўялган девор, устун, пештоқ ва шу кабилардан аста-секин майин, кўнгил очувчи нур тарқалади ва ҳеч қандай чироқнинг ҳожати ҳам бўлмайди.

Қуёш шаҳрида шунақа нур сочувчи бўёқлар билан иморатларгина эмас, ҳатто йўлларда қатнайдиган талай автомобиллар, автобуслар ҳам бўялган эди. Буларнинг устига, уйларнинг деворига осилган суратларнинг ҳам шу бўёқларга бўялганини қўшганда, Қуёш шаҳрининг ажойиб тунги манзарасини тасаввур қилиш мумкин.

## *Йигирманчи боб*

### БИЛМАСВОЙ ВА ДЎСТЛАРИНИНГ ИНЖЕНЕР ТАХТАВОЙ БИЛАН УЧРАШГАНИ

Эртаси куни эрталаб ҳаммадан олдин Тугмачахон уйғонди. Билмасвой билан Олабола ухлаб ётишганди, Тугмачахон кўчага чиқиб, газета олиб келди-да, ўтириб ўқий бошлади. Олдинига у тинчгина шошмай ўқиди, кейин бирданига юзиде кўрқув пайдо бўлди. Билмасвой билан Олабола ухлаб ётган хонага кириб:

— Тезроқ турунлар! Бизни газетада ёзишибди! — деб бакириб юборди.

— Нима деяпсан? — деб ҳайрон бўлди кўзини очган Билмасвой. — Ҳар ҳолда, биз ҳали дурустроқ ҳеч нима қилганимиз йўқ-ку, ахир.

— Бу ерда ҳам ҳеч қанақа дуруст нарсани ёзишмаган, мана, ўқиб кўр!

Билмасвой газетани олиб, унда босилган мақолани ўқий бошлади. Мақолада бундай деб ёзилган эди:

«Шарқий кўчада, Шарбат тор кўчасининг яқинида иккита номаълум ўткинчи гулга сув сепадиган ичакни олиб, гулларга сув сепиш ўрнига ўткинчиларга сепи бошланлар. Ҳодиса рўй берган жойга югуриб етиб борган милиционер Ҳуштакжон тартиб бузувчиларнинг бирини ушлаб, милиция бўлимига олиб келган. Ушандан кейин милиция идорасидаги милиционер Ҳуштакжон ва қўлга тушган тартиб бузувчи турган хонанинг девор ва шиплари қулаган. Уларнинг иккови ҳам бинонинг бузилган жойидан топилмаган, қаёққа қўйиб бўлишгани ҳозиргача номаълум. Қидиришларга қарамай, на милиционер Ҳуштакжон

ва на номи ҳалигача номаълум бўлган тартиб бузувчи шу чоқ-қача ҳеч қаердан топилмаган. Уз хизмат вазифасини бажариб турган милиционер Қоровулжон ҳам қулашнинг сабаби ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмаган, чунки у шу воқеа рўй берганда бошқа бинода бўлган. Ғойиб бўлган тартиб бузувчини ва милиционер Ҳуштакжонни қидириш учун ҳамма чоралар кўрилди. Бинонинг қулаш сабаби аниқланмоқда».

— Мана энди бинони сеҳрли таёқча билан қулатганини аниқлашади, бунинг учун сени мақташмаса керак, — деди Тугмачахон Билмасвойга.

— Бундан чиқди, сеҳрли таёқчам борлигини ҳеч кимга айтмасдан жим юришим керак экан-да, — деди Билмасвой.

— Милиционер-чи, у қўлингдаги таёқчани кўрганди-ку, ахир, — деди Тугмачахон.

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Билмасвой милиционер мени олиб кетгани келди, деган хаёлга борди-да, стол тагига бекиниб олмоқчи бўлди, лекин эшик очилиб хонага Биновой кириб келди.

— Салом, қадрли дўстлар! — деди у жилмайиб. — Сизларни топганимга росаям хурсандман! Кеча қаёққа йўқолиб қолдингларинг?

— Биз йўқолганимиз йўқ, — деди Билмасвой. — Шунчаки Олабола мажлисда ухлаб қолувди, бир оз шамолласин деб, кўчага олиб чиққандик.

— Ҳа, шундоқ денг! — деди Биновой. — Мен нима қилишимни билмай кўрқиб кетдим. Ахир, Тарвузийнинг уйини кўрсатаман, меъморчилик ҳақида гапириб бераман, деган ваъдамни бажара олганим йўқ эди-да.

— Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ, — деб қўл силтади Билмасвой.

— Йўқ, йўқ, ҳечқиси йўқ деганингиз тўғримас! Бизда ўз ваъдасини бажариш одат бўлиб қолган. Безовталаниб, ҳатто кечаси ухлолмадим. Қандай қилиб бўлса ҳам эрталаб сизларни топишга қарор қилдим-да, шундан кейингина тинчиб ухладим.

— Бизни қандай қилиб топдингиз? — деб сўради Тугмачахон.

— Сизнинг бошқа шаҳардан келганингизни билардим-ку, шунинг учун бутун меҳмонхоналарга сим қоқиб, Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола деганлар сизнинг меҳмонхонангизда туришадими, деб сўраб чиқдим. Худди шу меҳмонхонадан менга, Тугмачахон туради, дейишди.

— Сиз жуда топағон экансиз, — деб Биновойни мақтади Тугмачахон.

— Уни қара-я! — деб пўнғиллади Олабола. — Буни ҳар қандай галварс ҳам топа олади.

— Сал одоб билан гаплашсак яхши бўларди, — деди Тугмачахон.

— Олабола тўғри айтади, — деб кулди Биновой. — Буни чиндан ҳар ким ҳам ўйлаб топиши мумкин. Менимча, энди меъ-

мор Тарвузийнинг уйини кўриш учун Ижодиёт кўчасига йўл олишимиз мумкиндир, деб ўйлайман.

Ҳаммалари хонадан чиқишди. Олабола йўлакда Билмасвойни тўхтади:

— Нега бунақа бўляпти? Биз бугун нонушта қилмаймизми, ахир? — деб шивирлади.

— Нонуштангни қўя тургин! — деди жаҳл билан Билмасвой, — Биновойнинг олдида нонушта ҳозирлашим яхши эмас-ку! Сеҳрли таёқчам борлигини ҳеч ким билмаслиги керак. Тушундингми?

Саёҳатчилар зинадан тушиб, меҳмонхонадан кўчага чиқишди. Билмасвой чўчиб атрофга аланглар, милиционер Ҳуштакжон учраб қолмасин деб, роса қўрқарди. У яқин орада битта ҳам милиционер йўқлигини кўриб, енгилгина хўрсиниб қўйди. Аммо шу пайт йўлка ёнига автомобиль келиб тўхтади-да, ундан оч кулранг костюм кийган, калта шимли митти бола сакраб тушди. Унинг бошида наушикли ялтироқ шапка бўлиб, шапкаси каскани ёки мотоциклчилар киядиган қалпоқни эслатарди. У Билмасвойга милиционерга ўхшаб кўриниб, қўрқанидан аъзойи бадани музлаб кетди. Аммо митти Билмасвойга эътибор ҳам қилмади. Биновойнинг олдида сакраб келди-да, баланд овоз билан:

— Салом, Биновой! Мана бу жуда кўнгилдагидек учрашув бўлди. Ҳа-ҳа-ҳа! Қаёққа кетяпсан? — деди.

— Ҳа, салом ошнажон! — деб севиниб жавоб берди Биновой. — Дўстларим билан ўйнаб юрибман. Ижодиёт кўчасига бормоқчимиз. Марҳамат қилиб танишиб қўй: мана бу Тугмачахон, бу Билмасвой, бу бўлса Олабола.

— Танишганимдан жуда хурсандман! — деди баланд овоз билан митти бола ва қаттиқ хохолаб кулди.

Унинг саёҳатчилар билан танишганидан хурсандлиги сезилиб турарди. У тезда Тугмачахоннинг олдида борди-да, унинг қўлини шунақанги куч билан қисдики, бечоранинг кўзидан ёш чиқиб кетишига сал қолди. Шундай тезлик билан Билмасвой ва Олаболанинг олдида бориб, улар билан ҳам саломлашди ва:

— Отим Тахтавой. Инженер Тахтавойман, — деди.

Олабола бу антиқа номни эшитиб пиқиллаб юборди.

— Бу Тахтавой дегани қанақа ном бўлди? — деди ҳайрон бўлиб у. — Сиз, эҳтимол Тахтавой — Махтавойман, демоқчидирсиз?

— Ваҳ-ҳа-ҳа! — деб баланд овоз билан кулди Тахтавой ва қўли билан Олаболанинг елкасига дўстона уриб қўйди.

— Сен-чи, Олабола, гапиришдан аввал бундоқ ўйлаб олсанг маъқул бўларди, — деди Тугмачахон. — Агар битта-яримта отинг Олабола эмас, Олабулаланган деса борми, сен ҳам хафа бўлардинг-да.

— Олабулаланган? Бунақа ном бўлмайди, — деди Олабола.

— Шунингдек, ҳеч қандай Махтавой деган ном ҳам бўлмайди, — деди қатъий қилиб Тугмачахон.

— Йўқ, сиз янглишяпсиз, — деди Тахтавой, у ҳамон жилмарди, — менинг бир ошнам бор, ҳақиқатан ҳам унинг исми Махтавой. Аммо у менга сираям ўхшамайди, мутлақо бошқача бола. Ҳа, ҳар хил ном бўлиши мумкин, уларнинг баъзилари-чи, жудаям кулгили-да. Ваҳ-ҳа-ҳа! Гап менинг ҳақимда бўлса, — у Олаболага мурожаат қилди: — Ҳақиқатан ҳам номим Тахтавой, лекин сизга ёқса, майли мени Махтавой деяқолинг.

— Нега энди! — деб аччиғи чиқди Тугмачахоннинг. — У сизни ўз исмингиз билан Тахтавой деб атайди. Уни талтайтирманг.

— Дўстларимнинг Қуёш шаҳрида биринчи бўлишлари, — деди Биновой. — Улар биз томонга Гулзор шаҳридан келишган.

— Э-э, шундоқ денг! — деб қичқирди Тахтавой. — Демак, меҳмонимиз экансиз-да? Хўш, бу ерда нима қилиб турибмиз? Сизлар Ижодиёт кўчасига боришларингиз керакми? Қани, мининглар. Мен ҳам сизлар билан бирга бораман, агар хоҳласаларинг, йўл-йўлакай кийим-кечак фабрикасига кириб, томоша қиламиз. У ердаги барча устлар менга таниш.

Тахтавой бир ирғиб машина рулига ўтирди. Унинг автомобибли ҳаво қаршилигига кам учрайдиган силлиқ шаклда бўлиб, кўринишидан усти хиёл пачоқланган тўрт филдирак устига қўйилган тухумга ўхшарди, унинг ясси тумшуги олдинга, узунчоқ томони орқага қараган эди. Устки қисмида иккита чуқурча бўлиб, унинг ичи ҳайдовчи ва йўловчилар ўтирадиган жой эди. Ўтирадиган жой тепасида соябонга ўхшаш думалоқ томи бор. Филдиракларнинг олдида этикка ўхшаш буферлар чиқиб турарди.

Тахтавой тугмачаларни босиши билан кузовдаги тўрттала эшик очилиб кетди-да, дўстларимизни машинага таклиф қилди. Олабола кўп такаллуф кутиб турмасдан ҳайдовчининг ёнидаги бўш жойга ўтириб олди, Тугмачахон, Биновой ва Билмасвойлар орқадаги жойга ўтиришди.

Ҳамма ўтириб бўлиши билан тўрттала эшикча ўша заҳотиёқ ёпилди. Тахтавой қандайдир тепкини босган эди, мотор тариллади-да, машина тўсатдан бор кучи билан олдинга ташланди. Олабола нақ машинадан отилиб тушаёзди. У жонҳолатда тахтачадаги дастанни ушлаб олди. Машина олдинда кетаётган ҳамма автомобилларни орқада қолдириб, ўқдек учиб кетди. Сакрашга мослаштирилган аппарати ёрдамида у ҳатто баъзи машиналарнинг устидан сакраб ўтарди.

Сакровчи ускуналар жуда содда қурилган эди. Тўрттала филдиракнинг ўқига пружинали темир этиклар уланган бўлиб, улар сакраш аппарати ишламаган вақтда буферларга ўхшаб, пошналари билан олдинга чиқиб турар ва амортизация учун, яъни тўқнашув юз бергундай бўлса, машинанинг қаттиқ урилмаслиги учун хизмат қилар эдилар. Сакраш аппарати ишга тушиши билан машина зарб билан олдинга сакрарди ва йўлда уч-

раган ҳар қандай тўсиқдан учиб ўтарди. Чорраҳадаги светофорнинг қизил чироғи ҳам уни тўхтатолмасди, чунки кўчанинг нариги бетига бемалол сакрай оларди. Пиёдалар ва қатор автомобиллар устидан ҳам учиб ўтарди.

Машинанинг сакрашидан ажабланган Олабола ўзининг ҳайратда қолганлигини айтмоқчи бўлди-ю, лекин вақтида хатосини тушуниб, ўз одатини эслаб қолди. Ҳарҳолда, у сўрашга оғзини жуфтлаган эди:

— Бемалол бўлса, айтгин-а, Тахтавой, нега калта шим кийиб юрибсан? Узунроқ шиминг йўқми? — деди.

— Калтаси иссиқ бўлмайди, — деб жавоб берди у.

— Нима учун наушникли шапка кийиб олгансан? У иситиб юборади-ку, ахир.

— Автомобилда юриш қоидасини билмас экансан. Бу наушникли шапка эмас, шлём. Бу шлёмнинг устида пўлат сақлагичи бўлиб, ичида пахтаси ҳам бор. Агарда ҳалокат бўлиб, тош йўлда шлём билан урилсам ҳам бошимга ҳеч нима қилмайди. Шлёмсиз урилсам борми, унда-чи... Ҳи, ҳи, ҳи!

Тахтавой кулаверганидан гапини давом эттира олмади.

— Сенда тагин битта шлём йўқми? — деб мулоимгина сўради Олабола.

— Йўқ, менда бошқа шлём йўқ.

Олабола хавфсираб, афтини буриштирди, орқасига қараб қўйди. Олдинга ўтирганига энди ўкинди. Тўқнашиш рўй бериб қолгундай бўлса, орқада ўтирганимда хавфсизроқ бўларди, деб ўйлади.

Бу орада автомобиль дарё лабига келиб қолди. Аммо у қирғоқ ёқалаб кетиш ўрнига тўсиқдан бир сакраб ўтди-да, шалоп этиб сувга тушди. Қўрққанидан чинқириб юборган Олабола эшикчани оча машинадан сакрамоқчи бўлди. Тахтавой эса унинг ёқасидан ушлаб қолди.

— Қўйиб юборинг! Чўкяпмиз! — деб додлади Олабола, унинг қўлидан чиқишга уриниб.

— Сираям чўкаётганимиз йўқ, сузяпмиз, — уни тинчлантирди Тахтавой. — Бунақа қурилмадаги автомобиллар фақат қуруқликдагина юрмай, сувда ҳам сузаверади.

— Агар сузадиган бўлса, чўкиб кетиши ҳам мумкин, — деди анча ўзига келиб қолган Олабола.

— Бу албатта тўғри, — деб кулги аралаш жавоб берди Тахтавой. — Лекин сиз хавотир олманг. Ҳар бир ўриндиқнинг тагида сувда чўкмайдиган мешлар сақланади.

Олабола шу заҳотиёқ ўриндиқни очди-да, ундан сувда чўкмайдиган доира мешни олиб, бўйнига солиб олди.

— Биз ҳали чўкаётганимиз йўқ-ку, — деди Билмасвой.

— Ҳечқиси йўқ, — деб жавоб берди Олабола. — Чўка бошлаганимда кеч бўлади.

— Машинам фақат сувдагина сузмай, ҳавода ҳам учади, — деди Тахтавой.

У шундай деди-да, асбоблар турадиган жойдаги тугмачага бармоғини текизди. Шу он визиллаш эшитилди. Билмасвой билан Тугмачахон юқорига қарашди, улар соябон деб тахмин қилган думалоқ томча паррак экан, у жуда тез айланарди. Машина секин-аста юқорига кўтарилди, кейин бирдан бурилди-да, сув устидан учиб кетаверди.

— Па-парашютлар ҳам ўриндиқ тагида сақланадими? — деб сўради қўрққанидан дудуқланиб Олабола.

— Парашютлар ҳеч қаерда сақланмайди, чунки ҳеч қандай парашютнинг кераги йўқ.

— Нега бунақа? — деб хавотир олиб сўради Олабола.

— Мабодо парашютдан сакрагундай бўлиб қолсангиз-чи, у парракнинг қанотларига тегиб кетса, парашютни ҳам, сизни ҳам парча-парча қилиб юборади. Ҳалокат рўй берганда, энг яхшиси, парашютсиз сакраган маъқул.

— Парашютсиз тушганда ерга урилиш мумкин-ку, ахир, — деди Олабола.

— Нега ерга урилар экансиз? Ахир сув устида учяпмиз-ку, сувга урилганда бадан унча оғримайди.

— Ҳа, унақада ҳечқиси йўқ, — деди Олабола. — Сувга йиқи-лиш унчалик қўрқинчли эмас.

— Албатта, — деб маъқуллади Билмасвой. — Сувга йиқилганингда фақат ювиниб олишни эсингдан чиқармасанг, аини муд-дао бўлади.

Ҳамма кулиб юборди, чунки Олабола жуда кир-чир бўлиб қолганди-да.

Автомобиль жуда баландда учарди, шаҳар бўлса кафтда тургандай яққол кўринарди. Бу жуда ҳам чиройли манзара эди. Уйларнинг томлари қуёш нурида садафдай ярқираб, ранг-баранг товланарди. Улар тангачалардан ясалгандай эди.

— Нима, сизда томлар балиқ тангачаларидан қуриладими? — деб сўради Билмасвой.

— Йўқ, — деди Тахтавой. — Сиз тангача деб ўйлаётган нарса қуёш батареялари, яъни уйларнинг томига ўрнатилган фото-элементлардир. Фотоэлементларда қуёш энергияси электр энергиясига айланиб, улар махсус аккумуляторларга йиғилади-да, иморатларни ёритиш ва иситишда фойдаланилади. Лифтларни, ўзиюрар зиналарни, вентилятор моторларини айлант-риш ва бошқа қатор нарсаларга ишлатилади. Ортиқча электр энергиялар фабрика-заводларга юборилади, шунингдек, марказий электростанцияга жўнатилиб, у ерда радиомагнит энергия-сига айлант-рилади, кейин уни керак бўлган жойга симсиз юбориш мумкин бўлади.

— Нима учун қуёш батареяси томларга ўрнатилган? — деб сўради Билмасвой.

— Ундан яхши жой топиш қийин, — деди Тахтавой. — Биринчидан, том доим бўш бўлади, у ердан ҳеч ким юрмайди, бари

бир бекор ётади, иккинчидан, у ерга доим қуёш нури тушиб туради, жуда кўп қуёш нурлари бекорга кетади.

Тахтавой машинасини дарё устидан буриб, пастга туширмоқчи бўлди. Машина тикка қайрилиб сувга шап этиб тушди-да, сувни том бўйи сачратиб юборди. Тахтавой машинанинг машқ қилишини мақтанмоқчи бўлиб, сув юзида бир неча марта айлантирди, эгри-бугри юргизиб кўрсатди-да, кейин қирғоқ томонга бурди. Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола бундан севинони ҳам, хафа бўлишни ҳам билишмади. Чунки Тахтавойнинг машинасида энг хавфсизроғи қуруқда юришми, сувда сузишми ёки ҳавода учишми — улар буни англаёлмадилар.

## *Йигирма биринчи боб*

### БИЛМАСВОЙ ВА ШЕРИКЛАРИНИНГ КИЙИМ-КЕЧАК ФАБРИКАСИГА ЭКСКУРСИЯГА БОРИШГАНИ

Автомобиль қирғоқдан ерга сакраб чиқди-да, кўча бўйлаб кета бошлади. У новотрангга бўялган ўн қаватли думалоқ бино олдига келиб тўхтади.

— Юринглар, менинг ортимдан! — деди Тахтавой. — Етиб келдик!

У машинадан яшин тезлигида отилиб чиқиб, бинонинг эшиги томон кетди. Биновой, Билмасвой ва Тугмачахон машинадан тушиб, Олаболанинг бўйнидаги қутқариш резинасини олишига ёрдам беришгунча, Тахтавой эшиқдан бир неча бор отилиб кириб, яна қайтиб чиқди.

— У ерда нега айланишиб қолдинглар? — деб бақирди у, қўлини шамол тегирмони паррагидай айлантириб. — Ортимдан юринглар!

Охири саёҳатчиларимиз эшик томон йўл олишди.

Дадилроқ! — деди Тахтавой. — Мен билан юрганингизда хавотир олмасангиз бўлади. Бу ердаги ҳамма усталар менга таниш.

Дўстлар эшиқдан кириб, поли, девор ва шиплари ялтироқ оқ сопол парчалари билан безатилган катта, айлана залда пайдо бўлишди. Ҳамма тарафдан механизмларнинг қулоқни қар қилувчи гувиллаши ва тайёрланаётган читларнинг шилдираши эшитиларди. Саёҳатчиларнинг олдига яхшилаб дазмолланган, кўкраги ва қорнига катта-катта оқ тугмалар қадалган топ-тоза коржома кийган, очиқ ёқасидан оқ бўйинбоғи кўриниб турган бир митти бола келди. У тўла ва тикмачоқдай, аммо елкаси тор эди, шунинг учун танасининг ўрта қисми йўғон, пастки қисми бўлса, яна ингичкалашгандек кўринарди, у худди балиққа ўхшарди.



— Салом, Балиқжон, — деди Тахтавой балиқсимон қоматли митти болага. — Мен сенга экскурсияга одам олиб келдим. Оғайни, бизларга қандай қилиб кийим-кечак тикишларингни бир кўрсатасан-да.

Балиқжон жавоб бериш ўрнига шеър ўқиётган артистдек қўлларини ёзиб гапирди бошлади:

— Менинг ортимдан марҳамат қилинглар! Мен-чи, дўстлар, бу ернинг сирларини баён қилиб бераман.

Кейин қўлини олдинга чўзиб, башарасини қўрқинчли буриштирди-да:

— Қўрқмай, тортинмай, олға дўстлар! — деб бақирди.

Олабола унинг гашга тегадиган бақирғини эшитиб титраган ҳолда, Биновойнинг орқасига бекинди.

— Бу нима, жинними? — деб кўрқиб сўради у.

Лекин Балиқжон жинни эмасди. У кийим-кечак фабрикасида уста бўлиб ишлашидан ташқари театрда артист ҳам эди. Ёлғиз ўзи қолгудай бўлса, дарҳол қандайдир бирор ролни ўйлаб кетарди. Ундан бирор нарсани сўраб қолишса, у ўзини театр сахнасида деб ўйлаб, баъзан ўз суҳбатдошига артистга ўхшаб жавоб беради.

Артистлик маҳорати Олаболада қандай таассурот қолдирганини кўрган Балиқжон мамнун жилмайиб, саёҳатчиларни залнинг марказига бошлади. У ерда металлдан ишланган ва тепа томон ингичкалашиб борган баланд цилиндр турарди. У тобланган пўлатдан ясалгани учун кўкиш тусда ялтиларди. Унинг пастидан тепасигача айланма зина бор эди. Цилиндрнинг ҳамма томонидан симлар тортилиб, металл найчаларга монометр, термометр, вольтметр ва бошқа ўлчаш асбоблари ўрнатилган эди.

Цилиндр олдида тўхтаган Балиқжон энди артистчасига эмас, ўзининг одатдаги овозида гапирди. У гапирганда ҳеч қандай маъно бермайдиган «шундай деганда», «агар шундай дейиш мумкин бўлса», «бундай гапим учун кечирасиз» каби ибораларни кўп ишлатарди.

— Сизнинг олдингизда, менинг дўстларим, агар шундай дейиш мумкин бўлса, инженер Ўтқазжон системаси бўйича ишланган катта тўқимачилик қозони турибди, — деб гап бошлади Балиқжон. — Қозоннинг ичи, қайсики, шундай деганда, хом ашё сифатида хизмат қиладиган қоқигулнинг майдаланган поячалари билан тўлдирилади. Бу ердаги хом ашё, агар шундай дейиш мумкин бўлса, юқори даражадаги иссиқликка дуч келиб, турли моддалар билан кимёвий реакцияга киришади, бу гапим учун кечирасиз, бунинг натижасида, ҳавога теккан заҳоти совиб қоладиган хусусиятга эга суюқроқ, елимсимон нарсага айланади. Бу нарса қозондан қувурларга тушади ва қувур охиридаги микроскопик тешик орқали, бу гапим учун кечирасиз, сиқувчи асбоб ёрдамида сиқиб чиқарилади, у нарса микроскопик тешикдан чиққач, шундай дейиш мумкин бўлса, совийди ва мингларча ингичка ипларга айланади-да, қозон теварагига жойлашган йиги-

рув дастгоҳларига тушади. Мана, ўзингиз кузатиб турганингиздай, иплар йигирув дастгоҳида матога айланади-да, дастгоҳдан тўхтовсиз чиқиб туради, агар шундай дейиш мумкин бўлса, ундан кейин қолиплаш дастгоҳига тушади. Бу ерда мато кўриб турганингиздай, бўлак-бўлак бичилиб ва бир-бирлари билан алоҳида таркиб топган модда орқали елимланади-да, таъбир жоиз бўлса, тайёр кўйлакка айланади. Сизлар атрофда кўриб турган бошқа қолипларда ички, бу гапим учун кечирасиз, кийимларнинг турли размерлари тайёрланади.

Барча ишлаб чиқариш жараёни, яъни ип тайёрлашдан тортиб то тайёр кийимларни қутичаларга жойлагунча бўлган ҳолатни кўриб бўлишгач, бизнинг саёҳатчилар иккинчи қаватга кўтарилидилар. Бу ерда ҳам худди ҳалигидай усул билан турли-туман куртка, костюм, пальто ва жакетлар тайёрланарди. Булар ўрта-сидаги тафовут шунда эдики, бу ерда ип йигирув дастгоҳига тушишдан илгари бўяларди, яъни иплар бўёвчи қоришмалар орасидан тўхтовсиз ўтиб турарди. Балиқжон ипларнинг барча тури битта хом ашёдан қилинган бўлса-да, лекин мато турлича бўлиб чиқишини тушунтириб берди. Бу ҳолат эса кимёвий ишлов бериш усулига, шунингдек, йигирув дастгоҳининг тузилишига боғлиқ бўлиб, фақат чигина эмас, газлама, чийратма, шунингдек, наматсимон босиб тўқиш усулида ҳар хил бошқа матолар ҳам тайёрланарди.

Саёҳатчилар тагин бир қават юқорига кўтарилишганда, у ерда турли бичим ва размердаги шимлар тайёрланаётганини кўришди. Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қаватларда эса ҳар хил кўйлак, юбка, кофталар тикишарди. Йигирув дастгоҳларидан бу ерга тушган читларга босма валикларда гул босиларди-да, натижада уларда катаклар, хол-хол, йўл-йўл ва ҳар хил гуллар, умуман, турли-туман суратлар ҳосил бўларди.

Еттинчи қаватда пайпоқ, галстук, попук ва ленталар, ботинка иплари, камарлар, шунингдек, дастрўмоллар тайёрланса, саккизинчи қаватда ҳар хил бош кийимлари, тўққизинчи қаватда эса оёқ кийимлар ишланарди. Бу ерда кигизсимон, мовутсимон, қисилган ашёлардан Қуёш шаҳри миттилари яхши кўрадиган ботинкалар кўплаб ишланарди.

Бизнинг саёҳатчилар бутун тўққиз қаватда Балиқжондан бўлак бирорта ҳам митттини учратмадилар, буюмларни тайёрлашдан то жойлашгача ҳамма ишни машина бажарарди. Унинг қаватда иш тамом аксинча бўлиб, яъни сира ҳам машина бўлмай, талайгина митти болалар ва қизалоқлар ишлар эди. Баъзи болалар расм соладиган кўчма курси олдида туриб сурат ишлашар, бошқалари стол ёнида ўтириб нималарнидир чизар, учинчи бирлари эса ҳар хил матодан ниманидир тикишарди. Атрофда эса тайёр кўйлакларни кийдириб ўлчаб кўриш учун ростакам митти болалар бўйидай келадиган катта қўғирчоқлар бор эди.

— Бизнинг бу еримиз, бундай деганим учун кечирасиз, бадий бўлим, — деди ўз шериклари билан бирга ўнинчи қаватда пайдо бўлган Балиқжон.

Чиройли кулранг халат кийган бир митти қизалоқ унинг олдига югуриб келиб, жаҳл билан:

— «Бу гапим учун кечирасиз» деганинг нимаси? Сен нима учун кечирим сўрайсан? Бадий бўлим бўлгандан кейин бадий бўлим-да, ахир, сира кечирим сўрайдиган жойи йўқ, — деди.

— Бадий деган сўз ахир, агар бундай деб бўлса, «бад» яъни ёмон сўздан ташкил топган-да, — деди Балиқжон.

— Сираям «бад» сўздан эмас, бадий, яъни нафис, гўзал сўздан келиб чиққан.

— Кечир мени, Игнахон, билмабман. Мана, сенга экскурсиячиларни бошлаб келдим.

— Бошлаб келибсан, жуда яхши! — деди Игнахон. — Энди ўзинг халақит бермай четроқ тургин, ўзим тушунтираман ҳаммасини... Мана шундай қилиб, — у экскурсиячиларга мурожаат қилди: — Бизнинг ташвишимиз нимадан иборат?.. Бизнинг ташвишимиз модадан бўлак нарса эмас. Эҳтимол, ўзингиз пайқагандирсиз, ҳеч ким ҳар доим битта кўйлақда юргиси келмайди, ҳар сафар қандайдир янги ва антиқа бирор кийим кийишга интилади. Кўйлақларни баъзан узун, баъзан қалта, гоҳо тор, гоҳо кенг, бирда бурмалик, бирда катак, баъзида йўл-йўл, баъзида ундоқ, баъзида бундоқ, гулли ва гулсиз кийишни хоҳлашади... Қисқаси, нималарни ўйлашмайди-я! Ҳатто кийимларнинг ранги ҳам мода бўлади. Баъзан ҳамма яшил кийиб юради-да, баъзан бирданга нима учундир жигаранг кийиб олишади. Бир костюм кийиб улгурмасингдан, сизга бу модадан чиқди деб қолишади, бошингизни қотириб янгисининг кетидан югуришади...

Бу гап инженер Тахтавойнинг кулгисини қистатди, у қаттиқ пишқириб юборди.

— Тушунтираётганимда, сиздан пишқирмаслигингизни илтимос қилардим, — деди жиддий Игнахон. — Сиз биринчидан, от эмассиз ва шунингдек отхонада ҳам эмассиз. Отхонага борганингизда ўшанда пишқирсангиз бўлади.

Отхона ҳақидаги гап Олаболанинг ҳам кулгисини қистатди, у ўзини кулгидан зўрға тийиб турарди. Игнахон унга ҳам қаттиқ тикилиб, гапира бошлади.

— Шундай... яқинроқ келишларингизни сўрайман. Олдингизда газмолга янги сурат ишловчи, кийимнинг янги фасонларини яратувчи рассомлар туришибди. Рассом қиз Ипакой билан ҳаммаларингизнинг танишишингизни илтимос қиламан. Ипакой, ҳамма кўрсин, марҳамат қилиб, ўрнингдан тургин.

Ипакой стулда турди. Бу оқ халат кийган, оқиш юзли, сарғиш сочли кичкинагина митти қизалоқ эди. Унинг одоб билан кўзини ерга тикиб туришидан киприклари яна ҳам узун кўришиб кетди. У уялганидан нима қилишини билмай, сурат ишлайдиган мўйқаламини битта-битта тортқиларди.

— Ипакой — бизнинг энг яхши рассомларимиздан, — деб давом этди Игнахон. — У ҳозир «Қарағайзор тонги» деган янги газмол учун расм яратиш устида иш олиб бормоқда. Мана, қаранглаар-а: бу ер ўрмон, бу ерда она айиқ айиқчалари билан турибди. Жуда ҳам қизиқарли-а, тўғрими? Ипакой яқинда «Тугмача қўнғиз» деган янги газмол намунасини яратди. Яшил мато юзига сочилган қора хол-хол тўқ сариқ қўнғизларни кўз олдинга келтиринг-а! Бу жуда ажойиб! Бундан тикилган кўйлакларни талаб кетишди. Ҳеч ким бошқасини кийишни истамай қўйди. Бир неча кун ўтгач, бир доно чиқиб: «Кўчадаги ҳамма ўткинчиларнинг эғнида тугмача қўнғиз ўрмалаб кетаётганга ўхшайди. Шунинг учун кўчага чиққани кўрқиб кетяпман», — дебди. Шу гапдан кейин ҳеч ким бу кўйлакни кийишни хоҳламай қўйди. Ҳамма «эғнимизда қўнғизлар ўрмалаб юришини хоҳламаймиз», дейишди. Ипакой «Йилнинг тўрт фасли» деган яна қизиқроқ мато ўйлаб топди. Бу оддийгина мато бўлмай, қандайдир эртакнамо яхлит сурат бўлиб чиқди. Буни саккиз хил бўёқда босишди, бунинг учун саккизта янги босма ўқ тайёрлашди. Бутун шаҳар шу сурат солинган кўйлак билан ясанди. Тўсатдан модани яхши кўрадиган бир қизалоқ чиқиб: «Бу кўйлак менга ёқмаяпти, чунки одамлар менга эмас, кўйлагимдаги суратга қарашаяпти», депти. Кейин нима бўлди денг? Эртаси кунёқ бу кўйлак модадан қолди-қўйди. Шошилинч суратда бошқача мато ўйлаб топишимизга тўғри келди.

Тахтавой тагин кулди, аммо қилган хатосини пайқаб қолиб, қўли билан оғзини ёпаман деганди, бундан кулги ўрнига қандайдир «хур-хур» деган овоз чиқиб кетди.

— Сизнинг ҳам ҳурҳурламаслигингизни илтимос қилардим, — деди аччиғланиб Игнахон. — Бизда ҳур-хур қилиш одат эмас, агарда ҳуриллагингиз келса, уйингизга боринг, кейин қайтиб келишингиз мумкин. Ҳм! Биз нимага келиб тўхтагандик. Ҳа, айтгандай модадан гапираётган эдик. Мана шундай қилиб, сиз кўриб турганингиздай, умуман, биз модага итоат этмаймиз. Аксинча, мода бизга итоат этади, чунки биз ўзимиз кийимларнинг янги модаларидан намуналар яратамиз. Янги модалар яратганимиздан кейин янги модалар бизнинг ишимизга халақит беролмайди, ишимиз муваффақият билан бормоқда. Фақат айтишганидек, гоҳо саросимага тушиб қоламиз.

Кулгидан ўзини тўхтатолмаган Тахтавой яна қўли билан оғзини бекитиб ҳуриллади. Унга қараб Олабола ҳам ҳуриллаб юборди.

— Ана холос! — деди қўлини ёзиб Игнахон. — Ёмон қилиқ бу, айтишларича юқимлимиш. Олдин биттаси ҳуриллаганди, энди иккинчиси ҳуриллади! Менимча, ҳозир ҳаммамиз барабарига ҳуриллаймиз-да, кейин уй-уйимизга кетамиз. Рост-да! Мана шундай қилиб... Тагин гапимни бўлишди-я! Биз нимага келган эдик!

— Биз ҳаммамиз ҳуриллаймиз-да, уй-уйимизга кетамиз, деган эдингиз, — деди Билмасвой.

— Йўқ, бизни саросимага тушириб қўйишади, дегандингиз, — деб эсига солди Ипакой.

— Ҳа, тўппа-тўғри! Бизни саросимага тушириб қўйишади. Бошқа шаҳардан саёҳатчилар келишганда шунақа ҳол рўй беради. Биздаги аҳоли уларнинг эғнидаги янги хил костюм ёки сира учрамаган қалпоқни кўриб қолишади-да, янги хил мода чиқибди, деган хаёлга боришади. Шунақа костюм ё қалпоқни олиш учун магазинга югуришади, магазинда шунақаси топилмагач, биз шошилиш суратда янги маҳсулот тайёрлашимизга тўғри келади. Аммо бу ўзидан-ўзи осонликча бўлмайди, биринчидан, матонинг янги намунасини тайёрлаш билан бирга, янги андоза, янги қолип ва янги босма ўқларини ишлаб чиқаришимиз зарур бўлади. Аҳоли кутиб ўтиришни ёқтирмайди, шунинг учун жуда ҳам шошилишимизга тўғри келади. Мана шу сабабдан саросимага тушиб қоламиз деймиз. Бунга қарши қандай курашиш керак? Бу жуда осон. Биз магазин билан алоқа боғлаб турамиз. Магазинда бизга миттилارнинг ҳар бир янги талабини айтиб туришади. Мисол учун, кеча магазинга бир неча миттининг сариқ шим сўраб келганини ҳабар қилишди. Бундан биз шаҳримизга сариқ шим кийган алақимнинг келганини билиб оламиз...

— Сиз айтинг-чи, бу ерга келганингизга қанча бўлди? — деб сўради Игнахон Билмасвойдан.

— Утган куни келгандик, — деб жавоб берди Билмасвой.

— Кўрдингизми! — деб хурсанд бўлди Игнахон. — Сиз фақат ўтган куни келибсиз-ку, шаҳримизга сариқ шим кийган алақим келгани бизга кечаёқ маълум бўлган эди. Аммо билибгина қолмадик. Ўзимиз ҳам сариқ шимлар ишлаб чиқаришга тайёрланмоқдамиз. Яқинроқ келиб рассом қиз Тугмаой билан танишишларингизни сўрайман. Бизда бу даврга қадар сариқ шим тикилмагани учун Тугмаой сариқ шим лойиҳасини ишламоқда.

Билмасвой ва унинг шериклари Тугмаойга яқинроқ келиб, унинг яхлит қоғозга шим катталигида сариқ шим сурати ишлаганини кўришди. Шу орада Игнахон Билмасвойнинг атрофини айланиб, унинг шимини синчиклаб кўриб чиқди. Ҳатто шимининг матосини ушлаб ҳам кўрди.

— Сизнинг келганингиз жуда яхши бўлди, — деди у Билмасвойга. — Бўлмаса биз бунақа эмас, талаб қилишгандан татом бошқача ясаб қўйган бўлардик. Бизда бунақа ҳодисалар бўлиб туради... Сен, Тугмаой, синчиклаб ўргангин-да, ўз лойиҳангга тузатиш киритгин. Шим одатда тор ҳам, узун ҳам, калта ҳам бўлмаслиги керак. Тиззадан сал-пал пастроқ, тўпикдан хиёл юқорироқда бўлиши лозим. Бу энг яхши фасон бўлиб, юриштириш учун қулайдир. Матоси эса, лойиҳисимон — силлиқ ва ялтироқ бўлсин. Бундай бўлиши фойдали ҳам, чунки силлиқ ва ялтироқ мато кам кир бўлади. Ранги сен ишлагандай лимон тусида эмас, оч сариқ бўлса дуруст. Бунақа ранг чиройли бўлади.

Ундан кейин пастига ҳеч қандай тугманинг ҳожати йўқ. Миттилар шимининг пастида тугмача бўлишини ёқтирмайди. Чунки ҳаммавақт бир нарсага илинаверади-да, охирида, бари бир узилиб тушади.

Билмасвой билан учрашгани Игнахон учун жуда кўнгилдагидек иш бўлди. Ҳатто у кулавериб жигига тегаётган Тахтавойга ҳам мулойим боқа бошлади. Меҳмонларни диванчага ўтқазиб, улар билан жуда меҳрибонларча гаплашди. Игнахон бизнинг саёҳатчиларимиз Гулзор шаҳридан келишганини билгач, у Тугмачахондан Гулзор шаҳридаги миттвойлар билан миттиойларнинг қандай кийинишларини ва қандай модалар борлигини сўраб билиб олди. Бошқа рассомлар ҳам суҳбатда иштирок этишди. Тўғноғичой деган битта рассом миттиой Олаболадан унга Қуёш шаҳрида ҳаммадан кўпроқ нима ёққанини сўради.

— Ширин газли сув,— деб жавоб берди Олабола.— Энг асосийси, газли сувни истаган дўкончада, истаганча ичиш мумкинлиги жуда ёқди.

— Ҳайрон қоладиганини топибди-ку!— деб гапга Тахтавой аралашди.— Бизда ҳамма нарса шунақа. Истаган ошхонага кириб, истаган нарсангизни ейишингиз мумкин. Ҳар бир магазинда истаган нарсангизни олаверасиз, сиздан унинг учун пул олишмайди.

— Агар битта-яримта автомобиль олишни хоҳлаб қолсачи?— деб сўради Билмасвой,— балки, автомобилни текинга беришмас!

— Нега беришмас экан? Беришади! Тугмачали такси машина чиққандан бери, ҳеч ким бунақа автомобилларни олмай қўйди,— деди Биновой,— қани, менга марҳамат қилиб айтинг-чи, мен таксида истаган жойимга сарсонгарчиликсиз бемалол боролар эканман, автомобилнинг менга нима кераги бор! Шахсий машинанинг ташвиши жуда кўп-ку, ахир! Уни ювиш, тозалаш, мойлаш, тузатиш, ёнилғи қуйиш керак. Унинг учун гараж лозим бўлади. Уз шахсий машинангизда юрсангиз уни бошқаришингиз, бир нимага уриб юбормаслик ва битта-яримта олдидан чиқиб қолмаслик учун доим кузатиб боришингиз, яъни ҳаммавақт безовта бўлишингиз керак. Тугмачали машинада ёки автобусда юрсангиз, унда ташвиш оз бўлади-да! Сиз бемалол газета ёки китоб ўқий оласиз, истаган нарсангиз ҳақида ўйлашингиз мумкин, хоҳласангиз ҳеч нимани ўйламасангиз ҳам бўлади, ҳатто ухлашингиз ёки шеър тўқишингиз мумкин. Илгари шахсий машина бўлар эди, уни ташладим-у, ўзимни чинакам эркин митти боладай сеза бошладим.

— Лекин сизларда кўпгина миттвойларнинг шахсий машиналари бор экан-ку, ахир,— деди Билмасвой.— Мисол учун Тахтавойнинг ҳам шахсий автомобили бор.

— Менинг йўлим бошқа,— деди Тахтавой.— Мен эски автомобилчман. Истаган жойга ўзи олиб борадиган, ҳеч қандай ҳодиса рўй бермайдиган бу янги хил автомобилларда юриш

менга ярашмайди. Мен машинага ўтириб, уни ўзим ҳайдасам, маза қиламан. Сафарда хавф-хагарга дуч келишни ёқтираман. Бу одатга аллақачон кўникиб қолганман, ундан қутулишим қийин. Бу эски одат, эскилик қолдиғи эканини тушунаман, аммо ҳозирча ҳеч нима қилолмайман.

Олаболани очлик эрталабдан бери қийнарди, охири чидай олмади:

— Оғайнилар, ейиш учун сизда бирор нарса, жилла бўлмаганда ширин газли сув топилмайдими? Эрталабдан бери ҳеч нима еганим йўқ ҳали,— деди.

— Вой, биз тентаклар! -- деб қолди Тахтавой.— Бу ерда қуруқ гап билан овора бўлиб ўтирибмиз-а! Юринглар, тезда ошixonга борайлик. Гап билан қорин тўймайди-ку.

Бу гап Олаболага жуда ёқиб тушди. Ушандан кейин доим овқатлангиси келса:

«Гап билан қорин тўймайди-ку»,— дейдиган бўлди.

## *Йигирма иккинчи боб*

### МИЛИЦИОНЕР ҲУШТАКЖОННИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Эҳтимол, сиз милицияда бино қулагандан кейин милиционер Ҳуштакжоннинг олдин Билмасвой кетидан югургани, аммо боши жуда оғригач, қувлашни тўхтатиб, уйига қайтиб кетганини эсларсиз. Нима учун у милиционер Қоровулжон кутиб ўтирган милиция идорасига бормай, уйига кетиб қолганини ҳеч ким аниқ билмайди. Шунингдек, унинг нима учун касалхонага даволанишга бормагани ҳам номаълум. Балки, фишт тушиб кетиб лат еган боши дурустроқ фикр қилолмагандир.

Қисқаси, милиционер Ҳуштакжон, айтганимиздай, уйига қараб йўл олди. У яқин орада — Макарон кўчасида турарди. Шунинг учун автомобиль ёки автобусга тушишининг ҳожати йўқ эди. У Макарон кўчасига етиб олди-да, яна икки маҳалла юргач, уйига келди. Агарда бу ерда кутилмаган яна бир ҳодиса рўй бермаганда эди, ҳамма иш кўнгилдагидай бўларди.

Ҳуштакжон турадиган уй оддий уйлардан бўлмай, меъмор Чирпирак қурган минорали айланувчи уйлардан эди. Бу уйнинг тўрт томонида тўртта подъезди — яъни, кириш жойи бўлиб, бино айланмай бир ерда турганида бу подъездлар тўрт томонга, яъни шимол, жануб, шарқ ва ғарбга қарарди. Аммо уй тўхтовсиз айланиб турганидан, у ё бу подъезд фалон ёққа қараган деб аниқлашнинг иложи йўқ эди.

Милиционер Ҳуштакжон ишдан ҳар куни бир вақтда қайтиб келарди. Шунда унинг подъезди доимо Макарон кўчасига қараб турган бўларди. Аммо бу сафар Ҳуштакжон бир соат олдин,

яъни Макарон кўчасига бошқа подъезд тўғри келган пайтда етиб келди. Мияси гангиб Ҳуштакжон бошқа қаватга чиқиб, бировнинг уйига кириб қолди. Унинг эгаси хонада йўқ эди. Ҳуштакжон хонадаги мебеллар бошқача эканига ҳайрон қолди-ю, аммо боши оғриб турганидан бунга эътибор бермади, тезда ечиниб, ўрнига ётди-да, қотиб ухлаб қолди.

Ё бошига тушиб кетган ғишт зарбиданми, ё бошқа бирор сабаб биланми, ҳарҳолда Ҳуштакжонни қаттиқ уйқу босди. У бутун кун, бутун тун ва эртаси эрталабгача ухлади. Аниқ қилиб айтганда, у эрталаб соат ўндан уйқуга кетиб, эртаси куни соат ўн бирда уйғонди, Шундай қилиб йигирма беш соат сурункаси-га, яъни бир кеча-кундузу тагин бир соат ухлади.

Агар Ҳуштакжон ўз уйида ухлаганда борми, уни тез топиш мумкин бўлиб, унчалик ҳодиса рўй бермаган бўларди. Аммо у бировнинг уйида ухлаб қолганидан катта ғалава кўтарилди.

Милиция биносида қулаш юз берганда шовқинни эшитган милиционер Қоровулжон телевизор кўришни тўхтатиб, қўшни хонага югурди, ҳаммаёқ қулаб ётганини кўрган заҳоти кўчага чопиб чиқди-да, ўткинчиларни чақирди. Улар қулаган девор ва шипдан тушган кесак, ғишларни ташиб чиқишди. Ҳамма кучини аямай ишласа-да, қулаган иморат тагидан на қўлга тушган Билмасвой ва на Ҳуштакжон топилди. У ердан Ҳуштакжоннинг мис қалпоғигина топилди, холос.

Мис қалпоқ Қоровулжонни бир оз тинчлантирди. У ўзича Билмасвой қочган бўлса, Ҳуштакжон кетидан қувиб қолгандир деган фикрга келди. Аммо Ҳуштакжондан дарак йўқ эди. Қоровулжон, Ҳуштакжонни бирорта кўчада кўриб қоларман деган умидда барча телевизор экранларига синчиклаб қаради. Ҳуштакжон бўлса, бу вақтда бегона ўринда қимирламай ухлаб ётарди, ҳеч қандай экранда кўриниши мумкин эмасди-да.

Милиция бўлимига ўз хизмат бурчини адо этиш учун тезда икки янги милиционер — Қалпоқжон билан Таёқжон кириб келишди. Қоровулжон навбатчиликни уларга топширди ва бўлган ҳодисани айтиб бериб, Ҳуштакжонни қидиришга кетди. Ҳуштакжон уйга кетгандир, деб тахмин қилиб, аввал уйига сим қоқди, аммо ҳеч ким телефонга келмади. Кейин ўзи борди. У ердан ҳеч кимни тополмагач, ўз уйига келиб барча касалхоналарга телефон қила бошлади. Касалхоналардан унга: бизга милиционер Ҳуштакжон даволангани келгани йўқ, деб жавоб беришди. Кейин у шаҳардаги бошқа ҳамма милиция бўлиmlарига Ҳуштакжонни топиш учун ёрдам беришларини сўраб сим қоқиб чиқди. Ҳамма милиция бўлиmlари бу чақириққа қизгин киришиб, Ҳуштакжонни топиш учун юзтача милиционер шаҳар бўйлаб жўнади. Қоровулжон ҳар ярим соатда унинг уйига бориб-келиб турди. Уша куни тун бўйи касалхоналарга телефон қилавериb, докторларнинг жонига тегди.

Шунча қидиришса ҳам милиционер Ҳуштакжон ҳеч қаердан топилмади. Эртаси куни эрталаб уйғонганда ўзи ҳақидаги бу



сирли ҳодисани газетадан ўқирди-да, ўзи ҳақидаги бу шов-шув гаплардан ҳайрон қолган бўларди. Аммо Ҳуштакжон шу куни ҳеч қанақа газета ўқимади. Эртаси кун уйғониб соатга кўзи тушиб, соат мили ўн бирни кўрсатганини кўриб қолди. У, ўринга ётаётганимда ўн эди деб ўйлади-да, ҳаммаси бўлиб йигирма беш соат эмас, атиги бир соат ухлабман, деган фикрга келди. Ана шундай қилиб, у эртаси кун бўлганини ҳам пайқамай қолди. Боши эса ҳамон оғрирди, бунинг устига росаям қорни оч эди. Бунинг ажабланидан жойи йўқ, чунки у бир кеча-кундуз ухлаб, бу орада ҳеч нима емаган эди-да.

Худди ўз уйидагига ўхшатиб қурилган ошхонага кирган Ҳуштакжон, девордаги кичкина эшикча олдига келиб: «шўрва», «бўтқа», «шарбат», «мева суви», «нон», «пирог», «макарон», «чай», «кофе» деб ёзилган жойнинг ёнидаги тугмачаларни босишга киришди. Кейин у ичида тўртбурчакли тешикчадан бўлак ҳеч нимаси йўқ эшикни очди-да, стулга ўтириб кута бошлади. Икки ё уч дақиқадан кейин пастга тушиб кетган ошхона лифти деб аталадиган кичикроқ кабина кўтарилди. Бу кабина оқ ялтироқ бўёққа бўялган бўлиб, холодильникка ўхшарди. Ҳуштакжон кабинанинг эшигини очиб, унинг ичидан ликопчадаги шўрва, бўтқа, шарбат, товадаги қуймоқ, кофелик чойнак, қанд идиш ва пирог, қирқилган нон, шунга ўхшаш овқатларни бирма-бир олди. Уларни дастурхонга териб қўйиб, бир четдан иштаҳа билан тушира бошлади.

Бунақанги ошхона лифтлари Қуёш шаҳридаги кўпгина уйларда бор эди. Бу ошхона лифтлари пастки қаватда бўлган ошхонадан нонушта, тушлик ва кечлик овқатларни тўппа-тўғри хоналарига олиб чиқарди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, Қуёш шаҳрининг аҳолиси ошхона лифтларидан кам фойдаланишарди. Чунки улар гавжум, кўнгилли туюлган ошхонада овқатланишни яхши кўришарди. У ерда овқатни оддий миттвойлар ва миттвойлар олиб келишар, улар билан гаплашиш, ҳазил-ҳузил қилиш ва кулиш мумкин бўларди. Бу ерда овқатларни лифт олиб келгани учун, маълумки, ҳеч ким билан гаплаша олмайсан ва ҳазил-ҳузил қилолмайсан. Ҳарҳолда, ошхонадагидай қулай, кўнгилли бўлмаса-да, зарурат бўлганда, истаган одам уйда овқатланиши мумкин эди.

Болаб овқатланиб бўлган Ҳуштакжон тагин жиндак мизғиб олиш учун ўринга ётди. У тушлик овқатгача атиги бир соат ухлабман, деб ўйлади-да, тагин ухлагани ётди; агарда унинг эгалари келиб, уни ярим кечада уйғотмаганларида борми, балки у эртаси кун эрталабгача ухлаб қолган бўларди.

Кейинчалик аниқланишича, бу хонада Ҳазилвой билан Патирвой деган икки ошна туришаркан. Ҳазилвой ҳазилкашлиги билан машҳур эди. Унинг энг ёқтирган ҳазили — ҳар сўздан кейин «Чин сўзим, мен билан ҳазиллашма», дерди. Патирвойга келсак, унинг ҳеч нима билан номи чиқмаган эди. Буларнинг иккаласи қанд фабрикасида шофёр бўлиб ишлашарди. Улар дў-

конга қанд таширдилар ва бир-бирлари билан қалин оғайни эдилар. Уларнинг уйига милиционер Ҳуштакжон янглишиб кириб қолган куни Ҳазилвой билан Патирвой кечаси уйга келмай, ишдан кейин ошналари Чавгонникига меҳмондорчиликка кетишганди. Эрталабгача ўйин-кулги бўлди. Улар эрта билан тўппа-тўғри қанд фабрикасига кетишди-да, тушдан кейин бошқа бир дўстлари Сузгирникига яна меҳмондорчиликка боришди. Бу ердаги зиёфат ҳам эрталабга қадар мўлжалланганди. Аммо дўстларимиз бир кечани уйқусиз ўтказишганидан, Сузгирнинг раҳми келиб, уларни эртароқ, яъни кечаси ўн бирда жўнатиб юборди.

Кечаси соат ўн бир — унча вақтли эмас, лекин бизнинг ошналар тўппа-тўғри уйларига қайтишмасдан, милиция бўлимига тушиб қолишди. Патирвойни кўча қондасини бузгани учун, милиционер унга йигирма дақиқа насиҳат қилди. Шундай қилиб, улар уйга ярим кечада кириб бордилар. Аммо, ҳар иккови ҳам хурсанд эди.

— Мана, уйга ҳам етиб олдик, мен билан ҳазиллаша кўрма, чин сўзим. Энди дарров кечлик овқатни еб, тезроқ ухлаш керак, — деди Ҳазилвой.

— Тўғри гап, — деди оғзини каппа очиб эснаганча Патирвой. — Меҳмонда ҳар қанча есанг ҳам, уйда тагин овқатлансанг, ёмон бўлмайди.

Иккала ошна ошхонага киришиб, ошхона лифтининг эшикчаси ёнидаги тугмачаларни боса бошлашди. Бир неча дақиқа ўтгач, улар стол атрофига ўтиришволиб овқатланишди, жағлари имиллаб қимирлар, кўзлари ўздан-ўзи юмилиб кетарди, тиллари айланмай қолаётгандай эди, аммо шундай бўлса ҳам, тинмай алланамалар тўғрисида вайсашарди. Охири Ҳазилвой тўйди-да, инданималарни столдан туриб, ухлашга жўнади. Хонага кириб чироқни ўчирди ва ечиниб ўрнига ётди. Унинг кетидан Патирвой кириб келди. Ҳазилвойнинг чироқни ўчирганини кўргач, қоронғида ўз каравоти ёнига бориб, ечиниб ётмоқчи бўлди. Аммо қўлини узатиб, ўрнида кимнингдир ётганини сезиб қолди. Ҳазилвой янглишиб каравотимга ётиб олгандир, деб ўйлади.

— Ҳазилингни қўй! Нега ўрнимга ётиб олдинг? — деди кулиб у. Ўз ўрнида ётган Ҳазилвойнинг:

— Нима деяпсан, мен билан ҳазиллаша кўрма! — деган овози келди.

— Бу қанақаси? — деб ҳайрон бўлди Патирвой, у томонга ўгирилиб.

— Сен қаёқдасан?

— Мен бу ердаман, ҳазиллашма! Тагин қаёқда бўлишим керак?

Патирвой Ҳазилвойнинг овози бошқа томондан келганини эшитди. Қоронғида тагин қўлини узатиб кўрган эди, каравотда қимирламай қаттиқ ухлаб ётган Ҳуштакжонни ушлаб олди.

— Жойимда биров ухлаб ётибди, — деди Патирвой.

— Ким бўлдийкин? — деди ҳайрон бўлиб Ҳазилвой.

Патирвой қоронғида ухлаб ётган Ҳуштакжоннинг бўйнини, кейин юзини, бурни, пешонаси ва сочини ушлаб кўрди.

— Билмадим! Сочли бир бош ётибди... — деди у нима қилишини билмай

— Ана холос! — деб кулиб юборди Ҳазилвой.

Уйларида нотаниш митти болани топишган Ҳазилвой билан Патирвой унчалик қўрқишмади. Ҳатто сираям қўрқишмади дейиш мумкин. Чунки Қуёш шаҳрида кўпдан бери ўғрилик ёки безорилик каби ҳодисалар бўлмасди. Барча миттилар бир-бирлари билан тотув яшардилар ва ёмон ният билан бировнинг уйдан бирон нарсани олиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди.

— Чин сўзим, мен билан ҳазиллаша кўрма, бу ерда қандайдир англашилмовчилик рўй берган, холос! — деди кулгидан ўзини тўхтатолмай Ҳазилвой.

— Биласанми, эҳтимол, биз йўғимизда танишлардан бирор-таси кириб қолгандир-да, бизни кута-кута зерикиб ухлаб қолгандир, — деб тахмин қилди Патирвой.

— Тўппа-тўғри! — деб севиниб кетди Ҳазилвой. — Қани, чироқни ёқ-чи.

Патирвой чироқни ёқди. Иккала ошна каравот ёнига келиб, ҳеч нимадан хабари йўқ донг қотиб ётган Ҳуштакжонни кўришди.

— Бу ким ўзи? Танийсанми? — деб сўради Патирвой.

— Биринчи марта кўриб турибман, мен билан ҳазиллаша кўрма! — деди Ҳазилвой.

— Тфу! — деди жаҳли чиқиб Патирвой. — Мен ҳам биринчи марта кўриб турибман. Ўзининг уйида ётгандай ухлашини қара!

— Ғалати иш қилиб қўйганга ўхшаймиз, Патирвой, чин сўзим! Мен билан ҳазиллашма, тагин адашиб бировнинг уйига кириб қолган бўлсак-а. У уйғониб қолгунича қочиб қолиш керак.

Патирвой ура қочмоқчи бўлди, аммо қараб туриб:

— Йўқ, менимча, бу бизнинг уйимиз, — деди. — Уни уйғотиб, қандай қилиб бу ерга кириб қолганини сўраш керак.

Ҳазилвой бўлса Ҳуштакжоннинг елкасини қимирлата бошлади. Охири Ҳуштакжон уйғонди.

— Бу ерга қандай қилиб кириб қолдиларинг? — деб сўради Ҳуштакжон, ички кийимда унинг олдида индолмай қараб турган Ҳазилвой билан Патирвойдан.

— Бизларми? — деб иккиланиб сўради Ҳазилвой. — Эшит-япсанми, Патирвой, бу қанақаси... Яъни, мен билан ҳазил-пазил ўйнаяпти, шекилли. У биздан қандай қилиб бу ерга кириб қолдиларинг, деб сўрайди-я! Йўқ, бу ерга қандай қилиб кириб қолдингиз деб сендан биз сўраяпмиз?

— Менми? Ҳар кунгидай эшикдан кирдим, — деб елкасини қисди Ҳуштакжон.

— «Ҳар кунгидай»миш-а? — деб ҳайрон бўлди Ҳазилвой.

— Айтинг-чи, сиз қаердасиз?

— Қаерда бўлардим? Ўз уйимдан.

— Ана ҳангома, мен билан ҳазиллашма! Эшитяпсанми, Патирвой. У, мен ўз уйимдан, деяпти. Бўлмаса, биз иккаламиз қаердамиз?

— Ҳа, тўғри, — деб гапга аралашди Патирвой. — Сизнингча, биз иккаламиз қаердамиз, қани айтинг-чи?

— Сизлар менинг уйимдасиз.

— Уни қара-ю! Сиз чиндан айтяпсизми?

Ҳуштакжон атрофга аланглади-да, ҳайрон қолганидан ўрнига ўтириб олди.

— Менга қаранглар, — деди охирида у, — бу ерга қандай қилиб келиб қолибман?

— Эҳ, сени қара-я, чин сўзим, мен билан ҳазиллашма! Ярим соатдан бери сизнинг бу ерга қандай қилиб келиб қолганингизни билолмай уриниб ётибман-ку, — деди Ҳазилвой.

Бу хунук иш ўзининг айби билан бўлганига иқрор бўлган Ҳуштакжон жуда хижолатга тушиб, тўнғиллади:

— Афв этасиз, дўстлар! Кечирим сўрайман! Янглишиб бировнинг уйига кириб қолганимни энди пайқаб турибман. Қараб турсам, бу ердаги мебеллар меникидагига ўхшамайди. Деворга ёпиштирилган қоғоз ҳам бошқача. Менинг деворимдаги қоғоз сариқ эди, бу ердаги қоғоз аллақандай кўкиш экан.

Шундай дедию Ҳуштакжон кўрпанинг ичидан чиқиб, эшикка қараб югурди.

— Тўхтаб туринг, — уни тўхтатди Патирвой, — ахир аввал кийиниб олинг-да.

— Ҳа, рост-а! Кечирасиз, — деб хижолат бўлиб тўнғиллади Ҳуштакжон ва қайтиб келиб кийина бошлади.

Жуда ҳам шошилганидан, ҳамма иши аксинча бўлаверди. У бўйинбоғни тескарисига тақиб олди, пайпоғини чалкаштириб қўйди, шимига ўнг оёғи сира сигмади, чап оёқлаб сакраб юриб, охирида гул тувагига тегиб кетди, тувак чилпарчин бўлиб синди. У фаромушлиқдан Патирвойнинг камзулини бир бало қилиб кийди-да, жўнаб қолди.

Шу куни кечаси Ҳазилвой билан Патирвой жуда кеч ётишди. Патирвой курткази йўқолганини фақат эрталаб пайқайди. Ўрнига Ҳуштакжоннинг курткази қолган эди, аммо Патирвойнинг курткази билан бирга унинг ён чўнтагида ётган автомобиль ҳайдаш гувоҳномаси ҳам бирга кетгани ёмон бўлди. Бахтга қарши, иккала оғайнидан бирови ҳам Ҳуштакжоннинг на номини, на турар жойини сўрашибди, энди уни қаердан топишни билишмасди.

Ҳазилвой паришонхотир миттивой (яъни Ҳуштакжон) чўнтагидан гувоҳномани топгач, бировнинг камзулини кийганини пайқайди-да, албатта, камзул билан гувоҳномани қайтариб олиб келади, деб Патирвойни бир оз тинчлантирди.

Аммо бундан кейинги ишнинг ҳаммаси Ҳазилвой тахмин қилганидай давом этмади, шунинг учун Ҳуштакжоннинг саргузашти бу билан тамом бўлмади. Эҳтимол, Пастак, Шаталок ва Човкар аралашмаганда балки бу иш шу билан тамом бўларди. Бу учала маҳлуқ митти болаларга айлангандан бери, бошқа-бошқа кўчаларда санқиб юришганди, охири топишиб қолишди. Кутилмаган бу учрашувдан жуда хурсанд бўлишди. Пастак, Шаталок билан Човкарга қараб ўзини кулгидан тўхтатолмас, Шаталок билан Човкар ҳам Пастакка қараб қаттиқ кишнардди. Учласи дарров бир-бировини таниб олишди. Улар миттиларга айланганлари билан бари бир ҳар бирида ҳам олдинги ҳолатларидан нимадир сақланиб қолганди, мана бу ҳолат уларнинг роса ҳам кулгисини қистатарди. Ўлгундай кулган Пастак:

— Дўстлар, биласизларми нима, учрашувимиз бир умр эсда қолсин учун, бирорта ҳайратда қолдирадиган қилиқ билан нишонлашимиз керак бўлади, — деди.

Учалови ҳам қаттиқ ўйлай бошлашди, нақ ярим кечагача ўйлашди. Олдинига ҳеч ким дурустроқ нарса тополмади; аммо кейин Човкар шундай деб қолди:

— Менимча, агарда биз йўлгага арқонни кўндаланг тортиб қўйсақ, ўткинчилар қоқилиб йиқилса жуда галати иш бўлади.

— Сен доносан! — Човкарни мақтади Пастак.

Ошналар аллақаердан арқон топишди-да, уни йўлканинг қоронғироқ жойига тортиб қўйишди, кейин бу қилиқлари учун битта-яримтадан калтак тушиб қолишидан қўрқиб, бекиниб олишди. Бу ҳодиса Макарон кўчасининг Ҳазилвой билан Патирвой яшайдиган уйига яқин жойда, уйларида ухлаб қолган милиционер Ҳуштакжонни топишган кечаси рўй берган эди.

Энди саргузаштнинг давоми нима бўлганини эшитинг.

Ҳазилвой билан Патирвойларниқидан чиққан Ҳуштакжон атрофга аланглаб қаердалигини билолмай кўчадан бораётган эди. Кейин Макарон кўчасидан кетаётганини билиб қолди, аммо ўз уйи томонга эмас, қарама-қарши томонга кетаётганди. У орқасига қайтмоқчи бўлди-ю, кел, тоза ҳавода айланиб кела қолай, деди. Бунинг оқибати яхши бўлмади. У ўн қадамча юрар-юрмас, йўлгага кўндаланг тўсилган арқонга қоқилиб кетди-да, умбалоқ ошиб тушди. Йўлгага боши билан тушган экан, ҳушидан кетиб қолди.

Агарда шу пайт Макарон кўчасидан Кўкноригул деган митти қизалоқ ўз автомобилида ўтиб қолмаганда борми, беҳуш ётган Ҳуштакжон ким билади, яна қанча ётарди. Митти қизалоқ Ҳуштакжонга тезда медицина ёрдами зарурлигини билгач, анча қийин бўлса ҳам, уни амаллаб машинасига чиқарди ва касалхонага олиб кетди.

Касалхонада Ҳуштакжонни ўша заҳоти ечинтириб, ўринга ётқизишди. Доктор Иссиқвой шу ёрнинг ўзидаёқ унга суюқ дори ёзиб бериб, бошига муз босишни буюрди ва шундан кейин касални олиб келгани учун Кўкноригулнинг қўлини қисиб,

миннатдорчилик билдирди. У касаллар рўйхати ёзиладиган журналга Ҳуштакжоннинг отини ёзмоқчи бўлди, лекин Ҳуштакжон ҳали ҳам ҳушсиз ётганидан отини айтолмади. Унинг оти нималигини Кўкноригул ҳам билмасди. Доктор Иссиқвой анагалардан бирини чақириб, касалнинг номини аниқлаш мумкин бўладиган бирорта гувоҳнома топиш учун унинг камзули чўнтагини қараб чиқишни буюрди.

Энага камзул чўнтагини титкилаб, Патирвой номига ёзилган хат билан шофёрлик гувоҳномасини топди.

— Унинг номи Патирвой экан. Ахир, ҳеч ким ўз чўнтагида бировнинг хати билан гувоҳномасини олиб юрмайди-ку, — деди-да, доктор Иссиқвой касаллар журнаliga Ҳуштакжоннинг исмини Патирвой деб ёзиб қўйди.

Эртаси куни милиционер Қоровулжон яна касалхонага телефон қилиб, даволаниш учун милиционер Ҳуштакжон келмадими деб сўради, унга ҳеч қанақа милиционер Ҳуштакжон келгани йўғ-у, фақат кўчада ҳушидан кетиб қолган шофёр Патирвойни олиб келишди, деб жавоб беришди. Шу билан Ҳуштакжоннинг касалхонада эканини ҳеч ким аниқлай олмади. Милиция у ётган жойдан бошқа ҳамма жойни қидиришда давом этди.

Милиционер Ҳуштакжонни ҳеч қаердан топиша олишмаётгани ҳақида газеталарда ҳар куни хабар босиларди. Баъзи бир газеталар милициянинг ўзи йўқолган милиционерини тополмаяпти, деб кулиб ёзишди. Ҳатто битта газетада кундуз куни чироқ кўтарган милиционернинг ўзини-ўзи қидираётгани карикатура қилиб босилган эди.

Бу нарсанинг охири шунга бориб тақалдики, йўқолган милиционер ҳақида турли ҳазил-ҳузиллар, кулгили ҳикоялар босиб чиқаришди, ҳатто милиционер Ҳуштакжон асло йўқолмаган, топиша олишмаётганларининг сабаби шуки, дунёда ҳеч қанақа Ҳуштакжон деган одам сира бўлмаган, деб ёзишгача боришди.

Аммо Қуёш шаҳрининг аҳолиси шундай жоҳил бўларкан, бировнинг бошига тушган ташвишлардан кулар экан, деб ўйламанг яна. Йўқ, улар меҳрибон, шафқатли эдилар. Лекин Қуёш шаҳрининг аҳолиси орасида автомобилчилар кўп бўлиб, улар юриш қондасини сал бузиб қолишса ҳам милиционерлар узундан-узоқ насиҳат қилишарди. Агарда оддий бир митти бола йўқолганда-чи, масхара қилиб кулиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўларди, аммо милиционернинг йўқолганини эшитган ҳар бир автомобилчининг беихтиёр кулгиси қистарди. Бунинг устига, кўпчилик ҳеч қанақанги милиционер Ҳуштакжон бўлмаганига ишонишди, буларнинг ҳаммаси газетачиларнинг одамларни кулдириш учун тўқиган уйдирмалари бўлса керак, деб ўйлашди.

Эртаси куни эрта билан Ҳуштакжон касалхонада кўзини очди-да, ҳайрон қолиб, яна қаердадир, бировнинг уйида ётган эканман, деб ўйлади. У ўрнидан туриб, бу ерга қандай қилиб

келиб қолдим деб сўрамоқчи бўлувди, ammo қурби етмай, яна бошини ёстиққа қўйди. Шу пайт хонага ҳамшира кириб келди.

— Салом, Патирвой! — деди ҳурмат билан у. — Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

— Мен қаердаман? — деб хавотир олиб сўради Ҳуштакжон, ҳатто ҳамширанинг уни Патирвой деб атаганига ҳам эътибор бермасдан.

Ҳамшира унга, тасодифан кўчада йиқилиб қолгани, боши билан ерга тушиб мияси лет еганини айтиб берди. Энага энди у касалхонадалигини, ҳеч нимадан ташвишланмаслиги, ўйла-маслиги кераклигини, шундай қилса, тезда тузалишини айтди.

Бу гаплардан Ҳуштакжон деярли ҳеч нима тушунмади, чунки йиқилгандан кейин эси анча кирди-чиқди бўлиб қолганди, лекин ҳамширанинг эркаловчи ёқимли овози сал тинчлантирган эди. Ҳуштакжон безовталанишни йиғиштириб қўйиб, зўр иштаҳа билан нонушта қилди ва нақ бир қошиқ суюқ аччиқ дорини башарасини бужмайтирмай ютиб юборди. Доктор Иссиқвой касалдан жуда мамнун бўлди, ҳамшира унга ҳар соатда суюқ дори ичириб, совуқ компресс қилиб туришни, агарда боши оғриб қолса, ўша заҳоти пешонасига муз қўйишни буюрди.

Доктор Иссиқвойнинг ўзи Ҳуштакжоннинг олдига ҳар куни бир неча бор кириб турарди, унга турли қизиқ воқеаларни айтиб берарди. У, касалнинг тузалишига хурсандчиликдай тез таъсир қила оладиган нарса йўқ, дерди. У яна: касаллардаги хурсандчилик жилмайганда ва кулгандагина пайдо бўлади, дерди. Доктор Иссиқвой шу мақсадда касалхонага кулгили ҳазил-ҳузил суратлар, карикатуралар ёпиштиришни буюрганди. Энага ва навбатчи врачларга бўш вақтларда касалларга ҳар хил кулгили ҳикоялар, эртақчалар ўқиб туришни, шунингдек, қизиқ ла-тифалар, масаллар айтиб беришни ҳам тайинлаганди.

## *Йигирма учинчи боб*

### БИЛМАСВОЙНИ ВИЖДОН ЯНА БЕЗОВТА ҚИЛГАНИ

Саёҳатчиларимиз танишган инженер Тахтавой оддий мит-твойлардан эмасди. Унинг энг қизиқ хусусиятларидан бири шу эдики, У ҳамма ишни ҳаддан ташқари тез бажарарди. Унинг қўли, оёғи ва тили жуда тез ҳаракат қиларди. Одатда, у юрмасди, балки югурарди ва деярли ҳеч қачон бир ерда тинчгина туролмасди. Агарда бирор ёққа чопиш зарур бўлмаса ва гапиришадиган ҳеч кимни учратмаса, унда бутун баданини ликиллатар ёки тоқатсизликдан турган жойида ирғишлайверарди. У автомобилга тушса, уни энг юқори тезликда ҳайдарди, машинани бирдан юрғизиб юборар ва кутилмаганда таққа тўхтатиб қоларди.

Унинг калласидаги фикрлар нур тезлигида югурарди, нурнинг бир сонияда уч юз минг километр югуриши эса ҳаммага маълум. У бирор фикрни ўйлаб бўлмасданоқ, турли қарор чиқариб қўярди ва яшин тезлигида уларни бажарарди. Агарда қарори бирор сабабдан ўзига ёқмай қолгундай бўлса, уни охирига етказмасдан ўша заҳоти бекор қиларди.

Кимда-ким Тахтавой билан учрашиб қолса, дарров Тахтавойнинг иш усули таъсирига тушиб қоларди, ўз режа ва мўлжалларини унутиб қўйиб, Тахтавойнинг буюрганини бажараверарди.

Ёввошгина Биновой саёҳатчиларни Ижодиёт кўчасига олиб бориб, Тарвузийнинг уйини кўрсатмоқчи эди, инженер Тахтавой бўлса, бетакалуф, у ерга кейин борармиз, деди-да, тушки овқатдан сўнг саёҳатчиларни ҳар хил мебеллар чиқарадиган фабрикани кўрсатгани машинасига солиб олиб кетди.

Мебель фабрикасига бориб қолишган саёҳатчилар у ерда стол, стул, шкаф, диван ва каравотларнинг тахтадан эмас, турли пластмассалардан тайёрланишини кўриб, роса ҳайрон қолишди. Бу ерда тайёрлаш услуги жуда содда эди.

Олдиндан тайёрлаб қўйилган пластмасса қолиплаш машинининг тешикларига қўйиларди. У пресс ёрдамида босилиб, натижада машина ичидан тайёр стол, стул ёки каравотлар чиқарди. Буфет ёки диванларни тайёрлаш учун эса битта қолиплаш машинаси етмай, икки, уч ва ҳатто тўрттаси керак бўларди. Битта қолиплаш машинасидан шкафнинг ўзи, бошқасидан эса унинг токчалари, учинчисидан қути ва бошқа нарсалари чиқариларди.

Пластмасса эса ранг-баранг гуллардан тайёрланарди. Ёғоч пластмасса дегани ҳам бўларди. Бундан ясалган мебелни ёғоч мебеллардан ажратиб бўлмасди. Шунингдек, металл пластмасса ҳам бўларди. У металл ўрнини боса оларди. Мебеллардан ташқари, бу металл пластмассадан қандиллар, эшик бандлари, сурат ва ойна чорчўплари ишланарди. Яна, пардай юмшоқ пластмассадан тўшак, ёстиқлар ҳамда диван ва курсиларнинг ёстиқчалари ясаларди.

Фабрикада бундан ташқари қўшма мебеллар ҳам тайёрланарди. Мисол учун: диван-каравот, ундан диван ўрнида ҳам, каравот ўрнида ҳам фойдаланиш мумкин, стол-холодильник, стул-чангютар, каравот-китоб шкафи, курси-велосипед ва бошқалар. Аммо ҳаммасидан ҳам бизнинг саёҳатчиларга дам берилган пневматик мебель ёқиб тушди. Шкаф, стол, курси ва диванлар резинадан ясалиб, унинг ичига ҳаво тўлдириларди. Бу мебеллар у ёқ-буёққа олиб юришга жуда қулай бўлиб, унинг ичидан ҳавосини чиқариб юборилса, тўла бир хона мебель гарнитури кичкина чамадончага жойланади. Пневматик курси, диван ва каравотлар ўз ихчам ва чиройли тузилишлари билан ажралиб турарди. Уларга ҳаво берилиши билан шишиб, силлиқ шаклга кириб, суяниб ўтириш ва ётишга мосланарди.



Саёҳатчилар мебель фабрикасини кўриб бўлишгандан кейин кинога тушишди, сўнгра театрга боришди.

Эртасига Тахтавой билан Биновой саёҳатчиларни олиб кетгани эрталоқ келишди-да, ҳаммалари биргаликда телевизор ва радиоприёмниклар фабрикасига жўнашди. Бу ерда деворга ўрнатилган кенг экранли телевизорни кўришди. Шуни ҳам айтиш лозимки, Қуёш шаҳридаги бутун кинотеатрларда шунақанги деворга ўрнатилган кенг экранли телевизорлар қўйилган бўлиб, картиналар ҳамма кинотеатрларга тўппа-тўғри телевизион студиядан бериларди. Бу усул жуда ҳам фойдали эди. Чунки ҳар кун кечқурун барча кинотеатрларга киноленталарни ташишнинг, юзларча киномеханиклар ишлашга мажбур қилишнинг ҳожати йўқ эди. Бунинг устига, бу ленталарни тайёрлаш ҳам керакмасди. Биттагина лента тайёрлаб, уни телевизион станциядан айлантирилса, томошани ҳамма кинотеатрларда кўриш мумкин эди.

Шунақа телевизорларнинг кичикроғи кўпгина уйларда бор эди, аммо Қуёш шаҳрининг аҳолиси кинокартиналарни уйларида кўришни ёқтиришмасди. Улар кўпчиликни яхши кўришарди, уларга кинони бир ерга йиғилиб томоша қилиш ёқарди. Бирга томоша қилишса, нима учундир, томоша янада дурустроқ, янада қизиқроқ туюларди.

Бу фабрикада девор телевизорларидан бўлак, столга қўядиган телевизорлар, шунингдек, ҳар хил системадаги хонага қўйиладиган радиолар, радиотумбочкалардан тортиб, то микроскопик, чўнтакка солиб юрадиган тугмачадек приёмниклар ҳам ишланарди.

Бундан кейин Тахтавой саёҳатчиларни хўжалик уй-рўзгор моллари фабрикасига олиб борди. У ерда ҳар хил чангютарлар, юувчи, артувчи автоматлар, механик супургилар каби рўзгор буюмлари тайёрланарди. Ҳаммасидан ҳам саёҳатчиларга автоматик равишда ўзи ишлайдиган электр дазмол ёқиб тушди. Бу дазмолнинг энг яхши хусусияти шуки, у бировнинг ёрдамсиз кийимни ўзи автоматик равишда дазмоллай оларди. Дазмолнинг олдига иккита кўзга ўхшаган кичкина телевизор ўрнатилган бўлиб, бу телевизор-кўз ўша кийимнинг текисланиши керак бўлган жойини кўриб турарди. Кўзчанинг сал пастида электр темир бурун бор эди. Агар дазмолланаётган кийим кую бошласа, дазмол бурни орқали куяётганини сезарди-да, автоматик равишда ўчиб, қўнғироқ чалинарди.

Кейин саёҳатчилар китоб фабрикасида бўлишди. У ерда катта-кичик, қалин-юпқа сурат-китобча, ўйинчоқ-китобчалар бўлиб, уларнинг кўриниши гармонга, ғалтакка ва шунга ўхшаш нарсалар шаклига ўхшаган, ичида қизиқ ҳикоя, ребус, фокус, эртақлар, яна қимирловчи ва гапирувчи суратлар бор эди.

Бу ерда ўнтача босма машиналар ишларди. Ёзувчининг қўлёзмасини расмом ишлаб келган сурат билан қўшиб, бирор машинанинг тешигига ташлаб юборилса ўша заҳоти машинанинг

бошқа тешигидан суратли тайёр китобчалар тўкила бошларди. Бу машиналарда китоб босиш электр усулда олиб бориларди. Босма бўёқлар махсус пуркагич билан сочиб юбориларди ва қўлзма қоғозининг ҳарф ёки суратлар бўлиши керак бўлган жойида электрлаштирилган қоғозда босилиб чиқарди.

Ундан кейин Билмасвой билан шериклари чолғу асбоблари фабрикасига ва қўғирчоқ театрлари учун қўғирчоқ ишлайдиган комбинатга, автомобиль заводига ва кўпгина бошқа жойларга ҳам боришди. Улар кундуз кунлари Тахтавой ва Биновой билан ҳар турли қизиқарли экскурсияларга боришса, кечқурунлари эса кино, театрга, концертларга бориб томоша қилишди ёки спорт ўйинлари ва мусобақаларни кўришди. Баъзан улар билан кийим-кечак фабрикасида танишиб қолишган Балиқжон ҳам бирга борарди. Балиқжоннинг артист эканини айтгандик. Шунинг учун у қайси театрга қандай қизик томоша борлигини билар, қайси театрга бориб, қандай спектаклни кўриш тўғрисида маслаҳат берарди.

Қуёш шаҳрида саёҳатчиларнинг вақтлари ҳушчақчақлик билан ўтарди. Милиционер Ҳуштакжонни ўйлаб Билмасвойнинг таъби хира бўларди, холос. У милиционер Ҳуштакжоннинг йўқолгани ҳақида газетада биринчи хабар чиққан куни, Ҳуштакжон тезда топилиб қолади, деб роса қўрққан эди. Аммо эртасига газеталарда милиционер Ҳуштакжонни кўп қидиришса ҳам ҳеч қаердан топилмади, деган хабар босилди. Билмасвой бундан севиниб, бир оз тинчланди. Аммо кечқурун виждони одатдагидай уйғониб, унга таъна қила бошлади:

«Мен нима ҳам қила оламан? — деб ўзини оқлаган бўлди Билмасвой. — Милиционер йўқолганига мен айбдор эмасман-ку».

«Сен айбдор эмассан, бу тўғри, — деб гапига қўшилди виждон. — Аммо сен унинг йўқолганига севиндинг-ку, ахир. Бировнинг бошига тушган ташвишдан сен севинишинг керакми?!»

«Сенинг нима ишинг бор? — деди бўшашиброқ Билмасвой. — Сендан биров сўрабдими, нимага тумшугингни тикасан?».

«Нима ишинг бор, деганинг нимаси? — деди виждон. — Мен яхши бўлишингни истайман. Агар ёмон йўлга кирсанг, доим таъна қиламан».

Билмасвой хижолат бўлди, бундан кейин сира шодланмасликка ўзига-ўзи сўз берди. Аммо эртаси куни эрталаб тагин безовта бўла бошлади. Қўлига газетани олувди, титроқ турди, чунки унда: охири милиционер топилди, у Билмасвой деган митти қўлидаги сеҳрли таёқчаси билан милиция деворини қулатганини ҳаммага айтиб берди, деган хабар бор деб, бошда уни ўқигани қўрқди. Газетани ўқиб чиққанди, Ҳуштакжоннинг топилмаганини билиб, енгил хўрсинди ва севинганидан сакраб юборди. Кечқурун бу қилиғи учун ўзини койиди, аммо эртасига эрталаб бари бир севинди. Секин-аста у ўз виждонининг таъналарига эътибор беришни йиғиштириб қўйди ва унинг борлигига

Ҷа  
хафа бўлмаёқ қўйди. Бунинг устига, янги дўстлари саёҳатчиларимизни зериккани ҳам қўйишмасди. Буларни деб сал бўлмаса Тахтавой билан Биновой уришиб қолишазди. Биновой архитектура ҳақидаги ҳикоясини давом эттириб, уларга Гарвузийнинг уйини кўрсатишни истарди. Аммо Тахтавой уни бир оғиз сўз айтгани ҳам қўймади ва саёҳатчиларни ўз олдидан бир қадам силжитмади. Тахтавойни меҳмонлар билан таништиргани Биновойнинг ўзига алам қилди.

— Агар шунақа бўлишини билганимда сенга уларни таништираман бўлардим, — деди у Тахтавойга.

Бир куни у Тахтавой келмасдан илгари Билмасвой билан дўстларининг олдига кириб, уларни уйдан олиб чиқмоқчи бўлди. Ҳақиқатан ҳам эртаси куни у эрталаб ғира-ширада ўйғонди-да, меҳмонхонага жўнади. Борса, саёҳатчилар йўқ, кетиб қолишибди, бундан роса ҳам ҳайратда қолди.

— Тахтавой тагин мендан олдин келибди-да! — деб тажанг бўлди. — Шошмай турсин у, қўлимга тушиб қолар. Энди нима қилсам экан-а...

Биновой пешонаси тиришиб, кўчага чиққан эди, сакрайдиган автомобилда Тахтавой келиб қолди.

— Қаёққа отланиб қолдинг? — деб сўради мулойимлик билан Биновой.

— Қаёққа деганинг нимаси? — деб ҳайрон бўлди Тахтавой. — Билмасвой билан Тугмачахонларнинг олдига-да!

— Уларни кимдир олиб кетибди-ку!

— Ким олиб кетибди? — деб ҳайрон бўлганидан бир сакраб тушди Тахтавой.

— Мен қаёқдан билай, — қўлини силтади Биновой.

— Нима! — деб бақариб юборди Тахтавой ва ўз пешонасига бир шапалоқ туширди. — Билдим! Бу Балиқжоннинг иши! Улай агар, ўша қаёққадир бошлаб кетган!

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганди. Балиқжон кўпдан бери саёҳатчиларимизни Қуёш боғига боришга кўндириб юрарди ва бу турли фабрика ва заводларга бориб юришдан кўра анча қизиқарли эканини айтганди. Аммо Тахтавой бунга ҳар хил йўллар билан қаршилик қилиб келар, ҳатто уни эшитишни ҳам истамасди. Охири Балиқжон усталик қилиб, саёҳатчилар олдига одатдаги вақтдан эртароқ келиб, уларни Қуёш боғига олиб кетди.

Бу боғ Қуёш шаҳрининг шарқий бурчагида бўлиб, каттагина майдонни ишғол қилган эди. У бир қанча бўлақларга бўлинарди. Бошқача қилиб айтганда, бўлақчаларда шаҳарчалар бор эди. Спорт шаҳарчасида турли спорт ўйинлари ва мусобақалар ўтказиларди. Сув шаҳарчасида сузадиган ҳовуз, сакраш минораси ва бандаргоҳлари бор эди. Театр шаҳарчасида эса ҳар хил театр, кинолар ва цирк бўларди. Шахмат шаҳарчасида шахмат, шашка ўйнашарди. Энг охири Қувноқ шаҳарчада хурсанд қиладиган турли томошалар бўларди.

Ҳар бир шаҳарча ўзига хос қилиб қурилган эди. Ҳаммадан ҳам галатиси Шахмат шаҳарчаси эди. Бутун майдон баҳайбат шахмат тахтасига ўхшаб тенг тўртбурчакли катакларга бўлин- ганди. Барча уй, дўкон ва сайргоҳлар бу ерда фарзин, рух, от, фил ва бошқа шахмат доналари шаклида қурилган эди. Атроф- даги барча ғовлар пиёдалар шаклида бўлиб, ҳар бир кирадиган жойда иккита оқ ёки қора от донаси турарди.

Шахмат тартибида ўстирилган гуллар орасида шахмат ё шашка ўйновчилар учун столчалар қўйилганди. Бу ерда кўп- гина миттивой ва миттиой шахматчилар бор эди. Шахматчи миттивойлар одатда катакнусха костюм, шахматчи миттиойлар ранг-баранг шахмат доналари билан безалган кўйлак кийишар- ди. Улар шахмат ўйини ҳақида маъруза ўқишар, машҳур шах- матчилар ҳаётидаги турли қизиқ ҳодисалардан гапириб бери- шар, шахмат мусобақаларида иштирок этишар, шахмат ҳа- васкорлари бўлган оддий миттивойлар ва миттиойлар билан бир пайтда сеанслар олиб боришарди.

Сеанс ўйинининг маъноси шуки, бир шахматчи бирданига кўпгина тахталарда бир қанча ўйинчилар билан ўйнайди. Шун- дай уста шахматчилар ҳам бор эдики, улар бирданига ўн ё ўн беш тахтада ўйнай оларди. Энг яхши шахматчи, Қуёш шаҳри- нинг чемпиони Донажон тахтага қарамасдан бирданига йигир- ма тахтада ўйнай оларди. Унга фақат қайси донани қаёққа юр- ганини айтишса бас эди, у китобчасига ёзиб оларди-да, жавоб учун қайси донани суришни айтиб қўя қоларди. Шунақа бирда- нига ўйналадиган сеанс ўйинларини ҳам миттилар келиб роса томоша қилишарди.

Шахмат шаҳарчасидаги энг қизиқ нарса — Шахмат автомати эди. Автомат шахмат — бу машина бўлиб, қўли, оёғи ва ҳатто боши бор оддий миттивой кўринишида эди. Автоматнинг ичида ҳисоблайдиган электрон аппарат бўлиб, у электр сими орқали шахмат катакларига уланган эди. Оддий митти бола билан ўйнаган автомат электрон аппарат ёрдамида ютуққа олиб бора- диган дурустроқ йўл топиб, тахтадаги шахмат доналарини су- рарди. Бунинг ҳеч қандай ҳайратда қоладиган ери йўқ, чунки шахмат назариясига биноан ютиш учун қайси донани суриш кераклигини олдиндан мўлжаллаш мумкин.

Шахмат автоматларини энг яхши шахматчилар ясашганди, шунинг учун шахмат машинасида фақат бирорта шахмат чем- пионигина ютиши мумкин эди, лекин ютиш доим мумкин бўла- вермасди. Баъзида қурилмани ясаган ихтирочининг ўзи ҳам ютқазиб қўйган кунлар бўларди. Ихтирочи чарчаши, тоби қочиб қолиши, фаромушлиги туфайли бирорта ножўя, кераксиз юриш қилиб қўйиши мумкин эди. Автомат бузилиб қолмаган бўлса, тўхтамасдан тез юрарди.

Шахмат шаҳарчасидаги павильонлардан бирига бир пайтда ўттиз икки тахтада ўйнаши мумкин бўлган каттакон автомат шахмат ўрнатилган эди. Автомат энг ўртада турган ғилдиракка

ўхшаган столга жойлашган бўлиб, атрофига ўтгиз иккита тахта қўйилганди. Бу тахталар олдига автомат билан ўйнашни истоганлар ўтиришарди. Автомат бир тахтадаги митги билан ўйнагач, ўтирган жойида сал бурилиб, бошқаси билан ўйнарди-да, тағин бошқа томонга буриларди ва шундай усулда доим айланиб ўйнарди. У шунчалик тез айланиб ўйнардикки, баъзи бир ўйинчилар ундан кейин юришга улгуриша олмасди. Бундай ҳолларда автомат тўхтаб, унинг юришини кутиб турарди.

Шахмат шаҳарчасига кириб қолган саёхатчилар бу каттакоп автомат шахматнинг ўйинини анчагача кузатиб туришди. Тугмачахон зерикди. Билмасвой бўлса, эндигина қизиқиб бораётган эди. Билмасвой бир ўйинчининг ютқазиб қўйиб, столдан турганини кўрди-да, унинг ўрнига ўтириб ўйнамоқчи эканини айтди. Тугмачахон шахмат ўйинини кузатиб туришни ёмон кўраман, деди. Олабола ҳам кузатишга тоқати йўқлигини гапирди, Билмасвой ўжарлик қилиб, кетгиси келмади. Шунда Балиқжон маслаҳат бериб:

— Биз, Тугмачахон, Олабола учовимиз ўйнагани Қувноқ шаҳарчага борайлик. Билмасвой сен шахмат ўйнайвергин, кейин сен ҳам кетимиздан ўша ёққа борасан, — деди.

Ҳаммалари шунга келишиб олишди.

## *Йигирма тўртинчи боб*

### БИЛМАСВОЙНИНГ ШАХМАТ КАСАЛИГА МУЪТАЛО БЎЛИБ ҚОЛГАНИ

Тугмачахон ва Олабола Балиқжон билан Қувноқ шаҳарчага кетишди. Билмасвой бўлса, автомат шахмат билан ўйнашга киришди. У ўн юриш қилмасданоқ мот бўлиб қолди. Тағин бир марта ўйнамоқчи бўлган эди, беш-олти юришдаёқ яна ютқазиб қўйди. Бундан кейинги ўйинда уч юришда мот бўлди. Автомат Билмасвойнинг ўйинда қандай хатога йўл қўйганини пайқадида, дарров мот қилиш йўлини топди.

Билмасвойнинг столи ёнида ўтирган ўйинчилардан бири, бунақа мураккаб машина билан шахмат ўйнашга ҳали эрта эканини, яхшиси, аввал кичикроқ, осонроқ автомат билан ўйнаш кераклигини айтди. Билмасвой Шахмат шаҳарчасида тағин бошқа автоматлар борлигини билгач, столдан турди-да, кучи етадиган машиналарни қидириб кетди. У ўн қадам ҳам юрмаганди, бир миттиой билан учрашиб қолди. Унинг устида рангбаранг шахмат доналарининг суратлари ишланган чиройли оқ кўйлак бўлиб, бошида эса, шахмат шоҳининг тожига ўхшаган қалпоқча бор эди. Қизалоқ эски танишлардай Билмасвойга жилмайиб:

— Салом! — деди.

— Салом,— деб жавоб берди Билмасвой.— Биз сиз билан қаердадир кўришганга ўхшаймиз.

— Уят эмасми, Билмасвой? Наҳотки унутган бўлсангиз? Ахир бизнинг кийим-кечак фабрикамизга борган эдинглар-ку.

— Ҳа, рост-а!— деди Билмасвой.— Мен энди эсладим. Сиз Ипакойсиз-ку.

— Ҳа,— деб тасдиқлади Ипакой.— Келинг, ўриндиқда бир оз ўтирайлик. Бу ер жуда ажойиб.

Улар ўриндиққа ўтиришди.

Ипакой:

— Сизларни унутганимиз йўқ, борганларингизни тез-тез эслаб тураемиз. Ушанда жуда хурсанд бўлгандик. Игнаойнинг Тахтавойга: «Сиз отхонадаги от эмассиз, ҳуриллашни уйингизда қиласиз», дегани эсингиздами? Ҳа-ҳа-ҳа! Энди-чи, орамизда битта-яримта кулиб қолгундай бўлса, биз унга: «Сиз отхонадаги от эмассиз, уйингизга боринг-да, ҳуриллаб, кейин қайтиб келинг»,— деб ҳазиллашамиз.

Билмасвой билан Ипакой маза қилиб кулишди.

— Қалай, шаҳримиз сизга ёқдими?— деб сўради Ипакой.

— Жуда ёқди,— деди Билмасвой.— Сизларда ҳар хил машиналар, кинотеатрлар, дўкон ва ҳатто ошхоналар — ҳамма-ҳамма нарса бор экан!

— Сизларнинг шаҳрингиз бизникига ўхшаган эмасми?

— Қаёқда дейсиз!— деб қўл силтади Билмасвой.— Агарда олма егинг келиб қолса, олдин сен олманинг устига чиқиб, кейин олиб ейсан. Қулупнай егинг келса-чи, олдин қулупнай ўстирасан, ёнғоқни кўнглинг тусаса — ўрмонга боришинг керак. Сизларда маза: ошхонага борасан-да, кўнглинг тусаганини ейсан, бизда олдин ишлайсан, кейин тишлайсан.

— Лекин, биз ҳам ишлаймиз, ахир,— деб қаршилиқ билдирди Ипакой.— Баъзилар далада экин экади, бошқа бирлари фабрикаларда буюмлар тайёрлайди. Кейин ҳар ким керагини магазинлардан олади.

— Ахир ишингизга машиналар ёрдам беради-да,— деди Билмасвой,— бизда бўлса машиналар йўқ. Дўконлар ҳам йўқ. Сизлар ҳаммангиз бирга жамоат бўлиб яшайсизлар, бизда эса ҳар бир хонадон ўз-ўзича яшайди. Шу сабабли роса чалкашликлар бўлади. Мисол учун, бизнинг уйда иккита механик бор, ammo битта ҳам тикувчи йўқ. Бошқа бир уйда эса нуқул тикувчилар яшайди-ю, битта ҳам механик йўқ. Мисол учун, сизга шим керак бўлса, сиз тикувчига борасиз, ammo тикувчи сизга шимни бекорга бермайди. Агарда ҳамма текинга шим бераверса, нима бўлади?

— Унақада ўзи тезда шимсиз қолади-ку!— деб кулди Ипакой.

— Ундан ҳам баттар бўлади!— деб қўл силтади Билмасвой.— У фақат шимсизгина қолмай, овқатсиз ҳам қолади, чунки

бир пайтнинг ўзида ҳам кийим тикиб, ҳам ўзига овқат топиш мумкин эмас-да.

— Бу, албатта, тўғри,— деб унинг фикрига қўшилди Ипакой.

— Сиз шимнинг ўрнига нок беришингиз керак дейлик,— деб давом этди Билмасвой.— Мисол учун, агарда тикувчига нок керак бўлмай, стол керак бўлса-чи, унда сиз стол ясаб бериш учун нокни дурадгорга олиб боришингиз лозим, кейин столни тикувчига олиб келиб, шимга алмаштирасиз. Аммо дурадгор ҳам, менга нок керакмас, болта керак, дейиши мумкин. Кейин темирчига боришингизга тўғри келади. Сиз дурадгорга болтани топиб келганингизда, у сизга, энди менга болта керак эмас, мен уни бошқа жойдан топдим, дейиши ҳам мумкин. Мана шундай қилиб, сиз, шим ўрнига болта ушлаб қоласиз!

— Ҳа, ҳақиқатдан ҳам бу катта ташвиш экан.— деб кулди Ипакой.

— Аммо ташвиш бунда эмас, чунки ҳар бирига илож топса бўлади,— деб жавоб берди Билмасвой,— жуда бўлмаганда битта-яримта ошнангиз ўз шимини совға қилади ёки вақтинча бериб туради-да, сиз ташвишдан қутуласиз. Энг ёмони шундаки, бунинг асосида баъзи бир митти болаларда қизганчиқлик ёки зикналик каби даҳшатли касаллик авж олмоқда. Шундан кейин зикна миттилар, керакми ё керакмасми, қўлига нима тушса, ҳаммасини уйига йиғаверадиган бўлишди. Бизда битта шунақа Бўғирсоқ деган миттивой бор. Унинг хонаси ҳар турли қақир-қукур, эски-тускилар билан тўлиб кетган. У доим бу нарсалар керакли буюмларни алмаштиришга зарур бўлиб қолади деган хаёлга боради. Бундан ташқари, унда битта-яримтага керак бўлиб қоладиган бир дунё нарсалар чанг босиб, ишдан чиқиб ётибди. Ундаги костюм ва камзулларнинг сон-саногини йўқ! Костюмнинг ўзидан йигирматача, шимлардан, эҳтимол, эллик жуфти бордир. Буларнинг барчаси хонасида уюлиб ётибди, унда нима бор, нима йўқлигини ўзи ҳам билмайди. Баъзи бир миттилар бундан фойдаланишади. Агарда битта-яримтага шопилинч равишда шим ёки костюм керак бўлиб қолса, келиб ёққанини олиб кетаверадилар. Бўғирсоқ ҳатто нарсаси йўқолганини пайқамайди ҳам. Аммо билиб қолса борми, у шунақанги шовқин кўтарадики, уйдан чиқиб кетсанг ҳам қутулмайсан.

Бу воқеани эшитиб Ипакой роса кулди, кейин:

— Бунақа касаллардан кулиш уят-ку — деди жиддий.— Яхшики, бизда ҳеч ким бундай хавфли касалга чалиниши мумкин эмас. Магазинларимизда туппа-тузук костюмларни олиш мумкин бўлгандан кейин, бизда костюмларни бир тўда қилиб, уйиб қўйишининг сира ҳожати йўқ-да. Бунинг устига модалар тўхтовсиз ўзгариб туради, бир костюм расмдан чиққандан кейин, бари бир уни киймай қўясан. Айтгандек,— деб ўйлаб қолди Ипакой,— бояги дўстларингиз — Тугмачахон, тагин ҳалиги-чи, кулранг бола қаерда?

— Кулранг бола эмас, Олабола, — деб тузатди Билмасвой. — Улар Балиқжон иккаласи Қувноқ шаҳарчага кетишди, автомат билан шахмат ўйнаш учун мен шу ерда қолувдим.

— Қалай, ўйнадингизми?

— Уч марта ўйнаб, ютқаздим, бирор марта ҳам ютолмадим.

Билмасвойнинг катта автомат билан ўйнаганини билган Ипакой, бу автоматни шахмат чемпиони Донажон қурганини, шунинг учун уни, ҳатто тажрибали шахматчилар ҳам ютолмаслигини айтиб берди. Яна бу автомат билан ўйнаб, дуранг қилишнинг ўзи катта ютуқ ҳисобланиши, агарда кимда-ким уни ютиб қолгудай бўлса, чемпион Донажон билан биринчилик учун ўйнаш ҳуқуқини олишини айтди.

Билмасвойга ўхшаган тажрибасиз шахматчилар учун мураккаб бўлмаган автомат шахматлар ҳам кўп эди. Бу машиналардаги электрон аппаратлар оддий бўлиб, уларни ютиш осонроқ эди. Булардан ташқари, кўпчилик автоматлар ўйинчиларнинг кўнглини очиш учун қизиқ қилиб ишланган эди. Мисол учун, бир автоматнинг башараси кулгили қилиб ясалган бўлиб, бурнини тортар ва энсасини қўли билан қашлаб қўярди. Бошқасининг башараси эластик пластмассадан ясалган бўлиб, у яхши юриш қилиб қолгундай бўлса, оғзи қулоғигача очилиб кетарди, ютқазадиган бўлиб қолса-чи, башарасини кулгили қилиб бужмайтирарди. Бурнида чироқча ёниб турадиган автоматлар ҳам бор эди, чироқча ёнганда бурни қип-қизариб кетар ва бошидаги сочи типпа-тик бўларди.

Бундан ташқари, бу ерда ўйинчиларнинг турли қилиқларини кўрсатадиган автоматлар ҳам бор эди. Улардан биттаси юришдан олдин пешонасини тириштирар, нима учундир бурнини кавлар, иккилангандек тахтадан донани олиб, ўйлаганга ўхшар, кейин қайта қўйишни билмай узоқ вақт қўлида кўтариб турарди-да, охири бир жойга қўйиб шошиб-пишиб қайтиб оларди ва олдинги ўз жойига қўйиб яна ўйлаётганга ўхшаб ўтирарди. Автоматнинг бунақанги қилиқларига баъзи бир чидамсиз ўйинчиларнинг жаҳли чиқарди. Бошқа бир автомат юришдан олдин пиқиллар, йўталар, бошини айлантирар, елкасини қисар, қўлини силтар эди. Учинчилари эса, юриш пайтида: «Эҳ, сиз шундоқ юрдингизми? Биз мана бундоқ юрдик!» ёки: «Ҳозир сизга шахмат ўйнашни бир кўрсатиб қўяй!» ёинки: «Сиз ҳозир тамом бўлдингиз!» дерди. Бу овоз ёзиб оладиган магнит лентали аппарат — магнитофон ёрдамида амалга ошириларди. Унга турли иборалар ёзиб олинарди. Ҳар бир юришдан кейин магнитофон автоматик равишда ишларди-да, гап эшитиларди.

Ҳар автоматнинг ўз номи бор эди. Мисол учун, ўттиз икки ўринли шахмат «Титан» дейиларди. «Сиз ҳозир тамом бўлдингиз!» деб гапирадигани «Тамом» деб аталарди. Бўйинини қашийдиган автоматга нима учундир «Барбосча» деб ном қўйишганди. Ипакой Билмасвойни барча автоматлар билан таништи-



риб чиқди, Билмасвой ҳаммаси билан бир мартадан ўйнади, аммо фақат Барбоснигина юта олди.

— Мана кўрдингизми, энди муваффақият қозона бошлаяпсиз! — деди Ипакой. — Бу ерга тез-тез келиб, машқ қилиб туришингиз керак.

Билмасвой шахмат ўйнагунча, Тугмачахон билан Олабола Қувноқ шаҳарчада роса маза қилишди. Бу ердаги хушчақчақлик боққа қадам қўйгандан бошланарди. Бу боққа кириш жойи на дарвозага ва на эшикка ўхшар, ер ости йўлига ўхшаган кенг темир қувурдан иборат эди. Қувур тўхтовсиз айланиб турар, унинг ичидан ўтмоқчи бўлган ҳар бир одамнинг оёғи четга кетиб қолиб, албатта йиқиларди. Мувозанатни тутиб туриш учун оёқларни чаққонлик билан бурчакка буриб, тўппа-тўғрига юриш керак эди. Баъзи бир миттилар ўрганиб қолишгани учун қувурнинг ичидан ҳатто тебранмасдан ўтиб кетишарди. Аммо бундайлар жуда оз эди. Киришни истаган кўпчилик қувурнинг ичида йиқилишдан чўчиб, шаҳарга киролмай қайтарди.

Одатда, бу айланма қувурнинг олдида бир тўда миттилар тўпланиб туриб, ичидан ўтмоқчи бўлган мардлардан кулишарди. Тугмачахон, Балиқжон ва Олабола тўдага қўшилиб, улар ҳам кула бошлашди. Айниқса, Олабола қаттиқ хохолаб кулди. Унга қувурдан ўтиш гўё оппа-осондек, барча қўполлиги учун йиқилаётгандай туюлди. Утишни росаям хохлаган Олабола чаққонлигини кўрсатмоқчи бўлиб, қўрқмасдан қувурнинг ичига кириб кетди. У уч қадам юрмасданоқ, оёғи тойиб кетиб, гўлага ўхшаб қувурнинг ичида айлана бошлади. Чўнтагидаги қандлар тўкилиб кетди. У қандларни териб олиб, қайта чўнтагига солиб қўйди-да, ўрnidан турмоқчи бўлувди ҳамки, яна айланиб кетди. Охири қувур нариги томонга чиқариб ташламагунча шу зайилда чархпалак бўлаверди. Буни кўрган томошабинлар тоза кулишди.

— Кўрдингизми, биз ҳали Қувноқ шаҳарчага кирмасимизданоқ кула бошладик, — деди Балиқжон Тугмачахонга. — Пайқадингизми, бу ерда осонгина кулаверасиз, томошабинлар ўзларидан ўзлари кулишади. Олдин бошқалардан куласиз, кейин қувурга кирасиз-да, бошқалар сиздан кулишади.

Балиқжон шундай дедию, қувурга кириб кетди. Унинг қомаги халтадай бесўнақай бўлса ҳам, барча йўлни чаққонлик билан босиб ўтди-да, қувурдан чиқишга икки қадам қолгандагина йиқилиб тушди, томошабинлар кулиб жоборишди. Ундан кейин навбат Тугмачахонга келди. Ҳамма ҳозир у ҳам йиқилади деб, кулишга тайёрланиб туришганди, аммо Тугмачахон шундай чаққонлик билан қадам босдики, ҳатто, бир марта ҳам қоқилмади.

Қувноқ шаҳарчага киришган саёҳатчиларимиз хиёбон бўйлаб юриб, ўртасига катта ёғоч филдирак қўйилган супачага етишди. Бу филдирак шайтон филдирак деб аталарди. Истовчилар унинг устига ўтиришарди. Филдирак тез айлана бошлар,

шунда марказдан қочириш қуввати ўтирганларни четга улоқтириб юборарди.

Шайтон ғилдиракда айланиб ерга ўмбалоқ ошиб тушган саёҳатчилар сал юриб сеҳрли ойна олдида тўхташди. Бу ойна текис эмас, қийшиқ эди, доим айланиб турарди. Шунинг учун унга қараган митти болаларнинг боши нўхатнинг поясига ўхшаб кетарди-да, оёғи ғознинг оёғига ўхшаган кап-калта бўлиб кўринарди. Кейин тескариси бўлиб, оёғи макарондай чўзилиб кетар, калласи чўзмадай ясси бўлиб қоларди. Бирпас ўтгач, бурни чўзила бошлар ва юзи ёйилиб беўхшов бўлиб қоларди.

Буларни кўриб кулмасдан илож йўқ эди. Кулавериб иштаҳалари очилган саёҳатчилар ошхонага жўнашди. Овқатдан кейин ғилдиракли атом автостулчада ва зўлдирли ўзикюрар чанғида учиди.

Атом автостулча оддий стул ёки оёқ қўядиган жойи бўлган курсичани эслатарди. Фақат унинг оёғи ўрнида юмшоқ резина ғилдирак ўрнатилганди. Утирадиган жойнинг ичида стулчани ҳаракатга келтирадиган кичкина атом двигатели бор эди.

Автостулчада юриш учун уни қандай қилиб бошқаришни ўрганишнинг ҳожати йўқ. Унинг устига ўтириб: «Олға!» дейилса бас, стулча ўзидан-ўзи олдинга юриб кетаверади. Агарда «Тезроқ!» ёки «Секинроқ!» десанг, стулча шу заҳоти юришни тезлатади ёки секинлатади. «Ўнгга» ё «чапга» десанг ҳам истаган томонга бурилади. Агар «Тўхта!» десанг, стулча ўша ондаёқ тўхтайди.

Бу сўзларни унчалик қаттиқ айтмай, шивирлаб, ҳатто айтмай ичингда ўйласанг ҳам бўлади. Тугмачахон билан Олабола нега бунақа, деб қизиқиб қолишди. Балиқжон тушунтириб берди. Пастдаги тиргак электр сигналларини бошқарар экан, у курсида ўтирган миттининг оёғи остидан электр сигнални илиб олиб, махсус электрон аппаратга узатар экан, у двигателни юргизиб, тезликни бошқарар ҳамда ўнг ва чапдаги механизмларни ишлатар экан.

— Оёғимда қандай сигнал бўлиши мумкин? — деб ҳайрон қолиб сўради Олабола. — Оёғимдан ҳеч қандай сигнал ўтаётгани йўқ-ку.

— Сиз уни пайқамасиз холос-да, — деди Балиқжон. — Чунки бу сигналлар жуда ҳам секин берилади, ҳарҳолда, сигналлар йўқ эмас, бор. Мана, масалан, сиз хаёлан «олға» дейсиз, ўша заҳоти миянғиздан асаблар томон олдинга ёки орқага, ўнг ёки чап томонга юришни буюриб, асаб электр сезги югуради. Мана шундай электр сезгиларни электрон аппарат илиб олади.

Олабола автомат стулчага ўтириб юра бошлади ва фикрларини стулчанинг қандай қилиб эшита олишини қизиқиш билан қузатди. Кейин у:

— Бунақа стулча Билмасвойнинг сеҳрли таёқчасидан анча дуруст экан, — деди. — Бунда фақат ўнгга ё чапга юраман деб ўйласа бўлди экан, ўша заҳоти истагинг амалга ошар экан. Бил-

масвойнинг сеҳрли таёқчасини қимирлатиш, хоҳлаган нарсани гапириб ўтириш керак. Очигини айтганда, у бўлмагур нарса.

Автостулчада роса тўйиб ўйнаган Олабола, Тугмачахон ва Балиқжон кейин гилдиракли ўзиюрар чанғида учишди. Буларда ҳам автостулчага ўхшаган электрон аппаратлар бўлиб, миниб юрган митти болаларни ўйлаган томонларига олиб боришарди.

Балиқжон: «Автостулча ва ўзиюрар чанғилар фақат шу боғда бор холос, аммо тез кунда шаҳар кўчаларида ҳам юради, кейин эҳтимол ҳеч ким автомобилларда юрмай, барча автостулчаларда юриб қолар», — деди.

Кун ўтгани ҳам сезилмай қолди. Тугмачахон, Балиқжон ва Олабола шахмат шаҳарчасига келиб, Билмасвой билан Ипакойни излаб топишди-да, кейин ҳаммалари томоша кўриш учун Театр шаҳарчасига йўл олишди.

Шундан бери Тугмачахон билан Олаболани ҳар куни Қувноқ шаҳарчада кўриш мумкин бўлиб қолди. Билмасвой эса, кунбўйи Шахмат шаҳарчасида йўқолиб кетарди. У бу ерда Ипакой билан учрашиб, турли мавзуларда суҳбатлашарди. Улар учун энг қизиғи шахмат ўйини эди. Ипакой ашаддий шахматчилардан бўлиб, Билмасвойнинг ҳам шахмат касалига мубтало бўлгани унга жуда маъқул эди.

## *Йигирма бешинчи боб*

### ҲУШТАКЖОННИНГ ТОПИЛГАНИ

Касалхонага тушиб қолган Ҳуштакжон, ҳамшира ёки врачлардан битта-яримтаси уни Патирвой деб атаса, олдинга ҳайрон бўлиб юрди. Аммо нима учун бунақа ғалати ном билан атаётганини сўраш хаёлига келмади. Мияси лат ейиши натижа-сида унинг ақли бир оз ўтмаслашиб қолган ва боши олдингидай яхши ишламасди. Секин-аста унинг ақлий қобилияти тикланди-ю, аммо у бу орада ўзи сезмаган ҳолда янги номга кўникиб қолди, бир неча бор менинг номим Патирвой экан, деган хаёлга борди. Баъзан уни шу ном билан чақиришса, ҳайрон бўлиб қоларди-да, менинг номим шундаймикин ё бошқамикин деб ўйларди ва гапга дарров жавоб беролмасди.

Доктор Иссиқвой Ҳуштакжоннинг феълидаги бу ғаройиб ҳолатни касалликка йўйди. Бу касалик ҳолати қўзғатувчи ва тўхтатувчи асаб системасига таъсир этганини аниқлади. У ўзининг кулги билан даволаш усулини давом эттирди. Олдин унинг ҳазиллари беморга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Аммо Ҳуштакжоннинг ақлий қобилияти аста-секин тиклана бориб, юзида маъноли жилмайиш пайдо бўла бошлади. Ҳарқолда, бу шуни кўрсатадики, митти боланинг кулгини тушуниш қобилияти унинг ақлий тараққиётига боғлиқ экан.

Хуштакжоннинг юзида аста-секин пайдо бўлаётган кулгини пайқаб юрган доктор Иссиқвой, даволашнинг иккинчи босқичига, яъни қизиқ воқеаларни гапириб бериш ўрнига қизиқ китобларни овоз чиқариб ўқиб бериш усулига ўтди. Шу мақсад билан унга машҳур ёзувчи Қалдирғочий «Ўттиз учта қувноқ қарғача» деб аталадиган китобиши ўқиб берди. Бу китобни эшитган Хуштакжон қаттиқ кулиб юборди. Бу доктор Иссиқвойга далда берди. У энди унинг ўзи ўқийверса бўлар экан, деган қарорга келди. Кейин касалга бир кучоқ газета олиб келиб берди. Бу милиционер Хуштакжоннинг йўқолиб қолгани ҳақида талайгина кулгили воқеалар ёзилган газеталар эди.

Аммо бу кулгили воқеалар милиционер Хуштакжоннинг ўзига кулгили бўлиб туюлмади. Газетада ўз номини кўриб қолиб, йўқолган милиционер Хуштакжон ўзи эканини ва касалхонада атаслигаридай Патирвой эмаслигини эслаб қолди. Хуштакжоннинг онги тамоман ёришгач, бўлган воқеаларнинг барчасини: яъни Билмасвой қўлидаги сеҳрли таёқчасини силкитганини ва ундан милиция идорасининг девори қандай қилиб қулаганини эслаб қолди. Шунда барча газеталарни бир четга йиғиштириб, ирғиб ўрнидан турмоқчи бўлганди, доктор Иссиқвой:

— Ётинг, ётинг, Патирвой. Тўсатдан қаёққа отланиб қолдингиз? — деди.

— Мен сираям Патирвой эмасман, милиционер Хуштакжонман, — деди Хуштакжон. — Тезда ўз вазифамга тушишим ва сеҳргарни ушлаб, қўлидаги сеҳрли таёқчани тортиб олишим керак, бўлмаса, у таёқча билан уйларни ағанатиб, талай зарар келтириши мумкин.

Доктор Иссиқвой мияси суюлган баъзи бир касаллар ўзларини гўё жодугарлар ёки қўрқинчли сеҳргарлар кузатиб тургандай ҳис қила бошлашларини билар эди. Шунинг учун у Хуштакжонни ҳеч қанақа сеҳргар бўлмагани ва бўлиши мумкин эмаслигига ишонтира бошлади. Аммо милиционер Хуштакжон сеҳргарнинг милиция идорасини қулатганини ўз кўзи билан кўрганини айтди.

— У сеҳргар қанақа эди? — деб кулимсираб сўради доктор Иссиқвой.

— Ҳаммага ўхшаган оддий митти эди, фақат шими сариқ, қўлида сеҳрли таёқчаси бор эди, — деб жавоб берди Хуштакжон.

— Сизга буларнинг барчаси шундай бўлиб кўрингани аниқ, — деди Иссиқвой. — Митти боланинг сариқ шим кийиб юргани ҳеч қаерда кўрилган эмас-ку! Бунақа мода ҳам йўқ, ахир!

— Шунақа мода бўлмаса, яна яхши, сариқ шимида уни таниб ушлаш ва қўлидаги сеҳрли таёқчани тортиб олиш осон бўлади.

Доктор Иссиқвой ачиниб бошини қимирлатди-да, иссиғи бор-йўқлигини билиш учун касалнинг пешонасини ушлади.

— Эҳтимол, бошингиз оғриётгандир-а? — деб сўради у.

— Ҳеч қанақасига бошим оғриётгани йўқ! — деди жаҳли чиққан Ҳуштакжон.

— Сизга фақат оғримаётгандай бўлиб туюлади, аслида оғрияпти, — деди Иссиқвой. — Ҳозир пешонангизга муз қўйсак, ўзингизни тезда енгил ҳис қиласиз.

Доктор Иссиқвой ҳамширани чақириб:

— Ҳамшира, Патирвойнинг бошига муз босинг, — деди.

— Ахир сизга айтдим-ку, мен Патирвой эмасман, милиционер Ҳуштакжонман, деб!

— Ҳа яхши, яхши, — деб уни тинчлантирган бўлди Иссиқвой. — Касал миёси лат егандан кейин ўзини машҳур одамлардан деб ҳисоблайди. Мана сиз газеталарда машҳур милиционер Ҳуштакжонни ўқидингиз-да, кейин ўзингизни Ҳуштакжон деб ҳисоблай бошладингиз.

— Йўқ, мен аслида Ҳуштакжонман.

— Мана, ҳозир гувоҳномангизни кўрсангиз, Ҳуштакжон эмас, Патирвой эканингизга ишонч ҳосил қиласиз. Ҳамшира, Патирвойнинг гувоҳномасини буёққа олиб келинг.

Ҳамшира Патирвойнинг камзулини олиб келди-да, чўнтагидан шофёрлик гувоҳномасини олди.

— Қани, кўрайлик-чи, бу ерга нима деб ёзилган экан, — деди Иссиқвой қўлига гувоҳномани ола туриб. — Сиз Макарон кўчасида яшайсиз-а?

— Тўппа-тўғри, — деб тасдиқлади Ҳуштакжон.

— Уттиз еттинчи уйдами?

— Уттиз еттинчи уйда.

— Демак, сиз Патирвойсиз-да?

— Бундай бўлиши мумкин эмас!

— Қанақасига мумкин эмас экан? Мана қаранг-а, оқ қоғозга қора билан Патирвой деб ёзиб қўйилган. Қаранг-а, «Патирвой».

Ҳуштакжон гувоҳномани қўлига олиб, нима ёзилганини ўқиб кўрди.

— Қаранглар, ростдан ҳам: «Патирвой Макарон кўчасида, 37-уйнинг 66-хонасида яшайди...» деб ёзилган. Шошманглар-чи, нима учун 66? Менинг хонам 99 эди-ку.

— Ёмон йиқилганингиздан миангиз шикастланган бўлиши керак, — деди Иссиқвой. — 66 ни оёғини осмондан қилиб ўқинг, 99 бўлиб кўринади.

Ҳуштакжон гувоҳноманинг пастини баландга қилиб кўриб, кулиб юборди.

— Қаранглар, чиндан ҳам 99 экан. Мен агарда Патирвой бўлсам, мен Ҳуштакжон бўлмайман, э йўғ-э, тфу! Агар мен Ҳуштакжон бўлсам, Патирвой бўлмайман! Тўғри айтяпманми?

— Жуда ҳам тўғри, — деб тасдиқлади Иссиқвой. — Фақат безовталанманг. Яхшиси, ухлашга ҳаракат қилинг. Яхшилаб ухласангиз, Ҳуштакжонни унутиб юборасиз. Бунинг барчасига ўзим айбдорман, сизга ўқиш учун бу газеталарни бермаслик керак эди.

Ҳуштакжон аста-секин тинчланди-да, тез орада уйкуга кетди. Аммо бу суҳбатдан кейин доктор Иссиқвой ўйлаб қолди. Патирвойни бу Патирвой эканига ишонарди. Аммо кўнгли, ҳарҳолда, безовта эди. У шофёрлик гувоҳномасини олиб, Макарон кўчасига йўл олди. 37-уйни топди ва тўртинчи қаватга чиқиб, 66-квартиранинг қўнғироғини босди. Унга эшикни Ҳазилвой очди.

— Айтинг-чи, Патирвой шу ерда турадимиз? — деб сўради доктор Иссиқвой.

— Ҳа, кира қолинг, — деди Ҳазилвой.

Доктор хонага кирди. Ҳазилвой диванда ўтирган Патирвойга қараб:

— Кўрдингми, Патирвой, сени йўқлаб келишибди, ҳазиллашаётганим йўқ, — деди.

Патирвой ўрнидан туриб Иссиқвой томон юрди.

— Сиз Патирвой бўласизми? — деди Иссиқвой қаршисида турган ҳақиқий Патирвойни кўриб.

— Ҳа, менман. Нимага мен Патирвой бўлмас эканман?

— Ҳа, ҳа, албатта, — деди Иссиқвой. — Нима учун сиз Патирвой бўлмас экансиз. Аммо масала шундаки, бошқа яна битта Патирвой бор-да, яъни... Тфу-эй! Мен нимадир деяпман-а! Қани сиз менга айтинг-чи, сиз мабодо шофёрлик гувоҳномангизни йўқотмадингизми?

— Ҳа, ҳа, йўқотганман, — деб севиниб кетди Патирвой, — яъни йўқотганим йўқ, бизникида тунаб қолган бир тентак камзулим билан бирга олиб кетибди.

Доктор Иссиқвой чўнтагидан гувоҳномани олиб, Патирвойга кўрсатди.

— Меники, худди ўзи! — деб севиниб кетди гувоҳномани кўриб Патирвой. — У қандай қилиб сизнинг қўлингизга тушиб қолди?

Доктор Иссиқвой Ҳазилвой билан Патирвойга Кўкноригула деган қизалоқ касалхонага олиб келган митти болани гапириб берди. Ҳазилвой билан Патирвой бўлса, доктор Иссиқвойга, уларнинг уйига кириб ухлаб қолган ва янглишиб Патирвойнинг камзулини кийиб кетган митти бола тўғрисида айтиб беришди.

Ҳазилвой билан Патирвой Ҳуштакжоннинг камзулини олиб доктор билан бирга касалхонага жўнашди. Ухлаб ётган Ҳуштакжонни кўрган заҳоти танишди, уйларида учратган митти бола шунинг ўзи эканини айтишди. Улар Патирвойнинг камзулини олишди. Кейин доктордан эртага келиб, касални кўриш учун рухсат сўрашди. Эртага хонамизга қандай қилиб кириб қолганини билиб кетамиз, деб уйларига жўнашди.

Ҳазилвой билан Патирвой кетишгач, доктор Иссиқвой қаттиқ ўйланиб қолди.

Патирвойимиз — Патирвой эмаслиги энди аниқ бўлди.

у Патирвой бўлмагандан кейин, шубҳасиз, йўқолган милиционер Ҳуштакжоннинг худди ўзи бўлади.

Доктор Иссиқвой шундай қарорга келди-да, газета редакциясига телефон қилиб, йўқолган милиционер асло йўқолмаганини, ҳозир касалхонада ётганини хабар қилди. Ҳақиқатга газета муҳбири Қаламжон касалхонага етиб келди. У доктор Иссиқвой ва милиционер Ҳуштакжон билан гаплашди. Кейин Ҳазилвой ва Патирвойларникига бориб, бу масалада нимани билсалар, барини сўраб олди. Ундан кейин Кўкноригул деган қизалоқникида бўлди. Охири милиция бўлимига учради, қулаган жойни кўрди, милиционер Қоровулжон билан ҳам суҳбатлашди.

Эрталаб газеталарда милиционер Ҳуштакжоннинг саргузашти ҳақида тўлиқ ҳисобот-мақола босилиб чиқди. Кутилмаган янгиликдан бутун шаҳар ҳайратда қолди. Шаҳар аҳолиси шунча шов-шув кўтариб, охири топилган милиционер Ҳуштакжон ҳақида хабар босилган газеталарни қўлдан қўймай ўқирди. Ҳамма фақат Ҳуштакжон ҳақидагина гапирарди.

Тонг қоронғусидан Шахмат шаҳарчасига келиб олган Билмасвой «Барбосча» деган автомат билан шахмат ўйнади ва йўлда тўпланиб газета ўқиётган миттиларга ҳайрон бўлиб қараб-қараб қўярди. Уларнинг нима ҳақда суҳбатлашаётганига Билмасвой қизиқиб қолди. Аммо бошланган ўйинни бўлишни истамади.

Шу пайт Ипакой кўриниб қолди. У қўлидаги газетани силкитиб, физилаб чопиб келарди.

— Билмасвой! — деб бақирди у узоқдан Билмасвойни кўриб. — Ҳуштакжон топилибди.

— Тагин қанақа Ҳуштакжон? — деб ҳайрон бўлиб сўради Билмасвой.

У Ҳуштакжон борлигини аллақачон унутиб юборган эди.

— Ҳув, йўқолиб қолган милиционер Ҳуштакжон-чи.

Билмасвой бирдан бўлган воқеани эслади. У Ипакойнинг олдига югуриб борди-да, қўлидан газетани олиб ўқий бошлади. Бу газетада Ҳазилвой билан Патирвойнинг ҳам, Кўкноригул билан Қоровулжоннинг ҳам, доктор Иссиқвой билан милиционер Ҳуштакжонларнинг ҳам гаплари ёзилган эди. Ҳуштакжон, милиция идораси деворини қулатган сеҳрларнинг оқ-сариқ шим кийганини, шунинг учун уни топиш осон эканини, зарарли сеҳрли таёқчасини тортиб олиш зарурлигини айтган эди.

Билмасвой Ҳуштакжоннинг айтганларини ўқиши билан уни кўрқув босди. У оқариб кетиб, ўриндиққа ўтирди, оқ-сариқ шимини газета билан тўсиб олди. Буни кўриб қолган Ипакой кулиб юборди.

— Сенга нима бўлди, Билмасвой? — деб сўради у. — Ҳа, тушуняпман. Ахир сен ҳам сариқ шим кийгансан-да. Мени сеҳрлар ҳисоблашади, деб кўрқяпсан-да?

— Ҳа, — деб бўйнига олди Билмасвой.

— Уят эмасми, Билмасвой? — деб қичқириб юборди Ипакой. — Ахир, дунёда сеҳргар йўқлигини билмайсанми?

— Нега бўлмаса Ҳуштакжон сеҳргарни кўрдим, деган?

— Бўлмагур гап, — деди Ипакой. — Ҳуштакжон касал, у алаҳлайди, хаёли бузилган. Буларнинг ҳаммаси унинг хаёлига келади. Мана, ўқигин, бу ҳақда доктор Иссиқвой нималар деб ёзган.

Билмасвой доктор Иссиқвойнинг газетада босилган мақола-сини ўқишга киришди. Доктор Иссиқвой: «Милиционер Ҳуштакжон ҳали тўлиқ соғайган эмас, — деб ёзибди. — Мияси лат егандан кейин унинг ақлий қобилияти ҳали тўлиқ тикланганича йўқ. Хаёли ҳам сал бузилган. Шунинг учун касал сариқ шимликларни сеҳргар деб фараз қилади, гўё уларни кўрдим дейди, ўша пайтда у албатта, ҳеч нимани кўрмаган. Аммо касалдаги бу ҳолат аста-секин йўқолади, бунгача касалхонада бўлиши керак, чунки бунақанги зарарли касал атрофдагилар учун ҳам хатарли».

Ҳуштакжоннинг ҳали-бери касалхонадан чиқмаслигини газетадан ўқиган Билмасвой бир оз тинчланди. Аммо у ўриндиқдан туришга ҳам қўрқди. Ҳамма унинг сариқ шимига қараб турганга ўхшаб туюлди.

— Анови тентакни қаранглар, — деди Ипакой, — сариқ шимли битта сенмидинг. Атрофга қарагин!

Билмасвой теваракка аланглаб, ҳаммаёқда сариқ шим кийиб юрган миттилари кўриб қолди.

— Эсингдами, фабрикамаизга келганларингда рассом қиз Тугмаой сариқ шим лойиҳасини чизаётганди-ку! — деди Ипакой. — Ҳозир фабрика бу модани ўзлаштириб олди. Кечадан бошлаб бутун дўконларга сариқ шимлар келтирилди. Ҳозир сариқ шим расм бўлди

## *Йигирма олтинчи боб*

### МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

Эгнидаги сариқ шимига ҳеч кимнинг эътибор бермаётганини кўрган Билмасвой тинчланди-да, милиционер Ҳуштакжон ҳақида ўйламай қўйди. Кунни анчагина кўнгилли ўтказди, фақат кечқурун ётаётиб ўзини ноқулай сезд. Гўё нимасинидир йўқотганга, кимгадир бир нарсани беришга ваъда қилиб, уни бермаганига ёки унга бошқалар бирор нима ваъда қилиб, кейин беришмаганга ўхшаб туюларди.

«Менга нима бўляпти ўзи?» — деб ҳайрон қолди Билмасвой. — Ҳамма иш жойида эди, бирданига бунақа бўлиб қолди».

У каравотда ётиб бир у ёнбошига, бир бу ёнбошига ағдарилди, бир амаллаб ухлаб қолишга уринди, лекин бирдан чивин



гингиллагандай ингичка чийиллашни эшитиб қолди. Қулоқ солиб, аста-секин чийиллашнинг фарқига бора бошлади.

«Сен милиционерни унутдингми? Унутдингми? — дерди чийиллаган овоз.

«Сени қара-я! — деб ҳайрон бўлди Билмасвой. — Бу ахир виждон-ку. Ҳа-ҳа. Айтгандай, кўпдан бери овозингизни эшитмагандик!»

Аммо виждон унинг масхара қилишига қарамай, сўзида давом этди: «Сен маза қилиб ўринда ухлайсан, милиционер бўлса, сени деб касалхонада ётибди. Яхшиси, Иссиқвойнинг олдига бориб, Ҳуштакжон ростдан ҳам менинг қўлимда сеҳрли таёқча кўрганди, деб айтгин. Ахир Иссиқвой Ҳуштакжоннинг ақл-хуши ўзида эмас, шунинг учун уни даволаш керак деб ҳисоблаяпти-ку!»

«Ана холос, — деб юборди Билмасвой. — Мен энди ётай деганимда уйғониб, гингилай бошлайди. Бу нимаси энди?!»

Аммо виждон жим бўлмади, ўз гапини таъкидлайверди:

«Ахир, сенинг яхши одам бўлишингни истайман-ку. Сенинг ноҳўя иш қилаётганингни кўрсам, сира ухлай олмайман».

«Ҳа, бўпти, бўпти, — деди тутақиб Билмасвой. — Эртага бориб ҳаммасини айтаман. Милиционер мени жазолай қолсин. Сеҳрли таёқчамни ҳам олақолсин. Таёқчасиз ҳам ишим битар. Шу туфайли нуқул кўнглим ғаш бўлади!»

Билмасвой бу гапларни айтиб улгурмасданоқ, виждон тинчланди-да, ўша заҳоти ухлаб қолди.

Эртаси куни Билмасвой ҳеч қаёққа бормади ва ҳеч кимга бирор нима демади. Кечқурун уни виждон тагин безовта қила бошлаган эди, у ваъдамни эртага бажараман, деди. Шундай қилиб, у виждон билан келишиш усулини топиб олди. У билан баҳслашишнинг ҳожати йўқ эди, у безовта қила бошлаган заҳоти, унга: «Хўп, майли, эртага бажараман», деб айтиш кифоя эди. Виждон ўша заҳоти жим бўларди-да, кейин бемалол ухлаш мумкин эди.

Саёҳатчиларимиз олдингидай кунбўйи боғда қолиб кетишарди. Бу орада Қуёш шаҳрида муҳим воқеалар бўлиб ўтди ва шаҳар аҳолиси турмушида сезиларли ўзгариш ясади. Бу воқеалар ривожда собиқ учта эшак, яъни барчага маълум бўлган Пастак, Шаталоқ ва Човкарларнинг хизмати катта бўлди. Бу учови Макарон кўчасида учрашганларида Човкар йўлкага кўндаланг арқон тортиб қўйиб, бундан милиционер Ҳуштакжон шикаст егандан бери бир-бирларидан сира ажрашмасди. Учаласи сира зерикишмасди. Шаталоқ билан Пастак бўлса, Човкар тагин бирорта қизиқ гап топар деб умид қилишарди. Човкар, мен биладиган энг қизиқ ишлардан бири-йўловчиларга ичакдан сув сепиш, деди. Аммо, эҳтимол, кейинроқ тагин қизалоқ бирор нима ўйлаб топарман, деб қўшиб ҳам қўйди.

Эрталаб кўчада сув сепувчилар пайдо бўлиши билан Пастак, Шаталоқ ва Човкар келиб, битта сув сепувчидан ичакни тортиб

олишди-да, ўткинчиларга сув сепа бошлашди. Йўловчилар нима гаплигига тушуниб етгунларича, кўплар бошидан-оёғигача шалаббо бўлди. Пастак, Шаталоқ ва Човкар бунақа ҳазилларни бошқа кўчадаги ўткинчиларга ҳам ишлатишди, кейин учинчи кўчага ўтишди. Уларнинг бу «жасорат»лари изсиз қолиб кетмади. Эртаси кунги газетада янги хабар босилиб чиқди. Хабарда бундай деб ёзилганди:

«Газетамизда иккита номаълум ўткинчининг гулга сув сепадиган ичакдан кўчадаги одамларга сув сепганини аллақачон ҳабар қилган эдик. Кеча тагин шунга ўхшаш хунук воқеа содир бўлди. Ивиганлардан бири шамоллаб касал бўлиб қолибди. Ҳозирги пайтда у касалхонада, аҳтимол, бир неча кун ётишига тўғри келар.

Шуни ҳам айтиш зарурки, ўткинчиларга совуқ сув сепиш маданиятсизлик, тентакликдир, бунақа ярамас қилиқ шаҳримизда кўпдан бери кўрилмаган эди. Бир неча ўн йиллар олдин бундай ҳодиса энг охири марта рўй берган эди. Бошқа миттиларга озор бериб, ўзлари маза қиладиган миттилар узоқ замонлардагина яшаганди. Масалан, уларнинг баъзиларига, бировнинг орқасидан пусиб, биқинига мушт тушириш ёки бошига идишдан сув сепиш каби қилиқлар ёқарди. Уларнинг кўплари чалишмачоқ ўйнашни яхши кўрардилар. Кўчада елдай югуриб, ўткинчиларни чалиб йиқитиб кетишарди, шунинг учун улар энгилтаклар деб ном олишганди.

Тарбиявий иш олиб бориш натижасида шаҳримизда энгилтакларнинг йўқолганига кўп йил бўлди. Миттиларга сув сепган бу энгилтаклар ўтган замонлардан қолганларими ёки бир ёқдан келиб қолган янгиларими, бу ҳали маълум эмас. Яқин кунда бу нарса аниқланар деб умид қиламиз».

Шуни ҳам айтиш керакки, энгилтакларнинг эрмаги ичакдан сув сепишгина эмасди. Қуёш шаҳри аҳолисининг кўпинча бекинмачоқ ўйнашганини кўриб, улар ҳам бекинмачоқ ўйнашга киришдилар. Лекин бу ўйинга баъзи ўзгартиш киритишди. Бунинг натижасида, ҳатто у оддий миттилар орасига ҳам ёйилди, кейин «енгилтаклар бекинмачоғи» деб ном олди. Ҳар бир ўйинга иштирок этувчи митти қўлига бир идишда сув ушлаб оларди. Бекинмачоқда кимда-ким қўлидаги сувни бирортасига сепса, у енгарди-да, унинг ўрнига ҳўл бўлган турарди, у ҳам ўз навбатида бошқа бировга сув сепишга ҳаракат қиларди.

Пастак, Шаталоқ ва Човкар югуриб ўйнайдиган ўйинлардан ташқари, столда ўйнайдиган ўйинлардан лото, домино, бильярд ва ҳатто шахматни ҳам тез ўрганиб олишди. Аммо бу ерда ўйновчиларнинг оддий ўйнашлари уларга маъқул бўлмади. Янгилик ўйлаб топадиган Човкар чертки ўйинини чиқарди. Шахмат, шашка, домино ёки бильярдда ютқизган митти — иккита ёинки олдиндан шартлашган ҳисобда пешонасидан чертки ерди.

Бундай ярамас қилиқлар қиладиган Пастак, Шаталоқ ва Човкарнинг оддий миттилардан эмаслигини яна бир эслатиб

ўтиш зарур. Уларнинг ҳар бирида олдинги безориликлардан бирор белги сақланиб қолган эди. Айниқса, Шаталоқ кўполлиги билан ажралиб турарди. У ҳеч қачон кўчада бировга йўл бермасди, аксинча, ҳаммани туртар, оёғини босар ва тўғри келган жойга туфлаб кетаверарди. Секингина кулишнинг ўрнига, қулоқни кар қилгудай қилиб хахоларди. Одамлар қулоқларини қўллари билан бекитиб олишарди. Агарда унга бирор нарса керак бўлиб қолса-чи, сўраб ўтирмасди, тортиб олаверарди. Мабодо беришмаса, тепарди, баъзида тишламоқчи ҳам бўларди. У ҳаммани шалпангқулоқ дер ва шунга ўхшаш ёмон гаплар билан атарди, кўпларни қулоғингни узиб оламан деб қўрқитарди, бировнинг уйига тушишни мўлжаллар, агарда эгалари ухлаб ётган бўлса, сўрамасдан буюмларини олмоқчи бўларди.

Човқар билан Пастак ҳам ундан қолишмасди. Тўрт оёқлаб юрмасдан икки оёқлаб юришлари учаласига ҳам Ғалати туюларди. Доим тўрт оёқлаб юргилари ва эшакка ўхшаб ҳанграгилари келарди. Аммо аллақандай ички куч бунга йўл қўймасди. Истаклари амалга ошмагандан кейин, уларни ғам босиб, ёруғ дунё қоронғи бўларди-да, бошқаларнинг ҳам жонини қийнаш учун бирорта ёмон қилиқ қилишни хоҳлашарди. Агарда Билмасвой буларнинг бунчалик қийналаётганини билганда, ўша заҳотиёқ қайта эшакка айлантирган бўларди-я. Аммо у бундан беҳабар эди-да.

Қуёш шаҳри аҳолиси кўпинча учала дўстнинг бирга юрганини кўрарди. Уларнинг бир-бирига ўхшашини ҳар ким ҳам дарҳол пайқарди. Ҳақиқатдан ҳам, учаласи бир хил наъмада, очиқ рангдаги калта камзул кийишганди, калта энгларидан кучли мушлари чиқиб турарди. Яшил-сарик рангли кенг узун шим, бошларига эса қалпоқ ёки кепка ўрнига хол-хол гулли бесўнақай беретга кийишганди. Синчиклаб қараганда юзларидаги ўхшашликни ҳам пайқаш мумкин эди. Айниқса, уларнинг тугмадай пучуқ бурни ва башараларига аллақандай бесўнақайлик бериб турган узун, чўччайган юқори лаблари кўзга ташланиб турарди. Олдин айтилганидай, уларнинг бир-биридан фарқи шунда эдики, Човқарнинг сепкили бурнидагина бўлса, Шаталоқнинг сепкили бурни билан юзида, Пастакнинг бутун башарасини сепкил босиб кетган бўлиб, кўкнори уруғи сепганга ўхшарди.

Қуёш шаҳрида кийим-кечак ва айниқса модага жуда катта аҳамият беришганидан Пастак, Шаталоқ ва Човқарнинг кийими кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Баъзилар янги расм бўлибди, деб магазинга югуриб қолишди. Аммо магазинларда калта энгли рангдор камзул ҳам, олачипор береткалар ҳам топилмади. Фақат сарик шимларгина бор эди. Кўпчилик сарик шим кийиб ясанди, аммо кейинчалик кўришса, бу шимлар кўнгилдагидек эмас экан. Биринчидан, шимлар айтарли кенг эмас, иккинчидан, етарли узун ҳам эмасди, учинчидан, улар сарик эди. Расм бўлган шимлар эса сарик бўлмай, нуқул сарик-яшил тусда эди.

Игнахон ишлайдиган кийим фабрикаси тикиб чиқарган жуда кўп сариқ шимлар магазинларда қолиб кетди. Уларни ҳеч кимнинг олгиси келмади. Игнахон алам қилганидан нақ сочини юлгудай бўлди. Бу орада магазинларга сариқ-яшил рангдаги кенг шим, энги тор камзул ва олачипор береткалар тикиб бериш тўғрисида талаблар кела бошлади.

— Бунақа талаблардан жинни бўлиб қолишинг ҳам мумкин,— деб қизишди Игнахон.— Шимнинг кенг бўлгани, камзулнинг энги тор бўлгани қаерда учраган ўзи! Йўқ, биз бунга йўл қўёлмаймиз! Бу жуда бесўнақай.

— Албатта!— деб маъқуллади бу гапни унинг лойиҳаси бўйича ишланган шимларнинг ўтмай қолганидан жаҳли чиққан Тугмаой.— Сариқ-яшил шим бўлмайди! Чиройли эмас.

— Йўқ, йўқ!— деб қувватлади Игнахон.— Бизнинг фабрикамиз бунақа шимларни тикиб чиқармайди. Улар бутунлай шимсиз қолса ҳам, бизнинг ишимиз йўқ!

Баъзи бир мода ишқибозлари фабриканинг уларга зарур бўлган фасонда кийим тикиб беришини кутиб ўтиришмай, ўзларига яшил-сариқ рангдаги матодан кенг ва узун шим тикиб олишди. Расм бўлган камзул ва беретканинг иши осонроқ бўлди. Магазинда ётган камзулни олиб, бўйини қисқартириб, энгини торайтириб олишганди, модадаги камзул бўлди-қўйди. Береткани тайёрлаш учун оддий шляпалардан фойдаланишди. Шляпаларнинг соябонини қирқишганди, ғалати қалпоқ бўлиб қолди. Бу қалпоқнинг четини ички томонига буклаб, бўёқ билан ҳар ер-ҳар ерига доғ туширишди-да, устига бир парча арқондан думча ясаб қўйишди. Баъзи бир моданарастлар бу ҳунарда катта муваффақиятларга эришдилар, ҳатто битта уйда бичиш-тикишни ўрганиш жамияти пайдо бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, учта собиқ эшакка тақлид қилишда фақат кийим билангина чекланиб қолишмади. Баъзи бир миттилар модаларга шунчалик берилиб кетишдики, ҳар томонлама Пастак, Шаталоқ ва Човкарга ўхшашга ҳаракат қилардилар. Ойна олдида соатлаб ўралишиб юрадиган миттини тез-тез учратиш мумкин эди. У кичкина бўлсин деб бир қўли билан бурнини босар, иккинчи қўли билан узунроқ бўлсин деб юқори лабини чўзар эди. Буларнинг баъзилари расм бўлган камзул ва шимни кийиб, кўчада санғиб юришар, ҳеч кимга йўл бермай, ҳадеб атрофга туфлаб кетишарди.

Газеталарда аллақаерда кимгадир ичакдан сув сепишгани, қайси бир жойда аллакимнинг арқонга чалиниб, йиқилиб пешонаси ёрилгани, қайси бир жойда бировнинг бошига деразадан қаттиқ нарса ташлашгани ва шунга ўхшаш хабарлар босилиб турарди.

Шаҳарда кўпчиликни ташкил қилган соф виждонли миттилар булардан ғазабландилар. Фингфингвой деган бир газетхон ҳатто газетага каттагина мақола ёзди. Бу мақолада Фингфингвой атрофда рўй бераётган бу бемаъни ишларга ҳамманинг бетараф

бўлиб қараб туришини қоралаб ёзганди. Барча бемаънигарчиликка қаердандир келиб қолган енгилтаклар айбдор, бу енгилтакларнинг қаердан келганидан қатъий назар, уларга қарши курашмоқ зарурлигини уқтирганди. У енгилтакларга қарши курашиш учун жамоат тартибини назорат қилувчи жамият тузишни таклиф қилди. Бу жамиятнинг аъзолари кўчаларда юриб, айбдор енгилтакларни ушлаш, гуноҳининг оғир-енгиллигига қараб, бир кеча-кундуз ё кўпроқ қамоққа ҳукм қилиш керак, деди.

Ғингғингвойнинг мақоласига жавобан, бошқа бир газетада Чақчақвой деган газетхоннинг мақоласи босилди. У бу мақолада жамоат тартибини назорат қилувчи жамият тузишнинг ҳожати йўқ, у жамият аллақачонлар тузилган. Бу барчага маълум милиция, аммо у нима учун тузилганини, нима иш билан шуғулланишни унутиб қўйган, деб ёзганди. Чақчақвойнинг сўзига қараганда, олдинги пайтларда Қуёш шаҳрида ҳеч қандай автомобиллар бўлмаган, кўчаларда ёлғиз пиёдаларгина юришган, милиция фақат уларнинг безорилик, тўполон ва ўзаро уриш-жанжал қилмасликларини кузатган, холос, чунки у пайтдаги кўпчилик миттилар уришқоқ бўлишган экан. Йиллар ўтиши билан уларнинг хулқ-атвори яхшиланган, ҳамма одобли, тарбияли бўлган. Уша пайтда кўчаларда ҳар хил автомашиналар, мотоцикллар ва велосипедлар пайдо бўла бошлаган. Милиционерлар бўлса кўча ҳаракатини бошқариш билан овора бўлиб қолишган, шаҳар аҳолисининг хулқини назорат қилишни унутиб қўйганлар. Енгилтакларни тийиб қўймаганлар. Охирида Чақчақвой энди милиция яна ўзининг асосий иши бўлган енгилтакларга қарши курашишни, аллақандай жамият тузиб ўтиришни кутмасдан, бошлаб юборишини уқтирди.

Бундан кейин ҳам ҳар турли газеталарда миттиларнинг шу масала юзасидан кўплаб мақолалари пайдо бўла бошлаган. Баъзи бир миттилар Ғингғингвойнинг фикрини қувватлаб, ҳозир милициянинг кўча ҳаракатидан қўли бўшамаслигини, шунинг учун жамоат тартибини назорат қилишни жамиятсиз бажариб бўлмаслигини кўрсатишди. Бошқа бирлари, аксинча, тартибсизликни ҳеч қандай жамият тузата олмайди, чунки бу ишда ҳеч кимнинг тажрибаси йўқ, шу сабабдан енгилтаклар билан милиция шуғулланиши керак деб ёзишди. Бу масала юзасидан Бўлавой, Тўлавой, Толвой, Холвой, Шошибпишгин, Олавой, Чалавой каби миттилар ва, шунингдек, Тумшуқвой деган профессор қизалоқлар ўз мақолалари билан чиқишди.

Айниқса, митти бола Шошибпишгиннинг қалтис мақоласи эътиборни ўзига тортди. У енгилтакларни алам қиладиган номлар билан, масалан, ҳавойилар, олифталар, ҳайвондан тарқалганлар, безорилар, тоқ туёқли ҳайвонлар деб атади. Милиционерларни ношудлар, анқовлар, бефаҳмлар, шалпангқулоқлар, бесўнақайлар, лапашанглар, мужмаллар, ўзини унутиб қўйган ҳуштаквозлар, деб койиди. Шошибпишгиннинг бунчалик қалтис

гаплар ёзишига сабаб, бундан олдин кўчада унинг устига сув сепишганди, яқинда турган милиционер бўлса, бунга эътибор бермай, бошқа томонга қараб турганди.

## *Йигирма еттинчи боб*

### ЕНГИЛТАКЛАР ТҮПОЛОНИ

Бу орада газеталарда енгилтаклар билан милиция курашиши керакми ё курашмаслиги керакми, деб баҳс қизиган пайтда милиционерларнинг ўзлари енгилтакларга қарши кураш очиб юборишди. Кўчада бирор ҳодиса рўй бериши билан ўша заҳоти атрофдан миттилар тўпланишадиган бўлишди. Қизиқувчилар одатда шунақанги кўп бўлардики, фақат йўлкаларнигина эмас, кўчани ҳам босиб кетишарди. Бундай ҳолатдан машиналар ҳаракати тўхтаб қолар, йўл тўсиқларини очиб юбориш учун бари бир навбатчи милиционернинг аралашувиغا тўғри келарди.

Бир кун шундай ҳодиса бўлиб ўтди. Кўчадан Шўрважон деган митти билан Бўлкавой деган митти бир-бирига қарама-қарши томондан келишарди. Иккаласи ҳам энг сўнгги модада, яъни, сариқ-яшил рангдаги кенг шим ва тор энгли камзул кийиб олишган эди. Улар бир-бирига йўл беришмади. Натижада бири иккинчисининг оёғини босиб олди (ким кимнинг оёғини босиб олгани ҳозир аниқ эмас). Бир-бирини ҳар хил сўзлар билан сўкиб кетишди. Уша заҳотиёқ оломон йиғилди. Машиналар ҳаракати тўхтади. Милиционер Этикжон югуриб келиб, ҳаммага тарқалинг деб илтимос қилди, аммо ҳеч ким тарқалмади. Шўрважон бўлса, Бўлкавойнинг бўйнига солиб қолди ва кўзининг тагини кўкартирди. Милиционер Этикжон Шўрважоннинг елкасидан ушлаб олди-да, милиция бўлимига олиб борди. Йўлда Шўрважон қўлдан чиқиб қочмоқчи бўлиб, милиционернинг қўлини тишлаб олди. Этикжон милиция бўлимига етиб келганда жуда жаҳли чиққанди. Алмисоқдан бери шкафда сақланиб ётган эски қонунлар ёзилган қалин китобни олди-да, унда бўйнига бир марта урганлиги учун бир кеча-кундуз, кўз тагини кўкартирганига икки кеча-кундуз ва қўлини тишлаганига уч кеча-кундуз қамаш қонуни борлигини ўқиб берди. Бу қадимги қонунга биноан, Этикжон Шўрважоннинг барча гуноҳлари учун етти кеча-кундузга қамалажagini айтди. Кейин ҳар бир милиция бўлимида бўладиган, нима учундир «совуқхона» деб аталадиган алоҳида хонага олиб кирди. Бу хонанинг нима учун «совуқхона» деб аталиши ҳеч кимга маълум эмас. Бундай ном қандай сақланиб қолгани, у қаердан келиб чиққанини биров билмасди. Айтгандай, ўтмиш қоронғилигида қолиб кетган бўлса керак. Бу хона аслида совуқ эмас, эҳтимол қачонлардир совуқ бўлгандир. Бу хонанинг бошқа хоналардан фарқи шу эдики, унинг эшиги қулфланиб қўйиларди.

Милиционер Этикжон Шўрважонни «совуқхонага» қамади-да, ошхонадан унга кечқурунга овқат олиб келди. Кейин уйига бориб ётди, лекин ухлаёлмади. Билмасвойда бўлиб турадиган ҳол унда ҳам рўй берди. Қисқасини айтганда, милиционер Этикжонни виждони қийнай бошлади. Бир митти бола қамоқда, ҳеч қаёққа чиқолмай ўтирса-ю, у бемалол ухласа! У ярим кеча-гача ўйлаб, азобланиб ётди-да кейин милиция идорасига келиб, «совуқхонадан» Шўрважонни бўшатиб юборди. Аммо у уйига қайтиб келгач, виждони тагин унга таъна қила бошлади. «Ётти кеча-кундуз қамоқда ётиши керак бўлган енгилтакни озодликка чиқариб юбориб, қонуний иш қилмадинг», деди.

Ушандан бери бундай воқеалар бошқа милиционерлар ишида ҳам бўлиб ўтди. Улар ҳам милиционер Этикжонга ўхшаб, ушланган енгилтакларни олдинга «совуқхона»га қамашарди, аммо кейинчалик виждонлари қийнай бошларди. Виждонларининг қийноғига чидолмасдан, улар ҳам тутқунларни озодликка чиқариб юборар, кейин қонунни бузиб тўғри иш қилдикмикин деб гумон қилишарди.

Кўпгина милиционерлар шундай қилиб уйқу ва иштаҳаларини йўқотдилар, безовта бўлганларидан ўзларини қўярга жой тополмай қолишди.

Битта милиционер бир айбдорни бўшатиб юбориб, шундай аҳволга тушдики, ўзи «совуқхона»да тўрт кеча-кундуз ўтириб чиққандан кейингина кўнгли тинчланди.

Милиционер Этикжон Шўрважон воқеасидан кейин ҳар бир ишни ўйлаб қиладиган бўлди. У енгилтакларни «совуқхона»га солиб кўйиш яхши эмаслигини исбот қилиб, телевизорда маъруза қилди. У қамаш ўрнига уларнинг қилиқларини карикатура қилиб ишлаш, газета ва журналларда қилган қилиқлари ҳақида шеър ва ҳикоялар ёзиш керак, улар тузалиб, ақли кириб қолади, дерди. Бу таклиф ҳаммага жуда маъқул тушди. Газеталарда ҳар хил ҳазил ва карикатуралар пайдо бўлди. Енгилтакларнинг суратини кенг яшил-сарик шим, енги жуда тор камзул кийган қилиб ишладилар. Бурунларини пучук, юқори лабларини шунчалик узун қилиб ишлашдики, қараб қўрқиб кетарди киши. Ҳар бир газетада енгилтаклар ҳаётидан олинган қизик ҳикояни учратиш мумкин эди. Бу ҳикояларни ўқишни халқ жуда ёқтирарди. Баъзи бир ўқувчиларга, айниқса, енгилтакларнинг қилиқлари расм билан кўрсатилган ҳикоялар маъқул бўларди. Чунки расмлар жуда кулгили қилиб чизилганди.

Енгилтакларни шунча қаттиқ масхара қилинса ҳам, уларнинг сони камаймади. Аммо гап уларнинг эғнидаги бемаъни кийимларида эмас, балки енгилтакларнинг хунук одат ва совуқ қилиқларида эди. Олдинлари ёмонлик қилиш ҳаёлига ҳам келмайдиган кўпгина миттилар ҳозир бешинчи қаватдан туриб битта-яримтанинг бошига туфлашарди-да, ўзларича гўё антиқа қилиқ топдик деб ўйлашарди. Баъзи бирлари кутубхонадан китоб олиб, варақларини йиртиб қоғоз калтар қилиб учиривади-

ган бўлишди. Варақларни йиртганидан кейин китобни ўқиб бўлмаслиги уларни сира ташвишга солмасди. Шунингдек, чертмак ўйинини севувчилар ҳам пайдо бўлди. Ҳатто фақат чертмак ўйнашмасдан, уриб мушт тушириш, бўйнига солишни ҳам ўйлаб чиқарган «донолар» топилди. Маълум тартиб ҳам ўрнатишди; масалан, уриб бирон жойни қонатиш бўйинга икки марта уриш ёки бешта мушт, ё бўлмаса ўнта чертки ўрнига ўтарди. Ҳар бир ютган митти ютқизганини ўн марта чертиш ўрнига бир марта этбетини уриб ёриши, икки ёки икки бор бўйнига тушириши ёки бешта мушт солиши мумкин эди.

Умуман, энгилтақлар, олдин айтилгандай бошқаларга ёмонлик қилишни ёқтирадиган болалар эди. Баъзи бир энгилтақлар кўчада юриб кўпчиликнинг жиғига тега олмасликларини тез пайқаб қолишди. Шунинг учун уларнинг бирдан-бир орзуси миттилар кўп тўпланган жойга кириб, тўполон чиқариш эди. Бу мақсадни концерт залига кириб олган бир неча энгилтақларгина амалга ошира олар эди. Улар одамлар гавжум жойга кириб бузилган чолғу асбобларидан концерт берардилар. Бу шунақанги бемаза мусиқа бўлардики, эшитиб чидаб бўлмасди. Аммо энгилтақлар бу мусиқа ҳозир кенг тарқалган мусиқа, унинг номи-ни какофония дейишарди.

Бу какофониянинг маъноси қулоққа ёқмас дегани бўлиб, у шаҳар бўйлаб тарқала бошлади. Яна созланмаган, бузилган чолғу асбобларида чаладиган бир қанча оркестрлар пайдо бўлди. Айниқса, ўша пайтда «Энгилтақфония» деган какофония оркестри ҳаммаёқда расм бўлди. Оркестр унча катта бўлмай, ҳаммаси ўнта миттидан иборат эди. Бу миттилардан биттаси консерва банкасини чалар, бошқаси қўшиқ айтар, учинчиси чийиллар, тўртинчиси гинғиллар, бешинчиси «хўр-хўр» қилар, олтинчиси миёвлар, еттинчиси вақиллар, қолганлари ҳар хил овоз чиқарар ва товони билан полни тақиллатарди.

Мусиқа ишқибозлари расм бўлган оркестр концертларига келиб, қийналиб зўрға эшитишарди-да, бошлари оғриб уйга қайтишарди. Какофония, энгилтақфония деган беъманигарчиликларга лаънатлар ўқишарди.

Театр ҳам бу таъсирдан қочиб қутулмади. Шунини таъкидлаш керакки, буларнинг барчасига мода сабаб бўлган. Бир таниқли театрнинг режиссёри янги мода бўлган кенг сариқ шимли костюм билан бошига попукли кулранг беретка кийиб олди-да: «Театр музей эмас, ҳаётдан орқада қолиш керакмас, модомики ҳаётда ҳамма нарса лозим бўлганидай қилинмаётган экан, театр ҳам ишнинг тескарисини қилиш керак, агар илгарилари томошабинлар залда ўтириб, артистлар саҳнада ўйнаган бўлса, энди аксинча, артистлар томоша залида ўйнашлари, томошабинлар саҳнада ўтиришлари керак», деди. Бу режиссёрнинг номи Биттажон эди. У ўз театрида худди айтганидек қилди, саҳнага стуллар қўйдириб, уларга томошабинларни ўтқазди, аммо ҳамма томошабинлар саҳнага сиғмагач, қолган одамларни томоша за-



лига ҳам ўтқазди, артистларни эса одамлар ўртасида ўйнашга мажбур қилди.

— Бу янада ажойиб чиқди! — деб севинди режиссёр Биттажон. — Илгарилари томошабинлар алоҳида ўтириб, артистлар алоҳида жойда ўйнашарди, ҳозир артистлар тўппа-тўғри одамлар орасида ўйнайдилар.

Лекин одамлар орасида ўйнаган ҳар қандай артистнинг қиёфаси барчага баробар кўринмасди. Баъзиларга артистларнинг фақат юзи, бошқаларга эса фақат бўйни кўринарди. Саҳна безаклари ҳам хуржун бўлди. Баъзи бир томошабинлар артистни ҳам, жиҳозни ҳам кўришди, бошқалари эса жиҳозларнинг орқасида қолиб кетишгани учун ҳеч нима кўришолмади. Режиссёр Биттажон бунақа бемаъни, қизиқтирмайдиган томошадан ҳеч ким зерикиб қолмасин деб, бир қанча артистларга ўйин пайтида залда югуриб юриб томошабинларнинг бошига рангбаранг қипиқларни сочишни, қарсилдоқ ва ҳаво тўлдирилган пуфаклар билан уларнинг калласига уриб туришни буюрди.

Театрнинг бу иши одамларга сира ҳам ёқмади, аммо режиссёр Биттажон, бу жуда ҳам соз, чунки илгарилари томошабинларга маъқул тушган спектакль яхши ҳисобланган бўлса, энди ҳамма нарсанинг тескариси бўлганда ҳеч кимга ёқмаётган спектакль яхши ҳисобланиши керак, дерди. Бунақанги хулоса ҳеч кимга ёқмади, одамлар спектакль тамом бўлмасданоқ, кетиб қола бошлашди. Режиссёр Биттажон бунга унчалик хафа бўлмади. У тагин битта янгилик топсам, барча томошабин ёпиштириб қўйгандай жим ўтираверади, деди. Ҳақиқатдан ҳам у, томошабинлар кетиб қолмаслиги учун томоша бошланиш олдидан бутун ўриндиқларга елим суриб чиқишни ўйлаб топди. Аммо бу атиги бир неча кун давом этди, ўшандан кейин Биттажон ишлайдиган театрга ҳеч ким қадам босмай қўйди.

Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола Қуёш шаҳрида бўлган ўзгаришни олдинига пайқашмади, чунки кунбўйи боғда қолиб кетишарди, бир қанча вақт ҳамма нарса эскича давом этди. Аммо кейин энгилтаклар у ерда ҳам пайдо бўлишди. Улар боғнинг хиёбонларида санқиб юришар, одамларни туртар, тош отар, ёмон гаплар билан сўкар ва бемаъни ашулаларни бақириб айтишарди. Яна улар Сув шаҳарчасидаги ҳаво тўлдирилган резина қайиқларга тўғнағич тиқиб қочишар, Шахмат шаҳарчасидаги шахматларни бузишарди. Ҳар қанақа қўпол муомалани тез пайқайдиган Тугмачахон боғда шунақа одамларнинг борлигини олдинроқ сезмаганига ҳайрон бўлди.

— Яхшиси, бу ерга сира келмаймиз, — деди у Билмасвой билан Олаболага, — илгаригидек кўчаларда ўйнаб юрамиз.

Улар кўчаларда ўйнаб юришганда шаҳар ҳаётининг қанчалик ўзгарганини пайқаб қолишди. Кулиб, хушчақчақ бўлиб юрган миттилар энди жуда кам кўринарди. Барчанинг руҳи тушганлиги, хафалиги сезиларди, ҳамма гўё чўчигандай агрофга аланларди. Чунки ҳар бир лаҳзада бурчакдан аллақандай энгилтак

чиқиб қолиб, йўловчини йиқитиши, юзига идишда сув сепиб юбориши ёки орқасидан бекиниб келиб бехосдан қулоғининг тагида бақририши, ундан ҳам ёмони, гарданига солиб қолиши мумкин эди.

Энди шаҳарда олдинги ҳушчақчақ ўйин-кулги йўқ, пиёда юрувчилар ҳам камайиб қолганди. Ҳеч ким атрофни томоша қилиш учун ёки танишлари билан суҳбатлашиши учун тўхтаб турмасди. Ҳар ким кўчадан билдирмай чопиб ўтиб, уйига кириб олишга шошиларди. Кўплар зўрлик билан кириб олган енгил-такларнинг ҳақоратидан қўрқиб, ошхонада овқатланмай қўйдилар. Кўпчилик нонушта, тушлик ва кечлик овқатларни ошхона лифти орқали олиб, уйларида бемалол овқатланадиган бўлишди. Кўплар театрга, концертларга боришни йиғиштиришди, улар какофон куйига ёки томошабинларнинг калласига пуфак билан туширадиган, стулга елим суриб қўядиган томошага йўлиқиб қолишдан қўрқардилар.

Қуёш шаҳрида яшаш олдингидай қизиқ, кўнгилли бўлмай қолди. Бир воқеадан кейин бизнинг саёҳатчилар Гулзор шаҳрига қайтишга қарор қилишди. Бир куни улар дарё бўйида ўйнаб юришарди. Олабола, юринглар, ҳаво тўлдирилган резина қайиқда сузамиз деб қолди. Қайиқ берадиган жойга боришди-да, қайиққа ўтиришди. Кейин дарёнинг қоқ ўртасига бориб қолишди. Шу пайт қандайдир енгилтак сузиб келди-да, уларнинг қайиғига тўғнағич тиқди. Пуфлаб шиширилган қайиқнинг ҳавоси чиқиб кетиб, саёҳатчилар чўка бошлашди. Қутқаришга-ку, қутқаришди, лекин ҳаммаёқлари бари бир шалаббо бўлди.

Уларнинг бошига тушган кулфат бу билан тамом бўлмади. Одатдагидай кечқурун театрга боришди. Бугун янги расм бўлган ва сунъий томоша деб аталадиган спектакль қўйилиши керак эди. Бу спектаклда концерт ҳамда театр санъатидаги янгиликларнинг барчаси қўшилган бўларди. Шунинг учун уни сунъий томоша дейишарди. Какофон оркестри қулоқни ёриб юборгундай чалар, алланима расмлар солинган жиҳозлар билан безатилган саҳнада узундан-узоқ томоша кўрсатилар, артистлар ўзлари ҳам нимани ифода қилаётганларининг фарқига бормас, тағин одамларнинг бошига қипиқ сочишиб, пуфак ва қарсилдоқ билан уришарди.

Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола қипиқ сочиб, бошларига пуфак билан уришса ҳам чидаб туришди, чунки театрда бусиз мумкин эмасди-да. Кейинроқ танаффус вақтида одатдагидай залда чироқни ёқишмасдан, аксинча, ўчириб қўйишди. Томошабинлар танаффус вақтида тимқоронғида ўтиришди. Шундай қилиб, биринчи пардадан кейин залда чироқ ўчди, кимдир ердан бир қисм қипиқни олиб, Тугмачахоннинг бўйнига сочиб юборди. Бошқа биров Билмасвойга ҳам худди шундай қилди. Кимдир Олаболанинг бўйнига бир стакан совуқ сув қуйиб юборди. Қоронғи бўлганидан буни ким қилганини кўришолмади. Тугмачахон, Билмасвой ва Олабола бу қўполликдан жуда хафа бўлиб,

театрдан кетмоқчи бўлишди. Аммо энди ўринларидан турмоқчи бўлишганди, стулга ёпишиб қолишганини пайқашди. Стулдан амаллаб туриб, эшикка йўл олишди. Театрдан кўчага чиққанларида кимдир Тугмачахоннинг сочидан тортди ва устига-устак, мушт билан солиб қолди.

## *Йигирма саккизинчи боб*

### ПРОФЕССОР ҚЎНҒИЗИЙНИНГ КАШФИЁТИ

Буларнинг ҳаммаси Тугмачахоннинг сабр косасини тўлдириб юборди. Дўстларимиз меҳмонхонага қайтиб келишгач, Тугмачахон:

— Уйга кетадиган вақтимиз бўлди. Қуёш шаҳрида ортиқ қололмайман! — деди.

— Мен ҳам бунақанги расво шаҳарда яшашни истамайман, — деб маъқуллади Олабола. — Бўйнимга совуқ сув қуйишларига орзумандаманми?

— Жуда соз, дўстлар, — қўшилди Билмасвой ҳам. — Бугун кеч бўлиб қолди, эртага эрта билан келган йўлимизга қайтишимиз мумкин. Ҳозир-чи, Олабола, иккаламиз келган куни кўчанинг ўртасида қолдирган автомобилимизни қидириб топамиз.

Билмасвой билан Олабола автомобилни қидиргани кетишди. Тугмачахон бўлса, бурчакдаги столча ёнига ўтириб, электр чирроғини ёқди-да, эрталаб ўқиб улгурмаган газеталарни ўқишга киришди.

Уша кунлари кўпгина газеталар милициянинг енгилтаклар билан дурустроқ курашмаётганини, жуда ҳам бўш муносабатда бўлаётганини, енгилтаклар бўлса, жазоланмаётганларини кўриб баттар бемазагарчилик қилаётганларини ёзди. Тугмачахон битта шунақа мақолани ўқидию, газетани ташламоқчи бўлган эди, аммо профессор Қўнғизийнинг «Енгилтак»лар кимлар, улар қаердан келиб чиққан ва улар билан қандай курашиш керак?» деган мақоласига кўзи тушиб қолди. Профессор мақоласида бундай деб ёзган эди:

«Бир куни ҳайвонот боғида сайр қилиб юриб, табиатнинг жуда ғалати ҳодисасини кўриб қолдим. Четан деворнинг ичида турган эшак кўз олдимда тўсатдан митти болага айланиб қолди. Бу ғалати ҳодиса мени шунчалик гангитиб қўйдикки, бир дақиқача тошдек қотиб қолдим. Кейин нима бўлганини яхшилаб кўриб турдим ва эслаб қолдим. Шу пайтда ғовнинг олдида иккита митти бола турганини кўрган эдим. Биттаси сариқ шим кийган бўлиб, бошқаси ола-була гулдор дўппи кийган эди. Сариқ шим кийгани қўлига кичкина таёқча ушлаб олган эди. У таёқчасини эшакнинг тумшуғи тагида қимирлатди, эҳтимол у ҳайвонни гиж-гижлаб масхара қилмоқчи бўлгандир. Бунга жавобан эшак мит-

ти болага айланди-да, масхара қилган болани боплаб бир чертди, чертки еган бечора бола нариёққа отилиб тушди. Бундан кейин собиқ эшак ғовдан ошиб тушиб, ундан қочмоқчи бўлган миттиларни қувиб кетди. Мен эса, эшакнинг миттига айланиши хусусида илмий кузатиш олиб бориш учун уларнинг кетидан югурдим. Аммо йўлда кўзойнагимни йўқотиб қўйдим. Ойнаксиз деярдим ҳеч нима кўра олмайман, То кўзойнагимни излаб топгунимча иккала митти ҳам, уларнинг кетидан қувган собиқ эшак ҳам кўринмай қолди. Мен уларни қайта кўра олмадим. Фақат собиқ эшакнинг сарғиш шим, торгина энгли камзул ва бошига попукли ола-була беретка кийганини яхши эслаб қолгандим.

Уйимга қайтиб келгач, ўтган ҳодисани ўйлай бошладим, буларнинг барчаси шунчаки кўзимга кўринган бўлса керак, деган хулоса чиқардим. Аммо бир неча кун ўтгач, худди олдин кўрган собиқ эшакка ўхшаш кийинган митти бола билан учрашадиган бўлиб қолдим. Бу миттилар тез орада энгилтаклар деган номни олишди. Улар кўчада безорилик қилишар, турли ёмон қилиқлар билан ўткинчиларни қўрқитишар, бошқа миттилардай одобли бўлиб юролмасдилар. Шунинг учун охири, бу миттилар асло митти болалар эмас, балки собиқ эшаклардир, яъни миттиларга айланган эшаклардир, деган хулосага келдим.

Бу илмий кашфиётим ҳақида газетага хабар қилишга шошилмадим, чунки нима сабабдан шаҳарда энгилтаклар кўпайиб қолганини аниқлай олмаган эдим. Агарда ҳар бир энгилтакни собиқ эшак деб ҳисобласак, у ҳолда шунча кўп эшаклар қаёқдан келиб қолгани тушунилмасди. Ҳарҳолда, ҳайвонот боғида қанча эшак борлиги менга маълум. Ҳайвонот боғи хизматчиларига мурожаат қилиб, у ерда ҳаммаси бўлиб учтагина эшак борлигини ва улар қаёққадир ғойиб бўлганини билдим. Учта эшакнинг сирли йўсинда йўқолиши эшаклар энгилтакларга айланган деган илмий даъвомни тасдиқлайди. Аммо ҳамма энгилтакларнинг қаёқдан пайдо бўлганини айта олмайман.

Бир неча кун сурункасига бошимни қотирдим-у, бу масалага аниқроқ жавоб тополмадим. Охири бу ишда менга бир воқеа ёрдам берди. Мен турадиган бинода Ҳурпавой деган митти қўшним ҳам яшайди. Ҳурпавойни яхши биламан, ҳатто танишлигим ҳам бор. У ҳеч қачон тўполон қилмайдиган, бировга қўпол сўз айтмайдиган, умуман, ёмонликни билмайдиган, доимо жимгина юрадиган қобил миттилардан эди. Ҳурпавойнинг энгилтакларга қўшилганини билганимдан кейин жуда ҳайрон бўлдим. У сариқ-яшил кенг шим, тор энгли камзул кийиб олиб, кўчада безорилик ва бемазагарчилик қилиб, ўткинчиларга йўл бермай қўйди. Агарда Ҳурпавойни танимаганимда борми, энгилтаклар фақат эшакка ўхшаган ҳайвондан тарқалади, деб ўйлаган бўлардим. Аммо энди оддий митти болалардан ҳам энгилтаклар пайдо бўлишини билдим.

Мен ўз илмий кузатишларимни давом эттириб, энгилтаклар икки турга бўлинади, деган қарорга келдим. Биринчи тур ен-

гилтаклар ёввойи энгилтаклар бўлиб — булар эшаклардан келиб чиққандир. Иккинчи тур ёки хонаки энгилтаклар эса оддий митти болалардан келиб чиққандирлар. Ёввойи энгилтаклар — булар табиатнинг аҳмоқ махлуқларидан бўлиб, уларга ҳеч қанақа тарбия чоралари таъсир этмайди. Шунинг учун уларни минг ўқитсанг ҳам, бари бир, энгилтаклигича қолиб кетаверади. Хонаки энгилтаклар дурустгина фикр қилувчи махлуқлар бўлиб, улар жуда нозик феълга эгадир. Улар ёмонликни ҳам, яхшилиқни ҳам ўзига тез қабул қилувчи бўлишади. Шундай қилиб, ёввойи энгилтакларга тарбия чоралари таъсир этмас экан, уларни тагин эшакка айлантириш зарур. Шундагина хонаки энгилтакларнинг кўз олдида ёмонликни ўргатадиган ҳеч ким қолмайди-да, улар яна яхши миттилар бўлишади. Кейин шаҳарда осойишта ҳаёт тагин йўлга қўйилади. Шунда сизни ҳеч ким урмайди, туртмайди, тишламайди, сув сепмайди ва ҳоказолар. Театрлардаги тескари ишлар, ўриндиқларга елим суртишлар тўхтатади. Концертларга борганингизда, ёқимли куй ўрнига чўчқа чийиллашини, ит увиллашини ва қурбақа вақиллашини эшитмайсиз. Умуман, ҳамма иш ўз жойида бўлади. Ҳозир биз умидсизланмай, фанимиз тезда ёввойи энгилтакларни эшакка айлантириш усулини топади деб ишонамиз».

Профессор Қўнғизий ўқувчиларни тушкунликка тушмасликка ундагани билан бари бир Тугмачахон тушкунликка тушиб қолди. У мақолани ўқиб чиққач, эшакларнинг миттиларга айланишига Билмасвой сабабчи эканини билди. Билмасвойга яхши кўз-қулоқ бўлиб турмагани, шунча ташвиш орттиришга йўл қўйгани учун у ўзини ҳам айблади.

Мулойим, камтар, ҳатто пашшага ҳам озор бермайдиган Тугмачахоннинг ҳозир шунчалик жаҳли чиқдики, Билмасвойни дўппослашга ҳам тайёр эди.

— Ҳали қараб турсин! — деб муштумини тугиб қўйди у. — Қани, қайтиб келсин-чи! Эшакни қандай қилиб миттига айлантиришни мендан билиб олади! Буни қара-я, қанақанги сеҳргар чиқиб қолибди.

Аммо Билмасвой билан Олабола ҳадеганда қайтиб келишмади. Тугмачахон безовталаниб, ҳатто қидиргани бормоқчи бўлди. Лекин, шу пайтда газетадаги бошқа мақолага кўзи тушди. У жуда қизиқиб қолди. Тугмачахон Билмасвойни ҳам унутиб, газетани ўқишга киришди, унда бундай деб ёзилганди:

«Кўпгина газетхонлар Варақжон деган миттининг йўқолганини биладилар. Жуда кўп қидирилса ҳам у ҳеч қаердан топилмади.

Уни деярли қидирмай қўйишганда ҳам Ҳарфхон уни топишдан сира умид узмади. Газетага бу сирли воқеани аниқлашга ёрдам берадиган маълумотлар тушди. Варақжон йўқолган куни Шарқий кўчадан Иштонвой деган миттининг ўтгани аниқланди. Бисквит кўчасидаги бурчакка яқин жойда — йўлакнинг ўртасида ётган китобни Иштонвой кўриб қолди. У китобни олиб, ўқиб

кўрса: «Яшка деган ажойиб ғознинг қизиқарли саргузаштлари» деган китобча экан. Китобда кутубхонанинг белгиси бор экан. Иштонвой биров китобни кутубхонадан уйига олиб кетаётганда йўлда тушириб қўйган, деб ўйлабди. У китобдан кутубхонанинг адресини ўқиб кўргач, китобни олиб бориб бермоқчи бўлибди. Аммо кеч кириб, кутубхона ёпилиб қолибди. Иштонвой китобни бошқа куни олиб бермоқчи бўлиб уйига олиб кетибди. Уйда эса бу китобни ўқигиси келиб қолибди. Китоб унга ёқиб қолганидан охиригача ўқиб, кейин кутубхонага олиб бермоқчи бўлибди.

Бу Иштонвой унчалик қизиқиб ўқийдиган китобхонлардан эмас экан. Кунига жиндай-жиндайдан, яъни бир боб-бир бобдан ўқибди. Уқиш жуда узоққа чўзилиб кетибди. У китоб ўзиники эмас, кутубхонаники эканини унутиб қўйибди. Лекин, ҳарҳолда, ўқиб бўлгач, китобни топшириш лозимлигини эслаб қолади.

Охири Иштонвой кутубхонага келиб, китобни кўчадан топиб олганини кутубхоначи қизалоққа айтибди. Кутубхоначи қизалоқ, рўйхатни қараб, «Яшка деган ажойиб ғознинг қизиқарли саргузаштлари» китоби Варақжон деган миттига, худди у йўқолган куни берилганлигини аниқлабди.

Шундай қилиб, Варақжон китобни кутубхонадан олганидан кейин Шарқий кўчадан кетаётганда, ўз уйига яқин жойда китобни йўқотгани аниқланди. Ундан кейин нима бўлгани ҳанузгача номаълум бўлиб қолмоқда. Эҳтимол, Варақжоннинг бошига ҳам милиционер Хуштакжоннинг куни тушиб, у ҳам аллақерда бошқа ном билан юргандир.

Кимда-ким Варақжон турган жойни билса, тезлик билан газета редакциясига хабар қилишини илтимос қиламиз».

Тугмачахон мақолани охиригача ўқиб бўлди-да, чуқур ўйга толди.

«Нима бўляпти ўзи? Демак, Билмасвой Варақжонни қайта миттига айлантирдим, деб мени алдаган экан-да! — деди ўзига ўзи. — Қандай ёмон иш бўлибди!

Шунда Билмасвой билан Олабола келиб қолишди.

— Ҳаммаси жойида! — деб бақирди хурсанд бўлиб Билмасвой. — Автомобилимиз топилди, меҳмонхонанинг қаршисидаги кўчага келтириб қўйдик. Эртага кетамиз.

— Қаёққа отланиб қолдинг? — деди хўмрайиб Тугмачахон.

— Қаёққа деганинг нимаси? Уйга-да, Гулзор шахрига. Биз қарор қилувдик-ку...

— Қарор қилувдик-ку, — деб масхара қилди уни Тугмачахон. — Бу ерда талай ишлар қилиб қўйибсан-ку! Ишнинг расвойини чиқариб, ўзинг қочар экансан-да.

Билмасвой кўзини чақчайтириб унга қаради:

— Қанақа иш қилиб қўйибман? Нимани расво қилибман?

— Гўё билмайсан-а? Ёнгилтақлар-чи, уларнинг дастидан ҳеч кимга тинчлик йўқ. Қани айт-чи, бу кимнинг иши?

— Кимники? — деб эсанкираб қолди Билмасвой.

— Сеники!

— Меники?! — Ҳайрон бўлганидан Билмасвой анграйиб оғзини очиб қолди.

— Нега анграясан! — деди жаҳли чиқиб Тугмачахон. — Мана бу газетани ўқиб чиқ, аввал.

Билмасвой газетани олиб стол ёнига ўтирди-да, ўқишга киришди. Олабола орқадан келиб, Билмасвойнинг елкаси оша газетага кўз ташлади.

— Ана томоша, — деб кулди у. — Бу профессор Қўнғизий дегани бизни эшаклар ғовининг олдида кўргани аниқ. Фақат у Билмасвойнинг қўлида сеҳрли таёқча борлигини билмаган-да, эшак ўзидан-ўзи миттига айланган, деб ўйлаган.

— Бўлди, кўп вайсайверма! — деди жаҳл билан Билмасвой. — Сенсиз ҳам барчаси аниқ.

Билмасвой профессор Қўнғизийнинг мақоласини охиригача ўқиб чиқиб, алам қилганидан томоғини қирди, айбдорларча Тугмачахонга қараб, панжаси билан бўйнини қаший бошлади.

— Ёмон иш қилиб қўйибман-ку! — деб хижолат бўлиб пичирлади у.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — яна қовоғини солди Тугмачахон. — Варақжон ҳақидагисини ҳам ўқигин.

— Қандай Варақжон ҳақида?

— Ўқигин, ўқигин! Узингни билмасликка соласан-а!

Билмасвой газетадан Варақжон ҳақидаги мақолани ўқий бошлади. Олабола яна орқа томонга ўтиб, унинг елкаси орқали мўралади.

— Бундан чиқди, Билмасвой Варақжоннинг ўрнига ростакан эшакни миттига айлантирибди, тагин учтасини денг, Варақжон бўлса, эшаклигича қолаверибди! — деди кулгидан ўзини тўхта-толмай Олабола.

— Шундоқ денг! — деди чўзиб мақолани ўқиб чиққан Билмасвой. — Буни қара-я, чатоқ бўлибди! Энди нима қилиш керак?

— Нима? — деб жаҳл билан сўради Тугмачахон. — Биринчидан, тезлик билан Варақжонни миттига айлантириш керак. Бечора Ҳарфхон ташвишда қолгандир. Иккинчидан бўлса, янглишиб миттига айлантириб қўйган эшакни қайтадан эшакка айлантиришинг шарт.

— Тўппа-тўғри! — деб қувватлади Билмасвой. — Эртага эрталаб ҳайвонот боғига борамиз-да, у ердан Варақжонни қидирамиз. У учта эшакнинг орасида бўлмаган экан, демек қаердадир тагин битта эшак бўлиши керак. Мен миттиларга айлантириб қўйган анов учта эшакни қандай қилиб топсам бўларкин? Бу, ҳарҳолда, қийинроқдир...

— Ҳечқиси йўқ! — деб қатъий қилиб гапирди Тугмачахон, — учаласини топмагунимизча шаҳарда юраверамиз.

— Шаҳарда юраверамиз, деганинг нимаси? — деб ҳайрон бўлди Олабола. — Эртага жўнамоқчи эдик-ку, ахир.

— Жўнашни вақтинча кечиктиришга тўғри келади.

— Кечиктириш? Ол-а,— деб қичқирди Олабола.— Бўйнимга бошлаб совуқ сув қуйишди-ю, тагин бу ерда туришим керак эканми?

— Бундан чиқди, сенингча, енгилтаклар ҳаммани қийнаса, Варақжон бир умрга эшак бўлиб қолиб кетса, яхши экан-да? Ахир унга биздан бўлак ҳеч ким ёрдам беролмайди-ку. Бошқа ҳеч кимда сеҳрли таёқча йўқлигини биласанми?

— Ҳа, майли,— деб қўл силтади Олабола.— Нима қилсаларинг қилаверинглар, фақат мендан ажраламан деб ўйламанглар! Мени бу ерга олиб келдингизми, қайта олиб бориб қўйишларинг керак!

— Хавотир олма, олиб бориб қўямиз,— деди Билмасвой.

— Шундоқ! Мени қаердан машинага чиқариб олган бўлсаларинг, худди ўша ерга олиб бориб қўясизлар, бўлмаса қўймаман,— деди-да, Олабола ухлагани кириб кетди.

## *Йигирма тўққизинчи боб*

### ЭСКИ ДУСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Шу кеча Билмасвой аллавақтгача ухлолмади. Уни тагин виждони безовта қила бошлади.

«Шунақа бўлиб чиқса мен айбдор эмасман-ку,— деб ўзини оқлади Билмасвой ўрнида у ёнидан-бу ёнига ағдарилиб.— Оқибати шунақа бўлиб чиқишини ўйламаган эдим-да».

«Нима учун билмадинг? Билишинг керак эди. Нима учун мен ҳаммасини биламан?»— деб уқтирди виждон.

«Ҳа, сен — сенсан, мен — менман. Гўё менинг билмаслигимни билмаганга ўхшайсан-а!»

«Муғомбирлик қилма, муғомбирлик қилма! — деди виждон.— Ҳаммасини яхши биласан-у, фақат тентакман, Билмасвойман деб ўзингни айёрликка соляпсан».

«Сираям айёрлик қилаётганим йўқ! Нима учун айёрлик қилар эканман».

«Нега эканини ўзинг билиб турибсан. Тентакнинг жавобгарлиги кам-да ахир. Шунинг учун ўзингни аҳмоқликка солиб, сувдан қуруқ чиқмоқчисан. Аммо мени-чи, оғайни, лақиллата олмайсан! Сенинг унчалик аҳмоқ эмаслигингни мен яхши биламан!»

«Йўқ, мен аҳмоқман!»— деб қайсарлик қилди Билмасвой.

«Тўғримас! Сен ўзингни ўзинг аҳмоқ деб ҳисоблагин. Аслида эса, ўйлаганингдан кўра ақллироқсан. Сени аллақачон билиб олганман, шунинг учун мени алдашга урина кўрма, бари бир ишонмайман».

«Ҳа, майли! — деди бетоқат бўлиб Билмасвой.— Мен ухлай, тинч қўйгин. Эртадан ҳаммасини тузатаман».



«Марҳамат қилиб, тузатгин, дўстим! — деди мулойим овоз билан виждон. — Ҳаммаси расво бўлганини ўзинг кўриб турибсан. Сен туфайли аллақанча миттилар азоб чекишяпти... Шаҳар ёмон бўлиб кетди... Сеҳрли таёқчангни олиб келмасингдан аввал қандай яхши эди-я!»

«Ҳа, майли, майли! Тузатаман, дедимми, тузатаман. Тезда ҳаммаси яхши бўлади».

Виждон Билмасвойга гапини уқтирганига ишониб, жим бўлди.

Тугмачахон эртаси куни эрталаб ҳаммадан олдин уйғонди-да, Билмасвой билан Олаболани турғазди:

— Дарров туринглар, ҳайвонот боғига борадиган вақт бўлди!

Билмасвой тез кийиниб ювинишга кетди. Олабола эса ювинишдан қутулиш учун вақтни ўтказиб шошилмай кийина бошлади. Аммо Тугмачахон пайқаб қолиб, ювинишга мажбур қилди.

Охирида ҳаммалари шайланиб, энди уйдан чиқишмоқчи бўлиб туришганди, кимдир эшикни тақиллатиб, хонага Биновой кириб келди. У бошига ҳаворанг пластмассадан қилинган иккита узун шохли ғалати қалпоқча кийган, икки шохнинг орасига бурама сим тортилганди, қулоғида радио наушник, кўкрагида эса карнайли ялпоқ металл қутича осилиб турарди. Тағин шунга ўхшаш қутича орқасида ҳам бор эди.

Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола Биновойнинг келганидан жуда севинишди, нима учун анчадан бери келмаётганини сўрашди. Биновой, бир куни кўчада кетаётганда кимдир совуқ сув сепиб юборганини, ўшандан буён шамоллаб, тоби қочиб анча вақт ўринда ётишга тўғри келганини, энди бўлса бутунлай тузалганини гапирди.

— Бошингиздаги шохли қалпоқча билан мана бу қутича нима ўзи? — деб сўради Билмасвой.

— Бу янги ихтиро, янгитдан такомиллаштирилган пиёдалар радиолокатори, қисқа қилиб айтганда, ЯТПРЛ деб аталади. Ҳозир ҳар кимга енгилтак безорилардан сақланиш учун ЯТПРЛ бўлиши зарур.

— Бу қандай ишлайди? — деб сўради қизиқиб қолган Билмасвой.

— Жуда осон, — деди Биновой. — Сиз кўриб турган қутичанинг олдида радио карнайи бор. Юрганда шу карнайдан доимо радио тўлқинлари тарқалиб туради. Агарда олдингизда йўлкада бирорта қаршилик, масалан, кўндалангига арқон ёки сим тортиб қўйилган бўлса, тўлқин буни акс эттириб, кейин орқасига қайтади. Қалпоқчадаги сиз кўриб турган шохлар орасига тортилган нарса бурама антеннадир. Бу антенна радио тўлқиндаги ўзгаришни илиб олади ва у электр тебранишини ҳосил қилади, электр тебраниш эса наушникка ўтади, ўз навбатида товуш сигнаliga айланади. Жуда қулай-да, кўряпсизми... Агар олдин-

гизда бирор қаршилик пайдо бўлиб қолса, сиз ўша заҳотиёқ сигнал эшитасиз. Айниқса, бу локатор кечаси юрганда қулай.

— Орқадаги карнай нима учун керак? — деб сўради Билмасвой.

— Буниси энг муҳими-ку! — деди Биновой. — Бу карнай радиосигнални орқага юборади. Бу энгилтаклар чертиш, бўйинга тушириш ёки сув сепиш учун орқа томондан келаётганида карнай ўша заҳоти сигнал беради. Мана, синаб кўрайлик.

Биновой устидаги қалпоғини, наушигини ва иккала қутичасини ечиб, Билмасвойга кийдирди, ўзи нарироққа борди-да, олдиндаги карнайга қўлини узатди ва:

— Олдингизда тўсиқ пайдо бўлганини кўз олдингизга келтириб боқинг-чи. Сиз нима эшитяпсиз? — деди.

— Мен ниманингдир чийиллаётганини эшитяпман, — деб жавоб берди Билмасвой.

— Тўппа-тўғри. Сиз «би-би-би!» деган баланд сигнал овозини эшитяпсиз. Энди мен сизнинг орқа томонингиздан билдирмасдан келиб кўраман... Сиз нимани эшитяпсиз?

— Аҳа, — деб бақирди Билмасвой. — Тагин чийиллапти. Аммо хиёл йўғонроқ: «бу-бу!» деяпти.

— Тўппа-тўғри! Бу сафар сиз паст сигнал овозини эшитасиз. Бу билан сиз хавф орқадан ёки олдиндан бўлаётганини биласиз. Агарда «би-би-би» деган овозни эшитсангиз, диққат билан олдинга қарашингиз керак, мабодо «бу-бу-бу» деган овоз эшитилса, дарров орқага қарашингиз зарур.

Бу асбоблар билан Тугмачахон ҳам қизиқиб қолди. Аппарат Билмасвойдан унга, ундан Олаболага ўтди. У узоқ вақт диққат билан сигналларни эшитди-да, кейин:

— Нима қилипти, чийилласа чийиллапти-да, ҳеч қандай қизиқ жойи йўқ, — деди. — Чийиллашни мен ҳам биламан. Фақат қизиқ жойи шундаки, у қачон «би-би-би» ёки қачон «бу-бу-бу» дейишни қаёқдан билади?

— Ҳа, тушунарли, — деди Биновой ва барчасини бошидан бошлаб гапириб беришга киришди.

Шу пайтда эшик тақиллаб қолди. Эшик очилди-да, хонага иккита юмалоқ, беўхшов нарса суқилиб кириб кела бошлади. Иккаласида ҳам боқасимон пальто бўлиб, қўпол энги атрофга тарвақайлаб туради, бошларига эса ғаввосларнинг қалпоғига ўхшаш думалоқ яшил қалпоқ кийишганди.

Билмасвой бу ғалати миттиларга синчиклаб қараб туриб. Ипакой билан Балиқжон эканини таниди.

— Булар ахир Ипакой билан Балиқжонлар-ку! — дея севиhib қичқириб юборди. — Нима кийиб олгансизлар ўзи?

— Бу, фабрикамиз ишлаб чиқараётган янги резиналаштирилган, агар шундай деб айтиш мумкин бўлса, ҳаво тўлдирилган пальто ва ҳаво тўлдирилган қалпоқ. Бошимга таёқчангиз билан уриб кўринг-а, кечирасиз бу гапим учун, — деди Балиқжон Билмасвой ушлаб турган таёқчага қўлини чўзиб.

— Нега урар эканман? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Ураверинг, ураверинг, кўрқманг!

Билмасвой ҳеч нима англамай елкасини қисиб, Балиқжоннинг бошига таёқча билан секин уриб кўрди.

— Қаттиқроқ ураверинг! Бор кучингиз билан уринг! — деб қичқирди Балиқжон.

Билмасвой қулочлаб туриб қаттиқ урди. Таёқча яхши дам берилган автомобиль ғилдирагига теккандай Балиқжоннинг бошидан юқорига сакраб кетди.

— Ана, кўрдингизми, бошим сираям оғриётгани йўқ, — деб хохолаб юборди Балиқжон. — Энди елкамга уринг.

Билмасвой таёқча билан унинг елкасига солди.

— Кўрдингизми, сираям оғримайди, — деб яна бақирди Балиқжон.

— Агар истасанглар, ҳатто ерга йиқилишим мумкин, лекин ҳеч нима бўлмайди.

Балиқжон ўзини полга ташлади ва ўша заҳоти коптоқдай ўрнидан туриб олди.

— Буларнинг нима ҳожати бор? — деб тушунолмай сўради Билмасвой.

— Тополмаётганга ўхшайсизлар-а? Бу енгилтак безорилардан сақланиш учун, — деб жавоб берди Балиқжон. — Энди бирорта енгилтак бўйнимга уриб кўрсин ё сув сепиб кўрсин-чи, ҳеч кўрқмайман!

— Аммо бунақанги кийимда юриш жуда хунук-ку, — деди Тугмачахон

— Ҳали барчага расм бўлмаганидан чиройли кўринмаяпти, деди Балиқжон. — Барчага расм бўлгандан кейин, кечирасизу, унда ҳамма чиройли экан дейди. Ҳалитдан кўпгина магазинларимизда бунақа пальто ва қалпоқлар топилади.

— Булар магазинда эҳтимол, бордир, аммо кўчада бу ўхшовсиз кийимни кийган бирон кишини кўрганим йўқ ҳали, — деди Тугмачахон.

— Ҳечқиси йўқ, тезда кўриб қоласиз, — деб жавоб берди Ипакой. — Игнахон жўрттага шу пальто ва қалпоқни кийиб кўчада юринглар деб айтувди. Бугун биз кийиб юрсак, эртага шунақа кийимни олиш учун ҳамма магазинга югуради. Кийим-кечакнинг янги фасонини чиқарганда доим шундай қиламиз.

Ипакой билан Балиқжон кўча айлангани чиқиб кетишди.

— Кўрдингларми, енгилтак безорилар қандай аҳволга солиб қўйишди! Менимча, шунақа бочкадай пальтода юргандан кўра локатор билан юрган яхшироқ. Анча бежирим ҳам.

Тагин эшик тақиллаб, хонага инженер Тахтавой отилиб кирди. Уни кўрган ҳамма вой деб юборди. Боши дока билан боғланган, иккала тирсаги, тиззаларига ҳам дока ўралганди. Бўйни ва иягига елим қоғоз ёпиштирилган эди.

— Сизга нима бўлди? — деб чўчиб сўради Тугмачахон. — Нима, сиз автомобиль ҳалокатига учрадингизми?

— Ҳа... яъни йўқ... Ёки тўғриси айтганда, шундай, — деди-да, Тахтавой, оғриқдан тоқатсизланиб турган жойида сакрай бошлади. — Биласизми, қандайдир энгилтак безори кечаси машинадаги пружина этикнинг биттасини олиб кетибди. Эрталаб бун пайқамай машинага ўтириб жўнадим. Автомобиль юқори тезликда кетаётганда сакрашга тўғри келиб қолди. Агарда тўрттала пружинали этик ўз жойида турганда, ҳеч қандай ҳодиса рўй бермаган бўларди. Бир ёқ томонидаги этик бўлмагани учун, бу томоннинг итариш кучи оз бўлганидан машина ҳавода чархпалак бўлиб кетди-да, қарс этиб катта кўчага тушдим. Жуда даҳшат бўлди! Мана, қаранглар, пешонам ёрилган, иягим, тирсак ва тиззаларимни кўринг...

— Бу энгилтак безориларнинг қилмаган ёмонлиги қолмади! — деди ачиниб Биновой. — Менга сув сепишди, унинг машинасидан этигини олишибди.

— Улардан қутулишнинг асло иложи йўқ, — деб қувватлади Тахтавой. — Илгарилари автомобилни кўчага бемалол қўйиб кетса бўларди, ҳозир қараб турсанг ҳам, бир жойини бузишади, ҳатто машинангни ҳайдаб кетишади.

— Қанақасига ҳайдаб кетишади? — деб тушунмай сўради Билмасвой.

— Машинани миниб кетишади, шу. Бу ўтакетган тентакликку! Милиция нега кўрмас экан, тушуниб бўлмайди. Мен бўлганимда борми, жами энгилтак безориларни қамоққа олардим. Бирорта сариқ шимли кўриниб қолса «совуқхона»га ғизиллатардим, тузалгунича ўтирсин, дердим!

— Бундай дейиш яхшимас, — деб норози бўлди Биновой, — мана, бизнинг Билмасвой ҳам сариқ шим кийиб юради. Нега уни қамаш керак экан?

— Билмасвойнинг шими жойида-ку, — деди Тахтавой, — энгилтак безориларнинг шими кенг ва сариқ эмас, яшил.

— Бу ҳеч гапмас! — деб қўл силтади Биновой. — Ҳар бир митти бола сариқ ёки яшил шим кийиши мумкин. Бу билан ҳеч ким энгилтак безори бўлиб қолмайди. Агар билмоқчи бўлсангчи, ҳозир энгилтак безори билан яхши митти болани ажрата олмайсан. энгилтак безорилар ҳам ҳаммага ўхшаб кийиниб олиб, безориликни аста-секин қилади, уни ҳеч ким пайқамайди, агар ёмонлик қилмаса, ёлгон гапиради ё алдайди. Бир қоп ваъда беради-ю, биттасини ҳам бажармайди. Мисол учун мен Билмасвой, Тугмачахон ва Олаболага меъмор Тарвузийнинг уйини кўрсатишга ваъда бердим, аммо ҳалигача кўрсата олмадим, бундан чиқди, сариқ шим киймасам ҳам мен энгилтакманми?

Биновой билан Тахтавой кимни энгилтак, безори дейиш мумкин-у, кимни дейиш мумкин эмас, деб баҳслашишди.

— Баҳслашишнинг ҳожати йўқ, дўстлар, бари бир тезда ҳеч қанақа энгилтак безорилар қолмайди, — деди Билмасвой.

— Бу қолмайди деганинг нимаси? — деб ҳайрон қолди Тахтавой.

— Жуда осон. Тезда ҳамма нарса илгаригисидай бўлади, мана кўриб турарсизлар!

— Бе!— ишонмай қўл силтади Тахтавой.— Сиз, газетадан профессор Қўнғизийнинг мақоласини ўқиган кўринасиз. Бўлмагур гап! Эшакларнинг митти болаларга айланганига ҳеч қачон ишонмайман. Фан ҳали бу даражага етгани йўқ... Фанни эслатганларинг ҳарҳолда яхши бўлди. Биз ҳозир Фанлар шаҳарчасига борамиз. Мен сизни икки олима қизалоқлар — Ойгулхон ва Шўртангхонлар билан таништираман. Ойгулхон — бизнинг машҳур космография бўйича профессоримиз бўлади. У қиш қуёшини ихтиро қилган. Биласизларми, биз тагин битта қуёш ясаймиз-да, қиш пайтида ҳаммаёқ ёздагидай илиқ бўлиши учун уни кўкка учирамиз.

— У қуёшнинг ўзи қанақа? — деб қизиқиб қолди Билмасвой.

— Борганимизда ҳаммасини ўзи гапириб беради. Шўртангхон ракета ихтиро қилган, унда ойга учишни мўлжаллаяпти. Уни энди ясашипти, у ракетани ҳам борганингизда кўрасиз. Унга ёқиб қолсангиз, сизни ўзи билан ойга олиб учиши мумкин.

— Бир ками шу эди!— деб тутақиб гапирди Биновой.— Улар бугун сен билан ҳеч қаяёққа боришмайди. Бугун мен билан Ижодиёт кўчасига боришади. Тарвузийнинг уйини кўрсатишга алақачон ваъда берганман.

— Уларга сенинг Тарвузийнинг зарурмиди. Улар Тарвузий билан эмас, фан билан қизиқишади.

— Бекорга баҳслашаётирсизлар,— деди Тугмачахон.— Биз ҳеч ким билан ҳеч қаяёққа боролмаймиз. Чунки ҳайвонот боғига боришимиз керак.

— Мана бу жуда соз!— деди Биновой.— Олдин Тарвузийнинг уйини кўрасизлар-да, кейин ҳайвонот боғига ўтасизлар. Шундоққина ёнида ахир... Қани, марҳамат қилинлар!— деб таклиф қилди. у.— Ахир, менга ваъда берган эдинглар-ку!

— Нима ҳам дер эдик. Бу тўғри, ваъда берган эдик,— деди Тугмачахон.— Қани кетдик, агарда чиндан ҳам ёнгинасида бўлса.

— Ёнида, ёнида, иккиланмасаларинг ҳам бўлади,— деди стулдан лип этиб туриб Тахтавой.— Ҳаммамиз бирга борамиз, сизларни ўз машинада олиб бориб қўяман.

Икки-уч дақиқадан кейин ҳамма кўчага чиқди. Олабола Тахтавойнинг машинасини кўриб, юз-кўзи дока билан боғланган Тахтавойга кўз қирини югуртирди-да:

— Бу машинада боришнинг ҳожати йўқ,— деди.— У доим бургага ўхшаб сакрайверади, машина ағдарилиб кетгундай бўлса, ипак қуртига ўхшаб бошимдан-оёғимгача докага боғланишини истамайман.

— Хавотир олманг,— деб жавоб берди Тахтавой.— Машинам энди сакрай олмайди. Битта этигини олиб кетишгандан кейин бошқаларини ҳам олиб ташлашга тўғри келди.

Олабола тинчланди, аммо эҳтиётдан орқа томонга — Билмасвой ва Тугмачахоннинг ёнига ўтирди. Биновой эса, Тахтавойнинг қаторидан жой олди.

Тахтавой одатича машинани бирданига тўртинчи тезликка қўйиб юборди, машина шунақаям учиб кетдики, нақ ҳамманинг нафаси бўғзига тиқилаёзди. Биновойнинг кўзи жимирлашиб кетганидан, у қаёққа кетишаётганларини узоқ вақтгача билолмади.

Аммо, у аста-секин ўзига келгандан кейин у ёқ-буёққа аланглаб:

— Менга қара, Тахтавой, қаёққа кетяпмиз ўзи? — деди.

— Қаёққа бўларди? Қаёққа бориш керак бўлса, шу ёққа-да!

— Сенингча, қаёққа боришимиз керак?

— Фанлар шаҳарчасига-да.

— Нима? — деб бақирди Биновой. — Бу қандай бемазагарчилик!

— Биз ахир Ижодиёт кўчасига боришга келишган эдик-ку. Ҳозир ўша ёққа бургин!

— Ётай деб қолдик-ку, нима учун орқага қайтар эканмиз?

— Орқага бургин деяпман!

Биновой рулга ёпишиб, автомобилни қайтаришга киришди. Аммо Тахтавой қайтаришга йўл бермади. Автомобиль кўчада эгри-бугри чизик чизиб юра бошлади-да, йўлкага чиқиб кетди. Агарда Тахтавой моторни ўчириб улгурмаганда борми, тўппатўғри газета дўконига бориб урилган бўларди.

Автомобиль таққа тўхтади, нақ ҳамманинг бурнини пачоқ қилаёзди. Биновой билан Тахтавой анча вақтгача бир-бирларига анграйиб қараб қолишди. Охири Биновой рулни қўйиб юборди ва:

— Кечир мени, Тахтавой! Рулни ушламаслигим керак эди. Биз дабдала бўлиб кетишимизга сал қолди, — деди.

— Йўқ, мен кечирим сўрашим керак, — деб жавоб берди Тахтавой. — Оғайнилар, сизлар ҳам кечиринглар мени. Мен сизларни алдаб бошқа жойга олиб бормоқчи эдим. Сизларга Фан шаҳарчасини жуда ҳам кўрсатгим келиб юрувди-да.

— Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ, — деб жавоб берди Билмасвой. — Бир-биримиздан хафа бўлмайлик-да, секингина орқага қайта қолайлик.

Тахтавой моторни яна юргизиб, машинани қайтарди ва астагина келган йўлига ҳайдади. У уялганидан бошини энгаштириб олганди, шунчалик чуқур хўрсиндики, унга Билмасвойнинг раҳми келди ва Тахтавойни бемаъни фикрлардан чалғитиш учун:

— Қизиқ, машинанинг двигатели нима билан ишлайди, газ сувдами ёки атом энергиясидами? — деб сўради.

— Двигатель газ сувда ҳам эмас, атом энергиясида ҳам эмас, биопластмасса билан ишлайди, — деб жавоб берди Тахтавой.

— Бу биопластмасса дегани қанақаси бўлди? — деб сўради Билмасвой.

— Биопластмасса — бу тирик пластмасса дегани. Аслида эса, албатта, тирик эмас. Аммо ундан стержень ясалиб, электр токи юргизилса, стержень тортилиб қисқаради, яъни мускулга ўхшаб калта бўлиб қолади. Агар сизни қизиқтирса, кўрсатишим мумкин.

— Майли, майли,— деди Билмасвой,— жуда қизиқ бўларди-да!

Тахтавой машинани тўхтатди-да, гайка калитини олиб, бир қанча мурватларни буради, кейин Биновой билан иккаласи бири олдиндан, иккинчиси орқа томондан кузовни кўтаришди ва уни филдиракдан пастга олиб қўйишди. Пастда эса металлрама ва филдиракни айлантирадиган ричаг кўрина бошлади.

— Қаранглар-а,— деди Тахтавой.— Бу ерда ричагга биопластмассадан ясалган стержень уланган. Ток берилиши билан стержень қисқаради ва ричагни ўзига тортади, шунинг натижасида филдирак ярим доира бўлиб айланади. Аммо ток ўчиши билан стержень яна узаяди ва ричагни итаради-да, у филдиракни тўла айланишга мажбур қилади. Айланиш шу усулда давом этади. Фақат ток ҳар доим узилиб туриши керак. Аммо стержень қисқариб, ўзи токни бир ёқади, бир ўчиради.

Ичи очилган машина атрофини бир зумда митти болалар ўраб олишди. Механизмининг қандай қурилганини кўришга ҳар ким ҳам қизиқарди.

— Ток қаердан олинади? — деб сўради Билмасвой.

— Токни кичкина электрик батарея беради.

Тахтавой кузов ёнига келди-да, чўнтак фонусидан олинган кичкина батарейкани кўрсатди.

— Наҳотки, шунчалик кичкина батарейка бутун автомобилни юргиза олса? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Сиз тушунмабсиз,— деб тушунтира бошлади келиб қолган миттилардан биттаси.— Батареянинг токи фақат биопластмассадаги токни қўзғатади, яъни унинг қисқаришига ёрдам беради. Шунинг учун машина батареянинг токи энергияси туфайли ҳаракат қилмай, биопластмассадаги тўпланган энергия орқали ҳаракатланади. Шунақа биопластмассадаги двигателлар фабрикаларимиздаги дастгоҳларни ва бошқа машиналарни ҳам айлантираверади. Биттагина батареянинг токи бутун бир фабрикани ишлатишга етади.

— Биопластмасса қаердан олинади? — деб сўради Тугма-чахон.

— Ботқоқликда ўсади. Унда умуман дарахтлар ва барча ўсимликлардаги каби қуёш энергияси тўпланиб қолади. Биопластмассада ток ўтказилиши натижасида ундаги тўпланиб қолган нур энергияси механик энергияга айланади.

Машинанинг тузилишига диққат билан қараб турган Олабо-ла сўради:

— Анчадан бери қарайман-у, лекин машинадаги двигателни кўролмаяпман. Двигатели бўлмаслиги ҳам мумкинми?

— Албатта, мумкин эмас,— деб жавоб берди Тахтавой.— Аммо мана бу биопластмассадан қилинган стержень машинанинг двигатели ҳисобланади.

— Ундай бўлса, ҳеч қанақа ҳайрон қоладиган жойи йўқ экан,— деди Олабола.— Автомобиль двигателсиз юрганда эди, ана унда қизиқ бўларди.

Ҳамма кулиб юборди. Тўдага яна одамлар қўшилди. Орқадан доимо янги ўткинчилар келарди. Йўловчилардан бири:

— Бу ерда нима ҳодиса бўлди? — деб сўради.

— Эҳтимол, ҳалокатдир,— деди бошқаси.

Учинчиси ҳалокат сўзини эшитиб:

— Оғайнилар, «ҳалокат» бўлибди! — деб бақириб юборди.

— Қаранглар-а, оғайнилар, машина мажақланиб кетибди-я! — деб бақирди тўртинчиси.— Кузовни нариги томонга итқитиб юборибди, ғилдиракнинг ўзгинаси қолибди!

— Қаранглар! Шофёрнинг дабдаласи чиқибди! Ҳаммаёғига дока ўраб олибди,— деди кимдир бармоғи билан Тахтавойни кўрсатиб.

Ҳалокат хабари тарқалиши билан тўда тезда икки баробар кўпайди. Тахтавой қараса, иш чаппасига кетадиган, шунинг учун тезроқ кетишга уринди. Биновойнинг ёрдами билан кузовни жойига ўрнатди. Ҳамма машинага чиқди, Тахтавой тепкини босганди, аммо машина нима учундир ўрнидан қўзғалмади.

— Бунга нима бўлди! — деб ўтирган жойида ричагни тортиб вайсади Тахтавой.— Нима учундир ток йўқ... Эҳ, эсим қурсин! Батарейка йўқолибди. Кимдир бураган бўлиши керак...

— Эҳтимол, у ерга тушгандир,— деди Биновой.

Ҳаммалари машинадан тушиб, атрофдан батареякани қидира бошлашди.

— Ҳозиргина шу ерда эди-я! — деди тутақиб Тахтавой.— Эсингиздами, кўрсатувдим-ку.

Бу орада оломон кўчани тўсиб қўйди. Машиналар ҳаракати тўхтади. Тўпланганлар орасидан ўрмаловчи мотоцикл минган милиционер машина олдига келди.

— Нима бўлди? — деб жаҳл билан бақирди у:— Нима учун оломон тўпланди?

— Уларни ҳеч ким тўлагани йўқ! — деб жеркиб берди Тахтавой.

— Нега юргизмаяпсиз?

— Батарейка бўлмагандан кейин, қани рулга ўтириб юргизиб кўринг-чи! — деди кулимсираб Тахтавой ва тўпланганлардан:— Оғайнилар, эҳтимол, битта-яримта янглишиб батареякани чўнтагига солиб қўйгандир-а? — деб сўради.

Оломон ичидан кулги кўтарилди.

Милиционер калласини қимирлатди-да, Тахтавойга:



— Огайнижон, касалхонада ётишингиз керакка ўхшайди-ку, сиз бўлсангиз, ўйнаб юрибсиз, — деди.

— Энди шу қолувди! — деди Тахтавой.

— Майли, қани машинангизга ўтиринг, сизни милицияга олиб бораман, нималигини ўша ерда аниқлаймиз. Бу ерда одам йиғиш керак эмас.

Биновой Билмасвойнинг олдига келди:

— Автобус ёки таксига тушиб ҳайвонот боғига кетаверинглар, — деди. — Мен Тахтавой билан милицияга бориб ҳаммасини тушунтираман. Тахтавой тагин менсиз ортиқча ул-бул деб қўймасин, деб қўрқаман. У милиционерларни ёқтирмайди.

Тахтавой билан Биновой қайта машинага чиқишди. Милиционер ўрмаловчи мотоциклни машинанинг олдига қўйди-да, машинани илмоқ билан мотоциклга улаб — шатакка олиб милицияга жўнади.

## Ўттизинчи боб

### БИЛМАСВОЙНИНГ СЕҲРЛИ ТАЁҚЧАНИ ЙУҚОТГАНИ

Билмасвой ва унинг шериклари ҳайвонот боғига етиб келишганда, кун аламаҳал бўлиб қолганди. Уларнинг эрталабки вақтлари бефойда гаплашиш ва Тахтавойнинг машинасида юриш билан ўтиб кетди. Кейин қоринлари очиб, ошхонага овқатланишга кетишди. Дўстлар ҳайвонот боғидаги томошани учта эшакни топган жойларидан бошламоқчи бўлишди. Аммо улар бу сафар говнинг ичида ҳеч қандай ҳайвонни кўришмади. Молхонанинг эшиги ланг очиқ эди. Ҳар эҳтимолга қарши, Билмасвой говдан ошди-да, саройнинг ичига қаради. Сарой бўм-бўш эди.

Саёҳатчилар сабр-тоқат билан ҳар бир бурчакка аланглаб, ҳайвонот боғини кеза бошладилар. Улар ҳар хил турдаги ҳайвонларни кўришди-ю, аммо эшакни учрата олмадилар. Дўстларимиз атрофни айланиб чиқиб, яна аввалги жойларига қайтиб келишди ва говнинг ичини супуриб юрган оқ этакли митти қизалоқни кўришди.

— Бемалол бўлса, айтинг-чи, эшак қаерда эканлигини билмайсизми? — деб мурожаат қилди Билмасвой ҳалиги қизалоққа.

Қизалоқ супуришни тўхтатиб, супургисига суянди-да:

— Қандай эшак? — деб сўради.

— Оддий эшак-да, туёқли.

— Эй, шундайми! Нега сизга эшак керак бўлиб қолди? Эшак — эшак-да! Унинг нима қизиғи бор?

— Ҳа, бир кўргимиз келиб қолувди-да, Бутун ҳайвонот боғини айланиб, ҳеч қаерда эшакни кўра олмадик.

— Ҳм! — деди фаррош миттиой. — Бу ерда бизнинг учта эшагимиз бор эди, нима бўлди-ю, қаёққадир ғойиб бўлишди. Умуман, бу ерда бўлмағур шов-шувлар юрибди, сизлар унга ишонманглар. Сеҳргарликми-ей... алланималар... Бекор гап! Ҳеч қанақа сеҳргарлик йўқ! Уларни шунчаки анови энгилтак безорилар олиб кетишган. У безорилардан ҳеч қутулиб бўлмаяпти! Ҳозир шаҳарда саёқлар шундай кўпайдики... Қафасдан филни олиб чиқиб кетишса ҳам билмай қоласан!

— Филни-ку, олиб кетишолмас, — деди Билмасвой.

— Нега олиб кетолмас экан? Олиб кетади! — деб қўл силади фаррош миттиой. — Бизга филга ҳам эҳтиёт бўлиб туришни тайинлашди. Ҳар нима бўлиши мумкин... Бу ерда йиртқич ҳайвонлару заҳарли илонлар бор. Улар кишини дабдала қилиши, заҳарлаб қўйиши мумкин. Мабодо, битта-яримта энгилтак безори илонни чиқариб юборса борми, а? Ахир, атрофда одамлар яшайди — шаҳар!

— Кўчадан топилган эшак қаерда ўзи? — деб сўради Билмасвой. — Қачонлардир газетага, кўчадан қаровсиз юрган эшакни топдик, уни ҳайвонот боғига олиб бориб бердик, деб ёзишганди.

— Ҳа, уми? — деб кулимсиради фаррош қизалоқ. — У эшак бу ерга келгани йўқ. Уни ҳайвонот боғига эмас, циркка топширишган. Газетада ҳайвонот боғига топширдик, деб хато босишган, биз уни сира ҳам кўрмадик.

— Демак, ўша эшак циркда экан-да? — деб умидвор бўлиб сўради Тугмачахон.

— Албатта, албатта! Бундан уч кун олдин циркка борганимда ўз кўзим билан кўрдим. Эпчилгина эшак экан, очиғи, фақат ўргатилган эмас. Уни аравачага қўшишар ва масхарабозлар минишар экан. Ҳа майли, ҳечқиси йўқ, ул-булга ўрганиб ҳам қолар.

Саёҳатчилар фаррош билан хайрлашиб, четга чиқишди.

— Ана, иш ўнгидан келди! — деб шивирлади сеvingанидан Билмасвой. — Демак, Варақжон циркда экан. Биз бўлсак, бу ерда қидириб юрибмиз! Майли, ҳечқиси йўқ. Ҳозир циркка борамизда, эртадан энгилтак эшакларни қидиришга тушамиз. Уларни учратган заҳоти танийман. Уларнинг бурнида майда-майда сепкили бор.

Билмасвой ва унинг шериклари эшик томонга йўл олишди. Маймунлар катаги ёнидан ўтаётганда, маймунларни томоша қилиш учун тўхташди. Битта маймун жуда қизиқ экан, Билмасвой уни гижгижламоқчи бўлди. У сеҳрли таёқчасини олди-да, қафаснинг тешигидан тиқиб, маймуннинг тумшугига тегизмоқчи бўлди. Маймун жаҳл билан қовоғини солиб, Билмасвойнинг қўлидаги таёқчани сапчиб тортиб олди! Билмасвой шошиб қолди.

— Қаранглар, нима қилиб қўйди... — деди у йиғлагундек бўлиб.

— Нима? Таёқчани маймунга бердингми? — деб қичқирди Тугмачахон.

— Берганим йўқ, ўзи тортиб олди.

— Агар тумшугига таёқчани тегизмаганингда, у олмаган бўлар эди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳозир тортиб оламан.

Билмасвой маймундан сеҳрли таёқчани тортиб оламан деб, тешиқдан қўлини тикди, аммо маймун тўсиқдан нарига қочди, Билмасвой унга қўлини сира еткизолмади.

— Эй, шум! — деб бақирди Билмасвой. — Буёққа бер, таёқчани, сенга айтяпман!

Аммо маймун Билмасвойнинг гапига қулоқ солмади, қафас ичида у ёқдан-буёққа сакраб юрди, таёқчани бир лаҳза ҳам қўлидан қўймади. У кейин қафас ўртасида осилиб турган энг баланд аргимчоққа чиқиб олди-да, унда уча бошлади, Билмасвойни масхара қилгандай, унга кўз қирини ташлаб қўярди.

— Ярамас махлуқ! Таёқчани бер! — деб сўқди Билмасвой. — Ҳа, майли, таёқчани олиб юриб зерикади-да, кейин ташлаб юборади.

Шу билан кун кеч бўлди. Ҳайвонот боғининг ёпилишидан хабар бериб, қоровул ҳуштагини чалди. Одамлар чиқиб кета бошладилар.

Тезда атроф бўшаб қолди. Фақат Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола маймун қафаси ёнида ўралашиб юришарди.

Маймун охири таёқчани олиб юриб зерикди-да, ташлаб юборди. Таёқча катакнинг узоқ бурчагида ётарди.

— Амал-тақал қилиб катакнинг ичига кириш керак, — деди Билмасвой.

Лекин қафаснинг ичига киришнинг ҳам ҳеч иложи йўқ эди. Билмасвой синчиклаб қараб туриб, катакчанинг эшиги тамбалаб қўйилганини кўрди.

У атрофга аланглаб, ҳеч ким йўқлигини билиб, қафас ўраб қўйилган ғовдан ошди-да, тамбани ола бошлади. Лекин, тамба сира сурилмади. Уни бор кучи билан торта бошлаганди, қафас қимирлаб кетди. Охири тамба энди очилай деб қолганда, бурчакда супурги кўтарган қоровул кўринди.

— Нима қиялпсан, эй шайтон? — деб бақириб қолди у, — Маймунни чиқариб юбормоқчимисан? Сен зумрашани шошмай тур!

Билмасвой ғовдан ошгунча қоровул келиб унинг бўйнидан ушлаб олди.

— У ерда таёқчам бор! — деб зорлана бошлади Билмасвой қўлдан чиқишга уриниб. Аммо қоровул уни қаттиқ ушлаб олган эди.

— Сенга таёқчани кўрсатиб қўяман. Милицияга олиб борай, у ерда сенга яхшироқ таёқча топиб беришади! — деб дўқ урдиди, Билмасвойни эшик томон етаклаб кетди.

Тугмачахон билан Олабола ундан олдинда йўлда чопқиллаб кетишарди ва қоровулга қўрқиб қараб қўйишарди.

— Чин сўзим, у ерда таёқчам қолди! Таёқчамни маймун тортиб олди,— деб таъкидлади Билмасвой.

— Таёқчанг билан унинг жиғига текканга ўхшайсан-а? Таёқчани тумшугига ўқталувмидинг?

Қоровул Билмасвой билан кўчага чиқди-да, милиционерни қидирган бўлиб, у ёқ-буёққа аланглади.

— Иккинчи қилмайман! Чин сўзим, бошқа бундай қилмайман,— деб ялинди Билмасвой.

— Бор кет, иккинчи безорилик қилма бу ерда! — деди қоровул Билмасвойни қўйиб юборар экан. — Яна қўлга тушсанг, омон қутулмайсан.

Кейин қоровул дарвозани қулфлаб, ичкари кириб кетди.

— Нега сен қоровулга бу оддий таёқча эмас, сеҳрли таёқча деб айтмадинг? Эҳтимол, у, бу алақандай оддий таёқча деб ўйлагандир-да,— деди Олабола.

— Нима деётганингни тушуняпсанми ўзинг? — деди жаҳли чиққан Билмасвой. — Агар сеҳрли таёқча эканини билиб қолса, олиб қўяди. Кейин бизга берармиди? Ололмайсан! Ундан кўра қани айтинглар-чи, нега иккаловинг ҳайвонот боғидан чиқиб олдиларинг? У ерда қолиб, сеҳрли таёқчани катакдан олишга уринсаларинг бўларди. Ана энди дарвоза ёпилиб қолди... У ёққа қандай кириб оласан?

— Бир кам таёқча деб қафасга киришимиз қоптими? — деди Тугмачахон хафа бўлгансимон лабини чўччайтириб.

— Сен кирмасанг, Олабола кирса бўларди.

— Йўқ, мен ҳам қафасга киришни хоҳламайман,— деди Олабола. — Кел, бизга таёқчанинг нима кераги бор? Бу ерда сеҳрли таёқчасиз ҳам хоҳлаганинг тайёр-ку. Овқатланмоқчи бўлсанг, марҳамат, овқатланавер. Кино ёки театрга кирман десаңг, марҳамат, кириб кўравер. Автомобилда юрмоқчи бўлсанг, хоҳласанг, кунбўйи айлан. Ҳатто автомобилда ҳеч қандай сеҳрсиз сакрашинг ва учушинг ҳам мумкин.

— Эҳ, сен тентак! — деди тутоқиб Билмасвой. — Автомобилда юриш учун бизга сеҳрли таёқча керак бўлармиди ўзи? Бизга, Варақжонни ташвиш-ғамдан қутқариш учун, шаҳарни енгилтак безорилардан озод қилиш учун керак-ку! Шу енгилтак безорилар деб, ҳамма азоблансинми?

— Ҳа, ундоқ бўлса, албатта керак,— деб рози бўлди Олабола.

— Энди режамиз мана бундоқ бўлади,— деди Билмасвой. — Қоронғи тушгунча пойлаб турамиз-да, кейин девордан ошиб тушамиз. Қоронғида қафасга кириб олиш мумкин, ҳеч ким пайқамайди.

— Бас! — деди Тугмачахон. — Мен меҳмонхонага кетаман.

— Демак, қийинчилик олдида орқага чекинасанми? — деб сўради Билмасвой.

— Ҳа, чекинаман. Мен девордан ошолмайман,— деб қатъий жавоб берди Тугмачахон.

— Демак, сенингча, Барақжон эшаклигича қолавериши, мен бўлсам ҳеч қандай иш қилмаслигим керак экан-да?

— Тагин бирор чатоқ ишни орттириб қўясан-да, эпллолмай бошинг балага қолади. Яхшиси, ҳеч қанақа иш қилмаганинг маъқул.

Тугмачахон шундай деб, автобус бекати томон кетди.

— Майли, у кетса кетақолсин, сен қолгин, Олабола, — деди Билмасвой. — Менга зарур бўлиб қолишинг мумкин. Девори жуда баланд экан, чиқишга ёрдам берасан. Нарироқ борайлик-чи, эҳтимол, у ердан ошиш осонроқдир.

Улар девор ёқалаб бурчаккача боришди-да, тор кўчага бурилишди. Ҳақиқатан ҳам бу ернинг девори паст экан.

— Қоронги тушгунча қараб тураминиз, — деди Билмасвой. Улар девор тагида пойлаб ўтиришди. Осмон аста-секин қоронғилашиб, юдузлар кўрина бошлади. Уларнинг устида катта апельсинга ўхшаган тўқ сариқ ой кўтарилди.

— Энди вақт бўлди, — деди атроф-теваракка кўз ташлаган Билмасвой. — Мени кўтариб юбор!

Олабола уни пастдан кўтара бошлади. Билмасвой ирғиди-да, деворга миниб олди.

— Энди сен чиқ, — деб шивирлади у Олаболага қўлини узатиб.

— Мен шу ерда пойлаб турақолайин — деди Олабола.

— Йўқ, у ерда менга керак бўласан. Қафас олдида қоровулни пойлаб турасан.

Олабола Билмасвой ёрдамида деворга тирмашиб чиқиб олди, кейин иккаласи нариги томонга сакраб, чуқурга йиқилиб тушишди.

— Менга қара, чуқурга тушиб кетганга ўхшайман, — деди зорланиб Олабола.

— Жим! — деди шивирлаб Билмасвой. — Жим ўтир!

Бир қанча вақт иккаласи нафасларини чиқармай диққат билан кулоқ солишди. Атроф тинч эди.

— Жимжит, — деди Билмасвой. — Ҳеч ким эшитмаганга ўхшайди. Секин бораверамиз.

Улар чуқурдан чиқиб, ўт ва гуллар оралаб олдинга юра бошлашди. Билмасвой мушукка ўхшаб товуш чиқармай қадам босарди, Олаболанинг оёғи остида нимадир шитирлади.

— Жим юрсанг-чи, — деб шивирлади Билмасвой.

Кутилмаганда қаттиқ бўкирган овоз эшитилди. Олабола тўхтади ва қўрққанидан ўтириб олди.

— Бу нима? — деб гўлдиради у.

Бўкирган овоз тагин қаттиқроқ эшитилди. Қўрққанидан Олаболанинг сочи тикка бўлиб, бадани жимирлашиб кетди.

— Бу эҳтимол, шердир, — деди Билмасвой.

Бўкирган овоз яна қайтарилди, энди у юракка қўрқув сола-

диган, қонсираган йиртқичнинг аллақандай ўкиришига ўхшарди. Уша заҳоти яна нимадир вовиллади, гингшиди, бўрининг чўзиб увиллагани, сиртлоннинг чийиллагани эшитилди. Аллақадан ўрдакнинг уйқуда ғагиллагани қулоққа чалинди, қаердадир қарға қағиллади. Бутун ҳайвонот боғи ғала-ғовур бўлиб кетди-да, узоқ вақтгача тинчланмади. Олабола бир оз ўзига келиб олди.

— Нима учун шер бўкиряпти? — деб сўради у.

— Билмайман, эҳтимол, овқат егиси келгандир, — деди Билмасвой.

— У бизни еёлмайдими?

— Қўрқма! У ахир қафас ичида ётибди-ку.

— Қўрқаётганим йўқ, — деди Олабола. — Шунчаки сўрадим-да.

Секин-аста атроф тинчиди, аммо ой булут орасига йўқолгач, атроф бутунлай қоронғилашди. Олдинда фақат йўлкагина оқариб кўринарди.

— Биз қаёққа кетяпмиз? — деб хавотир олиб сўради у.

— Эшак турадиган ғовни топиш керак, маймуннинг катаги ўшанинг шундоқ ёнида эди, — деди Билмасвой.

Тезда йўлнинг иккала томонида қафаслар учрай бошлади. Қоронғида қафас ичидаги ҳайвонлар кўринмас, аммо Олаболага бирорта йиртқичнинг ўткир тирноқли панжаси қафас орасидан чиқиб, орқасидан чангаллаб олаётгандай туюларди. Шунинг учун чўчиб атрофга аланглар ва қафасдан нарироқ юришга уринарди. Кейин йўл панжарага келиб тақалди. Панжара орқасида ҳовуз бор эди.

— Бошқа жойдан чиқиб қолдик, шекилли... — деди Билмасвой.

Қафаснинг ичидан аллақандай пишиллаш, чап-чап чайнаш, шалоп-шулуп этган товуш эшитиларди. Эҳтимол, сувнинг шувиллаганидир, ёки бу бегемотга ўхшаш сув ҳайвонининг шапиллашидир.

Дўстлар озгина орқага юришди-да, ён томондаги йўлкага бурилишди.

— Бу қанақаси? — деб шивирлади Билмасвой қоронғиликка тикилиб. — Қаердалигимизни сира билолмаяпман. Қоронғида ҳамма нарса бошқача бўлиб кўриняпти.

Улар боғда анча вақтгача адашиб юришди, охири каттакон бир қафас ёнига келишди, бу жой Билмасвойга танишдай туюлди.

— Менимча, филнинг олдига келиб қолибмиз, — деди Билмасвой. — Демак, энди буёғи яқин.

Улар сал юриб, ичидан сарой кўриниб турган баланд ғов олдида тўхташди.

— Мана, кўрдингми, бу эшак турадиган сарой! — деб севинди Билмасвой. — Тўппа-тўғри келяпмиз!

Улар ёнга бурилиб, ёғоч ғов тўсилган қафасларга яқинлашдилар. Бурчакдаги охирги қафас олдига келган Билмасвой:

— Мана!.. Сен-чи, Олабола, шу ерда атрофга қараб тур. Агар битта-яримтани кўриб қолсанг, ҳуштак чалгин,— деди.

— Дуруст,— деб калласини қимирлатди Олабола.

Билмасвой ғовга тирмашиб чиқди-да, панжарага юзини тираб қафаснинг ичига қаради ва диққат билан қулоқ солди.

— Нимани кўряпсан? — деб сўради Олабола.

— Жим тур! — жеркиб берди Билмасвой. — Ҳеч нима кўринмаяпти. Нимадир ухлаб ётганга ўхшайди. Эҳтимол, маймундир... Ҳа, майли.

Қоронғида эшикни пайпаслади-да, болгани олиб тамбани оча бошлади. Бу сафар тамба осон очила қолди. Билмасвой уни суриб қўйиб, эшикни тортди. Эшик ғичирлаб очилди.

— Эй! — деди ғижиниб Билмасвой ва эшикка муштини ўқталди. — Тагин ғичирлайди-я!

Бирмунча вақт жимгина қулоқ солиб турди. Атрофда ҳеч қандай товуш эшитилмагач, эҳтиётлик билан қафас ичига кирди. Эмаклаб юриб, қўли билан ерни тимирскилай бошлади. Аста-секин қафаснинг ичкарироғига юриб, деворигача борди-да, бошқа томонга қайрилди. Шунда тўсатдан бўғиқ овоз эшитилди. Билмасвой эмаклаганча бир оз қоронғилик ичига синчиклаб қараб турди. Кўз олдида каттакон қора бир нарса ётарди. Ана шу пайтда ой булут орасидан чиқди-да, қафас ўртасида чўзилиб ётган шерни ёритди. Шер паҳмоқ бошини кўтарди ва эриниб кўзини қисиб, Билмасвойга тикилди.

Билмасвой ҳатто чўчишга улгурмасданоқ, гизза орқасига эмаклаб кетди. Шердан кўзини узмай тикка туриб, ирғишга шайланди. Шер бунни кўриб қолиб ўрnidан турди, пишқирди ва Билмасвой томон қадам ташлади. Билмасвой ўзини очиқ турган эшикка урди-ю, ўқдай отилиб чиқиб кетди. У Олаболага фақат «шер» деёлди холос, кейин орқасига қарамай қочиб қолди.

Олаболанинг нақ жон-пони чиқаёзди. Қўрққанидан эси чиқиб, у ҳам Билмасвойнинг кетидан югурди. Улар деворга етгунларича йўлнинг фарқига бормай чопишди. Билмасвой бир зумда ирғиб деворга ёпишди. Олабола унинг шимидан ушлаб қолди. Бу Билмасвойга шер оёғидан ушлаётгандай туюлди-ю, бор кучи билан ундан кутулишга уринди. У ушлаган тахта тўсатдан девордан ажралиб кетди. Билмасвой тахтани ушлаганича Олаболанинг устига йиқилди, иккалови ҳам юзтубан ерга қулади. Шунда алақандай қичқириқ ва қоровулнинг ҳуштаги эшитилди. Билмасвой тахтани суриб ташлаб, деворнинг очилиб қолган жойидан ўтиб олди. Олабола ҳам ўша заҳоти унинг кетидан суқилиб ўтди-да, иккови кўча бўйлаб қочишди. Олдинда Билмасвой, унинг кетидан сояга ўхшаб Олабола чопиб борарди. У ҳарсиллар, пишиларди, Билмасвой эса бунни эшитиб, орқамдан шер пишқириб келяпти деб баттар югурарди.

# Ўттиз биринчи боб

## СЕҲРГАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тугмачахон меҳмонхонага қайтиб келгач, Билмасвой ва Олабола билан бирга қолмаганига ачина бошлади.

— Улар менсиз бирон ғалва орттириб қўйишмаса кошкийди... Ишқилиб, ҳеч нима бўлмасин-да, — деди у.

Тугмачахон уларсиз зерикди. Кўнглини ёзиш учун телевизор қўйди. Шу пайт телевизорга алақандай кўзойнакли бир митти олим чиқиб, енгилтак безорилар ҳақида узундан-узоқ зерикарли маъруза қилди.

— Эшитиришга бошқа нарса қуриб қолибдими! — деди Тугмачахон.

У телевизорни ўчирди-да хонанинг у бурчагидан-бу бурчагига юра бошлади, дам-бадам соатга қараб-қараб қўярди.

— Ҳайвонот боғига қайтиб борақоламан! — деди тоқати тоқ бўлиб, аммо бу фикридан ҳам қайтди. — Ҳайвонот боғига қандай қилиб кира олардим? Девордан ошолмайман-ку, ахир! Ҳа майли, қани улар келишсин-чи! Мени безовта қилишгани учун бир таъзирини берай.

Вақт ўтарди, аммо Билмасвой билан Олаболадан дарак йўқ эди. Тугмачахон нима ўйлашини ҳам билмай қолди, уни ҳар хил ваҳима боса бошлади. Билмасвой билан Олаболани гўё қоровул ушлаб олиб, милицияга жўнатгандай бўлиб туюлаверди. Безовта бўлганидан ўзини қаёққа қўярини билмади. Ярим кеча бўлди. Соат ўн иккита занг берди.

— Уларга бир бало бўлгани аниқ, — деди Тугмачахон.

У энди ҳайвонот боғига кетмоқчи бўлиб турганди, эшик очилди-да, остонада Билмасвой билан Олабола кўринди. Иккаласининг ҳам сочлари тўзғиб кетган, кўзлари бежо эди. Олаболанинг бурни қирилган, башараси одатдагидан ҳам кир-чир бўлиб кетганди.

— Билмасвой, тагин бирорта иш қилиб қўйдингми? — деди Тугмачахон жаҳли чиқиб ва унга томон юрди. — Шунча вақт қаёққа йўқолиб кетдиларинг?

— Ҳечқиси йўқ, Тугмачахон, хавотир бўлма, — деди Билмасвой. — Ҳаммаси яхши бўлади, кўриб турарсан, фақат жаҳлинг чиқмаса бўлди. Мен-чи, Тугмачахон, шерни бўшатиб юбордим.

— Қандай шерни? — деб чўчиб тушди Тугмачахон.

— Ҳа, анови қафасдаги шерни-да. Мен янглишиб шернинг қафасига кириб қолибман.

Қўрққанидан Тугмачахоннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.



— Қандай балосан!— деб бақириб юборди у.— Эшаклар билан майнавозчилик қилувдинг, энди шер бормиди! Охири ёмон бўлади, биласанми?

— Сен безовта бўлма, Тугмачахон. Охири яхши бўлади. Эртага эрта билан бораман-да, ҳаммасини тўғрилайман. Эрталаб ёруғ бўлади, адаштирамайман. Ҳаммаси жойида бўлади, кўриб турарсан!

— Тўғрилаб бўлсан! Яхшиси, ҳаммасини йиғиштир. Ростини айтсам-чи, сеҳрли таёқчани йўқотганингдан ҳозир жуда хурсандман. Сенга таёқча берса, дунёни остин-устун қилиб юборишинг мумкин. Бўлди, эртага уйга қайтамыз. Бир лаҳза ҳам тургим келмаяпти бу ерда.

— Нима билан кетасан? Мен ҳали ҳамма гапни айтиб берганим йўқ.

— Тагин нима бўлди?— деб чўчиб тушди Тугмачахон.

— Автомобилимизни олиб кетишибди.

— Шуниси қолувди,— деб хуноб бўлди Тугмачахон.— Уйга нимани миниб кетамиз?

— Шунни айтяпман-да, ахир, таёқчани топсак, автомобилимиз бўлади, тополмасак, бўлмайди.

Тугмачахон эрталаб одатдагидан вақтли уйғонди-да, Билмасвойни уйғотгани у ётган хонага борди, қараса, ўрнида йўқ, Олабола бўлса ҳали ҳам ухлаб ётибди. Тугмачахон уни уйғотди.

— Бу тагин қанақаси, Олабола? Билмасвой қани?— деди Тугмачахон.

— Ўрнида йўқми?— деб ҳайрон бўлди Олабола.

— Йўқ бўлгани учун сўраяпман-да.

— Эҳтимол, ҳайвонот боғига кетиб қолгандир.

— Қани, дарров отлангин-чи, биз ҳам борамиз.

— Қаёққа борамиз?

— Қаёққа бўларди, ҳайвонот боғига-да.

— Ахир, у ерда шер бор-ку!..

— Эҳтимол, шерни аллақачон тутишгандир.

Ярим соатдан кейин Тугмачахон билан Олабола ҳайвонот боғига етиб боришди. Дарвозадан кириб йўлка бўйлаб тез юриб кетишди. Олабола Тугмачахоннинг кетидан чўчиб атрофга аланглаб борарди. Аллақачондан ҳозир шер сакраб чиқиб, унга ташланаётгандай туюларди.

Тугмачахон билан Олабола маймун қафасини ва унинг олдида бурчакда бекиниб турган Билмасвойни узоқдан кўриб қолишди. Қафас ичида ер супураётган фаррош қизалоқ бор эди. Тугмачахон Билмасвойнинг олдида сездирмасдан, секин бекиниб борди.

— Бу ерда нима қилиб турибсан?— деб сўради у.

— Жим!— деб қўлини силкиди Билмасвой.— Сеҳрли таёқча шу ерда. Хув, ана, қарагин, кеча маймун ташлаганча ерда ётибди. Ҳозир фаррош сунурганида, эҳтимол, таёқчани қафасдан буёқ-

қа ташлаб юборар, кейин уни оламизу, ҳамма иш жойида бўлади.

Бу орада фаррош полни супуриб бўлди-да, чиқиндиларни челақка ташлади, таёқчани ҳам олиб челақка солди.

— Ҳечқиси йўқ,— деб Тугмачахонни тинчлантирган бўлди Билмасвой.— Ҳозир унинг кетидан борамиз-да, чиқиндини қаёққа ташлаганини кўриб оламиз.

Аммо фаррош чиқиндини ҳеч қаёққа олиб бормади, у қўшни қафасни супуришга киришди. Шундай қилиб, у қафасдан-қафасга ўтаверди, челақ бўлса чиқиндига тўлиб кетди. Охири ишни тамомлаб, челақдаги чиқиндиларнинг ҳаммасини қафасларнинг орқасидаги чиқинди қутига тўқди. Билмасвой фаррош миттиой ғойиб бўлгунча қараб турди, кейин Олабола билан Тугмачахонга:

— Шу ерда қараб турунглр, биров келиб қолмасин яна,— деди-да, югуриб қути олдига борди, қутининг қопқоғини очиб, ичига тушди. Қути ичидан анча вақтгача бўғиқ хириллаган ва пишиллаган товуш эшитилиб турди. Охири қопқоқ тагидан Билмасвойнинг боши кўринди.

— Мана, сеҳрли таёқча!— деди у тантана қилгандай жилмайиб.

Тугмачахон ҳатто севинганидан сакраб секингина чапак чалиб кўйди.

Билмасвой қутидан чиққач, таёқчани қўлида эҳтиётлаб ушлаб йўлқадан кела бошлади.

— Энди уни эҳтиёт қиламан!— деди у.— Энди ҳеч ким мендан ололмайд!

Билмасвойнинг кетидан Тугмачахон билан Олабола ҳам эргашди. Дўстлар бир-бирларининг қўлини ушлаб олишди, улар жуда ҳурсанд эдилар.

— Энди циркка бориб, Варақжонни қутқаришимиз мумкин,— деди Тугмачахон.

— Ҳа, тўғри! Мен бўлсам Варақжонни унутиб қўйибман,— деди Билмасвой.— Қани, тез циркка борайлик!

У эшикка қараб югурди. Тугмачахон билан Олабола унга зўрға етиб олишди. Улар салдан кейин тугмачали таксига ўтиришди. Билмасвой машинадаги «цирк» деган тугмачани босди. Бир зумда циркка етиб олишди. Улар цирк ичида ўмбалоқ ошаётган ва сакраётган бир қанча акробатларни кўришди, кечқурунги томошага тайёргарлик кўраётган бўлишса керак. Билмасвой билан Олаболанинг буларга қараб тургилари келди, аммо Тугмачахон унамади.

— Бу ерга шунинг учун келганмидик? Кейин томоша қилаверамиз,— деди у.

— Ҳа, майли, кейин,— деб рози бўлди Билмасвой.

Саёҳатчиларимиз қатор курсилар орасидан юриб артистлар кирадиган эшиқдан хизматчилар хонасига ўтиб олишди. Бу жой

таги цемент узунгина сарой эди. Девор четида ҳар хил ҳайвонларнинг қафаси турарди. Қафасларнинг бирида шер бор эди.

— Тагин шер! — деди чўчиб кетган Олабола. — Эҳтимол, яна бирорта чатоқ иш чиқиб қолар...

Бинонинг охирида отхона бор эди. Саёҳатчилар яқинроқ боришгач, отлар орасида турган эшакни ҳам кўришди. У ўша ердаги деворга қоқилган халқага бойлаб қўйилган эди. Эшак қайрилиб Билмасвойга ғамгин қараб қўйди.

— Бу ўша! — деб пичирлади Билмасвой. — Уни танийман.

Билмасвой эшакка айлантириб қўйганим учун Варақжон солиб қолмасин тагин деб қўрқиб, сал четроқда турди-да, ул-бул рўй бериб қолгундай бўлса, таёқчани силкитиб ура қочишга шайланди.

— Эшакнинг Варақжонга айланишини истайман! — деди секингина.

Аммо ҳеч қанақа ўзгариш рўй бермади. Билмасвой тагин таёқчасини силкитди-да:

— Бу эшакнинг қайтадан митти Варақжонга айланишини истайман! — деб қаттиқ гапирди.

Бу сафар ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

— Бу қанақаси ўзи? — деди хавотирланиб Билмасвой.

У бор кучи билан таёқчани ҳавода айлантириб, ўз гапини минг қичқириб айтса-да, эшак эшаклигича қолаверди ва Варақжонга айланишни истамасди. Бу орада цирк қоровули келиб қолди.

— Бу ерда нима қиялпсизлар?

Билмасвой довдираб нима дейишини билмай қолди, аммо Олабола чаққонлик қилиб:

— Биз томоша кўргани келувдик, — деди.

— Томошага кечқурун келиш керак-да.

Қоровул уларни кўчага чиқариб, эшикни ёпиб олди.

— Бу қандоқ бўлди? — деди Билмасвой нима қиларини билмай. — Нима учун таёқча таъсир қилмай қолди. Қани, тагин текшириб кўрай-чи,

У таёқчани тагин силкитиб:

— Икки дона музқаймоқ пайдо бўлишини истайман! — деди.

— Уч дона! — деб тўғрилади Олабола.

— Уч дона музқаймоқ пайдо бўлишини истайман, — деб такрорлади Билмасвой.

Аммо, у бу сўзларни ҳар қанча қайтаргани билан ҳатто бир дона ҳам музқаймоқ пайдо бўлмади.

— Менга қара, Билмасвой, сен, эҳтимол бошқа таёқчани олгандирсан, — деди Олабола.

— Нега энди? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Олдин сеҳрли эди, бу сеҳрли эмас-ку.

— Сенингча, сеҳрлиси қаерда?

— Сеҳрлиси чиқинди қутисида қолиб кетгандир-да.

— Эй, мен анқовни! — деб бошини ушлаб қичқирди Билмасвой. — Қани, тезда ҳайвонот боғига қайтиш керак.

Бир неча дақиқа ўтгач, саёҳатчилар яна ҳайвонот боғидаги йўлқадан чопиб кетишди. Билмасвой қутининг олдига югуриб борди-да, унга йўлбарсдай ташланди, яшиқнинг оёғини осмондан қилиб ағдариб юборди ва бутун чиқиндиларни ерга сочиб ташлади. Учалоги чиқиндини титкилай келишди аммо ҳеч ким бошқа таёқчани тополмади.

— Ана, кўрдингми? — деди Билмасвой Олаболага. — Ҳеч қанақа таёқча йўқ. Демак, сеҳрли таёқча шу.

Билмасвой чиқинди уюмидан нарироққа бориб, ўриндиққа ўтирди. У қўлидаги таёқчани айлантитарар ва ўзича нималарнидир пичирларди.

— Қани, буёққа бер-чи, мен синаб кўрай, — деди Билмасвойнинг ёнига келиб ўтирган Олабола.

У таёқчани олди-да, силкитиб:

— Қиёмли бутерброд хоҳлайман!.. Музқаймоқ хоҳлайман! Ёғлиқ қайла хоҳлайман... Очилдастурхон! Тфу-эй! — деди.

Шундай қилиб, бирорта ҳам истаги бажарилмагач, таёқчани Билмасвойнинг қўлига тутқазди.

— Эҳтимол, сени сеҳргар алдагандир. Сенга ҳеч нимага ярамайдиган аллақандай таёқчани берибди, ундаги сеҳрнинг бари йўқолибди.

— Рост, — деди Билмасвой, — ўша сеҳргарни бир учратсам эди, унга ярамас сеҳрли таёқча бериб, миттиларни қандай алдашни кўрсатиб қўйган бўлардим.

Билмасвойнинг кўнгли жуда ғаш эди. Олабола бўлса, одатда узоқ қайғурмасди. Эҳтимол, унинг ҳозирги ҳолати бу хусусиятидан бўлмай, шу чоқ саёҳатчилар ўтирган ўриндиққа қуёшнинг нур сочишидан бўлса керак. Офтоб тафтида исиган Олабола, ўзини жуда мамнун сезар, юзида беихтиёр табассум пайдо бўларди. У Билмасвойга:

— Куяверма, Билмасвой! Ҳали ҳаммасини қўлдан бой берганимиз йўқ. Жуда бўлмаганда ошхонага бориб овқатланишимиз мумкин.

— Йўқ, Олабола, бу ҳарҳолда тўғри эмас! Қани айт-чи, нега яхши ишлар қилдим-а? Ахир уч марта яхши иш қилдим. Энг муҳими, ҳеч нарса тама қилмай, кетма-кет-а!

Билмасвой билан Олабола гаплашиб ўтирганларида узоқда, йўлқадан келаётган йўловчи кўринди. Унинг устида товланаётган юлдузчалар ва кумушранг ярим ой билан безатилган тўқ кўкиш чопони, оёғида тумшуғи кўтарилган қизил чориғи бор эди. Бу чориқни кийиб олган йўловчи ҳам товуш чиқармай, жуда чаққон қадам босарди. Унинг ўриндиқ олдига келиб, Билмасвойнинг ёнига ўтиганини ҳеч ким пайқамай қолди. У анча вақт қўлидаги ҳассага таяниб жимгина Олабола билан гаплашиб ўтирган Билмасвойга қараб-қараб қўйди.

Билмасвой ёнида биров ўтиганини тўсатдан сезиб қолди. У

секин мўралади-да, ўриндиқда ўтирган қорбобога ўхшаган узун мўйловли, оппоқ соқолли кичкинагина чолни кўрди. Унинг ба-шараси Билмасвойга танишдай туюлди. Билмасвой кўзини пастга югуртириб чолнинг оёғидаги боғич боғланган тумшуги ярим ойсимон қайрилган қизил чориқни кўрди.

«Эҳ, бу ахир сеҳргар-ку!»— деб бирдан эслаб қолди Билмасвой ва жуда севиниб кетиб:

— Ассаломалайкум! — деди.

— Ваалайкум ассалом! Ваалайкум ассалом! Ошнажон! — деб жилмайди сеҳргар,— мана биз тагин учрашдик. Қани, айт-чи, мени нима учун кўрмоқчи бўлдинг?

— Мен кўрмоқчи бўлибманми?

— Кўрмоқчимасмидинг ҳали? «Уша сеҳргарни учратиб қолсам борми, унга кўрсатиб қўярдим», деб айтувдинг-ку, ўзинг. Менга нимани кўрсатмоқчи эдинг?

Билмасвой роса хижолат бўлди. Бошини қуйи солди, ҳатто сеҳргарга қарашга ҳам қўрқди.

— Сизга сеҳрли таёқчани кўрсатмоқчи эдим,— деб ғўлдиради охири у.— Таёқча нима учундир бузилиб қолди, ҳеч қандай истакни бажаргиси келмаяпти.

— Эй, ҳали бунақами? — деди-да, сеҳргар Билмасвойдаги таёқчани олди.— Ҳа, ҳа, рост, бузилиб қолибди. кўряпман, ошнажон, батамом бузилибди. Ана холос! Ахир мен сенга айтувдим-ку, агарда учта ёмон иш қилгудай бўлсанг, унда сеҳрли таёқча ўз кучини йўқотади деб.

— Қачон айтувдингиз? — деб ҳайрон қолди Билмасвой.— Ҳа, рост, айтувдингиз. Бутунлай эсдан чиқарибман. Мен учта ёмон иш қилибманми?

— Учтамас, ўттиз учтасини қилгансан! — деди жаҳли чиққан Тугмачахон.

— Нима учундир, биттасини ҳам эслолмаяпман,— деди Билмасвой.

— Сенга эслатиб қуйишга тўғри келади,— деди сеҳргар.— Варақжонни эшакка айлантирган сен эмасмисан? Ёки бу, сенингча, яхши ишми?

— Лекин у пайтда жуда жаҳлим чиққан эди-да,— деди Билмасвой.

— Жаҳлинг чиққанмиди ё чиқмаганмиди — бунинг аҳамияти йўқ. Доим яхши иш қилиш керак. Ундан кейин сен учта эшакни митти болаларга айлантириб қўйдинг.

— Аммо мен, бунинг оқибатини билмаган эдим, ахир.

— Лозим бўлмаган ишни қилиш керак эмаслигини билмас экансан-да. Доим ўйлаб иш қилиш керак. Натижасини ўйламай қилган ишингдан талай кўнгилсизликлар келиб чиқди. Мана, сен энг охирида қафасдаги маймунга тегажоғлик қилдинг. Бу ҳам ёмон иш ҳисобланади.

— Ҳаммаси тўғри! — деб алам билан қўл силтади Билмасвой. — Доимо мана шундай бўлади: олдинига иш яхши кетади-да, охирига келиб юришмай қолади!

Билмасвой алам қилганидан йиғлаб юборай-йиғлаб юборай дерди.

— Сен йиғлама, Билмасвой. Ахир, сеҳрли таёқчасиз ҳам жуда яхши яшаш мумкин-ку. Сеҳрли таёқчадан кўра, офтоб чиқиб тургани яхши, — деди Олабола.

— Эй, қўзичоғим, бу гапни шундоқ яхши айтдингки! — деб кулди Олаболанинг бошини силаган сеҳргар. — Ахир офтобимиз, ростдан ҳам сахий ва жуда яхши. У барчага баробар, яъни кимда сеҳрли таёқча бору, кимда йўқлигига қарамай нур соча беради. Офтоб бизга нур беради, иситади ва кўнглимизни яйратади. Қуёш бўлмагандачи, на гуллар, на дарахтлар, на ям-яшил ўтлар ва на сиз билан биз бўлар эдик. Қуёш бизни овқатлантиради, сув беради, иситади, ҳар битта гиёҳ ҳам қуёшга интилади. Ер юзидаги ҳаётнинг бари қуёш туфайли. Шундай экан, нега биз офтоб чиққанидан хафа бўлишимиз керак экан? Шундай эмасми-а?

— Албатта, шундай, — унинг фикрига қўшилишди Тугмачахон билан Олабола.

— Шундай! — деб қўшиб қўйди Билмасвой ҳам.

## Ўттиз иккинчи боб

### ҚУЛҚОПЧАЛАР КУНИ

Улар анча вақтгача офтобда маза қилиб, хурсанд бўлиб ўтиришди, ҳеч ким ҳам сеҳрли таёқча учун ачинмади.

— Истакларни сеҳрли таёқчасиз амалга оширишнинг иложи йўқми сира? — деб сўради Билмасвой.

— Нега мумкин эмас экан? — деб жавоб берди сеҳргар, — яхши ва олижаноб истак бўлса, уни амалга ошириш мумкин.

— Менинг шундай каттакон истагим бор: Қуёш шаҳри биз келганда қандай яхши бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай яхши бўлса, Варақжон тагин митти бола бўлиб, эшаклар — эшаклигича қолса, яна бири, милиционер Ҳуштакжон касалхонадан чиқса.

— Бу истаклар жуда яхши, улар амалга ошади, албатта, — деб жавоб берди сеҳргар. — Тугмачахон, сенда ҳам бирорта истак борми? — деб сўради Тугмачахондан.

— Менинг истакларим ҳам Билмасвойникига ўхшаган, — деди Тугмачахон. — Агарда яна бирорта орзу айтиш мумкин бўлса, биз тезда Гулзор шаҳрига қайтсак, деб орзу қилардим. Нима учундир, уйга қайтгим келиб қолди...

— Бу ҳам амалга ошади,— деди сеҳргар.— Олабола, қани сенда қандай истак бор?

— Менинг истакларим жуда кўп,— деди Олабола.— Нақ учта истагим бор.

— Вой-бўй!— деди ҳайрон қолган сеҳргар,— қани, айт-чи.

— Энг биринчиси: Билмасвой озод қилиб юборган шер қаерда ва у бизни ейдими ё емайди, шуни билишни истайман!

— Истагингни бажариш қийин эмас,— деб жавоб берди саҳргар.— Шер ўзининг қафасида ётибди. Кечаси сизлар қочиб кетгандан кейин қоровул келиб қафасни ёпиб қўйган. Шер чиқиб кетишга улгуролмаган. Шер ҳеч кимни еб қўймайди, хавотир олмасанг ҳам бўлади.

— Бу яхши,— деди Олабола.— Иккинчи истагим: Тахтавой билан Биновойни милиционер нима қилганига жуда қизиқиб қолдим. Иккаласини милиционер бошлаб кетганини кўрган эдик-да.

— Бунга жавоб бериш оппа-осон,— деди сеҳргар,— милиционер Тахтавойнинг машинасини тузатишга ёрдам берди, улар ҳеч қандай ёмон иш қилишмагани учун милиционер Биновой билан Тахтавойни қўйиб юборди.

— Учинчи истагим мана бунақа,— деди Олабола,— ҳеч ювинмасанг-у, аммо доим топ-тоза бўлиб юрсанг.

— Ҳм!— деди эсанкираб сеҳргар.— Буни-чи, чирогим, амалга ошириш қийинроқ. Ҳарқолда, бу қўлимдан келмаса керак. Лекин истасанг, шундай қилишим мумкин: ювиниб бўлган захотинг ўзингни жуда енгил сеза бошлайсан. Агарда вақтида ювинишни эсингдан чиқариб қўйсанг, башарангдаги кирлар юзингни чимчилаётгандай, нина санчаётгандай бўлади, унда сен секин-аста ўз вақтида ювинишга кўникиб қоласан. Бу ҳатто сенга ёқа бошлайди, ювинсанг, маза қиласан. Бу маъқулми, қани, нима дейсан?

— Жуда маъқул,— деди Олабола.

— Ҳа, ундоқ бўлса, яхши.

Бу орада йўлдан келаётган учта эшак кўринди, аниқроқ айтганда, иккита эшак кўринди, чунки учинчиси эшак бўлмай, хачир эди. Улар думларини тез-тез ликиллатиб, туёқларини аста-секин шиқиллатиб, қулоқларини қимирлатиб олдинма-кейин йўрғалашарди. Уларнинг кетидан оқ рўмолча ўраб олган фаррош келарди.

— Эҳ, қочоқлар! Саёқлар! Бевошлар!— деб жаврарди фаррош қўлидаги хивчинни ўқталиб.— Шунча вақт қаёққа йўқолиб кетувдиларинг? Қаёқда санқиб юрдиларинг! Барига шу Човкар сабабчи-да! Ҳей, сени биламан, қароқчи! Узингни ҳеч нима билмасликка солма! Сен бош бўлгансан-да! Биринчи сен қочгансан, сенинг кетингдан Пастак ва Шаталоқ эргашган. Сенсиз улар бунчаликка боришмасди.

Шаталоқ билан Пастакнинг кетидан келаётган Човкар гап ўзи ҳақида бораётганига тушунгандай кўринарди. У бошини қуйи солиб, кўзини пирпиратарди.

— Сен уятсиз, кўзингни пирпиратма! — деб койиди фаррош. — Нуқул ўзини ҳеч нима тушунмаганга солади-я. Барини тушунасан, мен биламан! Узоққа кетиб қоламиз деб ўйловдиларингми? Йўқ, ҳеч қаёққа қочиб кетолмайсизлар!

Ғовнинг олдига келган фаррош эшикчани очди-да, учала қоқни ғовнинг ичига ҳайдади.

— Кўряпсанми, Билмасвой, истакларинг амалга ошмоқда. Учаласи ўз жойига қайтиб келишди, — деди сеҳргар. — Қани энди, юрайлик-чи, эҳтимол, тагин бирорта ҳодисани кўриб қолармиз.

Сеҳргар ўриндикдан туриб, ҳайвонот боғи томон йўл олди. Билмасвой, Олабола ва Тугмачахон ҳам ирғиб ўринларидан туриб, унинг кетидан кетишди. Ҳайвонот боғидан чиққач, кўчада ўткинчилар кўпайиб қолганини кўришди. Гўё бугун ҳеч ким уйда қолишни истамай, кўчага чиққанга ўхшарди. Ҳамма жойда мусиқа, қўшиқ янграр ва қувноқ овозлар, ўйин-кулги эшитиларди.

Саёҳатчиларимиз чорраҳага келишгач, бурчақдаги уйнинг олдида бир тўда миттиларни кўриб қолишди. Уйнинг томида катта-катта сават кўтарган бир қанча миттивойлар ва миттиойлар туришарди. Улар саватчадан нималарнидир олишар ва чангаллаб тўданинг ўртасига ташлашарди. Билмасвой ва унинг ҳамроҳлари яқин келиб, тепадан қўлқопчалар тушаётганини кўришди. Бу қўлқопчалар қизил, кўк, оқ, яшил, пушти — ҳар хил рангда эди. Пастда турганлар қўлқоплар тушаётганда илиб олишарди-да, қўлларига кийишарди. Шу ернинг ўзидаёқ, бир хил рангда бўлсин деб, қўлқопларни ўзаро алмаштиришарди.

— Бу қанақаси? Қўлқопчаларни нега ташлашяпти? — деб сўради Тугмачахон.

— Бугун қўлқопчалар куни, бошқача қилиб айтганда, қуёш биродарлиги байрами дейилади, — деди сеҳргар, — шу куни ҳаммаёқда қўлқопчалар сочишади. Ҳамма қўлқопчаларни олади-да, ўзаро алмаштиради. Уни алмаштирганлар қуёш биродарлари бўладилар.

— Нима учун биродарлар дейишади? — деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

— Ҳа, шундай одат-да. Қуёш шаҳрида ҳар йили қўлқопчалар куни ўтказилади, шунинг учун ҳар йили бу ерда қуёш биродарлари кўпайгани-кўпайган. Тезда Қуёш шаҳрида ҳамма қуёш биродарлари бўлиб қолади.

Сеҳргар кейинги қайрилишда тўсатдан тўхтаб секингина:

— Қаранглар-а! — деди.

Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола тўхташди. Уларнинг шундоқ олдиларида йўлкада бир қизалоқ билан бир митти бола



турарди. Улар қўл ушлашиб, атрофдаги ҳеч кимни пайқамай, бир-биридан кўзини узмай тикилиб туришарди.

— Бу ким? — деб сўради Тугмачахон.

— Наҳотки танимасаларинг? Булар Варақжон билан Ҳарфхон-ку, — деди сеҳргар.

— Эй, бу Варақжон-ку! — деб қичқириб юборди Билмасвой. — Демак, у миттига айланибди-да! Уни танияпман.

— Жоним Варақжон! — деди шу пайт Ҳарфхон. — Топилганиндан шундоқ хурсандманки! Сени шундай соғиндим, шундай йиғладимки!..

— Қўявер, Ҳарфхон, энди биз доим бирга бўламиз, сира ажралмаймиз, — деб юпатди уни Варақжон.

— Шунча вақт қаёқда қолиб кетдинг! Қани, айтиб бер-чи.

— Мен-чи, қадрдоним, циркда эдим. Агар сен билганингда борми, у ер шундоқ қизиқ ва қувончли эдики, асло қўявер! Кундузлари машқ, кечқурунлари эса томоша. Ҳар куни ва ҳатто якшанба кунлари ҳам шунақа эди.

— Шундай хафа эдимки, ҳатто циркка боришни ҳам истамасдим, — деди Ҳарфхон. — Агарда циркда эканингни билганимда ўша заҳоти югурган бўлардим. Нега хабар бермадинг?

— Ҳафа бўлма, Ҳарфхон! Мен шунчаки эшак бўлиб қолган эдим, — деди Варақжон.

Шу пайтда тепадан нимадир сочилди, бир тўда миттилар томдан тушган қўлқопчаларни олишга югуришди. Билмасвой, Тугмачахон ва Олаболанинг сал бўлмаса оёғи синаёзди. Тўдадан зўрға чиқишди, лекин улар ҳам бир жуфтдан қўлқоп олишга улгуришди. Четроққа чиқиб, ўз ўлжаларини текшира бошлашди. Билмасвойга — жигарранг ва новвотранги тегиб қолди. Тугмачахонга — сариқ ва пуштиси, Олаболага эса — кўк ва оқи учрабди.

— Чатоқ бўлди-ку! — деди Тугмачахон. — Барча қўлқоплар ҳар хил экан, ҳатто биз бир-биримиз билан ҳам алмаштира олмаимиз.

Бу ерга бир қанча миттилар югуриб келиб, қўлқопчаларини алмаштира бошлашди. Битта митти Билмасвойнинг қўлидаги новвотранг қўлқопни олиб, ўрнига яшилини тутқазди, бошқаси келиб, унинг қўлидаги жигаррангини тортиб олиб, ўрнига ҳаворангини берди, ўша заҳоти битта миттиой кела солиб, ҳаворангни қизилга алмаштириб кетди.

— Мана! — деб севинди Билмасвой. — Энди менинг бирданга иккита қуёш биродарим бор, биттаси сингилча!

Тугмачахон билан ҳам иккита митти бола қўлқоп алмаштиришди, унга сариқ ва пушти қўлқопча ўрнига кўк ва яшил қўлқопча тутқизди. Олабола хафа бўлиб қолди, чунки ҳеч ким у билан алмаштиришни истамади.

Билмасвой шу пайт уларга томон келаётган милиционерни кўриб қолди. У янги ялтироқ мис қалпоқ кийиб олган эди. Унга тикилиб турган Билмасвой, унинг Ҳуштакжон эканини билиб

қолди. Ҳайратда қолганидан Билмасвойнинг оғзи очилиб қолди. Ҳуштакжон бўлса, Билмасвойнинг бошидан-оёғигача тикилиб тўппа-тўғри унга томон келарди. Ҳуштакжон Билмасвойга, айниқса, унинг сариқ шимига тикилаётгандай туюлди. Қўрққанидан Билмасвойнинг ҳаммаёғи музлаб кетди. У орқасига қарамай қочишга шайланди, аммо милиционер шу орада қўлидаги оқ ва қизил қўлқопчага қаради-да, дарров Олаболанинг олдига келди, унинг қўлидаги оқ қўлқопчани ечиб олди, ўрнига ўзининг қизил қўлқопчасини кийдириб қўйди. Энди Ҳуштакжоннинг қўлидаги қўлқопининг иккаласи ҳам оппоқ бўлди. У шошмасдан қўлқопини тузатиб кийиб олди, кейин қўлини чаккасига келтириб честь берди, мамнун бўлиб жилмайди ва ўз йўлига жўнади.

— Мана энди, барча истакларингиз амалга ошганига ишонч ҳосил қилдингиз, — деди сеҳргар узун соқолини қўли билан силкиб. — Эшаклар ҳайвонот боғига қайтишди, Варақжон Ҳарфхоннинг ёнига борди, милиционер Ҳуштакжон бўлса, касалхонадан чиқди. Фақат энди сизни уйингизга жўнатиш қолди.

— Енгилтак безорилар нима бўлади? — деб сўради Билмасвой. — Миттиларни хафа қилмасликлари учун, эҳтимол, бирор илож қилиб бўлар?

— Хавотир бўлма, — деди сеҳргар. — Мен сеҳрли китоб ёзганман, унда сизнинг бошингиздан кечган воқеаларнинг барчаси тасвирланган. Бу жуда ўрناق бўладиган воқеа. Буни ўқиган ҳар бир енгилтак ўз қилиқларини эшакдан ўрганганини билиб, уялади. Сўнгра ҳеч кимга енгилтакларча тақлид қилмай қўяди.

— Борди-ю, китоб бйрортасига таъсир қилмаса, нима бўлади? — деб сўради Олабола.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди сеҳргар. — Миттиларга китоб доим таъсир қилади. У фақат асли эшак бўлган енгилтакларга таъсир қилмайди, холос.

Саёҳатчилар суҳбатлашиб автомобиллар турган майдонга бориб қолишди. Майдонда шаҳардан ташқарига қатнайдиган ўттизтача автомобиль турганди.

— Қуёш шаҳрида бугундан бошлаб шаҳардан ташқарига қатнайдиган автомат такси станцияси ишга туширилди. Олдин автомат таксилар, фақат шаҳар ичида юарди, маршрутли таксида хоҳлаган томонга бориш мумкин, — деди сеҳргар.

Сеҳргар охириги машинага бориб орқа томонидаги радиатори бор жойдаги тирқишига қўл солди-да, ундан картонга ёзилган жадвал олди. Картонда миттилар мамлакатининг харитаси босилган эди. У ердан Гулзор шаҳрини излаб топди. Қуёш шаҳридан Гулзор шаҳрига борадиган йўлнинг устидан чизиб, картонни тағин жойига солиб қўйди ва:

— Энди ўтиринглар, — деди. — Асбоблар турадиган жойдаги тугмачани босиб юборсаларингиз бўлди, машина керак жойга ўзи олиб бориб қўяди. Агар йўлда тўхташни истасаларинг, ўша

тугмачани босинглар. Яна юрмоқчи бўлсаларинг, тагин ўша тугмачани босасизлар. Машинани мана шундай ҳайдаш керак.

— Бу нима, сеҳрли машинами? — деб сўради Олабола.

— Йўқ, бу оддий маршрутли такси. Кўрдингизми, сиз юрадиган йўл маршрутини картонга чизиб қўйдим. Автомобилда электрон ускуна бўлиб, бу машинани чизилган йўл бўйлаб автоматик усулда бошқараверади. Сизни олиб бориб қўйгач, автомобиль шу йўл билан ўзи қайтиб келаверади.

Билмасвой, Тугмачахон ва Олабола автомобиль ичига кириб, юшоқ курсига қатор ўтириб олишди. Сеҳргар машинанинг эшикчасини ёпиб қўйди ва қўлини силкиб хайрлашди. Билмасвой машинадаги тугмачани босди. Машина қўзғалди. Саёҳатчилар орқаларига қараб сеҳргар билан қўл силкиб хайрлашдилар. Сеҳргар ҳам қўлини силкитди. Унинг узун соқоли бўлса шамолда ҳилпирарди. Олаболага сеҳргар соқолини силкитиб хайрлашаётгандай бўлди.

— Қаранглар, соқолини силкитиб хайрлашяпти, — деди Олабола хохолаб кулиб.

— Сеҳргардан кулиш уят! — деди жиддий қилиб Тугмачахон. — Ҳеч ким соқолини силкита олмайди.

Машина майдонни айлангач, муюлишдан бурилди, сеҳргар бўлса, кўринмай қолди.

## *Ўттиз учинчи боб*

### **БИЛМАСВОЙ, ТУГМАЧАХОН ВА ОЛАБОЛАЛАР ҚУЁШ БИРОДАРЛАРИ БУЛИШГАНИ.**

Ярим соатдан кейин машина шаҳардан чиқиб, дала бўйлаб кета бошлади. Билмасвой ва унинг ҳамроҳлари Қуёш шаҳридан кетишаётганига ачинишди. Улар сўнгги маротаба орқага қараб, ботаётган қуёшни кўришди. У каттакон ва қизил бўлиб, ярни ернинг четига бекинган эди. Қуёш шаҳри ҳануз олисдан кўзга ташланиб турарди. Уйларнинг қорамтир шакллари товланаётган қуёш гардишида акс этди. Қуёш шаҳрини сўнгги бор-шу ҳолатда кўришди. Қуёш уфқдан пастга тушиб кетди-да, шаҳар олисдаги туман орасидан эрингандай ғойиб бўлди.

Саёҳатчилар яхши жойлашиб, маза қилиб ўтириб олишди, кейин бир кун ичида бўлиб ўтган воқеаларни эслай бошлашди.

— Шу бугуннинг ўзида ҳаммани: яъни эшакларни, Варақжонни ва милиционер Ҳуштакжонни учратганимиз роса ҳайрон қоладиган қизиқ иш бўлди-да! Энди ҳаммасидан кўнглим тинчиди, — деди Билмасвой.

— Ҳайрон қоладиган нарса топибсан жуда! — деди Олабола. — Ҳеч кимни учрата олмаганимизда, ана унда ҳайрон қолсанг бўларди. Буларнинг бари сеҳргарлик эди-да, ахир.

— Биновой билан учраша олмаганимиз чатоқ бўлди, у билан Тарвузийнинг уйига боролмадик-да,— деди Тугмачахон.

— Яхши бўлмади,— деб маъқуллади Билмасвой.— Мен ҳаммадан инженер Тахтавой, Ойгулхон ва Шўртангхонлар билан Фан шаҳарчасига бормаганимга кўпроқ ачинаман. Эҳтимол, у ерда кўпгина қизик нарсаларни кўрган бўлардик.

— Кўрмоқчи бўлган жойларимизга боролмаганимиз, албатта, ёмон,— деди Тугмачахон.— Лекин агар Қуёш шаҳридан афсус ва ўкинчсиз кетсак янада ёмонроқ бўларди. Чунки яхши нарсаларни доим ўкинч билан эслайди киши. Бироқ биз, Қуёш шаҳрида биродарларимиз борлигидан хурсанд бўлишимиз керак.

— Ҳа, мен жуда хурсандман,— деди Олабола.— Менинг биродарим милиционер, Билмасвой билан сен ҳатто Қуёш шаҳридаги биродарларингиз кимлигини ҳам билмайсизлар

— Ҳа, нима қилибди,— деди Тугмачахон.— Бари бир мен уларнинг борлигига суюнаман, доимо уларни яхши кўраман. Кимни танисанг, фақат ўшанга яхши муносабатда бўлиш зарур деб ўйлайсан-да! Қуёш шаҳридаги биродарларим — яхши митилар, мана шунинг ўзи етарли.

Тугмачахон Қуёш шаҳридаги биродарларини эслаши билан ҳамма ўз қўлқопчасига қаради. Билмасвойнинг бир қўлидаги қўлқопчаси яшил, иккинчи қўлидагиси қизил, Тугмачахоннинг битта қўлқопчаси яшил, иккинчиси кўкиш бўлиб, Олаболаники кўкиш ва қизил қўлқопчалар эди.

— Қаранглар!— деди бирдан Тугмачахон.— Энди биз ҳам ўз қўлқопчаларимизни алмашгирсак бўлади. Олабола қизил қўлқопчасини Билмасвойга берса-чи, Билмасвойда иккита қизил қўлқопча бўлади. Билмасвой ўзининг яшил қўлқопчасини менга берса, менда иккита яшил қўлқопча бўлади, кейин мен кўкиш қўлқопчамни Олаболага бераман-да, унда ҳам иккита кўкиш қўлқопча бўлади.

Улар дарров қўлқопчаларини алмаштиришди-да, бир-бирларига мос тушганини кўриб, роса кулишди. Шунда бирам кўнгиллари очилиб севиниб кетишдики, ҳеч қачон бунақа бўлмаганди. Улар бир-бирларининг пинжига кириб, анчагина индамай ўтиришди. Охирида Тугмачахон:

— Келинглаб, дўстлар, уйимизга борганимизда биз ҳам қўлқопча тикиб тарқатамиз,— деди.— Бизнинг шаҳримизда ҳам қуёш биродарлари бўлсин. Қуёш биродарлари бўлиш қандай яхши!

Бу орада кеч тушди. Ловиллаган шафақдан қизарган булутлар аста-секин қора тусга кирди. Осмонда бирин-кетин юлдузлар кўрина бошлади. Олаболанинг уйқуси келиб қолди. Калласи ёнига қийшайиб, гавдаси аста-секин бир ёққа оға бошлади. У гавдасини ушлаб туролмай, бурни билан ёнида ўтирган Билмасвойни чўқигандай унга тиралди. Кейин уйғониб калласини кўтарди.

— Бу нимаси? Нега мудраяпсан?— деб сўради Билмасвой.  
— Йўқ, мен шунчаки ҳазиллашяпман,— деди Олабола.

Ниҳоят, Олабола ёнбошга ағдарилиб, қаттиқ ухлаб қолди. Билмасвой билан Тугмачахон уни юмшоқ курсига қулай қилиб суяб қўйишди ва:

— Майли, ухлай қолсин,— дейишди.

Улар ўзларининг ҳам ухлаб қолишганини пайқашмади. Бир маҳал уйғониб қарашса, машина кўча ўртасида тўхтаб қолибди. Ўрмон устидан кўтарилаётган қуёш юзларини ёритиб турарди.

— Қойил! Бир ерга келиб қолибмиз...— деди Билмасвой машина эшикчасини очиб чиқар экан.

Тугмачахон ҳам машинадан тушиб, атрофга аланглади.

— Қаергалиги аниқ,— деди у.— Гулзор шаҳрига келибмиз-ку, ахир!

— Ҳа, рост!— қичқириб юборди Билмасвой.— Қаердан жўнаган бўлсак, худди ўша жойга келибмиз. Эй, Олабола! Тур ўрнингдан, етиб келдик.

Олабола уйғониб, машинадан тушди.

— Дарров етиб келганимиз жуда қизиқ бўлибди-да,— деди у ва оғзини карнайдай очиб эснади, қўли билан кўзини ишқалади.

— Дарров етиб келганмишимиз! Ўзинг тунбўйи ухладинг-ку, ахир. Мана энди эрталаб бўлди,— деди Билмасвой.

— Ундай бўлса, қизиқ жойи йўқ экан!— деди Олабола.— Мен уйга кетдим бўлмас.

У кўкиш қўлқопли қўлини орқасига қилиб, уйига жўнаб қолди.

Билмасвой машина эшигини ёпди. Машина ўзидан-ўзи айланди-да, келган томонга қайтиб кетди. Билмасвой билан Тугмачахон машинанинг изидан қараб туришди, кейин кўча бўйлаб юриб кетишди. Улар жонажон Гулзор шаҳрига қайтиб келишганларидан жуда хурсанд бўлишди, шаҳарни айлангилари келди. Юриб Бодринг дарёси бўйига чиқишди. Улар келгунча бодринглар шунақанги ўсиб кетибдики, палаги орасида ўрмондагидай адашиб қолиш мумкин эди.

Билмасвой билан Тугмачахон ўрмон ҳам, дарё ҳам, дарё устига қурилган кўприк ҳам ва ҳатто бутун Гулзор шаҳри ҳам яққол кўриниб турадиган қирғоққа келиб тўхташди. Эрталабки қуёш заррин нурларини томлар устига сочган, томлар ўз-ўзидан қизғиш-сарик рангда ярақлаётганга ўхшарди.

— Гулзор шаҳримиз ҳам жуда соз-да!— деди бу манзарага маҳлиё бўлган Билмасвой.— Қуёш шаҳридагига ўхшаган бизда ҳам катта ва чиройли бинолар қурилса борми, бундан ҳам яхши бўларди.

— Ҳо, яна нималарни истайсан?— деб кулди Тугмачахон.

— Бизда ҳам боғлар, театрлар ва қувноқ шаҳарчалар бўлса

эди! Кўчаларда автомобиллар, автобуслар ва атом автостулчалар юрса эди,— деб орзу қила бошлади Билмасвой.

— Лекин буларни қуриш учун Қуёш шаҳрининг аҳолиси меҳнат қилишган-да, ахир,— деди Тугмачахон.— Ҳеч бир нарса ўздан-ўзи бўлавермайди.

— Бизлар ҳам меҳнат қила оламиз-ку,— деди Билмасвой.— Агарда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишласа, анча иш қилса бўлади. Мана, қарагин-а, барчамиз бир ҳаракат қилиб, дарёга кўприк қурдик, битта митти бола буни қура олармиди? Аттанг, сеҳрли таёқчамиз йўқ-да! Сеҳрли таёқча бўлганда, қўлингни шундоқ силкирдиг-у, бутун шаҳар Қуёш шаҳри бўлиб қоларди.

— Билмасвой, сенга-чи, зиғирча ҳам ақл кирмабди. Доим сеҳрли таёқчани орзу қиласан, амаллаб меҳнатсиз яшаш учун ҳамма нарса сеҳрнинг амри билан қилинишини истайсан. Мен бўлсам, сеҳрли таёқча учун хиёл ҳам ачинмайман. Сеҳрли таёқча қудратли куч, лекин бу сеҳрли куч сенга ўхшаган унчалик ақлли бўлмаган митти боланинг қўлига тушиб қолгундай бўлса, фойда ўрнига нуқул зарар етади. Сенинг ўрнингда бўлсам-чи, сеҳрли таёқча эмас, озгина ақл истаган бўлардим.

— Тугмачахон, ахир сеҳрли таёқчага ачинаётганим йўқ-ку! Уйлаб кўрсам, ўзинг ачинаётганга ўхшайсан. Нега бўлмаса, менга таъна қиласан?

— Чунки сенинг яхши бола бўлишингни хоҳлайман-да.

— Қанақасига?— деб қолди Билмасвой.— Яхши бола бўлишимни сен ҳам хоҳлайсанми?

— Ҳа, тагин ким хоҳларди бўлмаса?

— Битта дўстим бор-да, бу ерда,— деб қўл силтади Билмасвой.

— Дўстим?— деб ҳайрон қолди Тугмачахон.— Тагин қанақа дўстинг бор экан?

— Сенга ўхшаган у ҳам менга таъна қилади. Яхши бўлишингни хоҳлайман, дейди.

— У билан кўпдан бери дўстмисан?

— Кўпдан бери.

Тугмачахон аразлагандек лабини чўчайтирди-да, Билмасвойга тескари қараб олди.

— Қанақанги ёмон боласан-а, Билмасвой. Сир яширасан. Сен билан шунча вақт дўст бўлиб юрдик-ку, мендан бўлак дўстинг борлигини ҳеч қачон гапирмадинг-а! Дўстлашавер, марҳамат. Мен қарши бўлармидим? Ҳеч қарши бўлмайман. Аммо нега менга айтмадинг?

— Нимасини ҳам айтардим? Унчалик дўстлашганим йўқ. Унинг ўзи менга ёпишиб олди-да.

— Вой, алдама, алдама, Билмасвой!— деб бармоғи билан пўписа қилди Тугмачахон.— Яхшиси, айта қолгин, унинг исми нима?

— Кимнинг?

— Ҳа, сенинг дўстингни-да.

— Ҳаҳ, унинг исмими?.. Унинг исми — виждон.

— Қанақа виждон? — деб ҳайрон бўлди Тугмачахон. — Ҳаҳ виждон, дегин!

Тугмачахон хохолаб кулди, кейин Билмасвойнинг елкасига қўлини ташлаб турди-да, унинг кўзига тикка қараб:

— Сен шунақанги ғалатисанки, Билмасвой! — деди. — Ғалати бўлсанг ҳам, ҳарҳолда яхшисан. Эҳтимол, ўзингнинг яхши эканингни ҳам билмасанг керак ҳатто!

— Йўғ-эй, қанақасига яхши бўлардим! Эҳтимол, фақат сенга шундай туюлса керак-да, — деди уялиб кетган Билмасвой.

— Нима учун фақат менга шунақа туюлар экан? — деди Тугмачахон.

— Ҳа, шу... — деди довдираб Билмасвой. — Эҳтимол, мени севиб қолгандирсан-да, шу...

— Нима? Менми? Севиб қолибманми? — деди жаҳли чиқиб Тугмачахон.

— Ҳа, шу гапнинг нимаси бор экан? — деб елкасини қисди Билмасвой.

— Қанақасига ҳеч нимаси бўлмас экан? Вой, сени, вой, сени... — Аччиғи чиққандан Тугмачахон гапини давом эттиролмади, индамасдан қалтираб, муштини маҳкам қисди. — Энди орамиздаги ҳамма нарса тамом бўлди! Ҳамма-ҳаммаси! Шуни билиб қўйгин!

У ўгирилиб, жўнаб қолди. Кейин тўхтади-да, Билмасвойга кеккайиб қараб:

— Тиржайган башарангни кўргани кўзим йўқ! Ҳа, шунақа! — деди.

Кейин узоқлаб батамом кўринмай кетди. Билмасвой бўлса, елкасини қисганча қолаверди.

— Буни қара-я, буёғи ғалати бўлди-ю! Нимаям дебман ўзи? — деди довдираб ва кейин у ҳам уйига қараб кетди.

Билмасвойнинг Қуёш шаҳрига қилган саёҳати ана шундай тамом бўлди.

Кичик ёшдаги мактаб болалари учун

*На узбекском языке*

НИКОЛАЙ НИКОЛАЕВИЧ НОСОВ  
ПРИКЛЮЧЕНИЯ НЕЗНАЙКИ И ЕГО ДРУЗЕЙ  
НЕЗНАЙКА В СОЛНЕЧНОМ ГОРОДЕ

Роман-сказка

Перевод с разных изданий

Тақризчи *Р. Барахоев*

Редактор *М. Кенжабоев*

Рассом *М. Соркин*

Расмлар редактори *М. Карпузас*

Техн. редактор *В. Барсукова*


Корректор *Ш. Мухитдинова*

ИБ № 3303

Босмахонага берилди 09.09.86. Босишга рухсат этилди 07.08.87.  
Формати 60x90/16. Босмахона қоғози №2. Банниковская гар-  
нитураси. Офсет босма. Шартли босма л. 19,0 + 0,375 вкл.  
Шартаи кр. - оттиск 20,25. Нашр л. 22,36 + 0,3 вкл. Тиражи  
60000. Заказ 1950. Баҳоси 1 с. 10 т. Шартнона 264 85.

Ғафур Ғудом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 7000129.  
Тошкент Навоий кўчаси 30.

Ҳарф териш ва верстка ишлари Львов шаҳридаги УНИМПП  
томонидан ишлаб чиқарилган АККОРД текстни қайта ишлаш  
автоматик системаси ёрдамида амалга оширилди.

Ўзбекистон  нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш  
бирлашмасининг Бош қорхонаси. Тошкент — 700129. Навоий  
кўчаси 30.